



ТЕМУРИЙЛАР  
ЭПОПЕЯСИ

Нурали  
ҚОБУЛ

Уз 216  
К 52

ҚИСМАТ  
ҚИЛИЧИ

ТАРИХИЙ РОМАН

IX

**Kitob shu yerda ko'rsatilgan muddatdan  
kechiktirilmagan holda topshirilishi shart**


**ilgarigi berilmalar miqdori \_\_\_\_\_**

--	--

НУРАЛИ ҚОБУЛ

# ҚИСМАТ ҚИЛИЧИ

*Тарихий роман*



Тошкент  
"IJOD-PRESS"  
2017

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

Қ-52

Қобул, Нурали

Қисмат қиличи: тарихий роман / Н. Қобул. – Тошкент: «IJOD-PRESS», 2017. – 464 б.

УЎК: 821.512.133-31

КБК: 84(5Ў)6

*«Қисмат қиличи» романи Нурали Қобулнинг кўп жилдли тарихий-бадиий эпопеясининг тўққизинчи китобидир. Улуғ хоқон Амир Темурнинг беҳос қайтиши, Турон салтанатидаги буюк куч ва қудратни ларзага келтирди, парчалади. Ҳиротда Шоҳрухмирзо, Самарқандда Халил Султон, Балхда эса бобоси васиятига кўра валиаҳд эълон этилган Пирмуҳаммад, бу орада тахт сари от қўйган Султон Ҳусайн мирзолар ўртасида очиқ-пинҳона кураш бошланди.*

*Давлат бошга қўнмаса, лошга қўнади. Сиз романда салтанат учун олиб борилган қон-қардошлар курашини, қисмат қиличи қай бир шаҳзода бошига тушажагининг фалсафий ечимини мушоҳада этасиз.*

### **Тақризчилар:**

**Тоҳир ҚАҲҲОР** – Филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

**Рашид ХОЛМУРОДОВ** – Тарих фанлари номзоди, доцент

**Ғулом ФАТҲИДДИН** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

ISBN: 978-9943-994-49-2

© "IJOD-PRESS" нашриёти, 2017

## БИРИНЧИ БОБ

*Киши узоқни ўйламаса, яқиндаги бахтсизликка учрайди.*

### КОНФУЦИЙ

Ўн чоғли суворий билан Жайхундан ўтиб, Термиз йўлига тушган амир Ҳамза Оқбуғанинг кўйнидаги зарфли мактубда ушбу сатрлар битилган эди:

*“Жон-жигар фарзандим, қардошим, биродарим ўрнида жондан-да ширинроқ ва кўз нуридан азизроқ шаҳзодаий олийнажот авлодим! Бошимизга тушган мусибатни тасвирламоққа сўзу тил ожиздир! Бу айрилиқни битмакда қалам, ёзмоқда қоғоз ағлайдир!*

*Улуғ жаҳонгир падари бузрукворимизни абадиятга йўлчи этдик! Ота-она қайтиши мерос дейдилар! Иложимиз йўқ. Оллоҳ ҳукмига исён эта олмасмиз! Ҳар замон бўлгани каби тақдир панжаси унинг тақдири тилсимига йўл бермади. Оллоҳ раҳматига қовушган қиблагоҳимиз нур ичида ётсинлар!*

*Отамиздан қолган мулки давлат, хазина-ю сарват барчамизга етиб ортгувсидир! Хазина, мамлакат ва лашкар борасида ҳеч нарсани сен каби амирзодадан дариғ тутмагайман.*

*Билганинг каби менинг ёшим улуғ, сендан бир қанча кўйлакни кўп йиртганман. Биз сен ила эту тирноқ каби-миз ва ҳеч бир замон қиблагоҳ руҳи хотирасини оёқ ости қилиб, бир-биримизга қилич ўқталмагаймиз.*

*Ҳокимиятни тасарруф этмоқ тўра-ю тузуғи, давлат ахлоқи ва тарбияси хусусида тажрибам кўпроқлиги боис сенга мурожаат этмоқдаман.*

*Сен ва атрофингдаги бекларнинг биргалашиб, Самарқанд тахтини эгасиз қолдирмаслик ҳаракатини тўғри тушундим. Улар масофа олислиғи ва фитна-ю офат*

## Нурали ҚОБУЛ

---

қўрқуви сабабли иттифоқлашиб, шу қарорга келганлар ва бу кўнуда ҳеч бирингизга иддао этмагайман.

Энди эса маслаҳатимиз шул турур. Сен тўла зийралик, ойдин фикр ва самимий кўнгил-ла ҳузуримизга ташриф буюр. Баробар маслаҳатлашиб, неники маъқул топсак, шунга аҳду иттифоқ тузиб, амал қилайлик.

Кимса кимсадан домангир бўлмасин. Эрта кунда яратган эгам биримизнинг юзимизни иккинчи биримиз олдида қора этмасин! Оллоҳ ёру ёрдамчинг бўлсин! Ҳар замон йўлинг у юзинг оқ бўлсин”.

Қўшин Тўққизрабат манзилига етиб келган, Ҳиротга боғлиқ ўлкаларнинг чериклари бирин-кетин асосий ўрдуга келиб қўшилар эди.

Подшоҳ саропардасида машварат давом этарди.

– Бодғис лашкари кечикмоқда. Сиз бугуноқ ул томон юриб, черик тўплашни ташкил этмоғингиз лозим, – деди подшоҳ амир Абдусамадга қараб. – Хизрхожа ва Шайх Ҳасан қавчинни Самарқанд томон йўлласин. Амир Ферузшоҳни Ҳирот шахрининг девор ва иншоотларини тиклаш ишига жалб этажакмиз.

Олий ўрду Андхуддан ўтиб, Жайхун соҳилига етган эди. Қурувчи қисм дарёга кўприк боғламоққа киришди.

Шоҳруҳмирзо саропарда саҳнида ўтирганча кўприкчилар ишини кузатарди. Кўприк битгач, шимолий қирғоқдан жануб томон ўтган илк одам амир Шоҳмалик бўлди. Шоҳмалик оталиқ елкалари силкинганча йиғлаб келарди. Улар кўз ёши тўкканча анча муддат бир-бирларини бағриларига босиб турдилар.

Қиблагоҳининг садоқатли сафдоши, бош фарзанди Мирзо Улуғбекнинг оталиғи амир Шоҳмалик ила соғу саломат дийдорлашмоқ хайри аломат эди.

Амир Шоҳмаликнинг ҳорғин қиёфасидаги ташвишу таҳлика сояси амирзоданинг ота юртида содир бўлаётган

ғайритабий воқеа ва ҳодисалар акс садоси ўлароқ сезилиб турар, бундан кейинги ҳаёт оқими улуғ ҳоқон давридагидек кечмаслигидан далолат берарди.

Бошкенту Бухоро воқеалари тафсилотини батафсил сўзлаган амир Шоҳмалик подшоҳ беражак амрни бекларди.

– Бизга етган хабарга кўра фарзандимиз Халил Султондан элчи келмоқда экан. Элчиларни беклаб, бир муддат шу манзилда турмоққа тўғри келади. Шундан сўнг қарор берамиз, – деди Шоҳруҳмирзо дарёга солинган кўприқдан ўтиб-қайтаётганларни кузатар экан. – Амирзода билан муроса йўлини танладик. Бу хусусда сизнинг фикрингиз ҳам муҳимдир, – тажрибали амирга савол назари билан боқди.

– Айни фурсатда, қолаверса, мулки миллат осойишталиги учун ғоят муҳимдир бу англашув. Бироқ, амирзода ҳали ёш. Атрофида ақл ўргатувчилар сон мингта. Бунинг устига тизгини бир тамға канизакнинг қўлида эмиш. У не қадар сидқи садоқат-ла сизга сўз бериб меҳри оқибат изҳор этмасин, эрта бир куни фикри қарорини ўзгартириши мумкин. Зотан, амирзода қилган ишни ҳеч ким афв этмайди ва сизни ҳам кечирмайди дея ўйлайди. Шул боис сулҳу англашмага борган ҳолда ҳар қандай фавқулодда ҳолатта ҳозир бўлмоқ мажбуриятидамиз, султоним. Тожу тахт даъвоси ота ила болани айирган, бир-бирини хунига зомин этгандир. Ожиз фикримча, ҳар замон энг сўнги чорани қўлламоққа тайёр турмоқ керакка ўхшайди. Бизни не қадар лақиллатиб, мактуб битиб бошимизни қотирганларини ва қандай қочиб қутулганимизни ҳикоя этдим. Илоҳим, сўзларим рост чиқмасин-у, улар бу найрангни, қасамхўрлик сиёсатларини давом эттирадиганга ўхшайдилар.

Орадан кўп ўтмай қароргоҳга шаҳзода Халил Султоннинг элчилари етиб келишди.

Шоҳруҳмирзо жияни битган мактубни диққат ила ўқиди: “Мен, зоти олийлари, онҳазратнинг бир қулидирман. Давлатхоҳи ва иниси ўлароқ сўзларини тинглаб, кўрсатган йўл-йўриқларидан юражакман. Маълумким, давлат-паноҳ ҳазратимизнинг элу улуслари Хуросондадир. Албаттаким, зоти олийлари чексиз Хуросон юртини ташлаб кетмасалар керак. Туркистон ўлкасини тасарруф этмоқни бирор қулларига, уни ёки ноибларига топширарлар. Модомики, шундай вазиятда бу вазифани мендан бошқа бирор бир қул зиммасига юкламоқ мақсадлари бўлмаса керак деган умиду ишончдаман. Бу ишга қай бир қул каминадан кўра муносиб ва қобилиятлироқ бўлиши мумкин? Шул андишада биз ҳам олий ҳузурларига отландик.

Онҳазрат билан қарама-қарши келмоқни ақлимизнинг бир учига ҳам келтирмадик ва келтирмагаймиз. Улуғ амакимиздан ҳам бизга нисбатан самимияту ҳайрихоҳликла муносабатда бўлишларига кўз тикажакмиз. Агарким, илтимосу рижойимизни қабул этган ҳолда яқин қону қариндошлик ҳақ-ҳуқуқига риоя этиб, бахту саодат ила бошкентларига қайтиб кетсалар, мен бобомиздан қолган молу хазинадин юборурман. Ҳамда неники ишорат этсалар бажо келтиражакман”.

– Сўйлангиз авлодимиз Халил Султонбекка. Илтимослари қабулдир. Биз бугундан эътиборан Ҳиротга қайтамиз. Муносабатлар усули ва шартини алоҳида мунозара этажакмиз. Биз тарафдин мулоқотларни амир Шайх Нуриддин олиб боради. Амирзодамизга айтингким, ўзларининг вакиллари ўлароқ ҳузуримизга амирларини юборсалар. Қўнишиб, бир тўхтамага келурмиз, – деди Шоҳруҳмирзо Самарқанд элчиларига. – Сиз зудлик ила Жайхун соҳилини забт этиб, ҳар икки томондаги вазиятни назорат этиб тулинг, – сўзида давом этди амир Шоҳмаликка қараб. – Амирзодалар етиб келишлари билан қароргоҳга етказинг.

– Эртаси куни Жайхун соҳилига кетган амир Шоҳмалиқдан мактуб келди. Хат чопар ўқимаслиги учун елим-ла ёпиштирилган эди. “Демак, муҳим хабар борга ўхшайди”, хаёлидан кечди султоннинг. “Самарқанддан етиб келган жияним Мирзо Халил Султоннинг бошкентдан тўла-тўқис қуролланган қўшин билан Термиз томон юргани хабарини етказди. Зоти олийларига сўйлаган шубҳаларим рост кўринади. Зарур чора-тадбирларни кўрмоқ керакка ўхшайди, султоним. Имкон қадар лашкар ададини кўпайтирмоқ жаддида бўлмоғимиз лозим. Амирзода чериги орасида ихтилофлар бор кўринади. Бу келишмовчиликлардан замонида истифода этмоқ жоиздир. Оллоҳ ёрдамчимиз бўлсин!”

– Хабар Хуросон подшоҳи учун янгилик эмас эди. Улар бошданоқ Ҳиротдан бу тўқнашувни эътиборга олиб чиққандилар. Қарама-қаршилик бугун бўлмаса, эртага юз бериши муқаррар кўринарди.

– Нохуш муждадан юраги сиқилган ҳукмдор қиличи дастасини силаганча саропарда қаршисидаги саҳнга чиқди. Болалигидан шундай. Асабийлаша бошладими, беихтиёр тасбеҳ ўгиради ёки қиличи дастасини ушлаб, сийпалай бошлайди. Шунда ўзини бироз енгил тортгандай, ўй-хаёллари тўхтамага келгандай бўлади. Ҳаққа мурожаат этганча ибодат ила машғул бўлганида руҳи ва виждони ором топиб, ўлимни бўйнига олган, эгасига таслим бўлган мўмин-мусулмонга айланади.

– Жайхун бўйидан ортга қайтган Хуросон қўшини Дука манзилига етиб келган эди. Бу хабардан сўнг ўрду чодир у хаймаларини тикиб, ерлаша бошлади.

– Амирзодалар Мирзо Улуғбек ва Иброҳим Султонларнинг қиблагоҳлари қароргоҳларига етиб келиши шарафига тўй-тантана бошланиб кетди. Шайх Нуриддин бир муддат Шоҳруҳмирзони бағрига босиб оби-дийда қилди. Қуръон тиловат этдилар.

Амир Шоҳмалик Жайхун бўйидан жўнатган иккинчи чопарнинг кўлида “Амирзода кўшини деярли Термиз атрофида. Ҳузуримизга Мирзо Амирак Аҳмад, амир Шамсиддин Аббос ва амир Арғуншоҳлар мунозара учун келдилар. Подшоҳимизга амир Шайх Нуриддин жанобларини тезда юборишларини ва ул кишимнинг амирзода ва амирлар, сўнгида Халил Султон ила сўзлашмоқларини тавсия этамен. Подшоҳимиз яна не десалар биз учун тузук ўрнидадир” дея битилган мактуб бор эди.

– Амир Шоҳмаликбекка еткуринг. Амир Шамсиддин ва амир Арғуншоҳлар ҳузуримизга келсунлар. Биз тарафдин эрса амир Шайх Нуриддин фарзандимиз амирзода Халил Султон ҳузурига борадилар. Негаки аҳду шарт қилинса англашиб, унга вафо қилган ҳолда қайтадилар, – дея буюрди Шоҳруҳмирзо.

– Бир кундан сўнг олий қароргоҳга амир Арғуншоҳ билан амир Шамсуддин ташриф буюрди. Улар келиши билан шартга мувофиқ Шайх Нуриддин Халил Султон кўши томон жўнади.

Мовароуннаҳр ҳукмдори Халил Султоннинг ўрдугоҳи Шоҳруҳмирзоникидан-да ҳашаматли ва дабдабали эди. Ҳирот подшоҳи саропардаси қопусида тўртта ясовул турган бўлса, Самарқанд тахти соҳибининг қароргоҳи ўнгида ўнлаб пиёда аскар саф тортганди. Амирзоданинг шоҳона саропардасига туташ султоний чодирлардан аёлларнинг ўйин-кулгуси эшитилар, ўғруку кўшда байрам ҳавоси эсарди.

Амир Шайх Нуриддин Халил Султон билан ҳам кўзидан ёш оққанча ота-бола каби кучоқлашиб кўришди. Терлаган танасидан ички ҳиди келиб турган амирзоданинг кўзида томчи ёш кўринмади. Ҳаракатлари-ю гап-сўзлари расмий, кунни кеча буюк биби ила ҳузурига нажот истаб, севгилиси Шод Мулкнинг жонини сақлаб қолишни сўраб келган йигирма бир ёшли ҳукмдор қисқа фурсатда ўзгариб қолган, юзидаги кибр ҳисси фўхуш нуқсига қоришиб кетганди.

Суҳбат бирга бир кечди.

– Падари бузрукворингиз Мироншоҳ мирзо каби саналмиш амакингиз Шохруҳмирзо ҳазратлари сиз олийнажот амирзодамизга фақат яхшилик ва хайри саодат тилайдилар. Мактубингизда битганингиз каби Туркистон мамлакатини тасарруф этмоқ, сиз олийшон амирзодамиз инон-ихтиёрларида қолар эркан. Қон-қардошлар орасида раҳм-шафқат суннати қарор топиб, олижаноблигу илтифот, марҳамату мувофиқатчиликнинг одил йўлидан борилса, мулку салтанат иши ривож топиб, эл-улус эмну омонликда яшагай дея таъкидладилар. Сиз – азиз амирзодам қиблагоҳингиз каби ёши улуғ, буюк қардошингизни муродлар қибласи-ю истаклар каъбаси, деб билсангиз, дўстлар масрур, яғийлар мутъе бўлиб, мамлакатда тинчлигу осойишталик ҳукмрон ўлуб, давлату салтанат пойдор ўлғай, – дея ваколоти доирасида Шохруҳмирзо сўзларини амирзодага етказди амир Шайх Нуриддин.

– Сўйлаганингиз каби, муҳтарам амаким менга қиблагоҳим кабидурлар. Сўзим сўздир ва ҳеч қачон, кимки орамизга қутқу-ю фисқу фасод уруғини сочмоққа уринмасин, онҳазрат зоти олийларига қарши бормағайман. Ҳузурларига бориб орамизда хусумат уйғотмоқчи бўлиб, рост-ёлғон сўзларни сўйлаганларга ишонмасинлар. Буюк бобомиздек жаҳонгир устун бўла олмаган бу дунёга мен ҳам, давлатпаноҳимиз амаким ҳам устун бўла олмаймиз. Тошу тарозини шунга қараб қўймоқ керак деган фикрдамен, муҳтарам амир жаноблари. Мени ҳузурларига чорлаганлари учун ташаккур билдираман. Энг қисқа ва мусоид замонда элларини ўпмоқ учун боргумдир. Айти дамда мендан не хизмату кўмак лозим бўлса, сўйлай билурсиз. Ҳар замон подшоҳ амакимнинг хизматларига ҳозир но-зирмен. Фақат бир рижойим борким, ул ёки бул масала хусусида англашдикми, тамом. Сўздан қайтмоқ ёки

баҳона этмоқ йўқдур. Акс ҳолда барча ваъда ва мажбуриятларимиз ҳавончада сув туйган каби бўлиб қолаверади, – дея сўзини мухтасар этди Халил Султон.

– Сўзларингиз асослидир, амирзодам. Мен фикрларингизни жумлама-жумла подшоҳ амакингизга етказажакман. Энг ёмони, улуғ бобонгиз бошлаган барча катта ишлар таққа тўхтаб, охирига етмай қолди-да. Бу ёқда Оқсарой, Самарқандда шаҳарни қайта бунёд этмоқ вазифаси. Тожу тахт муаммоларини тезроқ ҳал этиб, миллату мамлакат ташвиши билан шуғулланмоқ керақдир, амирзодам. Юришу саваш, қўшни ҳудудларга эгалик қилиш билан машғул бўлинса, раият, эл-улус ғами-ю дарди, муаммолари унутилади, – амирзодага маслаҳат берган бўлди собиқ амир ул-умаро.

– Бизнинг аҳду паймонимиз ҳам шу йўлдадир, амир жаноблари. Ҳокимият барқарорлиги, тинчлигу тотувлик бўлмаган юртда сиз айтган ишларни амалга оширмоқ мумкин эмаслигини мендан яхши билсангиз керак. Биз ҳеч бир теурийзодага бирор-бир шарт қўйиб, мутлоқ иқтидор даъвосида бўлаётганимиз йўқ. Барча саъйи-ҳаракатларимиз Жайхуннинг жанубий соҳилидан келаётган эпкинларга жавоб бермоққа қаратилган. Подшоҳ амаким ҳазратларининг Ҳиротдан чиқиб, Самарқанд сари юрганларини эшитиб ҳайратга тушдик. Ушбу муносабатга жавобан биз мулоқоту мунозара қилмоқ учун бу тарафга қараб юрдик. Зоти олийлари, Хуросон ўрдуси ила савашмоқ рўёмизга-да киргани йўқ. Бу тўқнашувнинг юз бериши ҳар икки томонни ҳам хароб этиб, фақат яғийлар чироғига ёғ қуяди. Мен қиблагоҳим каби инсонни жанг майдонида енгиб, иқтидорга келмоқни тасаввурда этмаганман. Бу иш менга шарафу хайр келтирмаслигини ҳам биламан. Шундай эркан, амаким ҳазратлари ҳам бизга нисбатан паст назарда муносабатда бўлмасликлари керақдир, – фикрлари жўяли эди Самарқанд султонининг.

– Барча фикру ниятларингизни уқдим, олийнажот

амирзодам. Иншооллоҳ, ҳар икки тараф ҳам Оллоҳ лутфи ва неъматига куфр этмай, юз ўғирмай, бир-бирининг ҳақу ҳуқуқига тажовуз этмай Султон Соҳибқироннинг шаъну шарафли ҳаётлари, умрлари, қону жонларини сарф этган муқаддас ишни муносиб бир тарзда давом эттиражаклар. Айни дамда зоти олийларидан сўровимиз шулким, Мирзо Шоҳруҳ ҳазратларининг волидангиз Хонзодабегим қўлларида тарбия топаётган фарзандлари Муҳаммад Жўгий мирзо ҳамда қизлари Бегико бегимларни қиблагоҳлари ҳузурларига жўнатсангиз. Марҳум валиаҳдимиз Муҳаммад Султоннинг беваси Хоника бегим буюк бобонгиз рағбатлари билан Конирил тўйида Пирмуҳаммад Жаҳонгир никоҳига ўтказилган ва амирзода бошкентда бўлганида маълум муддат бирга яшаган эрдилар. Маликамизни ҳам ҳазина ва хизматкорлари билан Балхга, амирзодамиз ҳузурига етиб олишларига кўмак этсангиз. Улуғбек Мирзо ва Иброҳим Султоннинг Бухоро даруғаси тортиб олган ҳазинасини ҳам эгаларига қайтартирсангиз, – талабларни бирма-бир баён этди амир Шайх Нуриддин.

– Қайд этганингиз шартларни бажарсам, подшоҳ амаким Жайхуннинг шимолидаги вилоятлар бизга тегишли эканлигини эътироф этиб, инон-ихтиёримизга қарши бормайдиларми? – масалага аниқлик киритган бўлди Халил Султон.

– Иншооллоҳ, шундай бўлғувсидир, – таъкидлади амир.

– Унда сўзимиз – сўз, аҳдимиз – аҳддир. Подшоҳ амакимнинг азиз фарзандларига келганда уларни волидаи муҳтарамамиз буюк бобом амрларига кўра меҳр-муҳаббат-ла тарбия этмоқдалар. Ҳар икки инимиз жуда мурғак бўлганлари учун жўнатмай турган эдик. Бу хусусда ҳам ҳеч бир эътирозимиз йўқдир. Подшоҳ амаким ҳазратларига еткурингим, кишиларимиз улуғ бобом васиятларига кўра Андхудга бориб, пирлари Мир Саййид

Барака ҳазратларининг наъшини олиб келсалар ва уни бобом айтганлари тарзда қайта дафн этсак. Шаҳар мута-саддилари бу ишга қаршилик кўрсатмасалар.

– Бир оғиз сўзлари, амирзодам. Албатта, сўйлаяжакман. Амакингиз бул каби масалаларда ҳассосдирлар. Ҳеч қандай эътироз билдирмасалар керак. Энди ижозатингиз ила мен қайтсам, – дея ҳукмдордан кетмоққа изн сўради амир Шайх Нуриддин.

Мовароуннаҳру Туркистон подшоҳи бобосининг сўнгги вазири аъзами, салтанатга хизмати сингган, давлат ус-тунларидан бири саналиб келган амир Шайх Нуриддин-ни саропардадан эллик қадамча узоққа, жиловдори отини ушлаб турган жойигача кузатиб келди.

Шоҳруҳмирзо қароргоҳига етиб келган Шайх Нуриддин Халил Султон ила олиб борилган музокара ҳақида подшоҳга батафсил ҳисобот берди.

– Унда амирзода билан бир тўхтамга келган масала-ларни сўнгига қадар ҳал этиш ишини ўз зиммангизга ол-сангиз. Бу ишда ёнингизга амир Абдусамад, Оллоҳдод Хозин ва Бакана Бахтийларни олиб, Самарқанд сари бор-сангиз. Буюк бибимиз Сароймулкхоним ила қўнишиб, улар аҳволидан ҳам хабар олсангиз. Маликалар Самарқандда сиқилиб қолган бўлсалар, бемалол Ҳиротга кела билур-лар. Бу хусусда неки лозим бўлса, муҳайё этурмиз. Ҳамда бироз вазиятни ўрганган бўласиз, – буюрди Шоҳруҳмирзо.

Ота юртини амирзода жиянига омонат этган Хуросон ҳукмдори Ҳиротга қайтди.

Қайта тикланаётган салтанат пойтахтида ҳаёт қайнар, мамлакатнинг тўрт тарафидан хуш ва нохуш хабарлар оқиб келар, Турон мулкида содир бўлган ўзгариш дўсту душманни бирдек ҳаракатга келтирган, хайрихоҳлар бир-лашиб, ғанимлар ғимирлашиб қолган эди.

Улуғ хоқоннинг абадиятга йўл олиши барча ҳукмдорлар

каби Ироқу Эрон, Мозандарону Озарбайжонни тасарруф этиб турган Мирзо Мироншоҳ ва ўғилларини янада сергакликка даъват этарди.

Салтанатнинг марказий вилоятлари ва бошкент не қадар алғов-далғов бўлмасин, чекка ҳудудлардаги ўлкалар ҳам тинч эмасди.

Шу нотинчликлар туфайли Халил Султон билан сулҳ тузишга мажбур бўлган Шоҳруҳмирзо от устида ўйга чўмганча шаҳарга кириб келди.

Ҳиротнинг қурилиши топширилган Жалолиддин Ферузшоҳ шаҳардан ташқарига ўттиз чақиримча чиқиб, подшоҳни кутиб олди. Даруға билан от устида саломлашганча йўлида давом этди.

Не қадар ўйламасин бошкент Самарқанд ва Турон давлати қалби Туркистонни ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир бир жиянига топшириб қайтганини ҳазм эта олмасди. Қўлдан берганни кўнгилдан чиқар дейдилар. Қиблагоҳининг хоки ётмиш бу муқаддас маконни дуч келган одамга топшириб қўйиб бўлмайди. Ота юрт, она тупроқ, ҳеч қачон ва ҳеч кимга берилмайди. Замонлар ўтиб, умр карвони кечиб, барча баробар қадар майини сипқорганда балки у ҳам қиблагоҳи ёнига борар, тана тупроғи она тупроққа қўшилар...

Унга қадар эса яшамоқ, курашмоқ, мужодала этмоқ ва падари бузруквори тиклаган салатанату мамлакат биносини сақламоғи керак. Эл-улус яна эски, мўғуллар давридаги каби пароканда бўлиб, жабру зулм зирвага чиқмаслиги лозим.

Бунинг эса отаси ўргатгани, бот-бот такрорлагани каби икки шарти бор. Куч ва адолат! Кучли бўлсанггина биров сўзингга қулоқ солади ва кўзлаганинг адолат манзилига етиб бора оласан. Ҳақ ва адолатли бўлсангина атрофингга одамлар тўпланади ҳамда куч-қудрат соҳиби бўласан. Аксинча, дасти калта адолату, нодон

пахлавоннинг баҳодирлиги билан ҳеч бир ерга боролмайсан. Подшоҳ от устидами ёки саропардадами, чопару элчилар сарҳадларидаги энг сўнгги хабарларни яшин каби учиб, ҳеч бир равоту ёмда орқалари ер искамай етказиб келишарди. Бир мужда хайрли бўлса, иккинчиси нохуш эди.

Қудангдан қўй сўрама, қўшнингдан уй сўрама дегандек, на жон-жигар, хешу ақрабо ва ёким, дўсту ёрга ишониб бўлмай қолди. Барча бирдек отлиғу пиёда жону шон талвасасида тахт деган тахта чортоқ сари от қўйган.

Бири тулпорда, бошқаси арвона-ю<sup>1</sup> елмоя<sup>2</sup> туяда, бошқалари эса хачиру эшакда. Барчасининг даъвоси Турон тоғидек. Ҳеч бири паст келай демайди.

Раҳматли қиблагоҳи айбдорларни дорга осиш ёки бошини кундага етказишга амр этганда отам ортиқча қаттиққўллик қилмаётирми деган андишага борар, бироқ ич-дарди ичида, норозилигини ошкор эта олмасди. Энди ўйлаб қараса, тўғри қилар экан. Юздан, мингдан бир одам яхши гап, муроса-ю мадора билан гапга кираркан. Керагида жазолаб, бошқа ўйинбузувчиларнинг кўзини қўрқитиб туриш керак экан. Мулку давлат ҳидини олиб, ўзини хон, кўланкаси майдон санаб, босар-тусарини билмайдиганларнинг тизгинини тортиб, керагида маҳкам ушлаб турмоқ шарт экан.

Шоҳу гадой бўлсин, амирзода мудом одамларни англамоқ, англаб етмоқда қийналади. Шу ҳақда ўйлар экан, фарзанди Мирзо Улуғбекнинг устози Шайх Табризий айтган бир гап эсига келаверади. Шундай қавмлар борки, олийнажот шаҳзодам, аларнинг пешонасига эшак тепгандир. Бундай аймақларнинг нодон шоҳи ҳам ўзининг энг доно ҳукмдор эканлигини, тепаси ўйиқ жоҳили эса ўзининг энг улуғ устоз жоҳил эканлигини ўла-ўлгунча исботлашга уриниб, тири-

---

<sup>1</sup>Арвона туя – она туя.

<sup>2</sup>Елмоя туя – тезюрар туя.

шиб ўтиб кетади. Мулки давлат, эл-улус бошига фалока-ту қиёмат ана шундайлардан келади. Бундайларни вақти замонида йўлдан олиб ташламасангиз, тўғаноқ бўлаверадилар. Дину исломга бўлган сидқу садоқатингиздан ғоят мутаассир ўлдум. Тақводорлик буюк мужоҳидликдир. Унутмангким, Оллоҳ Қуръони каримни тириклар, тирик бўлганда ҳам кўзи очиқ тириклар учун нозил этган. Бир кунлик ибодатдан бир соатлик илм афзалдир. Илму урфонга интилмаса, дунё сирларини кашф этишга уринмаса, улус ва инсонлик ўлароқ тараққий этмайди. Нарса ва воқеаларнинг келиб чиқиши, шаклланиши ҳамда моҳиятига етмоққа интилиш ҳар бир инсоннинг вазифаси бўлмоғи керак. Бунинг учун кишилар дунёвий илмлар ила шуғулланмас эканлар, зако, ақл-идрокнинг музаффар уфқларига етиб бора олмайдилар. Ҳеч бир дину фалсафа, ақида-ю урф-одатлар илм-фанга, ўқимоқ ва уқмоққа, тажриба-ю машқ этмоққа қаршилиқ кўрсатмаслиги керак. Кўп ҳолларда бунинг бизнинг Қуръони карим ва тўртта ҳадисдан бошқа китобларни ўқимаган чаламуллаларимизгача англатиб бўлмайди, – одатдагидек суҳбатдошига ёқса-ёқмаса фикрини очиқ, рўйи-рост сўйлар эди Шайх Табризий.

Халил Султон буюк мусибатдан бир ой сўнг ўзини Мовароуннаҳрнинг олий ҳукмдори дея эълон этди. Шундан кейин барча ҳудудлардаги амирзода ва беклар ўзларини мустақилдек тута бошладилар. Барчаси мана шу ўйин бузуқиликни кутиб ўтиришганди. Ҳамма улуғ хоқондан сўнг салтанат тақдири не кечар экан, дея пана-панада шивирлашарди. Амирзода Халил Султон ҳеч ким билан маслаҳатлашмай чиришни бузди. Улар айнан шуни кутган эдилар.

Армутнинг сопи бор, узумнинг чўпи бор деганларидек осон ош йўқ экан бу дунёда. Ким-ла қўнишма, қайта боқма, муаммо-ю можаро...

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

Балх, Ғазни ва Қандаҳорда Пирмуҳаммад Жаҳонгир, Эрону Озарбайжонда Мирзо Мироншоҳнинг ўғиллари амирзодалар Умар ва Абу Бакрлар...

Туркистон, Ўтрор, Саброн ва Сайрамга Шайх Нуриддиннинг кичик қардоши амир Бердибек эга чиқибди...

Халил Султон билан ораларидан қора мушук ўтган шекилли, Ўратепа ва Фарғонада амир Худойдод Ҳусайний кекириб юрганмиш...

Олий мақом бўш қолмас деганлари шу бўлса керак-да...

Дашти қипчоқликларнинг ҳам икки кўзи Хоразмда бўлса керак...

Ҳукмдорнинг шаҳарга кириб келаётганидан хабар топган дарвешу қаландарлар дарвоза олдида уймалашар, миршаблар қамчиларини ўқталганча уларни йўл четига ҳайдашарди.

Қаландарларга хайри садақа беришни тайинлаган подшоҳ улар айтувларини тинглаганча шаҳар оралаб борарди:

Ҳеч қачон тўғрини билмас жамият,  
Савоб эксик, низолидир ҳамият.  
Ҳар замонда жазоли самимият,  
Мудом бошда турса лоқайд қавмият.

Ақлли тўғри инсондан қочарлар,  
Ўзи ботган тухмат лойин сочарлар.  
Мунофиққа эшикларин очарлар,  
Сўнг элидан ажал жомин ичарлар.

Сўқир қалблар улуғларни суёлмас,  
Улус шарафи деб ёниб куёлмас.  
Миллат келажагин англаб, туёлмас,  
Эли учун элин тошга қўёлмас.

Хоин улус ишин зўрида бўлмас,  
Донолар суфранинг тўрида бўлмас.  
Муносиб одам ҳеч ерида бўлмас,  
Хунолуд ўлсаким, гўрида бўлмас.

Тахти салтанат таъмин тотгандан қоч,  
Дўстим деб ортингдан тош отгандан қоч.  
Динни пешлаб ҳайкалдай қотгандан қоч,  
Худо номин ҳар сўзда сотгандан қоч.

## ИККИНЧИ БОБ

*Дунёга ишонмоқ учун, комил ва одил бўлмоқ учун тарих ўқумоқ ва билмоқ керак. Қуръони каримнинг тўртдан бир қисмини тарихий факт, воқеа ва маълумотлар ташкил этади. Демак, тарихни билмаган одам, Қуръонни ҳам тушуна олмайди.*


## БЕҲБУДИЙ

Мирзо Шоҳруҳни Хуросон мулки чегарасидаги Сабзавордан келаётган хабарлар роҳатсиз этарди. Султон Соҳибқирон чексиз ҳокимияту имкониятлар берган Хожа Маъсуд Сабзаворийнинг ўғли Хожа Султон Али ҳам Турон салтанатидаги ур-йиқитдан фойдаланиб қолмоқчи эди.

У темурийларга ғаразда бўлган сарбадорлар тўдаси билан тил бириктириб, исён туғини кўтарганди.

Тус қалъасини тиклаш учун юборилган амир Саййидхожанинг чопар орқали юборган хабаридан боши қотган ҳукмдор ҳузурига амир Мизробни чорлашни буюрди.

– Қўшинингиз билан эртагаёқ Сабзавор томониданнинг! Йўлда қаршилик кўрсатганларга шафқат қилинмасун! Амир Саййидхожага еткурингим, Родгон яйлоғига қўш



ташлаб, Тус, Кўҳистон, Машҳад, Абивард, Ёзир ва Нисо лашкарларини тўпласин! Сўнгра биргалашиб, яғий устига юринг! Билишимча, Хожа Алининг Пирак подшоҳ билан тили бирга ўхшайди. Эртами кеч улар қоронғуда топишиб, бизга қарши бош кўтарадилар! Оллоҳ ёрдамчингиз бўлсин! – деди амир Мизроб билан суҳбатлашаркан. – Ул тарафга аслида кўшин билан ўзим юзланишим керак эди. Бироқ вазият ўзингизга маълум. Бошкентни ташлаб кетиб бўлмайдиган кўринади. Иккинчидан, дарёнинг нариги тарафига ҳам юзда-юз ишонч йўқ. Амирзодамизнинг чериги Жайхундан у қадар узоқлашмаган, чамаси. Қолаверса, менинг Эрон томонга юришимни буюк қардошимиз Мирзо Мироншоҳ ҳазратлари ва ул олий зотнинг фарзандлари амирзодалар Умар Мирзо ва Абу Бакрлар янглиш англашлари мумкин. Шу боис қиблагоҳ қайтишларидан сўнг бошланган илк исённи бостиришни сиз ва амир Саййидхожага ишониб топширдим. Шунини унутмангким, бугунги сиёсий турумда енгилмоқ мумкин эрмас. Биринчи бош кўтаришни бартараф этмасак, бу ҳолат қолган ғалаёнларга дастак бўлади. Сулҳу муросага кўнмаган черигу оломон аёвсиз жазолансин! – асаблари таранг эди султоннинг.

– Вазифамиз тушунарлидир! Танамизни жон ёқар, вужудимизда қон оқар экан, остонангизга фақат фатҳу зафар билан қайтгаймиз! Шул саккизта лўлининг устидан ғалаба қозонмасак, шунча йиллар улуғ хоқон ҳазратларидан олган таълиму тажриба ҳайф кетган бўлади, султоним! Энди Турон салтанати тахти, эл-улус амнияти учун сиз зоти олийлари соғ-омон бўлинг! Оллоҳнинг амрию изни ила зафаримизга шак-шубҳангиз бўлмасин! – дея юкуниб ўз садоқатини изҳор этди амир Мизроб.

– Мен сиз улуғ амирларимга ўзим каби ишонурман! Оллоҳ юзингизу йўлингизни ёруғ этажак, иншооллоҳ! – дуо қилди подшоҳ.

Амирлар Саййидхожа ва Мизроб маслаҳатлашиб, олти

юз суворийни Сабзаворга манғлой ўлароқ юбордилар. Хожа Али бунга қарши саваш кўриб, қон кечиб юрган икки юз суворийсини қарши кўйди. Ўз кучига ортиқча баҳо берган Хуросон чериги кутилмаганда мағлубиятга учради. Бундан хабар топган амир Саййидхожа қасос ўтида ёнганча икки минг отлиқ навкар билан жанг юз берган Баҳробод ёнидаги майдонга етиб борди. Саваш содир бўлган кенгликда ўз суворийларининг бошсиз таналарига кўзи тушган бекнинг ғазаби қайнади. Жожари манзили томон юрганида эса пистирмага дуч келди. Қонли жангда амирнинг ўзи ҳам икки жойидан яраланди. Бироқ бош ёриғи бўрк остида деган ота сўзига амал қилиб, суворийларнинг руҳини туширмаслик учун заҳмини кимсага ошкор этмади. Ҳатто энг яқин кишиларига ҳам билдирмади. Хуросон кўшини Жожарм қалъасини уч кун қамал қилиб турди. Ичкаридагилар сулҳу таслимиятдан бош тортишгач, қалъа деворларини илма-тешик қилиб, дарвозаларини қулатдилар. Ерли халқни йўлдан уриб, исёнга ундаган гуруҳ қиличдан ўтказилди.

Саййидлар ва уламоларни орага кўйиб гуноҳларини сўраган Фарюмад халқидан моли омон олиниб, афв этдилар. Энди сўнгги Сабзавор забти қолган эди.

Сабзавор қамалининг ўнинчи кунида “Пирак Мозандарондан Жўйин вилоятига бостириб кирди” деган хабар етиб келди. Сабзавор қамалини тўхтатган кўшин Пирак чериги томон жиловни бурди. Қамалдаги Султон Али Сабзавордан чиқиб, шериги Пиракка етишди.

Хуросон ва Сабзавор кўшинлари асосий, ҳал қилувчи жанг учун сафга тизила бошладилар. Кўшин қўмондони амир Саййидхожа ғулни эгаллади. Амир Мизроб ўнг қанотда турди. Юз Буқа, Шайх Султон ва Абу Бакрлар чап қанотда сафландилар.

Сабзавор черигида Пирак подшоҳ қалбда, Хожа Султон Али ўнг қанотда ва мозандаронлик суворийлар чап қанотдан жангга кирдилар.

Бир-бирининг кўзини ўйиб, қонини ичмаса туролмайдиганлар қиёмат қойим савашини бошлагандилар.

Пиракнинг ўнг қаноти Хожа Султон Алининг кўмаги билан амир Саййидхожанинг чап қанотига ташланди. Амир Саййидхожанинг ўнг қаноти фурсатни бой бермай амир Мизроб дастаги билан Пиракнинг чап қанотини суриб улоқтирганча ғаним ғули орқасига ёриб кирди.

Баҳодирона жанг қилаётган Пирак подшоҳ омад юз ўгираётганини сезиши билан саваш майдонини ташлаб қочди. Шеригининг жанг майдонини тарк этганини кўрган Султон Алининг ҳам қиличи қўлидан тушиб кетди.

Хуросон лашкарининг ярми яғий ортидан қувиб, етганларини қатлга етказдилар. Қолган аскар мўлу кўл тушган ўлжанинг ҳисоботи ва тақсимоти билан машғул эди.

Музаффар Хуросон қўшини Сабзаворга ғолибона кириб келди.

Сабзавор зафари ва фатҳи мактубини олган чопар ёй ўқи каби пойтахт Ҳирот томон учди.

Бу зафар – теурийлар қўшинининг Соҳибқирон Амир Темурдан сўнг қозонган илк ғалабаси эди.

Сабзавор шаҳри ва вилоятида бир ҳафта ичида тартиб-интизом ўрнатилгач, амир Мизроб Ҳиротга жўнади. Амир Саййидхожа подшоҳдан келадиган амрни беклаб, ҳудуд муҳофазаси учун қолди.

Амир Мизроб Ҳиротга етиб келганида Шоҳрўҳмирзо сарой масжидида ибодат қиларди. Амирни бағрига босганча мамнун қаршилади.

– Улуғ падари бузруквор салтанатининг илк яғийларга илк қақшатқич зарбани сизлар бердингиз. Бу ўзга боши бузуқлар учун буюк бир сабоқдир. Нафақат отаси бошқа, ота душман рақиблар, ўзаги ўзимиздан чиққан сўзда қонқардош, амалда ғанимдан беш баттар шарафсизлар бошига ҳам тушган тўқмоқдир. Амирлар Мизроббек ва Саййидхожаларга тўққизтадан тулпор ҳамда елмоя туя

суюрғамиш<sup>1</sup> этилиб, истаган ерларидан суюрғол<sup>2</sup> берилсин! – буюрди подшоҳ эшик олдида қўл қовуштириб турган хазиначига.

– Бу жон, бу танда бор эркан, салтанат ва подшоҳимиз учун ҳар шайга ҳозирмен! – деди тиз чўкиб амир Мизроб.

– Кўздан узоқ, қалбу кўнгилга яқин бошкент, муқаддас Самарқанд бизга бегонага ўхшаб қолди. Дилимиз тусаган замон қиблагоҳ шаън-шавкатининг тимсоли ўлмиш манзилга бора олмаймиз. Фарзанд учун фарзу қарз бўлган падари бузруквор қабрлари зиёратига қай вақт боришимиз ҳам ёлғиз эгасига маълум. Ота пойтахтга етишмоқ учун унинг теграсидаги вилояту ҳудудларда муқим тура билмоқ керак. Энг юксак чўққиларга тепалик ва қоялар орқали чиқилади! Улуғ хоқон ҳазратларининг қадамлари ва амри фармонлари етган ҳар бир юрт ватанимиз, улуси халқимиздир!

– Иншооллоҳ, яқин кунларда Султон Соҳибқирон зиёратларига ҳам боражакмиз! – деди амир Мизроб ишонч билан.

– Омин! – деди Шоҳруҳмирзо амирга кетмоққа рухсат этаркан.

Амакиси Шоҳруҳмирзо билан англашмага борган Халил Султон бошкент Самарқандга ғолиб сифатида қайтди. Айниқса, тандирдан янги узилган подшоҳ қайга борса соя каби эргашадиган малика Шод Мулкнинг кайфи чоғ, чексиз орзу хаёллар-ла самода учарди.

Унинг ёнига ҳар ким ҳам йўлай олмас, тамғанинг ҳадя сифатида тушган бўз ва кимхобларини дўконида сотиб

<sup>1</sup>Суюрғамиш – подшоҳ ва хонларнинг махсус сийловига мушарраф бўлмоқ.

<sup>2</sup>Суюрғол – инъом, совға. Амирлар, шаҳзодалар, мансабдор ва руҳонийларга тож-тахт олдида кўрсатган алоҳида хизматлари эвазига хон ва подшоҳлар томонидан бериладиган ҳадя: ер-сув, ўлик мол, кийим-кечак, катта-кичик моллар ва ҳ.к.

юрадиган яқини Бобо Тармиш уни палапонини ҳимоя этган она какликдек парти бийрон бўлиб қўриқлар эди.

Эрталабдан пешин намозигача Кўксаройда бўлиб, давлат ва салтанат ишлари билан шуғулланадиган Халил Султон қолган вақти замонини ошиқи шайдо севгилиси билан ўтказарди. Емак ҳозирламоқ бобида Шод Мулкнинг қўли гул эди. У пиширган тансиқ таомларни Кўксаройнинг бош ошчиси ва баковули<sup>1</sup> Обид ошчи ҳам тайёрлай олмасди. Ошхона ишини қўлга олган маликанинг илк иши саройнинг кўп йиллик баковули Обид ошчининг кавушини тўғрилаш бўлди. Ўзига бўлган бу қадар салбий муносабатдан чўчиган Обид баковул паноҳ истаб Шоҳруҳия шаҳрида Халил Султон тарафдорларига қўшилмай ўтирган амир Боботуркнинг ёнига жўнади.

Ундан сўнг Кўксаройни хонсолар<sup>2</sup> Лолабек Арғун билан Алимхон бовурчи<sup>3</sup> тарк этди. Энг сўнгида навбат юртчи<sup>4</sup> Довурбек Дуғлат билан Шоқул Шиқовул<sup>5</sup>га келди. Шу тариқа яқин ўн йилликларда улуғ хоқон билан кеча-ю кундуз бирга бўлиб, сидқи садоқат-ла хизмат қилиб келган барча сарой сокинларига ёрдамчилари билан биргаликда Кўксаройнинг чиқиш эшиги кўрсатилди.

Шаҳзода чалқанча ётганча чилим чекар, белига ўтириб олган ҳарир кўйлақда гўзал жуссаси кўриниб турган малика бармоқлари учини кўкрагига теккизиб-теккизмай силарди.

– Сиртдан тилёғламалик қилиб дўст кўринса-да, атро-

---

<sup>1</sup>Баковул – подшоҳ емагини татиб кўриб, назорат этувчи.

<sup>2</sup>Хонсолар – дастурхончи.

<sup>3</sup>Бовурчи – подшоҳ оиласини едириб-ичиришга масъул сарой хизматчиси.

<sup>4</sup>Юртчи – юриш ва сафар вақтида подшоҳ ва хонлар кўнадиган манзилларни аввалдан ҳозирлашга масъул мансабдор.

<sup>5</sup>Шиқовул – ҳукмдор хизматига арз-ла келувчи ҳамда элчиларни кўришишга олиб кириш хизмати мутасаддиси.

фингизни ўраганларнинг аксари айғоқчи ва хоиндир, – деди малика шаҳзоданинг юзидан ўпаркан. – Сиз дўсту душман, барчага яхшилик тиловчи ва қилгувчи улуғ шоҳ бўлганингиз учун бунга эътибор бермайсиз.

– Менинг айғоқу хабарчиларим ҳам ўтиришгани йўқ. Барча паст-баланд гап-сўзларни етказиб туришибди, – жавоб қилди амирзода малика олтин косада узатган майни оларкан. – Биз уларга не қадар ишониб-ишонмайлик барчасини бир кунда ҳайдаб бўлмайди. Қолаверса, бу амиру қўмондонларнинг орқасида ўзларининг бутун бошли қавмлари, чериклари бор. Сал норози қилдикми, Жайхуннинг нариги тарафига қараб жуфтакни ростлайдилар. Булардан эрмас, дарёнинг у томонидагилардан эҳтиёт бўлмоқ керак. Қиблагоҳ ҳам шуни алоҳида тайинлаб, хос одамларини юборибдилар. Волидам ҳам шундай демоқдалар. Эрта ё кеч бўлсин, хавф-хатар фақат ўша томондан келаркан ва амаким ҳеч қачон бизни бобо тахтини эгаллаганлигимизни кечирмас экан.

– Улар юзда-юз ҳақ сўйламишлар. Мен ҳам шу фикрдамен. Арғуншоҳ шаҳарга киритмай қопуда беклатган маликалар ҳам бизга дўст эмас. Уларни ҳам амирзодалар каби Ҳиротга жўнатиб юбориш керак ёки бўлмаса бекларингизга тақсимлаб беринг. Уйда ўтириб қолган қизу эри ўлган бевадан гапчиноз фисқу фасодчи хотин бўлмайди. Қолаверса, кўпчилик ҳамон Сароймулкхонимга илгаригидек бош маликага қилинган муносабатда бўлмоқда. Бу қари малика ҳам “отдан қолма, байталим” деб, ҳали-бери тулпордан тушса ҳам, эгардан тушмайдиган кўринади. Бу бозор кўрган эчкилардан қутилмоқ вақти келгандир, шаҳзодам. Кейин кеч бўлади. Дарё ортидан энг катта дўст ва душманингиз пишқирган замон думини қисиб юрган бу тулкилар ишқирадилар, – гаплари аниқ мўлжалга тегар эди маликанинг.

– Гапларингиз тўғри, – деди шаҳзода ўйга толиб. – Душ-

манингким хас, хас ҳам бўлса бас. Бироқ булар шунчаки хас эмаслар. Эрқагу аёли ҳам тожу тахт, мулки салтанатнинг қаймоғу шароби тамини тотган, ўлса-да, ундан воз кечмайдиган қашқирлардир. Шошманг, секин-аста барчасининг жойини соламиз. Мулки давлатимга шерик қилиб қўйганим катта амирларимиз ҳам орқаваротдан мени ўзлари тахтга ўтқазганларини иддао қилиб юрган эмишлар. Бир муддат сўнгра уларни ҳам йўлдан олиб ташлашга тўғри келади.

– Бундай гаплар ҳам менинг қулоғимга етди. Сизнинг кўнглингизни оғритмаслик учун айтмай юрган эдим. Бобо Тармишни девонбеги этиб қўйганингиздан сўнг кўпининг овози ўчиб, сергак тортиб қолишди. Уни амир ул-умаро этиб тайинланг. Ана шунда давлату салтанат жилови батамом ўзингизнинг элингизда бўлади.

– Унингиз ҳеч қандай мактабу мадраса кўрмаган-ку? Қандай ишлаб кетар экан? Турқи таровати ҳам жойида эмас, – кулди шаҳзода.

– Мамлақату салтанатда Оллоҳнинг ердаги сояси битта бўлганидек, турқи тароватда ягона одам ҳам битта бўлади, амирзодам. Қай бир катта амирнинг афтига ош пишириб еяётган эдингиз-у, бунинг қиёфаси сизга керак бўлсин. Сиз зоти олийларига соҳиби ихтиёр эрмас, бош хизматкор, бош югурдак керак. Давлату ҳукумат жиловини тутмоққа ҳеч кимни шерик қилиб бўлмайди. Сиз, улуғ султоним, барчадан ақлли ва доно бўлганингиз учун яратган эгам бобонгиз тахтини ато этди. Ўнлаб амирзодалару валиаҳд деганлари кўча-кўйда қолиб кетди. Сиз ҳеч кимнинг ақлига муҳтож эмассиз. Ақлли, кучли ва ҳусни чиройда тенгсиз одамни бош вазир этиб қўйинг? Кўрасиз томошани! Барг ёзиб, томир отиши билан тагингизга сув қуяди. Менга қолса эски амиру мулозимлардан ҳеч бирини нафақат саройда, балки Самарқандда ҳам қолдирмаслик керак. Мени айтди дерсиз, улуғ бобонгиз раҳматлининг замонларида айтгани айтган, дегани деган бўлиб келган

ва катта еб ўрганган бу наҳанглар кичикроқ лукма ёки суяк ташлаган кунингиз думларини бурадилар. Қолаверса, уларнинг ҳар бири ўзини Амир Темурдан кам чоғламайди. Арбобу раҳбар сиёқли, ҳар нарсага ақлу ҳуши етадиган ноибу мулозимларингизни ёнингиздан узоқлаштиринг ва тепаларни кўзлаган амалҳарастларни яқинингизга йўлатманг. Улар Темурни Темур қилган бизмиз дея ўйлашади. Мени ўлимга ҳукм этган эдилар. Сиз халаскорим мени Кешга жўнатиб яширмаганингизда бугун қабрим устида майсалар ўсиб чиқарди. Бироқ уларнинг эмас, эгасининг айтгани бўлди. Мени ёмонотлиққа чиқариб, бадном қилмоққа уринганларининг қисмати кўлимга тушди. Оллоҳ орзу-умидларимни қат-қати билан берди. Ҳақ таолонинг нигоҳи ҳар замон ҳақ бандаларининг узариндадир.

Маликасининг ҳақ ва маъноли гапларини тинглаб ётган шаҳзоданинг кайфи ҳам тарқаб кетган эди.

– Сийратида ҳусни латофат, ақли идрок-у фаҳми фаросат мужассам бўлган сиз каби малаксифат фаришта бу ёруғ оламда ягона эканлигига борган сари имон келтирмоқдамен, жоним! Бу салтанатда сиз не десангиз шул бўлғай! Менинг ягона, биринчи дўсту маҳбубам, жоним ичидаги жонимсиз! Сиздан бошқа ҳеч кимга ишонмайман! Бобо Тармишни эса ўзингиз назорат этинг! Эртадан бошлаб ишга киришади.

Малика чалқанча ётган шаҳзода устига ўзини ташлади.

## **УЧИНЧИ БОБ**

*Хотин гапини тинглаю,  
тескарисини қил.*

**Халқ сўзи**

Эртаси куни Бобо Тармишнинг амир ул-умаро ўлароқ тайинлангани ҳақида фармони олий эълон қилинди. Уни таниб-танимаган барча ҳайрат-ла бир-бирига боқар,

бу ишнинг бош ижодкори малика Шод Мулк эканлигини билган сарой аъёнлари эрта кунда бошларига келажак ташвишу таҳлика ҳақида ўзаро паст овозда шивирлашишарди.

Туркистону Мовароуннаҳр подшоҳи Халил Султоннинг икки кўзи икки тарфда эди. Бири кеча-ю кундуз уни безовта этадиган Ҳироту Хуросонда бўлса, иккинчиси отаси Мироншоҳ ва акалари Абу Бакр ва Умар Мирзолар ҳукмронлик қилаётган Эрону Ироқ, ажаму Озарбайжонда эди. Қиблагоҳи Мироншоҳ кўрагон ўттиз етти ёшда. Амалкиси Шохруҳдан тўққиз ёш катта. Аслида улуғ бобосининг ҳақиқий вориси отаси бўлиши керак эди. Ўзини бобосига ёмон кўрсатганлар вақтида отасини ҳам тахтдан узоқлаштирганлар. Бунда волидаси ҳам уларга имкон берган. Шу тариқа қиблагоҳини учоварадан чиқаришган. Шундан сўнг отанинг ўғлига меҳри илимади ва қайтиб кўришмади. Энди бу кучлар бирлашиб, ўзига қарши курашмоқда. Вазият кескинлашиб, сўнгги ҳисоб-китоб яқинлашганда ёнида қолажак тек кишилар отаси ва буюк қардошлари. Шул боис, уларнинг ҳолидан хабар олиб, совға-салом жўнатиб, алоқани мустаҳкамламоқ керак. У шу мақсадда амир Хожа Юсуфни катта туя карвони билан отаси ва Мирзо Умар томон йўллади. Кетганига икки ойдан ошмоқдаки, Хожа Юсуфдан дарак йўқ. Узунқулоқларнинг хабарларига қараганда, ўша тарафдан келган араб тужжорлари икки акаси орасида жанжал чиққанлиги, бобосининг тоға авлоди машҳур Жоку Барлоснинг ўғли Жаҳоншоҳ Барлос исён этганлиги ва ўлдирилганлигини айтиб келибдилар.

Соҳибқирон бобосининг Халил Султондан бир ёш катта қардоши Мирзо Умарга алоҳида меҳру муҳаббати бор эди. Узоқ эмас, бундан бир йил чамаси бурун акаси пойтахт Самарқандни Султон Соҳибқирон номидан сўрарди. Бугун бу қутлуғ тахт ўзига насиб этиб турибди.

Улуғ бобоси бурноғи йилнинг ўн биринчи ойида Мирзо Умарни Самарқанддан чақиртириб олганди. Унда Турон ўрдуси Байлақон шаҳри атрофидаги дашт ва яйловларда турар, иншоот ишини яхши кўрадиган бобоси шаҳар қурилиши билан машғул эди. Қоровуллар Фрон наҳрининг ғарб соҳилида Қора Юсуф катта қўшин билан пайдо бўлганлиги хабарини етказдилар. Амирзодалар Рустам ва Абу Бакрларга яғийни бартараф этмоқ вазифаси юкланди. Икки гул бўлиб, икки тарафдан ғаним устига ташланган амирзода Рустамнинг суворийлари дарёдан ўтиб, астойдил савашароқ, Қора Юсуфнинг укаси Ёр Алини қўлга тушириб, бошини танасидан жудо этдилар.

Абу Бакрнинг навкарлари Сарик ва Қутлуғ Хожа ҳамда амирзода Рустамнинг мулозими Оқ Берди Ўзбек ғалаба хабарини етказиб келдилар. Улар тақимидаги хуржунда Ёр Алининг боши ҳам бор эди. Ироқи Араб муҳолифлардан халос этилганди. Амирзода Абу Бакр фатҳу зафарла Боғдод вилоятига кириб, шаҳар иншоотига киришганди.

Рамазон ойининг ўн тўрти, ҳижрий саккиз юз олтида (26.03.1404) улуғ бобоси Қорабоғ қишлоғини тарк этиб, Самарқанд сари отланган эди. Арас ариғига кўприк боғлаб, Неъматобод кенти ва атрофини сув билан таъминлайдиган, ўзи қаздирган Наҳри Барлос канорига келиб саропардасини тиклатди. Амирзода Шоҳруҳ ҳам Қизил Яғочдан етиб келган эди ўшанда.

Амирзода Умар Мирзога Ҳулагухон мамлакати ва улуси топширилажаги эълон қилиниб, улуғ тўй тартиб этмоқ амр этилди. Султон Соҳибқироннинг ол тамғаси босилган ёрликқа шундай жумлалар битилган эди. *“Шаҳзодаи некбахт Мирзо Умар Мироншоҳ ўғлига Ҳулагухонга тааллуқ улус тақдим этилади. Озарбайжон вилояти, Рум ва Истанбулгача бўлган ҳудудлар, Шому Миср мамлакати ҳам анинг тасарруфи ҳукму фармонида бўлғай. Ироқу Форсда-*

ги барча шаҳзодалар анинг сўзидан чиқмасунлар ва анинг қурултойида ҳозир бўлсинлар”.

Шунда бобоси амир Жаҳоншоҳ Жоку Барлос ўғлини Мирзо Умарга оталиқ тайинлаб, сўзидан чиқмасликни уқтирган эрди. Бу воқеадан бир йил ўтар-ўтмас унинг исён кўтариб, қатлга етказилгани хабари келиб турибди. Эҳ, бу бевафо дунёи қўтир!

Ниҳоят, чопарлар амир Хожа Юсуфнинг Жом йўли орқали Самарқандга келаётгани хабарини билдирдилар. Амирзода унинг оёғини ерга теккизмай ҳузурига етказишни буюрди.

Отаси Мироншоҳ Мирзо ва ёши улуғ қардошлари ҳам Туркистон подшоҳини тожу тахт билан қутлаб, туя-туя карвонда тухфа юборгандилар.

Ҳорғин ҳолу биткин қиёфада кириб келган амир Хожа Юсуф юкунганча ҳукмдор оёғига ўзини ташлади.

– Шому усмонли, у тарафлардан қайтган ҳинду чин карвонлари орқали қулоғимизга турли нохуш хабарлар етиб келди. Сиз ҳам кеч қолдингиз? – деди Халил Султон чарчаган амирга ўтирмоққа ишорат этар экан.

– Етиб борганимда ҳар иш кўнгилдагидек эди, султоним. Бир ҳафта ичида шундай тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаётган ака-укалар ўртасида ғавғо-ю жанг-у жадал бошланиб кетса бўладими? Бу низо-ю тартибсизликлар орасида бошим қотиб, не қиларимни билмай, кимнинг ёнига боришга ақлим етмай, Табризда туриб қолдим. Ўйлай-ўйлай ниҳоят қиблагоҳингиз Мироншоҳ Мирзо ҳазратларининг палосларини ўпмоққа қарор қилдим. Ҳар икки амирзода бунга тўғри англари деган умидда эдим. Зотан, сиз ҳам мени, аввало қиблагоҳингиз аҳволи хотирларини сўрмоқ, ҳолларидан хабар олмоқ учун юборган эдингиз. Ниятимиз эса йўл устида ким биринчи дуч келса, зиёратни шу амирзодадан бошламоқ эди.

– Янглишмасам, барча қабоҳат қиблагоҳ ҳамда Абу Бакрдан ёш бўлишига қарамай, ўзини барчадан устун ва аъло чоғлаётган қардошимиз Мирзо Умарда эмиш дея эшитдим? – сўради сабри чидамай Халил Султон.

– Шундай деса ҳам бўлади, султоним. Маълумингиз-ким, Султон Соҳибқирон ҳазрати олийлари Шому Рум юришидан юрт сари дўнаётган пайтларида Ажам Ироқи, Озарбайжон, Аррон, Муғон, Гуржистон ва Ширвон ўлкаларини падари бузрукворингиз Мироншоҳ Мирзо ва икки улуғ қардошингизга бағишлаган, ёшда кичик бўлсалар-да, бошда улуғ этиб, Мирзо Умарни давлату салтанат ишларида сўз соҳиби этиб тайинлаган эрдилар. Мирзо Умар ушбу фармони олийга амал қилган ва шунга кўра ўзларини ота ҳамда буюк қардошдан афзал санаган кўринадилар чоғи. Мирзо Абу Бакр ёшда катталикларига боқмай улуғ боболари фармонларига итоат этиб, ҳеч бир замон кичик қардоши хоҳиш-иродасига қарши бормаганлар.

– Мирзо Умар бобом каби қишлоқни Қорабоғда ўтказган, деб эшитдик. Тўғрими? – сўради шаҳзода.

– Шундай, султоним. Зоти олийлари Қорабоғда қишлоқ солганлар. Буюк бобонгизнинг садоқатли кишиси амир Шайх Иброҳим Ширвоний теварак-атроф мамлакатлари беклари билан бирга хизматда бўлган. Абу Бакр Мирзо ҳам бобо ҳукмига биноан қиблагоҳингизни Диёрбакр ўлкасида қолдириб, волидалари малика Хоника бегим билан Қорабоққа, укалари зиёратига келдилар. Салому таъзим шартлари-ю пешкаш расм-русумларини ўринлатгач, изн олиб, Диёрбакрга қайтдилар. Амир Шайх Иброҳим ва бошқа бекларга ҳам юртларига қайтмоққа ижозат берилди.

– Амир Жаҳоншоҳ Жоку Барлос ўғли исёни қачон бошланди? – ҳамон амирни сўроққа тутар эди подшоҳ. – Ҳақиқатан ҳам у исён тартиб этганми?

– Бу каби фитна-фасодлар Оллоҳ раҳматига олган

бўлсин хоқони акрам ҳазратларининг қайтиши хабари етиб боргандан сўнг кўзғалди. Мирзо Умар саройи ва ҳузурида алоҳида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган, унга бош маслаҳатчи ва отабеги каби йўл кўрсатиб юрган амир Жаҳоншоҳ кўрсатилган иззат-икромдан мағрурланиб, ўзидан кета бошлайди. Ичкига ружу қўяди. Бироқ амирзода буюк бобоси амрига амал қилган ҳолда уни кечириб, янглиш хатти-ҳаракатларига кўз юмади. Хабарингиз бўлганидек, Соҳибқирон ҳазратлари тирик пайтларида Аланчук қалъасини бузиб ташлашни амр этгандилар. Амир Жаҳоншоҳ Барлосни Қорабоққа жўнатиб, ўзи дорулмулк Табризга қелган амирзода қалъани бузиш ишини Жаҳоншоҳга топширади. Шу муддатда амирнинг атрофидаги кишилари куну тун май ичмоқдан бош кўтармаган, кўп ичкиликдан ақлини йўқотаёзган Жаҳонмулкни йўлдан урадилар. Умар Мирзонинг энг яқин уч-тўрт нафар кишисини орадан кўтариб ташласак, салтанатдаги бутун инон-ихтиёр, амирзоданинг жилови тамоман қўлимизда бўлади, дея ишонтириб, кўндирадилар.

– Улар амирзода қардошимизни ҳам маҳв этмоқчи бўлганларми? – масалага аниқлик киритиб сўради Халил Султон.

– Улар Мирзо Умарга нисбатан юзда-юз пок ниятда бўлган демак мушкулдир, султоним. Эгасини ҳурмат қилган итига суяк ташлайди деганларидек, уларнинг амирзодага оз бўлса-да, эътимодлари бўлганда эди, бу разил ишга қўл урмаган бўлурдилар. Амирзодамизнинг мулозимлари ила қуролланиб уларга қарши савашганлари ҳам бунинг далилидир. Улар тонг-саҳарда тўппа-тўғри амирзода қароргоҳига ҳужум бошлайдилар. Амирзоданинг ноиби Қутбиддин Увбаҳий, амир Дароб қушчи, Шайх Муҳаммад тавочи ва Темур Шукурчининг ўғли Абдухолиқларни қиличдан ўтказиб, мирзо саропардаси томон ташлана-

дилар. Ҳеч кимсанинг қони тўкилишини истамаган Мирзо Умар йиғилаётган қўшимча кучлари билан исёнчиларга қарши туради. Катта хатога йўл қўйганини англаган Жаҳоншоҳ Жоку Барлос шериклари билан қочади. Амирзоданинг беклари Умар тобон, Шайх Муҳаммад товачининг икки ўғли, амир Абдураззоқ, Эсан Темур ясовул ва Ошиқбеклар Жаҳоншоҳни таъқиб эта бориб, аср намози вақтида қўлга туширадилар. Амирлар қатл этилган Шайх Муҳаммаднинг ўғли Бобо Ҳожига отаси учун хун олмоқ ҳақ-ҳуқуқи борлигини ва бунга ҳеч ким эътироз билдира олмаслигини англатиб, маслаҳат берадилар. Мамлакатда мавжуд бўлган қасос қондасига биноан Бобо Ҳожи амир Жаҳоншоҳ Жоку Барлос бошини кундага етказди.

– Амирзоданинг қатлдан хабари бўладими? Ёки бу ишни ундан беҳабар амалга оширадиларми? – ҳайрон бўлиб сўради Халил Султон.

– Афсуски, амирзода зоти олийларининг бу қотилликдан хабари бўлмайди. Умар Мирзо бу пайтда исёндан талвасага тушиб, тарқалишга юз тутган қўшинни тўплаш билан овора эканлар. Воқеа қулоқларига етиб келгач афсусланадилар-у, бироқ ҳайит ўтган, ўлган ўлиб, қолган қолган эди. Бу ишни қилганларга қаттиқ танбеҳ бериб қийидилар. Халойиқ бу қатлни ўзидан кўрмаслиги учун амирнинг авлодларига марҳаматлар кўрсатади. Амир Жаҳоншоҳ ва унинг-ла баробар исёну фитна байроғини кўтарган кишиларнинг икки минг туман миқдордаги мол-мулкнинг бир қисмини девонга олдиради ва қолгани талон-тарож бўлади.

– Демак, салтанатимизга хизмати синган, тоға аж-додимиз саналмиш Жоку Барлос тағонинг ўғли амир Жаҳоншоҳнинг қатл этилиши Абу Бакрнинг Мирзо Умарга қарши бош кўтаришига сабаб бўлган, шундайми? – қаҳрланиб ўрнидан туриб кетди Халил Султон.

– Билхосса шундай, подшоҳим.

– Бу воқеа ака-уканинг бир-бирига қилич кўтаришига баҳона бўла олмайди. Демак, Абу Бакр акамиз укасига қарши бориш учун баҳона излаб юрган. Жаҳоншоҳнинг жони жону қатлга етказилган тўрт амирнинг сариқ чақалик қиймати йўқми? Бу исён қай замон юз беради ва Мирзо Умар қачон бундан хабар топади?

– Мирзо Умар ҳазратлари шу йил тўртинчи ойнинг бошида Қорабоғ қишловидан кўчиб, Арс сувидан ўтиб, Неъматобод орқали Ужонга етиб келганларида буюк қардошларининг мухолифлик ҳаракатларидан хабар топадилар.

– Бу пайтда қиблагоҳ қайда бўладилар?

– Зоти олийлари, падари бузрукворингиз амирзода Абу Бакрнинг ёнларида эдилар ва уни бу йўлдан қайтаришга кўп уринган дейдилар.

– Мияси айниган бу амирзодаларнинг бирортасиям одам бўлмайди. Диши йўлбарсга эга чиқиш учун шербаччаларни еган шер каби бир-бирини еб битириб, охири бобоси салтанатини ҳам тугатиб, хароб этадилар! – хона бўйлаб асабийлашганча юра бошлади шаҳзода. – Хўш, кейин не бўлган? – тик турганча сўради.

– Акаларининг мухолиф ҳаракатидан огоҳ бўлган мирзо Умар ғулнинг беш минглик уғруқи ва ҳар бири беш юз отликдан иборат қирқ еттита мукамал от-улов, яроғ-аслаҳа билан таъминланган кўшинни кўриқдан ўтказиб, жангга ҳозирлик кўради.

– Қирқ етти мукамал кўшин деганингиз қарийб йигирма беш минг суворий дегани. Бундай ўрду билан ҳар қандай рақибни синдириш мумкин! – деди Халил Султон амирга ҳайрон бўлиб боқаркан. – Давом эта билурсиз.

– Бу ҳозирликдан хабар топган Абу Бакр мирзо амир Хусайин Барлосни қардоши Умар мирзо ҳузурига юбориб,

Ўзининг итоат йўлида содиқ турганлигини, қардошлигу давлатдорлик ахлоқи одоби ва тўра-ю тузугига хилоф иш тутмаслигини таъкидлайди. Ҳусайин Барлосни муносиб инъому икромлар билан сийлаган мирзо Умар бир муддат Ужонда тургач, Султония томон йўлга чиқади. Атроф мулкларнинг амирлари кесиб унинг хизматида ҳозир бўладилар. Шаҳзода ҳазратлари Ажам Ироқининг сарҳади бўлмиш Занжонрудга етганларида ҳузурларига мирзо Мироншоҳ ва Абу Бакрдан амирлар Севинжак ва Давлатхожа етиб келиб, яна бир бор Абу Бакр мирзо итоат узангисидан оёғини узмаслигини арзга етказдилар. Умар мирзо ҳазратлари уларни ҳам илиқ қаршилаб, кузатадилар-да, юришда давом этиб, шаввол (апрель) ойининг йигирма учида Султония қўриғига етиб келиб, хандақлар қазишга амр берадилар. Мирзо Умар беклари билан машварат ўтказиб, акаларини қўлга олиш режасини муҳокама этади. Умар Тобон ва яна бир неча бек юз беражак ишнинг янглиш эканлигини, бу воқеа қардошлар орасига ўнглаб бўлмас душманлик солишини, қиблагоҳлари Мироншоҳ мирзо ҳам бундан чексиз изтироб чекажакларини қайд этиб, қўшилмайдилар. Қолган беклар эса бу ишга рағбат кўрсатадилар. Улар амирзодани банди этиш ҳақида баҳслашиб ўтирар экан, лашкарини қолдирган мирзо Абу Бакр ўйлаб-нетиб ўтирмай тўрт амири йўлдошлигида ўз оёғи билан олий қароргоҳга кириб келади. Ука акани банди этишни буюради.

– Эшшаклар! – деди яна тахтига бориб ўтирган Халил Султон. – Умар мирзо бу ҳаракати билан ўзини ҳам чоҳга ташлабди-да. Падари бузрукворининг кўз ўнгида-я. Абу Бакр бир пайтлар отаси азл этилиб, тахт унга берилганда ҳам олмаган, отасининг кўзи тирик экан, унинг тахтига ўтира олмаслигини бобосига айта олган жўмард инсон эди-ку! Агар ўшанда Абу Бакр бунга рози бўлганида мирзо Умарга ҳокимият тегмас эди! Наҳотки, бу нонкўр шуни унутган

бўлса! Таассуф! Таассуф! Амир Темурнинг арвоҳи урсин барингни! Ўзи барчамизнинг пешонамизга эшак тепган кўринади. Ҳеч биримиз одамга ўхшаб ўз ажалимиз билан ўлмаймиз шекилли. Бир-биримизни ўлдирамиз ёки ўлдиришади! Давом этинг! – деди шахзода қовоғини уйганча қаҳрли овозда.

– Абу Бакр мирзони кийим-кечакларигача талон-тарож этиб, ғорат бир аҳволда Султония қалъасида маҳбус ўлароқ сақлайдилар. Фармонга биноан амир Ҳусайн Барлос, Абу Бакр мирзо ўғруқи, хотинлари ва мулозимларини Султониянинг Гўзалдара манзилида тутиб турганида мен Самарқандга қайтдим.

– Қиблагоҳнинг аҳволлари нечук эркан? Бу пайтда ул кишим қайда эдилар?

– Қиблагоҳингиз бу замонда амирзода Абу Бакрнинг ёнида бўлмаганлар. Бу фалокатдин саросима ва ваҳимага тушиб, Шохруҳмирзо юрти, Хуросон томон юзланиб, Колпуш ҳудудида турибдилар, деб айтишди. Бошда пешларини ўпмоққа мушарраф бўлдим, сўнгра зиёратларига етиша олмадим.

– Баттар бўлсин бу нонкўрлар! Умарга тахту давлат улуғ бобом ҳазратлари соясида осмондан тушган! Шунинг учун қадрига етмайди! Менга ўхшаб минг бир азоб билан қўлга киритганда билар эди! – деди шахзода ҳафсаласи пир бўлган оҳангда. – Инсон неники қадрига етмай, ношукрлик қилса, охири бир кун шунга зор бўлади, дер эдилар раҳматли буюк бобом. Бироқ кўқдан ҳукмдор бўлиб тушган биз аҳмоқлар ҳали-бери буни англаб етадиган кўринмаймиз!

Руҳсиз, кайфиятсиз тахтга оғир чўккан Халил Султон қўли билан амир Хожа Юсуфга кетмоққа ишорат этди.

Тантанали тожу тахт тўридасанми, тўрт тахта тубида-санми, тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

## ТҮРТИНЧИ БОБ

*Ҳам севиш ва доно  
бўлиш мумкин эмас.*

**БЭКОН**

Ғалла пайкалларида кузги арпа ва буғдой ўрими тугаган, баҳор дон йиғим терими ҳам охирлаб қолган эди. Барча тирик жонзод, иту қуш, қурту қумурсқа, ўрмалаган махлуқот борки, экин далалари атрофида ўралашар, черик ҳам лалмига эккан донини йиғиштирар, хотин-халаж, бола-бақра машоқ теримга киришганди.

Мингбоши Қулман Қиётнинг ўнбошиси Эсиргап Найманнинг навкарлари Шовдор қасабасининг Кенагас кўйида буғдой ва арпа ўғирлаган дея бир деҳқонни тутдилар.

Ўнбоши қирқ ёшлардаги Икром тожик деган деҳқонни мингбошининг чодирига олиб келди.

– Бу одамнинг ғалати касби бор экан, юзбоши жаноблари. Кузу қиш бўйлаб, каламуш инларини кавлаб, арпа, буғдой сули олиб сотаркан. Ўзи еркан, – деди Эсиргап Найман ҳайрон бўлиб. – Юзбошимизга тирикчилигингни ўзинг тушунтириб бер. Гапингдан бошим айланиб кетди, – деди деҳқонга қараб. – Ҳеч ишонмадим.

– Қани сўйла-чи? – деҳқонни сўроқ қила бошлади юзбоши.

Қулман Қиёт сўровни бошлаши билан чодирга қоровуллардан бири югуриб келди.

– Иш чатоқ! Саройдан иккита тафтишчи кепти! Юзликларни айланиб, текшириб юришибди! – деди навкар ҳовлиқиб.

– Кимлар эмиш у тафтишчилар? – ҳайрон бўлиб сўради Қулман Қиёт.

– Вазири аъзам Бобо Тармишнинг одамлари экан. Тумшуқлари осмонда. Саломимизга алиқ ҳам олишмади, – ҳисобот берарди навкар.

Чодирдан чиқиб тафтишчиларга кўзи тушган юзбоши Бобо Тармиш дўконининг эски қоровули, ҳозирги бош ёрдамчиси Суюнбой Қўнғиротни таниди. Унинг ёнида Кўксаройдан бадарға этилиб, Шовдорга юборилган, хонимбозликда ном чиқарган Дониёр Умаркул Қипчоқ бор эди. Улар янги амир ул-умаро Бобо Тармиш амри билан келган, қўшиннинг молиявий ҳолатини тафтиш этувчилар эди.

Меҳмонлар билан саломлашган юзбоши ўзини танииб, чодирига таклиф этди.

– Менга ёрдам этинг, мусулмонлар! Гуноҳим йўқ! Ўзим амал-тақал тирикчилик қиламан! – янги келган кишиларга нолий кетди деҳқон Икром тожик.

– Англамадик. Сен бу ерда не иш қилмоқдасан? Ким гуноҳқору гуноҳсизлигини маҳкама, қолаверса, вазири аъзам Бобо Тармиш жаноблари ҳал этадилар. Не қилмишинг учун тутиб келтирдилар? – сўради сарой тафтишчиси Суюнбой Қўнғирот.

– Мен каламуш инларини қазиб арпа, буғдой ва сули кавлаб оламан. Шу иш билан тирикчилик қилиб болачақамни боқаман, – зориллади деҳқон. – Кимсанинг молини ўғирламадим.

– Қандай қилиб кавлайсан? Тушунмадим. Дурустроқ англат-чи бу тирикчилигингни? – сўради тафтишчи оғзи очилиб. – Каламушларнинг донини кавлаб оламан дедингни?

– Шундай, хўжайин. Бу аҳмоқона ишнинг нимасини англатаман сизга хўжайин? – ҳайрон бўлиб атрофидагиларга боқарди деҳқон.

– Гапир, гапир! Шунга қараб қисматинг ҳал бўлади, – деди юзбоши деҳқонга. – Уни қанча буғдой билан қўлга олгансиз? – сўради Икром тожикни олиб келган навкардан.

– Эллик ботмон<sup>1</sup>ча бор, – жавоб қилди навкар.

---

<sup>1</sup>Ботмон – тахминан 3 килограммга тенг оғирлик ўлчови. Бир туркистон ботмони деб аталган.

– Ўҳ-хў! Ким ишонади шунча буғдойни каламушнинг инидан кавлаб олганинга? – кўзларини йириб айбдорга боқди Қулман Қиёт.

– Ўнлаб, юзлаб каламушлар бир инда яшайдилар. Ҳар бири бир ярим ботмондан ташиса юзта каламуш элик ботмон дон ташийди. Билмасангиз гапирманг-да, хўжайин! – деди овозини баландлатди инкавлар.

– Йўғ-е!

– Шундай, хўжайин. Катта инларда бундан ҳам кўп дондун бўлади, хўжайин.

– Қойил-е, хўп ишингни топган экансан-да оғайни. Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, каламушнинг инида ҳозир экансан-да?

– Шунақа бўлади ўзи, хўжайин. Доимо ўғрини қароқчи уради.

– Ўроқда йўқ машоқда йўқ, хирмонда ҳозир деб менга ўхшаганларни эмас, каламушу каламушга ўхшаганларни айтишган, хўжайин, – деди гапини бермай деҳқон.

– Беш-ўн гази шаръий<sup>1</sup>лик каламуш инини омборхонасигача кавлаб боришнинг ўзи бўлмайди, хўжайин. Гўрковнинг ишидан беш баттар оғиру машаққатли юмуш бу, хўжайин.

– Каламушларнинг ҳам омборхонаси бўладими? – оғзи очилиб сўради Суюнбой Қўнғирот.

– Э-э, нимасини айтаман шу бўлмағур ишнинг. Каламушлар уч-тўрт ёки беш-ўн газ кавлаб бориб, ариқ бўйлари, увату марзаларда, сувга яқин жойларда ўзларига ин ясайдилар. Тўплаган донларини нам теккизмай сақлаш мумкин бўлган қуруқ тупроқ қатламигача қазиб бораверадилар. Ниҳоят кўнгилларига ўтирган жойни топгач, сонларига қараб бола ёки катта одам эни бўйи баланд-

---

<sup>1</sup>Бир гази шаръий – тахминан 49,875 сантиметрга тенг узунлик ўлчо-ви.

лигида омборхона ясайдилар. Шу омборхоналарига арпаю буғдой, сулию нўхату бошқа дон-дунни шундай бир текисда, инсон боласи ҳам эплай олмайдиган қилиб териб чиқадиларки, кўриб ақлингиз шошади. Бир каламуш инидан энг кўпи юз ботмондан ошиқ дон топганмиз. Уларни ғоз, ўрдак, товуқ, паррандаю даррандалар тухумларини тартиб билан йиғиб, териб қўйганларини кўрсангиз, ҳайратга тушасиз.

– Ёпирай! – дея ёқасини ушлади Суюнбой Қўнғирот. – Ўрдагу ғозларнинг моягини қандай қилиб ташиб боради?

– Уларнинг инларига ташилган егуликларга кўзингиз тушса, ҳайрат бармоғини тишлайсиз, хўжайин, – ҳикоясида давом этарди Икром тожик завқ билан. – Майда қушларнинг тухумларини оғизларида олиб келадилар. Товуқ ёки ўрдак тухумини эса синмаслиги учун бир каламуш қучоқлаганча чалқанча ётиб олади. Иккинчиси эса унинг думидан тишлаб уни томон судрайди. Шу тариқа сон-саноксиз тухум тўплаб, омборхоналарда қиш учун сақлайдилар, хўжайин. Тухумлардан бизга фойда йўқ. Айниб кетаркан. Айиқлар гўштни саситиб егандек, каламушлар ҳам айниган тухумни яхши кўришади, хўжайин.

– Ё тавба! – деди Суюнбой Қўнғирот ёқасига туфлаб. – Буни қаранг-а? Оллоҳи таоло каламушга ҳам шунчалик ақл-идрок бериб, ризқини яратиб қўйган-а!

– Бу оғайнимизнинг калласи каламушнинг калласидан ҳам яхши ишлар экан! – деди юзбоши Қулман Қиёт деҳқонни завқ-ла тингларкан.

– Ишламаган калла ишлаган оёқни ишдан чиқаради, хўжайин. Мен ҳам оч қолиб кетганимда, ноиложликдан шу ишга қўл урганман. Одам боласи очлигу қаҳатчилик, дас-ти калталигу чорасизликда кун кўрмоқнинг минг бир усул-ини ўйлаб топади, хўжайин, – кимсадан тап тортмай гапни оларди деҳқон. – Мени кўйиб юборинглар. Ишим қолиб кетди, биродари азиз.

Тафтишчи билан юзбоши бир-бирига қараганча туриб қолишди.

– Бу масалани мен ҳал этолмайман. Қози ёки вазири аъзамга айтишга тўғри келади, – деди Суюнбой Қўнғирот елкасини қисиб. – Эллик ботмон дон оз нарса эмас.

– Сиз не десангиз шулдир, тафтишчи жаноблари. Қўлга тушган буғдой қаерда? – Эсиргап Наймандан сўради юзбоши.

– Шу ерда, менинг аравамга ортиб келибдилар, – жавоб қилди ўнбоши.

– Икки навкарингни қўлга тушган донни ва мана бу деҳқонни ол-да, тафтишчи жаноблари айтган манзилга элтгин. Соҳиби ихтиёр ёхуд қози ҳазратлари не ҳукм чиқарсалар шунга кўра ҳаракат эт! – буюрди Қиёт ўнбошига. – Маъқулми? Не дейсиз, меҳмон? – дея Қўнғиротга юзланди.

– Сиз билан черикни бир айланиб кўриб чиқамиз. Сўнгра биз қайтамиз, – деди ғўлабир тафтишчи рапидасифат семиз юзига сохта жиддий қиёфа бериб.

– Ҳар бир сўзингизни амир ул-умаромизнинг амрлари ўлароқ қабул қиламиз.

Тафтишчи билан юзбоши аскарнинг қурол-аслаҳаси, кийим-кечаги ва от уловини кўргани кетишди.

Улар юзбошининг чодиридан узоқлашгач, Дониёр Қипчоқ ўнбоши Эсиргап Найманнинг олдига келди.

– Тафтишчига одамгарчилик қилиш керак, – деди у сирники каби маъносиз кўзларини ўнбошига қадаб.

– Тушунмадим, ака, қанақа одамгарчилик? – Ҳайрон бўлиб сўради ўнбоши.

– Нега тушунмайсан, ҳарип? Шунча йўлдан катталарнинг топшириғи билан оворойи сарсон бўлиб келган. Қолаверса, бу бечоранинг ҳам бола-чақаси бор, – қовоғини уйганча ғўлдирарди мулозим.

– Билмадим, ака. Буни юзбошибекка айтинг. Сиз айтганингиз ришват бўлади-ку? – елкасини қисиб ҳервайди Эсиргап Найман.

– Ҳадя, тухфа, совға. Нега ўз-ўзингдан ўтлайсан, ҳарип?! – овозини баландлатди Дониёр Қипчоқ.

– Мени иккинчи марта ҳақорат этмоқдасан, ришватхўр! Учинчи бор шундай сўзни оғзингга олсанг, бошингни мана шу қиличим билан сапчадек узиб ташлайман! Тушундингми, ярамас! – ўшқирди ўнбоши.

– Ўзингни бос, оғайни! Нега элдан бурун жар соласан?! Мен сени эс-ҳуши жойида, тушунадиган одам деб айтган эдим! – овозини пастлатди мулозим.

– Эс-ҳушим жойида эмас! Бунақа ишларни ўзингга ўхшаган эс-ҳуши жойидалар билан гаплаш! Ичганимиз кунда уч бора ёвғон аталаю сенга қайдан одамгарчилик қиламиз? – қони қайнади ўнбошининг.

Дониёр Қипчоқ сен ҳам одаммисан дегандек лабини бурганча терс бурилиб, юзбоши ва тафтишчининг орқасидан кетди.

– Ришвату зинога қандай жазо берилишини билмайдигандек гапиради-я бу энағар! Ҳе энангни... – сўкинди ўнбоши.

Юзликни айланиб қайтиб келган Қулман Қиёт асабийлашиб турган Эсиргапнинг олдига келди. Ўнбоши Дониёр Қипчоқ билан ораларида бўлиб ўтган ғавғони айтди.

– Бу гапни сен сўйладинг, мен эшитмадим! – деди Қулман Қиёт боши қотиб. – Улар билан бирга айтган жойларига боргин-да, буғдойни тушириб, деҳқонни миршабларга топшириб, қайтавер. Билиб-билмай бечора деҳқонга жабр қилдик-да. Навкарларингнинг ҳам қиладиган иши йўқ шекилли! – дили хуфтон эди юзбошининг.

– Шунча буғдойни каламушнинг инидан кавлаб олгани кимнинг ақлига келибди денг! Бунақа ғалати ишларни кеча

қоронғусида яшириб-ёпириб қилмайдими? – таъби тирриқ бўлганди ўнбошининг.

– Меҳмонларни беклатма. Қайтгач, чодиримга кир. Бўлиб ўтган гап-сўзларни айтарсан. Шу баҳонада янги ваъзири аъзамимизни ҳам кўриб келадиган бўлдинг, – кулди юзбоши.

– Унда ўзингиз бора қолинг, устоз. Катта деган зот билан ҳечам гаплаша олмайман. Уларнинг афтини кўрсам елкам тиришади. Бобо Тармиш деган бадбашарани танийман. Ўрда бозорида бўз сотиб юрарди. Шуки амир ул-умаро бўптими, энди бу ёғини қўяверасиз.

– Сокин бўлу, сўзни ўйлаб гапир. Оталарнинг эски гапини унутма. Деворда қулоқ, шамолда тил бўлади. Бошимизга бирор балони сотиб олиб ўтирмайлик тағин. Бор жўна.

Икром тожик аравага ортилган буғдойининг устига чиқди. Отлиқлар араванинг олдига тушиб, шаҳар томон жўнадилар.

Кўксаройга етганларида кеч кириб қолган, амир ул-умаро Бобо Тармиш сарой ҳовлисидаги садақайрағоч остидаги сўрида кимларнидир дўғлаб, сўкиб, зуғум қиларди. Суюнбой Қўнғиротга кўзи тушгач, ўнг қўлини кўрсатгич бармоғи билан бир ўзинг кел дегандек ишорат қилди.

– Ишларингга боринглар! Ҳар ким ўз аравасини тортсин! Ҳўкиз тортган аравани от тортмайди. Аравани от тортар, кўланкасида ит ётар! Бу қанақа тирикчилик! Жўналаринг! – мулозимларини тергарди Бобо Тармиш.

– Ҳа, кел, Қўнғирот! Қалай? Тафтишлар яхши ўтдими? – мулозимидан ҳисоб сўради вазири аъзам. – Ҳар дақиқада улуғ султонимиз юришга амри фармон бериб қолишлари мумкин. Черик ҳар даму сонияда, савашга тайёр туриши керак! – буйруқона оҳангда қўнишарди Бобо Тармиш. – Аравадаги нима? Нега у одамларни эргаштириб юрибсан?

– Бир деҳқонни эллик ботмон ғалла билан тутишибди. У эса бу донни каламушнинг инини кавлаб олганман деб аскарлар билан тортишиб турган экан. Устидан чиқиб қолдик. Не қарорга келишни билмай гуноҳкорни ҳузурингизга олиб келдим, амир ул-умаро зоти олийлари, – деди Қўнғирот ҳисоб бериб.

– Тўғри қилибсан. Салтанатимиз ҳудудидаги ҳар қандай ўғирлигу ғарликдан хабардор бўлишимиз керак. Кўйларда шу касб билан тирикчилик қилувчи одамлар бор. Йигитлигимда мен ҳам бу ишни қилганман. Яхши биламан. Қанча ғалла дединг?

– Эллик ботмон.

– Кўп экан. Озроқ бўлганда айбдорнинг ўзига бериб, қўйиб юборардик. Шунча донни унга бериб бўлмайди. Хазина ҳисобига ўтказиб юборамиз. Акс ҳолда, гап-сўз бўлади, Суюнбой. Ўғри каламушми, одамми, нима фарқи бор. Бу дон учун иккиси ҳам меҳнат қилмаган.

– Бечора фақирнинг бир йиллик доми ризқи экан, вазир аъзамим. Қандай бўлар экан?

– Унда бу масалани менинг олдимга олиб келмай, ўша ёқда ҳал қилишинг керак эди, Қўнғирот қоровул. Ҳозир эса барчанинг кўз олдида мен бундай қила олмайман. Тушундингми?

– Тушундим, тушундим, ҳазрати олийлари.

– Тушунсанг бундан буён менга ақл ўргатмай айтганни қил! Деҳқонларни уриб-сўкиб бўлса ҳам ғалла топ! Омборни тўлдиришимиз керак!

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, хўж... ҳазрати олийлари.

– Бор! Амримни бажар! Усиз ҳам менга ақл ўргатадиган етиб-ортиб ётибди! Сени қоровулликдан хос мулозим қилиб қўйган бўлсам. Елиб-югуриб, қош-қовоғимга қараб ишламайсанми? Энг ишонган одамим сен бўлсанг. Хазинанинг таги кўриниб қолган. Ғалла захираси ҳам бу йил

кўнгилдагидек бўлмади. Подшоҳимизга эса ўтган йилгидан бир ярим баробар кўп дон тўпладик деб айтиб қўйдик. Одамлардан сотиб олсак-да, тортиб олсак-да, омборни тўлдиришимиз керак. Кўча-кўйда учраган ғаллани олиб келавер. Арзонгаровга деҳқонлардан дала бошида олиш керак. Солиқни тўламай юрганларнинг дон-дунини босиб олавер.

Суюнбой Қўнғирот “сен дўкончиликдан вазири аъзам бўлганимда мен қоровулликдан мулозим бўлсам нима қилибди”, деди ичида ўзича сўкиниб.

Қўнғирот тафтишчи, амир ул-умаронинг қарорини йўлдошларига етказди.

Деҳқон Икром тожик бақириб-чақириб тўполон кўтарганча вазири аъзам томон талпинди. Бироқ Эсиргап Найманнинг икки навқари уни ёқа-поча тутиб саройдан узоқлаштирди.

– Ҳе падарингга лаънат, Бобо Каламуш! Келиб-келиб менинг каламушлардан тортиб олган ризқимга кўз тикасанми? Номард! Тешиб чиқсин! Давлатингнинг куни каламушнинг ҳақиға қолганмиди?! Барингнинг уйингга ўт тушсин, итдан тараганлар! – бор овозда сўкиниб борарди деҳқон.

Суюнбой Қўнғирот уч халта буғдойни хазина хизматчисига топширди.

Шу воқеадан сўнг халойиқ вазири аъзамни орқаваротдан Бобо Каламуш дея атайдиган бўлди.

Ўнбоши Эсиргап Найман эртаси куни чошгоҳга яқин Қулман Қиётнинг ҳузурига келди.

– Бобо Тармишнинг хизматига ўтиб кетдингми дея ўйладим, ўнбоши. Жуда кеч қолдинг? – Эсиргапни сўроққа тутди юзбоши.

– Бобо Тармиш эмас, Бобо Каламуш десангиз ҳам бўлаверади, юзбоши жаноблари, – жавоб қилди кулиб

ўнбоши. – Икром тожикнинг ғалласини олиб, хазинага топширишга буйруқ берди вазири аъзам. У эса бор овозда Кўксарой ҳовлисини бошга кўтариб, сен Бобо Тармиш эмассан, Бобо Каламушсан дея бақириб-чақирди. Катта-кичик ҳамма эшитди. Хуллас, яхши иш бўлмади, кўмондон. Айтганингиз каби навкарлар уни тутиб келиб хато қилишган экан. Бечорага жабр бўлди. Қарғайди энди. Яхши иш бўлмади. Бу вазири аъзам давлатни бойитадиган кўринади, устоз. Каламушларданки солиқ олдимиз, бу ёғини қўяверинг. Энди бу мамлакат ҳақиқатан ҳам бойийди ёки жониворларнинг қарғишига учрайди.

– Ҳа, тўғри айтасан. Каламушлар билан талашиб нону насибасини топиб юрган камбағалга жабр қилдик. Шу атрофда яшаркан. Сўраб-сўриштирдим. Бирорта эчкими қўйми бериб кўнглини олармиз. Кўпам сиқилма, – ўнбошисини овулган бўлди юзбоши.

– Лекин бошқа муҳим гап бор, кўмондон, – деди Эсиргап атрофга олазарак назар ташлаб паст овозда. – Бобо Каламуш Кўнғирот тафтишчи билан гаплашаётганда қулоғимга чалиниб қолди. Ҳар дақиқа ёки сонияда ўрду савашга ҳозир бўлиши керак. Султонимиз юришга амр бериб қолишлари мумкин деди.

– Йўғ-е! Ростданми?

– Ўз қулоқларим билан эшитдим, кўмондон.

– Куни кеча юришдан қайтиб келдик-ку? Наҳотки яна йўлга чиқсак? Қай томон юрар эканмиз?

– Қай тарафга бўларди, Термиз томонга бўлса керакда. Тахту салтанатга бошқа ёқдан хавф-хатар йўқ деб ўйлайдилар пошшомиз.

– Шундай дегин?

– Шундай, юзбошим.

– Бу ҳақда бирор кишига оғиз очмадингми?

– Йўқ. Нега оғиз очайин. Сизга ҳам айтмоқчи эмас эди-

му, бироқ орамиздаги самимий дўстлик ҳурмати айтмасам бўлмас дея ўйладим. Мен сизга ўзимдан ҳам кўра кўпроқ ишонаман. Сиздан ҳеч кимдан кўрмаганим яхшиликларни кўрдим. Билмасаму унутсам, кўзим кўр бўлади.

– Яхши, Эсиргап қардошим. Мен ҳам сени жон-жигарим каби кўраман. Кечқурун чодиримга кел. Бирга емак еб, суҳбатлашамиз. Гап бор, – деди юзбоши қошини чимириб пешонасини тириштирар экан.

– Каламуш яна бир гап айтди, юзбоши, – деди Эсиргап Найман бошлиғининг илиқ муносабатидан ийиб.

– Не гап? Айт. Бу дунё билги соҳибининг элидадир, ўнбоши. Аскар зоти подшоҳи ва салтанатига қурол-яроғидан аввал ақли идроки билан хизмат қилиши керак. Қуролни фаҳми фаросат, зако-ю тадбир билан ишлата билмаган ҳар қандай бақувват навкарнинг омов тортишдан бошқага ярамайдиган ҳўкиздан фарқи йўқ. Бояги тожик деҳқоннинг гапига эътибор бердингми? Ишламаган бош ишлаган оёқни ишдан чиқаради деди. Сенинг бошинг ишлагани, ақлинг жойидалиги учун ўзимга яқин оламан, ишонаман. Эшитган барча гапларингни айтавер. Шуни унутмаки, бундан буён орамизда сир-асрор, молу мулк йўқ. Сени қиёматли қардошим деб биламан, – одатдагидан самимий ва меҳрибон эди юзбоши.

– У Қўнғиротга хазинанинг таги кўриниб қолди. Дон-дун ҳам ўтган йилгига қараганда оз йиғилди. Подшоҳга бир ярим баравар кўп йиғилди дея ёлғон сўйладик деди.

– Яна не деди?

– Шу гаплар, кўмондон.

– Яхши. Ўша, кўприкнинг устидаги гап дегандек, кечқурун, қоронғу тушганда чодиримга кел. Қўнишамиз, – деди юзбоши сирли оҳангда ўнбошининг елкасига қоқиб.

Отадан эрта етим қолиб, парча экмак пешида итдек югуриб боши болалиқданоқ анча-бунча тошга тегиб, кўзи эрта

очилган Эсиргап ўнбоши бошлиғининг ўзини қандайдир муҳим ишга ҳозирлаётганини сезмай қолмади.

Осон жойда ош йўқ деганларидек, қаерда бўлмасин қўлингни тошнинг остига қўйиб, ҳаётингни хавф-хатарга солиб, бирор бир ишнинг уддасидан чиқиш керак. Акс ҳолда, итнинг орқа оёғи бўлиб, қай бир сўғишу савашда ўлиб, изсиз йўқолиб кетасан. Қулман Қиёт юзбошида амиру қўмондоннинг калласи бор. Бироқ унга дордан қочган Саидқул Зинбардорга ўхшаганлар буйруқ беради. Улар ноҳақ ва аҳмоқона амр берсалар ҳам хўп деб бажаради. Қош қайириб ўз фикрини сўйласа, оғзидаги нонидан айрилиб қолади. Эшак ўғрисига айланади. Умру ҳаёт шунақа экан, бир манзилга етмоқ учун ўнлаб, юзлаб номарду хонлардан чекинишга тўғри келаркан...

### БЕШИНЧИ БОБ

*Муҳаббат подшоликни қиличсиз бошқаради.*

**ГЕРБЕРТ**

*Хотинни бошқармоқдан давлатни бошқармоқ афзалдир*

**Гуржи ота сўзи**

Эсиргап Найман етиб келганида юзбоши қароргоҳида йўқ эди. Чодир қолуси олдидиги курси вазифасини ўтайдиган кундага оғир чўккан ўнбоши қўмондонни кута бошлади. Кўп ўтмай ўй босганча чориғини судраб ҳорғин юзбоши етиб келди. Ҳидига қараганда қўлидаги толтовоқда қовурдоқ бор эди.

– Бурхон ўнбошининг йигитлари эчки сўйишган экан. Қўйишмади. Қовурдоқ пишгунча кутишга тўғри келди. Иккимизнинг тегишимизни бериб юборишди. Мешда айрон, хуржунда қотирма бор. Ака-ука бирга қовурдоқ еймиз, –

деди Қулман Қиёт толкосани ўнбошига узатар экан. – Ой ёруғида, ташқарида ўтирамиз.

Эсиргап чодирдаги тўшанчиларни ташқарига олиб чиқиб, ўтиришга жой ҳозирлади. Қовурдоқни қотирма билан еб, айрон ичишди.

– Айтинг, устоз, гап-бор деганингиздан бери ичим қизиб, қўлим ҳам ишга бормади. Шунақа зўр-зўр ишларни айтингки, биз ҳам уни қойиллатиб, баҳодирлик кўрсатайлик. Донғимиз чиқсин, – деди ўнбоши ҳўриллатиб айрон ичаркан.

Қулман Қиёт чуқур нафас олганча, ой шуъласида кўзлари йилтираётган суҳбатдошига тикилиб қараб қолди.

– Иш оғир, жўра. Айтсаммикан, айтмасаммикан? – деди юзбоши маъноли оҳангда чўзиб.

– Сиз учун ўлимга ҳам боришга ҳозирман, устоз. Ҳеч бир андишага бормаи айтаверинг. Тепамизда худо, суфрамизда экмак турибдики, сизни улуғ қон-қардошим дедим! – дея дастурхондаги бир парча нонни ушлади ўнбоши.

– Чодир тоқчасида Қуръони карим ҳам турибди. Мен ҳам ана шу ҳис-туйғу ила сени ёнимга олмоқ истадим, Эсиргап. Мен ўринли-ўринсиз Оллоҳ исмини тилга олаверган ва қасам ичаверган кишиларга ишонмайман. Ҳақ таоло инсоннинг дилида, иймонида бўлмоғи керак. Ўз шахсий ишим, манфаатим учун сени бу ишга жалб этаётганим йўқ. Шунини чуқур англамоғингни истайман. Улусимиз тинчлигу хавфсизлиги, давлатимиз бирлигу бутунлиги учун сени ёнимга олмоқдаман. Ўйлайманки, тўғри тушунасан. Энг муҳими, сен кўпчилик аскарларимизга ўхшаб хат-саводсиз эмассан. Болалиқдан кўпни кўриб кўзинг пишган, – мулоҳазали оҳангда гап бошлади юзбоши.

– Сизни англадим, устоз. Не десангиз амрингизга ҳозирмен. Дунёнинг нариги бурчагига бориб кел десангиз ҳам кетаман! – сўзи жавоби қатъий, сўзи ишончли эди ўнбошининг.

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

– Демак, бир-биримизни англадик. Шундайми? – Эсиргапнинг кўзига тик боқиб сўради Қулман Қиёт.

– Шундай, устоз! Буюринг!

– Қавми қариндошинг Термиз атрофида эди шекилли, янглишмасам? – сўради юзбоши.

– Шаҳарга яқин Жарқўрғон қасабасида, устоз. Кўйимиздан Жарқўрғон минораси кўриниб туради. Ота-онам вафот этиб кетганлар. Бир укам билан синглим қолган.

– Сен мендан қишлоғингга бориб келмоқ учун жавоб сўраган бўласан. Мен рози бўлган бўламан. Жайхуннинг нариги тарафига ўтиб, мен айтган одамга ўша, сарой ҳовлисида эшитган гапларингни оқизмай-томизмай айтсан ва уларнинг ижозат беришларига қараб қайтасан.

– Тушундим, устоз.

– Кимсага билдирмай ҳозирлик кўр ва сафарни ҳеч кимга айтма. Мен иш буюрганда шаҳарга бориб келгандек бўлиб кетаверасан. Зотан, киши сафар, бойлик ва мақсадини ҳеч кимга айтмайди.

– Англадим, устоз!

– Улуғбек мирзонинг ёнларида юрадиган Ражаб Турдиқорани танийсан-а?

– Ҳа, танийман. У кишини Хўжа Насириддин ҳам дейишади.

– Худди ўша одам. Шу биродаримизни излаб топасан ва кимнинг ёнига олиб борсалар, ўшанга лозим бўлган гапларни сўйлайсан. Сўнгра амрларини беклайсан. Ма-бодо қолишингни айтсалар, рози бўл. Сени йўлда ўлдига чиқарамиз. Уч ойгача қайтиб келмасанг, аза очиб худойи қиламиз. Оллоҳнинг ўзи кечирсин! Мулку миллат, давлату салтанат ишида бундай ишлар бўлиб туради.

– Барчаси тушунарли, устоз!

– Унда эртагаёқ йўлга чиқа билурсан. Тонг ёришмасдан жўнасанг ҳам бўлади. Самарқандга қатнаб юрганингни

билишади. Шу атрофда юргандир деб ўйлашади. Мана бу ақчани ол, – деди юзбоши кумуш кепакйлар солинган бўз халтани ўнбошига узатиб.

Вазири аъзам Бобо Тармиш одатдагидек ҳар кунги подшоҳ саломига кирганди. Бироқ ҳануз ҳукмдордан хабар йўқ эди. Ҳовлига қайтиб чиққанида дарвозада султоннинг оқ тулпори кўринди. Амир ул-умаро оёғини кўлига олганча дарвоза томон югурди.

– Не ҳаводислар, соҳиби ихтиёр? – деди отдан тушган шаҳзода оёғини ёзиш учун ҳовлида юрар экан.

Ҳукмдорга имзо чекдириши керак бўлган қоғозларни кўлтиғига қистирган Бобо Тармиш зар яктагини елкасига ташлаган Халил Султоннинг орқасида пилдираб борарди.

– Фарғона ва Шоҳруҳиядан хабарлар бор, султоним! – деди икки букилиб вазири аъзам.

– Сўйланг. Не хабарлар экан? – хаёли паришон эди ҳукмдорнинг.

– Худойдод Ҳусайний Андижон ва Ўратепа қалъалари ва буржу бораларини мустаҳкамлаб, қандайдир гарданкашликка ҳозирлик кўраётганга ўхшаш ҳаракатлар содир этмоқда эмиш. Ўғли Абухолиқ эса Шоҳруҳияга бориб, даруға амир Боботуркга “сиз султонимиз ҳазрати олийлари иқтидор мужодаласи берганларида ёнларида турмадингиз, шу туфайли даруғаликни менга ташлаб кета билурсиз. Тўрт тарафингиз қибла”, дебди.

– Унга жавобан даруға не дебди? – ҳайрон бўлиб сўради Халил Султон.

– Мени бу вазифага Султон Соҳибқирон ҳазратлари кўйганлар. Олийнажот шаҳзодамиз қачонки даруғаликни тарк этишимни буюрсалар кетаман. Унгача хомтама бўлиб, бўйингдан ошажак ишларга кўл урма, дея жавоб берибди.

– Амир Боботуркнинг салтанатга, қолаверса, барчамизга кўп хизматлари синган. Бироқ шу пайтгача негадир қорасини кўрсатмади. Тошкентда кўришганимизда ҳам сидқидил хайрихоҳлик билдирмади. Биз ҳам ўз ишимиз билан бўлиб, эътибор бермабмиз. Ҳирот сари қочган амирзодалар ортидан ҳам кетмади. Бизга нисбатан бетарафлик мақомида турибди, чамаси. Келиб муборакбод ҳам этмади.

– Бетараф ҳам, охири бир кун бартараф бўлади, подшоҳим! Бетарафлик ярим нохайрихоҳлик, ярим ғанимлик, душман каби оёқ тойишини пойлаш демақдир. Иқтидорга келиб тахтга ўтирганингизга тўртинчи ой кетмоқдаки, ҳали-ҳануз ўз муносабатини билдириб, ёнингизга кириб, қўллаб-қувватлагани йўқ. Ўзи қутволликни топшириб қўйган Эртўғрул Турон деганидан ҳам садо йўқ. Томошабинлик қилиб туришибди. Бунинг устига, тили заҳар Масти Қаландар деган майхўр гадой билан номдор ашулачи Шерозий ҳам уларнинг ёнида. Ўзаро суҳбатларда “амирзода улуғ боболарининг васиятларига амал қилиши керак эди. Тахт тўра ва тузукка хилоф равишда эгалланган” деган фисқу фасодларни тарқатиб юрган эмишлар.

– Туркистонун Мовароуннаҳрдан икки мисли катта мамлакатга подшоҳлик қилаётган Пирмуҳаммад Самарқандга келиб туғиб берар эканми? Бечора ҳиндулар ўша ношуднинг касофатига қолиб, бошига бало орттирди. Раҳматли бобом ҳазрати олийларининг валиаҳдлик ҳақида ҳеч қандай имзо чекиб, муҳр босган амри фармонлари йўқ. Бунинг барчаси шайтон Шайх Нуриддин билан илоннинг ёғини ялаган Шоҳмаликнинг ўйлаб топган найранги. Агар бобом ҳазратлари шу фикрда бўлганларида, буни расмийлаштириб кетардилар. Оғзим бор дея гапираверадилар-да бу дордан қочганлар. Аҳволларини кўриб турибсиз. Бари қочиб бориб, амакимнинг ялоғини яламоқда. Биз ҳеч бирини қувмаган эдик. Ёнимизга келиб, одам каби

муносабатда бўлиб, ишларини қилиб юрсалар бўларди. Пирмуҳаммад баҳонасида аслида уларнинг ўзига ҳокимият керак. Бухородан думлари тугилгач, валиаҳдни ҳам унутиб, амакимга байъат келтирдилар. Улар буюк бибимиз ила биргалиқда бошдан бери амаким тарафида бўлганлар. Бу фитналар-да аста-секин ойдинлашмоқда. Бироқ биз чекинмаймиз. Сабру матонат ила сўнгига қадар борамиз. Ҳеч ким онасининг қорнидан подшоҳ бўлиб тушмаган. Тожу тахт, журъату жасорат, ақли идрок, керак бўлса, қону жон билан эгалланади. Аммо биз шу кунгача ҳеч кимнинг қонини тўкмадик. Бундан сўнг ҳам тўкмаяжакмиз. Бироқ қон тўкмок жаддида бўлганларнинг тизгинини тортиб қўймоқ элимиздан келади, – бобо васияти ҳақида гап очилса, аччиғи чиқиб, қаҳри қўзирди Халил Султоннинг.

– Маъқул кўрсангиз, амири харос<sup>1</sup>ни юбориб уларни ўша ерда ясоққа етказсак! – деди Бобо Тармиш шу таклифи билан садоқатини изҳор этмоқчи бўлиб.

– Нохайрихоҳларнинг бари ясоққа етказилаверса, кўпчиликни қириб юборишга тўғри келади. Жазо ва ясоқ ишини ўзим ҳал этаман. Сиз эса маош ҳамда аскар иши билан шуғулланинг! Ўрду амр этганим каби ҳар даму дақиқада юришу савашга ҳозир бўлсин! Ёлғиз Оллоҳдан бўлак атрофимизда дўстимиз йўқ! Дўстман деганларга ҳам аллақачон ишонмай қўйганман! Қолаверса, сўйлаганингиз бетарафу нохайрихоҳларнинг қиёфа ва кимликларини сўнгига қадар ошкор этишларига қўйиб беришимиз керак. Биз учун уларнинг кимлиги эмас, ким тарафда эканлиги муҳим. Модомики, бизнинг ёнимизда турмас эканлар, шунда сўнгги ҳисоб-китоб қилинади. Керак бўлса, яғийлар Қорақурумга қочиб борса ҳам қувиб етиб, қора қонини тўкамик! Амир Боботуркни ҳайдасак, ҳамон Ҳирот то-

---

<sup>1</sup>Амири харос – сарой қўриқчилари бошлиғи, жиноятчиларни жазолаш устидан ҳам назорат этган.

мон қочиши мумкин. Бироқ икки ўғли бошкентда ўқийди. Шуларни ўйлаб ҳам бизга қарши курашувчилар сафига кечмаслиги мумкин. Амакимнинг икки норасида фарзанди Жаку билан Бегико ҳам шу ерда. Уларга кўз-қулоқ бўлинг! Яширин олиб кетишмасин! Бу болалар давлату мамлакат тинчлигининг кафолатидир!

– Бироқ амир Боботурк ёшим бир жойга бориб қолди. Олийнажот шаҳзодамиз ижозат этсалар, истеъфомни қабул этсалар-да, юртим Ўсмаатга қайтсам деган гапни айтиб юборибди.

– Одамлар амалу мансаб пешида от чоптириб, қон кечиб юришибди-ю, ул кишимга даруғалик керак бўлмай қолибдими? Шундай деган бўлса, ҳамон жавоби берилсун! Ўсмаатидан ўтиб, Ойқордан ошиб, ундан нарига кетсин!

– Ўрнига кимни тайинлайсиз, султоним?

– Ҳозирча ҳеч кимни. Сўнгра муносиб номзодни айтаман! – деди Халил Султон шахдам одимлар-ла сарой томон юраркан.

Шаҳзоданинг авзойидан чўчиган Бобо Тармиш ҳовлида қаққайиб турарди.

Амир ул-умаро сарой ҳовлисида мулозимларга иш тақсимлаб тураркан, эшик оғаси келиб шаҳзода чорлаётганини айтди.

– Ҳузуримга Шайх Нуриддиннинг одами келди, – деди қовоғини уйиб Халил Султон Кўктошни айланиб юраркан.

– Султонимиздан не истармиш собиқ бош вазир жаноблари? – сўради Бобо Тармиш.

– Собиқ маликамиз Туман оқани хотинликка сўраттирибдилар.

– Унда ҳамон бериш керак. Шу баҳонада Шайх Нуриддин ҳам биздан рози бўлади ҳамда хавфли маликаларнинг биридан қутуламиз. Аслида қолганларини ҳам шу

тарзда узатиб, бошкентдан узоқлаштирганимиз маъқул. Зубайдаи соний маликамиз Шод Мулк оғо ҳам бу ҳақда сизга айтган бўлсалар керак, – ҳамон шаҳзоданинг гапини маъқуллади вазири аъзам. – Амир Ҳамза Сулдус ҳам Рухпарвар оғога оғиз солган экан. Одам боласи ҳам тирик мавжудот. Ўзига яраша жуфт ахтаради-да. Неча ёшга кирмасин, кишининг дили ёшлигидаги каби орзу-ҳавасга тўла бўлар экан. Кўнгил қаримас экан, султоним.

– Нима, бу иттан тарқаган беклар Султон Соҳибқирон маликаларига уйланиб, янги Амир Темур Кўрагон бўлмоқчи эканларми? Бизнинг бу ишга аралашувимиз одобдан эрмас аслида. Бироқ уларнинг шундоққина бурнимиз остида турганлари ҳам хатарли. Шод Мулк билан келишиб, бу масалани чўзинг. Маликамиз не десалар шу тарзда ҳал этинг. Қолган ёш маликалар ҳам ўз-ўзидан тарқаб, ота юртларига кетиб қолмоқдалар экан. Ҳеч бирларига қаршилиқ кўрсатмангиз. Мол-мулк, хазиналарини олиб кетаверишсин. Биз учун энг хавфлиси шу икки малика. Охир-оқибатда бош малика. У ҳам бизга хайрихоҳ эмас.

– Рози бўлмасалар нетайлик, султоним?

– Нетмоқни Шод Мулкнинг ўзи айтадур. Бу хусусда қайтиб менга оғиз очманг.

– Амри фармон подшоҳимизнингдир!

Амир ул-умаро ўзига теккан зотдор отлардан бирини минганча малика Шод Мулк яшаётган Боғи Жаҳоннамога қараб йўлга тушди.

Қасрнинг катта солинида ўтирган маликага боши ерга теккудек эгилиб таъзим бажо этди.

– Собиқ икки маликамиз тақдирлари хусусида келдим, зубайдаи соний зоти олиялари, – деди ўзини шу даражага етишига сабабчи бўлган жувон олдида тиз чўкиб.

– Биз ҳам кечаси подшоҳимиз билан гаплашган эдик. Шайх Нуриддин билан амир Ҳамза Сулдуснинг одамлари

шу ерда. Айтаман сизга учрашадилар. Бирга бориб, маликаларни қўшиб жўнатынг.

– Кўнмасалар нетайин, маликам? – шаҳзодага берган саволини такрорлади вазири аъзам.

– Сизнинг моли жонингиз омонлигига амир ул-умаро сифатида кафолат бера олмайман. Унда ўзингиз биласиз денг қатъий оҳангда, – буюрди малика.

– Англадим, зубайдаи соний зоти олиялари. Амри фармон маликамизнингдир! – дея тисланди Бобо Тармиш. – Бу ёғини ўзимга қўйиб беринг.

Ўрнидан туриб, балчикдан судраб чиқиб вазири аъзамлик маснадига ўтқазиб қўйган одамнинг бир пайтлар Амир Темур миниб юрган отга ўтириб, боғдан чиқишини кузатган малика Боғи Дилкушода Туман оғонинг қўлида хонабанд бўлиб ётган кунларини, унга яхши кўриниш учун кийим-кечагини ювиб, ўзини чўмилтириб, товонларини ишқалаб қўйганларини эслади. Эслади-ю ижирғанди. Кимларга куним қолган экан-а? Ўшалар олдида паст кетиб, хизматини қилибман-а! Ким эди у номи улуғ, суфра-си қуруқлар менинг олдимда?! Яратган эгам ҳар кимнинг феъли атворига яраша тақдири такбирини жой-жойига қўйиб қўяр экан. Эгамга бир хайри аъмолимиз маъқул келгандирки, шу қисмату қадарни бизга насиб этди. Бия сўрагандик, туя берди. Бундан сўнгда дар қўймас, иншооллоҳ. Бугун-эрта шаҳардаги энг асосий рақиблардан қутулади. Ана шундан сўнг тинчгина оёғини узатиб, роҳат-ла яшайди... Яратган тангрим меҳри мурувватини дариғ тутмасин.

Қасрнинг кичик солинида сарой санъатчилари сардори Биби Чаманно ўттиз чоғли раққоса ва қўшиқчи қизлари билан кечки базмга ҳозирлик кўришар, бинонинг орқа тарафидаги ошхонада ошчилар Ойқор тоғидан отиб келтирилган кийик, олқор, каклик ва тустовуқ этидан турли-туман егуликлар ҳозирлашар, шаробчилар катта кўзалардан

олтин, биллур ва кумуш кўзачаларга бода<sup>1</sup>, мусаллас<sup>2</sup>, ароғ<sup>3</sup>у шарбаи муаад<sup>4</sup> қуйишарди.

Боғ хизматчилари майдон ва йўлакларни гард тушса ялагудек қилиб супуриб-сидиришар, зубайдаи соний, малика Шод Мулкнинг Кешдан келган бир тўп қариндош уруғлари, эркак-аёллар оғзилари очилганча боғни томоша қилишарди.

Теварак-атрофнинг деҳқон ва боғбонлари қисқа фурсатда донғи оламни тутган ёш маликага энг сархил узуму шафтоли, олма-ю ўрик, кўксултонуну гилосларни олиб келишар, дарвозадан нарида туриб олқишлашар, бўйнилари-ни чўзганча, уни бир бора бўлса-да, кўрмоққа интилишарди.

## ОЛТИНЧИ БОБ

*Кўк юзида ёлғиз кезган юлдузлар,  
Ер юзида сизнинг каби ёлғизим.  
Бир ёлғизлик шарқисин сўйлар созим,  
Мен ёлғизим, мен ёлғизим, ёлғизим.*

### **Эмал Сайиннинг қўшиғидан**

Тоғларда қорлар эрий бошлаганлиги учун Сайхун тўлиб оқар, қалъанинг энг юксак буржидан дарёни томоша қилиб турган тўрт кишини хаёл узоқ-узоқларга олиб кетган, сассиз-садосиз сувнинг шовқин солиб оқишига кулоқ тутишарди.

– Менинг истеъфо хабарим етиб борган бўлса, шаҳзодамиз рози бўлсалар керак, – деди амир Боботурк ёнида бошини қуйи эгганча жим келаётган Эртўғрул Туронга.

<sup>1</sup>Бода – мусалласга шакар қўшиб тайёрланган кучли вино.

<sup>2</sup>Мусаллас – узумни эзиб тайёрланган оддий енгил спиртли ичимлик.

<sup>3</sup>Ароқ – узум спиртига сув қўшиб ҳозирланадиган ичимлик.

<sup>4</sup>Шарбаи муаад – ўт ёқиб, махсус тайёрланган ичимлик, самогон.

– Бироқ нега ҳе йўқ, бе йўқ истеъфоталаб бўлиб қолибдилар, дея қаҳри кўзиса ҳам керак. Черигимиз билан бориб кўшилмадик. Амир Худойдод бошлиқ беклар каби қасамёд этмадик. Шу туфайли бизга нисбатан биров қизғин бўлишлари мумкин, – деди Эртўғрул ўз фикрини билдириб.

– Норози бўлишлари табиий. Бироқ биз ўзимизга топширилган вазифани тўра ва тузук бўйича сидқидил бажариб турибмиз. Менинг ёшим олтмишга етди. Сиёсату савашнинг катта уйинларидан чарчадим. Энди сизлар каби ўрта ёшлилар ва ёшлар ишлаши керак. Қувиб юбормагунларича амалу мансабга ёпишиб олмаслик керак. Биз ҳам ҳайдамасларидан бурун кетмоғимиз керак.

– Бир шеър битдим, муҳтарам амирим. Ижозат этсангиз ўқиб берсам. Ҳофиз дўстимиз Шерозий ўқиб кўриб, куйга солмоқдалар, – деди амир калъа деворига суянар экан.

– Бажонидил. Ўқий билурсиз, – жавоб қилди амир.

Шоҳи Қаландар битигини ўқий бошлади:

Тик қоя, чўққиларни,  
Юксак деб ёна этдинг.  
Коса лаби каж келса,  
Қасамдин тона этдинг.

Ўзингдек қуруқларни,  
Сафингда сана этдинг,  
Асл насл бад асл,  
Гулламай шона этдинг.

Ёв қочса, ёлғон ботир,  
Кабил пинҳона этдинг.  
Шону шарафли юртни,  
Ҳур жиннихона этдинг.

Гоҳ қилич, гоҳида дор,  
Ҳар ён тўлғона этдинг.  
Ҳақ дединг, ҳақни дединг,  
Қурбони жона этдинг.

Шоҳ Қаландар ҳар ишни,  
Сен дарвешона этдинг.  
Бош етса-да кундага,  
Юрақдан ёна этдинг.

– Ҳар галгидек нишонга ургансиз, шоирлар султони. Жуда қўшиқбоп экан. Шерозий биродаримиз куйга солсалар мириқиб тинглаяжакмиз, – деди амир Боботурк Шоҳи Қаландарнинг елкасидан тутаркан.

Улар қалъа девори устида узоқ айландилар.

Амирнинг назарида яқин кунларда талотўп бошланиб, бутун юрт остин-устун бўлиб кетадигандек эди.

– Амир Худойдоднинг ўғли Абдухолиқ бежизга келиб бизга қалъани тарк этмоқликни талаб этмади, Эртўғрул, – деди улар девор минорасидаги айланма зина орқали пастга тушишар экан. – Устоз Султон Соҳибқирон ҳазратлари чин юриши олдидан амир Худойдодга энг катта қўшин қўмондонлигини топширгандилар. Айни фурсатда унинг ўрдуси Халил Султонниқидан кам эмас. Шайх Нуриддину қардоши амир Бердибекнинг чериги ҳам. Маликасидан ортиб, мулки давлатни қонун-қоидаси билан сўрай олмаётган шаҳзодамиз шул сиёсатларини давом эттирсалар, эртага амир Худойдод Ҳусайний Фарғонани, Шайх Нуриддину Бердибек Туркистонни эгаллайди. Ана ундан сўнг кўрасан қирпичоғу қардош ғавғосини. Охир-оқибат бу ғалваю маш-машага Шоҳруҳмирзо ҳазратлари аралашмоққа мажбур бўладилар. Бу аралашув ҳам не натижа ила тугайди, бу-

да ёлғиз ўзига аёнدير. Шу тариқа улуғ хоқондан илгариги замондаги тартибсизлик ва бошбошдоқлик бошланади. Амирзодамиз Улуғбекнинг аҳволи не кечди экан? Барча шахзодалар ва маликаларнинг бошкентга киритилмаганлигини эшитиб, ғоят афсусландим.

– Бу аблаҳ Арғуншоҳнинг иши демокдалар! – гапга кўшилди Эртўғрул.

– Арғуншоҳнинг эмас, унга бу ваколатни берганларнинг ишидир, авлодим. Ҳукмдорлар шунақа. Яхши ва савобли ишларни ўз отлари билан, ёмон ва разил тирикчиликларни Арғуншоҳу Бобо Тармиш каби етовга ўрганган итлари кўли билан қиладилар. Вақти замони келиб халқ ҳисобкитоб сўрганда ўзини кўй оғзидан чўп олмаган кўрсатиб, қарғиш ўқи нишонига яна шу, навбатчи гуноҳкорларни кўймоқчи бўладилар. Халқ эса барчасини сезиб ва билиб туради. Бироқ юрак ютиб айта олмайди. Ҳукмдор зотидан шу қадар чўчиб, кўрқиб, юрак олдирганки, унга кўзи тушдими, тили калимага келмайди.

Суҳбатдан бир ҳафтача ўтди. Самарқанддан етиб келган чопар амир Боботуркнинг кўлига Шоҳруҳия даруғалигидан озод этилганлиги ҳақидаги ёрликни топширди.

– Вазифангизни вақтинчалик мен ижро этурман, – деди ўзини Норбўта Қангли дея таништирган қангли улуси беги.

Элидан бир туман, яъни ўн минг лашкар тўплай билган, тамғага етказган улус етакчиларига салтанат амирлиги, яъни вазир мақоми берилар, тамғага етказа олмаган элатларга эса улус амирлиги, яъни вилоят беклиги мақоми берилар эди.

– Хуш келдингиз, сафо келдингиз, Норбўтабек биродарим. Шоҳруҳия шаҳри кечмишда Қанғ давлатининг бошкенти ўлароқ ота-боболарингизга хизмат этган. Уни ободу фаровон этмоққа бел боғлаб келганингиз кўп яхши бўлибдур, – деди амир Боботурк эски танишини самимият-ла

қаршилаб. – Хайриятки, бизнинг ҳам эсон-омон узлатга чекиниб, истироҳат этажагимиз кунлар келар экан. Эгам ҳар бир кишига шуни насиб этсин.

– Бу шаҳарнинг боболаримиз пойтахти бўлганлигини эшитганман. Янглишмасам, шу тоғларда уларнинг ёзлик қароргоҳлари ҳам бўлган дейишади, – амирнинг хуш қаршилаганидан мамнун эди янги даруға.

– Уларнинг ёзлик қароргоҳлари Сайрамда бўлган. Ёзда серсув ва ям-яшил тоғлар томон кўчишган. Қишловни эса Сайхун бўйида ўтказишган. Ижозатингиз ила қутвол<sup>1</sup> вазифасини бажариб турган Эртўғрулбек ҳам мен ила бирга кетмоқчилар. Айти замонда иш у қадар кўп эмас. Бир даруға<sup>2</sup>нинг ўзи эпласа бўлади. Подшоҳимиз ёхуд вазири аъзам ҳазратлари ул киши ҳақида сўрсалар сиҳатларида биров қусур бор экан, деб қўя қоларсиз.

– Эртўғрул Туронбек хусусида ҳеч нима демадилар, – деди қангли амири бу ихтиёрий истеъфодан ҳайрон бўлиб.

У шу пайтгача ҳеч бир амалдорнинг ўз ихтиёри билан мансабидан кетганини эшитмаган эди. Шу боис бу гап унга ғалати туюлди.

– Нега кетмоғига рухсат этдинг дея мени жазоламайдиларми? – сергак тортиб сўради ҳайрон бўлганча.

– Сўрамайдилар. Лозим бўлса унинг ўзи бошкентга бориб тегишли кишиларга учрашади. Биз Ўсмадда бўламиз. Ўсмаддан Самарқандга эса бор-йўғи тўрт-беш фарсах<sup>3</sup>лик йўл.

– Ишқилиб бизга гап тегмаса бўлди, амир жаноблари, – деди ҳамон бу қарорга шубҳа ила боқаркан.

---

<sup>1</sup>Қутвол – қалъа бошлиғи, қўмондони.

<sup>2</sup>Доруға – шаҳар ва вилоят ҳокими. Аҳолини рўйхатга олиш ҳамда олиқ-солиқ билан шуғулланган.

<sup>3</sup>Фарсах – бир фарсах, тахминан саккиз километрга яқин масофа ўлчовчи.

Сўнгда амирдан ортиб менга гап тегмаса керак дея ўйлади чоғи, эътироз билдирмади.

Кўч-кўронини икки туя ва икки хачирга юклаган, ўзларига тегишли ўн чоғли отни бир-бирига матаган устозу шогирд ўн чоғли навкару хизматкори билан ҳаё-ҳув деб Ўснат томон йўлга тушдилар. Ўснат бу пайтда Васманд<sup>1</sup> туманининг маркази эди.

Тўрт кун деганда Бекободу Ўратепа, Ховосу Зомин, Пишағару Дизак ошиб, Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратларининг қароргоҳи Боғмозор Барлосга етдилар. Илонўтди дарасида улардан айрилган Шоҳи Қаландар билан ҳофиз Шерозий Самарқанд йўлини тутдилар.

– Рўёмда кўргандим. Кеча келасиз дея ўйлагандим, – деди шайх кўзларидан шашқатор ёш қуйилиб. – Султон Соҳибқирон ҳазрати олийларини ҳам бериб қўйибмиз-а? – амирни бағрига босиб кўз ёши тўқди шайх.

– Бериб қўйдик, ҳазратим! Афсуски ёнларида бўлиб, сўнгги сўзларини эшита олмадим. Армонда қолдик! – юраги тўлиб кетган эди амирнинг ҳам.

– Энди Мулки Турон, сарҳади Туркистон узра бул зот каби бир қуёш чиқмагай! Кечган ва кўрганимиз кунлар рўё каби хотирамизда қолажақдир, амирим! Ўтди даврон, кетди даврон, энди даврон қайдадир!..

Шайх хаста эди. Амирни кутиб олмоқ учун бир амаллаб ҳовлига чиққанди. Икки талабаси икки қўлидан тутиб турарди. Амир шайхнинг қўлтиғидан тутди. Суяб ҳужрасига олиб кирдилар. Ҳужрадан мушк ва анбарнинг қалампирмунчоққа қоришиқ ўткир ҳиди келарди. Бу мушк анбарни шайхнинг Макка ва Мадинадаги хеш-ақраболари жўнатиб туришарди.

– Қайтишингизга қараганда сиз ҳам давлат ишини тарк этганга ўхшайсиз, амирим? – деди шайх жойига чалқанча узангач, чуқур нафас олиб. – Тўғри қилибсиз. Айти замондаги ҳукумат ила бирга чалишиб бўлмас. Уларнинг

<sup>2</sup>У пайтда Васманд дея аталган. Бобур ҳам шундай ёзади.

йўли қоронғулик саридир. Ортидан эргашганларни ҳам харобу хонавайрон этадилар. Сиёсат аталмиш пойгада вақти замонида ўйиндан чиқа билмоқ ҳам донишмандларнинг ишидур. Эрта кунини иқтидорсиз тасаввур эта олмаганлар эса бу шатқоқ майдонда унга ботгунга, эътиборларини йўқотгунга қадар кўпқари чопаверадилар. Иқтидорга келмоқдан аввал эътибори бўлганлар, бу эътиборни иқтидордан кетгандан сўнг ҳам сақлай биладилар. Эътиборсиз, куч ва силоҳ қудрати ила иқтидорга эришганлар эса иқтидордан тушгандан сўнг ҳокимият туфайли эришган мавқеларидан айрилиб, илгаригисидан-да баттар эътиборсизланадилар. Шул боис иқтидорда экан, иқболу истиқболни фақат амалу мансаб, мўлки давлатга боғлаб яшамаслик керак. Ҳаёт, умр, азал-азалдан шундай қурилган. Бир тўлган бир тўкилади. Юксак тепалар текис дараларга оқиб кетиб теп-текис ерга айланади. Ва бир кун келиб бу тупроқлардан Оқсаройу Кўксарой, Бўстонсаройу Султон Соҳибқирон масжиду мадрасаси каби юксак иншоотлар қад кўтаради.

Елкаси билан нафас олаётган шайх гапдан тўхтади. Бир зум тин олгач, сўзида давом этди:

– Хаста эдим, амирим. Оллоҳдин раҳмат ниёз этганимиз улуғ хоқон ҳазратларининг жанозаларига ҳам бора олмадим. Кимсага хабар этмасдан, тун кечасида дафн этибдилар. Бизнинг дину одатимизда майитни кеча қоронғусида қабрга қўймадилар. Соҳибқирони акрамнинг қайтишлари барчани бирдек шошириб, йўлидан адаштирди. Ёнимга ким келмасин, шуни сўрайди. Менда эса бу ҳақда ҳеч бир билги йўқ. Кўру кар бўлиб, бир тоғ дарасида аранг ибодатимни эплаб ўтирибман. Бора-бора намозни ҳам ўтирган ёхуд ётган ҳолда қиладиганга ўхшайман, амирим. Қусурга боқманг, бироз фозила кўнишдим. Ичим тўлиб кетганди. Яхши бўлди, сиз келдингиз. Энди отамлашадиган одамим бор. Ўлигимга ҳам эга чиқасиз...

Шайх шундай дея яна бола каби елкалари титраб йиғлаб юборди. Кўнгли ярим Боботурк ҳам унга кўшилди.

– Буюк қардошим Мир Саид Барака ҳазратларининг наъшларини Андхуддан келтириб, Султон Соҳибқирон зоти олийларининг бош тарафларига дафн этганларини эшитиб, кўп мутаассир ўлдим, амирим! – деди анчадан сўнг шайх ҳазин овозда.

– Хоқон ҳазратлари пири комил устознинг Оллоҳ раҳматига қовушганлари хабарини эшитганларидаёқ бизга шуни васият этган эдилар. Бироз тузалиб отда юрмоққа ҳолингиз келгач, албатта шайх ҳазратлари ва устознинг зиёратларига боражакмиз! – суҳбатдошининг эти қочган кўллларини силаб деди амир Боботурк.

– Уларнинг тупроғи кўшилган Самарқанди мукаррамни кўрмоқ насиб этармикан, амирим?

– Иншооллоҳ, этажак, ҳазратим! – шайхнинг кўнглини кўтармоқчи бўларди бек.

– Омин! Омин! Айтганингиз келсин! Иншооллоҳ!

Шоҳруҳия қалъасининг шоҳона хоналарида яшаб юрган амиру қутвол ҳамда навкару хизматчилар масжиднинг кичик ҳужрасига жойлашдилар. Сўнгра Эртўғрул икки хизматкор билан арчазор орасига чодир тикиб, ҳужрани устозига қолдирди.

– Бирортамиз Самарқандга бориб, Бобоҳасан ва Бобоҳусайдан хабар олсакмикан? – деди амир шогирди билан сой бўйлаб юрар экан. – Анча бўлди аҳволларидан хабар олмадик.

– Рухсат этсангиз бориб келаман. Сиз эса Шайх ҳазратлари билан суҳбатлашиб, ота юрт дийдорига тўйиб, тоғларни кезинг, – жавоб қилди Эртўғрул.

– Ҳа, бу дамларни йиллардир орзу этгандим. Кунлар кўз очиб-юмгунча тез ўтмоқда. Одатда киши ёши бир қорага етиб қолганда шундай бўлади. Умр оқиши тезлашиб, сўнг манзил тобора яқинлашаверади. Унда сен бориб кел,

Эртўғрул. Бир йўла бутун янгиликлару сўнги воқеалар тафсилотини ҳам билиб келасан. Албатта, буюк бибимиз ва мирзо Улуғбекнинг аҳволини сўраб суриштир, қаерда эканликларини бил. Мен бўлмасам-да, сен амирзодамизнинг ёнларида бўлишинг, хизматларини қилишинг керак. Шундай оғир кунларда уларни ёлғизлатмаслигимиз керак. Юриш-туришда эҳтиёт бўл. Қарши тарафнинг одами деган баҳона билан жонингга қасд этишлари ёки зиндонга отишлари ҳеч гап эрмас. Саройда бизга яқин, билганимиз кишилар бўлса учраш. Бўлмаса, кимса ила мулоқот этма. Болаларни кўр, кўча-кўйдаги гап-сўзларни тингла-ю, орқага қайт. Амирзода Улуғбекдан бирор бир мужда бўлиб, ёнларига чорласалар, иккиланмай кета билурсан. Кетсанг, бирор кишидан менга хабар етказ. Йўлларда эҳтиёт бўлмоқлик лозим. Каттаю кичикда бизга бўлган муносабат ўзгарган. Айниқса, янги тайинланган, қолаверса, эски амалдорлар ҳам энди бизга бошқача кўз ила боқадилар. Керак бўлса, бизни маҳв этиб, янги ҳукмдорга садоқатини исботламоқ истаганлар ҳам топилиб қолиши ҳеч гап эмас.

Эртўғрул Туронни Самарқандга йўлчи этган амир Боботурк асосий юмуши шайх ҳазратларига хизмат этмоқ ва ул улуғ зотнинг дуосини олмоқ бўлиб қолган эди. Амирнинг хасталанган, оғир кунларида фарзанди каби етиб келиб, ёнига кирганидан кўнгли кўтарилган шайхнинг аҳволи бироз яхшиланган, таҳоратини ўзи қилиб, ибодатини канда этмас, шогирду талабалари билан бир оздан бўлса-да, суҳбатлаша бошлаганди.

## **ЕТТИНЧИ БОБ**

*Ёв ёқадан өлганда,  
Ит этакдан олибди...*

**Халқ сўзи**

Якшанба куни эди. Шайхнинг талабаларидан бири сой бўйида юпунроқ кийинган бир киши амирни чақира-

ётганини айтиб келди. Ўзини амир жаноблари танишлари деб таъкидлабди.

Вазият қалтислигини, эски ва янги яғийлар ҳар қандай разилликка боришини англаган амир икки навкару, икки хизматчисини эргаштирганча сойга тушди. Эҳтиёт шарт, қурол-яроғларни олишни тайинлади. Ўзи ҳам қиличини камарига тақиб, ханжарини қўнжигга солди.

Кўпириб оқаётган сойга тушган Боботурк сув бўйида ўтирган Зулфон ўтарчини узоқдан таниди. Каттакон бир харсангга оғир чўкканча имлаб ёнига чақирди.

Ўтарчининг устига эски тўқима хуржун ортилган, самбиттолга боғланган кулранг эшаги думини ўйнатганча ҳафсала билан себаргада ўтларди.

Ўтарчи Зулфон Дуғлат ҳаллослаганча амир томон ўрлади. Боботурк унинг содда ва самимий ҳаракатларини қизиқсиниб кузатиб турарди. Эғнидаги яқтакнинг ранги ўчиб, бўз кўйлаги титилиб кетган, қайта ямалаверган чоригининг айласи йўқ эди. Табиблик ашқол-дашқоллари солинган тўқима халтасининг ҳам увадаси чиққан, кулоҳсифат қалпоғи ҳам чокидан кетиб тўзганди.

– Менинг ҳужрамга бориб битта хуржун биттадан яқтак, кўйлак ва мўкки<sup>1</sup> чориқ олиб кел, – буюрди амир орқасида турган хизматчига. – Сандикдан ўн дона кумуш кўппакий<sup>2</sup> ҳам олакел.

Хизматчи ғизиллаганча ортга қайтди.

– Ассалому алайкум, амир жаноблари! Ота юртга хуш келибсиз! – деди ўтарчи этана бўлиб.

– Қуллуқ! Хуш бўлдик! Ўзингиз қалайсиз? Жондорлар масаласи ҳал бўлдимми? – кулимсираб сўради амир табиб билан кўришар экан.

---

<sup>1</sup>Мўкки – ошланмаган теридан тикиладиган оёқ кийими.

<sup>2</sup>Кўппакий – Чигатой хонларидан Кўппакхон (1318–1326) замонида чиқарилган олтин ва кумуш танга. Копейка сўзи ҳам шундан келиб чиққан.

Амирнинг йўлдошларига аланглаб қараётганидан ўтарчининг ўзига айтажак гапи борлигини пайқаган амир у билан гурунглашганча сойга қараб энди.

– Ҳайвон жондорларни ҳал этдик, амир жаноблари. Бироқ қашқирлар ғимирлаб қолишган. Шу хусусда сизга зарур бу гапни айтиш учун сурувларни кўздан кечирган бўлиб, шу томонга юрдим, – деди Зулфон ўтарчи ҳамон тўрт тарафга қўрқа-писа боқаркан.

– Шундай бўлади, биродар. Йўлбарсу арслонлар чекинган ўрмонда тулки-ю шоқоллар изғийди. Не гап-сўзлигини очик айтаверинг, – деди ўнг кафтини Зулфоннинг елкасига қўйиб.

– Акамнинг ўғли Қўрғонтепадаги икки юзликнинг бирини да юзбоши ўлароқ хизмат қилади. Сиз Ўсмаатга келганингизда товонингизни ялаб юрган даруға Ашурали товоқчи билан иттан тараған Дадакул Дўсан қутвол сизни ва шогирдингиз Эртўғрулни ҳибсга олиш режасини тузаётган эмишлар. Жияним тасодифан эшитиб қолибди. Бу ишни қай бир ўнлик ўнбошисига топширишни билмай бошлари қотиб турган эмиш. Иложи бўлса, бу ердан кетинг, амирим. Бу энасининг эмчагини қирққан ғаламислар ҳар қандай қотилликка қодир. Шунингизга айтайин деб келувдим. Эл-юртимиздан чиққан энг номдор ва барчага бирдек яхшилик қиладиган кишисиз. Амир Темурдек одамга шогирд тушиб, қўлида шунча вақт ишлаш ҳар кимга ҳам насиб этмайди. Булар ҳатто сизга яқинларни ҳам таъқиб этишмоқда.

Зулфон ўтарчини диққат билан тинглаган амир ўйга толди. Бу икки шарафсизни ҳам ўзи улуғ амирга айтиб даруғалик ва қутволликка қўйдирган эди. Уларнинг бутун одамлар эмаслигини биларди. Бироқ ўша дамда шулардан бошқа пичоққа илинадиган одам йўқ эди. Шу пайтгача амир Боботуркнинг орқасидан мансабга ўтириб, кун кў-

риб келган бўлсалар, энди уни зиндонга солиб ёки маҳв этиб, амал курсисида янада узоқроқ ўтирмақ ниятидалар. Гўёки шу хоинлигу қотилликни қилсалар, янги ҳукмдор садоқатларини тақдирлаб, ўз вазифаларида қолдиради.

– Кўпам изтироб чекманг, Зулфонбек қардошим, – деди анчадан сўнг бошини маъноли ирғаб амир. – Инсон аталмиш яратик хом сут эмганлигига бориб, оғзига келганни саннайверади. Охир-оқибатда эса эгасининг айтгани бўлади. Одам боласи ҳеч қачон ўз қисмату қадаридан қочиб қутула олмайди. Бироқ мен она юртим, киндик қоним тўкилган тупроқни икки шарафсиз хоин дея тарк этадиганлар хилидан эмасман. Чумчуқдан кўрққан тариқ экмас деганларидек, бу чумчуқлардан чекинмаймиз, биродар. Яхшиси юринг, бироз суҳбатлашиб ўтирамыз, – ўтарчини даъват этди амир.

– Оқтош ошиб, арчаларни паналаб ёнингизга етиб келдим, амирим. Уларнинг айғоқчилари кўп. Энди Навқа орқали қайтаман. Унутмангким, ҳар замон хизматингизга ҳозирмен, – ҳамон безовта эди ўтарчи. – Кетмасам бўлмайди. Ҳозир Ўсмату Кўрғонтепада ҳамма бир-бирига пойлоқчи бўлиб қолган. Қандай кунларга қолдик-а?!

– Агар мумкин бўлса менга ўша жиянингизнинг исмини айтсангиз? – сўради бек.

– Тоштемир Дуғлат, амирим. Сизни кўп ҳурмат қилади ва сиз-ла фахрланиб юради. Не кўмак керак бўлса тортинмай айтаверинг.

– Унга айтиб қўйинг. Мендан хабар бекласин, – деди амир ўтарчи билан хайрлашаркан. Мана бу арзимас тугунчани эса оз бўлса-да, кўп ўрнида кўрасиз. Бу ақчага эса болаларингиз учун Ўсмат бозоридан ул-бул нарса оларсиз, – дея хизматкор келтирган ашёларни узатди амир.

– Зулфон ўтарчининг кутилмаган ҳадя ва илиқ муносабатидан таъсирланиб, тилига калима келмай қолди. Кўзи

жиққа ёшга тўлди. Кўз ёшларини ўнгиб кетган яктагининг енги билан артганча, ер билан битта бўлиб миннатдорчилик билдирди.

– Биздек бир бечоранинг бошини кўкка етказиб сийлаганингиз учун сизни Оллоҳ сийласин! Тупроқ олсангиз олтин, кул олсангиз кумуш бўлсин, амирим! Илгари келганингизда ҳам шогирдингиз сизнинг номингиздан барчамизга ақча тарқатган, кимсасиз Руқия момо билан Майрам момоларга соғин сугир олиб берган эдилар. Сизни дуо қилиб, сутини ичиб ўтиришибди. Бутун қишлоқ сизни дуо қилганди ўшанда. Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлсин сизга, амирим! – ҳамон мамнунлигини қандай ифода этишни билмай дуо қиларди Зулфон ўтарчи. – Бу тўйиб тойганларга ҳам эгасининг бир айтгани бордир!..

Сойдан ўтиб эшагини халалаганича ўзини олчазорга урган Зулфон ўтарчи кўздан ғойиб бўлди. Марзага оғир чўккан амир ўйга толди. Улар аллақачон ўзини ва Эртўғрулни тутишлари мумкин эди. Бироқ Шайхдан чўчишган. Бахтга қарши Эртўғрул ҳам Самарқандга жўнаб кетди. Бу гапни шайх ҳазратларига айтиб бўлмайди. Изтироб чекадилар.

Илгари Ўсмаатга келганида атрофини тумонат одам ўраб олиб, ҳоли-жонига қўймас, катта-ю кичик совға-саломлар ила кўнглини олишга интилиб, мусобақалашгандек хизмат қилиш учун навбат беклашар, амирнинг сўққабошлигидан хабардор бойлар қизларини назр қилмоқчи бўлардилар. Келганига ўн кундан ошдики, одам зоти нари турсин, Ўсмаатнинг мушугидан ҳам дарак йўқ. Энди эса бу хабар.

Хизматчиларга ортга қайтиб ишларини давом эттирмоқни буюрган амир хаёл сурганча сой бўйлаб ўрлади.

Сув сочларини сийпалаётган самбиттоллар енгил эсаётган эпкинда солланар, шарқираб оқиши безовта юрагига ҳамоҳангдек эди. Сув шовқини асрий арчалар, кўкўти, ҳулво, каррак, анорўти каби тоғ биткиларининг ўт-

кир ҳидини этакка уфурар, ҳали палапонларини учирма қилмаган булбулларнинг бетиним сайроғини босиб кетарди.

Булбуллар жуфтлашиб, тухум қўйиб, жўжалари учиб кетгунга қадар сайрашади. Ота булбул тухум босиб ётар экан, она булбул болалари тухумда экан, сайрашни ўргансин, дея бетиним сайрайди. Она булбул тухум босганида эса ота тинмайди. Палапонларини учирма қилишгача сайрашдан таққа тўхтайдилар.

Амир шу хаёллар-ла қароргоҳдан анча узоқлашиб кетганди. Сойнинг болалиқда қип-яланғоч бўлиб чўмилишадиган кенг ва чуқур жойи, ағанашадиган қумлоққа етганда фикри хаёли тўхтамади.

Қароргоҳдан узоқлашиб кетмоқ хатарли эди. Қумлоқ ўртасида исиниш учун ётадиган каттакон япалоқ тошга ўтирганча нафас ростлаган бўлди. Худди кечмишдаги каби қумлоққа болаларнинг оёқлари ўзининг кечмиши суратини чизган эди.

Боғмазорсой бундан сўнг ҳам худди шундай тўлиб-тошиб, кавш қайтараётган туядек кўпириб, пишқириб оқаверади. Болалар сойда ҳосил бўлган ҳовузда чўмилиб, тошда исиниб, қумда ағанаб ўйнайдилар. Кўм-кўк арчалар сойга бош эганча салом бериб, сукут сақлайдилар. Барча жонзоду жондорлар бир луқма емак, ўлжа илинжида изғийдилар. Какликлар сувга тушмоқ вақти бўлганлигидан бир-бирини билдириб сайрашади.

Олашақшақ эса барча қушларни сув бўйида одам зоти борлигидан огоҳлантириб, қағиллайди. Ҳорғин қуёш оламини нурга буркаб, машриқ томон оҳиста энаверади.

Одам боласи эса бир-бирини сотиб, гўштини еб яшайверади. Ҳеч бир ўлиму фожиа, айрилиғу фалокат унга сабоқ бўлмайди. Қайтамга бундай дам ва дақиқаларда тожу тахт, мансабу мартаба, мулку давлат талвасасида янада ёвузлашади, баттар ваҳшийлашади.

Болалик хотираларига кўмилган амирнинг оёқ излари қолган қадрдон қумлоқдан кетгиси келмас, соғинч, армон ва алам қоришиқ бир туйғу йиғи бўлиб бўғзига тиқилиб қолган эди.

Айни дамда унга дарддошу ғамдош, ҳасратдошу армондош ёлғиз шу она тоғи-ю ота тупроғи, самога санчилган арчалару дов-дарахтлар, сассиз қоялару бошига булут қўнган чўққилар сўнгсиз ва беғубор осмон эди.

Ҳаёт, умр шундай экан. Сўнг манзил яқинлашгани сари киши ёлғизлашиб, кимсасизлашиб борар экан. Майли, у не бўлса бўлсин, неки азоб-уқубатларни чекса чексин, бироқ ота юрти, она улуси омон бўлсин! Боболар қони ила муқаддаслашиб, шарафланган ватаннинг тошу тупроғи, оғочу гиёҳи топталмасин!

Амир Боботуркнинг боши қотган эди. Бир томонда ҳазрати шайхнинг аҳволи яхши эмас. Иккинчидан, ишонган боғи, суянган тоғи Эртўғрул Туронга агар сенга амирзодамиз Улуғбек Мирзо эҳтиёж сезсалар Ҳиротга бўлсада, кетавер дея таълимот берди. Бу ёқда эса ўзаги ўзидан чиққан даруға билан қутвол хавфи. У худди шу пайтда бошқа амирлар каби бир неча юзлик ёки бир минглик аскар қилиб қўймаганига афсусланди. Инсон боласи бир мавқега эришдими, энди умримнинг қолгани ҳам шундай кечади дея фикр қилар экан.

Амир шу хаёллар билан сой ёқалаб келар эди. Этақдан эса шайх масжиди томон Хўжанд лаҳжасида айтув айтиб олдинда бир қаландар келар, унга эргашган уч шериги ора-сира жўр бўларди:

Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!  
Номардга берган нонинг  
Сўроқ қилади, бўтам.  
Дам етган замон думин,  
Ўроқ қилади, бўтам.

Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!  
Отинг чопганда уйинг,  
Туроқ қилади, бўтам.  
Дуо айлаб номингни,  
Яроқ қилади, бўтам.

Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!  
Берган хайру садақанг,  
Қуроқ қилади, бўтам.  
Момонг Тўмарис, бобонг,  
Широқ қилади, бўтам.

Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!  
Жир битса сиринг ёйиб,  
Тароқ қилади, бўтам.  
Манзилга етгач, сени  
Йироқ қилади, бўтам.

Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!  
Наслин саид Боғдоду,  
Ироқ қилади, бўтам.  
Номардга берган нонинг  
Сўроқ қилади, бўтам.  
Дам етгач ҳамон думин  
Ўроқ қилади, бўтам.  
Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!

Эртаси куни кечки емакни бирга еган Боботурк шайх билан суҳбатлашиб ўтирарди. Хизматчиси эшик олди-га келиб йўталди. Қопудан ўн беш қадамча нарида тиш-тирноғигача қуролланган юзбоши кийимидаги киши турар, ой сутдек ёруғ бўлганлиги учун унинг юзи аниқ кўринар, бошидаги дубулғаси ярқирарди. Минг бир хаёлга бор-

ган амир оҳиста қадам ташлаганча юзбоши томон юрди. Унинг атрофида аскарлари йўқ, ёлғиз ўзи турарди. Амирнинг икки хизматчиси ва ўн чоғли талаба хавф-хатарни сезгандек сергак эдилар.

– Мен Тоштемир Дуғлатман, амирим! Мулозимларингиз безовта бўлишмасин! – деди кутилмаган меҳмон атрофини ўраган кишиларнинг тараддудланганини сезиб, салом-аликни ҳам унутиб.

– Э-э Тоштемирбек, сизмисиз? Келинг, қардошим, келинг! – деди амир дўстона оҳангда. – Одамларимиз қилиқ-қиёфатингиздан чўчишган-да! Қани, марҳамат, хужрамизга ташриф буюринг, – дея уни хонаси томон бошлади бек.

– Не хабарлар? Ташвишли кўринасиз? – ўтиришгач сўради амир кўноқдан. – Тинчликми?

– Тинчлик эмаслигидан хабарингиз бор, амирим. Амакимиз Зулфон Дуғлат раҳматли ҳамма гапни сизга айтганлар...

– Нега раҳматли дейсиз? Ахир, биз кеча кўришган эдикку? – юзбошининг сўзини бўлди амир.

– Кеча кечқурун хоин даруға билан қутволнинг жаллоди Рустам Шомурод уйига келиб амакимизни шаҳид этган. Бугун пешин намозига таъқибан Қўрғонтепа қўйиндисида тупроққа топширдик. Айғоқчилари амакимнинг изига тушиб, олдингизга келиб-кетганини пойлаган экан. Мен ўзимга содиқ қирқ чоғли аскаримни Қўрғонтепани тарк этиб, Ойқорга чиқиб кетишларини буюриб, ўн чоғли суворий билан ҳузурингизга келдим. Вазият чат-эқ. Шайх ҳазратлари бўлмаганларида улар аллақачон Боғмозорга тун босқиси уюштирар эдилар. Биз не бўлсак бўлайлик, амирим, бироқ сизни ҳимоя этмоғимиз керак. Сиздек шарафли бир зот қарға-қузғунларнинг қўлида қолмаслигингиз керак. Элу улусимиз, юрту мамлакатимиз сиз каби шахсиятлар билан ватандир. Сизнинг кимлигингизни ул номарду сотқинлар билмасалар-да, биз биламиз! Ҳечам тушкун-

ликка тушиб, ўксиманг, кўнглингизни бўлманг. Керак бўлса сиз учун жонимизни-да фидо этажакмиз! Бул юртдаги элу златларни биласиз. Олаоғиз, гапи бир ердан чиқмайди, боши бирикмайди. Ҳеч кимга ишониб бўлмайди.

– Сиздан Оллоҳ рози бўлсин, авлодим! Кўзим очиқ эркан, бу сўз ва журъату жасоратингизни унутмагайман. Айни дамда не қилмоғимиз жоиздир? Вазият мендан кўра-да сизга аёндр. Не чора-тадбир кўрмоғимиз лозим? Зулфонбек биродаримизнинг шаҳидлик шаробини ичганидан қалбим ларзага келди! Унинг қони ерда қолмаяжак! Қотиллардан бирма-бир ўч олинади! – ҳаяжон-ла кўнишарди амир.

– Маъқул десангиз одамларим билан Боғмазор муҳофазасини ташкил этсак. Черигим келиб сойнинг икки томонида, боши ва қуйсида хандақлар қазиб, мудофаа чизигини ташкил этсалар?

– Чуқурлар қазиб, савашга ҳозирлик кўриб атрофдаги халқнинг эътиборини тортиб, безовта қилмоқ шарт эмас деб ўйлайман. Усиз ҳам одамларнинг кўнгли алағда. Бугундан эртагача не бўлишини ҳеч ким билмайди. Бошкентдаги турум ҳам қалтис. Бир эмас, бир неча тиш қоққан амирлар Самарқанд тахти-ю Кўктошга кўз тикиб турибди, деган гаплар бор. Шундай вазиятда саваш ҳозирлигини кўра бошласак, ҳеч кимга ёқмайди. Одамларингиз арчазор орасида тоғчи-ю ўтинчилар кўзидан панада ишларини бажармоқлари керак. Улар энди сиз ила менинг Боғмазордан чиқишимизни пойлайдилар. Шайх ҳазратларининг қароргоҳлари ва масжидларига бостириб келмоққа журъат этмайдилар, – фикрини баён этди амир.

– Унда биз ҳам хоинларнинг хатти-ҳаракатлари ва режасидан хабардор бўлиб туришимиз керак. Черикни сиз айтган каби жойлаштираман. Ижозат этсангиз ўзим ва ўн чоғли қоровул қисмим учун ёнингизга чодир тиксак. Ҳаромилар зиёратчи ёхуд гадойу девона қиёфасида

ҳам кишиларини юборишлари мумкин. Уларни бу ерда биздан бошқа ҳеч ким танимайди, – куюниб сўзларди юзбоши Тоштемир Дуғлат.

– Бу фикрингизни қувватлайман. Самарқанддан мингбоши Эртўғрул Турондан бирор бир мужда келгунга қадар шу тахлит яшаб турмоғимизга тўғри келади. Ундан хабар кечикса, шунга қараб бирор чора-тадбир кўрамиз.

– Англадим, амирим! Мен икки навкарим билан кетдим. Саккиз нафарини сизга қолдираман ва тонг отмай туриб қайтаман, – деди юзбоши таъзим бажо келтириб.

Амир сукут сақлаганча бош ирғади. Улар ташқарига чиқишди. Шайх ҳазратлари қароргоҳидаги сокин, илоҳий тинчлик бузилган, улкан арчалар шохига қўнган қушлар ҳам ороми бузилганидан безовта бўлиб кечани бошига кўтариб қағиллашарди.

Амир Боботурк изтироб ичида эди. Бир бегуноҳ ва хокисор инсон унинг учун ҳалок бўлганди. Зулфон ўтарчининг оиласи, бола-чақасининг увол-савоби энди ўзининг бўйнида.

Ташқарига чиқмай қолган шайхнинг юз бераётган воқеалардан хабари йўқ, амир Боботурк ҳаётининг оғир кунларини бошдан кечирарди.

## САККИЗИНЧИ БОБ

*Жаҳон тарихи – бу жаҳон судидир.*

### ШИЛЛЕР

Буюк бобосининг қайтиш хабарини эшитган Шероз подшоҳи Пирмуҳаммад<sup>1</sup> Умаршайхнинг шом тубл қоронғу эди. Чопар келтирган мактубни ўқиғач, бир зум боши айланиб, кўз ўнги қоронғулашди. Тушимми, ўнгимми дегандек кўзларини ишқалади. Бундай қалтис дамда ақлига ҳеч

<sup>1</sup>Умаршайх ўғли Пирмуҳаммад манбаларда Шерозий лақаби билан аталган. Валиаҳд Пирмуҳаммадга эса Кобулий тахаллуси нисбат берилган.

бир жўяли фикр келмади. Асабийлашганча эшик оғасига амирларни ҳузурига чорлашни буюрди.

Пирмуҳаммад мирзо марҳум амирзода Умаршайх Амир Темур ўғлининг бош фарзанди бўлиб, бу пайтда йигирма олти ёшда, валиаҳд Пирмуҳаммад Жаҳонгир мирзо ўғлидан бир ёш кичик эди. Султони акрам Муҳаммад алайҳиссаломга бўлган чексиз эътиқоди туфайли икки набирасига ҳам ул зоти шарифнинг исмларини қўйганди. Амирзода Умаршайхдан олти ўғил фарзанд қолган бўлиб, Рустам йигирма тўрт, Искандар йигирма бир, Аҳмад ўн саккиз, Сайди Аҳмад ўн беш ва амирзода Байқаро ўн икки ёшда эди.

Ҳар бири ўз ўй-хаёли билан кириб келган амир ва қўмондонлар Шероз подшоҳига таъзия изҳор этдилар. Шайхулислом Қуръони каримдан суралар ўқиб, тило-вот қилди. Ўй босганча ўтирган амирзода бир нарсани, ҳузурига кириб келиб ўнг ва сўл томонидан жой олаётган амиру лашкарбошиларнинг бир кунда ўзгариб, бошқа одам бўлиб қолганларини сизди. Буюк бобосининг кўзи тириклигида улар амирзоданинг кўзига елкаларини қисиб, мутъеларча қараб туришар, унга ёқадиган бирор ишни қойиллатиб уддалашга уринарди.

Энди эса улар нигоҳидаги итоаткорлигу тобелик ҳиссини ўз кучига ишониш, биз ҳам ҳеч кимдан кам эмасмиз, бундан буёнги давлату салтанат тақдири бизга боғлиқ деган кайфият эгаллагандек эди.

Амирзода худди шу дақиқадан бошлаб, эндиги иқтидору ҳукмронлик бобоси давридаги каби силлиқ ва осон кечмаслигини, шароит тақазоси билан шу пайтгача қўлга киритилган ҳар бир кўйу қасаба учун курашиш лозим бўлажagini англади.

Бундан буён ҳеч нарса илгаригиси каби бўлмаслигини, нигоҳлари ер чизганча неларнингдир ҳисоб-китобини

қилаётган бу еб тўймаслар коса лаби каж келган куни тутун қайтариши, исён туғини кўтариши он ва замон масаласидек эди.

Айни дамда Пирмуҳаммад мирзо Шероз шаҳри ва вилоятини сўрар, иккинчи қардоши Рустам мирзо Исфаҳон ҳукмдори, амирзода Искандар эса Хамадон подшоҳи эди. Уч ака-ука буюк боболарининг жаҳонгирлик салтанати ва давлатида Форс мамлакатини ҳамирдан қил суғургандек роҳату фароғат-ла йўнатардилар.

Ўтрордан келган бир мудҳиш мактуб билан барчаси бир онда барҳам топди. Бу дунёда ҳеч бир нарса абадий эрмас. Ота-боболарнинг куч-қудрати, сулола-ю салтанат анъанасига кўра улар каби тахтга ўтириш, ҳукмронлик қиличини ўйнатиш мумкин. Бироқ бунинг ҳаммаси шу пайтгача бир кишининг, номини эшитган рақиб Дехли-ю Қоҳирада бўлсин, қўлидан қиличи тушиб кетадиган буюк бобоси шарофати билан эди. Бу рўё каби фараҳли ҳайиту байрамлар ўтиб кетди. Энди у кунлар етти ухлаб, тушингга-да кирмайди, амирзода Пирмуҳаммад Умаршайх мирзо ўғли, – мулоҳаза қиларди сиқилганча Шероз ҳукмдори.

Ҳамма чўпону қоровул, деҳқону боғбон, барча бирдек ўзини доно санар экан. Далаю даштда улоқиб юрган чўпон ҳам подшоҳимиз мен каби чорвани билмайди дея фикр этади. Кимнинг фаҳми фаросати ожиз бўлса, кўп нарса-ни биламан деб ўйлайди. Ғирт бефаросатлар эса ҳамма нарса-ни ҳаммадан яхши биламан деб ўйлайди, дер эди мадрасадаги устози Акбар Амин Умарий.

Амирзода гоҳида дарсдан сўнг ҳам мударрисни саволга тутар, у эса шогирдининг илмга ташналиги, ўзига бўлган ихлосидан завқланиб, билганларини астойдил ўргатарди. Кўпроқ табиатда бўлинг, амирзодам. Киши фалсафа ва мантиқни фақат табиат орқали ўрганиши, унга амал қилмоқ интизоми қалбига билхосса табиат орқали кири-

ши мумкин. Қолаверса, табиат – бу доноликнинг тимсоли, кишида фаҳму фаросатнинг шаклланиши ва такомиллашувининг андозасидир. Ҳатто саҳронинг, сувсизу гиёҳсиз чўлнинг ҳам ақл бовар қилмас ажойиб бир фалсафаси, сабоғи бор. Фақат уни кўра билмоқ, ҳис этмоқ ва хулоса чиқара билмоқ керак. Табиатни теран англаган кишиларда зако ҳам теран бўлади. Уни умуман англаб етмаганлар эса энг олий тоифадаги нодонлардир. Бироқ бундайлар ўзларини бағоят ақлли, ҳаммадан устун санайдилар. Ўзининг ғоят юксак даражада ақл соҳиби эканлигига чин дилдан ишонган киши ҳар бир замону маконда мудом ақли паст ёхуд тамоман ақлсизлар гуруҳига кирган, амирзодам, – дея астойдил сабоқ берарди устоз.

Ҳар бири ўз ўю хаёли билан банд бўлган сарой аъёнлари бир-бирларини зимдан кузатганча амирзоданинг оғзига қараб туришарди.

Ўй босган шаҳзоданинг ақлида эса устоз Умарийнинг фикрлари айланарди. Илму билимдан йироқ кишиларнинг кўнгли хурофотга мойил бўлади. Бунинг асосида эса жоҳиллик ва саводсизлик ётади. Ҳамма калтабинлар мудом забардаст ва теран зако соҳибларини ёмон отлиқ қилишга уриниб келганлар. Шундан эҳтиёт бўлинг, амирзодам. Аҳмоқ ва пасткаш ҳеч қачон юксак, шарафли шахсиятларни суймайдилар...

– Руҳлари шод, маконлари жаннат бўлгур улуғ бобом ҳазратларига раббимиздан раҳмат ниёз этмоғини сўраймиз! Ул зоти олийларининг ҳар биримизнинг қалбу иймонимизда мумтоз ўринлари бордир. Бугунги мавқе-ю мартабамиз, мулку давлат, маснаду машрабимиз ул улуғ зот шарофатларидандир! – дея ғамгин оҳангда сўз бошлади шаҳзода. – Бобом зоти олийлари буюк қардошимиз, адашим Пирмуҳаммад Жаҳонгир мирзо ўғлини тахт вориси дея васият этибдилар. Бундан сўнг давлату салтанатимиз тўра ва тузугида неларга амал қилишимизу қай йўлдан

бормоғимиз хусусида маслаҳатлашиб олсак дегандим. Оллоҳ раҳматига қовушган бобомдан сўнг мулку давлат йўнатуви илгаригидек кетмаслиги барчамизга аёндур. Шу кунгача сассиз-садосиз юрган яғийу нохайрихоҳлар нари турсин, ҳатто ўз ичимиздан ҳам шундай, тожу тахт талаблар чиқиб қолиши мумкин. Бундай боши бирикмаслар жигарларимиз бўлмиш темурийзодалар орасидан чиқмайди, деб ҳам кимса айта олмайди...

Гапи шу ерга етганда шахзоданинг боши айланиб, кўнгли озгандек бўлди. Кўз ўнги қоронғулашиб, атрофини ўрпаган кишилар дастлаб битта, сўнгра бир нечта бўлиб кўринди. Мулозим келтирган анор шарбатини охиригача ичди. Бироқ сувсини қонмас, юраги ёниб, ўртанарди.

Кўзини юмиб бир муддат турди. Бошида эса ҳамон устози айтган фикрлар ғужғон ўйнарди. Биз қавму шарқмиз, амирзодам. Шарқинсони табиатан икки юзли бўлади. Ғарб одамида эса назокат етишмайди. Кишилар-ла кўнишмоқ ва давлату ҳукуматни юритмоқда шуни ҳисобга олинг.

Амирзода Пирмуҳаммад кўзини очиб яна икки ёни ва қаршисида ўтирган саллали-ю дубулғалиларга боқди. Айримларининг кўз қараши ва ўзини тутишида биз бобонг билан ёнма-ён қон кечиб, жон чекиб бу салтанатни тиклаганимизда сен онангнинг қурсоғида ҳам йўқ эдинг, деган маъно ҳам йўқ эмасди.

– Менинг фикрларимни англагандирсиз, муҳтарам беклар. Шу аснода ҳукумату мамлакатимиз учун бир келажак йўли белгиласак. Қарашларингизни бемалол, очиқ-ойдин ифода эта билурсиз, – деди ҳукмдор илтирокчиларга зимдан боқиб. Гапни нимадан бошлашни билмаган амирлар бир-бирларига қараб қолгандилар. Ниҳоят, юз берган воқеалардан барчадан кўпроқ ҳаяжонланган ва безовта бўлиб ўтирган амир Муҳаммад Музаффар Сарбадорий сўз олди.

– Улуғ амир ҳазратларини ҳақ раҳматига олган бўлсин!

– деди Сарбадорий ғолибона оҳангда. – Мулку давлатни бошқармоқ ва теваарак-атроф мамлакатлари ила муносабатда бўлмоқ илгаригиси каби кечмаяжаги ҳаммамизга кундек равшандир. Улуғ хоқон ҳазратлари валиаҳд дея эълон этган амирзода Пирмуҳаммад мирзо дунёнинг нариги бурчагида бўлсалар, ул кишимни бул ҳудудларда кимса билмайди. Валиаҳд етиб боргунга қадар Самарқанд тахтига ҳам эга чиқиб қолмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бу борада бобонгизнинг тўғридан-тўғри авлодлари саналмиш Шоҳруҳмирзо ва Мироншоҳ мирзо каби тоғлар борким, бу юксак чўққиларни оша билмоқ ҳар қандай кишининг бўйидан баланд келажакдир. Қолаверса, муборак номларини тилга олганимиз ҳар уч шаҳзода ҳам уч буюк ва чексиз мамлакатнинг ҳукмдорларидир. Ота-боболари каби бир жаҳон давлатини бошқариш ҳақида ўйлаб кўрмаган бўлсалар ҳам керак. Тасарруфларидаги элу юртларни тутиб турмоқ ва бошқара билмоқнинг ўзида улардан бир улуғ хоқон журъату жасорати, ғайрату шижоати ҳамда ақли салимликни талаб этади. Менинг фикри ожизимча, давлат ва мамлакатни бошқармоқ ёрлиғини худди илгариги замонлардагидек Мисрдаги Аббосий халифалардан олиб, мавжуд тўра ва тузукни ўзгартирмоқ керак. Халқ юзда-юз шариату тариқат қонун-қоидалари асосида бошқарилмоғи лозим. Менимча, энг маъқул ва мувофиқ йўл шудир! – дея ўз фикрини билдирди амир Муҳаммад Музаффар Сарбадорий.

Хонага қабристон сукунати чўқди.

– Уч йилдан бери Миср султони етти иқлим хоқони Амир Темур Соҳибқирон ҳазратларини тан олиб, номини хутбага қўшиб ўқитиб, муборак отларига сикка<sup>1</sup> зарб этиб турса-ю, биз унинг мияси ғовлаган ношуд авлодлари, ота душманларимиздан ўз мамлакатимизни бошқариш учун ёрлиқ сўраб борсак? Бу қай бир мантиқ, ор-номусу

<sup>1</sup>Сикка – танга, ақча.

эътиқодга тўғри келади? Амир Сарбадорий жанобларининг ғоят ақлли фикру таклифлари ҳақида шундай хулосага бордим. Бул хусусда тил бириктириб келинмаган бўлинса, келганлар ҳам ўз мулоҳазаларини айтсин! – ўтирганларга бир-бир қаради шаҳзода.

– Меҳмон меҳмонни суймас, уй эгаси иккисини ҳам деганга ўхшаган гап бўлди амир биродаримизнинг сўзлари, – дея ўрнидан кўзғалди амир Темур Малик. – Ислом динини кашф этган араблардан-да беш баттар диндор ва мутаассиб форсий биродарларимиз яна бизнинг оёқ-қўлимизни уларга боғлаб бермоқчилар шекилли. Ҳеч бир эс-хуши жойида, ақли бошида бўлган элу элат ўзига ҳукм ўтказишини сўраб ёлвормайди. Ёв билан ёмғирнинг тилаги тиланмайди. Ул этагини судраган қардошларимиз аввало ўзларини эплаб олсинлар. Сўнгра бизга ақл ўргатадилар. Биз ҳеч кимнинг йўл-йўриғи ва маслаҳатига муҳтож эмасмиз. Жумладан, сиз ҳам муҳтарам Муҳаммадбек. Олийнажот амирзодамиз тўғри сўйладилар. Улардан нишонун ёрлик олмоқ ўрнига худди Султон Соҳибқирон замоналаридагидек божу хирожни ўз вақтида тўлаб туришларини талаб этишимиз ва назорат этишимиз керак. Бу нарсани Мисру Шом, Ироқу Ажам султонларидан талаб қилганимиздек Рум қайсарининг авлодларига ҳам билдириб қўймоғимиз шарт. Амир Муҳаммад Сарбадорийнинг фикрига мутлақо қўшилиб бўлмайди. Бу таклиф форсу арабларга маъқул келадиган хоинона амалдир. Амир жаноблари бу ишнинг фарқига етадиган даражада ақли бутун инсон бўпа туриб, сўйлаганларига фақат ёқа ушлаш мумкин, – дея амирзодага таъзим қилиб таппа ўрнига ўтирди баҳодирсифат, келбати келишган амир Темур Малик.

– Султон Соҳибқирон ҳазратлари замонасидаги божу хирож, мулку давлатни энди тушингизда ҳам кўрмайсиз, амир Малик жаноблари! – деди Сарбадорий ўтирган

жойида. – Ҳаводаги қушдан товадагиси маъқул. Яхшиси, шу ҳақда ўйланг! Бунинг устига сиздан нарида амирзода Мироншоҳ икки ўғли билан турибди. Бож талаб қилмоқ улардан қолсагина сиз шуғулланишингиз мумкин.

– Сарбадорлар қаерда бўлмасин, биз турку мўғулларга дўст бўлмаган! Айти дамда бир турк ҳукмдорининг қўлидан нон еб, шул рутбага етиб турганингиз учун ҳам ичингиздагини сиртингизга чиқармасангиз бўларди! Усиз ҳам сизнинг кимлигингизни билардик! – паст келмасди амир Темур Малик.

Низо ва айтишув кучаяётганини кўрган Пирмуҳаммад ўнг қўлини кўтарди.

Солинга яна сукунат чўқди. Ҳаяжонланган икки амирнинг пишиллаб нафас олгани эшитиларди, холос.

– Унда Султон Соҳибқирон ҳазратлари Ироқи Араб ҳукмдори этиб тайинлаган Умар мирзога бўйсунсак-чи? – томдан тараша тушгандек фикр билдирди амир Жалбоншоҳ Барлос. – Амирзоданинг элларида ул зоти олийларининг муборак ёрликлари бор. Ҳеч ким эътироз этиб, қош қайира олмайди.

– Отаси Мироншоҳ мирзо турганда қандай қилиб ўғлига итоат этамиз? Яхшиси, Мироншоҳ мирзони подшоҳ кўтаришимиз керак! – гапга қўшилди амир Лутфиллоҳ Боён Темур.

Шу билан гап-сўзлар тўхтади. Тўпланганлар ерга боққанча амирзоданинг сўнгги сўзини бекларди.

– Фикру мулоҳазаларингизни ғоят диққат-ла тингладим, муҳтарам амирларимиз. Биз ҳукмдор ўлароқ улусни бошқармоққа даъвогар эканмиз, унинг ҳақ-ҳуқуқини танимоқ ва ҳимоя этмоққа масъул ва мукаллифдирмиз. Бул ҳаққи ҳуқуқ доирасида ҳар ким ўз фикрини баён эта билмоқ эркига эга бўлмоғи керакдир. Ҳаттоки фикри янглиш бўлса-да Амир Муҳаммад Музаффар жанобларининг

халифалик ёрлиғини олмоқ бобидаги таклифларига амир Темур Малик бироз дағалроқ оҳангда бўлса-да, тўғри ва ҳақ жавобни бердилар. Бу фикрга қўшилишимни қайд этмоқда фойда бор дея ўйлайман. Улуғ амакимиз, отамиз ўрнида ота каби бўлган Мироншоҳ мирзо ва ул кишининг ўғли Умар мирзо ҳокимиятини тан олиб, байъат келтиришимиз янглиш бир иш бўладир. Шундоққина ёнимизда, бошкент Самарқанд фирдавсмонандга яқин бўлган Хуросон давлати ва унинг пойтахти Ҳиротда буюк бобомизу қиблагоҳимиз каби бир улуғ зот – амакимиз Шоҳруҳмирзо ҳазратлари турар экан, бу каби ишларга қўл уришимиз икки карра хатодир. Улуғ бобом ҳазрат соҳибқирон вақти замонида волидаи муҳтарамамиз Милкат оғони ул кишимга топшириб, бизни амакимга маънан ва наслан боғлаб қўйганлар. Шундай эркан, буюк бобомиздан сўнг катта юрт ва унинг элу элати олам подшоҳи Шоҳруҳмирзо Амир Темур Кўрагонга тегишлидир. Ул зоти олийни улуғимиз ва оғамиз ўлароқ қабул этиб, пул зарби ва хутба унвонида ҳазратнинг номини ёд этмоқ тўғри ва муносиб иш бўлғай. Фикримга кўра, подшоҳимизнинг зоти муборакларида сиҳат-саломатлик мавжуд эркан, мулку давлат, эл-улус эмну омонликда яшагайдир. Менким, Шероз ҳукмдори Пирмуҳаммад ибн Умаршайх ибн Амир Темур ўғли шул фикру қарорга келдим ва сиз азиз устозу улуғлардан мададу дуоларингизни эксик этмасликларингизни сўрайман! – дея титроқ овозда сўзини мухтасар этди амирзода.

– Офарин! Ақлингизга балли, амирзодам! Шахсан мен сиз олийнажот шаҳзодамизнинг муборак оғизларидан шул сўзни беклаган эдим! – деди ҳаяжонини босолмай амир Темур Малик.

– Ёшда кичик бўлсангиз-да, бошда барчамиздан улуғ эканлигингизни яна бир бор исбот этдингиз! – деди кизарганча амир Жалбоншоҳ Барлос.

– Гап ёшда эрмас, бошда. Тож кийган бош ақлланир де-

ган ота-боболаримиз! Ғоят ҳақ йўлни танладингиз! Юрган йўлингиз юзингиз каби оқ бўлсин, подшоҳим! – дея дуо қилди Лутфиллоҳ Боён Темур.

Амир Муҳаммад Сарбадорий енги билан пешона терисини артганча тили калимага келмай ўтирарди.

– Унда битажагимиз мактубни подшоҳимизга ўзингиз олиб борасиз! – деди амирзода Темур Маликка қараб.

– Хизматлари бошим ва кўзим устигадир, шаҳзодам! – овози тантанавор эди бекнинг.

– Амир Темур Малик ва битикчидан ўзга барчага ижозат. Ўз ишларингиз ила машғул бўла билурсиз! – йиғилганларга кетмоққа изн берди амирзода.

Хонада амир билан мунший қолди. Шаҳзода икки қўлини орқага қилганча хона бўйлаб юриб, мактуб мазмунини айта бошлади:

– Бир қондош авлодингизу Оллоҳнинг бандаси ўлароқ зоти олийлари даргоҳига қуллик қилишни дил саҳифасининг нақши-ю, жон номасининг унвони деб билгумдир! Умри ҳаётимдан бир нафас бўлса-да, боқий экан, зоти олийларининг амри фармонларини шараф ўлароқ қабул этиб, ҳеч бир замон ижро этмақдин бош тортмагаймен! Тобелик ва итоаткорликда жонбозлик кўрсатгаймен. Тасарруфимиздаги мамлакатлар масжиду жомеларида хутбалар онҳазрат зоти олийларининг муборак номлари ила ўқилиб, ақча зарби, минбарлар тепаси-ю динорлар юзини Шоҳруҳ лақаби ила безатмоқдамиз. Ўз қардошларим, амиру биродарларим ила биргаликда тангри юксалтиргур олий боргоҳдан неки амри фармон юборсалар, уни ерига келтирмоқда тўла жидду жаҳд кўрсатмоқ учун хуш қулоғини камоли ихлос, сидқу садоқат-ла йўлга қўйгандирмен...

Туя ва хачирларга Шерознинг хос ипак матолари, пистаю бодом, турли-туман ширинликлари, олтину кумуш ди-

норлари юксалган амир Темур Малик Ҳирот йўлини тутди. Ўн кун деганда Хуросон пойтахтига етиб келди.

Мактубни диққат ила ўқиб чиққан подшоҳ мамнун оҳангда қаламу доват келтиришни буюрди.

– Асл авлодимиз Пирмуҳаммад Умаршайхга мирзо ўғиллари жигарбандимизга қуйидаги мазмунда жавоб мактуби битгаймиз. Менинг оталарга сўйлаган сўзларимни дилбандимизга сўзма-сўз, жумлама-жумла етказгайсиз. Мен учун бул ёруғ дунёда у фарзанддан кўра азизроқ инсон борму? Яратган эгамизга минг қатла шукурки, ул тарафнинг давлат сиёсати ва эл-юртни йўнатмоқ ишидан хотирамиз буткул жам бўлиб, руҳимиз осойиш топди. Зеро, ул фарзанди солиҳ, авлоди комилнинг мулки давлат ишларини улуғ хотиримиз фароғатга эришишига сабаб бўла оладиган ва унга кўз тиккан миллатни ризо эта билладиган тарзда олиб боришларига чин дилдан ишонамиз. Қадр-қимматли авлодимиз ортиқча ваъз-насихатларга ўрин қолдирмайдиган ҳолату даражада адолатли, инсофу яхши сифатларга соҳиб бўлсалар-да, сўзимиз шулки, ўз девонларига тегишли бўлган мамлакатлардаги элулусни Оллоҳнинг яратганларига шафқат қилинсин деган ҳадиси шарифга амал қилган ҳолда ҳифзи ҳимоят туморларида тутсинлар. Фақир у фуқаро, бева-бечора ва етим-есирларга нисбатан меҳрибону илтифотли бўлмоқликни ҳақ таолонинг ризосига эришиш воситаси деб билсинлар! Яхши, солиҳ фарзанд ўз олижаноб оталарининг изидан боради деган нақлига амал қилиб, ҳақ раҳматига эришган шаҳид қардошимиз, падари бузрукворларининг хайрли амалларини тасарруфларидаги ўлкаларда янгилаб мустаҳкамламоқлари керақдир. Шундагина улуғ аждодлар шаъни шавкатига яраша ва муносиб иш қилган бўладилар ҳамда раияту бариятнинг дилига йўл топадилар. Шундай қилганларидагина марҳум жигаримиз, Умаршайх мирзо Амир Темур ўғлининг зикри тириклик саҳифаларида аба-

дий қолажак ва номлари кеча ва кундуз сатрларида пойдор сақланажакдир. Авлодимизга сўйлангким, мулки давлат ишларини эскиси каби саранжом-саришта этиб, тарқалиб кетган сипоҳийларни тўпласинлар. Амирзодамизнинг ҳар қандай истак ва хоҳишларига оталарча ғамхўрлик, шоҳона диловорлик ила жавоб бермоқдин шараф туядирмиз...

Устма-уст келаётган нохуш хабарлар оқимидан сўнг келган бу мужда қора тунда булутлар ортидан ярқ этиб чиқиб борлиқни ёритган ой ёғдуси каби Шоҳруҳмирзо қалбини ёритган, қиблагоҳи ёнида кўзини еб юрган номдор амру кўмондонлар хиёнати олдида оташланган дилига сув сепган эди.

Онҳазратнинг ёрлиғу мактубини, келтиргандан икки мисли ҳадяни олган амир Темур Малик қанот боғлагандек Ҳиротни тарк этди.

Амир Темур Малик подшоҳ ҳузуридан чиқар экан, қабулхона даҳлизида турган кишини таниди. У Идику Барлоснинг кичик қардоши Ғулом Фатҳиддин Барлос эди. Ҳол-аҳвол сўрашди.

– Кермон ўлкаларида ҳам хутбалар онҳазрат номига ўқилиб, ақчаларни олийнасаб номлари ила зарб этмоқдамиз, – деди Ғулом Барлос ёнчиғидан олтин ва кумуш динорларни олиб кўрсатар экан.

– Бул хусусда биздан ўтиб кетибсиз. Тасанно! – деди Темур Малик тангаларини олиб кўраркан. – Намуна ва эсдаликка бирор донадан берсангиз. Элтиб шаҳзодаи олийнажотимизга кўрсатсам? – рижо этди бек.

Ғулом Фатҳиддин Барлос Шероз амирига биттадан олтин ва кумуш танга берди.

Ҳиротдан келган ёрлик ва самимияту садоқат балққан мактубни ўқиган шаҳзода ва амирларнинг дийдаларида ёш ғилтиллади. Ёрлик Форс ҳукмдорининг обрўсини ошириб, мавқеини мустаҳкамлади. Ўзларини у ён-бу ён ташламоқ ниятида юрган бекларнинг уни ўчиб, думлари қисилиб қолди.

## ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ

*Қон-қардошининг мунофиқ экан,  
ундан этагингни кесиб қоч.*

### Ҳадисдан

Форсу Озарбайжон ҳокимиятини амакиси Шоҳруҳмирзо рағбати билан астойдил қўлга олган шижоатли амирзода Пирмуҳаммад Шерозий мактубда битилган каби ишни сипоҳийу суворийлик либосини ҳирқа-ю жомага алмаштириб, бутун мамлакатга тарқалиб кетган навкарларини йиғишдан бошлади.

Атрофидаги бекларнинг тайсаллаб ўзларини қудратлироқ ҳукмдор ахтаришларининг сабаби ҳам асосий қўшиннинг озайиб, хазинанинг таги кўриниб қолганида эди.

Қўлингда кескир қилич ўйнаб турмаса, лашкаринг сурон<sup>1</sup> солиб, хазинангда олтину кумуш динорлар ярақлабу жарақлаб турмаса, Боғдод халифаси бўлсанг-да, кимса сўзингга қулоқ тутмайди, хаёлидан кечди мирзонинг.

Кермон ҳукмдори Идику Барлос Шероздан бурун ўз шаҳрида онҳазрат номлари ила ақча зарб эттириб, ҳокимиятини мустаҳкамлабди. Амирзода билан бу хусусда бир оғиз маслаҳатлашса бўлар эди. Бироқ лозим топмабди. Демак, кўнглининг тубида бир нияти бор. Вақти замони келиб ошкор этса керак. Бироқ давлатпаноҳ ҳурмати унга нисбатан яхши муносабатда бўлади ва дилида гина-кудурат сақламайди. Улуғ бобоси тузган ва тартиб этган буюк давлату салтанат манфаатлари барча шахсий ҳою ҳавас, орзу-истаклардан устун турмоғи даркор. Бу ишнинг энг муқобил чўзими – онҳазрат атрофида бирлашмоқдир. Бўлинганни бўри, айрилган-

<sup>1</sup>Сурон – жанг олди даъвати, ҳайқириғи.

ни айиқ ер дейдилар. Бу нақлни ҳаммага ва ҳар замон англамоқ эса осон кечмайдиганга ўхшайдур.

Орадан ҳафта ўтиб мунший Пирмуҳаммад Мирзо имзо чеккан фармони олийни ҳукмдор ҳузурида ўқиб эшиттирди ва бош вазир этиб тайинланган амир Хожа Рукниддин Муҳаммадга тақдим этди.

– Улуғ вазиримиз Хожа Рукниддин Муҳаммад раият аҳволини ўрганиб чиқиб, олиқ-солиқ ишларини мавжуд эски тартиб, қонун-қоидалар асосида тикласин! Муҳаммад Сарбадорий Язд даруғаси Абдурахмон Элчикдай ва Абаркўҳ даруғаси Султон Маҳмудлар ҳузурига бориб жомаю зарбоф тўнларимизни тақдим этароқ, шаҳар дарвозаси ва хазина калитларини алардин олсинлар! Кирим-чиқим дафтарлари назорати ҳам вилоятларга тайин этилган вакилларимиз – аминларга топширилсин! Абдурахмон Элчикдай ва Султон Муҳаммадларга салтанат улуғ амири унвони берилсун!

Амри фармонга Кермон даруғаси Идику Барлосдан бошқа барча итоат этди. Ҳиротга совға-саломлар жўнатиб турган Идику Барлос Шероз шаҳзодасининг сўзларини эшитиб, эшитмасликка олди.

Идику Барлоснинг ўзига қилинаётган муносабатидан сиқилиб юрган кунлари зиёрати учун Шерозга қардоши, Мирзо Рустам келди. Ака-ука марҳум оталари ва бобосини эслаб, кўз ёши қилдилар. Биргалиқда Ҳиротга бориб, қиблагоҳлари ўрнида кўргувчилари онҳазрат ва волидалари малика Милкат оғонинг қўлларини ўпишни ният этдилар.

Улар хуш кайфият-ла Мусалло боғини кезаркан, ясовулбеги мирзо Искандардан элчи келганлигини айтди.

Пирмуҳаммад мирзо укасига мактубни элчи қўлидан олиб ўқишни сўради. Амирзода Рустам жиддий тортганча мактубни ўқишга киришди.

*“Қадрли буюк ҳукмдор, қардошим! Амирзода Умар Мироншоҳ ўғли тоға аждодимиз. Оллоҳ раҳматиға қовушган улуг бобомизнинг силоҳу саваш дўсти Жоку Барлоснинг ўғли Жаҳоншоҳ Жокуни ўлдирди ва қиблагоҳи мирзо Мироншоҳни мамлакатни тарк этмоққа мажбур этди. Шу туфайли бу тарафга бирор малоллик етиб, шикаст тегмаслиги учун қўшинимиз ила Форс ва Ироқ томон юрдик. Қаерга тушишимизни маъқул кўрсалар, ишорат этсунлар. Шунга қараб ўрду қароргоҳини, чодир ва саро-пардамизни тикгаймиз”.*

– Тавба! Бул инимизнинг ақли ҳуши жойидами? Ҳе йўқ, бе йўқ, кимсадан маслаҳат сўрамай қардошлари устига бостириб келиб, ўрду қароргоҳи учун биздан жой сўрамоқдами? Бу не бебошлигу бедодлик, қардошим? – ҳайрон бўлганча укасига боқди Пирмуҳаммад Шерозий.

– Унинг бу хатти-ҳаракатидан мен ҳам лолмен, ака! Бу ишга жазм этганлиги кўп буюк хатоликдир. Ўйламай-нетмай қилган ҳаракати боис бошига катта бир фалокатни сотиб олади! – елкасини қисганча жавоб қилди амирзода Рустам.

– Унга бир мактуб ёзиб, қилаётган иши хатолигини таъкидласак, сўзимизга кирармикан?

– Кирса кирмаса хат ёзиб огоҳлантирмоқ керак. Токи эрта кунда биздан домангир бўлмасин! – жавоб қилди амирзода Рустам.

Икки қардош ўтириб, Мирзо Умарга мактуб ёитдилар. *“Мирзо Умар биродаримизнинг тасарруфида бўлган мамлакатнинг элу улуси ўз ватанларидан жудолик сабабли мушкул аҳволга тушиб қолиши ҳамда биз ила Озарбайжон орасида қарама-қаршилик юз бериши эҳтимолдан холи эрмасдир. Вазиятдан келиб чиққан ҳолда маъқул иш ва маслаҳат шулким, сиз қадрли қардошимиз ўз иззат-обрўйингиз-ла ўрнингизда сокин туринг. Модомики, шул*

фурсатгача мирзо Умар тарафидан бирор номаъқул ҳаракат бўлмаган экан, демак, бундан буён ҳам бўлмагай. Асл ҳолатни чуқур ўрганмай ва тафтиш этмай туриб, тинч ётган илоннинг бошини қўзғатиб, саваш ҳаракатини бошламоқ янглишдир. Бирор-бир амир ёки вазир жазога тортилди дея юриш бошламоқ, бу қалтис ва нозик фурсатда ҳеч кимга хайриятлиғ келтирмагай”.

Қардош шаҳзодалар хатни яна элчиликни қойилмақом қилиб бажарадиган амир Темур Маликнинг қўлига тутдилар.

Амир мирзо Искандар қардошларининг сўзига қулоқ солмай, Ироқ ва Форс томон юришда давом этди. Амирзоданинг ўз биродарларига қарши ҳаракатга кечиб, хато иш қилаётганлиги беклари орасида келишмовчиликка сабаб бўлди.

Мирзо Искандар билан гаплашиб вазиятдан хабардор бўлиб келган амир Темур Малик бу ҳақда Пирмуҳаммадга белги берарди.

– Амирзоданинг бебошларча янглиш хатти-ҳаракати амирлар ўртасида ихтилофга олиб келади, олийнажот шаҳзодам. Бундан олдин ҳам Мирзо Искандарнинг ўзбошимча қилиқларидан норози бўлиб юрган амирлар бу мухолифатни сиз ҳам, онҳазрат Шохруҳмирзо ҳам ўзларидан кўришларидан ҳайиқиб, ундан айрилиб қочмоққа қарор қиладилар. Амирлар ўзаро бирлашиб, хазинадаги мол-мулк ва энг яхши отларни олиб, ярим кечада кўздан ғойиб бўладилар. Инжулар<sup>1</sup> ва уйўғлонлар<sup>2</sup> ҳам ўзаро қасамёд қилишиб, уларга қўшилишади. Норозиларга амир Оллоҳдод бир қўл ва бир оёғини кесиб ташлаган, мирзо Умаршайх хонадонига кўрсатган хизматлари учун

---

<sup>1</sup>Инжулар – уллар.

<sup>2</sup>Шаҳзодаларнинг хос ходимлари, сарой мулозимлари. Форс тилида хонбаччалар дейилган.

Искандар мирзо улуғ амирлар қаторида тутиб турган Муставий Муҳаммад жийба ҳам қўшилади.

– Кимлар экан амирзода қароргоҳини тарк этиб қочган беклар? – сўради шаҳзода бу ғавғодан ташвишланиб.

– Булар ака-ука Тукал Ўрус ва Боязид Ўрус Буқолар, Юнус ҳамда Саййид Али Жалойирлар, Сайфиддин ва Зулқарнайн мўғуллару амир Тиминбеклардир, шаҳзодам.

– Амирзоданинг бебошлиги ва беклари билан орасида юз берган бу ихтилоф буюк бир фалокатнинг муждасидир! Салтанат тулпорига миниб турган, бобосининг кучқудрати ила иқтидорга эришган темурийзода борки, ўзини улуғ аждодидин кам санамайди! Бу янглиш қараш ва кибр охири бир кун барчамизни ангордаги хазон каби тўздирмаса дея қўрқаман, амир жаноблари! – ичини ёрди шаҳзода.

– Турум бу қадарга етиб бормас, шаҳзодам. Барча шаҳзодаларимиз ўқиган, таҳсил олган ва кўзи очиқ кишилардир. Наҳотки биродаркушлик тўқнашувлари охиरोқибат ўзларини, сўнгра мамлакату салтанатни хароб этажagini англаб етмасалар? – амирзоданинг бу даҳшатли фикридан дами ичига тушиб кетган эди бекнинг.

– Улар ўқиганлар, сўйлаганингиз каби билиму таҳсил ҳам олганлар. Бироқ уқмаганлар. Умру ҳаёт, мулку давлат, тахту салтанат, элу юрт каби илоҳий эътиқодларнинг туб моҳияти, мазмуни мағзини чуқур англаб етмаганга ўхшайдилар. Кимки бирор ишни сўнгига қадар ўйлаб, англаб етиб, қўл урмас экан, муқаррар муваффақиятсизликка учрагайдир. Мен барчамизнинг феъл-атворимиз, ўзимиздан кетиб қилаётган хатти-ҳаракатимизда ана шу фожиани, аянчли қисматни кўрмоқдаман. Биз тунда ўлик каби қотиб ухлайдиган, ғафлат босган кишиларга ўхшаймиз. Бу тоифа одамлар кўзлари илиндими, жасадга айланадилар. Иссиқ-совуқда ҳам қандай ухламоқ ва ўзни сақламоқни билмай шамоллаб, затура хасталигига дуч келиб, умр бўйи касалланиб, кунларидан бурун ўлиб кетадилар.

## Нурали ҚОБУЛ

---

Ваҳоланки, инсон боласи уйғоқлигида бир ҳушёр бўлса, ухлаганида уч бора ҳушёр бўлмоғи керакдир. Акс ҳолда унинг ўликдан фарқи йўқдир.

Амир Темур Малик ҳукмдор билан юз беражак бундай суҳбатга тайёр эмас эди. Шул боис шаҳзода сўзига не даъфи жавоб қайтаришни билмай, қўл қовуштирганча ҳервайиб турарди.

– Амирзода Искандарнинг ёнида қайси беклари қолибди? – сўради анчадан сўнг шаҳзода.

– Искандар мирзонинг ҳузурларида Бурундиқ ва Некхожа ўзбеклар, Шайхим Мўғул, Юсуф Қурчи, Алишоҳ Озод ва Оллоҳдод Тимин ўғиллари қолишган, шаҳзодам.

– Қочганлар қай томон кетишган?

– Хазинанинг асосий қисми қўлларида бўлган Юсуф Қурчи, Шер Али ва бир қатор уйўғлонлар мирзо Мироншоҳ Кўрагон хизматига етишганлар. Тўкал Ўрус Буқа, Тиминбек, Саййид Али ва Юнус Жалойир ҳамда муставийлар мирзо Умар қароргоҳига йўл олганлар.

– Демак, сокин ва шаффоф денгизимиз лойқаланган. Энди унинг тинмоғи қийиндир, – деди шаҳзода ғамгин оҳангда ўйга толиб. – Биз нафақат тунда ухлаймиз. Ҳатто куппа-кундузи ҳам кўзимиз юмуқ уйқудамиз. Вақт ва замон шамоллари кўзимизни очмайдиганга ўхшайди, устоз. Шундан ғоят ташвишдаман, безовтаман. Бошимизда бобом каби кимса сўзини икки қила олмайдиган катта шахсият турмас, ўзидан кетиб, ҳаддидан ошганларнинг тизгинини тоотиб билмас экан, мисли хазондек тўзиб кетамиз. Қор ёғди деб суюнма, аёзлари бордир, мулпам келди деб суюнма, ниёзлари бордир дегандек, ҳали-бери жуда кўп назриниёз, қону жон ила товон тўлашимизга тўғри келади шекилли.

Вазият борган сари таранглашарди. Пирмуҳаммад мирзо хавфсизликни таъминлашни фикр қилиб, Язд юр-

тидан тушадиган мол, масрафу харажатиға яраб турсин дея Искандар мирзоға берди. Амирзода Исфаҳон орқали Форсга келиб, Пирмуҳаммад мирзо билан кўришган эди.

Худди шу дамда қоровуллар Умар Мирзонинг амирзода Абу Бакрни хонабанд этиб, Ироқ ва Форс томон келаётганлиги хабарини етказди. Озарбайжондан улуснинг боши гангиб, саросимаға тушиб, тоғлар томон қочаётганлиги ҳақида узуқ-юлуқ гап-сўзлар кела бошлаганди.

– Агарким, мирзо Умар бизга қарши қилич кўтарадиган бўлса, уни Исфаҳонда қаршиламоғимиз керак. Бу фикрга не дейсиз? – укаси Искандарга қаради Пирмуҳаммад.

– Розиман, акажон. Менга Язд вилоятини берганингиз учун миннатдорман. Ўз масрафим учун эрмас, лашкарга маош бермоқ учун ул мамлакатнинг молини истифода этгаймиз. Мен эса болалигимдан бир парча экмагу бир коса айрон билан кун бўйи юрмоққа ўрганганман. Одамнинг қопдек қорни-ю енг каби ичаги йўқ-ку, – акасиға нисбатан ғоят самимий эди амирзода Искандар.

– Сизни англаймен, қардошим. Айни фурсатда Язд мамлакати моли сизга асқотади. Отни от, очни оч асрайди. Бироқ теурийзодалар ўртасидаги илк ҳокимият талашувини Туркистонда шарафсиз Султон Хусайн бошлабди. Унинг бу ҳаракатидан чўчиган Халил Султон бобомиз Кўктоши учун астойдил курашга киришган. Бул икки биродаримизнинг ножўя ҳаракатлари мирзо Абу Бакрга ўрناق бўлди ва у Жаҳоншоҳ Жаку Барлоснинг ўлдирилишини баҳона қилиб, акаси мирзо Умарга қарши бош кўтарди. Охиरोқибат эса ўзи буюк қардоши томонидан ҳибс этилди. Азиз қардошим Искандарбек! Сиз ҳам ўша, Жаҳоншоҳ Жаку ўлимини баҳона қилиб, улар томон юриш бошладингиз. Ваҳоланки, бу юришга ҳеч қандай зарурат йўқ эди. Нима, битта амир шаҳид этилди дея Умаршайху Мироншоҳнинг барча авлодлари қирпичоқ бўлишлари керакми? Урушнинг

келса ўтганни, йиғлагинг келса ўлганни қўзға деганларидек, ўтиб кетган бир воқеа, ўлиб кетган бир киши учун бутун амирзодалар Ироқу Ажам, Хуросону Форсни бошига кўтариб савашишлари керакми? Аввал бўлиб ўтган воқеани батафсил ўрганиб, таҳлил этиб, сўнгра бир-икки кўйлакни кўпроқ йиртган қардошлар маслаҳату машварат этгач, бир қарорга келсангиз бўларди, қардошим. Ички ичавериб мияси айниб қолган Жаҳоншоҳ Жаку тонг қоронғусида мирзо Умар саропардасига ҳужум қилиб, тўрт амирни қатл этган. Бу талотўпда амирзоданинг ўзи ҳам асфаласофилинга кетишига бир баҳя қолган. Тун босқисида ҳар қандай фожиа юз бериши мумкин эди. Бўлиб ўтган ҳодисага одил нигоҳ билан боқадиган бўлсак, Шайх Муҳаммад товачининг ўғли, отаси ва қолган уч шаҳид амир учун Жаҳоншоҳ Барлосдан ўч олиб тўғри қилган. Улар бу ишни амирзода Умардан сўрамай, ўз билганларича қилганлар. Мирзо қатлдан сўнгра хабар топган. Акс ҳолда бунга йўл қўймаган бўлур эди. Шаҳидбекнинг авлодларига, фарзандларига боқаётган каби қараётган экан. Бу маъносиз кучанишлар, ўзини ҳақ, бошқаларни ноҳақ санаб ўйлаб-ўйламай ҳаракат этишлар қандай оқибатларга олиб келишини тасаввур этиб кўрмагансиз, чамамда. Бу аҳволда бирин-кетин барчамизнинг бошимиз кетади.

– Тўғри, – деди бошини қуйи эгиб мирзо Искандар. – Сўнгигача фикр қилмай атрофимдаги барлосий амирларнинг сўзига кириб, бироз тезоблик қилган эканман. Сиздан маслаҳатсиз сафарга чиқмаслигим керак эди. Хатойим устига афв чизиғини тортишингизни сўрайман, акажон!

– Мен кечираман, қардошим. Бироқ ёшлик ва эҳтиётсизлик қилиб, ўрмонда ёққан ўтингизни ўчирмоқни унутдингиз. Бу чўғ бир кун келиб бутун ўрмонни ёқиши мумкин. Энг ёмони, ҳозир, бугун ёки эртага мирзо Умарга қўлимизда Қуръони каримни тутиб сулҳу садоқат бобида қасам ичсак ҳам ишонмайди. Ёиштни қолипдан кўчириб қўйдингиз.

Энди уни қайтариб жойига қўйиб бўлмайди. Уруш деган аждаҳо кеча-ю кундуз демай ҳар биримизни ўз домига тортаверади. Бундан буён янглиш қадамлар отмоқда минг бир диққатли бўлмоғингиз керак. Боиси, шу пайтгача йўл қўйган хатойингизнинг ўзи барчамизнинг умримизга бадал бўлиши мумкин. Бундан кейингиси бориб турган фалокатдир. Тўғри, Жоку Барлос тағойи Тахти Қорача довонида бутун бошли черик буюк бобом ҳазратларини ташлаб кетганда ёнларида қолган энг садоқатли, салтанатни тиклаш учун жон фидо этган шахсиятдир. Шул боис ҳам ул кишига Хуросон мамлакатининг увол-савоби топширилиб, эъзозланган. Бугунги Хуросон тахтида Шоҳруҳ подшоҳ ўтирган бўлсалар, бобом замонида Жоку Барлос бу юртни тасарруф этган. Шу туфайли улуғ бобом замонларида ҳам отасининг ҳурмати учун Жаҳоншоҳ Барлоснинг ўзи хон, кўланкаси майдон эди. Айтгани айтган, дегани деган бўлиб, кимса амрига қош қайирмасди. Бироқ бу дегани ақли ҳушига не келса қилишим мумкин, керак бўлса исён ҳам эта оламан дегани эмасдир! Энг яқин жон-жигарим дея ишонган одамимиз бош бўлиб, ўйин бузиб, исён кўтариб турса! Кермонда Идику Барлос амаким Шоҳруҳмирзо онҳазратларини орқа қилиб бизга тутун қайтарса! Бу не демак? Ўзагингни ўзингники узади. Обрў ошдан, жанжал қариндошдан дегани шу эмасми?

– Ҳақ сўйлайдурсиз, акажон! Раҳматли бобом ҳазратлари ҳам ёғ еганда ёт яхши, қон ютганда қариндош деган ота сўзини кўп такрорлар эдилар. Бу ҳикматли гаплар маъносига киши бошига шундай кунлар тушгач англари экан, — ҳазин овозда қардошининг фикрини маъқуллади Искандар мирзо.

– Балли, жигарим. Ишончим комил, ҳар нарсага ақлингиз етади сизнинг. Бироқ бу нарса ақлга келган ҳар ишни қила билмоқ маъносини англамайди. Масала-

нинг асл моҳияти шундаки, бу каби фитна-ю исёнларга қўл урган, эл-улус орасида фисқу фужур кўзғатиб, бизни ҳокимиятдан узоқлатмоқ ёки улоқтирмоқчи бўлганлар ўзларини барчамиздан ақлли ҳамда доно санайдилар. Биз ўзимизнинг ножўя ва аҳмоқона хатти-ҳаракатларимиз, элнинг энсасини қотирадиган амри фармонларимиз ила уларга бундай шарт-шароитни яратмаслигимиз, имкон бермаслигимиз керақдир, амирзодам. Бежизга одамлар орасида ҳаллосларо ҳаллослар, уйинг куйсин барлослар деганга ўхшаган айтувлар юрмайди ва осмондан тушмайди. Бундай гап-сўзларга Амир Темурдек одам биздан етишиб чиқди, дунёнинг энг ақлли ва зўр қавми биз эканмиз, ҳамма халқлар, ҳатто иту бит ҳам бизнинг айтганимизни қилиб, биздан ақл ўрганиши керак дея фикрлайдиган бефаросатлар сабабчидир.

Ҳаяжонланган шаҳзода гапдан тўхтаб, чап қўли ила иягини тутганча тин олди. Сўнгра босиқ ва ғамгин оҳангда сўзида давом этди.

– Устозим бир нақлни кўп уқтирар эдилар. Недан бизни кўчада оқсаганча юриб кетаётган киши ғазаблантирмайди? Сабаби оқсоқ одам тўғри йўлдан кетаётганини биларди. Бироқ бурнидан нарини кўрмайдиган идроки заиф эса ўзни эмас, ўзгаларни ақлан оқсаяпти дея ўйлайди. Жаҳоншоҳ Барлосу Идику Барлослар ҳам шундай тоифадандир. Ўзларини сизу биздан ўн, балки юз чандон доно санайдилар. Ота-бобоси туфайли омади юришиб, тожу тахтга эришганлар дея заҳн этадилар.

– Пурмаъно фикрларингизни англадим, акажон! – деди амирзода Искандар мулзам тортиб. – Кошки ҳаракат этмоқдин олдин сизга чопар юборсам эрди. Кўнглингиз тўқ бўлсинким, бундан буён бул каби ножоиз ишларга қўл урмагайман.

– Зотан, сиз азиз қардошимга меҳр-муҳаббатим юк-

саклиги ва ишонганим учун куйиб-пишиб ушбу сўзларни айтмоқдаман. Гапни гапир уққанга, жонни жонга суққанга дейдилар. Зотан, қабули хитоб ўлмаганларга сўз сўзламак исрофдир!

Мирзо Искандар бошини эгганча ирғаб, акасининг гапларини маъқулларди.

– Биз ўзини ўзгача тутаётганларнинг хаёлларини сувга туширишимиз керак! Ўзларини биздан устун ва ақлли санамоқ завқини яшатмаслигимиз керак! Бир каттанинг, бир кичикнинг айтганини қил дейдилар! Ва унутмангким, қардошим, оташга ёғ кўтариб бормайдилар! Аксинча, умид йўлчилигимиз ярим қолажак!

Қардошидан астойдил хафа бўлган буюк оға асабий ҳолатда Шероздаги саройининг катта қабуллар солинида наридан бери юрарди. Пирмуҳаммад Мирзо не қадар ҳақ сўзламасин, укасига бу аччиқ сўзлар ёқмаганини қипқизил туркманий гиламдан узилмаган нигоҳида менинг сиздан, қолаверса, бошқа амирзодалардан қаерим кам деган ўй-фикр зоҳирдек эди.

Мирзо Пирмуҳаммад ҳайкал каби қотиб турган укасини бағрига босиб хайрлашди-да, сарой дарвозасигача кузатиб чиқди. Акасининг таъналаридан ҳамон ўзига келмаган амирзода Искандар карахт бир аҳволда отига миниб, Язд томон жўнади.

Кичик қардошини йўлчи этиб ортга қайтаркан, қаршисида шогирди, амирзода учун керак пайтда жонини-да беришга ҳозир табиби Хожа Ҳусайн тузарди. У югуриб келганча Пирмуҳаммаднинг икки оёғидан қучиб, чопони пешига юзини босиб ўпа бошлади. Кўзларидан дувиллаб ёш қуйиларди.

– Сиз бизнинг жонимиз, жаҳонимизсиз, шаҳзодаёй олийнажотим! Ҳеч қачон ва ҳеч бир замон бу каби асабийлашманг! Асабу руҳнинг бузилиши барча катта-кичик

хасталикларни келтириб чиқаради! Асаб таранглашуви қон босими ва қонда шакар миқдорининг ошиб кетишининг онасидур! Истироҳат хонасига юринг. Хос иложлардан бериб, сизни бироз тинчлантирай. Мизожингизда ўзгариш содир бўлганга ўхшайди. Шу ҳақда бироз белги ҳам берайин, – амирзоданинг оёғини қучоқлаганча кўз ёши тўкиб гапирарди Хожа Ҳусайн.

– Ўрнингдан тур, Ҳусайнбек. Ҳовли ўртасида бу алфозда туришимиз яхши эмас. Истироҳат хонасига кирайлик, – деди шогирдининг бу қадарлик меҳр-муҳаббатидан ийиб, кўнгли бўшаб кетган шаҳзода.

Хожа Ҳусайн пилдираганча олдинга тушди. Амирзодани ечинтириб ичкўйлак ва ичтўнини кийдирган табибвачча кичик-кичик идишлардаги эзибички дориларини бир косада қориштириб, шаҳзодага ичирди. Ётоғига ётқизиб, оёққўли ва елкаларини уқалай бошлади.

– Бу дори сизни тинчлантиради, амирзодам. Мана буни си шаҳвоний қувватингизни оширади. Бир кунда бир неча хоним билан гаплашаверасиз, – оғзи тинмас эди очарвоҳ каби жиккак табибнинг.

– Бу каби дори-дармонга эҳтиёжим йўқ. Яхшиси, мизож ҳақида бироз билги берсанг? – деди амирзода паст овозда кўзини юмганча.

– Мизожнинг қувватлари тўртта бўлиб, иссиқ, совуқ, қуруқ, юмшоқ, яъни ҳўлдан иборатдир. Мизож қувватлари рукнларда, замонда, ўсувчи нарсалар ва жойда бўлади. Замон дегани йилнинг тўрт фасли, ўсувчи нарсаларга эса барча жониворлар, жойга эса ер юзидаги инсон яшаши мумкин бўлган борлиқ манзиллар киради. Устуқус, яъни унсур ёки бадан таркибий қисмининг дастлабки асоси эса оддий мизожларнинг энг ниҳоясини оловчи, эгалловчидир. Иссиқлик олов ва ҳавода, совуқлик эса тупроғу сувда бўлади. Қуруқлик олов билан тупроқ ўртасида, ҳўллик

эrsa сув билан булут, яъни ҳаво ўртасидадир. Бизга борлиқ, яъни вужудни ҳукм қилиб берадиган жавҳарлар орасида бирикмаслигу бирикишлик мавжуддир...

– Тўхта, табибвачча. Ҳеч бир гапинга тушунмаяпман. Сен сўйлаётган жумлалар ибн Синонинг “Тиб қонун”ларида бор. Яхшиси, сарой кутубхонасидан шу китобни менга келтир. Ўзим бафуржа ўқийман. Ҳозир эса руҳ ҳақида неки билсанг, шуни сўйла. Янглишмасам, руҳ дегани арабчада жон дегани. Биз руҳ деганда бошқа нарсани англаймиз. Араблар эса ўзгача талқин этадилар. Шу хусусида билганларингни гапир-чи?

– Ғоят тўғри сўзладингиз, устоз. Араблар биз жон деганимизни руҳ дея атайдилар. Юнонлар эса пневма дейдилар. Барча замону маконларнинг устози аъзами табиблар шаҳаншоҳи ибн Сино ҳазратлари руҳга файласуфлар берган жон маъносини юкламайди. Устоздаги руҳ таъбири эски юнончадаги пневмазолик ифодасининг бошқа бир тарзда айтилишидир. Буни ғарбда “жон қутқарувчи” деб ҳам атайдилар. Ибн Сино ҳазратларининг фикрича, руҳ унсурларнинг қоришуvidан вужудга келган ва осмон жисмларига ўхшаш бир шаклга эга бўлган модда – жисмдир. У юракдан бошқарувчи аъзоларга ўтиб тарқалади. Улуғ табиб руҳ билан нафсни бир-биридан фарқлайди. Нафс нафсоний ҳаётнинг моддий бўлмаган бошланиши, сезув, ирода ва ақлий қувватларнинг жамидир. Руҳ эса бошланишда моддий бўлиб, инсон ва ҳайвонлардаги ҳаётини қувватни ташувчидир. Руҳ ва нафс орасидаги бундай фарқ Афло-туну Аристотелда ҳам йўқдир, шаҳзодам...

– Тушунарли. Киши ҳаётдан кўз юмгандан сўнг руҳи осмонга учиб кетади ва кезиб юради деган фикрга қандай қарайдилар? Шу қараш тўғрими? Бу хусусда сен не ўйлайсан? – табибнинг сўзини кесди амирзода.

– Бир гуруҳ олимлар айтганингиз каби руҳни самода учиб юради дея талқин қиладилар ва кўпчилик шундай

деб ўйлайди. Озчилик олимлар эса бунга эътироз билдирадилар. Ўлдинг-ўчдинг. Ҳеч қандай руҳу арвоҳ, жаннату дўзах йўқ. Буларнинг барчаси диндорлар томонидан ўйлаб топилган дейдилар. Бироқ руҳонийлардан чўчиб фикрларини ошкор этмайдилар.

– Улар худони ҳам йўқ дейдиларми?

– Дейишади. Бироқ ўз ораларида. Кимсага шоён этмайдилар.

– Сен уларнинг ҳамтовоғи эмасмисан? – ҳайрон бўлиб сўради шаҳзода.

– Йўқ, йўқ, шаҳзодам. Мен яратганнинг бандаси, сиз зоти олийларининг қули, миллату умматнинг хизматчисиман. Бу каби фикру мулоҳазаларни ақлимни учига ҳам келтирмайман, – терлаб-пишиб каловланди Хожа Ҳусайн.

– Тамом. Етар. Жуда кўп уқалаб, эзиб ташладинг. Чекина билурсан. Мен бироз истироҳат этайин, – дея кўзини юмди шаҳзода табибнинг ёқимсиз овоз оҳанги ғашини келтириб.

Юз бераётган воқеа ва ҳодисалар тафсилотини чуқур мулоҳаза этган Пирмуҳаммад мирзо Бикасий Султонни Яздга, амирзода Искандар ҳузурига хабар учун юбориб, ўзи Исфаҳон томон юрди. Бу пайтда мирзо Умар Хамадонга етиб келган эди. Хамадонда турган амирзода Рустам мирзо Умар ҳузурига элчиси Хожи Мусофирни жўнатди. Амирзода Умар амакиваччаси элчисини хуш қаршилади ва сулҳ таклифини эшитиб, ортга қайтди. Кутилаётган қонли жанг юз бермади.

Ярашдан кўнгли тўлган Пирмуҳаммад Шероздан чиқиб, бўйсунмаётган Кермон томон отланди. Амирзода Рустам Яздга жўнади ва акаси қўшини яқинлашганда Язддан чиқиб, унга қўшилди. Ака-ука пистирмада турган Кермон черигини бартараф этиб, шаҳарни ўрадилар.

Амир Идику Барлос саййидзода Неъматуллоҳ восита-

сида сулҳга эришди ва пешкашларини тақдим этиб, муаммони ҳал этди.

Кермон мамлакатада Шерозга, салтанат тахтига қайтган Пирмуҳаммаднинг мамлакатдаги аҳволдан кўнгли тинчигандек эди.

Бу қисқа муддатли хотиржамликни иниси амирзода Рустам икки кўзига мил тортиб, ўзига тегишли қалъага қамаб қўйган амир Саид Барлоснинг ярим кечада Шерозга етиб келиб, роҳатсиз этиши бузди.

Шаҳзода кўр қилинган амирни бомдод намозидан сўнг қабул қилди. У йиғлаб-сиқтаб ўзини ҳукмдорнинг оёғи остига ташлади.

– Амирзодамиз мени хусумат ва ичи қоралиқда айблаб, икки кўзимга мил торттирдилар! – деди хўнграб йиғлаганча. – Чап кўзимда андак равшанлик сақланганлиги боис, қалъа посбонларини чалғитиб қочдим. Акс ҳолда ҳалок бўлишим тайин эди.

– Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди. Бир айбингиз бўлганки, амирзода бундай азобли фармонни бергандир, – деди бу ҳолатдан таъби тирриқ бўлиб шаҳзода. – Ҳалок бўлишга арзигулик хато қилганмидингиз?

– Йўқ, шаҳзодам. Амирзодам мени сўнгига қадар тингламадилар. Энди эса бу аҳволда ҳеч кимга зиёну зарарим тегмайди. Улуғ хоқон раҳматлининг руҳи поклари ҳурмати менга раҳмингиз келсин! Сиздан ҳеч нима талаб этмайман! Жоним омон қолса бас! – ҳамон йиғларди амир.

– Иним Рустамга яғийлик қилган бўлсангиз, демак, давлатимизга қарши ҳаракат этгансиз. Бироқ ҳозирги хорлик турумингизда кўчага ҳайдамоқ ҳам инсофдан эрмас. Модомики, паноҳ истаб келибсиз, мурувватимиздан дариг тутмагаймиз, – деди кўнгил инсони бўлган шаҳзода Пирмуҳаммад Шерозий.

Амир Саид Барлос шаҳзоданинг оёғига йиқилиб, миннатдорчилик билдирди.

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

Бу воқеадан бир ҳафта ўтар-ўтмас қардоши амирзода Рустамнинг хос чопари етиб келди. “Амир Саид Барлоснинг хонадонимиз ва салтанатга қилган кўрнамаклиги хусусида сизга сўзлаган эрдим. Буюк бобом ҳазратлари ўғитларига амал қилиб, ул нокасни уч бора кечирдим. Тўртинчисида боши дорга етиши керак эди. Бироқ яна раҳм-шафқат қилиб, қинғир кўзига мил тортилди. Бундай яхшилиқни билмагувчи ношукурлар аввал кўр бўлиб, сўнгра жаҳаннамга равона бўладилар. Сиз, улуғ шаҳзодам, буюк қардошим шундай шарафсиз кимсани бағрингизда тутиб ўтирган экансиз. Эшитиб ғоят хафа бўлдим. У мисли ўқ еган тўнғиздай ёхуд думи қирқилган илон кабидир. Ана шу руҳу ҳолатда ул бадбахтнинг хонадонимизга нисбатан дўст ва тўғри фикрда бўлишига қайси ақл бовар қилади? Менга, қон-қардошингизга дўстлик қилмаган одам, сизга не каромат кўрсатади? Бундай кимсалар шундай туғилгандирлар ва ҳеч қачон ўнгарилмайдилар. У қадим бир турк шоири ёзганидек: “туғилиши хато бўлган одамни ўлим олиб кетиб хато қилмади” тоифасидагилардандир. Яна ўзингиз биласиз. Ёш нуқтаи назаридан сизга йўл кўрсатмоқ фикридин йироқмен ва амри фармонингизга бўйсунажакман”.

Шаҳзода мактубни ҳузурида ўтирган амир Темур Маликка узатди.

– Инимиз ҳақми? – сўради шаҳзода бек мактубини ўқиб бўлгач.

– Мен сизга ҳар замон тўғри сўзимни сўзлаб келганман, шаҳзодам. Мактубда битилган масала хусусида амирзодамиз ҳақлар. Не қилиб бўлса-да, ул кишимнинг кўнгилларини олишга тўғри келади, – фикрини билдирди амир Темур Малик. – Бу хатолиғнинг устига узр либосини кийдиришга тўғри келади. Ёки Саид Барлосни амирзодага қайтариб жўнатмоқ лозим.

– Унда менинг узр тилаган мактубим ва совға-саломларимни ўзингиз олиб бориб, бу ишни кўнглидан чиқариб келасиз, – деди Пирмуҳаммад ноқулай аҳволга тушганча қизариб.

– Амри фармон шаҳзодамизнингдир! – қўлини кўксига қўйиб бош эгди амир.

Мирзо Пирмуҳаммад амирни укасига қайтариб жўнатишни подшоҳлик шаъни шавкатига тўғри келажак иш деб қабул этмади. Мирзо Рустам буюк қардошининг узрини қабул этган бўлса-да, орага тушган совуқлик ҳали-бери илимайдиганга ўхшарди.

Юраги сиқилган шаҳзода сарой ҳовлисига чиқиб айланарди. Юксак тоғдан оқиб тушаётган сойнинг шарқираши эшитилар, кўчадан ўтаётган дарвешларнинг овози отлиқ ва араваларнинг сасини босиб кетарди. Амирзода сарой дарвозаси томон юриб қаландарлар айтувига кулоқ тутди:

Умр кечгани сари  
Ҳаёт сеҳри йўқолур.  
Хиёнат уммонида  
Киши меҳри йўқолур.

Ноинсофлик зирвада,  
Улус сабри йўқолур.  
Шарафсизлар шон қучса,  
Давлат қадри йўқолур...

Кўр бўлур ҳақсизлик,  
Ўнгида сусган.  
Улусин кўзини,  
Қуёшдан тўсган.

## ЎНИНЧИ БОБ

*Дунёни сотиб олганинг  
Савдосига арзимас,  
Оламни босиб олганинг  
Ғавғосига арзимас.*

**Жалолиддин РУМИЙ**

Шовдордан тонг қоронғусида йўлга чиққан ўнбоши Эсиргап Найманнинг хуржунида ярим ботмонча талқон, ўнтача қурут, озгина жийда, ўрик ва шафтолиқоқи, яримта қотирма бор эди. Етти йиллик аскарлик ва ўнбошилик лавозимида топган ақчаси иккита яхши отга етар эди.

Ўнбоши жадал юраркан, Улуғ майдон<sup>1</sup>дан ўтай деганда, яйдоқ далада йилқи боқиб юрган икки отлиқ йўлини тусиб чиқди.

– Кимсан? – сўради улардан бири туркчанинг мўғул лаҳжасида отини учирганча яқин келиб.

– Мен подшоҳ Халил Султон черигининг ўнбошиси Эсиргап Наймандирмен! Сен ўзинг ким бўласан? – паст келмади ўнбоши.

– Амир Бурундуқнинг саис<sup>2</sup>ларибиз. Ат бағиб журиппиз, – саси суствлашди отлиқнинг.

– Термизга муҳим иш билан кетаётибман. Уюрга яхши қараяпсизми? Амир Бурундуқнинг ўзлари қаердалар? – овозини баландлатди Эсиргап.

– Билмаймиз. Бизди бастифимиз Беюжан Қарақалпақ. Башқа каттани танимаймиз. Шу не деса қиб жатиппиз.

– Бағаберингдер! Аманда бўлингдер! – улар шевасида қўнишди ўнбоши.

– Ие, сизам ўзимизданба? – ҳайрон бўлди отлиқ.

---

<sup>1</sup>Улуғ майдон – Кеш жанубидаги чўл.

<sup>2</sup>Саис – отбоқар.

– Ҳа, ҳаммамиз турк атани балдаримиз. Қайси уруғдансин, бовурим? – ҳангаматалаб эди ўнбоши.

– Қитайжуздин калқожасидин Сапарали саисман! Буни ати Егемқўл. Бир кесе айранимизди ишиб кетинг, қўнақ. Уш кундан бери раса табиға кеген. Қатирмаям бар, – дея меҳмондорчиликка таклиф этди. – Мисапиримиз бўлун!

– Бўлди, Сапарали оға! Ёшингиз мендан улукқа ўхшайди. Йигитнинг сўзи сингунча шайтоннинг бўйни синсин! Менда ҳам талқону қуруқ мева бор. Айрон ичиб гурунглашганимиз бўлсин, – дея оти жиловини тортди Эсиргап Найман.

– Наймандар бизга таға уруқ болади. Ана тамандан катта энамиз наймандардан, – зерикиб ўтиришган шекилли янги суҳбатдош топгандан хурсанд эди йилқичилар.

– Бизга жиян бўлар экансиз-да, бовурим?

– Бизда таға ўтирган тамни устиға шиқпа деган гап бар. Таға авлат – там авлат ҳам дейдилар.

– Тоға авлод том авлод бўлса, унда ота авлод ёт авлод бўлар экан-да, Сафарали бовурим? – кулди ўнбоши.

– Билмасам, таға. Ўқув-жазувди билмейбиз. Эшитганимизни сўйлеб журемиз-да, – сертакаллуф эди Сафарали.

Ўнбоши Эсиргап Найманнинг гап-сўзидан анча каттакон бўлса керак деб ўйлаган Сафарали Қитайюз билан ше-риги Егемқул хуржуну халталарини титкипатиб, уюр кўри-ниб турадиган марзага отнинг ёпинчиғини тўшаб, ошлоқ<sup>1</sup> ёздилар. Мешдаги сувга юз-қўлларини ювишиб, чордана қуриб ўтиришди. Егемқул саночдан айрон қўйди. Бир тол косада навбат билан айрон ичдилар. Эсиргап хуржунидаги туршаклардан ошлоққа ташлади. Мезбонлар иштаҳа билан туршакни чайнаб, экмак билан қўшиб еб, устидан айрон симиришарди. Қотирмани айронга бўктириб еган

---

<sup>1</sup>Ошлоқ – форсча дастурхон ва арабча суфра сўзи тилимизга кириб келгунга қадар она тилимизда ошлоқ дейилган.

ўнбоши ҳам ҳузур қилди. Егемқул бироздан сўнг эгари билан жабдуғи орасига матога ўраб бостириб қўйган бостирма<sup>1</sup> эт олиб келди.

– Бир ҳафтадан бери эгарнинг тагига, тақимимда юрибди. Ўзиям роса тобига келган бўлса керак, – деди у белбоғига осиглиқ пичоғини қинидан чиқариб, гўштни паррак-паррак қилиб кесаркан. – Ғойибназар додхоҳ<sup>2</sup> Термизга ўтаётганда сўйдирган серканинг этидан, – қўшиб қўйди қилаётган ишидан ўзиям лаззатланиб. – Ўшанда додхоҳбек бизга арақ деган ички ҳам берди, тоға. Бостирма билан зўр кетаркан.

– Қайтишимда айтган ичкингдан олиб келаман, бовурим, – Егемқулнинг гапларидан роҳатланарди Эсиргап Найман.

Жиян авлодлар билан гурунг авж оларди.

– Ангемедан олингда, тағай. Биз бу шўлда ҳеч бир адам билан кўнушмай, тентак қўйға охшаб қалганмиз, – деди чопонини кўлтиғига қисиб ёнбошлар экан Сафарали йилқичи.

– Ҳангама бўлса ҳангама-да. Мен ҳам икки кундан бери отимдан бошқа ҳеч ким билан гаплашмай сиқилиб келаётган эдим, – хуржунини ёстиқ қилганча гапни олди Эсиргап Найман. – Хўжа Насриддин мен каби бир далаю даштда эшагини халалаб, бир шаҳардан иккинчи шаҳарга кетаётган экан. Қаршисидан кенг майдонни ўраб ов қилаётган подшоҳ навкарлари билан чиқиб қолибди. Подшоҳ Хўжа Насриддинни сўроққа тутибди...

... – Сени исми шарифингни кўп туйганман. Нега шу пайтгача пойтахтга, менинг ҳузуримга келмадинг? – сўради ҳукмдор бир хўжага, бир эшагига боқиб.

---

<sup>1</sup>Бостирма – бир парча суяксиз эт матога ўралиб, эгар ва жабдуқ орасига бостириб, маълум муддат юрган ва эзғиланиб пишган. Эгар тагига бостирилганлиги учун бостирма деб аталган.

<sup>2</sup>Додхоҳ – шикоятларни текшириб, кўриб чиқувчи амалдор.

– Бир кун чақиришингизни билиб бормай юрган эдим, давлатпаноҳим, – жавоб қилди Хўжа Насриддин.

– Нега мен сени чақиришим керак экан? – ҳайрон бўлиб сўради подшоҳ.

– Сизни оқилу доно кишилар, олиму уламоларни ҳузурингизга чорлаб, сўзларини тинглашу ҳурматлашни яхши кўрадиган одил подшоҳ деб эшитган эдим-да. Шунинг учун тиланчига ўхшаб қабулингизга боришдан кўра, ўз қадр-қийматимни сақлаб, кутаётгандим.

– Ҳа-а, шундай дегин. Сен сўйлаганинг қайси тоифага кирасан. Оқилларгами, доноларгами? – яна сўради подшоҳ.

– Бу икки сўз бир маънони англатади, подшоҳим. Оқил дегани арабча. Доно сўзи эса форсчадир. Шунга кўра ҳар иккисига кирсам керак деб ўйлайман. Бу ўзимча бичиб-тўқиган фикрим. Кишининг асл баҳосини ўзи эмас, ўзгалар беради. Кўзимиз тириклигидаги нарху навомиз ёлғончи ва ўткинчидир, олампаноҳ. Ҳақиқий баҳо устимизга тупроқ тортилгандан сўнг берилади. Шоҳу гадо, ким бўлмасин, у ҳақдаги ҳақиқат фоний дунёдан боқий дунёга кўчганидан сўнг айтилади. Шул боис теварагингизни ўраган мадҳиябозу масхарабозларнинг сўзларига кўпам ишонаверманг. Улар сизни эритиб, кўпроқ ақча ишлаш учун оғзиларига келган ҳамду сано-ю олқишларни дўндираверадилар.

– Ҳа-а, жумлаларинг дадил ва маъноли кўринадир. Бежизга одамлар сен ҳақингда кўп гапиришмас экан. Хў-ўш, сен ҳеч ким бажара олмайдиган бирор-бир ишни урдалаб, мени қойил қолдира оласанми? – сўроқда давом этди подшоҳ.

– Подшоҳимизнинг бир оғиз амри фармонлари. Айтинг, не ишни бажарай?

– Ўзинг топ. Менинг ақлимга ҳеч бир иш келмаётир? – деди узоқ ўйланган ҳукмдор.

– Истасангиз мана шу эшагимни китоб ўқишга ўргатишим мумкин, – деди киприги қилт этмай Хўжа Насриддин.

– Йўғ-е! – хайрон бўлди подшоҳ. – Хайвонни ҳам ўқишга ўргатса бўладими?

– Нега бўлмасин. Фақат бунинг учун узоқроқ вақт кетади-да, подшоҳим.

– Қанча вақт керак бўлади?

– Дейлик. Масалан, ўн йил.

– Ўн йил кўп эмасми?

– Одамларимиз мактабу мадрасаларда шунча ақли идроки билан ўн йиллаб ўқийдилару, бу жонивор бечора беақл бир эшак бўлса. Ҳалиям мен сизга энг қисқа муддатни айтдим, давлатпаноҳим. Яна ўзингиз биласиз.

– Майли, ўн йил бўлса ўн йил-да. Бунинг учун мендан не кўмак лозим?

– Шу муддатда емак-ичмагимга етарли маблағ берсангиз бўлди. Кўп нарса сўрамайман. Бир фақир Хўжа<sup>1</sup> бўлсам.

– Бўпти. Мана шу етадими? – сўради подшоҳ ёнчиғидан кичик халтачадаги олтинни чиқариб.

– Нега етмасин, подшоҳим. Мен борига барака қиладиган кичикфеъл бир одамман.

– Бўпти! Соғ-омон бўл! Сендан хабар беклайман, Хўжа. Олтинни олиб, бирор бир ажам юртига улоқиб кетмагин тағин. Осмонга чиқсанг оёғингдан, ерга кирсанг қулоғингдан торттириб топдираман-а!

– Сиз зоти олийларининг шундай куч-қудратга эга эканлигингизни кўриб-билиб туриб англашдим-да, подшоҳим. Мен ҳам шу пайтга қадар кўнглимга ўтирмагани учун ҳеч бир ҳукмдорнинг хизматига кирмаган эдим.

Подшоҳ ва Хўжа Насриддин хайр-хўшлашиб ажралишдилар.

---

<sup>1</sup>Хўжа – ўша пайтларда, ҳозир ҳам кўп шарқ мамлакатларида хўжа деб ўқитувчини айтганлар.

Кўп ўтмай бу гап бутун мамлакатга тарқалди.

Хўжа Насриддин эса одамлар кўзи ва гап-сўзни кўпайтирмаслиги учун китоб варақлари орасига арпа қўйганча уни эшаги охурига солиб қўяр эди. Эшак эса тумшуғи ва лаби билан варақлар орасидаги арпани териб ер эди.

Насриддин Хўжа эшагининг астойдил китоб ўқиётганлиги ҳақидаги бу хабар узунқулоқлари орқали подшоҳга ҳам етиб борди.

Пойтахтдан зудлик-ла етиб келган ноиб уни эшаги ила баробар тезда ҳукмдор ҳузурига етиб боришини айтди.

– Энди ҳарфларни ўргана бошлаганига бир йил бўлди. Подшоҳимиз олдида мени уялтириб қўяди. Ўша англашмада келишилган гап гап. Берилган сўз сўз. Айтилган муддатдан бир кун олдин ҳам, бир кун кейин ҳам бўлмайди, – жавоб берди Хўжа ноибга. – Подшоҳи оламга биздан салом сўйланг. Йўқ десангиз ана берган олтинлари. Олиб кетишингиз мумкин.

– Ахир, одамлар эшагининг китоб ўқиганини ўз кўзлари билан кўришибди-ку? – жиғибийрон бўлди ноиб.

– Айтаяпман-ку, ахир. У энди ҳарф танимоқни бошлади. Мен бошланғич синфдаги бир бола... э-э-эшакни қандай қилиб олампаҳо ҳузурларига олиб бораман? Қўймасангиз, менга барибир, боравераман. Ўзингизга гап тегиб қолмаса бўлди. Ишнинг пачаваси чиқиб, еб турган нонингиздан айрилиб қолманг тагин. Бунинг устига бошмош деган нарса ҳам бор. Подшоҳ узоқдан меҳри билан илтиб, яқинида турганларни ёндириб юборадилар. Хон урганидан худо ургани маъқул дейдилар. Яна ўзингиз биласиз...

– Ундай бўлса майли. Мен қайтдим. Бориб давлатпаноҳимизга айтаман. Сиз эса ишингизда давом этинг. Бирор хизматлари бўлса айтсинлар?

– Шу ернинг волийсига айтиб кетсангиз. Тўрт-беш қоп

арпа ташлаб кетса. Олампаноҳимиз эътиборидаги жонивор арпадан бироз тортилиб қолди, – елкасини қисиб деди Хўжа.

– Бўлди. Айтаман. Тўрт-беш эмас, керак бўлса ўн қоп арпа, тўрт-беш арава беда ҳам олиб келишади, етадими?

– Этади, ноиб жаноблари. Мен ҳам, эшагим ҳам айрим жонзодларга ўхшаб хўра эмасмиз. Озига қаноат қиламиз. Бorigа барака берсин деймиз, – дея елкасини қисди Хўжа.

– Неки лозим бўлса, зоти олийларини роҳатсиз этмасдан менга одам юбораверинг. Қасабангизнинг кадхудоси-ю туманингизнинг волийсига тайинлаб қўяман, – дея пойтахтга равона бўлди ноиб.

Ноиб ва Хўжанинг бу ғаройиб суҳбатини яккаю ягона садоқатли шогирди дарвозахонада эшитиб турарди.

У ҳайронлик ва қўрқув нигоҳида бу ёғи нима бўлади дегандек устозига боқди

– Нега безовтасан? – сўради устоз шогирдидан.

– Подшоҳ бу ишимиздан хабар топиб қолса нима бўлади, устоз? – сўради у кўзлари пирпираб.

– Унгача эшак ёки подшоҳ ўлади, авлодим, – жавоб қилди Хўжа бепарво оҳангда.

– Агар ҳар иккиси ҳам ўлмаса-чи? – ҳамон қўрқув-ла боқарди устозига.

– Подшоҳнинг марҳаматига сазовор бўлган бу ҳурматли эшак ўн иккига кирган. Яна тўққиз йил яшамаслиги аниқ. Бу мамлакат тахтида ҳам ҳеч бир подшоҳ ўн йил ўтирмаган. Жуда қўймаса кўрганинг каби шу тарзда саҳифалар орасига арпа солиб ўқитаман. Ғиди-биди деса эшаклар шундай китоб ўқийди дейман. Шунинг учун бек берганнинг бетига келма деган боболарнинг доно сўзига амал қиламиз. Тахт билан олтиннинг эгаси бўлмайди, бўтам. Жумладан, эшакниям. Қолаверса, бу олтинлар ўзимизники. Олампаноҳимиз халқдан олган ортиқча божу хирожларни, олиқ-солиқларни ўзимизга қайтариб бермоқда.

Мен у берган олтиннинг бир донасига ҳам текканим йўқ. Масала ҳал бўлгач, қасабамизда ҳаммом билан мактаб қураман.

Устозининг сўзини диққат билан тинглаган шогирд тош каби қотиб турарди...

– Ана одамнинг доноси! – деди Сафарали саис Эсиргап Найманнинг ҳикоясини мароқ билан тинглар экан. – Пашаниям алдабди-да-а? Таға!

– Дунё шунақа, жиян. Ақли расо одам учун падша деганингиз пашшадай гап. Энди менга рухсат этасизлар. Йўлга чиқишим керак. Қайтишда албатта сизларни қидириб топаман. Термиздан нима олиб келай? – сўради оти томон юраркан.

– Мнанинг иштанбағи узилавериб бежай авгара қилди. Еки газ иштанбағ алип келинг, тағай, – кулиб Эгамқулни кўрсатди Сафарали.

– Ичтўнбоғни ичтўни ила бирга олиб келаман, – ҳазиллашди ўнбоши.

– Худай рази босин сиздан, тағай! – дуо қилди йилқичи. Ўзиям, отиям дам олган Эсиргап Найман янги орттирган жиян авлодлари билан илиқ хайр-хўшлашиб йўлга тушди.

Карвон ва қўшин юрадиган йўлдан юрмоқ хатарли эди. Асосий йўлни кўздан қочирмаганча ундан икки-уч чақирим четлаб, Термизга кирмасдан Жайхун соҳилига етиб бориш керак эди. Дарёдан оти билан ўта олса хуши-хуш, бўлма-са, сотиб, солда ўтишга тўғри келади.

Отлиғу пиёдалар, овчию чўпонларга кўзи тушса ўзини йўқолган уюрини излаб юрган йилқичига солиб, отини гоҳ чоптириб, гоҳида йўрттириб бораётган ўнбоши зиммасига юкланган ишнинг шарафи ва масъулиятдан ғурурланганча эгар устида уйиб, кетиб борарди. Фақат отини ўтлатиб, дам олдириб суғориш учун тўхтар, шунда ўзи ҳам қотиб кетган белини ёзиб, бироз узанарди.

Ражаб Турдиқора амирзода Улуғбекнинг хос одами.

Мирзога уни амир Боботурк топиб берган дейишади. Кезмаган мамлакати, билмаган тили, кўрмаган балоси қолмаган ғалати бир киши экан Қулман Қиётнинг айтишича. У билан танишмоқнинг ўзи катта гап. Турдиқора уни мирзо Улуғбекнинг ҳузурига элтса керак. Амирзода балки падари бузруквори Шоҳруҳ подшоҳнинг қабулига олиб киради. Улар Эсиргапнинг ўқишу ёзишни билишидан хабар топсалар бўлди. Сарой хизматига тайин этармидилар. Бир қулоғини совуққа олдириб қўйгани яхши бўлмади-да. Қалласи ишласа бўлди-да, гап қулоқда эмас-ку. Саллани қийшайтириб ўраб олса кўринмас экан. Қолаверса, аксарий ҳукмдорлар келишган, турқи таровати жойида бўлган мулозиму ёрдамчиларни хуш кўрмайдилар. Уларни ўраган малика-ю маҳлиқолар гўзал бўлиши керак. Шу атрофдан бир чулдираган пирсиёнми ёки тилини танглайига тираб гапирадиган туркман қизига уйланиб олганида борми? Юрар эди от ўйнатиб, ҳар ойда бир Жайхунни кечиб. Бироқ туркманлар қизларини фақат катта қалин эвазига ўзга қавму қабилаларга берадилар. Шовдорда ҳам ҳазрати Соҳибқирон замонасида шу тарафлардан оқ уйлик қилинган туркманлар яшайди. Нуриддин Шукур деган бир туркман бекзодаси қизини Арғуншоҳнинг жиянига юз бош совлиқ эвазига берган эди. У ҳам ёнчиғини қоқиштиради нари-бери уч отга етадиган ақча чиқади. Тўйга етмасаям бир қизнинг қалинига етиб қолар.

Эсиргап Найман ширин хаёллар оғушида Эгамқул жиян берган бир парча бостирма гўшти чайнаганча оти жиловини бўш қўйиб, салқин эпкени юзга ураётган Жайхунга яқинлашиб қолган эди.

Орқа тарафдан суворий отининг чопиши қулоғига чалинди. Юраги така-пука бўлди. Бир киши-ку, кўпчилик бўлганда бошқа гап эди. Олишса жойини соламан. Бир суворийнинг қўлидан нима ҳам келарди. Кимсанинг таъқиб этиши эса эҳтимолдан холи. Қиличини қинидан ярим

суғуриб жойига суқиб қўйган ўнбоши оти жиловини тортди.

Бу орада яхши тўриқ от минган, улов ҳам, ўзи ҳам қора терга тушган суворий етиб келди. Ёши элликлардан ошиб қолган, манғит башара, қорачадан келган, пешонаси бўр-тиб чиққан, қош-қовоғи кипригу кўзининг устига ўтирган, ўртача гавдали бексифат бир киши эди у.

Отиям, ўзиям ҳолдан тойган, қиличининг бўш қини ҳаво-да ўйнаб келар, юзида ўлим билан бурунма-бурун келганликнинг аянчли қўрқуви котиб қолганди.

– Қўрқма, биродар. Мендан сенга бирор бир зиён-заҳмат етмайди. Сени қувиб келаётганим йўқ. Жаҳаннамнинг қоқ ўртасидан аранг қочиб қутулдим. Оз қолди, шаҳидлик шаробини сипқармоғимга, – ҳансираб, нафаси бўғзига тикилиб гапирарди суворий.

– Кимсиз? Ўзингизни танитинг! Нега айнан мени қора тортиб ортимдан от қўйиб келмоқдасиз? – ёши улуғлиги учун сизлаб сўради Эсиргап Найман қиличи сопини ўнг кафти билан сийпалар экан.

– Э-э, нимами сўрайсан? Кебак Манғитман. Амир Хожа Юсуфнинг лашкарбошиси эдим. Ота-бобосидан тонган Султон Ҳусайн амиримизни қатлга етказди. Амир Темир-хожаниям ўлдирди. Ўн-ўн беш чоғли юзбоши-ю мингбоши аранг жонимизни қутқариб қолдик. Ўзинг кимсан? Сен ҳам Султон Ҳусайннинг одами бўлиб чиқмагин тагин, – сергак тортди суворий.

– Ким у Султон Ҳусайн деганингиз? Қайси Султон Ҳусайнни айтмоқдасиз? – номдор мингбошини таниди ўнбоши. – Мен бир кўчманчи йилқичиман, кўмондон жаноблари. Йилқи уюрини йўқотиб қўйдим. Шунини излаб юрибман, – деди Эсиргап ҳамон кимлигини айтгиси келмай.

– Афти ангоринг йилқичига ўхшамайди, бўтам. Бу алғов-далғов, олатасир замонда кимсага ишониб бўлмай қолди. Ҳақ раҳматига олган бўлсин, ҳазрат Соҳибқироннинг давлат офтоби ботди-ю, юртимизда юмронлар ўйини бошланди. Итлар эгасини танитайдиган, қуллар хўжасини тан ол-

майдиган кунларга қолдик. Билмайдиларки, қум йиғилиб тош бўлмас, қул йиғилиб бош бўлмас. Ишқилиб охири бахайр бўлсин! – оти жиловини бўш қўйиб, қўйнидан чиқарган белбоғи билан юз ва бўйин терини артарди Кебак Манғит. – Шу кетишда тўғри юраверсак, дарёга чиқамиз чоғи? Сен бу ерларнинг ўр-қирини яхши биласанми?

– Озми-кўпми биладан, – деди ўзини шу депаранинг йилқичиси деб танитган Эсиргап сир бой бермай.

– Бир амаллаб Жайхундан ўтиб олсам эди. Хавфи хатар ортда қоларди. От билан ўтса бўладиган кечув ҳам шу атрофда эди, чамамда. Киши бошига иш тушиб, азроил шундоққина қаршисига келиб турганда, тўғри йўлда ҳам адашиб кетар экан, оғайни. Бошим оғиб, тусмоллаб келаётирман. Менга ёрдам эт. Истасанг ёнимга оладан. Йилқичи эмас, жиловдорим бўлиб юрасан. Отларимга қарайсан, – деди лашкарбоши самимий оҳангда.

– Бир ҳафтадан бери итдек санғийман. Бироқ уюр нари турсин, бир дона байталдан ҳам дарак йўқ. Қайтиб борсам хўжайиндан балога қоладан. Жон деб хизматингизга кираман, қўмондон жаноблари. Мешда сув бор, хуржунда талқону туршак. Истасангиз отларга бироз дам бериб, емак еб олсак, – кутилмаган учрашувдан мамнун эди ўнбоши.

– Ортимдан битта-яримтаси қувмагандир. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб қолганди, – дея бот-бот орқага ўгирилиб қарарди қўмондон. – Шу атрофда бирор пана-пастқам жой бўлса тўхтайлик. Ўзиям заҳар қисиб кетди. Оёқ-қўлни ёзмасак бўлмайди. Дарё бўйи хавфли.

Улар кичикроқ бир арнада тўхтадилар. Отларни ўтлашга қўйиб, тамадди қилдилар. Толиққан лашкарбоши талқон еб сув ичгач узанди-ю, тошдек қотди. Бироқ юриш керак эди. Безовталанган Эсиргап янги хўжайинини уйғотди.

– Юрмоғимиз лозим, хўжайин. Ҳадемай кун ботади.

Қоронғи тушмасдан дарёдан ўтиб олганимиз маъқул, – деди шеригини оҳиста туртиб уйғотар экан.

Қаттиқ уйқуга кетган Кебек Манғит чўчиб уйғонди.

– Ҳа-я, кетиш керак. Мен ўзи шунақа, ўликдай ухлайман. Орқамни кесиб кетишса ҳам билмайман. Уйғотиб тўғри қилдинг. Отни келтир, – дея гарангсиб ўрнидан турди лашкарбоши.

Дала-ю даштларни тобига олиб қиздираётган илк саратон қуёши машриқ томон оғиб борар, узоқдан кўзга ташланаётган бўтана дарё юзида ўйнаётган нур манзилга етиб қолганларини муждаларди.

– Айтганингиз Султон Ҳусайн ўша, Дамашқда улуғ хоқондек бобосига хиёнат этиб, араблар томонга қочиб ўтган амирзодами? – қўмондонни гапга солди Эсиргап.

– Ўша бузуқи ва беоқибат-да. Бошқа ким бўларди. Ҳайфи шундай улуғ исми шариф кетсин бу каби нокасларга. Бу қони суюқнинг тек мақсади Самарқанд ёки Ҳиротда салтанат тахтига ўтирмоқ. Дастлаб оч бўридек бошкентдаги Кўктошни эгалламоқ учун ташланиб кўрди. Санғиб юриб, дуч келган амиру қўмондоннинг олдига бориб йўлдан урмоқчи бўлди. Бироқ ҳеч иш чиқара олмади. Ўшанда, бизнинг Манғит овулига бориб, бир кеча қўноғимиз бўлиб, бошимизни роса қотирганди. Халил Султонун Хожа Юсуфни рўкач қилиб, аранг қутулган эдик. Айланиб келиб кунимиз яна шу барорсизга қолганини айтмайсанми? Кейин билсак, у Ҳиротга қочиб борган, Шоҳруҳмирзо ҳазратларининг инъому эътиборларига сазовор бўлиб юриб, Андхуд атрофида ул зоти олийнинг ҳам ўрдусидан қочиб, яна Самарқандга, шаҳзодаи олийнажот Халил Султон ҳузурларига келган экан. Шаҳзодаям билмаганда. Чўкаётган киши чўпга тармашганидай уни ҳам ўзига мадад, ёмон куннинг яроғи деб ўйлаган шекилли, бутун бошли қўшинни қўл остига бериб қўйиб Балхга, валиаҳд Пирмуҳаммаднинг йўлини тўсмоқ учун юбориб, Арғуншоҳ,

Тимурхожа ва Хожа Юсуф каби амирларни бу бадбахтнинг узангисига тайин этса бўладими? Ўз-ўзидан черигим билан мен ҳам шу шарафсизнинг навкарига айландим-қолдим. Лашкар орасига яшириниб, кўзига кўринишдан чўчиб юрдик. У шу қадар такаббур ва ичи кир эканки, ҳеч кимни, ҳеч қачон кечирмай, эртами-кеч йўлини қилиб жазолар экан.

– Валиаҳд Пирмуҳаммад дарёнинг нариги соҳилида, Қандаҳору Ғазна тарафда эмасми? Нега подшоҳимиз Халил Султон унга қарши тилга олганингиз амирзодани юборади? – суҳбати қизиқ эди кўмондоннинг.

– Султон Соҳибқирон ҳазратларининг салтанат юлдузлари завол топганлиги хабари барча баробар валиаҳди замон Пирмуҳаммад мирзога ҳам етиб боради. Ул саодатманд шаҳзода билганинг каби Қобулу Ғазнин, Қийлону Қандаҳор, Тўхаристону Балхнинг ҳукмдоридирлар. Улуғ бобо васиятини эшитган валиаҳд Самарқанд йўлини кўзлаб, Балх томон юради. Бундан ўттиз беш йил бурун хоқони акрам ҳам худди шу, мадинат ул-рижол Балхда Турон мулкининг буюк амирлик тахтига ўтирганлар. Бировлар валиаҳд ўзини шу шаҳарда хоқон эълон этмоқчи бўлган дейди. Бошқалар бошкент Самарқандга бориб тахтга ўтирмоқ ниятида экан деган гапни қилади. Бу хабар бизнинг подшоҳимиз Халил Султоннинг қулоғига етиб боради. Шаҳзодамиз эса валиаҳднинг Балхга етиб келишни ўз тахтига қилинган тажовуз дея англайдилар ва сўйлаганим ўша беномусни қўшинга бош қилиб, тоғаси Пирмуҳаммадга қарши йўллайди. Бу касофат Шоҳруҳмирзонинг ўзига худди Халил Султон каби катта бир қўшинни бериб, Самарқанд сари отлантиришини кутган. Бу қўшин билан аввал Самарқандни олиб, Халил Султоннинг жойини солиб, сўнгра бошқалар билан ҳисоб-китоб қилишни мўлжаллаган. Бу фитна-ю режа амалга ошмагач, Андхудда Шоҳруҳмирзо кўшинидан қочиб, Халил Султон ҳузурига етишган. Иноя-

ту марҳаматига сазовор бўлган. Шохруҳмирзонинг одам танишлиги оқибатида йўл қўймаган хатолиғ ишга бизнинг подшоҳимиз Халил Султон йўл қўйдилар... Охир-оқибат ўша гап. Ҳолвани ҳаким ейди, калтакни етим. Аскару навкарнинг қони тўкилган, улус оворайи сарсон.

Суворийлар ёз ойларида кўпириб, лойқаланиб оқаётган бўтана Омuya соҳилига етиб келган эдилар.

## **ЎН БИРИНЧИ БОБ**

*Иккита қулнинг баҳоси –  
битта эшак нархига тенг...*

### **Кутаҳиядаги Ғарбий Византия бозори деворидаги ёзув**

Амирзода Султон Ҳусайн сой ёқасидаги қароргоҳига бобосидан қолган эски шоҳона саропардани тиклаттирди.

Салтанат қоровуллари Самарқандга кириш олдидан уни бир кун Конирил ўланида беклатдилар. Бошкентга киришидан ҳайиқдилар шекилли, Кўксаройдан дарҳол ижозат бўлмади.

Ташвишланган амирзода минг бир хаёлга борди. Атрофида ўралашаётган подшоҳ тоғаваччасининг одамлари қиёфасида ажал шарпасини сезмагач, кўнгли жойига тушгандек бўлди. Атрофида эллик чоғли қариндош-уруғларидан иборат навкару мулозими бор эди. Қолган чериги бир кеча-кундузда ғойиб бўлди. Уларнинг бир қисми юртига қочган бўлса, қолгани Ҳирот томон от қўйганди.

Икки дара-ю, бир орада келган амирзода яна бетининг суви беш томиб, Самарқанд сари юзланмоққа, тожу тахт осмондан тушган Халил Султон остонасига бош урмоқ мажбуриятида қолган эди.

Халил Султондан шаҳарга киришга изн берилгани хабари келганда елкасидаги оғир юқдан халос бўлгандек энгил тортди. Илгари кетиб қолганини пеш қилиб ҳибсга

олдириши ёки жаллодга топшириши мумкинлиги ҳақидаги фикр ҳам ақлининг учини банд қилиб турарди.

Бу унинг олдига иккинчи бор келиши. Самарқанддан қочиб Шоҳруҳмирзо тоғасининг олдига борган ва Халил Султонни бобо тахтидан улоқтириб ташламоқ учун қўшин сўраган эди. Султон Ҳусайннинг Самарқанд тахтини эгаллаши ва кейинчалик ўз салтанатига ҳам таҳдид солиши мумкинлигини тахмин қилди чоғи, кенжа тоғаси сўзининг устидан чиқмади. Ваъда қилган ўн минг қўшинни бермади. Бу борада итдан тараган, илоннинг ёғини ялаган энг яқин одамлари амир Шоҳмалик билан Ҳожи Барлоснинг ўғли Нуширвон Барлос ўйинбузуклик қилди, чамаси. Иккиси ҳам унга энсаси қотиб, елкаси тиришиб қарашарди. Бор таваккал қилиб, Андхуддан Самарқанд сари йўлга тушди. Бу унинг сўнгги ҳамласи эди.

Халил Султонга ҳам унга ўхшаган, ҳар нарсадан тап тортмай жангга кирадиган кўмондон керак. Ҳар қандай амиру лашкарбоши тоғаси Шоҳруҳмирзо ёки Пирмуҳаммадга қарши боришга журъату жасорат этавермайди. У эса боради. Сабаби, бобоси Темурдан, қолаверса, буюк бобоси қоон Чингизхондан қолган бу давлату мамлакатда ҳаммадан кўпроқ ўзининг ҳаққи бор. Ким бўлибди бу лашкардан чиққан яхудийсифат барлосваччалар. Унинг боболарининг қурчи-ю<sup>1</sup> навқари бўлган бу аймақ. Уларга ўтирадиган жойларини кўрсатиб қўйиш керак. Ҳар ким ўз кўрпасининг неча газлигини билмоғи лозим.

Амирзода шу хаёллар билан от устида тебраниб келар, икки юз чоғлик тиш-тирноғигача қуроолланган суворий уни ва одамларини ўраганча сергак эдилар.

– Бир зумда сувга тушган тош каби ғойиб бўлдингиз, амирзода. Ҳайрон бўлдик. Орамиздан ҳеч бир гап-сўз ўтмаган эди, шекилли? – деди Халил Султон уни илиқ қаршилар экан.

<sup>1</sup>Қурчи – қурол-аслаҳа омбори мутасаддиси.

– Тоғамиз ҳазратларини бир зиёрат этиб, сизнинг фойдангизга вазиятни ўрганиб келдим, шаҳзодам. Бекор юрганим йўқ, – деди Султон Ҳусайн гапини олиб қочиб.

– Вазият қалай экан? Улар ҳамон бизга нисбатан дўстлик мақомидаларми? – ўсмоқчилаб сўради шаҳзода жиян авлодининг оғзидан гап олмоқчи бўлиб.

– Икки дунёда улардан бизга дўст чиқмайди. Иқтидору тожу тахт ғавғоси бор жойда ота болани, қардош қардошни унутади. Фақат мақсадлар бирлиги кучли шахсиятларни ўз ҳадафларига эриштириши мумкин. Мен шу муроду мақсадга хизмат этмоқ учун ёнингизга келдим, амирзодам. Лозим кўрсангиз бошим устига. Йўқ десангиз яна ўзингиз биласиз. Бир ғарибона тирикчилигимиз ўтар. Очдан ўлмасмиз, – деди тошбақа каби елкасини ичига тортиб, пешонасини тириштирар экан амирзода Султон Ҳусайн.

– Сизни сўйлаганингиз каби ҳолатга солиб қўймасак керак, – деди Султон Ҳусайннинг сохта мулозаматидан ҳайрон бўлган шаҳзода унинг ниятини билмоқ учун гапга соларкан. – Бошкентдаги режаларингиз қандай? Сизла қўнушажак ва қилажак ишларимиз бор. Самарқандда икки-уч кун бўламизда, Кеш жанубидаги Улуғ майдонга чиқиб, қўшиннинг яроғ-аслаҳаси ва машқини кўрамиз. Бу хусусда сиз кўп тажрибали ва моҳир кўмсндонсиз. Маслаҳатларингизни берасиз, – деди шаҳзода меҳмоннинг ҳар хаёлга бормаслиги учун кўнглини тинчлантириш мақсадида. – Ҳурматли мусофиримиз бўлинг. Ҳар оқшом баробар бўлиб, Боғи Дилкушода истироҳат этайлик. Шаҳарда қиладиган не ишларингиз бор?

– Боғи Чинорга бориб, аммам зоти олияларини зиёрат этсам дегандим. Сўнгра болалигим кечган маҳалла кўчаларини айланмоқчиман. Ёр-дўстларни топсам учрашарман.

– Маъқул. Айланинг. Бироқ волидам ва буюк бибим шу

ерда, Кўксаройдалар. Барча маликаларнинг хавфсизлигини ўйлаб, уларни боғдан саройга кўчирдик. Уларга ўша ер тинч, – деди Халил Султон бобосининг ҳарамдаги маликаларнинг қасрларидан мосуво этишганини пардалаб изоҳ этаркан.

– Боғи Чинорда ким турибди? – ҳайрон бўлиб сўради Султон Ҳусайн.

– Салтанат кишилари. Истасангиз сиз ҳам яшашингиз мумкин.

– Йўғ-е, ташаккур, шаҳзодам. Бир бош бало бош, икки бошга қозон ос деганларидек, ёлғиз киши дуч келган жойга сиғиб кетаверади.

Амирзода Султон Ҳусайн Халил Султонга икки тарафлама қариндош эди. У янги подшоҳнинг синглиси Қутлуғ-султонбегимга уйланганди. Иккиси ҳам айна дамда Самарқандда яшашар, Султон Ҳусайн эса бобосининг вафотидан сўнг Самарқандни қўлга киритишга урингани боис от ўғрисига айланиб қолган, ҳамма унга яғий кўзи билан қарар, ўзи ҳам қочиб-пусиб юрарди.

Султон Ҳусайн ҳукмдор ўтирган Кўктошли, муҳташам солиндан чиқиб, юқори қаватда, одатда аммаси Сарой-мулхоним ўтирадиган хона томон юрди.

– Йўл бўсин, амирзодам? – дея қаршисидан қуроли ясовул чиқиб келди. – Буюринг, не хизмат?

– Буюк малика ҳузурларига бораётгандим, – жавоб қилди амирзода аскарнинг йўлини тўсганидан ғаши келиб.

– Бош маликамиз, зубайдаи соний Шод Мулк зоти олилари хос хоналарида йўқлар. Бўлсалар-да, у ерга киришингиз ясоқдир, – жавоб қилди мулозим.

– Гапингга тушунмадим. Менга Шод Мулк эмас, Сарой-мулкхоним керак. Уни не унвон билан атадинг? – тикилиб сўради амирзода.

– Зубайдаи соний дедим, амирзодам.

– Зубайдаи соний, зубайдаи соний... Не дегани экан бу?

– Билмадим, амирзодам. Мен бир саводсиз, жоҳил бўлсам.

– Сендақалар битта бўлганда майли эди-я, бутун пойтахтни эгаллаган кўринасизлар. Сароймулкхонимнинг хоналарида ҳозир Шод Мулк яшайдими?

– Шундай, амирзодам. Зубайдаи соний маликамиз яшайдилар.

– Яна зубайда дейди-я. Сароймулкхоним қайдалар?

– Ул кишимга биринчи, қатдаги, илгари фаррошлар<sup>1</sup> яшайдиган хонани жиҳозлаб беришган.

– Шундай дегин, – деди Султон Ҳусайн бу гапдан таажубланганча туриб қоларкан. – Улар шу даражагача боришибди-да.

Амирзода шарт бурилганча мулозим айтган томонга қараб юрди. “Мана азизу муҳтарама аммам Сароймулкхоним. Еру кўкка ишонмай тарбиялаганингиз Халил Султон деган хоиндан қайтган марҳамату мурувват. Бу бевафо ва бетайинлардан бундан бошқасини кутиб бўлмайди. Беш баттар бўлингиз. Ана ноинсофу ношукурликнинг чегара билмаслиги! Онаси каби инсонни-я?!”

У шу аччиқ хотираю хаёллар оғушида саройнинг кун ботиш томонидаги фаррошлар хонаси томон борарди.

Кечмиш замоннинг бир киприк қоқиши кишилар тақдирини ҳал этган, бир вилоятнинг йиллик хирожигга тенг кўйлагини ўттизта канизак кўтариб юрган малика амалтақал таъмир этилиб, эски хонтахта кўйилган хона бурчагида мунғайиб ўтирарди.

Жиянини кўрган маликанинг кўзи жиққа ёшга тўлди. Бироқ ўзини қўлга олди. Йиғламади. Унинг ҳам ўзини шу аҳволга солган номардлардан фарқи йўқ. Эсини танига-

<sup>1</sup>Фаррош – фаррош деб у пайтда саройларга гилам тўшовчилар айтилган.

нидан бери бобосининг қаҳрини келтириб, Самарқанду Дамашқда салтанатга қарши исён кўтариб, кимлигини кўрсатиб бўлган. Барча қавм-қариндошлар ундан қўлини ювиб, қўлтиғига урган. Халил Султон ҳам яна бир ўздан чиқажак душманни кўпайтирмаслик, тийиқсиз ва телба амирзоданинг назоратда ушлаб туриш учун муросою мадора йўлини танлаган бўлса керак. Қолаверса, куёви, ота бир синглисининг эри. Қиблагоҳи Мироншоҳ мирзою жигарининг ҳурматини қилган. Бироқ бу бир қинга сиғмайдиган икки ўткир қилич қай манзилга қадар бирга борадилар, бу яратганга аёндир.

Жияни билан совуқроқ саломлашган собиқ бош маликанинг ақлидан шу фикрлар кечарди.

– Булардан келажак меҳри оқибат шундай бўлажagini айтганларим эсингиздадир, амма! – деди амирзода маликанинг ўнг қўлини ўпиб хонтахта четига ўтирар экан.

– Энди барчаси бефойда, авлодим. Улуғ бобонгсиз менинг кўшқу қасрларда ўтиришимнинг қизиғи йўқ. Қолаверса, ўз мадрасамнинг бир ҳужраси ҳам етади менга. Бориб ўша ерда яшайин десам ижозат беришмаётир. Элимдан ҳеч бир иш келмас мендек бир ожизадан ҳам чўчишади. Менки улар учун хавфли душман эканман, демак, бу мулку давлат ожизу омонат. Узоқни кўра билмаган ҳукмдорлар хато ва жинойтларини ағдариш учун ўз яқинлари ва халқи орасидан айбдору гуноҳкорларни излайдилар. Бобонгиз раҳматли шундай дер эдилар. Тахту салтанат, мулку мамлакат душманига айланиб, беш вақт намозимни ўқиб, хонабанд бўлиб ўтирибман. Онарни кўришга ҳам ўнта қоровул билан олиб бориб, олиб келишди. Бундан кўра бобонгиз ортидан кетганим маъқул.

– Ундай деманг. Бироз сабр қилинг. Ҳаммаси бошқача бўлади. Худди илгариги каби Боғи Чинорда яшайсиз, – деди амирзода хонтахтани алам билан секин муштлар экан.

– Қўйгин бундай гапларни. Бир амирзоданинг бобо тахти учун қилган исёну тўполони бутун шаҳар халқининг жонини бўғзига келтирди. Худудларда не гап-сўз билмайман. Бирор бир ғалаённи бошлаб, ўзингниям, ўзгаларнинг бошини ҳам балогога суқма. Ҳироту Самарқанд орасида чўғалчилик қилиб юриш сенга обрўю омад келтирмайди. Бу ердан қочиб Ҳиротга бордингми, ўша ерда қолишинг керак эди. Сени не қадар яхши қабул қилишмасин, бошкентда ҳеч кимнинг сени кўришга кўзи учиб турмаганлигини фаҳмлашинг лозим эди. Сўзларимни тингламасангда, огоҳ этмоқ маъносида айтиб қўймоқдаман. Бир кемага тушиб, ўша инсон ила сўнгига қадар боришни ўйламоғинг керак эди. Икки кеманинг бошини тутмоқ ҳеч кимга яхшилик келтирмаган. Яна ўзинг биласан, – деди малика жиянига насиҳат этган бўлиб ғамгин овозда.

– Амирзода бошини қуйи эгганча аммасини тинглади. У аслида собиқ бош малика ҳузурига бормоқ баҳонасида мутлақо бошқа масала хусусида келган эди.

Гапни оғир ва азобли мавзудан бошлаган аммасига қай тарзда мақсадини айтмоқни билмай, қулайроқ фурсат бекларди.

– Ишлар шошилинич, амма, – деди ниҳоят ўзини қўлга олиб амирзода. – Икки-уч кундан сўнг қўшиннинг яроғ-аслаҳаси ва машқини кузатмоқ учун Кеш томон кетсак керак. Сизни кўриб, изнингизни олишим лозим бўлган бир нозик масала бор эди. Шу хусусда менга маслаҳат берсангиз, – деди Султон Ҳусайн аммасининг кўзига қарамай.

– Не экан у нозик масала? – ҳайрон бўлди малика.

– Муҳаммад Султоннинг беваси, амир Кайхусравнинг қизи Хоника бегимга уйланмоқчиман. Шунга бир дуойи фотиҳа берсангиз дегандим.

Малика эс-ҳушинг жойидами дегандек жиянига ҳайрон бўлиб тикилиб қолди.

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

– Ахир, у, Пирмухаммад мирзонинг никоҳида-ку! Пирмухаммад Мирзо эса Халил Султоннинг буюк қардоши. Бу номақбул ишга қандай журъат эта билурсан? Қонқардошга хиёнат гуноҳи азим-ку!

– Никоҳида бўлса не қилибди? Ул даъвогар валиаҳд энди ҳеч қачон Самарқанд тупроғини босмагай. Мен Хоника бегимни қизлигидан бери яхши кўрардим. Бироқ бобом бошлиқ барчангиз менга доимо ўгай кўзу ишончсизлик билан қараб келдингиз. Мудом ою қуёш ўғил авлод фарзандларига чиқиб келди. Бизнинг кўкрагимиздан итарилди. Шу муносабат оқибатида Хоникага ҳам етолмай қолдим. Унга нариги дунёда бобосига валиаҳдлик қиладиган киши эга чиқди.

– Ўтган аждодларимиз, билхосса улуғ бобонг ҳақида сўз сўйламақда орқа-олдингга қараб гапир. Ёлғизингни ёмонласанг, ётнинг меҳри кўтарилар деганларидек, ўзўзингни ерга ураверсанг, ўзгалар сендан қочади. Ўз-ўзигаки не каромат кўрсатдики, бизга ундан хайр келмас деган ўйга борадилар.

– Аллақачон ўзимизникилардан қўлимни ювиб, қўлтиғимга урганман, амма. Ўзагингни ўзингники узади дегани жуда тўғри топиб айтилганини бошимдан кўп кечирдим. Ёту бегона сендан кўрқибми, ҳайқибми, ҳурмату иззат қилибми, сўзингга кириб, айтганингга юрар экан. Ҳеч бўлмаганда бетараф тураркан. Ҳай-ҳай, бу кўзингнинг ёғини еган қариндошинг-а! Аввал ошингни, сўнгра бошингни, охир-оқибатда лошингни ер экан.

– Бу гапу фикринг ўзингга ҳам тегишли, Султон Ҳусайн. Одамларга, билхосса қавму қариндошларга бу қадар кеку нафрат ила боқма. Бу ёруғ оламда ҳеч кимдан юксак комиллигу олижаноблик кутиб бўлмайди. Инсон зоти борки, Оллоҳнинг нуқсонли бир яратиғидир. Одам бола-си ўзгаларга нисбатан юрагида бу қадар адовату нафрат

сақламаслиги керак. Бу кеку хусумат, қаҳру ғазабнинг акси, сўнг оқибатда ўзини хароб этади. Ҳалиям кеч эрмас, ўнги сўлингга боқароқ давран. Коса кунига эмас, кунда синиши мумкин, авлодим.

– Маслаҳату насиҳатларингиз бошиму кўзим устига, малика аммажоним. Барча сўзларингиз ҳақ ва жону дилим билан амал қилмоқ жидду жаҳдида бўлурман. Бироқ айна дамда сиз менга жону жигар аммам сифатида Хоникани қўлга киритишда кўмак беринг. Модомики, ёрдам этмасангиз, қаршилик ҳам кўрсатманг! Ишни ўзим ҳал этаман. Халил Султон ҳам йўқ демайди.

– Хоника ва унинг мол-мулки хусусида Пирмуҳаммаддан ҳам амирзодага бир неча бор одам келган. Бу хусусда амакинг Шоҳруҳмирзо ҳам Шайх Нуриддину Шоҳмаликни орага қўйиб, уни Пирмуҳаммадга жўнатишини сўраган. Амирзода бунга рози бўлиб, ваъда берган. Бу ҳақда Халил Султонга оғиз оча кўрмаки, усиз ҳам юришмай турган ишинг тескари кетмасин. Бунинг устига унинг куёви, синглисининг эри бўлсанг. Уят ҳам катта гап. Амирзода уни талоқ қилиб жавобини берганда, бошқа гап эди. Ожиз фикримча, Хоникадан кўра ҳам тожу тахт муждасида Кайхисравлар сулоласию қўшинини ёнга олмоқ учун бу ишга кўз тикканга ўхшайсан. Унутмаким, калта ўйлаб бу балчиққа киражак бўлсанг, қаршингда Амир Темурдан қолган ўттиз олтита шаҳзодани кўрасанким, уларнинг ҳеч бири тахт салтанатини сенинг элингга кечишини истамайди. Бир ишинг икки иш, этигинг кавуш бўлади. Кўриб турган мана шу кунларинг ҳам байраму ҳолва бўлиб қолади! – куйиниб, астойдил сўзларди малика.

– Қуллуқ, аммажон. Ўйлаб кўрсам сўзларингизнинг барчаси юзда-юз ҳақ экан. Усиз ҳам таранглашиб турган вазиятни янада чигаллаштирмоқлик яхши эмасга ўхшайди. Хотин йўлда, бола белда, ота-она қайдадир дегандек, бир аёл зоти учун барча билан яхши-ёмон бўлмоқ ақлдан

эрмас. Фикрларингизни қабул этдим ва сўзингизга кира-жакман. Иншооллоҳ, вақт-замон барчасини жой-жойига кўяжак. Бизнинг кўчаларга ҳам ҳеч бўлмаганда бир баҳор келажақдир! – бирдан қарорини ўзгартирди амирзода.

– Унутма, Султон Ҳусайн! Бир қалдирғоч билан баҳор, бир қарға билан қиш келмайди. Ақли бошида инсон ҳаёт ва умрининг барча баҳору кузлари, ёзу қишларини ҳисобга олиб ҳаракат этади ва муносиб қаршилайди. Киши бошига неки тушган бўлса ва тушажакса унинг феъли атвори, жоизу ножоиз хатти-ҳаракатидандир. Мен сени шулардан эҳтиёт бўл, эгам барчамизни шу кунлардан асрасин деган ўйда тергамоқдаман. Ўчоқларингдан ўт бермасаларингда, эгам ҳеч бирингизни доғу дардингизни чектирмасин! Илгари келганлар илгари кетсин!

Ер билан битта бўлиб ўтирган, бирдан чўкиб ўзини олдириб қўйган малика аммасини кучоқлаб хайрлашган амирзода шамол каби қандай учиб келган бўлса, шундай тезликда ғойиб бўлди.

– У ҳаволарда учиб юрибди! Ақлу ҳуши бошида эмасга ўхшайди! Ишқилиб охири бахайр бўлсин! – деди малика ўз-ўзига паст ва ўксик овозда. – Бугундан эртага не ғаму кулфатлар бошига тушишини билмай қолди киши! Бу мавҳумлик, ноаниқлигу хавф-хатар иқлими, муаллақлигу улуснинг эртанги кунига ишончсизлиги хайри аломат эрмас! Нон пишгунга қадар кулчалар куйиб кетмаса бўлди эди...

Султон Ҳусайн қоровуллари ва подшоҳ таъсис этган кўрима қуршовида кечга яқин Боғи Дилкушога етиб борди.

Самарқанд ёзи иссиқ, фақат соя-салқин сой бўйлари, оғочлар кўлкасида жон сақласа бўларди. Бироқ очу ярим оч фуқарога барибир. Отни от, очни оч қутқаради дегандек, саратон қайнаган қозонида жизғанак қилса-да, у итдек ишлайверади. Боиси, очидан ўлмаслиги, чулдурвоқи,

ўзи каби келажакда ҳам бири икки бўлмас бола-чақасини боқиши, қорнини зоғора нонга тўйдириши керак. Саратон оташидан ўзини сақламоқ, куёшнинг тафти қайтганча мрамар ҳовузларда чўмилиб, муздек шаробу қимизларни сипқориб истироҳат этмоқ, бойлару қўли узунларга ярашади. Молни мол топади, аҳмоқ кетмон чопади.

Оти жilовини бўш қўйиб бораётган амирзоданинг хаёлидан шу фикрлар кечарди.

Суворийлар қофиласи Боғи Дилкушога яқинлашиб қолган, қасрни ўраган отлиқ навкарлар ҳар ер-ҳар ерда тўпланишиб, сергак туришарди. Бобом Амир Темур ҳам бу қадар қўрима-ю қоровул, дабдаба-ю асъаса билан юрмас эдилар, ўйлади Султон Ҳусайн қасрга яқинлашаркан. Халил Султон хавф-хатар, суиқасду заҳарлашлардан қўрқиб, егани ичига тушмай яшайди шекилли, атрофини синчиклаб кузатарди амирзода.

Султон Ҳусайн қаср ҳовлисига етиб борганда боққа аллақачон етиб келган Халил Султон маликаси Шод Мулк билан боғ айланарди.

Бобомнинг бирор-бир малика билан боғ айланганини ҳеч ким кўрмаган. Бу эса боғбон каби зубайдаи сонийини кездириб юрибди. Пайғамбаримиз ҳазратларининг содиқ қуллари ўлароқ аёлларни сизга омонат этдим деган сўзларини сидқу садоқат ила бажармоқда шекилли, зоти олийлари! Тасанно! Бу турумда миллату уммат жоҳилиятдан ҳуррият сари дадил одим отажак кўринади! Қандингни ур, тургану турган, турнанинг кўзидан урган амирзода Халил Султон ибн Мироншоҳ ибн Амир Темур Кўрагон авлоди! Жаҳонни титратган Султон Соҳибқирон Кўктошига сенинг ўтиришинг кимсанинг етти ухлаб тушига кирмаган эди! Қисмату қадар шунақа. Бахт ҳам боши пахмоқу думи тўқмоқнинг тепасига кўнади! Бу тақдир ўйинлари масхарабозларнинг аҳмоқона томошасига ўхшайди. Ҳамма бир-

бирини алдайди. Ҳамма бир-бирига панд беради. Ҳамма ўзини ҳаммадан ақлли-ю доно санайди. Ҳатто бурнидан нарини кўрмаса-да. Кўнглинг тўқ бўлсин, амирзода Султон Ҳусайн. Бу қабила қавми ҳали-бери одаму халқ бўлмайди. Унга ишониб одам қиламан деганнинг ўзи одамгарчиликдан чиқади ёки чиқарадилар. Майдонга қурилган дор оғочию, қўлда маҳкам тутилган кескир қилич билан уни ушлаб туриш ва бошқариш мумкин! Сенинг инсофудиёнатинг, панду насиҳатинг буни икки дунёда англаб етмаган оломон учун ҳавончада сув туймоқ кабидур!

Соя-салқин йўлакларни кезиб юрган малик ва маликанинг кўзи дарвоза томондан шаҳдам одимлаб келаётган Султон Ҳусайнга тушди. Ҳушёр тортганча тўхтаб, нималарнидир маслаҳатлашишди. Сўнгра меҳмоннинг истиқболи томон оҳиста юрдилар.

Бутун тўраю тузук, амри-фармон шу бир аёлнинг икки дудоғи орасидан чиққан сўзга тақалиб қолганга ўхшайди. Амирзода ҳам сутга тўймаган бузоқдек унинг оғзига қараб турибди, ўйлади Халил Султон.

– Самарқандга хуш келибдилар, амирзодам! Қадамларига ҳасанот! – деди Шод Мулк ғолибона, самимий оҳангда амирзодага табассум ҳадя этаркан.

– Хуш кўрдик! Қуллуқ, маликам! Сизга ҳам ғоят ярашган маликалар маликаси шоҳсупаси муборак бўлсин! – салтанат жilовини қўлда тутиб турган жувонга сермулозамат эди амирзода.

– Ташаккур, амирзодам. Сизга тоға, ҳам қайинбиродар бўлган подшоҳимиз ҳузурларига қайтиб, хўп яхши иш қилибсиз. Яратган эгам улуғ боболари тожи тахтини зоти олийларига насиб этди. Бир пайтлар бу мулки давлатни Султон Соҳибқирон бобомизга ато этган тангри эндиликда бу лутфу марҳаматни олийнасаб подшоҳимизга раво кўрди. Ўзига беадад шукур! – тили бурро эди маликанинг.

– Эртами кеч, ҳақу ҳақиқат ўз жойида қарор топгайдир! Шаҳзода тағойимиз бу тожу тахтга узукка кўз қўйгандай муносибдирлар. Ёнларидаги сиз гўзал ва ақлли малика эрса салтанат тожининг дуру гавҳаридирсиз! – сўзга уста эди Султон Ҳусайн.

Боғда учрашганларидан бери оғиз очмай келаётган Халил Султон бу киборона суҳбатни диққат-ла тинглаганча мийиғида кулиб келарди.

Маликасининг кишини кўкларга кўтариб, етти қават осмонга учиргувчи сўзларини эшитиб яйрашга ўрганган, бироқ куёви Султон Ҳусайннинг бу қадар гап-сўзининг каштасини келтириб қўнишини билмас эди.

“Демак, бежизга бу қадар байталини қамчилаб, бошкент сари чошиб юрмаган экан-да, бу валлакат! Ҳар қандай шароиту вазиятда ундан ғоят эҳтиёт бўлмоқ керакка ўхшайди! Имконини топгани замон барчани тиз чўктириб, қиличдан ўтказди худонинг ҳузуридан етти, пайғамбарнинг олдидан тўққиз бора қочган бу қирриғ! Сутсиз сиз сиз сузоғон келади дегандек бундай гапга чечан, устасифаранглар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ...”

– Узр, подшоҳи олам ҳазратлари! Маликамиз зоти олийлари билан ҳол-аҳвол сўрашиб, бироз фозила қўнишдик! Қусурга боқмайсиз! Боғи Дилкушони янада обод этиб, гўзаллаштириб юборибсиз! Мана бу ҳақиқий подшоҳларнинг иши-да, – шаҳзоданинг турли хаёлга бормаслиги учун суҳбат мавзусини ҳамон ўзгартирди Султон Ҳусайн. – Бу хайрли ишлардан улуғ бобомизнинг руҳлари ҳам беҳад шод бўлғайдир. Бу обод манзиллар, бу соя-салқин гўшалар тахти салтанатингизнинг яхши, хайрли кунларига ярасун! – шаҳзоданинг кўнглини олмоққа тиришарди Султон Ҳусайн. – Ободончилик давлату миллат равнақининг белгисидир.

Боғи Дилкушонинг зарнақшли катта солинида шоҳона

зиёфат тартиб этилган эди. Суфрага Шомнинг Антеп шаҳридан келтирилган пистаю бодомдан тортиб, Трапезунд финдиғигача қўйилган, арман шароблари-ю гуржи бодалари, дарбанд мусалласи-ю улуғ хоқоннинг хос ички ҳозирловчиси, синовчи ичувчи Аҳмад Аррақий турли сузғичлардан ўтказилиб ҳозирлаган арақ шарбаи муаадли олтин ва кумуш кўзачалар тизиб қўйилган, шамчиноқлар ёғдусида кўзни ўйнатиб, қамаштирарди.

Солин тўрида учта супа бор эди. Халил Султон амирзода Султон Ҳусайннинг иззат-ҳурматини жойига қўйганча ўртадаги супага бошлади. Бу суфра ва супага иккисидан бошқа ҳеч ким ўтирмади. Ўнг тарафдаги супага малика Шод Мулк билан яна тўрт нафар бойвучча хотин жойлашди. Маликанинг орқа тарафида ўн чоғли канизак ва раққосалар қийшанглашиб туришар, саройнинг бош қўшиқчиси ва раққосаси Биби Чаманно базми жамшидга бош-қош эди.

Сўл тарафдаги супани вазири аъзам Бобо Тармиш бошлиқ ўн чоғли вазиру беклар банд этганди.

Бу шоҳона қаршилаш ва иззат-икромдан бир қоп семирган Султон Ҳусайн оч қоринга соқий тутган косадаги шарбаи муаадни сипқорди. Халил Султон ҳам аъло кайфиятда ёнбошлаганча ички ичар ва мурчу қалампир қопланган бостирма этни чайнади.

– Хабарингиз бордир, буюк қардошимиз Пирмуҳаммад бобо тахти илинжида Ғазнадан чиқиб, Балхга етиб келибдилар. Агар отларига бир қамчи боссалар, Жайхундан ўтиб, Термизга етадилар. Термиздан Насаф орқали бошкентга тўрт маротаба оти бошини қўйса тамом. Шунинг учун ул ҳудудларда хавфсизлик чораларини энг олий даражада кўрмоқ мажбуриятидамиз. Акс ҳолда шу кунгача қилган барча тоат-ибодатимиз бир хурушлик бўлиб қоладир, – деди Халил Султон бошма-бош ёнбошлаб ўтирган, икки кўзини канизагу раққосалардан узмаётган Султон Ҳусайнга.

– Жуда тўғри сўйладингиз, султоним! Жониворнинг инидан чиқмасдан бурун бошини янчмоқ керак. Инидан узоқлашиб теварак-атрофдаги емак-ичмакнинг таъмини туйдими, қайтгиси келмайди. Бул хусусда неки амри фармонингиз бўлса ҳарфиян ерига келтирмоққа ҳозирмен! Сиз салтанатимиз, улусимизу бизнинг бошимизга Оллоҳ етказган қуёшсиз! Зоти олийларининг ҳифзу ҳимоялари учун барчамиз ҳозирмиз! – қатъий оҳангда оғзини тўлдириб гапирарди амирзода Султон Ҳусайн.

– Юриш масаласини Кешда, қўшинни кўздан кечириб бўлгандан сўнг муҳокама этамиз. Амир Шайх Нуриддинга буюк қардошим Пирмуҳаммад мирзонинг ҳарамлари Хоника бегимни мол-мулки билан Балхга юборишга сўз берган эдим. Кетишингизда маликамизни ҳам муҳофаза этиб олиб кетарсиз. Акамизни бизга нисбатан бироз юмшатмоққа бу ҳам восита бўлар балки, – деди шаҳзода бир текис назокат-ла рақс тушётган раққосалар ҳаракатини кузатаркан.

– Бир оғиз сўзлари, султоним. У тарафларда ҳар неки оғир-енгил ишлар бўлса тортинмай буюраверинг! – ўзи кутган вазифани юклаган эди ҳукмдор.

– Рақсдан кейин машҳур ҳофиз Шерозий қўшиқни бошлади:

Мулку давлатинг буюргай,  
Агар қалбингда султонлик.  
Шаҳаншоҳлик терса дўнар,  
Асли касбинг ки ултонлик.

Улус кўзин қапатирсан,  
Уфқлар ўлғай туманлик.  
Киши қиймати бир хуруш,  
Меҳрким сари сомонлик.

Элат элатгадир яғий,  
Ҳар ишда бўлса гумонлик.  
Такаббур тўрни танг айлаб,  
Мунофиқ ўтса имомлик.

Ҳукм одил ўлмас мудом,  
Адли адолат ҳамонлик.  
Келмоқ борки, кетмоқ аниқ,  
Ҳаёт эмаским чаманлик.

Парча эмакка сабр эт,  
Жонингга берсин омонлик.  
Ноҳақ туҳмат, бевақт ўтмоқ,  
Айри тушсин-ай ёмонлик.

Эрк, адолат чечак очгай,  
Улусга йўлчи имонлик.  
Очун оёқдадир мангу,  
Яшар инсонун инсонлик.

– Шеър ҳам яхши экан. Бу ўша машҳур Шоҳи Қаландарнинг битиги бўлса керак, – деди Халил Султон бошини соллаганча ҳофизни тинглар экан.

– У доимо шунақа шеърлар ёзади. Бобом ҳазратлари ҳам унинг битигу айтувларини яхши кўрардилар, – шаҳзоданинг фикрини қувватлади Султон Ҳусайн. – Мас-ти Қаландар деган шогирди ҳам бор.

Ҳофиз ашуласини айтиб бўлиб чекиниши билан Халил Султоннинг ёнига Бобо Тармиш етиб келиб, қулоғига шипшиди. Ҳукмдорнинг аввал қиёфаси, сўнгра авзойи ўзгарди.

Шаҳзодадан амрни олган бош вазир пилдираганча солиндан чиқиб кетди.

– Не ҳаводислар, султоним? Тинчликми? – сўради Султон Ҳусайн кайфияти бузилган Халил Султонга май тўла косани узатаркан.

– Падаринга лаънатлар-ей! Бу шоиру ҳофиз зотидан одам чиқмайди-да ўзи! – таъби тирриқ эди шаҳзоданинг.

– Не гап, султоним? Улар бирор ножўя гап-сўз қилишибдими?

– Ўша Масти Қаландар дегани салтанат шаънига тўғри келмас, бир-икки битик битганмиш. Ҳозир эшитганимиз вайсақи эса қўшиқ қилиб айтган эмиш. Бу даврада бобом раҳматлининг дўсти Турон Баҳодирнинг ўғли Эртўғрул Турон ҳам бўлган экан. Барчасини зиндонга ташлашни амр этдим.

– Тўғри қилибсиз, султоним! – Бу ҳис-туйғу қулларини тизгинини тортиб турмасангиз ҳаддидан ошиб, эчкиллаб кетадилар.

– Бобо Тармишга айтдим. Ўша битиклар матнини топиб келади. Бирга ўқийлик-чи! Қани бу энағарлар не демоқчилар, – ичкини ҳўплаганча гапирарди шаҳзода.

Зиёфат давом этар, ўйинчилар солинни тўлдириб рақс этишарди.

Икки намоз ораси вақт ўтгач, Бобо Тармиш қайтиб келиб, қўлидаги қоғозларни шаҳзодага узатди.

Халил Султон пешонаси тиришганча битикларни ўқий бошлади:

Ҳар икки дунёнгиз куяр,  
Золим гапин гап деганлар.  
Ҳаққи раҳмонни унутиб,  
Пайғамбари соф деганлар.

Бичиб-тўқиб алдовларни,  
Шундан элга наф деганлар.  
Аблаҳдан авлиё ясаб,  
Орқасидан чоп деганлар.

Одилнинг оғзига уриб,  
Жоҳил сўзин лоф деганлар.  
Етим-есир ҳақини еб,  
Разил сафин саф деганлар.

Зиғир гулидек эътироз,  
Бетарафни қоп деганлар.  
Аймоғин қатағон этиб,  
Шалоқ оғзин ёп деганлар.

Ақллидан бизга не кор,  
Шу, ўзимиз боп деганлар.  
Мудом сўзга кирмас экан,  
Сапча бошин чоп деганлар.

Қарғиш минг бир тошни тешар,  
Ситам Кўҳи Қоф деганлар.  
Тўккан қонингда бўғилгин,  
Қилмишингдан топ деганлар.  
Ҳар икки дунёнгиз куяр,  
Золим гапин гап деганлар.

Шаҳзода биринчи битикни ўқиб бўлиб, Султон Ҳусайнга  
узатди-да, иккинчисини ўқий бошлади:

Эй, нобакори зулмкор,  
Элни асиру қул этдинг.  
Ҳар касни паришон айлаб,  
Киши қадрин бир пул этдинг.

Ўзингдек нокасу норни,  
Вазиру дабир, ул этдинг.  
Мард эр зотин тирик мурда,  
Аҳли аёлин тул этдинг.

Зобиту миршабларинга,  
Шиорни тала, юл этдинг.  
Аввал улусни хору хас,  
Сўнгда ўзингни кул этдинг.

– Мана бу битикнинг битилган санасига қаранг, султоним. Бундан икки йил бурун ёзилган. Бугунги салтанатга ҳеч бир алоқаси йўқ, – деди Султон Ҳусайн суҳбатдошининг кўнглини олмоқ учун.

– Бунисининг остига ҳам икки ярим йиллик сана кўйилган. Нима қилиш керак? – ҳайрон бўлиб сўради Халил Султон.

– Шоир дегани ақлига келганини ёзаверади. Ҳофиз дегани эса оғзига келганини бақириб-чақириб айтаверади-да. Шунга ҳам бошингизни қотирасизми? Уларни зиндонбанд этиб, жазолашингиз эл орасида шов-шувга сабаб бўлади. Битигу айтуви маъқул келмаса ясоқлаш ёки бадарға этиш мумкин. Улар билан тенг бўлманг.

– Бир неча кун зиндоннинг тупроғини ялаб ётишсин. Сўнгра кўрамиз, – деди Халил Султон қоғозларни буклаб ёнчиғига соларкан.

Малика Шод Мулк, канизак ва бойвуччалар солинни танг қилиб рақсга тушишар, аёлларнинг сархуш ҳолда ўйнаётганлигидан сўл тарафда ўтирган вазиру амирлар аллақачон даврани тарк этгандилар.

Бош раққоса ва ҳофиза Биби Чаманно ўйнаганча лапар айтарди:

Бу тоғлар улуғ тоғлар,  
Атрофи сувли боғлар.  
Мен дардимни сўйласам,  
Кўкларда булут йиғлар.

## **ЎН ИККИНЧИ БОБ**

*Англарса узоғим яқиндир,  
Англамаса яқиним узоқдир.*

**Исмоил ФАҚИРУЛЛОҲ**

Аҳди паймонлар, мунозараю мулоқотлар, базму зиё-фатлар, меҳр-муҳаббатлашув ва ўла-ўлгунча бир-бирларига садоқат сақламоққа онт ичмоқлар Боғи Дилкушодаги биринчи кечадан бошланганди.

Бомдод намозидан сўнг йўлга чиққан амирзодалар ва уларни таъқиб этиб келаётган беш минглик черик кечга яқин Тахти Қарочага етди. Боболарининг бу севимли боғида кечани яна айш-ишрат-ла ўтказган Халил Султон ва Султон Ҳусайн довон ошиб, Кеш томон йўлга чиқдилар.

– Сиз бошкентга қайтинг, маликам! – деди Халил Султон чодир саҳнида хайрлашаркан Шод Мулкка. – Бобо Тармишни ҳам ола кетинг. Шаҳарни сиздан бошқа ҳеч кимга ишонмайман. Айниқса, сопи ўзимиздан чиққан нохайрихоҳу яғийларимизга эҳтиёт бўлинг. Масти Қаландар билан Ҳофиз Шерозийни ҳамда яна бир кишини зиндонга ташлатдим. Мен қайтгунга қадар чиқариб юборманг. Ўзим келиб ҳал этаман.

– Нечун уларни ҳибсга оттирдингиз? – ҳайрон бўлди малика.

– Кераксиз битик ва қўшиқларни лозим бўлмаган даврда айтганлари учун.

– Бунинг учун санъатчиларни зиндонбанд этмоққа лузум йўқ, жоним султоним! Тепаси ўйиқ бир ашулачию битикчи бўлсалар. Улардан тузук-қуруқ дўст чиқмагандек, пичоққа илинадиган душман ҳам чиқмайди. Ким катта суяк ташласа мақтаб, кунини кунлаб юраверадилар. Алардин яғий ясамоққа лузум йўқдир, жону жаҳоним! Янглиш амр берибсиз!

– Маълум ва машҳур кишиларни шу тахлит бурнилари-ни ерга ишқаб туриш керак. Аксинча, бу ҳис-туйғу қуллари ўзларини вали-ю авлиё эълон этиб, барчанинг бошини қотиради. Тепада эга битта бўлганидек, ерда ҳам маълуму машҳур киши битта бўлиши керак. Уларнинг шону шуҳрати подшоҳниқидан ошиб кетмаслиги лозим. Дуч келган одам ўзини ҳақиқий қаҳрамон, баҳодир ҳис этмаслиги ва бунга йўл қўймаслигимиз керак.

– Куни кеча подшоҳ базмида қўшиқ куйлаган ҳофизни у ердан чиқиши билан ҳибсга маҳкум этмоқ яхши эмас, жоним шаҳзодам! Бундай инсонларга диққат-эътибор ила муносабатда бўлмоғимиз ижоб этади. Халқ эътиборидаги одамларга, ким бўлмасин, тегмаслик жоиз! – астойдил англатарди малика.

– Унда Ҳофиз Шерозийни чиқарсинлар-да, нариги иккисини тутиб турсинлар, – деди шаҳзода суҳбатига яқун ясаб.

Султон Ҳусайн Кешнинг кун чиқишидаги, бир пайтлар боболари истироҳат этган сўлим Қорабоғ манзилида ўлиб-тирилиб Халил Султоннинг чизган чизиғидан чиқмаслигини бот-бот таъкидлаб қасам ичиб, байъат келтирди. Зотан, валиаҳд Пирмуҳаммад ва подшоҳ Шоҳруҳга қарши курашмоқдек хоинона ишни ундан бошқа ҳеч ким бўйнига олмас, бунинг учун эса Султон Ҳусайн, бу ишга рағбату қўшин бермоқ учун Халил Султон бўлмоқ керак эди...

– Келажақда билмадиму, бироқ айни замонда амаким биз томон юриш қила олмайдилар. Боиси, кучлари етмайди, – деди Халил Султон ўзидан тўрт ёш катта бўлган, араблар Эфиопиядан келтирган қора қуллар каби юзи сиёҳ, бурундор, сийракқош ва оғзи катта Султон Ҳусайннинг юзига қарамай, сой бўйини сайр этишар экан, хотирасига оғзи катта одам аҳмоқ бўлади деган гап келиб. – Пирмуҳаммад Балхга бежиз-

га келмаган. Амакимнинг ризолигини олиб, биз томон юрса ажаб эмас. Бунга амаким дуойи фотиҳа берадими, йўқми, бу бизга қоронғу. Бобосининг қаҳрига дучор бўлган амирзодадан кўра васиятда номи зикр этилган валиаҳдни Кўктошдан қувиш оғирроқ кечишини билсалар керак. Шу тариқа айни дамда бирдан-бир хавф-хатар Балх тарафдан. Бу куч бизга қарши турса ва ниятидан воз кечмаса, уни синдиришга тўғри келади. Ишни сўнгига етказсангиз, ўша мамлакат ва салтанат сизникидир. Буюк бобомиздан қолган бу давлату тахт барчамизга етиб ортади ва барчамиздан қолади. Шундай экан, ақлни пешлаб, қилични тўғри вақт, тўғри замон, тўғри ерда аниқ сермаш керак! – тўхтаганча қариндошининг кўзига тик боқиб сўзларди Халил Султон.

– Керак бўлса, сиз подшоҳимизга қарши бош кўтарганларга бу ёруғ оламини тор этамиз, султоним! – деди ғолибона овозда Султон Ҳусайн. – Ҳеч ташвиш чекманг!

– Улардан ҳужум тараддуд бўлмагунча Жайхуннинг шимолий соҳилидан нарига ўтмай, барча хатти-ҳаракатларини диққат-ла кузатиб, назорат этиб турмоқ жоиздур. Айғоқу узунқулоқ, тужжору жосусларни ишга солмоқ лозим. Токи уларнинг нафас олишидан ҳам хабаримиз бўлсин! – таъкидлади подшоҳ.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, султоним! Берган сўзим сўз. Қулоқларини қимирлатсинлар, дунёни бошларига йиқамиз! Шунда биладилар подшоҳ Халил Султоннинг кимлигини! – паст тушмас эди амирзода. – Мени қай бир манзилу маконда бўлмай, ўзингизнинг ўткир нигоҳингизу кескир қиличингиз деб билинг! Мен ҳақимда не бир миш-мишу фисқу фасодларни сўзламасинлар, шу пайтгача кимсанинг бурнини қонатганим йўқ. Талаб этган, қаттиққўллик қилган бўлишим мумкин. Лекин ҳеч бир кишининг молу жонига тажовуз этмадим. Агар шундай дея эшитган бўлсангиз, сўйлашингиз мумкин.

– Йўқ, эшитмадим, – деди Халил Султон жиян ва куёв авлодининг оташин сўзларидан сеҳрлангандек.

– Дамашққа ҳам яғийни ўз уясида янчмоқ учун кирган эдим. Қарасам, лашкари кўп. Менинг черигимни қиймалаб, янчиб ташлайди. Сўнгра улар билан муросаю мадора қилиб, сопларини ўзларидан чиқармоқчи бўлдим. Шу тарика баҳодирлик кўрсатиб, улуғ бобом таҳсинларига сазовор бўлмоқчи эдим.

– Ўша пайтда сархуш экан дейишганди, – суҳбатдошининг сўзини бўлди шаҳзода.

– Қўшинимизда аксарий ғайридинлар ичишар эди. Мен ҳам улар билан қўшилиб ичгандим. Бироқ ақли ҳушим жойида эди, – ўзини оқларди Султон Ҳусайн.

– Ички ичиб савашга кирган черик мутлақо мағлуб бўлади. Мастлик бир кишини жароҳатлантирса, бошқа бировни қўрқоққа айлантиради. Навкар ҳушёрликни қайб этади. Бундан буён бу каби хусусларда ҳассос давранишга тўғри келади, амирзодам. Жанубий ҳудудларимиз хавфсизлиги ва салтанатимиз эмну омонлиги ўзларининг бундан буёнги мардона саъйи ҳаракатлари, журъату жасоратлари, жонбозлигу жидди жаҳдларига боғлиқдир. Ва нутмангким, қадрли амирзодам, ё улар, ёким биз! Ким кимни? Муддаою масаланинг бошқа ечими йўқ! – бошини қуйи эгганча ерга қараб томоғини қириб қўнишарди Халил Султон.

Амирзода Султон Ҳусайн сас-садосиз бошини ирғаб, подшоҳнинг сўзларини маъқулларди.

– Кун ора чопар жўнатиб, вазиятдан мени хабардор этиб туринг. Қиблагоҳ ва қардошларимдан киши келса, муносиб қаршиланг. Мулоқоту муносабатни узманг, – сўнги йўриқларини берарди ҳукмдор. – Амирларимиз Арғуншоҳ, Темирхожа, Оллоҳдод ва Хожа Юсуфлар узангингизда бўладилар. Амирлар Саодат ва Мубашширбеклар ҳам

ўз чериклари билан етиб келиб сизга кўшиладилар. Барчалари иш ва саваш кўрган тажрибали амирлар. Бундай сиёсату савашда кўзи пишган беклар айна замонда ҳеч бир даъвогарнинг ёнида йўқ. Уларга яхши гапириб, рағбатлантириб, норози этмай асосий ва ҳал қилувчи вазифага йўналтиринг! – ёши улуғ одам каби босиқ ва вазмин оҳангда гапирарди Мовароуннаҳру Туркистон султони.

Тахти Қорача боғида малаги ила севишибу суйкашиб маслаҳатлашган подшоҳ ўзича бир ўқ билан икки қуённи урмоқдаман дея фикрлаб, қилаётган ишидан мамнун эди.

Биринчидан, сидку садоқат бобида етти карра ётиб қасам ичган, худонинг олдидан ялангоёқ қочган қариндошини Самарқандга киритиш нари турсин, шаҳарга яқинлаштириб ҳам бўлмайди. Имкон туғилди дегунча у тожу тахт сари от қўйиши мумкин. Бир сотган қайта сотади. Уни ўзига ўхшаганларга қарши қайраб солмоқ керак. Токи бир-бирларининг гўштларини есинлар.

Иккинчидан, Халил Султонни бобосининг тахтига ўтқаздим дея оғзини кўпиртириб юрган Арғуншоҳ билан Хожа Юсуфнинг ҳам кўзларини очиб қўймоқ учун салтанат тахтидан четлатмоқ лозим.

Ўзини шаҳарнинг ҳокими мутлақ ҳис этаётган хотинбоз Арғуншоҳнинг бир кун бўлса-да, эртароқ кавушини тўғрилаш керак. Қўйиб берсанг, бошингга чиқади бобосининг кўзининг ёғини еб турган бу қари тулкилар.

Султон Ҳусайн билан сув бўйида айрилишган шаҳзода эшик оғасига амир Хожа Юсуфни чорлашни буюрди.

– Эрта сабоҳда амирзода Султон Ҳусайн бошчилигида Балх сари йўлга тушасизлар. У тарафдаги вазият ўзингизга маълум. Шунингдек, амирзодамизнинг феъл-атвори ҳам, – фақат икки киши эшитадиган паст овозда гапирарди шаҳзода. Менинг сиз садоқатли амир жанобларига ишончим томдир. Ёшу бошда сиз барчадин улуғдирсиз. Шундай

экан, ҳар бир тўғрию янглиш ишдан хабардор бўлинг ва зарур бўлганда мен билган ва таниган навкарларингизни билги бермоқ учун ҳузуримга жўнатиб туринг. Табиийки, буни ўзингиздан бошқа кимса билмаслиги керак. Айниқса, ана унинг ҳар бир хатти-ҳаракати ва гап-сўзини кўздан қочирманг. Эски шайтонлигини қила бошласа, зудлик-ла хабар беринг ва ёнингиздаги уч амир ила маслаҳатлашиб, чора-тадбирни белгиланг! – тегишли шаъма ва кўрсатмаларни берарди шаҳзода. – Вазифа тушунарлими? Бу хусусда бирор фикрингиз бўлса сўйлай билурсиз.

– Эшитишимча, қўшиннинг асосий қисмига сафарга чиқиш амри берилди, шаҳзодам. Унинг қўлига бунча катта ўрдуни бериб бўлармикан? Шундан бироз истиҳола ва тараддуддаман. Лашкар кимнинг измида бўлса, шунинг ҳукми кечарли эканлиги олийнажот шаҳзодамизга маълумдир, – деди Хожа Юсуф шивирлаган овозда.

Амирзода Халил Султон ўйланиб қолди. Хожа Юсуф тўғри сўзлаётган эди.

– Ҳақ сўзлайдурсиз, – деди анчадан сўнг хаёли қочиб подшоҳ. – Шундай қилурмиз. Черикнинг учдан бирини берамиз. Демак, сизга ишондим, – дея амирнинг кетмоғига изн берди ҳукмдор.

Кечга яқин унинг саропардасида амир Темирхожа ўтирарди.

– Амирзодамизу эски, ёши бир жойга бориб қолган бекларимизга ўзингиз кўз қулоқ бўласиз ва кимса билмас тарзда мени билгилантириб турасиз. Улар ҳам бизга садоқатли кишилардур. Бироқ мен барчадан кўра сизга ишонаман ва шунга кўра ҳаракат этинг. Оллоҳ насиб этса, масалани кўнгилдагидек ҳал этиб қайтишингиз билан ана у тасқаранинг ўрнига бош вазир этиб тайинлайман. Сизнинг тож-тахтимиз, улуғ бсбом руҳларига садоқат сақлашингизга чин юракдан ишонаман. Оллоҳ йўлингизни берсин!

– Қуллуқ, подшоҳим! Зоти олийларининг ишончу эътиқодларига муносиб бўлмоқдин ўзга муроди мақсадим йўқдир! Лутф этдингиз, султоним! Умрингиз узун, давлатингиз фузун бўлсин! – бош эгиб таъзим қилди амир Темирхожа.

– Унда йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин! – тилак тилади шаҳзода.

– Сизни-да мудом юзингизу йўлингиз оқ бўлсин, олийнажот подшоҳим! Эгам мулку давлатда, тожу тахтда, иқболу истиқболда улуғ бобонгиз хоқону акрам, Соҳибқирону муаззам каби азизу мукаррам этсун! – юраги тўлиб-тошиб алқарди амир Темирхожа.

Шоҳруҳмирзо бермаган қўшинни амирзода Султон Ҳусайнга шаҳзода Халил Султон берган, у эсини танигандан бери орзулаган ниятига етган эди.

Улуғ майдонда жам бўлиб, дабдаба-ю салобат билан йўлга чиққан Султон Ҳусайннинг етти минг суворийдан иборат қўшини кунига ўн беш-йигирма мил<sup>1</sup> босиб, мадинат ур-рижол<sup>2</sup> Термиз яқинига етган эди.

Қўшин йўлга чиқиши билан Халил Султон ила хайрлашиб уни ярим фарсаҳ масофага қадар кузатиб қўйган Султон Ҳусайн оти бошини қўйганча оқ отда қуш каби учиб кетаётган гўзал ва малоҳатли Хоника бегимнинг ёнига етиб келди.

– Аҳволлари нечук, маликам? – назокат-ла сўради амирзода маликанинг ёнига етгач, оти жоловини тортганча суқланиб боқаркан.

– Қуллуқ. Бир нави, – деди малика бекланмаган ташрифдан ўзини йўқотгудек бўлиб.

– Ҳолингизни сўрмоқ истадим. Бирор хоҳишу тилагингиз борми? Нени истасангиз муҳайё этурмиз. Тортин-

---

<sup>1</sup>Мил – масофа ўлчови, тахминан икки километр.

<sup>2</sup>Мадинат ур-рижол – эр кишилар (азиз авлиёлар) шаҳри. Термиз шундай фахрий номда аталган.

май сўзлайверинг. Менинг сиз зоти олияларига алоҳида хурмату эътиқодим бордир!

– Йўқ, йўқ! Ҳеч нима керак эрмас! Оллоҳ рози бўлсин сиздан! Лозим бўлса айтамыз! – жавоб қилди хижолатли оҳангда малика.

– Тамом англашдик. Амри фармонингизни кутаман!

Амирзода шундай дедию, отини чоптириб кетди.

Бу ғалати учрашув ва муносабатдан шошиб қолган Хоника бегим кўрқув ва таажуб-ла амирзода ортидан қараб қолди.

Кўш, амирзода Султон Ҳусайннинг амри билан ба-ҳаво бир сой бўйида тўхтади. Саратоннинг қоқ ўртаси, Қизилқумнинг қуёш нурида ёнган қуми ва бу иссиқда гармселга айланган шамол киши жонини ёқарди.

Юртчилар амирзоданинг чодирини соя-салқин сув бўйига тикладилар.

– Энг яқин амиру лашкарбоши чодирини менинг саропардамдан камида икки юз қадам узоқликда бўлсин! – буюрди амирзода саропардачилар бошлиғига. – Чодир атрофидаги ўт-ўланни босқилаб, оёқ ости қилиб ташлашмасин! Шамол тутунини саропардага олиб келадиган тарафга ўт ёқишмасин! Девонбегимиз Шоҳдор Халақчи<sup>1</sup> қайда қолдилар? Тезда ҳузуримга чорланг! – қадамлари дадил, буйруқлари кескир эди амирзоданинг.

Қирқ ёшдан ошган Шоҳдор Халақчи унинг амакиваччаси эди. Бир пайтлар Амир Темурга суиқасд уюштирганлар орасида бўлган амир Мусо Султон Қозонхон ўғлининг набираси Султон Ҳусайн амир Муҳаммад билан Султон Соҳибқироннинг қизи Тоғай Шоҳ Оғо Бегимнинг ўғли эди. Ота илдизи буюк қоон Чингизхонга, она авлоди Амир Темур Кўрагонга бориб тақаладиган амирзода ўзини барчадан устун санар, иқтидор умидида Ҳироту Самарқанд орасида жонини жабборга бериб елиб-югуриши ҳам шундан эди.

<sup>1</sup>Халақчи – шикоятларни кўриб чиқувчи мансабдор.

Сой бўйига шолча ва йўрган<sup>1</sup> ташлатиб узанган амирзодани ўй босган эди. Ўз-ўзича ичида ўйлаган режани пиши-тарди. Бунда энг муҳим одам амакиси Шохдор Халақчи. Кешдан чиқишлари билан амирзода уни девонбеги этиб тайинлади ва Халил Султон саваш учун берган мол-мулкни тасарруф этмоқни топширди. Ўзининг амри фармонисиз кимсага бир хуруш бермасликни тайинлади.

Амакиси улуғ бобоси салтанати даврида халақчилик қилар ва амали боис халақчи лақабини олган эди. Суиқасддан сўнг Сароймулкхонимнинг шарофати туфайли боши дор ҳалқасидан омон қолган амир Мусо авлодларининг барчаси олий мақомдаги мансабларни эгаллаган, чексиз имконияту катта суюрғоллар соҳиби эдилар.

Энди барчаси илгаригидек бўлмаслигини аммалари, бош малика Сароймулкхонимнинг мавқеидан путур кетиши, янги бош малика Шод Мулкнинг унга бўлган ғайирлигу душманлиги Султон Қозонхон авлодларини шошириб қўйганди. Имконини топиб, бу катта ўлим-қолим ўйинида ғолиб келишлари, ҳеч бўлмаганда, ғолиблар томонида бўлишлари лозим. Мағлуб тарафда бўлмоқ, бошнинг кундага етмоғи ёхуд бош олиб бадарға кетмоқ демак эди. Амирзода Султон Ҳусайн сўнгига қадар ўйламай-нетмай бу омонсиз савашга киришмоққа қарор берган ва кечаю кундуз режа тузиб, ҳисоб-китобни пиши-тарди.

Бу ғоят хатарли ишнинг бош ижрочиси сифатида ўзидан ўн беш ёш катта амакиси Шохдор Халақчини танлади. Жигар – жигар, дигар – дигар. Мени ҳеч қачон сотмайди ва амримни қош қайирмай ўринлатади дея фикр қилди. Шу мақсадда унга хазинанинг калитини топшириб қўйди. Ўз эҳтиёжи учун неки лозим бўлса, ҳеч тараддуд этмай фойдалана билишини айтди.

– Ассалому алайкум, улуғ амирзодам. Буюринг! Хизматлари бош устига! – деди ҳансираб етиб келган Халақчи қилич тақилган чарм белбоғини тўғриларкан.

<sup>1</sup>Йўрган – кўрпа.

– Иккита яхши қўй сўйдиринг. Ошчилар қайнатма шўр-ва ҳамда қовурдоқ қилсинлар. Саропардамда шоҳона бир суфра тартиб этсунлар. Турли ичкиларни кўзаларга қуйсинлар. Буюк бобомнинг улуғ амирларини бир ҳурмату иззатларини жойига қўйиб, кўнгилларини олиб, қўноқ этайлик! – деди амирзода амакиваччасига ер остидан боқиб хизмат буюрар экан. – Дудланган балиқ ва қуш этларидан ҳам олдириг.

– Ошлоқ неча кишилик бўлсин, амирзодам? – сўради девонбеги бош эгиб таъзим этаркан.

– Олти амир, сизу мен. Амирлашкар Эрдавлат Алканутни ҳам айтиг. Демак, тўққиз киши бўламиз.

– Амри фармон улуғ амирзодамизнингдур! Ижозат этинг, ҳамон ишга киришайин! – дея тисланди девонбеги. Султон Ҳусайн ўйга толганча бош ирғади.

## **ЎН УЧИНЧИ БОБ**

*Меҳри шафқат риштасин узолмаслар, яхши бил,  
Эл-улус ғам-ташвишин чўзолмаслар, яхши бил.  
Ҳақ-ҳақиқат қасрини бузолмаслар, яхши бил,  
Асли насли хоинлар тузалмаслар, яхши бил.*

Сарой кўрган Шохдор Халақчи мукамал суфра ҳозирлаган эди. Амирлар Хожа Юсуф, Арғуншоҳ, Темирхожа, Худойдод Ҳусайнийнинг иниси Оллоҳдод ва Саодатларни саропарда тўрига ўтқазиб, ўзи мутавозеларча этакроқда ўтирган амирзода Султон Ҳусайн кутилмаганда серилтифот ва марҳаматли эди.

– Сафаримиз бехатар кечмоқда. Иншооллоҳ, уни муваффақият ила яқунлаб, мурод-мақсадимизга эришгаймиз, – деди Султон Ҳусайн ҳар бир амирга алоҳида диққат-эътибор кўрсатиб. – Бугун ҳеч бир ишу юриш хусусида қўнишмай гоҳ худою расул, гоҳ ғамзаю усул деганларидек, еб-ичиб, истироҳат этингиз. Оллоҳ насиб этса,

эртага кечқурун бир коса қимизу қумрон устида юриш режасини маслаҳатлашиб, индин йўлга тушамиз, – босиқ оҳангда май ичганча қўнишарди амирзода. – Емаклардан еб, ичкилардан ичиб, роҳат қилиб ўтирингиз, – хушмуомила эди у.

Қўноқ амирлар аъло кайфиятда хуши хурсандлик билан амирзода зиёфатини еб, тарқалдилар.

– Эртага шом намозидан сўнг саропардамизга ташриф буюрарсизлар! – деди Султон Ҳусайн бепарво оҳангда. – Барчангизга хайрли кечалар тилайман!

Шом намозига бирор соатлар қолганда ҳузурига девонбеги Шохдор Халақчи билан амирлашкар Эрдавлат Алканутни чақирди. Эшик оғасига саропарда қопусини беркитиб, тўрт нафар қоровул қўйишни буюрди.

Жиддий бир амр бўлажагини сезган амирлашкар Алканут билан ўзини хон каби тутаётган амирзоданинг девонбегиси Шохдор Халақчи сергак тортиб, саропарда тўрида қиличи дастасини тутган амирзоданинг оғзига термулиб туришарди.

Мулозимларига қошини чимирганча бир қараб қўйган Султон Ҳусайн оҳиста қадам босиб уларнинг олдига келди.

– Сизлар менинг ўзим каби ишонган кишиларимсиз. Бирингиз ота аждодим бўлсангиз, бирингиз энг буюк бобом, улуғ қоон Чингизхоннинг она қавми, алканут уруғидансиз. Демак, биз қондошу жондошмиз. Бир-биримизни ҳар замон ва ҳар маконда қўллаб-қувватлашимиз жоиз. Ота ва она авлод нуқтаи назаридан Самарқанд тахтига энг муносиб одам мен эканлигимни ҳам яхши биласиз. Тоға авлодларимизнинг тахт учун жикқамушт бўлиб, ёқалашаётганларини кўриб турибсиз. Бу ҳокимият талашуви ва бош-бошдоқликка фақат биз барҳам беришимиз мумкин. Боиси, бу қардош душман амирзодалар ҳеч қачон

келиша олмайдилар. Бугун мен бу хусусда беш амир билан гаплашаман ва уларни кўндираман.

– Улар рози бўлмаса-чи? – капалаги учганча кўз косаси катталашиб сўради Халақчи.

– Кўнишади. Кўнмай қайга боришади! Кўнмаганнинг жойини Алканутнинг йигитлари солишади.

Яна нимадир демоққа чоғланган девонбеги бу гапни эшитиб, тилини тишлади.

– Амрлари вожибдир, улуғ шаҳзодам. Сиз не десангиз ҳарфиян уйғулаймиз! – деди шоша-пиша жиянининг кўнглига бирор фикр келмасин деган ўйда.

– Йигирма нафар энг бақувват навкарни қуроллантириб, улар кириши билан саропардани ўрайсан, – деди амирзода амирлашкар Алканутга қараб. – Боғлаш учун арқонларни ҳам ҳозирлаб қўй! – деди қатъий оҳангда. – Сиз эшик оғзида ўтирасиз! – дея Халақчига қаради. – Сен эса эшикни қия очганча менинг амримни беклайсан. Вазифалар тушунарлими?

– Англадик! – деди овози титраб Халақчи.

– Тушундим! – саси гўрдан чиққандек эди амирлашкарнинг.

– Унда ишга киришинг!

Шом намозини ўқиган амирлар кечагидек хушу хурсанд кайфиятда амирзода чодирига кириб келишди. Саропарда тўрида, тахтсифат сўрида ўтирган амирзода ним табассумда амирларни суфра атрофида ўтиришга таклиф этди. Шохдор Халақчи меҳмонларга косаларда қимиз қуйиб узатди.

Бошкентдан қандайдир муҳим фармон келган бўлса керак деб ўйлаган беклар қимиздан бир-икки хўплаб, хон-тахтага қўйишди.

– Сиз улуғ амирларни бир маслаҳат ва муҳим иш учун чақирдим, – деди амирзода зийрак ва қаттиқ нигоҳини

бекларга бирма-бир тикар экан. – Ўйлайманки, мени қўлаб-қувватлайсиз ва хоҳиш-иродамга қарши бормайсиз. Мабодо қарши борадиган бўлсангиз, биз ила йўлингиз айри тушажак, – босиқ ва маслаҳатомуз оҳангда дона-дона қилиб сўз бошлади Султон Ҳусайн.

– Муддаога ўтинг, амирзодам. Биздин не истайсиз? – деди амир Хожа Юсуф бир кунда феъли-атвори ўзгариб қолган амирзоданинг кўзига қараб. – Маъқул ва хайрли иш бўлса ҳар замон ёнингиздамиз.

Ўнг қўлининг бош бармоғи билан қиличи сопини силаб ўтирган амирзода бир зум қошини чимирганча Хожа Юсуфга қараб турди.

– Бўладиган гап шундай, амирлар. Мен бу хусусда ҳеч ким билан савдолашиб ўтирмайман. Менинг буюк бобом тахтига барчадан кўра ҳақли эканлигимни ота аждодим буюк қоон Чингизхонга, она аждодим кимга бориб тақалишини яхши биласизлар! Шунинг назарда тутиб, бугун ана шу хайрли ишни амалга ошириб, Самарқандда иқтидорни элга кечиримизга кўмак этсангиз! Тахт қўлга киргач, неки истасангиз, муҳайё этаман! Қандай унвону мансаб, еру мулк, вилояту туман керак бўлса, айтаверасиз. Бобо Тармишга ўхшаган қайдаги бир қаланғи-қасанғининг оғзига қараб ўтирмайсиз.

– Бунинг устига подшоҳимиз Халил Султонга қарши курашимиз керак бўладими? – бу гапдан ўзини йўқотиб қўйган эди Хожа Юсуф.

– Ҳа, ўша хотинпошшога қарши жанг қилишга тўғри келиши мумкин. Балки у ҳеч қандай савашу сўғишсиз бошкентни топшириб, душман инилари олдига йўл олар. Қилични қиндан чиқаришга ҳам эҳтиёж туғилмас балки!

Амирлар бир-бирларига қараганча котиб қолган эдилар. Кимсанинг тилига калима келмас, барчанинг бирдек шом туби қоринга эди.

– Ҳйлаб иш қилинг, амирзодам. Бу ғалванинг охири хайрли тугамайди. Халил Султон шаҳзодамиз сиз олийнажот амирзодамизга шунча қўшинни бериб, биз каби бобонгиз амирларини узангингизга тайин этган бўлсалару, ярим йўлда аҳддан қайтиб, ул кишимга қарши исён кўтариб, қилич қайрасак! Эгасига ҳам, бандасига ҳам маъқул келмас иш бу, амирзодам! Сиз каби бир улуғ амирзода-нинг обрў-эътиборига муносиб ҳаракат эмас бу!

– Хожа Юсуф тўғри сўйлайдилар. Бу хатарли йўлдан қайтинг, амирзодам. Барчамиз бошимизни балога суқмайлик! – амир сўзини маъқуллади Темирхожа.

– Менга қара, Темирхожа! – отаси тенги одамни сенсиради Султон Ҳусайн. – Манжалақи бир фоҳишанинг оғзи билан гапирадиган бачча учун Хожа Юсуф икковинг керак бўлса бошинг нари турсин, думингни ҳам балога суқишга тайёрсан! Бизга қолганда эса ликиллатасан! Сўнгни сўзингни айт? Айтганимни қиласанми, йўқми? – Темирхожага тикилди амирзода.

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, амирзодам! Подшоҳимиз тузига хиёнат этолмайман! Бу иш яхшилик билан тугамас! Сизга ҳам маслаҳатим шудир, – деди ер билан битта бўлиб амир Темирхожа.

– Хожа Юсуф! Бобом ҳузурида тиз чўкиб қасам ичган устоз қасамхўр! Сен гапир? Сен ҳам шу фикрдамисан? – ўқрайди амирзода.

– Менинг ҳам бир қошиқ қонимдан кечинг, амирзодам! Эл-юрт олдида барчамиз шарманда бўламиз! Бу йўлдан қайтинг! Эски хатоларингизни такрорламанг! Мен сизга жоним ачиганлиги, дўстлигим, яхшилик тилаганим туфайли шундай демоқдаман! Бу иш сиз каби улуғ амирзодага ярашмайди!..

– Не ярашиб-ярашмаслигини сендан сўрамайман, қари тулки. Демак, қўшилмайсан! Шундайми?

– Амирзодам!..

– Ўчир овозингни, қари тулки! Аллақачон сени яхши бир овчига топшириш керак эди! Амир Арғуншоҳ даруға! Навбат сизга. Менга дастак бўласизми?

Қора терга тушган оғир карвон Арғуншоҳ ўтирган жойига ёпишиб қолгандек эди. Амирзоданинг икки амирга ўшқирганини диққат билан кузатган амир унинг калта-кесакникидай совуқ нигоҳида ажал эпкинини, тош каби қаттиқ, меҳрсиз боқишида қон кўқисини ҳис этгандек бўлди. У ҳеч қачон ажални бу қадар аниқ ва яқиндан ҳис этмаганди.

– Сиз олийнажот амирзода зоти олийлари ҳам бир мақсадни ўйлабу кўзлаб сўзлагандирсиз! Айни дамда бизнинг подшоҳу бош кўмондонимиз сизсиз! Амрингизга бўйсунаман! – деди титраб-қақшаб. – Бироқ бу ишни пухта ўйлаб қилиш керак. Акс ҳолда...

– Амир Оллоҳдод Ҳусайний! Сиздан эшитамиз? – ўрнидан турганча ҳамон қиличи сопини асабий силарди амирзода.

– Амир Арғуншоҳ ҳақгапни айтди! Бизнинг кўмондонимиз не деса бажарамиз! Лекин шошмай ҳаракат этмоқ лозим! Ҳозироқ бу ердан чиқиб лашкарга орқага, Самарқандга юриш қиламиз десак қандай қабул қилар экан, амирзодам? Бунинг учун уларга улуфа тарқатиб кўнглини олиш, силаб-сийпаш керак! Сўзимизга қулоқ солмай ортга қараб қочиб қолишлари ҳам мумкин! Қолаверса, барчаси ўша тарафлик. Қандай қилиб ўз юртига бостириб боришади?..

– Гапни чўзма! Етар. Амир Саодат, сен не дейсан? – бешинчи бекка юзланди Султон Ҳусайн.

– Модомики, зоти олийлари шу ишга қарор берган эканлар, биз не деймиз? Табиийки, маъқуллаймиз! Оллоҳдодбек айтганларидек бизга биров фурсат беринг! Черик билан гаплашайлик! Ҳар ишнинг чораси бор! Сўнгида амирзодамизнинг энг тўғри қарорни беражакларига ишончим комил! – каловланди амир Саодат.

– Сиз не дейсиз, мухтарам амир Мубашширбек? Сизнинг фикрингиз ҳам мен учун ғоят қадрли ва муҳимдир, – сўнги амирга қаради Султон Ҳусайн.

– Менким, амир Мубашшир сизнинг барча айтган сўзларингизни чуқур мулоҳаза этдим! Ҳақиқатан ҳам зоти олийларининг насли насаблари икки соҳибқирон жаҳонгир, Чингизхону Амир Темур Кўрагонга бориб тақаладур. Темурийзода шаҳзодалардан устун бўлсангиз борки, кам ерингиз йўқдир. Шул боис сизни қувватлайман! – ҳаяжонда лаблари учиб титраганча амирзодага хайрихоҳлик билдирди амир Мубашшир.

– Зотан, сиздан шундай жавобу муносабатни кутган эдим! Оллоҳ рози бўлсин, амир жаноблари! Иншооллоҳ, бу садоқату дастагингизни ҳеч қачон унутмагайман ва вақти замонида муносиби ила тақдирланажак!

Гапдан тўхтаб бироз тин олган Султон Ҳусайн чодир бўйлаб бир неча қадам юрди-да, амирлашкар Алканутнинг олдида тўхтади.

– Амирлашкар! – деди баланд овозда.

– Лаббай, султоним!

– Мана бу бешовининг оёқ-қўлини боғла! Шунда калларини сапчадек узиб ташлаш осон кечади.

– Амирзодам! – мурожаат этди Хожа Юсуф.

– Ҳайлаб иш қилинг!

– Отангиз тенгмиз!

– Бизнинг зоти олийларига зиғирнинг гули каби ғарзимиз йўқ!

– Худодан кўрқинг, бандасидан уялинг! Бизни шармандаи шармисор этманг!

– Ё Оллоҳ! Бу не кўргулик! – овозлар эшитиларди.

– Бобом тенги бўлмайсанми, энағар! – сўкинди амирзода.

Ўнта барзанги навкар кириб бир зумда бешала амирнинг оёғини жуфтлаб, қўлларини орқасига қилиб боғлаб тиз чўктирди.

Оёқ-қўли боғланмаган тек амир Мубашшир эди.

Ҳар бир амирнинг орқа тарафида бир қилич яланғочлаган навкар турар, амирлашкар Алканутнинг ёнидаги беш жаллод ўнг қўлида қилич, чап қўлида чўқмор ушлаганча амр бекларди.

– Ана энди сиз кўп ҳурматли беклар билан гаплашмоқ осон кечади! – деди чодир деворига қатор тизиб қўйилган ва тиз чўктирилган амирлар қаршисига келаркан Султон Ҳусайн қаҳр билан.

Амир Темирхожанинг кўзларидан ёш қуйила бошлаган, амир Саодат ҳолсизланганча эгилар, орқасида турган жаллод ёқасидан тутиб турарди.

– Яна сендан бошлайман, қари қирриқ! – деди амирзода тўрда биринчи турган Хожа Юсуфнинг юзига қарамай. – Сенинг ошналигу устозлигинг том айлангунча эканлигини Самарқанднинг жин кўчасидаги саёқ сак ҳам биларди. Пирсиёну тозий топишар, туркка бало ёпишар деганидек, ўша бетайин Халил Султонни йўлдан урган ҳам сен қари қашқирлар. Акс ҳолда Самарқанд тахти етти ухлаб тушига ҳам кирмас эди. Унинг қандай қилиб кетини кўктошга ишқаган бўлсанглар, худди шундай тарзда улоқтирасанлар! Ҳой, Оллоҳдод Ҳусайний! Сен Ашпарда, Чин саддида, уюштирилган фитнаю фасод, тахт талашу-видан узоқда эдинг. Бироқ ўша сиғинганинг шаҳзода сен ялоқхўрлардан бирортангни амир ул-умаро этиб тайинламади-ку? Демак, ҳеч бирингни ўша бадбашара канопфурушчалик ақлу фаросатинг йўқ экан! Ҳеч бир подшоҳ, ҳеч бир замонда ўзини тахтга ўтқазганларни омон қўймаган! Сен сотқину манфаатпарастларни мен ўлдирмасам, эртага ўша – этагига намоз ўқиганинг хотин оғзи билан фармон берадиган бенамоз қатлга ҳукм этар эди! Бўладиган ишнинг бўлгани, ўладиган хоиннинг ўлгани маъқул. Шунга қараб қарорингни бер, Хожа Юсуф! – ҳамон бекнинг афтига боқмай гапирарди амирзода.

– Амирзодам! Садағангиз кетай! Бу ахду қарору ишимиз охир-оқибатда барчамизни бошимизни кундага, молу мулкимизни мусодарага етказди! Худо ҳаққи ақли ҳушимизни йиғиб, ўйлаб иш кўрайлик! Учдан икки қисм лашкар Самарқандда қолган! Уларга қарши юриб жанг қилмоқ, бориб турган мағлубиятдир! Яна ўзингиз биласиз!..

– Ҳа-а, ана энди ўзингизга келдинг, қари тулки! Бошкентда қанча кўшин қолганини сен яхши биласан! Бироқ бош кўмондон мен билмайман! Сабаби мендан кейин орқасини кўктошга ишқаб ўтирган бачча сен билан мана бу пихини ёрган муттаҳам Темирхожани шом қоронғусида чодирига чорлаб, айтажагини айтиб, менинг ортимдан пойлоқчиликка қўйди! Шундайми? Қани айт-чи? – Хожа Юсуфга тикилди Султон Ҳусайн. – Гапим тўғрими?

– Тўғри, амирзодам! Ўша куни фақат бир мен эмас, ўнларча киши саропардага кириб чиқди. Мен пойлоқчилик қиладиган ёшдаги одам эмасман, амирзодам! Бежизга мендан хавотир олмоқдасиз! – йиғлаб жавоб қилди Хожа Юсуф.

– Ўзингни гўлликка солиб, гапни айланторма, соқолтой! Аҳмоқнинг катта-кичиги бўлмаганидек, хоиннинг ҳам ёшу қариси бўлмайди. Бобом Амир Темурдек одамни Халил Султон деган оғзидан она сути кетмаган бир майхўру хотинбозга сотган, бурганинг кетини кўрган сен дордан қочган эрта кунда униям, мениям сотиб, Ҳирот томонга ўтиб кетасан! Темирхожа, сен ҳам унинг чодирига кириб чиққанигни инкор этмайсан, тўғрими?

– Тўғри, амирзодам! – бўйнига олди Темирхожа.

– Жуда яхши! Бўйнингга олмасанг гувоҳни чақиртирар эдим! Демак, юзлаштиришга эҳтиёж йўқ! Менга катта кўшин бераман деб турган бола сен икки ҳароми кириб чиққандан сўнг бирдан ўзгариб қолди. Заррача эс-ҳуши бўлган одам гап нима ҳақда кетганини билади. Шу боис

сухбат тафсилотини сўрамайман ва бу сир икковинг билан бирга нариги дунёга кетади.

– Амирзодам! Биз сизнинг ҳеч бир қарорингизга қарши эмасмиз! Фақат отангизнинг узанги йўлдош дўсти, бобонгизнинг итдан садоқатли беги ўлароқ бошимизга тушажак фалокатдан огоҳлантирмоқдамиз, холос! Модомики, сўнг қарорингиз шул экан, ҳеч қандай эътирозимиз йўқ! Не десангиз амрингизни бажарамиз! – йиғлаб гапирарди Темирхожа.

– Кўзингнинг сийдигини оқизма, бек! Кўз ёшини кўрсам қаҳрим кўзиб, қўлиму қиличим қичийди! Сенлар билан гапим тамом, вассалом! Амирлашкар! Иккисини нариги чодирга олиб ўт! Ўша ерда охирги маротаба сухбатлашамиз! – Алканутга буюрди Султон Ҳусайн.

Навкарлар икки амирни ёқа-поча тутиб, амирзода чодирга туташ иккинчи чодирга судрашди.

– Арғуншоҳ! Не дейсан? Сўйла сўнгги сўзингни? – Самарқанднинг сўнгги даруғасига юзланди амирзода.

– Зоти олийларининг сўзлари сўз, қарорлари қарордир! Ҳеч бир тараддудсиз фармонингизни бажаражакман! – ўлимтик кўзлари мўлтираганча Султон Ҳусайнга боқарди Арғуншоҳ.

– Сўзингдан қайтмайсанми?

– Тепамда худо бор, шаҳзодам! Мен сизнинг ақли-идрокингиз, салоҳияту қобилиятингизга эрта сабоҳ қуёш чиқиши муқаррарлиги каби ишонаман!

– Қасам ич!

– Не дея қасам ичайин, шаҳзодам?

– Қуръону каримни келтиринг! – буюрди у девонбегига.

Шохдор Халақчи чодир тўридаги токчада турган китобни олиб келди ва Темирхожанинг қаршисидан хонтахта устига қўйди.

– Бобомнинг ҳузурларида не тарзда қасам ичган бўл-

санг шу тахлит қасам ич! Мен сенга қай тарзда қасам ичишни ўргатадиган қасамхўр эмасман! Шунга қараб сен билан гаплашамиз!

– Оллоҳнинг каломи шоҳидлигида шаҳзода Султон Ҳусайн зоти олийларига сидқу садоқат сақлашга онт ичамен! Аҳду сўзимдан қайтсам Қуръону карим урсин! – деди Арғуншоҳ бош эгиб китобни ўпар экан.

Амирзода қўл ишорати билан Шохдор Халақчига китобни амир Оллоҳдоднинг олдига олиб қўйишни буюрди.

Амир Оллоҳдод ва амир Саодатлар ҳам Қуръони каримни ўпиб, Арғуншоҳ даруға каби қасамни такрорладилар.

– Энди ана у икки ақлли бошни танасидан жудо эт! – буюрди амирзода қилаётган ишидан лаззат туйгандек, яйраб амр бераркан.

Туташ чодир эшигида турган амирлашкар Алканут жаллодларга ишорат этди.

Ё Оллоҳ, деган нидо ва сермалган қилич саси эшитилди.

– Бекларимизнинг қўл-оёқларини ечинг! – навкарларига амр этди шаҳзода.

– Арқондан халос бўлган амирлар тик турганча қўл қовуштириб, тирик қолганлари учун калимаий шаҳодатни такрорлаб, амирзоданинг оғзига қараб туришарди.

– Сўзимиз сўз, қасамимиз қасамдир! Бугундан эътиборан тўртовингиз ҳам менинг ноибимдурсиз! Қўшинда мендан сўнгра сизларнинг сўз ва амрларингиз кечажак! Кимки бизу сизнинг хоҳиш-иродимизга қарши турса, жазосини олажак! Кичик хатолар ҳам кечирилмагай! Боиси, катта хатолару жиноятлар энг кичигидан бошланади! Илону чаёнлар ҳам бошда ожиз ва захарсиз бўладилар. Сўнгра кучу захар тўплайдилар! Кимсанинг ўз эркича иш тутиб, ҳаракат этмоғига йўл қўйилмасин! Хом сут эмган ҳеч бир

одам боласига ишониб бўлмайди! Назорат, таъқиб ва яна тафтиш! Ҳар бир суворийу сипоҳийнинг нафас олишидан хабардор бўлинг! Ва унутмангким, менинг ҳар ерда кўзу қулоғим бор! Ақлингизга ўзга фикр келмасин! Қўшни чодирда шаҳодат шаробини сипқорганларнинг қисмати барчага ибрат ўлажақдир! Сўйлаяжак бирор сўзингиз борми? – сўнги бор амирларга зимдан боқди шаҳзода.

– Аҳду қароримиз, сўзу қасамимизда собитмиз, шаҳзодам! Зоти олийларининг сўзу фармонларидан бир қадам ташқарига чиқмагаймиз! – дея барчанинг номидан сўзлади амир Арғуншоҳ.

Султон Ҳусайн бу каби сўзни ўз оғизларидан эшитмоқ учун бошқа бекларга қаради.

– Сўзимиз сўз! Қайтсак каломи Оллоҳ урсин! – деди амир Оллоҳдод қалдираган овозда. Йиғлагани учун овози ўзгариб қолган эди.

– Амрларидан чиқмагаймиз ва сўзсиз итоатда бўлажакмиз! Оллоҳ шоҳид! – деди амир Саодат.

– Ҳар неки яратган эгасидан! Оллоҳ тилингизга шул сўзларни солиб, яна Самарқанд сари йўллаган экан, бу ҳам унинг хоҳиш-иродасидир. Сизни унинг ердаги сояси ўлароқ кўриб, амри фармонингизга бўйсунамиз! Оллоҳ юзингизу йўлингизни мудом оқ этсун! – дея фотиҳага қўл очди амир Мубашшир. – Кўзимиз очиқ эркан ёнингиздамиз! Бундин буён бизни фақат қазойи қадар айиргайдир!

– Унда чекиниб, ишингизга боқа билурсиз! – буюрди амирзода чуқур нафас оларкан. – Яратган эгам мушқулимизни осон, йўлимизни равон этсин!

– Омин!

– Омин!

– Омин! – такрорлади амирлар бўлиб ўтган хунрезликдан ҳамон ўзларига келмай.

## ЎН ТҮРТИНЧИ БОБ

*Англадинги, қон бузуқ,  
Муаққақ иймон бузуқ.*

Шаҳзода Халил Султондан айрилганидан бери ўзини хон каби тутаётган Султон Ҳусайн амиру лашкар бошиларини худди болалар каби тергаб, гоҳида жеркиб иш буюрарди. Не ишга қўл уриб, кимга буйруқ бермасин, икки кўзи ўзи тарафда эканлигини сезиб келаётган Хоника бегим қалбини безовталиқ қоплаган, унинг ғаркўз боқиши, фуҳуш нуқси акс этган нигоҳидан қочарди.

Куёвнинг тупроғи қайнотанинг лойидан олинади деганларидек, келинники ҳам қайнонанинг лойидан бино бўлади шекилли, Хонзодабегим бошига тушган мусибатлар уни ҳам четлаб ўтмади. Кўз очиб кўргани, валиаҳд Муҳаммад Султон йигирма етти ёшида ғам-андухга ташлаб, фоний дунёни тарк этди. Бир ярим йилдан сўнг Буюк бобо ва Буюк бибининг рағбатлари билан Конирил тантаналарида уни валиаҳд Пирмуҳаммад никоҳига ўтказдилар. Валиаҳд Ғазнадан Самарқандга келиб яшаган боғда икки кеча бирга бўлдилар. Шароит тақозаси билан валиаҳд бобосининг амрига кўра мулкига қайтди.

Хоника бегим икки ҳафтадан сўнг валиаҳднинг ортидан йўлга чиқиши керак эди. Бирдан қор ёғиб, совуқ тушиши оқибатида сафар қолдирилди. Қора қишу қаҳратон бошлангач эса бу ҳақда ўйлаш ҳам мумкин бўлмай қолди. Баҳорнинг илк илиқ кунларини кутишга қарор қилди малика.

Султон Соҳибқирон ҳазратларининг қайтишлари эса мамлақату салтанатни остин-устун қилиб юборди. Буюк бобонинг валиаҳд ҳақидаги васияти унинг аҳволини янада оғирлаштирган, Халил Султон Пирмуҳаммадга она бир қардош бўлса-да, унга сарой аҳли ўзгача кўз билан қарай бошлаган, ноқулай бир турумда қолганди.

Тожу тахт, мулки давлат дегани ота-онаю қон-қардошни танимас экан. Ҳамма – ҳамма нарсани унутиб, ҳақми-ноҳақми тахтга ўтирганнинг ноғорасига ўйнар экан. Оқни қора, қорани оқ дейишаркан.

Пирмуҳаммад Балхга етиб келибди деган хабар тарқалганда, бошкентда барча бирдек талвасага тушди. Валиаҳд Балхдан, Шоҳруҳмирзо Ҳиротдан етиб келиб, биргалиқда Самарқандга юрармишлар деган миш-мишлар болалай бошлади. Бу гап-сўзлар уни ва Шоҳруҳмирзо ҳамда Пирмуҳаммадга яқин барча кишиларни тирик гаровга айлантирди. Тарафлар англашароқ сулҳу ярашга бормасалар, уларнинг аҳволида ўзгариш бўлмаслиги аён эди.

Бу уй ҳибсидан илк қутулмоқ унга насиб этди. Халил Султон, эридан ҳам кучли дастакчиси Шод Мулк маликанинг валиаҳд ҳузурига кетмоғига розилик беришди. Бироқ уларни олиб кетаётган мана бу бузуқният сигиркўзнинг хатти-ҳаракатига қараганда қордан қутулиб, бўронга тутилганга ўхшайди. Ундан кўра оч қорним, тинч қулоғим дея Самарқандда ўтиргани маъқул эмасмиди?

Султон Ҳусайннинг шоҳона саропардасига энг яқин чодир маликаники эди. Хоника бегим зарурий эҳтиёжлар учунгина ташқарига чиқар, канизаклари орасига яширинганча Лутфий ғазаллари ва ҳадисларни ўқирди.

Эрталаб қизлар амирзода чодирда бақир-чақир бўлгани ва икки кишининг жасадини олиб кетишганини айтишди. Маликанинг аъзойи бадани музга айланди. Бу нокас ҳеч балодан қайтмайдиганга ўхшайди, ақлидан кечди бу хабарни айтиб келган канизакка кўзларини катта очганча бақрайиб боқаркан. Шу ўю хаёлда кун бўйи туз тотмай, чодирдан чиқмай ётди.

Кечқурун эса чодир эшиги ўнгида Шоҳдор Халақчи билан амирлашкар Алканут пайдо бўлди.

– Маликамиз зоти олияларини амирзодамиз ҳузурларига чорлайдилар, – деди девонбеги бош эгиб таъзим қиларкан.

– Не ишлари бор экан менда? – хаста овозда сўради Хоника бегим.

– Билмадик, маликам. Ҳарҳолда ҳол-аҳволингизни сўраб, сафар хусусида кўнишсалар керак, – жавоб қилди Халақчи ўша майин оҳангда.

Девонбеги билан тортишиш фойдасизлигини англаган малика сочи ва рўмолини тўғрилаганча чодирдан чиқди.

Амирзода чодирни ўртасидаги хонтахта безатилган, шамчиноқлар хира нур таратарди.

Малика салом бериб кирди. Султон Ҳусайн зарҳал қопламали, бир пайтлар улуғ бобосига тегишли эски тахтада савлат тўкиб ўтирарди.

– Ваалайкум ассалом, – деди малика ҳурмати учун ўрнидан туриб хонтахтанинг ўнг тарафидан ўтирмоққа жой кўрсатаркан.

Хоника бегим бошига ёпинган чимматининг учи билан оғзи ва ярим юзини беркитганча амирзода кўрсатган жойга тиззалади.

– Ҳолингиз нечук, маликам? Йўл азоби қийнамаётирми? – тахтга қайтиб ўтириб аҳвол сўраган бўлди Султон Ҳусайн. – Соё бўйи жуда баҳаво экан-а?

Хоника бегим билинар-билинемас бош ирғади.

– Нечук индамайсиз? Нима, биздан хафамисиз? Ҳарҳолда шу пайтгача бир-биримизнинг арпамизни хом ўрмадик, чамаси? Мен сизга жуда яхши муносабатда бўлмоқдаман. Болалик ва ўспиринлик пайтимизда ҳам сизга нисбатан алоҳида эътиқоду ҳурматим бор эди. Ўшанда ҳам менга овчидан ҳурккан оҳудек қараб, сапчиб қочар эдингиз. Ёки мендан бирон ёмонлик кўрдингизми?

– Йўқ! Нега сиздан ёмонлик кўрайин. Сиз-ла ҳеч бир замон йўлларимиз кесишмади-ку, – ниҳоят жавоб берди малика.

– Демак, ҳар нарсанинг вақти-соати бор экан-да, маликам. Мана кесишди. Кесишганда ҳам астойдил. Мен кул банда сизнинг муҳофиз<sup>1</sup>ингизга айландим ва бу ишни сидқи садоқат ила бажармоққа аҳди қарор қилгандирман.

– Сўзларингизни англамадим, амирзодам? – сергак тортди малика.

– Ёшқиз эмассиз, маликам. Мен сиз, ақли ҳуснда якто маликамизга ўз қалби кўнглимни очмоқдаман ва бу саодатли дақиқаларни узоқ йиллардир беклайман. Ҳеч кимдан чўчиманг. Сизга мавжуд вазиятни бироз англатишимга тўғри келади. Бобомиз тахтини босиб олган маҳмадонанинг эрта-индин куни битади. Унинг барча улуғ амирлари хукмдор ўлароқ менга қасам ичиб, байъат келтирдилар. Биз Балх томон эмас, Самарқанд тарафга юриб, уни бобомизнинг Кўктошидан улоқтирамиз. Синглиси Қутлуғсултон билан аллақачон бирга яшамай қўйганман. Сиз менинг биринчи ва бош маликам бўласиз! Менинг сиздан рижою талабим шудир. Никоҳимга киришингизни сўрайман!

– Мен валиаҳд мирзо никоҳларидаман! Бошим очик бўлса бошқа гап эди! – бу гапдан ўзини йўқотиб қўйди Хоника бегим.

– Ул кишимнинг хониму канизаклари, тамғаю жориялари етиб ортади. Эшитишимча, етти иқлимда нечта миллат бўлса, ҳарамлари шу улусларнинг бокира қизлари билан тўла экан. Чингизхон бобомизга ўхшаб унга ҳар куни битта бокира қиз тақдим этар эканлар. Ҳузурларига етиб борганингиз билан барибир сизга навбат тегмай, таъбингиз тирриқ бўлади. Киши ким бўлмасин суйилгану сийланган жойида азиздир, маликам. Яхшилаб ўйлаб кўринг. Мен сизнинг биринчи ва сўнги дўстингизман!

– Мен сиз ила бу тур мулоқоту муносабатта ҳозир эмасман, амирзодам! Мени қийнаманг! Усиз ҳам марҳум валиаҳддан сўнг чеккан азоб-уқубатларим бир бошимга етади. Мени

---

<sup>1</sup>Муҳофиз – қўрима.

ўз ҳолимга қўйинг! Ўтиниб сўрайман! Сиздек улуғ бир шаҳзодага қиз қаҳатми? Мен бева бечорага кунингиз қолмагандир! – дея ҳўнграб йиғлаб юборди малика.

– Йиғламанг, маликам. Кўз ёши тўкмоғингизга сабаб бўладиган ҳеч бир нохуш ҳолат юз бергани йўқ. Бу куну имкониятнинг давлат эканлигини унутманг. Қолаверса, сиз олийнасаб маликанинг ҳурмату эъзозингизни қилиб, Пирмуҳаммадга раҳми шафқат этароқ, юртига бостириб бормаётирман.

Хоника бегим бошини тиззаси орасига олганча ҳамон йиғлар эди.

– Амирлашкар! – дея Алканутни чақирди Султон Ҳусайн.

– Лаббай, подшоҳим!

– Маликанинг нечта канизаги бор?

– Тўртта! Қолганлари хизматчилари, подшоҳим!

– Ўша тўрт нафар канизакни келтир! Саропардам тўридаги бегим учун ҳозирланган чодирга маликани олиб кирсинлар. Амрингга бўйсунмаган эркакми, аёлми шафқат этма! Калтакла ва керак бўлса калласини ол! – буюрди чодирдан чиқаркан амирзода. – Бу инсон деган махлуқ яхши гап билан сенга эш бўлса-да! Уларни саропардага олиб киргач, ортимдан кел! Черик ҳолатини бир кўздан кечирайлик. Икки кун сўнгра йўлга чиқамиз! Пешин емагига амир Мубашширни чақир! Тушундингми?

– Тушундим, султоним!

– Унда ишга кириш!

– Амирзодам! Менинг бошимни балоларга суқманг!

– чодир эшигидан чиқаркан хонимнинг овозини эшитди амирзода.

Султон Ҳусайн ёнига Шохдор Халақчи ва амирлашкар Алканутни олиб, олти минглик суворий қўшинни кўздан кечириб чиқди. Хожа Юсуф билан Темирхожанинг мингликларига қўмондон тайинлади. Амирзоданинг орқасида кеча амирлашкар саралаб олган йигирма жаллод суворий

юрар, амирлари қатл этилган мингликларнинг аскарлари орасидан норозилик билдирганлари чиқиб қолса, жазолашни мўлжаллаган эди янги ҳукмдор.

Балхга юрмасдан Самарқандга қайтажаклари, амирларнинг Султон Ҳусайнга қасам ичиб, байъат келтирганликлари ҳақидаги хабар кўшинда барчанинг қулоғига етиб борган, бу воқеадан барча бирдек лолу ҳайрон эди. Хожа Юсуф ва Темирхожанинг боши кесилиши фожиасидан кўрқув ва даҳшатга тушган суворийлар амирзода қаршисида тош ҳайкалдек қотиб туришарди.

– Мени сўратган экансиз, султоним? – амирзодага яқинлашди амир Мубашшир.

– Мен-ла бирга юринг. Маслаҳатли иш бор, – деди Султон Ҳусайн нигоҳини ердан узмай. – Устоз Оллоҳдодни ҳам ола келсангиз.

– Хўп бўлади, султоним. Ҳамон ортингиздан етиб борурмиз.

Амирзода оти жиловини бўш қўйганча лашкар қаршисидаги кенг майдонни бир неча бор айланди. Ем еб икки кундан бери пишқириб ётган саманқашқа учмоққа ҳозир эди.

Отининг оёғини ёзгач, йўрттирганча қароргоҳи томон қайтди. Чопиб ичи қизиган тулпор шарқираб оқаётган сой томон талпинарди. Жиловхонага етиб келган амирзода отни жиловдорга топширди.

– Сув ичирмагин тағин. Ичи куйиб ўлиб қолмасин! – огоҳлантирди жиловдорни.

– Биламан, султоним! Шуни билмай ўлибманми? – отнинг сағриларини силаганча етаклади саис.

Сойда юз-қўлини ювган амирзода саройпарда саҳнида амирларнинг етиб келишини кутди. Улар келавермагач, чодирига кириб кетди. Бир коса қимизни сипқориб энди той этидан қилинган қовурдоққа қўл урганида ташқаридан Оллоҳдод билан Мубашширнинг овози эшитилди.

– Маликага ҳам емак бердингми? – сўради амирзода эшик оғзида қотиб турган баковулдан.

– Йўқ, султоним. Сиздан амр бекламоқдаман!

– Унинг чодирига ҳам худди шундай суфра тузат. Ичкилардан ҳам киритиб қўй. Не истаги бўлса муҳайё эт! Ҳозир эса амирларни таклиф қил!

Султон Ҳусайн амирларни ўрнидан туриб қаршилади. Дастурхонга даъват этди.

– Сўйлаганим каби бир маслаҳатли иш бор, устоз, – деди амирзода амир Мубашширга қараб. – Қолаверса, сиз Султон Соҳибқирон бобомизнинг қиз қардошлари, буюк аммамиз Тоғайшоҳ бегимнинг авлоди, қондошу жондош бир инсонсиз. Ҳеч биримизга ёмонлик тиламайсиз. Устоз Оллоҳдод ҳам бу ишга қарши бўлмасалар керак, деган умиддамен.

– Биз улуғнасаб шаҳзодамиз иқтидорлари учун жонимизни тикдик. Бундан сўнгра бу йўлдан қайтмоқ йўқ. Зотан, қайтмоқнинг бадали ҳам маълумдир, – деди қўлидаги қимиз косасини хонтахтага қўйган амир Мубашшир.

– Мен сизларни қиблагоҳ қадрдонларим сифатида ўзимга яқин олиб, нозик бир масала хусусида оталиқ қилишларингизни сўрамоқчиман, – деди амирзода тutilганча қизаринқираб.

– Буюринг, амирзодам. Элимиздан неки иш келса ҳозирмиз, – деди амир Оллоҳдод амирзоданинг ниятини англагандек.

– Биз Хоника бегим билан англашдик. Уни ўз никоҳимга олмоқчиман. Амир Мубашшир устоз никоҳ ўқиб қўйсалар, – деди Султон Ҳусайн бекларнинг юзига бир қараб қўйиб.

– Маликамиз амирзода Пирмуҳаммаднинг никоҳларида эмасмилар? – ҳайрон бўлиб сўради амир Мубашшир.

– Эр ила хотин бирга яшаса, эр аталмиш жонивор аёлни бир ярим йил ташлаб кетмаса, никоҳ ўз кучида туради. Қолаверса, эркак уйдан ўттиз манзил узоқлашгач, хони-

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

му жория олмоқ ҳақиға эгадир. Бу орада не-не одамлар ўтиб, олам ўзгариб кетди-ю, сиз чала-чулпа бир никоҳ ҳақида гапириб ўтирибсиз, – қизишди Султон Ҳусайн.

– Майли-ю, бироқ ҳеч қачон никоҳ ўқимагандим, амирзодам, – суҳбатдошларига қараб елкасини қисди амир Мубашшир.

– Осон масала экан, амирзодам. Биз бек жаноблари билан таҳоратимизни янгилаб келайлик. Иншооллоҳ, бу ишни ҳал этажакмиз, – амирнинг оғзидан гапини олди Оллоҳдод.

Бир амирзодага, бир Оллоҳдодга қараган Мубашшир индамай қолди. Икки амир таҳорат олмоқ учун сой томон йўналдилар.

– Вазиятни кўриб турибсиз, дўстим! Не деса айтганини қилмасак, қутулмаймиз. У кўшиннинг кўзини кўрқитиш учун яна бошини кундага етказишга одам излаётган пайтда ҳеч бир сўзига қош қайириб бўлмайди! – амирни иқно этмоққа киришди Оллоҳдод.

– Ахир, валиаҳднинг никоҳида бўлса, эрта кунда бошимни узади-ку! – эътироз билдирди Мубашшир.

– Йўқ десангиз бугун бошимизни узади. Шуниси керакми сизга? Кечаги аҳволу қатлни кўрдингиз-ку! У ҳеч нарсадан қайтмайди. Эпласам ўзим ўқиб кўярдим. Бироқ кўлимдан келмайди. Сиздан рижо этаман. Йўқ деманг! Қолганига худо пошшо!

Амирзода Султон Ҳусайн мақсадига эришди. Амир Мубашшир юмолоқ ясси қилиб никоҳ ўқиди. Оллоҳдод гувоҳ бўлди. Нариги чодирда пиқиллаб йиғлаётган маликанинг розилик берганини эшитиб-эшитмадилар.

Амирлар чиқиб кетиши билан Султон Ҳусайн маликанинг ёнига кириб қўйга ташланган бўридек чирқиратиб босди. Беҳол жувон ҳушидан кетди...

Эртаси куни эса маликанинг зеб-зийнатлари, хазинага

тегишли бўлган мол-мулкани лашкарга тақсимлашни буюрди. Суворийлар истамасалар-да унинг амрини бажардилар.

Балх сари бораётган лашкар жировни ўзи шу пайтгача ҳимоя этган Самарқанд сари бурганди. Юзбоши Қулман Қиёт ҳам амир Оллоҳдоднинг минглигида эди.

Амир минг бир ўй билан юзбошини чодирига чорлади.

– Мавжуд турум ҳақида не ўйламоқдасан, Қулман? Жуда ташвишда қолдик-ку? Не қилсак тўғри бўлар экан? – гапни узоқдан олди амир Оллоҳдод.

– Бу нафақат янглиш, балки хоинликдир, амир жаноблари. Ҳеч бир аскар, ҳеч бир тарафни яғий деб билиб, савашмоқ истамайди. Амирзода Пирмуҳаммаду Шохруҳмирзо ҳазратларига қарши бормоғимиз ҳам ақлга сиғадиган, улус хайрихоҳ бўладиган иш эмасдир.

– Айти дамда биз не қилсак тўғри бўлур деб ўйлайсан? – Ҳамон гапни айлантларди амир.

– Хожа Юсуф ва Темирхожанинг уч-тўрт яқини ва навқари Самарқанд сари от қўйди дейишмоқда. Подшоҳимиз хабар топгач, бизни муносиб қаршиласалар керак. Нима ҳам дердим.

– Шундай дегин. Демак, хабар кетган!

– Шундай, амирим! Менга бирор-бир вазифа бўлса бажармоққа ҳозирмен! – қўшиб қўйди юзбоши бу чақирувнинг мақсадини фаҳмлагандек.

– Унда сенга ортиқча гапирмоққа лузум қолмади деган фикрдамен, Қулман. Кеча қоронғусида отинга қараган бўлиб йўлга чиқ ва тўхтамай чоптир! Тўғри подшоҳимизнинг ҳузурларига кир ва ҳеч бир амир зоти олийларига қарши жангга кирмаслигини таъкидла! Бу тарафдан кўнгиллари тўқ бўлсин! Туя кўрдингми, Қулман?

– Йўқ!

– Бия-чи?

– Бия ҳам кўрганим йўқ!

– Думиниям-а?

– Йўқ, амирим!

– Унда жуда яхши! – Бу ишни шараф ила адо этсанг, иншооллоҳ, юзинг ёруғ ўлажак! Қолганини сўнгра қўнишурмиз! Сен мени кўрмадинг. Мен сени! Ишингга бор! Йўлини ўзинг қиласан!

Юзбоши одатдагидек амир ҳузурига кириб-чиққан бўлиб, суворийлар орасига сингиб кетди. Амирнинг “йўлини қил” дегани кетиш баҳонасини ўзинг ўйлаб топ демак эди.

– Менинг ўрнимга юзликка қараб тур. Биз келгуси манзилларда қўнажак жойларимизни аниқлашимиз керак экан. Юртчимиз буюрди, сизларни кутиб оламиз, – деди Қулман Қиёт ўнбошиларидан бирини ёнига чақириб. – Мени бирор киши сўраса шу атрофда эди деб қўя қол. Сўрамаса кетганимизни ҳеч кимга айтма.

Қоронғуга қолмай, лашкар таҳорату ибодат, емак пиширмақ ила банд, ўзи билан ўзи бўлганда сой ёқалаб юриб, қўшдан узоқлашди.

Қароргоҳдан ўн фарсахча олислашгач, оти жировини тортди.

Юзбоши Қулман Қиёт бошкентга чошгоҳдан кейин етиб келди. Кўксарой бекчилари бошлиғи подшоҳнинг пешиндан сўнг саройдан кетганлигини, Боғи Дилкушода бўлиши мумкинлигини қайд этиб, Бобо Тармиш дўкончиларни тўплаб мажлис тартиб этаётганини айтди. Зарур гапи бўлса унга учрашиши мумкинлигини таъкидлади.

Қулман Қиёт бекчи билан гаплашиб турар экан, ёнига эски таниши Суюнбой Қўнғирот югуриб келди.

– Бош вазир от чоптириб келганингни ойнадан кўриб турган экан. Нима гап? Тинчликми? Юр ичкарига. Сени чақирмоқдалар! – энтикканча юзбошини сарой сари бошлади мулозим. – Хоин Султон Ҳусайн подшоҳимизга қарши кураш бошлабди деган гаплар юрибди.

– Шунақа гап, оғайни. Мен ҳам шу нохуш хабар билан келдим. Турум ҳавас қиларлик эмас.

– Подшоҳимиз ҳар куни пешингача саройга келиб салтанат ишлари билан машғул бўладилар. Пешиндан сўнг маликалари устида астойдил ишлайдилар. Бобо Тармиш сени боққа олиб борса керак, – кўзини қисганча юзбошининг қулоғига шипширди мулозим.

– Давлату мамлакат ишини қойиллатиб қўйгач, маликалар кўнглини олмоқ керак. Келиб-келиб шу дор тагидан тўққиз қочган амирзодага ҳам шунча қўшинни бериб қўядими? Подшоҳимизга ҳам қойил қолмадим, – гапиришиб борарди Қулман Қиёт.

Юзбоши етиб келиши билан Бобо Тармиш дўкончиларга жавоб берди.

– Сени ким юборди? – юзбошини сўроққа тутди амир ул-умаро.

– Амир Оллоҳдод!

– Хожа Юсуф билан Темирхожанинг қатл этилгани тўғрими? Нега бошқа амирларни қатл этмади? Нима, улар амирзодага байъат келтирдиларми?

– Буни билмадим. Келсалар ўзларидан сўрасангиз бўлади.

– Амир Оллоҳдод шоҳимизга не дейишингни тайинлади?

– Бу гапни фақат подшоҳимизнинг ўзларига айт деган эдилар. Мени ул зоти олийнинг ҳузурларига олиб борасизми ёки сизга айтаверайми?

– Ўзларига деган бўлса ўзларига айтасан-да. Менга айтмоғинг шарт эмас. Юр, кетдик! – дея ўрнидан турди Бобо Тармиш.

Улар шомга яқин Боғи Дилкушога етиб келдилар. Мулозим подшоҳ истироҳатда эканлигини, истасалар даҳлизда ёки бўлмаса боғда беклашларини айтди.

Қулман Қиёт садақайрағоч соясидаги сўрида ўтирди. Бобо Тармиш мутасадди киши билан боғ айланар, топшириқлар берарди.

Икки намоз ораси вақт ўтгач, қасрнинг катта солини қопуси очилиб, эшик оғаси чиқди. Бобо Тармиш билан юзбоши етиб боришди.

– Чопарнинг ўзи кирар экан, – деди эшик оғаси вазири аъзамга қараб.

Ҳаммомда ювиниб чиққан, кўзлари қизарган шаҳзода солин тўридаги тахтда ўтирарди. Юзбоши лашкарда юз берган исёнга боғлиқ барча воқеаларни батафсил сўзлаб берди. Султон Ҳусайннинг Хоника бегимга уйланганлиги хабари етиб келмаган экан. Бу гапни эшитган Халил Султон ўрнидан туриб кетди.

– Вой ифлос-ей! – деди хона бўйлаб юрар экан. – У ҳароми кўзи қонга тўлганда синглисига уйланишдан ҳам тоймайди. Хожа Юсуф билан Темирхожанинг жасадини не қилдилар?

– Ўша ердаги бир кўй қабристонига кўмдилар.

– Бошқа айтар сўзинг йўқми?

– Йўқ, подшоҳим.

– Унда чекина билурсан. Сарой муҳофизлари ёнида бўл. Узоқлашма. Индин йўлга чиқамиз, – деди оғир ўйга толган шаҳзода.

Вазифасини бажарган юзбоши елкасидан тош ағдарилгандай енгил тортиб ташқарига чиқди. Эшик оғаси бош вазирни подшоҳ ҳузурига даъват этди.

Чўпонота тепалигида давра қуриб ўтирган кўкнори дарвешлар самойилларини шарақлатиб айтув айтишарди. Суворийлар айтувни аниқроқ эшитиш учун отларини етаклаганча яқин бордилар:

Кўктошга орти теккан  
Ҳар каски Темур ўлмас.

---

Қулмижозлар зирвада,  
Энди ватан бир ўлмас.

Кўктошга орти теккан  
Ҳар каски Темур ўлмас.  
Фосиқ сўзи сўз экан,  
Улус мудом ҳур ўлмас.

Кўктошга орти теккан  
Ҳар каски Темур ўлмас.  
Эл бўлмаган элатнинг,  
Хиргойиси ир ўлмас.

Кўктошга орти теккан  
Ҳар каски Темур ўлмас.  
Аҳди мавҳум улуснинг,  
Иймонида нур ўлмас.

Кўктошга орти теккан  
Ҳар каски Темур ўлмас.  
Ватансиз қавмларнинг,  
Саҳроси бўзқир ўлмас.

Кўктошга орти теккан  
Ҳар каски Темур ўлмас.  
Юртга номард бош экан,  
Ата Турон бир ўлмас.

– Шоҳи Қаландарнинг битиги бу. Тепага етиб борса, уния  
ям зиндонга отадилар, – деди юзбоши ёнидаги навкарга.

Шоҳи Қаландарнинг кимлигига ва битикка ақли етмаган  
суворий оғзи очилганча Қулман Қиётга қараб турарди.

– Сенга маза. Ҳеч нимани тушунмайсан ва ҳеч нарсага  
бошингни қотирмайсан, – деди ҳафсаласи пир бўлиб оти-  
га минаркан.

Саратон жазирамасидан халос бўлган шаҳар оғочларини елпиганча енгил нафас олар, салқин тушиши билан жон кирган кўчаларда ҳаёт қайнай бошлаганди.

Қисмат ўйинидасан ё малак қўйнидасан, тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

### ЎН БЕШИНЧИ БОБ

*Мусулмоннинг мусулмонни ёки бошқа бир динга мансуб кишини ўлдириши эмас, ким бўлмасин, золимга қарши курашмоғи жиҳоддир.*

#### Ҳадиси шарифдан

Омуя суйи<sup>1</sup>га бир амаллаб, бало-қазосиз етиб келган Кебек Манғит билан Эсиргап Найманнинг кайфи чоғ эди. Дарё соҳилига етган жойларида кечув кўзга ташланмас, оқимга қарши ёки қуйига қараб юрмоқ керак эди.

– Пастга қараб юрайлик. Мен бу дарёдан кўп ўтганман. Этакда кечув бўлса керак. Ҳозир саратон, тоғларда қорлар эриб, сойу дарёлар тўлиб тошиб оқадиган пайт. Кечмоқнинг ҳам ўзи бўлмайди, – гапирганча оқим бўйлаб юрди мингбоши.

– Юзбоши Қулман Қиёт амрию тобелигидан қутулган ўнбоши мингбошига дуч келган, теурийлар ўрдусидаги мавжуд тартибга кўра рутба нуқтаи назаридан мингбошига бўйсунуши керак бўларди.

Эсиргап Найманнинг Омуя суйидан учинчи бор ўтиши эди. Рум сафаридан қайтаётганда энди афсонага айланиб қолаётган Соҳибқирон ҳазратларининг асосий қўшини сафида кечганди.

– Кечиб ўтолмасак, отларни ташлаб кетишга тўғри келади. Соҳилда бизга ўхшаган йўлчиларнинг отларини ар-

<sup>1</sup>Ўша пайтда Амударё шу номда аталган.

зонгаровга сотиб олиб, ўтказиб қўядиган солчилар бўларди. Улар ҳам кўринмаяпти, – от устида теваарак-атрофга безовта боқарди Кебек Манғит.

– Уловсиз қандай манзилимизга етиб оламиз. Суздириб ўтсак-чи? – сўради Эсиргап Найман.

– Отнинг ўзи аранг сузиб ўтиши мумкин. Бироқ устида одам бўлса қийин. Чўкиб кетади. Эгасини ҳам ҳалок этиши мумкин. Бошдан ўтган. Бу ишни уддалаш учун эса сену мен Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ, отимиз ҳам унинг тулпори бўлиши керак, биродар. Биз тўрғайлар бедананинг қилиғини қилолмаймиз. Бутимиз айрилиб кетади, – жавоб қилди Кебек Манғит.

Ниҳоят этакда, шом қоронғусида балиқчилар чайласи кўзга ташланди. Икки киши тўр судраб келарди.

Ҳангоматалаб балиқчилар қўноқ суворийларни илиқ қаршилашди. Гурунг қуюқ кечди. Бир балиқчи отларни миниб ўтказиб берадиган, иккинчиси солда ўзларини олиб ўтадиган бўлди.

Суҳбат асносида улар айтган хабардан мингбоши ва ўнбошининг кайфи учди. Эрону Озарбайжон подшоҳи Мироншоҳ икки ўғли билан Хуросон ҳукмдори Шохруҳмирзога қарши курашмоқ учун Колпуш деган жойга келиб турганмиш. Улус Эрону Хуросон ўртасида катта уруш бошланиб кетишидан қўрқаётганмиш. Валиаҳд Пирмуҳаммад ҳам Балхда Шохруҳмирзо ва Самарқанд подшосига қарши савашга ҳозирлик кўраётган экан.

Балиқшўрва ва талқон еган мезбону қўноқлар балиқчи чайласида тунадилар. Мингбоши Кебек Манғит солчиларга битта ироқий олтин динар берди. Умрида тилла тангани кўрмаган икки балиқчи бир-бирларидан олиб, ақчани томоша қилишарди.

Дарёдан ўтгачгина хаёли жойига тушган мингбоши чавкар оти бошини қўйиб борар, ўнбоши эса ундан ортда қолиб кетмасликка тиришиб, уловини қамчиларди.

Фақат отларни ўтлатиб суғориш ва дам бериш учун тўхтаган икки суворий беш кун деганда Ҳиротнинг Ироқ дарвозасига едилар. Дарвоза бош қоровулига ўзларини танитдилар. Бекчи отлиқларни ўтказмай, саройга одам юборди. Қайтиб келган қоровул зудлик ила ҳоқон ҳузурига етиб боришлари кераклигини айтиб, эргаштириб кетди.

Сарой ҳовлисига етганларида уч киши суҳбатлашиб турарди.

– Ана у ёши улуг одам амир Шоҳмалик. Амирзода Улуғбекнинг отабегиси. Қаршисидаги эса амирзоданинг ўзлари. Учинчисини танимадим, – деди мингбоши отини сарой жиловдорларига топширишар экан.

– Учинчиси юзбоши Ражаб Турдиқора! Мен муҳим хабар билан унинг олдига келмоқдаман. Амирзода Улуғбекнинг хос кишиси, – деди Эсиргап Найман.

– Қара-я, хўп пишиқ одам экансан-а, ўнбоши. Шу пайтгача не мақсадда келаётганинг ҳақида лом-мим демадинг. Демак, ичингда гап турадиган одам экансан. Қойил! – деди мингбоши Эсиргапга илк кўрган киши каби тикилиб боқаркан.

– Бир йўла, бирга арз этамиз, деб ўйлаган эдим-да, хўжайин! – кулди ўнбоши.

– Тўғри қилгансан, ўнбоши. Одам бойлиги, мақсади ва сафарини сир тутмоқни билмоғи керак. Ота-боболаримиз шундай деганлар. Ҳар доим ҳам ошим ҳалол дея кўчада ичиб бўлмайди. Оллоҳ ҳам сақлансанг, сақлайман дейди...

– Ваалайкум ассалом, – деди амир Шоҳмалик самарқандлик меҳмонларни илиқ қаршилаб, тик турганларича ота юрт ҳаводисларини тинглар эканлар. – Қани, юрдик. Подшоҳимиз ҳазратлари барчамизни ҳузурларига даъват этганлар, – дея сарой томон бошлади.

Шоҳруҳ подшоҳ буюк солиннинг тўрида жойлашган садаф қадамали оғоч тахтда ўтирар эди. Мулоқоту суҳбат

узоқроқ давом этса мусофирларга ўтирмоққа ижозат этиларди. Кирганлар рутбаларига қараб мулозим кўрсатган курсиларга ўтирдилар.

Қисқа фурсатли маслаҳату машваратларда ҳукмдордан бошқа барча тик турар эди.

– Демак, турум шуни тақазо этадики, Халил Султон билан Султон Ҳусайн муаққақ қарши-қаршига келадилар. Шундайми? – сўради ҳукмдор Кебек Манғитдан.

– Шундайдир, онҳазрат! Бироқ кўшин Халил Султонга қарши савашга кирмаслиги ҳам мумкин. Боиси шулким, суворийларнинг аксари остидаги от, эғнидаги либос ва ёнчиғидаги ақчани Халил Султон берган. Буюк боболаридан қолган хазинани амиру лашкарбошилар, сипоҳию суворийларга аямай тарқатдилар. Улар бу ҳиммату марҳамат, сахийлигу жувонмардликка қарши бориб, нон-кўрлик қилмасалар керак деган ўйдаман, подшоҳим. Амирзода Султон Ҳусайннинг икки бек – Хожа Юсуф ва Темирхожаларни қатл этгани кўшинда жуда ёмон таассурот қолдирди. Амирзода пирига ҳам дўстлик қилмайдиган кўринади. Ундан нафақат амирзода Халил Султон, сиз ҳам эҳтиёт бўлмоғингиз лозимдир, давлатпаноҳим! Ул бадкирдор кимса, мен ота-она тарафдан буюк қоон Чингизхону амир Соҳибқиронга боғланганман. Боболар тахтининг асл вориси менман дея барча амирларни тиз чўктириб, қасам ичириб, байъат келтирмоққа мажбур этган.

Сўнгра Эсиргап Найман Кўксарой ўнгида Халил Султоннинг бош вазири Бобо Тармишнинг кўшинни дарё ортидаги яғийлар билан савашга ҳозирлик кўришга амр берганини айтди.

– Ҳар икки авлодимиз-да бизнинг жон-жигарларимиздир. Уларнинг бир-бирларига қарши муҳораба этмаклари аввало салтанат, қолаверса, теурийлар авлоди, сўнгра ўзлари учун ҳам буюк хато ва фожиадир. Бул ёш, тажрибасизу узоқни кўра билмаган амирзодаларимизнинг бир

тошган сув ила тегирмон юритмоқ мумкин эмаслигини англаб етмоқларига ҳали бир неча қовун пишиғи борга ўхшайди. Начора, бир ишга қўл урган кишининг ўша ишни қай тарзда амалга оширишга ақли тугал етмаганининг ўзи унинг илк қоқилишидир. Шу нарсага идроку зако-си етмаган ҳолда кўргану билган одамнинг маслаҳатига қулоқ солмаслиги эса иккинчи бахтсизлигидир. Улар мана шу жарлик томон бормоқдалар. Афсуски, уларни кимса тўхтата олмайди. Кимга ният. Кимга қисмат. Надоматки, улар бу нарсани қисмат қиличи бошларига тушажак кунга қадар англамайдилар. Оллоҳ жонларига омонлик берса кўражаксиз. Ноҳақ инсон, шоҳу гадой, ким бўлмасин, мутлақ Оллоҳ қаҳрига дучор ўлажақдир. Сақлаб<sup>1</sup>ларда омад телбаларни суяр деган ота сўзи бор экан. Бироқ ҳеч қачон бундай омадлар пойидор ўлмағай. Инсон зоти табиатан шундайдир. Биров ишини қилса қўли, гапини гапирса тили қичийди. Қонида улуғлигу шарофат бўлмаган киши ўла-ўлгунига қадар такаббурлик тахтида қолади. Бу эса унинг ақлий ва руҳий нуқсонидан далолатдир. Зотида олижаноблигу марҳамат бўлган инсонлар эса камтарлигу камсуқумлик, мутавозелиқдан лаззатланадилар. Кишининг мавқе ва мартабаси юксалган сари боши қуйи эгилиши, ўзини шу даражага етказмоққа хизмат этган улусга жонини-да фидо қилмоққа ҳозир бўлмоғи керақдир. Бундай улуғ шахсиятлар миллату уммат, мулку давлат учун сарою мадрасаларда, девону дорулфунунларда, мактабу куллиётларда хизмат қиладилар. Улар улус ва ватанга хизмат этмоқ учун бу олиймақом биноларга кириб чиқадилар. Бола-чақа боқиш, оила тебратиш учун эрмас. Бунинг учун тижорат қиладилар, ер чошиб сурув боқадилар. Ватану миллатнинг оғир юкини кўтармоқ бобида киши кундалик турмушнинг майда ташвишларидан юқорида турмоғи

---

<sup>1</sup>Сақлаб – славянлар.

керак. Бу иш кўзи очик кишилар учун илоҳий эътиқодга айланмоғи лозимдир. Акс ҳолда, эл эл, юрт юрт, давлат давлат бўлмағай.

Подшоҳ гапдан тўхтаб, солин эшигига қараганча жимиб қолди.

– Оллоҳ раҳматига қовушган қиблагоҳининг бир сўзлари қулоғимга кўрғошин каби қуюлиб қолгандир. Қудратли бўлиб, шафқатли бўлмаган давлат золимлашади. Шафқатли бўлиб, қудратли бўлмаган давлат эса кучсизлашади. Яхши кетиб, ёмон келмас, ёмон кетиб яхши келмас дейдилар. Ҳақиқий яхши киши одам айирмай, каттаю кичик, барчага бирдек яхшилик қиладилар ва бундан лаззат туядилар. Такаббур ва разил кимсалар эса муносибларни четлатиб, устун фикрли кишиларни таъқиб этиб уларга ақл бўлмоқликка даъво қилиб, ана шу қилмишларидан роҳатланадилар. Мен барчангиздан сўзларимни чуқур англаб, тўғри йўлдан адашмай юрмоғингизни тилайман! Энди эса эшитганимиз нохуш хабарлардан узоқ турмоқ учун бошқа ҳаётий гаплардан ҳам гаплашсак, устоз Шоҳмаликбек, – дея амирга қаради Шоҳруҳмирзо.

Амир Шоҳмалик ўрнидан туриб, таъзим бажо этди.

– Янглишмасам, ана ул авлодимиз, сизу амирзодамиз таъриф этганингиз, одамхўр кишилар орасида яшаб қайтган машҳур сайёҳ Ражаббек бўлсалар керак, – юзбоши Турдиқорага қаради ҳукмдор.

– Мен қулингиз Ражаб Турдиқорадурмен! – дея дик этиб ўрнидан турди мулозим.

– Барчамиз Оллоҳнинг қулидурмиз, биродар. Киши киши қули эрмасдир, – деди ҳукмдор унга синчковлик билан боқаркан. – Хўш, қани, сиз бугун бизга не ривоят қилдиклар сўйлай билурсиз? Ёки бу каби ғаройиб воқеаларни фақат амирзодамузу оталиқларига айтиб берасизми? – қулимсиради ҳукмдор.

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

– Билхосса, зоти олийлари учун атаган ҳикояларимиз ҳам борки, буни сўйламақдин шараф туядурмиз! – таъзим-ла жавоб қилди Турдиқора.

– Сўйлай билурсиз, – деди подшоҳ тахтига чордона қуриб ўтирар экан.

– Рухсати олийлари билан подшоҳимиз ҳазратларига икки ҳикоят сўйламакка жазм этдим, – дея томоғини қириб қўйиб сўз бошлади мулозим. – Бўри галаси тўпланишиб, итлар тўдаси олдига келишибди. Аслида биз аждоди бир, жон-жигар қавммиз. Мана кўриб турибсизлар. Биз озод ва эркин бир махлуқот ўлароқ тоғу тошларда кезиб юрамиз. Ҳеч кимга қарам эмасмиз. Истаганимиз қўй сурувию сизга подасига ҳужум қилиб, хоҳлаганимизча ўлжани тутиб, роҳат қилиб еймиз. Қолганини калхату қарғаларга берамиз. Еганимиз олдимизда, емаганимиз кетимизда. Сиз бечораларнинг эса аҳволингиз оғир. Тепадан боқиб доимо сизнинг ҳолингизга ачиниб, қайғурамиз. Сабаби, сиз ўз эркингизни йўқотиб, одам деган махлуққа қарам бўлиб қолгансиз. Унга бўйсунингизга мажбурсиз. Турумингизни кўриб эзиламиз. Улар сизни уриб, калтаклайдилар. Суяк ва сарқитларини ташлаб, уюр, суруву подаларини қўриқлатадилар. Шу туфайли биз ўзаро маслаҳатлашиб, сизни бу қуллик ва мутелиқдан қутқармоққа қарор қилдик. Орадаги аслий қон-қардошлик ва уруғчиликни тиклаб, аҳилу иноқ бўлиб, сурувга бирга қарайлик. Топган ўлжамизни баҳам кўрайлик. Шунда сиз ҳам тоза эт еб, маза қилиб яшайсизлар дейишибди. Ит бечоралар итлигига бориб, бу таклифга рози бўлишибди. Кучуклар ризоси билан сурувга яқинлашган қашқирлар галаси ишни итларни ғажиб ташлашдан бошлашибди. Сурув эса ўзларига қолибди! – дея ҳикоясини тугатди Турдиқора.

Подшоҳ бошини маъноли ирғаганча давом этишга ишора қилди.

– Бир подшоҳ, сарой аъёнларига менга одамлар ора-

сидан энг аҳмоқ ва аблаҳ кишини топиб келинглари, деб амр этибди, – дея иккинчи ҳикоясини бошлади Ражаб Турдиқора. – Мамлакат пешволари, ҳакиму ҳокимлар, оқилу доно кишилар, ҳар ким ўзича султон айтган кишини изламоққа тушибди. Ўлканинг барча бурчакларига одам юборишибди. Жидду жаҳд ила шундай кишини ахтариб юрган мулозимлардан бири бир қасабадаги кўчадан ўтаётганда оғоч тепасига чиқиб олган кишининг ўзи турган шохини кесмоқчи бўлаётганини кўрибди. Одамлар тўпланишиб, ҳукмдор айтган аҳмоқ бундан ортиқ бўлмаса керак деган ўйда уни тутиб, подшоҳ ҳузурига келтирибдилар. Шох кесилса, унинг ўн жонидан бир жони қолмай, тил тортмай ўлажагини айтишибди. Мулозимлар ва халойиқ сўзини диққат билан эшитган султон “Мен бундан ҳам аҳмоқ одамни биламан” дебди ҳузурига келганларга. Улар ҳайрон бўлганча ҳукмдорнинг оғзига қарашибди. “Оламда энг катта аҳмоқ, жабру ситам-ла улусга озор бериб, давлат илдизига болта ургувчи золим ҳукмдордир”, дебди султон. Йиғилганлар подшоҳнинг фикрига қўшилибдилар.

– Ҳикояларингиз ғоят мантиқли экан. Яна битта сўйланг, – деди завқланган Шохруҳмирзо.

– Амри фармон, хоқонимизнингдур! Ҳамон сўйлайин, – дея учинчи ҳикоясини бошлади Турдиқора. – Бу ҳикоямиз фаҳм-фаросат аҳли ҳақидадир, султоним. Фаросат икки қисмдан, яъни шаръий фаросат ва ҳукмий фаросатдан иборат бўлар экан. Шаръий фаросат шул эканким, у пок ва соф кўнгилли, мўмин кишининг кўзидан кўтарилиб, фаросат нури билан ҳақиқатни англаб етар экан. Иккинчи, ҳукмий фаросатни эса донишмандлар тажриба билан топадилар ва далилларнинг кишининг шакли-шамойилидан мушоҳада қилиб аниқлайдилар ва аксар адашмайдилар. Нуширвони Одил замонида бир ҳаким фаросат ҳақида китоб ёзган экан. Нуширвон эса бу китобни астойдил мутолаа қилиб, ундаги йўл-йўриқларга кўра ҳукм чиқараркан.

Кунларнинг бирида бир пакана киши унинг мажлисига келиб, бир кишининг ўзига жабру ситам қилаётганидан арз этибди. Сен ёлғон айтмоқдасан. Фаросат тилидан маълумки, бир кишининг бўйи паст бўлса, шошқалоқ, хийлакор, фитначи ва ситамкор бўлади. Модомики шундай экан, бу аломатга кўра ситам қилувчи ул киши эмас, сен бўлсанг керак. Жабру ситам кўрган одамга ўхшамайсан, дебди Нуширвони Одил. Қозию мулозимлар тафтиш этсалар, бу одам ўша, ўзи келган ўлкада маълуму машҳур Шодмон фитна лақабли, кишилар кўзлари тушса, бурилиб қочадиган бир кимса экан. Бир куни яна шундай паст бўйли киши унга шикоят билан келибди. Пакана одамга ҳеч ким ситам этолмайди. Балки сен унга жабр этгандурсан. Сабаби сен паканасан, дебди подшоҳ. Тўғри, подшоҳим, менинг бўйим паст. Бироқ у қитмирнинг бўйи мендан-да паст, дебди шикоятчи. Масалани чуқур ўрганган Нуширвони Одил унинг додига етган экан, – дея ҳикоясини мухтасар этди Ражаб Турдиқора.

– Кўп ҳикматли ҳикоятлар. Тинглаб роҳатландик, – деди Шоҳруҳмирзо.

– Ал паканатун ал фитнатун, ал дарозтун ал аҳмоқтун дея бежизга айтишмас экан-да, араблар, – дея гап қўшди амир Шоҳмалик.

– Қайси хорижий тилларни билурсиз? – дея сўради подшоҳ Турдиқорадан.

– Чин тилидан бошқа аксар тилларда кўниша билурман, султоним, – жавоб қилди мулозим.

– Унда мухтарам амиримиз Шоҳмаликбекдан рижо этамиким, сизнинг ёнингизга яна икки-уч нафар хат-саводли йигитни қўшадилар. Салтанатимиз вакили ва элчиси ўлароқ Мўғулистон орқали Чинга бориб, улар имлоси ва тилини ўрганинг. Биз доимо Чин подшосига ўзимизнинг араб имлосида мактуб ёзамиз. Бир улуснинг тилини билмоқ унинг дилини билмоқдир. Саройимизда барча

иқлим мамлакатлари тили ва имлосини билгувчи кишилар бўлмоғи жоиз. Бусиз биз ўзга элу юртларда юз бераётган янгилигу ўзгаришлардан хабарсиз қоламиз. Миллат иқтисоди, илму фани тараққий топмайди.

– Ғоят улуғ савоб иш бўлусидир, онҳазрат. Ражаббек авлодимизнинг тил ўрганмоқ қобилиятлари жуда юксак эркан. Буюк бибимиз канизаклари орасида Ольга исмли бир сақлаб хоним билан бир неча кун мулоқатда бўлиб, ўрусия тилини ҳам ўрганиб олибди. Чин тилини-да қисқа муддатда ўрганмоқларига шак-шубҳамиз йўқ, – жавоб қилди амир Шоҳмалик подшоҳнинг фикрини қувватлаб. – Қолаверса, улуғ хоқон ҳазратларининг Чин буюк элчилари Шарофиддин Дизакий ҳам Ўтрорда, ёнларида эди. Султон Соҳибқирон зоти олийлари билан сўнг бор суҳбатлашган киши ҳам Дизакий жанобларидир. Ул мудҳиш воқеадан кейин ота юртлари Дизакда қолган эдилар. Саройимизда чин тили ва имлосини билажак ягона киши Дизакий эдилар. Амрингиз ила биродаримизни Ҳиротга даъват этсак, қанот боғлаб учиб келардилар, – фикрини билдирди амир Шоҳмалик.

– Кўп маъқул ва хайрли таклиф. Ҳамон Дизакийга хабар еткуринг ва Ҳиротга етиб келсунлар! Ражаббек ва Чин сари кетажак кишиларимизнинг йўл ва ўқиш масрафлари хазина ҳисобидан қаршилансин! Устоз Дизакийга сўйласинларким, қиблагоҳ ҳузурларида қандай мақомга эга бўлган эрсалар, Ҳирот саройида ҳам шу мақому эътиборда бўладилар.

– Менга Ражаббек биродаримизни бобомнинг фидокор беклари амир Боботурк топиб берган эдилар. Энди ул кишимга ўрганган эдим, – деди амирзода Улуғбек қиблагоҳига қараб.

– Улус иши учун бир хос мулозимингиздан кечасиз, амирзодам! – деди ота ўғлига қараб. – Айтгандек, амир Боботурқдан не мужда бор? Амир ҳақида ҳеч бир хабар туймадик? – дея амир Шоҳмаликка қаради подшоҳ.

– Ижозатлари ила бу ҳақда мен билги берсам, – деди таъзим этиб Эсиргап Найман.

Подшоҳ бош ирғаганча ўнбошига қаради.

– Амир Боботурк жаноблари Шоҳруҳия даруғалигини топшириб, Ўсмаат қасабасидаги Боғмозор Барлос манзилида яшаётган Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратлари ҳузурига келганлар деб эшитдик. Маълумингизким, шайх ҳазратларига бу ерни Султон Соҳибқирон зоти олийлари суюрғол қилиб берганлар. Ҳазрат бетоб, амир ул кишига фарзандлари каби қараб ўтирган эмишлар.

– Унда ишончли бир кишимизни шайх ҳазратларининг аҳволларини сўрмоқ ниятида Васмандга юборайлик. Бир миқдор маблағ ва совға-саломлар ҳам ҳозирлашсин! – амр этди подшоҳ амир Шоҳмаликка қараб.

– Ижозат этсалар, бу савобли хизматга мен ҳозирмен! – деди Эсиргап Найман қўлини кўксига қўйиб.

– Аъло! Амир Шоҳмалик устоз бу кўнуда сизга таълимот бериб, йўл-йўриқ кўрсатадилар! Энди ҳовлига чиқиб бироз айланайлик. Суҳбатимиз давом этаверади, – дея ўрнидан қўзғалди Шоҳруҳмирзо.

### ЎН ОЛТИНЧИ БОБ

*Отангдан ўнта бўлсанг-  
да, оилангда ёлғизсан.*

**Ота сўзи**

Ўнбоши Турдиқоранинг ҳикояларидан бироз чалғиган Шоҳруҳмирзо сарой ҳовлисига чиқди.

Кун иссиқ бўлса-да, жанубдан эсган эпкин одамлар жонига оро кирар, мўътадил иқлимли ва ҳаволи Ҳирот ёзининг ўзига хос таровати бор эди.

Сарой ҳовлисининг кириш дарвозасидаги бекчилар арк қопусининг қоровуллари билан бирга эшик оғаси ўнгчилигида сарой томон келишарди.

– Яна чопар бор шекилли? – деди амир Шоҳмалик бекчилар ҳаракатини кузатаркан.

– Хушу нохуш хабарларга ҳам кўникиб қолдик, – деди Шоҳруҳмирзо ҳовлига чиққач, чуқур нафас олиб.

Ҳовлининг ярмига келганда бекчилар ортида қолиб, эшик оғаси яқинлашди.

– Амир Сайидхожадан шошилинич чопар келибди, онҳазрат! – деди эшик оғаси эгилиб.

– Чорланг! – деди подшоҳ ҳорғин оҳангда.

Ҳукмдор қаршисига етиб келган навкар тобуғ расмини бажо келтирди.

– Амирзода Мироншоҳ ўғиллари Абу Бакр ва Умар Мирзолар ўзаро яғийлашиб, бир-бирларига қарши ҳаракатга кечганлар. Абу Бакр Мирзо буюк қардошининг ҳузурига сулҳ истаб борганда қўлга олиниб, Султония қалъасига ҳибс этилган. Мол-мулки, от-улови мусодара қилинган. Амир Ҳусайн Барлосга Мирзо Абу Бакрнинг уғруқи, ҳарами ва мулозимларини Султониянинг Гўзалдара мавзесида тутиб туришга фармон берилган. Бу нохуш воқеадан хабар топган Мироншоҳ подшоҳ даҳшатга тушиб, Хуросон томон юрганлар ва шу кунларда Колпуш ҳудудида чодир тикиб, безовта бўлиб ўтирмоқда эканлар. Амирлар сизнинг изн ва рағбатингизсиз ул зоти олийлари билан мулоқатга киришганлари йўқ. Бу кўнуда амри фармонингизни беклайдилар, – дея муҳим хабарни етказди чопар.

– Мирзо Умар қайда экан? – сўради подшоҳ.

– Амирзода Умар Хамадон атрофида эканлар. Сова, Луристон, Қум ва Курдистон мамлакатлари устидан ҳукмронликларини мустаҳкамлаш ила машғул эмишлар.

– Колпуш бизнинг Хуросон мулкимизга қарайди. Бечора акам жонини ўйлаб, хавфсизроқ дея бизнинг ҳудудга ўтган бўлсалар керак, – деди Шоҳруҳмирзо ачиниш оҳангида.

– Доимо шундай бўлади. Фарзандлар ноаҳиллигию но-бакорлигидан оталар азоб чекадилар. Оталар болалари

учун жонларини фидо этадилар. Бироқ болалар... Ҳар-ҳолда буюк қардошимиз бошқа ниятда келмаган бўлсалар керак? – дея амир Шоҳмаликка қаради.

– Хожа Султон Али Сабзаворий ҳам бизга қарши кўтарган исендан сўнг енгилгач, мирзо Мироншоҳ ҳузурларига қочиб борган. Амирзодамиз унга ҳеч бир сўз демасдан, илиқ қабул этганлар. Не мақсадда келганлари ўзларига аён бўлса керак. Бу ёқда яна бир фарзандлари Халил Султон. Мулоҳаза қилиб кўрмоққа тўғри келади, хоқоним, – ўз фикрларини баён этди амир Шоҳмалик.

– Туркистондаги аҳвол ҳам оғир ва хавфли. Бизнинг амирзода Халил Султон билан англашмамиз бор ва унга амал қиламиз. Не қадар ўзидан кетиб, ножўя хатти-ҳаракатлар содир этса-да, унинг фитначи ва бузуқ ниятли Султон Ҳусайн олдида ўлса ўлиги ортиқдир. Агар тўқнашувда, бу беномуснинг кўли баланд келса, юрт вайрон, миллат сарсон бўлгувсидир. Бизнинг ҳам бир ташвишимиз икки бўлғайдир, – деди Шоҳруҳмирзо асабийлашганча сиз не дейсиз дегандек амир Шоҳмаликка қараб.

– Арғуншоҳу Оллоҳдодлар Хожа Юсуф ва Темирхожа каби бошлари таналаридан жудо бўлмасликлари учун Султон Ҳусайн билан қасамлашганлар. Улар ҳеч қачон Халил Султондан воз кечиб, сойни кечарда отларини алмаштириб, бузуқатвор амирзода тарафга ўтмайдилар. Кўп суруву поданинг жойини солган бу қари бўрилар галасининг навбатдаги қурбони Султон Ҳусайн бўлади. Мени айтди дерсиз, султоним. Қолаверса, тиш қоққан бу беклар бошкентда Халил Султон, бу тарафда сиз турганингиз ҳолда аҳли Самарқанд ва аҳли Туркистон халқининг дор тагидан тўққиз қочган амирзодани қўллаб-қувватламаслигини билладилар ва шунга кўра чораю тадбирларини оладилар. Бутун бошли Амир Темурнинг чексиз хазинаси билан давлату лашкарни Халил Султон аранг ушлаб турибди

экан, бу саёққа салтанат сўрмоғу сурмоққа йўл бўлсин? Ишқилиб худди илгаригидек яна соҳибсиз кўппак каби ҳузурингизга қочиб келмаса бўлди эди. Мабодо бу ҳолат такрорлангудек бўлса, уни кечирмаслик керак. Адолат амрига топширмоқ шарт! – фикри мантиқли эди отабегининг.

– Энди икки дунёда ҳам биз тарафга қадам босмаса керак, – деди подшоҳ тажрибали амир сўзларини жон-қулоғи билан тинглади экан. – Холаси Султонбахтбегимнинг хўжаси Сулаймоншоҳ дуғлат билан бирга офтобда қатиқ ялашган дейдилар. Ўшанинг олдига бориши мумкин. Бошқа ҳеч ким бу шарафсизни қучоқ очиб қаршиламайди. У барча билан қон-қардошлик ва инсонлик ришталарини узиб бўлган. Деярли бари хешу ақраболар ундан қўлларини ювиб, қўлтиқларига урганлар. Шунинг учун ҳам у ўзини дуч келган томонга уриб, ҳокимиятни қўлга киритмоқ учун жонини жабборга бермоқда. Разил мақсадига эришса, ишини ана шу қариндошларини жазолашдан бошлайди. Шунинг учун унга ҳар қандай шароитда бу имкониятни бермаслик лозим. Бўрига раҳм қилмоқ кўйи кўзига жабр қилмоқдир.

– Тўғридир, подшоҳим. У шарафсизнинг ишини Халил Султон воситаси ила яратган эгам ҳал этар. Эта олмаса, бу заҳмат яна бизнинг бўйнимизнинг бурчи бўлиб қолажак. Бироқ айни дамда қаршимизда бундан-да муҳим муаммо турибди. Мирзо Мироншоҳ ташрифлари масаласи. Қайд этганингиз каби нажот истаб келган бўлсалар, бошимизу кўзимиз устига. Ҳар замон хизматларида ҳозирмиз. Бироқ ул зоти олийларининг терс феъл-атворлари, кимсанинг сўзини тингламай, ўз билганларидан қолмасликлари каби хатти-ҳаракатлари барчадин кўра ўзларига маълумдир. Мирзомиз киши ақлига келмас, фавқулодда давранишларни содир этишлари эҳтимолдан холи эрмас. Ҳазир биринчи галда ул зотнинг хатти-ҳаракатларига қарши чора кўрмоққа мажбур бўлиб қолдик, чамамда. Модомики,

бизнинг мамлакат ҳудудига ташриф буюрар эканлар, бирорта элчию чопар юбориб огоҳ этсалар бўларди. Давлат ахлоқию ҳукумат юритмоқ тартиби шуни тақозо этишини яхши билган киши шундай қилмоғи керак эди, – фикрлари асосли эди Шоҳмаликнинг.

– Тўғри, – деди ўйга толган ҳолда юриб келиб амир қаршисида тўхтаган ҳукмдор. – Ўйламай-нетмай сўз сўйламоқ ва ҳаракат этмоқ улуғ қардошимизга кўндоқда теккан хасталиқдир. Рухларини абадиятга таслим этган раҳматли қиблагоҳнинг кўзлари очиқлигида ўзини бу каби ҳаракатлардан тия олмаган киши бизни ҳам аяб ўтирмасалар керак деган фикрдамен. Ёшлари биздан улуғ. Ўзларини ота тожу тахтига биринчи ворису даъвогар дея билмоққа-да ҳаққи ҳуқуқлари бор.

– Бироқ бу ҳаққи ҳуқуқ ўз пайтида падари бузрукворлари томонидан фарзандларига олиб борилганини ҳам унутмаган бўлсалар керак, – гап кўшди амир. – Аммо шу ёшга етиб, бу ёруғ очунда ўз нуқсонун камчилигини англаб, сиёсату диёнат майдонидан чекинган одамни кўрмадим, – ўзининг саволига ўзи жавоб берди Шоҳмалик.

– Назаримда, не қадар муддат давлату салтанат сурсак, ёту бегона яғию исёнчиларга қарши эмас, ўзимиздан чиққан хоину тахтталаблик васвасасига дучор бўлганлар билан қарама-қарши келамиз шекилли. Бу фитналар мулки давлат учун ғоят хавфли ва санчиқли кечажакдир! Оллоҳ бизни тўғри йўлдан адаштирмасин!

– Унда тезроқ бу хусусда қарор бермоғингиз ижоб этади, султоним. Амир Саййидхожа ҳам ичини ит тирнаб сиздан амр беклаётган бўлса керак. Ул зоти олий билан мулоқотга киришмоққа мен ҳам ҳозирман. Буюрсангиз ҳозироқ жўнаб кетишим мумкин.

– Йўқ, сизнинг бу ерда бўлмоғингиз ундан-да муҳимроқдир. Агарким, муҳтарам улуғ қардошимиз мулк илинжида юртимизга яғийларча қадам босган бўлсалар,

бунга қарши кескин чора кўрмоқ мажбуриятида қолгаймиз. Борди-ю, ўз юртларидаги нотинч турум, вақти замон тақозосига кўра биродарлигу бизга эл бўлмоқ майлида юз бурган бўлсалар, қондошлигу жондошликнинг бурчу вази-фаси, талабу тартиби неники тақозо этса, ерига келтира-жакмиз. Бу кўнуда менинг фикрим шудир, амир жаноблари. Эҳтиёт шарт беш минг саваш кўрган суворийни сафарга ҳозирлаб, кўшин бошига амирлар Ҳусайн Сўфи Тархон, Жаҳоншоҳ Милкат ва Ферузшоҳларни тайин этайлик. Улар кўлига шуҳрату шарм қоидаларидан четга чиқмаган ҳолда сулҳу саваш тузугидан бир парча бўлган мактубимизни тутқазайлик. Ўйлайманки, мактуб қардошимиз элларига етгач, бутун масала ойдинлашажак. Бу воқеанинг сарой аҳли орасида ошкор бўлмаслиги учун мактубни бахши эр-мас, амирзодамиз Улуғбек ёзсалар, – деди султон ўғли ва амирга қараб.

Улуғбек мирзо патқаламни кўлига олганча котиб ёзув тахтасига ўтириб, мактуб битмоққа киришди. Хатни ёзиб битирган амирзода овоз чиқариб қиблагоҳи ва отабегига ўқиб берди:

*“Улуғ ва шарафли қардошимни меҳри муҳаббат-ла са-ломлайман! Оллоҳдан умрлари узун, давлатлари фузун бўлишини сўраб қоламан! Зоти олийларига маълумким, падари бузрукворимиз ҳазрат Соҳибқирон фарзандлари-нинг ҳар бирига бир мамлакатни бағишлагангар! Мам-лакатларни уларга бирон қусур йўл топмайдиган ва ху-моюн уғруққа бирон зиёну заҳмат етмайдигану нуқсон юз бермайдиган тарзда муҳофизат қилиб турмоқ аҳди жаҳдида бўлмоқ эндиликда уларнинг олий вази фасидир. Гарчи Оллоҳ айбларини ўзига кўрсатгур фарзандингиз амирзода Умарнинг билмасдан қилган ҳаракати сабаб-ли Эрон подшоҳи ва салтанат тахтгоҳи бўлган Озар-байжон мамлакатлари кўлингиздан кетган бўлса-да, бироқ Аррон, Муғон, Аромана<sup>1</sup> ва Гуржистон вилоят-*

<sup>1</sup>Арманистонни хуросонликлар шу номда атаганлар.

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

лари ҳазратларининг қуллари қўлидадир. Ҳазратлари элларидаги бу вилоятларни идора этмоққа илтифот кўрсатсалар, муносиб иш бўлур эрди. Оллоҳга ҳамду санолар бўлсинким, шаҳриёр жаноблари замонанинг энг оқилидирларки, бинобарин бу бобда тўла тааммул ва мукаммал фикр юритиб, жаҳон бузуқлигини ўз тўғри ишлари деб билувчи ёмонлик хаёлидаги фитначилар васвасаси билан бирон муомалага киришига йўл қўйиш устида ўйламаслар. Чунки бу турум хонадоннинг емирилишини келтириб чиқаргай ва сулоланинг қирилишига олиб келгайдир. Биз ўз ойинамизга ўзимиз тош отмаслигимиз, ўз лашкаримизга қарши ўзимиз жангга кирмаслигимиз кераклигини биздан-да яхши билажаксиз деган умиду ишончдамиз. Ва шунга аминмизки, адолатга амал қилинмаган жойда асосли сулҳу яраш бўлмагай. Бизнинг сулҳу яраш, тинчлигу осойишталик борасидаги бу саъй-ҳаракатимизни ожизлик сабаби эрмас, балким асл мақсаду муддао сулола ва салтанат ор-номусини сақлаш, юртни вайрон, улусни сарсон этмасликнинг энг тўғри йўли деб билгаймиз. Худо кўрсатмасин, мобо-до мувофиқатчилик чеҳраси мухолифатчилик тирноғи ила тирналса-ю, жанг оташи аланга олса, оятдаги “бироннинг қилган ишига яраша жавоб қайтариш вожибдир” сўзларининг мазмунига кўра хусумат патослари қўзғалиб, шундай бир маразни пайдо қилиши мумкинки, уни даволаш сурати шаклланмайди ҳамда тузатмоқ имкон жиғилдонига сиғмай қолгувсидир. Бунинг оқибатлари ҳақида фикр юритиш ва фойда-зарарларини тийрак хотир, ўтқир ақл-ҳуш тарозусига солиб мулоҳаза қилиб туриш керак ҳамда эзгулик воситаси ва мақсадга етиш чораси бўладиган йўлга қатъий тушиб олиш лозим. Токи душманларда эътирозга ўрин қолмасин ва турку тозик таъна тилини узайтирмасин. Жаҳонгирлик ва абдият орасидаги падари бузрукворимиз буюрганларига

*мувофиқ, фарзандлари бир-бирларининг мамлакатига дахл қилмай, ўз вилоятларини бошқариш билан машғул бўлсалар ва ўзларига текканига қаноат қилиб, лутфу эҳсон шукрини бажо келтирсалар оятда келган “агар шукр этсангиз, мен зиёда қиламан” сўзларининг натижаси ойдинлашгувсидир. Худога ҳамд бўлсинким, ул мислсиз зоти олийлари яшнаш замонидадирлар. Аҳвол эрса орзу этилгани каби эрмас, вақт тақозосичадир. Умидимиз собит, ниятимиз холисдирки, Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг авлоди ҳаққи-ҳурмати абадийлик боргоҳи-ю ягоналик даргоҳидан комронликни орттириш либоси-ю ишонч ва омонлик муборакномаси тобора зиёда бўлгувсидир. Сўзимиз тамом-вассалом”.*

– Бул мактубни фармони олий билан бирга шахсан ўзингиз ул амирларимиз илгига етказсангиз ва улар замон қайб этмай йўлга чиқсалар! – амр этди подшоҳ амир Шоҳмаликка. – Амирзода Улуғбек ёнингизда юриб, бу каби ишларни ўрганиб, кўзи пишсин.

Хуросон хоқони Шоҳруҳ Кўрагоннинг уч номдор беги етти минглик саришта суворий қўшини билан Сабзаворга етиб бориб, амирлар Саййидхожа ва Музроббеклар чериги билан бирлашди.

Кўп сонли ўрду Колпушга, Мироншоҳ мирзо тўхтаган манзил томон юрдилар. Султоннинг амрига мувофиқ қўшиннинг олий бош қўмондонлигига Ҳусайн Сўфи тайин этилди. Шоҳруҳмирзонинг қайнотаси Ғиёсиддин Тархон Найманнинг ақрабоси саналмиш Ҳусайн Сўфи Тархон заода тийрак, сўзда чечан, амалда тадбирли киши эди.

– Мироншоҳ мирзо ҳазратлари ҳузурларига зоти олийларининг полосларини ўпмоқ учун амирларимиз Саййидхожа ва Музроббекларни юбсрсак. Иншоолоҳ, ҳар иш орзу этганимиз каби ниҳоя топажак. Қолганларимиз шу манзилда жавобни бекласак, – деди Ҳусайн Сўфи беш

амир пешин намозини ўқиб бўлиб тушлик емак учун унинг чодирини томон юрар экан. – Бу икки ҳурматли бегимизнинг мирзо ҳазратлари билан кечмишдаги салом-аликлари ҳам орадаги ишончу эътиқоднинг мустаҳкамланмоғига хизмат этажак деган умиддамен.

– Тўғри фикр. Бажонидил Мироншоҳ мирзо ҳузурларига боражакмиз, – деди амир Саййидхожа ҳамон рози бўлиб. – Бироқ Султон Али Сабзаворий ва Пирак подшоҳнинг исёнчи ўғли Султон Ҳасанни бизга топшириш масаласини нима қиламиз?

– Султонимиз мактубини Мирзо Мироншоҳ қўлларига топшириб, муносиб ва кутилган жавобни олгандан сўнг зоти олийларига уларни бизга таслим этмоқ шартини қўясизлар.

– Эътироз билдирсалар-чи?

– Уларни қўлга олмасдан қайтиб кета олмаймиз дея юмшоқ ва мулоҳазакор оҳангда айтиб, англантингиз. Вазиятни тушунган Мироншоҳ мирзо қардошига қарши қилич кўтарган кишини бағрига босиб ўтиришга иштиёқманд бўлмасалар керак. Акс ҳолда уларни куч воситаси ила тутишга мажбур бўламиз, – сўнгги йўл-йўриқни англанти амир Ҳасан Сўфи.

Мирзо Мироншоҳ ўз саропардасида кичик қардоши Султон Шоҳруҳнинг икки амирини хуш қаршилади. Беклар мирзонинг пешини ўпиб, табуғ русумини бажо келтирдилар. Мирзо амирлардан Туркистон Хуросон воқеаларини сўраб-суриштирди. Қўноқ этди.

– Жаноб султон биродаримизга азалий саодат ва абадий давлат насиб бўлгандир, – дея босиқ оҳангда сўз бошлади Мироншоҳ Хуросон ҳукмдорининг мактубини ўқиб чиққач. – Демак, девоннинг муҳаррирлари унинг мулки қонунини таҳрир қилганлар ва тақдир муншийлари унинг подшоҳлик муборакномасини битганлар. Шул туфайли

ҳам қадрли қардошимиз салтанат бисотини бошқариш қувватини топиб, барча вазиятларда мақтовли хислатлар ва мақбул амалу қилмишлар ила тирикчилик ўтказдилар ҳамда биз учун ҳам оятдаги “биз сенинг биллагинга ўз биродаринг билан қувват бағишлагаймиз” сўзлари ҳикмати башоратини таҳқиқ қулоғимизга етказди. Султон қардошимиз Шоҳруҳмирзога сўйлангким, биз ва авлодларимиз тарафидин ул хоқони саид биродаримизга ҳеч бир замон, ҳеч бир шикаст етмагай. Мактубларида самимиятла қайд этилган, қиблагоҳимиздан мерос ўлароқ қолган мамлакатларни ақл-идроку пухта тадбир воситаси ила тасарруф эта билсак, шунинг ўзи бир давлатдир. Амирзода Халил Султонга ҳам улуғ амакилари ила маслаҳату машваратда бўлиб, айтган сўзларидан чиқмасликни тайинладим. Ҳар не турумда Турону Хуросон ўртасида ўт чиқмаслиги керак. Бу тўқнашувнинг оқибати фожиали сўнучларга олиб келишини ҳар бир темурийзода чуқур англаб етмоғи лозимдир. Киши ўлимдан қочиб, ўлимга бормаслиги керак. Қардошимга яна шуни сўйлангким, менинг ҳар икки авлодим, Умар ва Абу Бакрларга аҳилу иноқ бўлмоқ, ўзаро талашиб-тортишмаслик ҳақида насиҳат этсинлар. Билхосса, мирзо Умарга. Улар ўзларининг қисқа ўйлаган қарорлари ва ножоиз хатти-ҳаракатлари билан дўстларни ранжитиб, яғийларни суюнтирмасинлар, – астойдил рижо этди Мироншоҳ мирзо.

– Зоти олийларига сиҳат-саломатлик, давлатларига боқийлик тилаб зиммамизга юкланган иккинчи вазифа хусусида сўз очмоққа ижозат этсалар? – деди амир Саййидхожа бош эгиб таъзим этаркан.

– Буюринг! Буюринг! Қулоғим сизда! – деди Мироншоҳ Кўрагон чап қўлидаги тасбеҳни янада тезроқ ўғирар экан.

– Ҳазратларининг юксак эътибору эътиқодларига маълумким, темурийлар салтанати тўра ва тузугига биноан,

подшоҳлик ҳалқасидан бош тортган ва ўз валинеъмати ҳаққини унутган кишини даф этмоқ барча учун вожибу лозимдир. Ҳазрати олийларининг хабарлари борким, Султон Ҳасан ва Султон Али Сабзаворийларининг хоқонлик хонадонига қарши кўрсатган журъату жасоратини шу пайтгача ҳеч бир киши намоиш этмаган эди. Улар орқа-олдиларига қарамай, орадаги барча хайрли ишлару муносабатлар устига қора чизиқ тортиб, ўз панжасини жангу жадал илмоғига урдилар. Тутмоқ сиртмоғи уни исканжага олгач, турли хийла-найранглар билан қочмоқ куйини чалди ҳамда ноиложликдан ҳазратларининг олий остоналарини паноҳ тортиб келдилар. Агарда у исёнкор кимсалар содир этган қонли кўзғолон эвазига муносиб жазосини олмаса, бу бузуқ хаёлнинг қолдиқ ва жирканч иси ўлканинг ҳар бурчагидан димоққа уриши мумкин. Борди-ю султон ҳазратлари ўз ижозатлари билан уни биз бандаларга таслим этсалар, иззату давлатларига муносиб иш қилган бўладилар. Бизга ул нокасларни қўлга олмагунимизга қадар ортга қайтмаслик амри берилган. Султон ҳазратларининг адолатли боқиш ва тақдирларига умид қиламиз. Жон-жигар қардошингизга дўстлик қилмаган бир нобакор зоти олийларига ҳам садоқат сақламаяжagini эътироф этмоқ, Оллоҳнинг, қолаверса, сизнинг олдингиздаги бурчимиздир, – дея юмшоқ оҳангда Хуросон тарафи талабини Мироншоҳга етказди амир Саййидхожа.

– Масаланинг қатъий, кескин тарзда қўйилишини кутмаган мирзо қизарганча ўйланиб қолди. Қўлидаги қаҳрабонали тасбеҳини айлантирароқ сўнг сўзини айтди:

– Сўзингиз ҳақдур, амир жаноблари. Зотан, куфрони неъматнинг оқибати қай макону замонда бўлмасин, шундай тугагай. Амр берурман. Уларни ва одамларни илгингизга топширажаклар, – деди Мироншоҳ мирзо бошини маъноли ирғаб. – Сотқин ва аблаҳларга ҳеч бўлмаганда

ўлимлари олдидан уларнинг кимлигини билдириб қўймоқ керакки, ўзларини авлиё санаб ўтмасинлар.

Ўзининг Хуросон амирларига топширилиши маълум бўлгач, Султон Али йиғлаганча Мироншоҳ Мирзодан нажот тилади.

– Имкони бўлса, султон қардошимиз бу нодонни кечирсинлар! – деди мирзо амир Саййидхожа.

– Бу менинг ҳуқуқ ва имконият доирамга кирмайдиган ишдир, подшоҳим. Қароргоҳда қолган амир Ҳусайн Тархон бошлиқ бошкентдан келган беклар не десалар шул бўлғай. Зотан, султонимиз бу ваколатни уларга берганлар. Сиз уни нодон дея тўғри атадингиз. Бунинг устига у ўта такаббур. Доно бўлганида шунча одамнинг хунига зомин бўлиб, бу ишга қўл урмаган бўлур эди ва доно одамни кечирса бўлади. Бироқ нодон сизнинг бағрикенглик ила кечирганингизни ҳам англаб етмайди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас дея эски касбини давом эттиради, – дея Мироншоҳ мирзонинг сўровини жавоблантирди Саййидхожа.

– Тўғри. Нодон киши такаббур бўлади, – деди Мироншоҳ амирлар ила баробар чодирдан чиқаркан. – Мен бир муддат Колпушда бўламан-да, сўнгра Озарбайжонга қайтаман.

Дўнгпешона, сийракқош, буғдойранг, чўтир юзли, илон кўз, тошбақабоқиш, қурбақабўйин Султон Али ўзидан авлиё ясайдиган, табиатан кўрқоқ ва восвосроқ киши эди.

– Шаҳзода Султон Алини хотини билан бирга қўлини боғлаб, Ҳиротга юборгаймиз. Қолган сабзаворликлар ясоққа етказилсин! – деди амир Ҳусайн Сўфи.

Хуросон чериги бир томчи қон тўкмай Колпуш муаммосини ҳал этиб, Ҳиротга дўнди.

## ЎН ЕТТИНЧИ БОБ

*Ёмоннинг жанозасидан яхши-  
нинг ҳикояси фойдалидир.*

### Оталар сўзи

Бекларини Колпушга жўнатган хоқон Шоҳруҳ амир Шоҳмалик билан Мовароуннаҳр тарафда кечаётган воқеаларни таҳлил қиларди.

– Икки амирзода ўртасидаги қарама-қаршилик узоқ давом этмаса керак, султоним, – деди амир Шоҳмалик мулоҳазакор оҳангда. – Ҳар қандай вазиятда биз бу муаммага аралаша олмаймиз. Фикри ожизимча, амирзода Халил Султон Султон Ҳусайн фитнаси тўсиғидан тез ва осон ўтади. Бу хусусда бош қотирмоққа-да лузум йўқдир.

– Барибир узунқулоқ ва хабарчиларингни ишга солиб, бу тўқнашуву муҳораба тафсилотидан хабардор бўлмоғимиз керак.

– Эртагаёқ кечаги ўнбоши Найман таълимотингиз ила Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратлари зиёрати учун йўлга тушади. Ёнига иккита одам қўшамиз. Усиз ҳам кишиларимиз муҳим муждаларни етказиб турибдилар.

Султон Ҳусайн қасамёд эттирган тўрт амир ва лашкарни ўзига эш қилмоқ, кўнглини олмоқ учун Хоника бегимнинг бор-будини уларга тарқатди. Элида неки бўлса улашди. Самарқанд томон шошмай келаётган ўрдунинг ўзаро алоқасини Шохдор Халақчи билан амирлашкар Алканут соғлар, иккиси навбат билан ўз мингликлари бошида турган амирлари олдига от қўйиб бориб, вазиятни назорат этишар, аскарларга далда берган бўлардилар.

Шаҳзода Халил Султон лашкари ҳам Кеш атрофидаги Чекдалик мавзесига келиб, ясол торта бошлаганди. Юзбоши Қулман Қиёт шаҳзоданинг сарой аъёнлари орасида

келар, амирзода вақти-вақти билан унга турли саволлар билан мурожаат этарди.

– Бу майдонда кечмишда ҳам бир катта саваш бўлган шекилли, – деди Халил Султон отини қичаб ёнига ҳайдаб келган юзбошига қараб.

– Айнан шундайдир, олийнажот султоним. Буюк бобонгиз Султон Соҳибқирон ҳазратлари Чекдалиқда икки бор савашга кирганлар ва иккисида ҳам ғалаба қозонганлар. Бири мўғул хони Илёсхўжахонга қарши, иккинчиси эса собиқ иттифоқчиси ва қайниси, сўнгида эса катта рақиби амир Ҳусайн Кенагасга қарши жангда зафар қучганлар. Бу ҳар икки ғалабани ҳам Туркистон тарихида мўғуллар истибдодига барҳам берган муҳим воқеа дея ёзадилар. Отам Нурмон Қиёт амир Муайяднинг қурчиси бўлган. Бу жанглар ҳақида узундан-узоқ ҳикоя қилардилар.

– Агарда шу жанглар ҳақида кенгроқ билгингиз бўлса, менга сўзлаб берсангиз? – сўради шаҳзода оддий бир юзбошининг кечмиш тарихини билишига ҳайрон қолиб.

– Биз амирзодаларнинг фожиамиз ҳам шундаки, тахтда савлат тўкиб ўтирмақ ва раиятга амр этмоқни биламиз. Бу тахтга ота-боболаримиз не заҳмату машаққат, не-не жангу жадаллар билан етиб келганларини ўйламай, ўрганмай, унутиб яшаймиз ва оқибатда мана шундай балою қазоларга дучор бўламиз, – сўзида давом этди подшоҳ тушкун оҳангда. – Марҳамат, ҳикоя эта билурсиз!

– Ҳазрат Соҳибқирон Илёсхўжанинг Туркистонга бостириб келаётганини эшитгач, Мохону Балх томондан отлари жловини ота юртига қараб бурадилар. Ёнларда амир Мусо, амир Муайяд ва Учқаро баҳодирлар бўлишади. Душман йўлини тўсиб турмоқ учун бу уч сафдош амирга Пули Сангинда туришни буюради. Ўзлари эса бир ярим минг саваш кўрган жанговар суворий билан Эсан майдонидан юриб, Кеш атрофига етадилар. Тун қоронғусида дарёдан ўтиб, тоққа чиқадилар. Улуғ хоқон лашкарга душман кўзи

учун кенг майдонни қамраган ҳудудда гулханлар ёқишни амр этади. Ғаним қоровуллари бу хабарни қўмондонларига етказадилар. Душман қўрқувдан қочишга тушади. Шунда лашкарга рақибни қувиш ва қирон келтириш буюрилади. Турон чериги ёвни қувиб Кужроти майдонига етиб келади. Унга ён тарафдан отилиб чиққан амир Ҳусайн лашкарининг қул қисми қўшилади. Улуғ амир ҳазратлари икки минг кишига манғлой бўлиб, Қаҳлаға мавзесига етиб келадилар. Душманни қон тўкмай енгмоқ режасини пишитган улуғ хоқон амирлар Жоку Барлос, Шербаҳром, Жалололдин Барлос, Ҳожи Сайфиддин ва Тўқ Темурга икки юз суворийни бериб, эллик нафардан тўртта черик тузишни ва ҳар бир отликқа иккитадан оғоч шохини икки ёнига осилтириб боғлаган кўйи йўлга чиқишни амр этадилар. Бу чанги тўзонни кўрган яғий келаётган қўшин жуда кўп экан дея талвасага тушиб, чекинади. Ҳазрат Соҳибқирон бошлиқ беклар Кешга кирадилар.

– Рақиб қўшини қай томонга чекинади? – сўради шаҳзода.

– Жете<sup>1</sup> лашкари Тошариқ<sup>2</sup>да тўплана бошлайди. Улуғ амир юзлик черик билан бир кечадан сўнг Хузорга етиб келадилар ва Хузору Кеш лашкарини бирлаштириб, Чеқдалиқ<sup>3</sup> томонга юборадилар. Тойхожа Салбарийни лашкар кетидан чиғдовул<sup>4</sup> ўлароқ жўнатадилар. Шайх

<sup>1</sup>Жете – Чиғатой улуси 1269 йилда икки қисмга бўлиниб кетгандан кейин Еттисув, Чуй воҳаси ва Шарқий Туркистонни қамраган шарқий қисми шу номда аталган.

<sup>2</sup>Яккабоғ туманидаги ҳозирги Тошқўрғон қишлоғи.

<sup>3</sup>Чеқдалиқ (Жигдолик) ҳозирги Чакчар тизмасининг шимолий ва жанубий этакларидан оқувчи Ўрадарё ва Кичик Ўрадарё сойлари (Ғузордарёнинг асосий ирмоқлари). XIV асрнинг иккинчи ярмидаги Чеқдалиқ, иккинчи номи Қотилиш (яъни икки сувнинг қўшилиши) майдони ҳозирги Пачкамар сув омборининг ўрнида бўлган.

<sup>4</sup>Чиғдовул – Чиндовул ҳам дейилган. Қўшиннинг дум қисми, аръергард.

Муҳаммаднинг саккиз чериги қўшилган қўшин Чекдалик томон юради. Қирқ кун бурун Қатлонда аирилиб кетган амир Ҳусайн ҳам ўз қули<sup>1</sup> билан етиб келади. Шербаҳром ҳам қўшилгач, асосий қўшин худди мана шу, ярим дара, ярим текисликда тўпланади. Амир Ҳусайн ва барча қолган даъво дўстлари, узанги йўлдошлари билан кўришган Султон Соҳибқирон ҳазратлари зиёрат этмоқ ва аҳди паймонни янгиламоқ учун Хожа Шамсиддин Кулол<sup>2</sup> қабри бошига келадилар. Авлиёнинг руҳи покини ўртага қўйиб, бир-бирларига хиёнат этмаслик, элу элатни золиму босқинчилар жабру зулмидан озод этмоқликка онт ичадилар.

– Илёсхўжанинг лашкари Турон қўшинига кўра бир неча баробар кўп бўлган дейишади. – улуғ бобосининг афсонага айланган жангидан беҳабарликдан афсусда эди Халил Султон.

– Шундайдир, олийнажот султоним! Буюк бобонгиз ҳазратлари ва амир Ҳусайн Оллоҳ мададидан умидвор бўлган ҳамда унга таваккал қилиб, бешга бир нисбатда жангга кирадилар. Бироқ бу ҳақда қўшинга айтмайдилар.

– Илёсхўжанинг ёнида ўша замоннинг қайси машҳур амирлари бўлади?

– Яғий ўнг қўлида амир Тўқ Темур ва Бекижак, чап қўлда амир Ҳамид ва қулда хоннинг ўзи туриб, қўшинни икки гуруҳга бўлиб савашга кирадилар. Озчилик бўлишларига қарамай ҳужумни Турон лашкари бошлайди. У пайтларда Султон Соҳибқирон ҳазратларининг бир ўзлари бир неча ўнликка қарши кураша оладиган ва унчамунча баҳодир журъат этиб қаршисига кела элмайдиган куч-қувват, журъату жасорат соҳиби бўлганлар. Илк ҳамладаёқ Тўқ Темур баҳодир, амир Бекижакнинг кичик қардоши Беки Давлатшоҳ ва яна икки хонзодани қулатади.

<sup>1</sup>Қул – Лашкарнинг марказий бўлаги. Фул, қалб ҳам дейилган.

<sup>2</sup>Хожа Размос мозори ҳам деб аталган.

Ярадор этиб отдан итқитадилару ўлдирмайдилар. Ана инсоннинг мардлигию, раҳм-шафқатлилиги. Ҳукмдору қўмондоннинг Султон Ҳусайнга ўхшаб жаллоддан фарқи қолмаса ундан нафақат душман, ҳатто ўзининг одамлари ҳам бешиб қочади. Мени айтди дерсиз, шаҳзодам. Сизга қарши шамшир кўтарган ул нокас ҳам шул турумга тушажак! Авлодларингизда кимки улуғ бобонгиз дуосини олмаган бўлса, у дунёи бу дунёси обод бўлмағай. Отамнинг ҳикоя этишларича, ул зоти олийлари ҳеч бир яқину бегона кишини қарғамас эканлар. Норози бўлмоқликларининг ўзи қарғишдан баттар экан. Бу ношукуру нонкўр ҳам улуғ бобонгиз ҳазратларининг эътибору назаридан қолган эди. Шул туфайли ҳеч қачон косаси оқариб, ови юрмайди.

Юзбоши Қулман Қиёт шу ерда ҳаяжонланиб бироз чуқурроқ кетганини, шаҳзоданинг ҳам бобоси эътиборидан қолганлигини писанда қилгандек бўлиб қолмадимми деган ўйда тараддудланди. Бироқ тахтга ўтирганидан бери қўшинга илк бор ўзи бош бўлиб савашга кираётган ҳукмдорнинг хаёли паришон, нигоҳлари безовта эди. Юзбоши назарда тутган масала аллақачон ёдидан кўтарилган, бир пайтлар катта отасини кўрган худо энди фақат ўзини кўриб турганига ишонар эди.

– Хуллас, саваш қандай яқун топади? – сўради шаҳзода кўз илғаган майдонни тўлдириб бораётган қўшин ҳаракатини кузатар экан.

– Қўмондоннинг жасоратидан руҳланган черик ёвга ташланади. Билхосса, барин қавми баҳодирлари Тумса Жамродий ва Жанбулар мардона савашадилар. Ниҳоят, яғий қочмоққа тушади. Темурий қўшин уларни Ём сувигача қувиб боради. Темурбек амирлар Жоку Барлос билан амир Сайфиддинни Самарқандни тасарруф этишга юборади. Шербахром эса Тошкентни назорат этмоқ учун жўнатилади.

– Чеқдалиқдаги иккинчи жанг амир Ҳусайн билан бўлади. Шундайми? – яна сўради шаҳзода.

– Шундайдир, олийнажот шаҳзодам. Раббимдан такрор раҳмат ниёз этдигимиз Султон Соҳибқирон акрам ҳазратлари иккинчи бор бу ерда амир Ҳусайн билан тўқнашадилар. Амир ҳийла ишлатиб, бобонгизни қўлга туширмоқчи бўлади. Бироқ буни сезиб қолган улуғ хоқон унинг таъзирини берадилар. Шу-шу у Балх томон қочади ва сўнгги жангда енгилгач, амир Кайхисрав укаси Кайкубоднинг хунини олиб, бошини танидан жудо этади, – кутилмаганда шаҳзода олдида кўпроқ гапириб юборганидан хижолатда эди юзбоши.

– Соҳибқирони аъзам бобомиз ҳазратлари бу майдонда улуси, юрти ва тупроғи учун душманлар билан савашган! Биз нобакорлар эса улуғ бободан қолган моли мулк учун оч бўри каби талашиб-тортишмоқдамиз! Бу дунёи кўтирни қара, юзбоши. Ҳар нарсага ақлинг етгувчи бир киши кўринасан. Сўйла-чи, бу тўқнашувимиз узоқ давом этадимиз? – ўзини чалғитиб, суҳбатдошини гапга соларди Халил Султон.

– Тўқнашув бошланмасдан тугаши мумкин, шаҳзодам. Бир неча юзликдан ташқари қўшиннинг барчаси сиз тарафда эканлигига ишончим комил. Рақиб саналмиш кимса амакингиз Шохруҳмирзо ҳузурларидан қандай Самарқандга қочиб келган бўлсалар, яна худди шундай тарзда орқа-олдиларига қарамай жуфтакни ростласалар керак. Ниятни улуғ қилинг ва бобонгиз каби фақир-фуқарони қўллаб-қувватланг. Сулҳу яраш жидди-жаҳдида бўлинг. Шунда элу юрт ҳам, лашкару маъмур ҳам изнингизда бўлади! – шаҳзоданинг ўзига нисбатан илиқ муносабатидан руҳланган эди Қулман Қиёт.

– Айтганингиз келсин! Омин! – деди шаҳзоданинг бу гапидан кўнгли кўтарилиб. – Фаришталар омин деб, сўйлаганингиз амалга ошган ондан бошлаб, сизнинг рутбангиз мингбошиликка кўтарилади ва менинг сонсизимга кўмондон этиб тайинланасиз! – деди Халил Султон умидвор оҳангда.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Мен каби Оллоҳнинг бир қул бандасига дунёларни бағишладингиз, султоним! Танамда жоним бор экан, бу ишончингизни оқламоқ, умру ҳаётимнинг мазмунига айланажақдир, – жавоб қилди ўнбоши бу кутилмаган саховатдан ўзини йўқотгудек бўлиб.

– Хоину ноҳақлар азалдан ўз қонлари ва кўз ёшларида бўғилиб ўлгандирлар! Сиз ҳамон қўшин олдига ўтиб амирлар Оллоҳдод ва Арғуншоҳ билан алоқа ўрнатмоқ ҳаракатида бўлинг! Ёнингизга ўн чоғли суворий олинг-да, саваш майдонидаги ҳар бир ҳаводисдан мени хабардор этиб туринг! – буюрди шаҳзода қаршидан рақиб қўшини кўринаркан сергак тортиб.

– Тўқнашувда суворийлар қаршисига амирзода чиқиб қолса не қилмоқлари керак, шаҳзодам? – Султон Ҳусайнни назарда тутиб сўради Қулман Қиёт.

– Жанг майдонида ҳар неки иш унинг қонун-қоидасига кўра ҳал этилажак! Ул хоиннинг савашмоққа бети ва юраги йўқдир! Яна қочса керак! Модомики, қочса қувмасинлар! Қайга даъф бўлса, бўлсин! У шарафсиз ўз ажали билан ўлмайдиганлар хилидандир! Бу иш бизнинг элимиз ила амалга ошмагани маъқул! Уни ўлимга ҳукм этмоққа ҳаққи-ҳуқуқи биздан зиёда бўлган улуғларимиз бор! Масалани улар чўзмоқлари керак! Шундагина барча теурийзодалар ва салтанат бу чипқондан қутулгувсидир!

– Вазифани англадим, шаҳзодам! Керак бўлса тўп-тўғри қўшин қаршисига бориб, уларга жангга кирмаслик ҳақида хитоб этамен! Биз каби бир-икки навкарнинг боши кетмса-да, қон тўкилмаслиги, миллат сарсон, юрт вайрон бўлмаслиги керак! – дея оти жиловини саваш майдони томон бурди Қулман Қиёт.

Унинг ортидан ўн чоғли хос суворий ҳам от сурди.

Қўшинлар орасидаги очиқ майдон икки ўқ отими масофада эди. Юзбоши бир ўқ отим йўлни босиб ўтганда қаршидан ҳам ўн чоғли суворий улар томон от қўйди.

Салтанат қўшинида сафлар тизилган, қарши тарафда

эса сафланмоқ ҳаракати бошланиб, суворий ва ўқчи юзликлари олдиға ўтаётган эди.

Юзбоши Қулман Қиёт амир Оллоҳдодни отидан таниди. От бошининг панасида унинг юзи кўринмас, зотдор самани пишқирганча шаҳзода қароргоҳи томон чошиб келарди. Юзбошининг олдиға етгач, оти жиловини тортди.

– Орқаға қайт! Қўшин жангга кирмайди! Мени шаҳзодамиз ҳузурларига бошла! – деди амир Оллоҳдод етиб келгач.

Улар биргаликда ортга қайтдилар. Қулман Қиёт ва суворийлари амирни Халил Султон турган тепаликка элтдилар.

Амир Оллоҳдод отдан тушиб, шаҳзоданинг пешини ўпиб, тобуғ<sup>1</sup> расмини бажо келтирди.

– Иншооллоҳ, салтанат кўшинининг кипригидан бир тук ҳам тўкилмагай! Давлату шаҳзодамизга садоқатли барча амиру мингликларимиз зоти олийларига берган сўзлари ва қасамларига садоқат сақлаган ҳолда яна инон-ихтиёрларига ўтгайлар! Амри фармон улуғ султонимизнингдир! Ботир қони юракка, хоин қони челакка томгувсидир, шаҳзодам! Амр этинг, ул нобакорнинг ишини қай тарзда ҳал этайлик!

– Оллоҳ рози бўлсин сиздан, амир жаноблари! Умиду ишонч ҳам шунчалиқдир! Бу сидку садоқатнинг охирини кўргайсиз, иншооллоҳ! Айни дамда не қадар черикнинг биз тарафга ўтганини билмоғимиз керак! Ва ул сотқин бундан сўнг не қилмоққа қарор беражак? Шунга кўра ҳаракат этмоғимиз лозим!

Халил Султон сўзини тугатар-тугатмас, ҳансираганча от чоптириб келаётган оғиркарвон амир Арғуншоҳнинг қораси кўринди. У ҳам йиғламсираб келиб, шаҳзоданинг пешини ўпди. Сўнгра амир Саодат, охирида ҳўнграб йиғлаганча амир Мубашшир етиб келди.

<sup>1</sup>Тобуғ – турк халқлари орасида олий ҳукмдор олдида тиз чўкиб таъзим бажо келтириш одати, бўйсиниш ва итоат белгиси.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Жонимизни сақлаш ва зоти олийлари остоналарига етишмоқ учун ул хоину нокасга байъат келтирмоқ мажбуриятида қолдик, султоним! Гуноҳкор қулларингизни кечиринг!  
– деди амир Мубашшир ёш оқаётган юзини шаҳзоданинг чоригига суртиб. – Ҳузурингизга еткизган Оллоҳимга шукур!

– Арзи ҳол этмоқ вақти эрмасдир! Хоин қаёқда? Айни дамда бизни унинг хатти-ҳаракати қизиқтиради! У нобакор қўшинни айланиб ўтиб, Самарқанд қалъаси томон от қўйиши ҳам мумкин! Шундан эҳтиёт бўлмоқ керак! – икки кўзи Султон Ҳусайн турган тепалиқда эди шаҳзоданинг.

– Уни амирлашқари Алканут ва девонбеги Шохдор Халақчилар билан бирга ортга қараб қочди дейишмоқда, шаҳзодам! Зафар муборак бўлсин! – деди амир Мубашшир оғиб кетган салласини тўғрилаб. – Оллоҳ ҳар замон ҳақнинг ёнидадир!

– Ғалаба муборак!

– Қутлуғ бўлсин!

– Султонимиз зиёда, пастлар пиёда бўлсин!

– Сотқинга ўлим!

– Бундай зафар фақат Оллоҳнинг суйган қули ва ҳукмдорига насиб этади! – овозлар эшитиларди.

– Салтанатга садоқат сақлаган амиру суворийга менинг ташаккуримни еткуринг! Улуғ бобомиз Султон Соҳибқирон ҳазратлари икки бор фатҳу зафар қозонган бул тарихий Чекдалик мавзесида Оллоҳнинг амрию изни билан шонли ўрдумизга ғалаба насиб этди! Бу бизнинг ҳақлигимиз, ҳақ халқнинг иродасига қарши бормаганлигимизнинг яна бир исботидир! Кимки буюк бобомиз қурган шонли салтанат ул зоти олийлари Турон мулкида қарор топтирган тўраю тузукка қарши борар экан, қисмати қадари шундай тугаяжакдир! Бебош нокаслар ўзгалар бўйига ўлчаб қазиган чоҳга ўзлари тушдилар ва бундин сўнг ҳам тушажаклар! Хом сут эмган инсон боласи унутмаслиги керакки, киши қисмати қадарини фақат ёзган бузар! Киши киши тақдирига

сабаби баҳона бўла олади-ю, бироқ тақдримизнинг табири ягона эгасининг қўлидадир! Қўшиннинг фармонимиз ва сўзимизни икки этмай, фитначилар фисқу фасодига учмай кўрсатган сидқу садоқати, журъату жасорати олдида ғоят мутаассирдирмен! Бул шавкатли черик, бу тадбирли амиру қўмондонлар ҳар замон мулки давлатимиз таянчи ва шеригидирлар! Уларнинг бу аҳди қарори ҳамда салтанатга кўрсатган хизматлари муносиб тақдирланажак! Қароргоҳ ва қўшин Чеқдалик атрофидаги қулай манзилларга ерлашиб, икки кун истироҳат этсун! Сўнгра зафар ёр лашкар бошкентга қайтажак! – от устида қўшинга мурожаат этди Халил Султон.

Эртаси куни эрталабдан бошлаб ҳар мингликнинг тавочиси отда юрганча олий ҳукмдорнинг Чеқдалик зафари муносабати билан жорий этган олий фармонини эълон қиларди:

– Мовароуннаҳр мулкида подшоҳ Халил Султон ибн Мироншоҳ ибн Амир Темур Кўрагон сўзимиз! Яратганга беадад шукрлар бўлсинким, шу кунга қадар раҳмату марҳаматини дариф тутмади! Бул марҳамат нури қалби шуурини ёритган, ота-боболар ёдгори бўлмиш тупроқни азиру муқаддас деб билган шон-шавкатли қўшинимизга фатҳу зафар байроғини баланд кўтармоқ насиб этди! Шу олий муносабат ила барча вазиру амир, билхосса шайхулиспому қозикалон, қозийи аҳдосу<sup>1</sup> қози аскар<sup>2</sup>, садри аъзаму<sup>3</sup> додхоҳ, эшик оғасию халақчи, муҳассилу<sup>4</sup> тавочи<sup>5</sup>, қутволу<sup>6</sup>

---

<sup>1</sup>Аҳдос қозиси – урф-одат бўйича қози.

<sup>2</sup>Қози аскар – ҳарбий ишлар бўйича қози.

<sup>3</sup>Садри аъзам – вақф ерлари, мулклар мутасаддиси.

<sup>4</sup>Муҳассил – солиқ ундирувчи.

<sup>5</sup>Тавочи – вилоятларда асосий қўшинни тўплашга жавобгар шахс.

<sup>6</sup>Қутвол – қалъабон, қалъа бошлиғи. Ҳарбий бўлинма қўмондони.

## Нурали ҚОБУЛ

---

ҳожиб<sup>1</sup>, хазинабону хонсолар, жибачию қушчилар, баковулу котиблар, битикчию табиблар, созандаю доричилар, мингбошию юзбоши, ўнбошию суворий, пиёдаю барда<sup>2</sup>лар, барча-барчага олажак маошидан келиб чиққан ҳолда хазина ҳисобидан қўшимча улүфа тарқатилсин! Икки кунга етарли миқдорда жонлиқ сўйилиб, етарли миқдорда ун ва ёрма лашкарга улашилсин! Улуғ Турон салтанати саодати учун сабру матонат-ла юражакмиз. Умид йўлчилигимизда тангри бизни маҳжуб этмасун! Омин, оллоҳу акбар!

Шаҳзода қароргоҳида зафар тантаналари бошла-ниб кетган, бурғулар янграб, ноғоралар гумбурлаб, чолғувчилар турку араб, форсу мўғул куйларини чалишар, қўшиқчилар ватаний оҳангдаги шарқиларни куйлашарди:

Улуғ Тангри тоғдан оққан армоним,  
Буюк қисматлардан яралган жоним.  
Ата юрт қалбида жўш урган қоним,  
Отажоним, Туркистоним, Туроним.

Бағрингдаги тошу гиёҳ, тупроқмиз,  
Қуёшиндан нур симирган япроқмиз.  
Қаддинг кўтар, ғанимлардан кўпроқмиз,  
Онажоним, Туркистоним, Туроним.

Қутлуғ кечмиш келажакка боқажак,  
Қутли юртда иқбол мангу балқажак.  
Оққан дарё яна қайта оқажак,  
Отар тонгим, Туркистоним, Туроним.

Сенсан, муқаддас Карими Қуръоним,  
Сенсиз нурга тўлмас, ё раб, иймоним.

---

<sup>1</sup>Ҳожиб – сарой хизматчилари.

<sup>2</sup>Барда – асир аскар.

Сен-ла саодатга эшдур ҳар оним,  
Танда жоним, Туркистоним, Туроним.

Амиримсан, хоқонимсан, султоним,  
Ёв ўқиға бардош берган ултоним.  
Сенга фидо бўлсин Ватан, бул таним,  
Сўнг маконим, Туркистоним, Туроним.

Қаршисида пайдо бўлган, ўзидан чиққан илк ёвуз ва хавфли душманни бир томчи қон тўкмай бартараф этган олий ҳукмдорлик, шону шавкат илинжу талвасасида жон чекаётган шаҳзода Халил Султон бу енгил ва осмондан тушган ғалабанинг қувончу сурурида самоларда учаётган бургут каби мағрурлик, салобату дабдаба ила бошкентга қайтарди.

Бугундан эртасини аниқ-тиниқ тасаввур эта олмайдиган сиёсатнинг энг разил кўриниши – урушу савашнинг қулига айланиб қолган минглаб одамлар эса ҳалқумларига тикилган жонларини ўйлашар, юксақда шон, қуйида жон талвасаси давом этарди.

Қасрда ё қабрдасан, аё сабру шукурдасан, тонг отар, кун ботар, умр елдек ўтар эди...

## **ЎН САККИЗИНЧИ БОБ**

*Эски туркларда миллий виждоннинг шаклланганига шубҳа бўлиши мумкин эмас.*

### **БАРТОЛЬД**

Шоҳруҳмирзо ҳузуридан чиққан амир Шоҳмалик Кебек Манғит, Ражаб Турдиқора ва Эсиргап Найманни эргаштирганча ўзининг хос хонаси томон юрди.

Ҳукмдор фармони билан хабарчи ва узун қулоқлар ҳаракатини мувофиқлаштиришу йўналтириш амирга юк-

ланган эди. Унга мамлакатнинг барча бурчакларида мужда ва ҳаводислар оқиб келар, амир бу хат-хабарларни совутмай ҳукмдорга етказарди.

Асосий ҳисоботни эрталабки саломдан сўнг берар, шошлинч маълумотларни эса онда олий даргоҳга улашарди.

– Сен авлодим, – деди амир хонаси тўридаги курсига оғир чўкаркан Эсиргап Найманга қараб, – бирор кун истироҳат этиб, сафар ҳозирлигини кўриб, йўлга чиқа билурсан. Илк вазифанг хоқони саидимиз таълимот берганлари каби Дизаққа бориб, буюк элчи Шарофуддин Дизакийга Ҳиротга етиб келишларини айтасан. Ул бирода-римизнинг йўл харажатлари учун ҳам бир миқдор масраф ажратамиз. Сўнгра Ўсмагга бориб, Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратлари ҳолидан хабар олиб, совға-саломларимизни етказасан. Шайх ҳазратларини ёлғиз қолдириб, амир Боботурк Ҳиротга келолмасалар керак. Туркистонун Мовароуннаҳрдаги вазият ҳақидаги ул дўстимизнинг фикрлари биз учун муҳимдир. Шунини ўрганасан. Англадингми? – сўради амир юзбошидан.

– Англадим, амир жаноблари.

– Сафар хусусида, умуман қилинажак ишлар ҳақида фикринг бўлса сўйла. Менинг бошимда шу қадар кўп маълумоту гап-сўзлар борки, бирини айтсам, бирини унутаман, – суҳбатдошларига бир-бир боқди бек.

– Сўйлаяжак сўзим бор эди, амир жаноблари. Хоқони саид зоти олийлари мени Чин сари юбормоқ ниятида эканликларини айтдилар. Шу ўринда менинг бир фикрим бор. Султонимиз бир неча кишини ул тарафга ўқимоқ учун юбориш лозимлигини таъкидладилар. Чинлилар жуда эҳтиёткор, ғоят шубҳа-ю гумончи қавм келадилар. Улар алифбоси ва тилини ўрганиш учун борган кишиларга ҳам душману айғоқчи кўзи ила боқадилар. Фикри ожизимча, Дизакий жаноблари етиб келсалар, ул кишим ила мас-

лаҳатлашиб, чин тилини ўрганмоқни шу ерда ҳам ташкил этсак дегандим. Ҳинду Қашғарда бу тилни билгувчи кишилар кўп. Уларга яхши маош тўланса бажонидил келадилар. Сўнг фикрни Дизакий жанобларидан сўрмоқ керакким бу хусусда тажриба бобида ул зотга тенг келажак киши йўқдур!

– Тўғри сўйладинг, юзбоши. Кўп маъқул фикр. Айнан шундай қиламиз. Сен амирзода Улуғбек ёнида бўлиб, ўз вазифангни бажармоқда давом эт. Дизакий Ҳиротга етиб келгач, бу масалага қайтамиз, – дея сизнинг масалангизни нима қиламиз дегандек мингбоши Кебек Манғитга қаради амир. – Хоқону саид хизматларига кирасизми ёки юртга қайтасизми, амир жаноблари?

– Минглигим исёнкор Султон Ҳусайннинг қўшини таркибида, амир жаноблари. Имоним комилки ул ношукур муддаосига ета олмагай. Шундай бўлгач, бир ўзимнинг зоти олийларига қандай фойдам тегар экан? Биз авлодимиз билан қайда ва кимнинг қўшинида бўлмайлик, ўзимизни Султон Соҳибқирон ҳазрати олийларининг садоқатли бир аскарлари ўлароқ ул табаррук зотнинг фарзанди аржумандлари Шоҳруҳмирзо зоти олийларига ҳам сидқу садоқат-ла хизмат қилмоқ ниятидамиз ва ҳеч қачон хоқони саид черигига қарши қилич кўтармаймиз. Султон Шоҳруҳмирзога кўтарилган яроғ улуғ хоқон ҳазратлари руҳларига қарши ҳаволанган силоҳдир. Туркистон заминида турган суворийдан тортиб, Халил Султонгача буни англаб етмас экан, бизни улуғ хоқон ҳазратларининг арвоҳу қарғиши уражак. Ҳузурларида бу гапларни сўйлай олмадим. Сиздан рижойим шулки, ожиз фикрларимни хоқони саид ҳазратларига етказсангиз.

– Бош устига. Албатта етказажакман, амир жаноблари. Унда сиз бошингизни аранг қутқариб келганингиз тўқнашувнинг интиҳосини беклаяжакмиз.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Англадим, амир жаноблари, – деди Кебек Манғит таъзим этиб. – Ижозатингиз билан бу қўнуда бир фикрим бор эди, амирим, – деди гапида давом этаркан мингбоши хи-жолатли оҳангда.

– Буюринг, буюринг! Ҳар неки фикрингиз бўлса айта билурсиз. Подшоҳимиз сизга бир амир учун лозим бўлган шарт-шароитни яратиб бермоқни амр этдилар.

– Ота юрtdаги аҳволу турумдан озми, кўпми хабари бор киши ўлароқ, хоқони саид зоти олийларига менинг ри-жойимни етказсангиз, амир жаноблари. Амирзодамиз Ха-лил Султон исёнчи Султон Ҳусайн устидан ғалаба қозониб, ўз тож-тахтларини мустаҳкамласалар-да, бу ишнинг охири хайрли тугамайди. Мовароуннаҳр юрти ҳукмдори малика-сининг қутқусига учиб, ўзини иқтидорга олиб келган амиру қўмондонларини йўлдан олиб ташламоқ, номдор шахсларни синдирмоқ сиёсатини юргизмоқдалар. Шундай экан, у ерга қайтиб борсам-да, юмшоқ жойимга тепадилар. У ҳайдаган беклар эса Фарғонада ўзини хону хоқон ҳис этаётган амир Худойдод ёки Туркистон ҳукмдори, амир Шайх Нуриддин-нинг кичик қардоши Бердибекнинг ҳузурига қочиб бориб, амирзодага қарши кураш бошлайдилар. Бу аҳволда у ҳудудда ким бўлманг, бошингиз жангу жадал, тожу тахт ғавғосидан чиқмайди. Улар бирлашиб, амирзодани бобо тахтидан улоқтиришлари ҳеч гап эрмас. Бундай турум-да ҳукмдорнинг ёнидан жой олганларнинг аҳволи ҳам маълумдир, амирим. Хоқони саид зоти олийлари не қадар бағри кенглик ила арқонни узун ташламасинлар, ота юрт-даги амиру қўмондонлар амирзода Халил Султонни тинч қўймайдилар. Мирзомиз эса ўзи ўйнаб туриб чиқарган бу оташни Шохруҳмирзо ҳазратларидан кўриб, ул кишининг қутқуси билан бўлаётган ғавғо деб билади. Шу тариқа муаммо мушкуллашиб, вазият оғирлашаверади. Ана шу масалаларни кўзда тутган ҳолда мен, ёшим элликдан

ошган бир манғит амири амирзодамизнинг беғу мингбошиси бўлмоқдан кўра, хоқони саид зоти олийларининг амири охури бўлишга қарор қилдим. Ул ҳазрат лозим кўрганлари ишда сидқу садоқат ила хизмат қилиб, оиламу бола-чақамни ҳам Ҳиротга келтиришга қарор қилдим. Яна таржиҳ зоти олийлари ва амир жанобларинингдир. Сиз азиз улуғларимизнинг тавсия ва маслаҳат, амри фармонларингизга уяжакман, – дея бундан буёнги қисмати ҳақидаги фикрини баён этди мингбоши Кебек Манғит.

– Сизни англадим, мингбошибек, – деди амир Шоҳ Малик ўйга толиб. – Подшоҳимизга, албатта ушбу қимматли фикрларингизни етказаман. Вазифа хусусида сўйласам, бирор муносиб иш беришни ўзимга топширсалар керак. Агар маъқул десангиз салтанат тулпорлари амирлигига сиз каби тажрибали, одам танийдиган бир киши керак эди. Биласиз, мамлакат ҳудудидаги юзлаб ёму ровот, карвонсаро-ю такаларда беш юз атрофида зотли салтанат тулпори бор. Унга юз чоғли саис қарайди. Уларни назорат этиб, бошқариб турмоқ ҳам у қадар оғир иш эмас, – дея суҳбатдошига боқди амир Шоҳмалик.

– Сўйладим-ку, амир жаноблари. Подшоҳимиз қўл остиларида чўпон ўлароқ ишламоққа-да розиман. Фақат жангу жадалга кириб, қонга кўзим тушса роҳатсизланмоқдаман.

– Унда бу ишга киришинг. Хазиначига учрашиб, тирикчилик учун лозим бўлган маблағ ва ашёларни ола билурсиз, – деди амир мусофирларини йўлчи этаркан.

Султон Ҳусайнни Халил Султоннинг учдан бир қўшинига эга чиқиб, ўзига қарши кураш бошлагани саратоннинг жазирамасида ёққан қор каби барчани бирдек ҳайрон этган, Ҳирот саройини ларзага келтирган эди.

Халил Султон билан инсон каби гаплашиб, англашса бўларди. Пирига дўстлик қилмас, Султон Ҳусайн эса дўсту душман танимас феъл-атвор соҳиби эди.

## Нурали ҚОБУЛ

---

Тус ва Машҳад ҳудудларининг ҳукмдори, кимса сўзи-ни икки қила олмайдиган, ҳар кимга ва ҳар ерда сўзи ўта-диган амир Сулаймоншоҳ Султон Соҳибқироннинг опаси Қутлуғ Туркон оғонинг Довуд Дуғлот ибн Султон Дуғлотдан туғилган ўғли, қизи Султонбахтбегимнинг эри эди.

Ота авлод темурийзодалардан кам бўлмаган ҳокимияти ва баҳс этилмас мавқеси дуғлот султонлари сулоласидан бўлган икки тарафлама шаҳзодани ҳаволантирган, Халил Султоннинг кўз очиб-юмгунча бошкент Самарқанд тахтини эгаллагани бошқа амирзодалар каби унинг юра-гига ҳам тожу тахт ҳою ҳавасини солиб, кечалари уйқу бермас, суиқасд уюштиришларидан кўрқиб шаҳарда тунамас, хос минглигини жангга шай тутган ҳолда Анд-худ ва Шибирғон орасида изғир, Самарқанду Ҳиротдан ҳаводислар бекларди. Ич-ичида Халил Султон билан Шоҳруҳмирзонинг тўқнашиб, иккисининг ҳам синиб, ўлжа ўзига қолишини истарди.

Мироншоҳ мирзо ва Умаршайх мирзо ўғилларига тег-маган ҳолда бир ҳаракат билан валиаҳд Пирмуҳаммадни ҳам йўлдан олиб ташлаш мумкин дея фикр қилар, бироқ бу ўю режаларини кимса ила пойлашмасди. Ортиқча гап-сўз-лар Ҳироту Самарқандга етиб бориб, сув лойқаланишини истамас эди. Улуғ хоқон опасининг ўғли, қизининг эри бўлмоқ унга ҳеч кимдан кам бўлмаган имкониятлар берар, амир Сулаймоншоҳ бу қулай вазияту шарт-шароитдан истифода этмоқ ниятида эди.

Тус ва Машҳадга яқинлашган элчи-ю чопар, мусофиру тужжор унга совға-салом бериб, пичоққа илинарли тухфа тақдим этмай ўтмас, улуғ хоқоннинг бу ҳудудлардаги нои-би ўлароқ чексиз ҳокимиятга эга эди.

Амир Соҳибқироннинг ногаҳоний қайтиши барча баро-бар Сулаймоншоҳни ҳам шошириб, ўйлантриб қўйди. Ўлим хабарини олиб келган чопарни қаршисига ўтқа-

зиб, узоқ сўроқ қилди. Ўтрору Самарқандда кечаётган воқеалар тафсилотни ижикилаб суриштирди. Валиаҳд Пирмуҳаммад мирзо ҳақидаги васият ва амирларнинг тиз чўкиб қасам ичганларини ипидан игнасигача қайта-қайта сўради.

Кўп ўтмай унга амирзода Халил Султоннинг ўзини бобо тахти мероси ўлароқ эълон этганлиги хабари етиб келди.

– Энди ишлар чигаллашади! – деди амир Сулаймоншоҳ отаси ўлимидан сўнг руҳи тушиб, шашти пасайиб қолган хотини Султонбахтбегимга ташвишли оҳангда, эрхотин нонушта қиларкан.

– Аслида барча амирзодалар қардошим Шохруҳмирзо атрофларида бирлашганлари маъқул эди, – жавоб қилди малика бўғиқ овозда ўз чодирида ер билан битта бўлиб ғамгин ўтирар экан. – Бу аҳволда қиблагоҳимиз раҳматлининг давлати улоқ-улоқ бўлиб кетади.

– Улоқ эмас, катта кўпқари бошланди деяверинг, маликам. Бу тахту салтанат талошида унча-бунча амирзоданинг ўзларини ҳаммадан ақлли ва доно санаган азиз бошлари кетиб қолиши даму дақиқа масаласига ўхшайди. Худойликни айтганда улуғ хоқон раҳматлининг ҳақиқий тахт вориси айна замонда Шохруҳмирзо. Бироқ Ҳирот ҳукмдоридан ёши улуғ бўлган Жаҳонгир, Умаршайх ва Мироншоҳнинг авлодлари амакилари сўзига қулоқ соладиганга ўхшамайдилар. Отамизнинг ёши амакимиздан катта. Модомики, улар бобомиз тахтига ўтирмас эканлар, бу салтанат бизга тегишлидир дея фикр қиладилар ва ҳар бири ўзини қонуний ворису ҳукмдор санайди. Бу кўпқари оқибатида ҳеч бир темурийзоданинг ёнига қору фойда қолмайди. Улар не қадар баҳслашибу қасдлашиб, шиддат-ла тожу тахт чортоғига от қўйсалар, бобомерос мулки давлат, тахти салтанат шу қадар солланиб, парчаланаверади.

– Ишқилиб, бу хатарли ўйинларга ўзингиз ҳам арала-

шиб қолманг-да! – деди малика эрининг кимсага мирламас феъл-атворидан хавотирланиб.

– Ўзинг учун ўл етим деганларидек, томошабин бўлиб, ким улуғ хоқон тахтини эгаллар экан ва унга хизмат қилар эканман дея осмонга қараб ўтириб ҳам бўлмайди, маликаи олиялари. Кучингни ҳис этиб, сен-ла ҳисоблашмаганлари кунни, ҳеч кимга керагинг бўлмай қолади ва тап тортмай йўлдан олиб ташлайдилар. Қудратингни ҳис этиб турсаларгина гапингни гап билиб, сени одаму ҳукмдор ўрнида кўрадилар. Қолаверса, менинг ҳам ҳеч бир амирзодадан кам жойим йўқ. Ўша валиаҳду Халил Султон деганлари менинг олдимда ким бўлибди? Қўшим билан бошкентга яқин турганимда мен ҳам бемалол Кўктошга ўтирар эдим. Ҳеч ким йўлимни тўса олмас эди.

– Шу фикру ўй-ла ҳаракат этар экансиз, бошингизга бир балони орттирасиз! – деди ким бўлмасин эркак зоти-га сўзини бермаган Султонбахтбегим эрининг кўзига тик боқиб. – Шу ғавғо-ю хархашага бир сиз етишмай турган эдингиз!

– Етишиб етишмаганимни сендан сўрамайман! Аёл-лигингда туриб, завжаликнинг маълум чегарасидан ўтма! Отаннинг оғзини ели, сенинг ул кишимнинг номларидан иш битириб юрган дамлар ўтиб кетди. Энди ҳамма ўз кўмачига кул тортади.

– Отамнинг кўзи очиқлигида ҳам сўзимга қулоқ солмас эдингиз! Энди гапимга кирармидингиз, – бўш келмади малика.

– Нега энди сенинг сўзингга кириб, иш юритишим керак? Улуғ хоқон бу вилоятни сенга эмас, менга берганлар! Шундай экан, ўз ўрнингни билиб, гапингни ўйлаб гапир!

Амир шундай деганча малика, чодирни эшигини қарсиллатиб ёпди. Хотинининг гапи оғзида қолди.

Сен билан дардлашиб, ичини ёрган мен аҳмоқ, ўйлади шахдам одим ташлаганча ўз саропардаси томон юраркан.

Бироқ кун ботиш тарафдан келаётган ғала-ғовур ва от дупури сасидан фикри бўлинди.

Эллик чоғли суворий оти жиловини бўш қўйганча амир саропардаси томон учиб келарди. Юз қадамча қолганда отликлар тўзон кўтариб тўхташди. Улар орасидан бири отидан тушиб, ўзи томон келарди. Амирнинг қоровул ва ясовуллари унга бош эгиб таъзим этишарди.

Амирзодалардан бири шекилли. Акс ҳолда, одамларим унга бундай ҳурмат кўрсатишмас эди, хаёлидан ўтди амирнинг.

Амир Сулаймоншоҳ ақрабоси Султон Ҳусайнни таниди. Ўнинг оёқ босиши ва хатти-ҳаракати ўз обрў-эътибори билан ҳузурига келаётган амирзодани эмас, қочқинни эслатарди. Бу палакат қайдан пайдо бўлди, фикр қилди унинг яхшилик ва хайрли хабар билан келмаётганини кўнгли сезиб. Бу ўйинбузуқининг ортидан бирорта амирзода ёки уларнинг лашкари қувиб келмаётган бўлсин, ишқилиб.

Неча йилдан бери учрашмаган қариндошлар қучоқлашиб кўришдилар.

– Ота юртдан турли хушу нохуш хабарларни эшитиб, сиқилиб турган эдим, жигарим! Хўп вақтида келдингиз-да!  
– деди амир Сулаймоншоҳ бўласининг елкасига қўлини қўйганча илиқ қаршилаб, саропардаси томон бошлар экан. – Не шамоллар учирди биз томонга?

– Эпкину шамоллар кўп, амирбек! Қайси бирини айтай?!  
– деди Султон Ҳусайн белбоғи билан юз ва бўйин терини артар экан. – Ижозатингиз билан бир таҳорат қилиб, ювиниб олай. Сўнгра бафуржа суҳбатлашамиз, – сўзида давом этди гапни нимадан бошлашини билмай.

– Майли, майли. Ювиниб-тараниб ўзингизга келинг, амирзодам. Мен ташрифингиз шарафига муносиб бир зиёфат тартиб эттирайин. Дастурхон бошида бафуржа отамлашамиз, – деди амир мулозимларга хизмат этишни буюраркан.

Амирзода Султон Ҳусайн кўчма ҳаммом ва мачит вази-фасини ўтовчи ёғоч бино сари юрди. Амир Сулаймоншоҳ эса чоғирчи-ю ошчи, дастурхончи-ю фаррошларга кўрсатма берарди.

Хоними билан бўлиб ўтган тортишувдан кўнгли хижил амирнинг чоғир ичгиси келарди. Доим шундай бўлади. Хоними билан ғижиллашдимиз, кўнгли беихтиёр ички тусайверади. Қўноғи ҳаммомдан чиққунга қадар саропарда саҳнида наридани бери бориб келар, амирзоданинг авзойидан иши хуржунлигини сезган эди. Юзу тери қалинлиги бўйича кимсани олдига ўтказмайдиган ақрабомиз не ҳаводислар билан келди экан, ҳамон ўйларди амир Сулаймоншоҳ. У туғма ғавғочи. Қаерда бўлмасин, бир жанжални бошлаб юради. Юқорини ел, этакни сел олса ҳам парвойига келмайди. Эътиборидан қолган бобонинг ўтишидан ичида қониқиб туйган биринчи киши ҳам шу бўлса керак. Дунёни сув босса тўпиғига келмас бир кайфиятда юрибди дейишганди. Ҳозир ҳам бир фалокатни бошлаб қочиб келган бўлса керак. Бироқ ташқарига битган кўзи олма кесак териб, тоғни ютиб юборса ҳам ўзига сув юқтирмайди.

– Қани тўрга ўтинг, амирзодам, – деди амир Сулаймоншоҳ кўноқни улкан зиёфат суфрасининг тўрига тақлиф этаркан. – Аввал ўзимиз бироз чоғир ичиб, суҳбатлашайлик. Сўнгра бек ва мингбошиларимизни даъват этамиз. Гурунглашмаганимизга ҳам анча бўлди. Қавми қариндошлар, ёру дўстлар омонми? Ҳироту Самарқандда не гаплар? – ичи қизирди амирнинг.

– Бошкенту Ҳиротда ўзингиз билан хешларингиз иш бошида. Фақат бир-иккита бузуқининг қутқусига учиб, Халил Султон билан орамизга совуқчилик тушди. Савашмасакда, черикларимиз бир-бирига қарама-қарши келдилар, – гапни узоқдан бошлади тусмоллаб унинг юрагига қўл соларкан.

– Йўғ-е? Қандай қилиб? Сизда амирзода Халил Султонга қарши турадиган лашкар бормиди? – ҳайрон бўлди амир.

– Бу қўшинни амирзоданинг ўзи менга бериб, қардош рақиби Пирмуҳаммаднинг устига черик тортишимни сўради. Бу ишнинг янглишлигини не қадар англатмоққа уринмайин, кўнмади. Йўқ деб бош тортсам, бошқа фикрга бормасин дея ўйлаб, ўлганимнинг кунидан рози бўлдим. Йўлнинг ярмига етганимизда амирлар валиаҳдга қарши қилич кўтариш яхшиликка олиб бормаслигини айтиб, бу юришдан воз кечишимни сўрадилар. Не қиларимни билмай бошим қотди. Амирлар билан узоқ маслаҳатлашдик. Уларга ҳукмдор фармони бажармасак, у барчамизни яғий эълон этиб, асосий қўшини билан устимизга босиб келишини англатдим. Улар ўзаро маслаҳатлашиб, Халил Султонни тахтдан ағдариб, ўрнига мени ўтказмоққа қарор қилибдилар. Не қадар эътироз билдирмайин, ҳолижонимга қўймадилар. Кейин билсам, бунинг бари ҳийла, тузоқ экан. Мендан қутулишнинг бошқа йўлини тополмаган Халил Султон уюштирган экан бу фитнани, – бостириб чоғир ичганча жиддий қиёфада кўнишарди Султон Ҳусайн.

– Ҳеч тушунмадим? Нечун қўлингизга шунча қўшинни бериб қўйиб, бу фитнани уюштиради? Бу ўзи учун ҳам ғоят хатарли ўйин-ку? – ҳайрон бўлиб сўради амир Сулаймоншоҳ.

– Сўзимни сўнгига қадар эшитинг, амирим. Сўнг-ра маълум бўлдики, ул хотинпошшо қўшин Кешдан чиқаётганда амирлар Темирхожа билан Хожа Юсуфга мени гумдон қилмоқвазифасини юклаган экан. Гувохларим ёнимда. Девонбеги Жондор Халақчи билан амирлашкар Алканут мен билан бирга келдилар. Бу суиқасдни улар сезиб қолишибди-да, икки хоин амирнинг жойини солибдилар.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Темирхожа билан Хожа Юсуф ўлдирилдими? – кўз каси каттариб сўради амир.

– Маҳв этишмаса, иккиси мени ўлдиришар экан. Уларга бекор қилибсизлар дедим. Бироқ бўлар иш бўлиб бўёғи синган эди, – каловланди амирзода.

– Тавба! Тавба! – деди амир кайфи тарқагандек бошини соллар экан. – Улар улуғ бобомиз ҳазратларининг энг яқин дўст ва беклари эдилар. Ота ва бобонинг дўсту қадрдонларига бундай муносабатда бўлмоқ кечирилмас жиноятдир.

– Мен ҳам шу фикрдаман. Одамларнинг қони тўкилмасин дея тўрт тарафга от қўйиб юрганимда юз берган бу фожиа. Иккисини ҳам онасидан қайта туғма қилдим. Жазоласам бўлмайди. Бири ота, иккинчиси катта эна авлодим.

– Хуллас, амирзода билан тўқнашув юз бердими? – боши қотган эди амирнинг.

– Юз бермади, амирим. Мени йўлдан урганлар Чекдалик мавзесига етганимизда Халил Султон тарафга қочиб ўтиб кетдилар. Яна ёмонотлиғ мен бўлиб қолдим. Юз чоғли черигим билан аранг бошимни қутқариб, ҳузурингизга етишдим, – дами чиқиб кетган оҳангда сўзига якун ясади Султон Ҳусайн.

– Демак, шундай денг, жигарим. Бободан кейинги илк ўзаро тўқнашув юз берибди-да. Бу нохуш ҳолат истаймизми, истамаймизми бошқа исёну ғалаён, бошбошдоқлигу бўйин товлашларга пойдевор бўлиб хизмат қилмаса деб қўрқаман. Душману нохайрихоҳларимиз эса сочимизнинг тукидан кўп. Фақат куч-қудратимиз, қиличу найзамиздан қўрқиб думларини қисиб юрибдилар. Билиб-билмай исёну фитна отабини кавлаб қўйибсизлар. Эрта кунда бу янглиш ишнинг ҳисобини беришга тўғри келади, амирзодам.

– Бир бошга бир ўлим, амирим. Мен ҳам ўзимни юзда юз оқламоқчи эмасман. Бенуқсон парвардигор. Бироқ шу

нохуш ҳодиса юз берди. Бундан ким хафа-ю, ким мамнун билмадим. Шу нарсани сизга аниқ айтмоғим керакки, ҳар қандай вазиятда сиз ила мен бир бўлишимиз, улуғ бобомизнинг мулки давлати фақат ота авлодларга тегишли дея ҳукм чиқаргувчиларга қарши мардонавор туришимиз керак. Йўқса улар бизни ер билан яксон қиладилар. Бунга имкон бермаслигимиз лозим. Ҳақманми, ноҳақманми шу фикрдаман. Яна сиз не десангиз, амрингизга бўйсуниб, айтганингизни қиламан. Акс ҳолда барчадин яқин тутиб, паноҳингизга келмас эдим. Улар ҳеч қачон бизга ўнг кўз билан қараб, яхшилиқ тилаб, яхшилиқ қилмайдилар. Сиз буларни мендан яхши биласиз, амирим, – бира тўла ҳужумга ўтди Султон Ҳусайн амирнинг савол беравериб овора этмасдан. – Бир мақсадга эришамиз ёки бит қисган жўжадай қисиниб-қимтиниб юраверамиз.

Амир Сулаймоншоҳ асосли ва дадил бу фикрлар қаршисида не демоғини билмай бир муддат каловланиб қолди. У мавзунинг бу даражада чуқурлашиб, Самарқанду Ҳирот ҳукуматига қарши қарийб исёнга айланиб кетишига руҳан ҳозир эмас эди. Меҳмон меҳмонни хуш кўрмас, уй эгаси иккисини ҳам деганларидек, амир Сулаймоншоҳ икки акрабо ҳукмдорга ҳам жуда илиқ боқмаса-да, ашаддий душман ҳам, юзда-юз дўстлигу хайрихоҳлик мақомида ҳам эмас эди. Бироқ бу, Султон Ҳусайн деган хешига ҳам ишониб бўлмайти. Унга ҳеч ким инончу эътиқод кўзи ила боқмайти. У ўзининг телба-тескари хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзлари билан қон-қариндош, дўсту бегонанинг эътиборидан қолган. Бироқ гапга қалпоқ кийдириб, кимсага сўзини бермайти, мирламайти. Унча бунча амиру амирзодани Сайхунга элтса-да, сувсиз қайтариб келмоқнинг уддасидан чиқади. Халил Султон билан бўлиб ўтган ғавғода ишқални ўзи бошлаган бўлса керак. Халил Султоннинг кўшини валиаҳд Пирмуҳаммадга қарши жангга киришни истамаслиги воқеасига ишонса бўлади. Бироқ Султон

Хусайнга қасам ичиб, Самарқанд ҳукмдорига зид ўлароқ қилич кўтариш мумкин эрмас. Айтишларича, у бобо Амир Соҳибқирон ҳазратларининг хазинасини аллақачон нав-кару суворий, сипоҳийу кўмондонларга улашиб бўлган. Улуфа-ю маошни ким кўп берса, кўшин шу томонда бўлади. Султон Хусайнда бундай имкону қудрат йўқ. Унинг иши четини солиб, сувни лойқалатиб, ўз муддаосига эришмоқ. Бунга ҳеч бир теурий бекзода изн бермаса керак. Улар ҳўкиз болтадан тоймас дегандек, бу ўжар ва дўнгбўйин амирзода чекинадиган кўринмайди. Ҳатто Шохруҳмирзони ҳам тан олмай ўзини қора тортиб келибди. Начора, кўкрагидан итариб бўлмайди. Барча амирзода-ю кўмондонлар оёқ-яланг бўлиб иттифоқдош излаб юрганда бунинг ҳузурига келиши, тан олиши демак. Бу амирзоданинг орқасида ҳам ўзига яраша куч ва одами, уруғ-аймоғи бор. Тентакка тел бер, кўлига бел бер дегандай, алдаб-сулдаб йўлга солиш, мақсаду ҳадаф йўлида фойдаланиш керак. Душман бўлганидан дўст ўлмоғи афзалдир. Уни пахта ила бўғизлаб турмоққа тўғри келади. Дўстларингни ўзингдан узоқлатма, душманларингни янада яқинроқ тут нақлига амал қилиш жоизга ўхшайди. Қолганига худо пошшодур.

– Хў-ўш, энди не қилмоқчисиз? – сўради узоқ ўйга толган амир Сулаймоншоҳ ўзини бепарволикка солганча ўсмоқчилаб, чоғир ҳўплар экан. – Сиз барчамиз каби улуғ хоқон ҳазратларининг набиралари ўлмоқ баробарида амир Муҳаммад ибн амир Мусонинг фарзандлари, бобомизнинг севимли завжаи муҳтарамалари Бибиixonиму Туман оқанинг жиянларидирсизки, барча амирзодалар каби бу мулки салтанатда ҳақ-ҳуқуққа эгасиз.

– Бошимизда, сиз – азиз устоз амирим турсалар, биз каби ёши кичиклар хизматингизда бўлиб, мулки давлатингиз барқарорлиги ва абадийлигини таъмин этсак, ўйлайманким, жондор тўла бу салтанат ўрмонида хавф-ха-

тарсиз яшаяжакмиз. Акс ҳолда Сайхуннинг ўнг ёки сўл соҳилида улуғ бобомиз тахтига кўз тикибу ёпишиб олган икки кучдан бирининг ўлжасига айланишимиз муаққадир. Улар бугун менга қандай муносабатда бўлиб, отаси бошқа чиғириқдан ташқари дея кўкрагимдан итарган бўлсалар, эртага навбат сизга келади. Биз ўзаро аҳил бўлиб, қўшинларимиз биргалиқда машқ қилиб, от чоптириб аҳди-паймонни бир ерга қўйсақ, муносабатлари ҳам ўзгача бўлади. Биз ила ҳисоблашадилар деган фикрдамен, – кўзини суҳбатдоши нигоҳидан олиб қочиб фикрини баён этарди Султон Ҳусайн.

– Сизни билмадим, амирзодам, бироқ мен улуғ бобом тахтларига даъвогар эмасман. Менинг назаримда, бу ҳақ-ҳуқуққа энг муносиб киши улуғимиз Шохруҳмирзо ҳазратларидир. Бобом зоти олийлари бош фарзанд авлоди, қолаверса, мамлакат тинчлиги, жўчи-ю бўжиларнинг юртни оёқ ости қилмасликларини ўйлаб, онаси Хонзодабегим ўшалардан бўлмиш Пирмуҳаммад Мирзони валиаҳд ўлароқ атаган бўлишлари мумкин. Бироқ эл-улус ўзича улуғ хоқоннинг набирасидан кўра ўғлининг бевосита амри фармон берганини маъқул кўрмоқда. Бобомизнинг кўзлари очиклигида вазият бошқа эди. Бугун эса мутлақо ўзгачадир. Бобомиз ҳазратларининг қайтишларини қўй сўйиб, қўл бузиб нишонлаган, байрам қилган қавми қабилалар бор. Бундай ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қаршимизда турган воқелиқдан кўз юмиб бўлмайди, амирзодам.

– Бундай шаккокликларни мен ҳам эшитдим, амирим, – деди суҳбатдошининг гапини маъқуллаб Султон Ҳусайн.

– Шундай экан, янглишмоқлик, хато қилмоқлик ва ҳаддидан ошмоқликни яғийу нохайрихоҳларга қолдириб, ҳадафларига етмоқликлари учун уларга ҳеч бир имкон бермаслигимиз, Чекдалиқда юз берган каби тўқнашувларнинг олдини олмоғимиз керак деган фикрдамен, – амирзоданинг кўзига тик боқароқ сўйлади Сулаймоншоҳ.

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

– Сўзларингиз тўғридир, ҳақ бераман сизга, – амирнинг фикрига қўшилди амирзода. – Бироқ ушбу салтанат кўп-карисида кўп нарсалар сизу бизга боғлиққа ўхшамайди. Ақчани берган сурнайни чалар деганларидек, карнайу сурнайни хешу ақроболаримиз чалмоқдаки, бу тўс-тўполондан неки йиқилса, аларнинг бошига тушажақдир.

– Бировга ўлим тилагандан кўра ўзингга умр сўра деганларидек, биз ўша хешу ақрабо, яқинларимиз шарофати туфайли шу мартабаю мавқеларга эришиб юрибмиз. Султон Соҳибқирон ҳазратларисиз аслида ҳеч биримиз ҳеч ким бўлмас эдик, амирзодам, – мулоҳазакор оҳангда кўнишарди амир Сулаймоншоҳ.

– Бизнинг ота-боболаримиз буюк қоон Чингизхон билан бу юртларни забт этган. Номига бўлса-да, бизнинг чингизий хонларимиз Чиғатой улусини сўраб турибдилар. Сизу биз каби хонзодаларнинг ҳокимият тепасига келиши ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир ақроболаримизга ўтиражак жойларини кўрсатиб қўймоқ демақдир, улуғ амирим. Сизким, кимсан Чиғатой улусининг хони амир Қозонхоннинг набирасисиз. Керак бўлса сиз, сизнинг авлодингиз билан бобомиз Амир Темур ҳазратлари ҳам ҳисоблашганлар. Сиз бировнинг тожи-тахти, мулки давлатини сўраб ёки тортиб олаётганингиз йўқ. Отамерос салтанатингизни йўнатмоқда давом этмоқдасиз. Кимсанинг ҳақ-ҳуқуқига тажовуз этмаётирсиз...

– Бу дегани Туркистону Хуросон юртидаги темурийзодалар мулки давлатига кўз олайтириб, бобо бошкенти томон от қўймоқ керак дегани эмасдир, амирзодам, – Султон Ҳусайннинг гапини бўлди амир Сулаймоншоҳ.

– Унда уларнинг устимизга от қўйиб келмоқларини кутиб ўтиришга тўғри келади, улуғ амирим, – деди амирзода улуғ сўзини амир исмига иккинчи бор қўшиб айтаркан.

– Мен ҳурматли тағойиларимизнинг бул каби ишларга қўл уришларига ишонмайман. Уларнинг биздан бўлак

отаю онаси бошқа яғийлари ҳам етиб ортади. Эс-ҳуши жойида, ақли бошида бўлган ҳукмдор ўз оға-иниси, хешу табори орасидан душман изламайди.

– Аксар ҳолларда жўчию чиғатой, ўқтою тулуй улусларида бўлмасин, тахтдаги ҳукмдорнинг жойини унинг ўрнини эгаллаяжак қардоши солган, амирим. Обрў ошдан, ғавғо қариндошдан. Ёғ еганда ёш яхши, қон ичганда қариндош, – бўш келмас эди Султон Ҳусайн. – Замон, даври даврон шунақа. Пушти камарингдан бўлган болангизга ҳам ишониб бўлмайди.

– Ёлғизингни ёмонласанг ётнинг меҳри кўтарилар деганларидек, ўз-ўзимизга тош отаверсак, билмадим, бу ёғи неча пулга тушади? Тепасида турганимиз ҳудуду вилоятлардаги халқлар бизни жондан ортиқ суйганидан ҳукуматлари тахтида ушлаб турганлари йўқ, амирзодам. Ўлганларининг кунидан сўзимизга кириб, айтганимизга кўниб туришибди. Имконлари туғилгани замоноқ Самарқанд йўлини кўрсатадилар. Бу тожу тахт, бу мулки давлат, бу дабдабаю асъаса рўёга айланиб, ақллию аҳмоқнинг оғзида афсонага айланади. Кўса қариганини, аҳмоқ хориганини билмас дегандай, буни англаб етмаган амирзодаю қулзодаларимиз бу аҳволда ҳали-бери ўзларига келадиганга ўхшамайдилар, – амирзоданинг ўзига босим ўтказаетганидан энсаси қотган эди Сулаймоншоҳнинг.

– Юқорида қайд этганим каби сиз не десангиз розиман, улуғ амирим. Ишқилиб, ишу тирикчилигимиз болта келгунча кунда дам олибди қабилида бўлиб чиқмаса деб кўрқаман. У тарафдаги вазиятдан не қадар хабарингиз бор, билмадим. Бироқ бир нарса аниққи, бобо тахти ва мавқеси учун талашаётган уч катта куч – Шоҳруҳмирзою Халил Султон ҳамда Кўктошни тушида кўриб юрган Пирмуҳаммадлар ҳеч қачон ва ҳеч замон англаша олмайдилар. Ўлжасини пойлаган бенгал арслони каби бир-

бирларининг оёғи тойишини кутиб ётишибди. Кўрасиз, Шоҳруҳмирзо ҳазратларини билмадиму, вақти замони етиб, қолган тўқимтойларнинг тўқими оғир келиб қолади.

– Айтишларича, улуғ бобомиз хазинасидаги олтину жавоҳирлар тугаган куни Самарқанд султони Халил Султоннинг ҳам тахти давлати битар эмиш, – амирзоданинг кўп гапириб бошини қотираётганидан ғаши келарди амирнинг.

– Агар айтганингиз каби амирзодалар орасида қирғин-барот бошланиб кетса, улар Султон Соҳибқирон тиклаган улуғ давлату салтанатнинг етти номусини ерга урадилар.

– Икки лочин талашиб бир қарғага ем тушар дегандек, валиаҳду Шоҳруҳмирзо тўқнашгудек бўлса тилга олганингиз хотинпошшо қарғага жуда катта ўлжа тушиши турган гап.

– Шоҳруҳмирзо ҳазратлари бу каби сулолаю салтанат илдизига болта уражак хатти-ҳаракатларда ғоят эҳтиётла, тамкинли даврансалар керак деб ўйлайман. Салтанат пойдеворига солинажак хавф-хатар жуда катта бўлмаса ул кишим жангу жадалларга кирмайдилар.

– Мен бунга ишонмайман. Хуросон қўшини Самарқанд сари от қўйиб, Энадарё саҳнидан неча бор ортга қайтгани ёлғиз худогаю мирзо ҳазратларининг ўзларига аёндур. Чўчиб турибдилар. Халил Султонни синдиришга кучлари етган куни бир сонияю дақиқа ҳам бекламай бошкент сари от қўядилар, – чекинмоқ истамасди иддаоли амирзода Султон Ҳусайн.

– Бундай гап-сўзлар сизу бизнинг оғзимиздан чиқмаслиги керак, амирзодам. Эшитган қулоққа яхши эмас. Айни дамда бизнинг энг бош ва сўнги умидхонамиз подшоҳ Шоҳруҳмирзо ҳазрати олийларининг Ҳиротдаги саройидир. Айни дамда дўсту душман баробар ул ҳазратни Султон Соҳибқирондан кейинги ворис ўлароқ санайди. Ҳикоясини қилганингиз Халил Султон не қадар

кетини Кўктошга ишқамасин, Шохруҳмирзо бўлолмайти ва эл-улус уни тан олмайти. Раият кўрққанидан, юрт эмну омонлигини ўйлаб унга бўйсуниб, сукут сақлаб турибди. Энадарё томондан сал кучлироқ эпкин эссин, ана шунда кўрасиз турумни. Ер ўқидан ўйнаса керак.

– Унга қадар мирзомизнинг ишларини валиаҳд амирзо-дамиз ҳал этмасалар, – пичинг қилди Султон Ҳусайн.

– Эр йигит элига, белига ва тилига ҳоким бўлмоғи керак, жигарим. Бошинга не бало келса, бировданмас, ўзингдан кўр. Билиб-билмай, кўриб-кўрмай айтган ноқис сўзингдан кўр деган каби бўлиб чиқмасин. Тил югуриги мудом шоҳу гадо бўлмасин киши бошига бало бўлиб келган, – асабийлаша бошлаганди амир. – Сиз бу тахлит кўнишиб, ҳурматли тағойимизга нисбатан яғийлик мақомида турсангиз, англаша олмаимиз. Ҳар бир Соҳибқирон авлоди арвани дуч келган тарафга қараб тортаверса, охир-оқибат ақл бовар қилмас хоинлигу исёнларга маъруз қоламиз.

– Мен ҳеч кимсага ва ҳеч қачон душманлик мақомида турмаганман ва турмайман, амирим. Тўғрим, нотўғрим, сиз каби энг яқин ва ишонгану суянган тоғим, қон-қардошимга дардимни айтмоқдаман, холос. Тўғрисини тингланг. Номақбулини қолдиринг. Ҳеч бир фикримни сизга юзда-юз қабул этинг дея мажбур этмоқ ниятидан йироқман, – суҳбатдошидан нигоҳини олиб қочиб ялтоқланди амирзода режалаган ўйинининг бузилиб қолишидан чўчиб. – Қадрли тағойимиз подшоҳдан кўра кўпроқ Ҳиротдаги жомеъ масжиди имомига менгзайдилар. Тахти салтанатни бош маликалари Гавҳаршодбегим Фиёсиддин Тархон Найман қизига топшириб, тоат-ибодат ила машғул бўлиб тарки дунё қилсалар ҳам бўлаверади, – деди амирзода Султон Ҳусайн Сулаймоншоҳнинг Ҳирот ҳокими тарафини олганини ҳазм этолмай.

– Одоб ё ҳу биродар! – овозини баландлатди амир асабийлашиб. – Оғзингизга қараб гапиринг. Шохруҳподшоҳ

ҳазратлари зако уфқи кенгиш, буюк юракли, шарафли инсон ва ҳукмдордир! Ул зоти олийлари ҳақида не фикрда бўлмоқ виждонингизга ҳавола. Бироқ менинг ҳузуримда бундай нобоп сўзларни сўйламагингизни ҳазм эта олмайман ва рухсат этмайман! Шу феъли атвор ҳамда оҳангда кўнишмоқда давом этар экансиз, саропарданинг қопусини кўрсатмоқ мажбуриятида қолгум, амирзодам! Қусурга боқмайсиз! – хит бўлганди амир Сулаймоншоҳ.

– Сўйлаганим каби янглиш сўзимни ҳар замон қайтиб оладурман, улуғ амирим. Мен ҳам бу гапларни одамлардан эшитдим. Ўзим ҳеч қачон бундай фикрга бормаганман ва бормагайман, – фикру гап оҳангини юмшатгандек каловланди амирзода. – Ортиқча сўзларим ила кўнгилларига тегиб, дилларини оғритган бўлсам, бир қошиқ қонимдан кечсинлар!

– Яхшиси, емаклардан еб, ичкилардан ичинг! – деди амир қариндоши билан бўлаётган баҳсу мунозарага чек қўйиб. – Мулки давлатдорлик, қуда онтичилик доимо қонқариндошлар орасига хусумату ишончсизлик, ғавғою хархаша солиб келган. Бизга ҳеч қачон тегмаяжак бобо тахти учун кўтан керишиб, ёқа-поча бўлишимизда ҳеч бир маъною мақсад йўқдур! – дея мунозарага нуқта қўйган бўлди амир Сулаймоншоҳ. – Яхшиси, агар билсангиз менга айни галдаги энг севимпи рақибингиз Халил Султонга бу исмнинг берилиш тарихини сўзлаб беринг. Буюк бибимизнинг шу отлиқ бир амакилари бўлган ва улуғ бобомиз шу кишига эътиқоду ҳурматлари боис амирзодани у кишининг отлари билан атаган дейдилар. Шу тўғрими? – суҳбат мавзусини ўзгартирди саропарда соҳиби.

– Тўғри сўзлайдурсиз, улуғ амирим. – Ҳамон пахта қўярди амирзода. – Буюк бибимиз Сароймулкхоним маликаи олияларининг қиблагоҳлари Қозон Султоннинг Халил Султон исмли кичик қардошлари бўлган. Ул кишим

ҳазрат Баҳоуддин Нақшбандийнинг устоз ва дўсти бўлганлар. Амир Соҳибқирон бобомиз ўшал амакимизга туйган эътиқодлари туфайли амирзодага шу номни берганлар, – амирнинг саволини жавоблантирди Султон Ҳусайн.

– Тушунарли. Энди амиру қўмондонларимизни ҳам ошлоғимизга даъват этиб, бироз суҳбатлашайлик. Улар сулола ва салтанатимизга доир, оила орасида ҳал бўлмоғи лозим масалаларни билишлари шарт эмас. Қўнишмоқда бироз диққатли бўлсангиз, – амирзодани огоҳлантирган бўлди Сулаймоншоҳ.

Султон Ҳусайн чоғир ҳўплаганча бош ирғади.

## **ЎН ТЎҚҚИЗИНЧИ БОБ**

*Дунёнинг кенглидан не фойда,  
сенинг этигинг тор бўлса.*

**Ўразбой АБДУРАҲМОНОВ**

Амир Сулаймоншоҳ не қадар рўйхуш бермасин, илк кечадаги мунозараю муноқаша кейин ҳам давом этди. Мезбон меҳмоннинг асл ниятини билмоқ учун ичидагисини сиртига чиқаришга қўйиб берди.

Амирзода Султон Ҳусайнни не қадар диққат билан узоқ тинглар экан, унинг гапида жон бор шекилли дея фикр қилди. Бекорга жонини жабборга бериб менга бу гапларни айтмаётир дея ўйлай бошлади.

Энди у Шоҳруҳмирзога тил теккизмаган ҳолда ғийбату нафрат тошини Халил Султон ва Пирмуҳаммад мирзолар томон отарди.

Кўп ўтмай бу тошламанинг ҳам сири очилди. Сир очилдию, яна амир Сулаймоншоҳ ноқулай ҳолатда қолди. Не қиларини билмай, боши қотди.

Амирзода Султон Ҳусайннинг кайфи чоғ, бекорчиликдан Тус даштида кунларини ов қилиб ўтказарди. Энг муҳими, у

амир Сулаймоншоҳ билан ўзаро англашиб, аҳди-паймон қилди. Кўзлари очиқ экан, иттифоқчи ўлароқ бир-бирларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя этмоқ учун Қуръони каримни ўртага қўшиб қасамёд этдилар.

Султон Ҳусайн учун тинч ва осойишта кунлар бошлангандек эди. Бироқ бир мактубдан сўнг бу сокин дамлар барҳам топди. Чопарнинг Сулаймоншоҳга олиб келган хати Пирмуҳаммад мирзодан бўлиб, қисқа ва қатъий эди.

*“Сулаймоншоҳ! Хат – каломни қалам-ла қалбга улаштирмоқ воситасидир. Мактубим элингга етиб бориши билан душманам Султон Ҳусайнни тугиб, менинг ҳузуримга юбор! Бунинг сабабини, бу шарафсиз гумроҳнинг менинг ҳарамим Хоника бегим номуси ва мол-мулкига қилган тажовузу хиёнатини ул муртаднинг ўзидан сўр! Гап тамом! Вассалом!”*

– Истасангиз, бу мактубга жавоб бера билурсиз. Хоҳласангиз, йиртиб отишингиз ҳам мумкин, – деди амир Сулаймоншоҳ мактуб битган киши ким бўлибди деган оҳангда.

– Ўнта Пирмуҳаммад каби валиаҳди сиздек улуғ амири-мизнинг олдиларида ўтаверсин! – деди Сулаймоншоҳнинг мактубга бўлган муносабатидан бир қоп семирган Султон Ҳусайн.

– Биз сиз ила аҳди-паймонни бир жойга қўйганмиз ва ҳеч қачон сўзимиздан қайтмаймиз. Улар улуғ бобомиз сояи давлатларида бир оғиз сўзу икки энлик мактуб билан иш битириб ўрганганлар. У замон, давру давронлар ўтиб кетди. Энди керак бўлса ҳар ким ўзига тегишли ҳар қарич ҳудуд, қалъаю қўрғон учун қону жон бахшида этароқ мулки давлатини сақлаб қолиши мумкин. Ўрмонда тўс-тўполон бошланса одатда шеру айиқлар, бўрию тўнғизлар қолиб кетиб, шалпангқулоқ қуёну олмахонлар ем бўладилар. Иқтидор мужодаласида ҳам шундай. Султон Соҳибқирон ҳазратларининг фарзандлари турганда бобо тахтига

даъвогар бўлган тахтпарастлар охир-оқибатда олмахону қуёнлар ҳолига тушсалар ажаб эрмас.

Фикрингизга тамоман қўшиламан, – деди ниҳоят амининг ҳам ўзи каби фикрлаб, мушоҳада этаётганидан қониқиш туйган Султон Ҳусайн.

Икки ақрабо ов сайрию чоғир базмига ора бермай давом эттирдилар. Султон Ҳусайн янги давлатпаноҳига ёқиш учун кийикларни амирга отиш қулай бўлган жойларга ҳайдаттирар, ёввойи ўрдакларни туттириб, оёғини боғлатиб, кўлга қўйиб юбортирарди.

Ясовулбоши Атақул Арлотнинг мотамсаро қиёфасига кўзи тушган сархуш амиру амирзоданинг кайфи тарқаб кетди.

– Не ҳаводислар? Нечун бу қадар ташвишли қиёфадасан? – сўради амир Сулаймоншоҳ ясовулбошидан.

– Амирзода Пирмуҳаммаднинг сон-саноксиз Қандаҳор қўшини биз томон ўқдек учиб келаётган эмиш! – деди тили зўрға курмовга келиб Атақул Арлот.

Қадаҳдошлар безрайганча бир-бирларига қараб қолдилар.

– У билан савашмоққа кучимиз етмайди-ку? – дея илк бор нажотталаб нигоҳини Султон Ҳусайнга тикди амир Сулаймоншоҳ. – Ёки қўшинларимизни тўплаб унга қарши турасизми?

– Унинг чериги бизникидан ўн бўлмаса-да, беш-олти баробар кўп бўлса керак. Бундай вазиятда қўшиндан айрилиб қоламизми деган андишадаман, амирим, -- амирзоданинг нигоҳида қўрқув аломати зоҳир эди.

– Қўшиндан ҳам айриламиз. Шу кунга қадар тилимизни саккиз қарич этароқ фалсафа суққанимиз кўп ақлли каллалардан ҳам айрилишга тўғри келади, жигарим. Ҳарамига кўз олайтириб, мол-мулкига тажовуз этганлигини ҳеч бир амирзода кечирмас эди. Мен бўлганимда ҳам шундай тутумда бўлардим. Биласиз, оту аврот муаммоси турк-

ларда ҳаёт-мамот масаласидир. Улар бунинг учун ўлимга ҳам борадилар. Ҳарамни орага қўшиб абгору расво бўлган Султон Йилдирим Боязид қисмати барчамизга сабоқ бўлиши керак эди. Нима, сизга қизу жория қаҳатмиди? Келиб-келиб валиаҳднинг маликасига кўз тикасизми? Бирданига икки ҳукмдор, Халил Султонун Пирмуҳаммадни ўзингизга ашаддий душман қилиб! Шоҳруҳмирзодек кучли подшоҳ ҳам бу каби ишга журъат эта олмайди. Энди нима қиламиз? – ҳайрон бўлганча Султон Ҳусайнга тикилди Сулаймоншоҳ.

– У билан саваша олмаймиз, – деди Султон Ҳусайн бежо кўзлари пирпираб наридан-бери юраркан. – Подшоҳ тағойимиз ҳузурларига борсакмикан? – деди Шоҳруҳмирзони назарда тутиб.

– Тағойининг ортидан тош отиб, гўрига ғишт қалаб ўтирган эдингиз. Ул кишимни ҳам лақиллатиб, Самарқанд сари қочгансиз! Бунинг устига бошкентга ҳужум. Хоника бегим муаммоси. Тағойингиз шунча гап-сўздан сўнг қандай қабул қилар эканлар? – боши қотганча елкасини қисди амир.

– Бироқ подшоҳ тағойимиз билан орамизда ҳеч қандай нохуш гап-сўз бўлиб ўтмаган. Фақат мен ҳазрат тағойимизга Самарқандга кетаётганимни айтмадим, холос. Бу унчалик бир гуноҳу азим эмас, назаримда. Бунинг учун узр тиламоққа-да ҳозирмен. Подшоҳ тағойимиз менга қўшин бераман дедилар. Аммо бермадилар. Ҳирот даштида сарсон бўлиб қолиб кетдим. Бироқ хафа бўлганим йўқ...

– Қўшин берганларида худди Халил Султонга қарши юрганингиз каби тағойимиз пойтахтига от қўярмидингиз? – суҳбатдошининг сўзини бўлди амир.

– Подшоҳ тағойимиз ким томон от қўй десалар, шу томонга юрар эдим, – ўзига сув юқтирмасди амирзода.

– Халил Султоннинг сизга қўшин берганлиги ва бу че-

рик билан унинг ўзи томон юрганлигингиз воқеаси подшоҳ тағойимизнинг сизга лашкар бермай не қадар тўғри иш қилганликларининг яна бир исботидир.

Қора терга тушган Султон Ҳусайн ер чизиб қолди.

– Инсон борки, хато қилмоқликдан муҳофаза этилмаган, амирим, – деди Султон Ҳусайн хўрсинган кўйи. – Барчамиз Оллоҳнинг хом сут эмган яратикларимиз.

Амир Сулаймоншоҳ суҳбатдошининг энди ўзини “улуғ амир” дея атамаётганини назардан қочирмади. Менинг унвонимга бу сўзни қўшиб айтманг деб ўзи айтган эди. Шундай экан, кишининг мавқеини уни ўраб турган шароити вазият ҳал этади.

Чоғир ичиб саропардани танг қилиб ўтирган икки бек кўз очиб-юмгунча кўп ҳурматли қочқинга айланаётган эди. Валиаҳд қўшинига қарши туриб савашмасалар, Самарқандми, Ҳиротми, бирор томонга қараб қочмоқ ва жон сақламоққа тўғри келади.

– Тезроқ ҳаракат этмасак бўлмайти, амирим, – деди ичига ғулғула тушиб безовта булаётган Султон Ҳусайн саропарда соҳибининг ўйга толганча ўтириб қолганидан ташвишланиб.

– Шошманг! Қочқинлик чолғусини чолмоққа бемалол улгурамиз. Энг ғалатиси, сиз зоти олийларининг шарофатлари билан мен ўз вилоятимдан мосуво бўлиб ўтирибман. Ана феъли-атворимизга яраша яратганнинг инояти! – димоғида кесатди Сулаймоншоҳ.

Нигоҳи ерга боққан амирзода Султон Ҳусайн сукутда эди.

– Подшоҳ тағойимиз ҳузурига бормоқдан бошқа иложимиз йўқ. Самарқанд йўлини ўзлари энди ҳеч қачон очилмайдиган қилиб беркитиб келганлар, – деди амир анчадан сўнг тушкун оҳангда. – Сафар тадоригини кўра билурсиз. Мен ҳам одамларимга амр бераман, – руҳи сўник эди Сулаймоншоҳнинг.

Ҳирот сари жадал от қамчилаган амир Сулаймоншоҳ ва мирзо Султон Ҳусайн ҳорғин бир аҳволи руҳиятда шаҳарнинг Ироқ дарвозасига етганларида уларни тиш-тирноғигача қуролланган подшоҳ Шохруҳнинг амакиси, Султон Соҳибқироннинг қиблагоҳи Тарағай Баҳодирнинг буюк қардоши Ҳожи Барлос ўғли Нуширвон Барлоснинг суворий минглиги қарши олди.

Дарвоза бош бекчиси қўноқларга кутиб турмоқни айтиб, амир Нуширвон Барлосга киши юборди.

Бирор коса қимиз ичгулик муддат ўтмади. Дарвоза ўнгида саман от минган, етмишларни қоралаб қолган, сийраксоқол, қорачадан келган амир Нуширвон Барлос пайдо бўлди.

Бош бекчига ёнига фақат амир Сулаймоншоҳни чорлашни буюрди.

– Илоннинг ёмон кўрган биткиси инининг оғзида ўсади дегандек буни нечун сутга тўймаган бузоқ каби эргаштириб юрибсан? – деди амир Барлос Сулаймоншоҳ билан от устида саломлашаркан.

– Не қилай? Даргоҳимга бошпана истаб борган экан. Эшигимни беркитиб, кўчага ҳайдай олмадим, – жавоб қилди Сулаймоншоҳ кутилмаган саволдан довдираб.

– Бу наҳснинг касофати сенга ҳам урмаса деган андишадан. Бўлиб ўтган ишлардан хабаринг бордир. Унинг бу ташрифи подшоҳимизни Халил Султонун Пирмуҳаммад мирзо олдида ноқулай турумга солиши тайин.

– Тавбасига таянган. Бундан сўнг бу каби номаъқулнинг нонини емаса керак, – шеригини ҳимоя қилди Сулаймоншоҳ.

– Ўғри билан ғарнинг тавбаси бўлмайди. Наҳс босган одамнинг эса мутлақо, – деди боши қотиб Нуширвон Барлос. – Ҳай, майли. Бориб уни эргаштириб кел. Подшоҳимизнинг қўлларини ўпишга олиб кираман. Не

хурмату марҳамат кўрсатадилар, онҳазрат зоти олийларининг ўзларига аёндир, – хаёли паришон эди Нуширвон Барлоснинг.

Подшоҳ Шохруҳ аммаси Қутлуғ Туркон оғонинг ўғли амир Сулаймоншоҳ ва опаси Оқабегимнинг авлоди мирзо Султон Ҳусайнни хуш қаршилади.

Иккисида юкуниб келиб подшоҳнинг қўли ва пешини ўпдилар.

– Доруломон Ҳиротга келиб ғоят тўғри қилибсизлар. Бу нотинч замону вақтнинг энг тинч, сокин ва фаровон манзили бизнинг бошкентимиз ва саройимиздир. Ташрифларингиздан буруноқ биз вазиру амирларимиз ила кенгашиб, Сарахс вилоятини амир Сулаймоншоҳнинг суюрғоли бўлсин деган қарорга келмоқчи эрдик. Сўзимиз сўз, қароримиз қарордир. Шунингдек, жигарбандимиз амир Сулаймоншоҳга юз минг кабакий динор ва энг яхши отлардан ҳадя этамизки, ҳеч бир замону маконда минган, йўлга чиққан тулпорлари қоқилмасун! Ўз ва биз берган қўшинга бош бўлиб, Хуросон томон юрасиз. У манзилни амирларимиз Мизроббек ва Саййидхожалар ҳимоя этиб турибдилар. Аларга етиб бориб қўшиласиз ва фавқулодда ҳолатларда ўзаро англашароқ фармони олийга кўра ҳаракат этажаксиз. Султон Ҳусайн мирзога ҳам лозим бўлган шарт-шароитлар яратиб берилсун! Ул киши бизнинг ёнимизда бўладилар ҳамда имконлари қадар салтанатимизга хизмат этадилар, – амирзодага ҳам марҳамат кўрсатди подшоҳ.

Султон Ҳусайн ғизиллаб борганча яна ҳукмдорнинг пешини ўпди.

Икки бекланмаган қўноқнинг ташрифи ила боғлиқ қабул ва суҳбат узоққа чўзилмади. Амиру амирзодага кўрсатилган муруввату марҳаматлар расмий эди. Илгаригилари каби самимий суҳбату дардлашувлар бўлмади. Вазияту шароит ҳам буни тақозо этмас, валиаҳд Пирмуҳаммад

қилич сермаб, Андхуду Шибирғон орасида от ўйнатар, Мироншоҳ мирзо Колпуш кенглигига саройпардасини тиккан, Пирмухаммад лашкарининг йўлга чиққанидан хабар топган Халил Султоннинг қоровуллари ҳам дарёнинг шимол соҳилида кезишарди.

Эртаси куни подшоҳ ҳузуридаги хос машваратда уч амир, Абдусамад, Шоҳмалик ва Нуширвон Барлос ўтирарди.

– Амир Сулаймоншоҳ сафар ҳозирлигини кўриб бугун, узоғи билан эртага йўлга чиқсин! Унинг ёнига хос хабарчиларингиздан қўйинг! – буюрди подшоҳ амир Шоҳмаликка. – Мендаги билгиларга кўра бул икки ақрабомиз аҳди паймонни мустаҳкам боғлаган кўринадилар.

– Шундай, онҳазрат, – жавоб қилди амир Шоҳмалик. – Кечаги қабулдан сўнг ташқарига чиққанимизда амир Сулаймоншоҳ мендан Султон Ҳусайнни бирга олиб кетмоққа зоти олийларидан рухсат олиб беришимни сўрадилар. Мен унга бу иш менинг бўйимдан ошажак масъулият эканлигини, кимнинг қаерда ва ким ила баробар бўлишини султонимиз ҳал этадилар дея жавоб бердим. Сўнгра ул кишим бул хусусда амир Нуширвон Барлосдан ҳам кўмак истади. Тўғри англаган бўлсам амир уни жеркиб ташлади, – дея Нуширвон Барлосга қаради амир Шоҳмалик.

– Тўғри сўзлайдурсиз, давлатпаноҳ. Иккисининг тили бирга ўхшайди. Унга қўшимча бирорта суворийу сипоҳий бермоққа лузум йўқдир. Сиз-ла ер шохлаб суҳбатлашган бу нигоҳи қаттиқлардан эҳтиёт бўлмоқ керак. Сулаймоншоҳ ўзининг минглиги билан амир Мизроб ва Саййидхожаларга қўшилаверсин. Бироқ ул икки амиримизга тайинламоқ лозимким, бу хешимизнинг барча хатти-ҳаракатларини кўздан қочирмай, нигоҳлари доирасида тутсинлар. Янглишмасам, амирни мана бу, уч бора дор остидан қочган муттаҳам аллақачон йўлдан уриб, қўйини пуч ёнғоққа тўлдириб бўлган. Кимингиз бўлмасин, одамлар шундай-

дир, султон ҳазратлари. Мақсадлар бирлашган жойда мулку миллат, давлату салтанатнинг асл манфаатларини унутадилар. Иккисининг ҳам хаёли жойида эрмас. Турум тегишдиги он ўйин кўрсатишлари ҳеч гап эмас, – фикрини баён этди амир Нуширвон Барлос. – Қолаверса, аллақачон иккинчи нонкўрнинг масаласини узил-кесил ҳал этмоқ фурсати етгандир.

Амирнинг нега ишорат этаётганлигини англаган Шоҳруҳмирзо ўйга толганча икки амирга тикилиб қараб қолди. Амир Шоҳмалик ва Абдусамад сукутида ҳам Нуширвон Барлос фикрига розилик аломати зоҳир эди.

– Ҳазрат қиблагоҳимиз журъат этмаган ишга биз қўл урсак қандай бўлар экан, устоз? – дея ота қадрдони амир Шоҳмаликка қаради Шоҳруҳ.

– Бу мушкул муаммонинг ўзга ечими йўққа ўхшайдур, онҳазрат. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин Султон Соҳибқирон ҳазратлари даврида ул каззоб Самарқанду Дамашқда икки бора сотқинлик остонасига қадам қўйиб, шундай улўғ бобоси, сулолаю салтанат юзига оёқ босмоққа журъат этган эди. У пайтда давлату ҳукумат, қўшину куч-қудрат шу қадар катта ва қувватли эдики, бу каби хоинликлар унинг илдизига болта уролмасди. Бугунги вазият эса тамоман бошқача. Уч-тўрт нафар амир ўз туманини бирлаштириб, бирор-бир томонга ҳужум этса, давлатнинг қисмату қадари ўзгариб кетиши мумкин. Халил Султоннинг Кўктошга ўтириши кимнинг хаёлига келган ёки тушига кирган эди? Бироқ айни замонда биз бу воқелик ила қарама-қарши турибмиз. Турганда ҳам мамлакат бўлинмоқ хавфи остида. Амирзода ҳам ўлганининг кунидан, кучи етмаслигини англагани учун биз билан муросаю мадора қилиб турибди. Ўз кучига ишонган куни Ҳирот кўчаларини ҳеч тап тортмай чангитади. Унинг ёнида мана бу иккисига ўхшагандан бир нечта бўлса борми, ана унда кўрасиз от ўйинини. Улар дастлаб биргалиқда яғий деб билганларни бартараф эта-

дилар. Сўнгра бир-бирларининг этларини ейдилар. Мен муҳтарам амиримиз Нуширвон Барлоснинг фикрларига кўшиламан. Уни ўз қисмати қадарининг кўлига топширмак керак, – ҳар доимгидек фикрлари салмоқли эди амир Шоҳмаликнинг. – Кўзи очиқ эркан, у сўз ила таъриф этилмас хоинликларини давом эттиражақдир!

Шоҳруҳмирзо отасининг энг яқин дўсти, сафдоши ва амир ул-умароси бўлган амир Сайфиддиннинг ўғли амир Абдусамадга қаради.

– Ҳурматли бекларимизнинг фикрларига қатилурмен, – деди амир Абдусамад ҳам ҳеч бир тараддудсиз. – Улуғ хоқон ҳазратлари даврларидаги шарафсизлиги устига афв чизиғи тортганимизда ҳам у бундан буён яна тўрт-беш бора жиноят қилмоққа улгурди. Булар биз билганларимиз. Балки билмаганларимиз ҳам қанча-қанчадир. Ҳеч ким билан ҳисоблашмай, ҳеч кимни одам ўрнига кўрмай, бобо тахтига от қўйди. Ҳиротга келиб, зоти олийларига байъат келтирди ва бир кечада ғойиб бўлди. Бошкентга бориб Халил Султонни авраб черигини олиб, ўзига қарши от сурди. Хоника бегимга қилган муносабати ва мол-мулкани талон-тарож этганлиги эса ҳеч бир қуюшқонга сиғмайди. Энди эса амир Сулаймоншоҳ билан тил бириктириб, зоти олийлари остоналари тупроғини ялаб ўтирибди. Султон Ҳусайн калтабинлик қилиб Самарқанд эшигини ўзи учун абад ул-абад ёпиб келмаганда улар Ҳирот эмас, Туркистон йўлини тутар эдилар, – амир Абдусамад Сайфиддиннинг мулоҳазалари ҳам тош босар эди. – Унинг бизнинг зафар байроқли ўрдумиздан ҳеч бир сабабсиз юз ўгириб Халил Султоннинг ҳузурига боришининг ўзи бизни астойдил сотганлигининг исботидир. Бир сотган қайта сотар, сўнгида айта сотар дегандек, у ҳеч қачон сотқинлигу хиёнатда толмайди. Мен ҳам унинг ишини битирмоқ тарафдориман. Қуртдан пўст, айиқдан дўст чиқмас деганларидек, у отасию пирига ҳам яхшилик раво кўрмайдиганлар хилидан.

– Ҳақсиз, Абдусамадбек. Унинг улуғ амирнинг дўсту сафдошлари, амирлар Темирхожа ва Хожа Юсуфларни қатлга етказганлиги учун ҳам хун талаби бўйича терисини шилса-да камлик қилади, – деди Нуширвон Барлос баланд овозда. – Боиси, унинг димоғида тахти салтанат, мулки давлат ўй-хаёли борким, у ҳеч қачон бу нияту мақсаддан воз кеча олмайди. Бу йўлда боши кетса кетадики, аҳдидан қайтмайди. Унинг атрофимизда, қолаверса, салтанат ҳудудида соғ-салим юриши ҳеч бекламаган куну сонияда буюк бир фитнанинг зоҳир бўлиши, фисқу фасод алангасининг юзага уриши демақдир. У ақлига келгани замон ўйламай-нетмай ҳар қандай исёну ғалаёнга ташаббус эта билур. Бундай ҳолатда синган аъзони тузатмоқ учун тадбир хазинасида тақдир баҳонасидан бўлак ҳеч бир чора қолмаслиги шубҳасиздир.

– Тўғри. Унинг феъли-атворида бобоси амир Мусо кабинифоқ далиллари, хатти-ҳаракатида ҳеч кимни тан олмаслик, кимса ила англаша билмаслик белгилари мавжудлиги каттаю кичик, дўсту бегонага аёндур. Анинг ажал тўни шунга кўра бичилмоғи лозимдир, – қатъий фикр билдирди амир Шоҳмалик. – Унинг сиймосида кин, адоват ва нафрат нишони мужассамдир!

– Амир Мусо ҳам вақти замонида қиблагоҳга суиқасд уюштирмоққа бош-қош бўлган, – деди Шоҳруҳмирзо ғамгин оҳангда. – Бугун яна шундай муаммога дуч келиб турибмиз. Билмадим, не қилмоқ керак?

– Ҳеч бир тараддуд этмай уни қисмати қўлига топширмоқ лозим. Акс ҳолда ҳеч ким унинг хиёнатуну жиноятга қўл урмаслигига кафолат бермайди ҳамда ўзи бизнинг ўрни-мизда бўлса ҳеч биримизга раҳм-шафқат қилмай, бошимизга Темирхожаю Хожа Юсуфларнинг кунини солади! – қизишиб сўзларди амир Нуширвон Барлос. – Бул бадкирдорни бартараф этмай туриб, салтанатда ҳеч ким кечаси ётоғида сокин уйиб, роҳатга эрмоғи мумкин эрмасдир.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Тўғри! – деди залварли овозда амир Шоҳмалик.

– Шундай қилмоқ шарт! – қўшилди амир Абдусамад Сайфиддин.

– Унда Олий қозию шайхулислом-ла кўришиб, бу ишни ўзингиз ҳал этинг! – деди Шоҳруҳмирзо амир Нуширвон Барлосга қараб.

Амир Нуширвон Барлос бош эгиб розилик билдирди.

Ҳукмдор ҳузуридан чиққан уч амир сарой даҳлизида бир-бирларига қараганча туриб қолдилар.

– Бу ишни кимсага шоён этмай, ими-жимида битирмоқ керак. Тишим синса оғзимда, қўлим синса енгимда. Ёрлиқни қўлга олиб, сўнгра бу ишга киришинг. Уни шаҳар ташқарисига олиб чиққанингиз маъқул. Бироқ ҳозироқ ҳибсга олиш амрини беринг. Ёмоннинг яраси битмас дегандек, сал фаромушхотирликка йўл қўйдингизми, тамом, думини тутдирмайди у қирриғ, – амирга маслаҳат берди Шоҳмалик.

Ўн чоғли навкар саройнинг истироҳат хоналаридан бирида нонушта қилаётган Султон Ҳусайннинг олдида кирганда, у қўлидаги косани биринчи бўлиб остонадан ҳатлаган ўнбошининг юзига отди-да, бурчақда турган қиличига ташланди. Девдек навкарбоши исфаҳоний қиличининг орқа томони билан амирзоданинг бошига урди.

Султон Ҳусайн беҳуш йиқилди. Аскарлар уни қўлини орқага қилиб боғладилар. Қилич зарбидан ёрилган бошидан сизган қон бўйнидан ичига қараб оқарди.

– Итдан тараганлар! – деди амирзода нафрат билан.

Ўнбоши унинг оғзига латта тиқишни буюрди. Навкарларни тепа бошлагач, яна жон чиқмас жойига бир неча тўқат (мушт) еган амирзода тинчиб қолди. Қисмат қиличи бўйнига тушишини аниқ-тиниқ ҳис этган амирзоданинг кўзидан ёш қуйилар, бошини эгганча навкарлар қуршовида шаҳарнинг Ироқ дарвозаси томон борарди.

Энди унинг ақл-идроки қотиб қолган, хотираси музлагандек эди.

Кўз ўнгида худди ўзи каби қўли боғлоқлик, ялиниб-ёл-вориб нажот тилаган Хожа Юсуф билан Темирхожа гавдаланди. Уларнинг жон талвасасидаги ҳайқириқлари қулоғи остида эшитилгандек бўлди.

– Уни одамлар кўзидан панада бошини кундага етказинг ва элтиб жаллодлар ва хоинлар мазорига дафн этинг! Бирорта хешу ақрабоси келиб жасадини сўраса беринг! – буюрди амир Нуширвон Барлос навкарбошига. – Тўрғай қутурса бургутга чопади. Ҳар ишни шом қоронғусида битир.

Қоровуллар дарвоза саҳнидаги қонни тозалашарди...

## **ЙИГИРМАНЧИ БОБ**

*Яйраб кулолмаган  
яйраб ўлолмас...*

**Ота сўзи**

– Самарқанди фирдавсмонанддан раҳматли ҳазрат Соҳибқирон зоти олийларининг хос таржимони Исҳоқ Мусовий пешингизни ўпмоқ ниятида келибдур, – деди подшоҳ ҳузурига эрталабки саломликка кирган амир Шоҳмалик.

– Ҳамон кирсун. Зотан, унинг хизматига эҳтиёжимиз бордир, – деди Шоҳруҳмирзо бу хабардан мамнун оҳангда.

– Бизни ўз хизматингизга олсангиз. Бошкентда ит эгасига боқмас бир ҳолатда яшадик. Охири ўйлаб-ўйлаб остонангизга бош урмоққа қарор қилдик, султоним, – деди Исҳоқ тилмоч тобуғ расмини бажо келтиргач.

– Хў-ўш, қайси ит ўз эгасига боқмаётир? Шулар ҳақида билганларингизни сўйланг, Исҳоқбек? – Бобосининг таржимонига кулимсираб боқди ҳукмдор. – Пойтахтдан не ҳаводислар келтирдингиз?

– Бошкентдаги сиёсатга аралашмадим, султоним. Қардошингиз подшоҳ Халил Султоннинг хатти-ҳаракатлари ҳақида бирор ножўя гап-сўз айтмоқдан ўзимни тийган

ҳолда бошлар оёқ, оёқлар бош бўлиб қолганини айтмасам ёлғон сўйлаган бўламан. Амирзодамиз ётган жойлари нурга тўлгур улуғ боболарининг хазиначиси эвазига амиру маъмур, лашкару суворийни ҳозирча ризо этиб турибдилар. Хазинанинг таги кўриниб қолгач, сиёсатларини қандай давом эттирадилар, ёлғиз тангрига аёндир, – одатдагидек камгап эди Исҳоқ тилмоч. – Бобо Тармиш деган бир ҳаммол бетини кетига қўйиб раиятга ҳукм этмоқдаки, шунинг ўзи бошкентдаги турумни кишилар кўз ўнгида олмани тоқчага тергандек кўрсатиб турибди, султоним. Ожиз фикримча, яхши сўзу тадбир-ла юритаётган сиёсатингизни давом эттирсангиз барча темурийзодалар сўзингизга кириб, кўрсатган йўлингизда юрадилар.

– Билурман, Исҳоқ тилмоч. Падари бузрукворимиз сизни давомли ҳузурларига даъват этиб, суҳбатлашар ва турли саволлар берар эдилар. Шунда сиз улуғ хоқонга кишиларимиз, билхосса мусулмонларимиз ҳақидаги нуқсону камчиликларни очик-ойдин айтар эдингизми?

– Сўйлардим, султоним. Давлатпаноҳ хоқонимиз бундай нарсаларни сўраб-суриштириб билиб олардилар. Мақтовни хуш кўрмасдилар. Мақтов чорасиз кулфат дердилар. Зотан, ҳамду сано, мақтову олқиш шунга муносиб эрмас ва шундан бошқа орзу умиди бўлмаган ожизларнинг тирикчилигидир. Ўзини билган киши, айниқса, ҳукмдорга ҳамду сано энг олий даражадаги ҳақоратдир дея такрорлардилар.

– Шундай гурунглاردан бирини хотирлайсизми? – сўради подшоҳ суҳбатдошини диққат-ла эшитар экан.

– Бошим устига, султоним. Бир куни Фарангистон подшоҳига ёзган хатимизни тугатгач, олампаноҳ хоқонимиз менинг нечта фарзандим борлигини сўраб қолдилар. Тўрт нафар авлодим борлигини айтдим. Нега бизнинг мусулмонларникига ўхшаб ўнта эмас, яна сўрдилар давлатпаноҳимиз. Мен бу тўрт болани ҳам ўқитиб, хат

саводли, кўзи очиқ қилиб етиштираман. Муסיқа-ю тарих, риёзиту фалсафадан тортиб, барча дунёвий фанларни ўргатаман. Келажакда болаларим ҳам худди мен каби ўз фарзандларини ана шундай ойдин кишилар қилиб етиштирадилар, дея жавоб бердим. Бизнинг мусулмонлар не қиладилар, дея яна сўрадилар, улуғ хоқонимиз. Мусулмонларимиз ўн нафар ҳаммол, фаррош ва чўпон етиштирадилар. Бу болалар орасидан битта яримта имому мулла чиқса чиқади, бўлмаса йўқ, дея жавоб бердим. Тўғри сўйлайсан, Исҳоқ, дедилар. Яна бир саволимга жавоб бер. Кимни бирор бир масъул ишга қўйсам, улусу давлат мол-мулкани ейди, талон-тарож этади. Яҳудийларда ҳам шундайми ёки улар ришват олмайдиларми? Инсоният бино бўлибдики, қай шаклда бўлмасин ришват деган нарса бордир, улуғ хоқоним. Уни совға-ю тухфа ҳам деб қабул қилаверадилар. Бунинг олдини олиш қийин. Бу номақбул ишни таъқиқлаб қонун чиқарсангиз, шу тузук матнини ҳузурингизга кўтариб кирганларнинг ўзи биринчи бўлиб уни айланиб ўтиб, ишларини битирадилар. Неки иш бўлсин, ҳатто ришват олмоқнинг-да меъёри бўлиши керак. Мусулмонлар ана шу меъёрни билмайдилар. Бизнинг мусаввийлар эса буни биладилар. Ришват миқдори катталашса уни сезиб қоладилар. Нафси ҳакалак отганлар ўн минг динор ишладимми, демак юз минг динор ҳам ишлашим мумкин дея ўйлаб тузоққа тушадилар. Бизнинг яҳудийлар эса бундай қилмайдилар. Ўша ўн минг динорни ишлагач, бу вазифалари ёки иш жойларини тарк этиб, бошқа жойда яна ўн минг динор ишлашга киришадилар ва ўзларининг даромад қилаётганларини сездирмайдилар. Озодан ишланган бойлик одамларнинг кўзига ботмайди, дея хоқон ҳазратларининг саволларини жавоблантирган эрдим, султоним.

Подшоҳ тилмочни эътибор билан тинглаганча бош ирғади.

– Келганингиз кўп яхши бўлибдур. Биз Туркистондан буюк элчимиз Шарофуддин Дизакийни ҳам Ҳиротга чорладик. Ул кишим етиб келсалар, мадрасамиз қошида бутун дунё халқлари тилларини ўрганувчи синфлар очингиз ва бу ишга иккингиш бош-қош бўлингиз. Дизакий жаноблари шарқ тиллари, сиз эса ғарб тиллари бўйича бош мударрис этиб тайинланасиз. Сиз ва одамларингизга лозим бўлган шароиту қулайликларни яратмоқ амрини бердик.

– Қуллуқ, султоним! Бул марҳаматингиз ила менга дунёларни бахш этдингиз! – дея тисланди тилмоч.

– Амир Сулаймоншоҳдин элчи келди, – деди Исҳоқ тилмоч чиқиши билан подшоҳ ҳузурига кирган эшик оғаси.

– Кирсин-чи, – деди хоқон ҳайрон бўлиб.

Ҳойнаҳой, шеригининг қатлидан норози бўлиб чопар юборган бўлса керак, хаёлидан кечди Шоҳруҳмирзонинг.

– Амир Сулаймоншоҳнинг давлатпаноҳ султонимизга етказмоқни тайинлаган сўзлари шул турур, – дея сўз бошлади мўғул қиёфали буғдойранг киши тобуғ расмини бажо келтиргач. – Агарким, султон ҳазратлари бу қулининг навкарлик қилишига истакманд бўлсалар, амир Шоҳмаликни олий даргоҳдин узоқлаштирсинлар. Амирзода Султон Ҳусайннинг қотили Нуширвон Барлосни қатлга етказсинлар!

– Бу ҳақда бирор бир фармони олийни имзолаб элинга тутмадими у? – қаҳри қўзиганди подшоҳнинг.

– Мен ўзимга айтилган гапни зоти олийларига етказдим. Элчига завол йўқдур. Бир қошиқ қонимдан кечинг, хоқоним! – тиз чўкканча бошини эгди чопар.

– Чекина билурсан! – деди подшоҳ ўнг кўлини кўтариб. – Ҳузуримга улуғ амирлар ва амирзода Улуғбекни чорласунлар!

Кўп ўтмай солинга амирлар Шоҳмалик, Жаҳонмулк Жоку Барлос, Абдусамад ва амирзода Улуғбеклар киришди.

– Қўшин тўплансин ва ҳар бир амиру қўмондон лашкари бошида бўлсин. Кунни кеча Сарахс вилоятини суюрғол ўлароқ олган, болоқдан бошга чиққан бит Сулаймоншоҳ одобу ахлоқ ҳадди ҳудудини ошиб, бизга ақлга келмас талаблар қўймоқда. Аслида биз уни ҳам хоин амирзодага қўшиб тақдири илоҳийнинг кескир қиличи амрига топширишимиз керак экан. Хато қилибмиз. Айб менда. Боиси, ундан бу муносабатни кутмаган эрдим.

Шоҳруҳмирзо қўмондонлигидаги буюк қўшин Тус ва Машҳад томон шитоб-ла борарди. Олий ўрду юртчилари Жомнинг Сариқамиш мавзеига шоҳона саропарда тиклай бошлаганда яна амир Сулаймоншоҳдан чопар келди.

Чопар Сулаймоншоҳнинг куёви ва эътимодли одами амир Абдусамад Сайфуддинни музокара учун талаб этаётганини айтди.

– Инимизга шуни сўйланг, – деди подшоҳ амир Абдусамадни Сулаймоншоҳ томон йўллар экан. – Қиблагоҳимиз ҳазрат Соҳибқирон уни ўз фарзанд ва биродари қаторида ҳисоблаганлар. Амир авлодимиз оғир кунларимизда эътиборли кишилар сафида туриб, оғир дамларда ҳурматли салтанат юкини кўтарган ҳешимиздир. Бизнинг ҳам унга нисбатан эътиқод ва эътимодимиз мақбул ва марғуб тарзда ошиб бормоқдаким, бу нарсани барча бирдек кўриб-билиб турибди. Ҳеч бир андишага бормаи ҳузуримизга келсин ва неки арзи шикоят бўлса, ўз иштирокида текшириб, тафтиш этилади. Давлатимиз гарданида унинг ҳақ-ҳуқуқи собит эканлиги шарҳу баёнга муҳтож эмаслигини унга сўйланг, – дея амир Абдусамадни йўлчи этди Шоҳруҳмирзо.

Амир Абдусамад Сайфиддин Сулаймоншоҳ қароргоҳига етиб борганида теварак-атрофдаги навкарларнинг машқ қилаётганини кўриб ҳайрон бўлди. Жангчиларнинг ҳадик кўзи билан боқаётганини сезиб, ўзини бевақт ва беҳуда келгандек ҳис этди.

– Подшоҳимиз атрофидаги бир тўда кишилар мени ул

зоти олийга ёмонотлиқ кўрсатиб, мисли Султон Ҳусайн каби камина қулларидан ҳам эшак ўғриси ясамоққа уринмоқдалар, – деди амир Сулаймоншоҳ куёвини саро-пардаси ўнгидаги майдонда қаршилар экан. – Онҳазрат султонимиз рағбат кўрсатмасалар, ул муртадлар менинг улуғ бобомиз берган ҳақ-хуқуқларимни поймол эта олмас-дилар. Султон Ҳусайн қатлини уюштирганлар эрта бир куни менга ҳам шул қисматни раво кўришлари мумкин. Шу ту-файли роҳатсизман. Еганим ичимга тушмайди, Абдуса-мадбек, – шом туби қоронғу эди амирнинг.

– Бу шубҳаю гумонларингиз беҳуда ва асоссиздир, амирим. Ҳирот саройида ҳеч ким, билхосса подшоҳимиз ҳам бундай фикрда эмаслар. Катта-кичик машварату кен-гашларда сизнинг мақтовли хизматларингизни бот-бот тилга оладилар. Бир тўплантида султонимизнинг “амир Сулаймоншоҳ ақли тийрак, закоси баркамол, ўринли фа-зилатлару яхши хулқ, садоқат қоидаларига содиқ, гўзал нутқ ирод этмоқ, эътиқодлилиқ, серфаҳмлилик, покдомонлик, тоза нафслилик ва олижаноб қадр-қийматлилиқда замона амирлари орасида мумтозу ягонадир” деганларини ўз қулоғим ила эшитганман. Сиз муҳтарам қардошимиз ва тажрибали бегимизнинг бу каби ўй-хаёлларга боришингиз мутлақо асоссиз ва янглишдир. Муқаддас китобимизни ўртага қўйиб айтаманки, султон ҳазратларининг кўнгилла-рида сизга нисбатан заррача кину хусумат йўқдир. Ҳиротга борган элчи орқали айтган сўзларингиздан астойдил ран-жиганларини айтмасам ҳам бўлмас. Сабаби, ул ҳазрат сиздан бундай гап-сўз ва муносабатни кутмаган эрдилар. Султон Ҳусайннинг кимлиги ва қилган ишлари Оллоҳ раҳматига қовушган улуғ хоқонимиздан тортиб саройдаги фаррошгача кундай равшан эди. Сиз каби теурий амир-нинг ундай кишининг ёнида туриб, тарафини олмоғингиз салтанатимизни-да, шахсиятларини-да безамайди, – ас-тойдил вазиятни англади амир Абдусамад.

Ўй босган амир Сулаймоншоҳ куёвининг сўзини эшитмагандек саропарда саҳнининг у бошидан бу бошига яна бориб келди. Асабийлашганча қиличининг сопини силаб, мусофир қариндоши қаршисида тўхтади.

– Султонимизнинг менга нисбатан ниятлари пок эканлигига шак-шубҳам йўқдур, Абдусамadbек. Ул кишимга қолганда Султон Ҳусайннинг ҳам сочидан бир тук тўкилмас эди. Сувни лойқалатиб, ўйинни бузган бобомиз ҳазратларидан қолган қари тулкилар Шоҳмалик билан Нуширвон Барлосдир. Улар бор экан, мирзомиз мустақил сиёсат юргизиб, биз каби қон-қариндошларини ҳимоя эта олмайдилар деган кўрқуву андишадаман. Улар подшоҳнинг ёш ва тажрибасизлигидан фойдаланиб, амирзода Улуғбекка отабеги эканман, Шоҳруҳмирзо ҳам менинг измимда дея ўйламаслиги керак. Қолаверса, Турон салтанати, теурийлар сулоласи бир Шоҳруҳмирзо ва унинг тўртта кекса амирига қолмагандир.

– Сиз билиб-билмай Халил Султон Султон Ҳусайнларнинг сўзларини такрорламоқдасиз, амирим, – деди ақрабосидан бундай фикрни бекламаган амир Абдусамад ҳайрон бўлиб.

– Оламни титратган, етти иқлимни илгида тутган улуғ бобомиз бу бевафо дунёга устун бўла олмадиларки, Шоҳруҳмирзою Халил Султон тиргак бўлармиди? Шундай экан, шоҳликларини ўз жиянларини қатл этишга ёрлиқ бермоқдан бошламасликлари лозим эди. Ул кишим бу ишни биз теурийзодаларнинг кўзини кўрқитиш учун қилдилар, – ҳамон елка томири тиришганча кўнишарди Сулаймоншоҳ.

– Бундай ишларни жаҳоннинг барча подшоҳу қироллари қиладилар, амирим. Дашти Қипчоқда тожу тахт учун бола отанинг, Эронда ота боланинг бошини сапчадек узиб ётибди. Буларни мендан яхши биласиз-ку? Шоҳруҳмирзо ҳазратларининг сизга хусумати бўлганда бутун бошли ви-

лоятни суюрғол қилиб бермас эдилар. Суюрғол дегани – вилоят сизнинг хусусий мулкингиз демақдир. Ҳарҳолда инсоф-ла фикр юритиб, адолатни сўйламоқ керақдир. Шохруҳмирзо ҳазратлари ва сизу биз, бир кунлик кишилар эмасмиз. Ҳар қандай шароитда авлодлар кўз ўнгида юзимизни қора қилажак ишлардан тийилмоғимиз, қадамимизни билиб босмоғимиз керак. Султон Ҳусайн каби ғишт қолипдан кўчгач, додимизни кимга айтсак-да бефойда, – куйиб пишарди амир Абдусамад. – Янглиш ишни англаб етиб ундан дўнмоқ ҳам бир шараф ишидир. Ақл ақлдан устундир, амирим.

– Майли, амир қардошим. Мен бўркни ёнга олиб қўйиб, яна бир ўйлаб, мулоҳаза этайин. Сўйлаган сўзларингиз мағзини чақиб, фикрлайин. Аммо онҳазратнинг мулозимлигида бўлмоқ айна дамда шундай соф асалга ўхшайдикки, асаларилар ниши кўрқувидан уни тотмоққа етишиб бўлмайдиган кўринадир. Биз у муқаддас давлатхонадан фаровон ҳаёт неъматларию, ҳад-ҳисобсиз лаззатлар тотганмиз. Энди эрса лафзи ҳолвага саримсоқ, шарбатга туз қўшилдиким, бу таомларда қандай маза бўлгувсидир? – дея умидсиз нигоҳини Абдусамадга тикди амир Сулаймоншоҳ.

– Қандай фикрлаб, не тарзда кўнишмоқ амир жанобларининг таржиҳ ва ҳақ-ҳуқуқларидир. Шахсларига бирор-бир фикру қарашимни зўрлаб ўтказиш ва мажбурламоқ тушунчасидан йироқмен. Бироқ орадаги қон-қардошлик меҳр-оқибати, давлатдорлик сидқу садоқати андишаларига амал қилган ҳолда султонимиз ҳузурларига бормоғингиздан кўра тўғри йўлни кўрмаётирман. Бошимни, бола-чақамни ўртага қўйиб айтаманки, мавқе ва мартабангиз, обрў-эътиборингиз бундан-да юксалади. Онҳазратнинг чексиз лутфу марҳаматларига сазовор бўласиз. Сиз каби энг яқин кишилар подшоҳдан ўзларини олиб қочаверсалар, табиийки, ўрнингизни ёту ёбонлар

эгаллайди. Меҳр икки кўздадир. Кўздан йироқ кўнгилдан йироқдир. Бу менинг сиздан бир қардошингиз ўлароқ ри- жойимдир.

– Бир ўйлаб кўрайин-чи. Ҳеч оёғим тортмаётир-да, Аб- дусамад. Негалигини ўзим ҳам аниқ-тиниқ тасаввур этма- ганим ҳолда бу ишга юрагим чопмаётир.

– Ўйлаб-нетиб ўтирмоққа ҳожат йўқдир. Ҳеч бир шар- ту талабсиз, элчи-ю чопарсиз мен билан бирга юринг. Ишни пайсалга солганингиз, гумону шубҳаларнинг ор- тишига, вазиятни янада таранглашувига олиб келади. Буни тавсия этмаслигу тиламаслик ниятида ҳузурингизга келгандим. Шунинг учун мени чақиртирган эдингиз, дея фикр қилгандим, амирим. Яна ўзингиз биласиз, – деди ҳафсаласи пир бўлиб амир Абдусамад.

– Эртами кеч, албатта ҳузурларига бораман, Абдуса- мадбек. Бориб айнан шундай денг. Унгача подшоҳимиз рози бўлсалар, амир Жаҳонмулк Жоку Барлос олдимга бир келсин. Айрим масалаларни келишиб олмоғимиз ло- зим. Шунга қараб сўнг қароримни берурман, – жавоб қилди амир Сулаймоншоҳ қатъий оҳангда. – Беҳуда баҳсу му- нозарамиздан фойда йўқдир. Жаҳонмулк билан англаша олсак, ўғлимни амир билан бирга султонимиз ҳузурларига юбораман. Икки ойдан кейин эса ўзим бораман. Салом- ларим ила баробар шул сўзларимни зоти олийларига ет- куринг.

Амир Абдусамад Сайфиддин тажанг ва обрўталаб Сулаймоншоҳнинг олдидан умидсиз қайтди. Амир билан бўлиб ўтган суҳбат мазмунини оқизмай-томизмай олий даргоҳга етказди.

Икки кундан сўнг амир Мизроб жўнатган хос чопар амир Сулаймоншоҳнинг Калот қалъасига бориб, унинг буржу бораларини мустаҳкамлаб, савашга ҳозирлик кўраётган- лиги, айрим фитначи ва исёнчиларнинг унинг атрофида тўпланаётганлигини айтиб келди.

Бу пайтда подшоҳ ўзининг Жомдаги қароргоҳида ўғли мирзо Улуғбек ва оталиғи амир Шоҳмалик билан кенгашиб ўтирарди.

– Унинг шу йўлни танлашига кўзим етган эди, – деди султон тийрак нигоҳ-ла ўғли ва амирга боқар экан. – Эшакнинг калласини олтин товоққа солсалар, юмалаб тушган экан. Майли, амир Жаҳонмулк Барлосни ҳам жўнатиб кўрайлик-чи. Бундан сўнг не баҳонани ўйлаб топаркан.

– Амирнинг хатти-ҳаракати ва оғзига қараб, бу ерда ўтиравермаслик керак, онҳазрат. Агар биз бугуноқ Калотга қараб юрсак, у ҳараму ўғруқини ташлаб энди Ҳиротга эмас, Самарқандга қараб қочади, – деди Сулаймоншоҳнинг ўзига кўз тикканидан хит бўлиб амир Шоҳмалик.

– Бир жойда туриб қолсак ҳам бўлмас. Ул калтабин буни ҳам янглиш англаши мумкин. Шогирдингиз, амирзода Улуғбекга бош-қош бўлиб, Жомда қолинг. Ўғруқ ҳам шу манзилда турсин. Биз Харжирд орқали йўлга чиқамиз. Тус саҳросидан ўтиб, Машҳади муқаддасга борамиз. Унга қадар қардошимиз мирзо Мироншоҳ ва мирзо Абу Бакрларни керакли яроғ-аслаҳа ила таъминлаб, Ироққа йўллаган амирлар Мизроб билан Саййидхожалар ҳам етиб келадилар. Амир Мизробни вазиятни ўрганиб туриш учун Калотга юборамиз.

Икки манзил юрган олий ўрду Тус даштида истироҳат учун тўхтаган эди.

Ёз охирлаб, куз кириб қолган. Қўшин иссиқдан қийналмай йўл босар, мерган овчилар отган жайронлардан бирини Шоҳруҳмирзога жўнатган эдилар.

Ясавул Моҳон тарафдан, амир Черкес Тумондан элчи келганлигини айтди.

– Элчи Йўлдош Туркмандурман, хоқоним, – дея ўзини танитди туркманкелбатли чопар тобуғ расмини бажо келтиргач. – Қулингиз амир Черкас қуйидагиларни диққати

олийларига етказмоқни буюрдилар. Жаннат равзала-ри насиб этган бўлсин улуғ ҳазрат Соҳибқирон амрлари ила Рум вилоятидан Туркистонга кўчирилган қаро тоторларнинг бир жамоаси Мовароуннаҳрдан қочиб, атроф-ҳудудларимизга етиб келдилар. Ушбу кўнуда зоти олийларига билги бериб, амри фармон беклаяжакларини билдирдилар.

– Тамом. Тушунарли. Сен чекина билурсан, элчибей. Биздин жавоб бекла ва шу ерда бўл, – амр этди ҳукмдор.

Шу муаммо етмай турган эди дегандек амир Саййидхожага қаради Шоҳруҳ султон.

– Қаро тоторларни қаршилайлик-да, мақсад-муддаоларини сўрайлик. Балки Халил Султоннинг сиқувидан безиб бу томонларга қараб юргандирлар. Бизга келиб қўшилмоқ нияти бордир. Ҳар қандай турумда уларни норози этмаслик керак шекилли, хоқоним, – ўз фикрини билдирди амир Саййидхожа.

– Ҳа, султон Йилдирим Боязид билан бўлган тўқнашувда улар бизнинг тарафимизни тутганлар. Буни унутмаслигимиз керак, – амирнинг сўзини қувватлади Шоҳруҳмирзо.

– Унда ижозат этинг. Мен уларни топиб қўнишайин.

– Маъқул. Ёнингизга амирларимиз Шоҳмалик билан Жаҳонмулк Барлосни олинг ва алар-ла дўстона оҳангда гаплашинг.

– Амр хоқонимизнингдир! – дея ўнг қўлини кўксига қўйди амир Саййидхожа кетмоққа чоғланаркан.

– Бир дақиқа, амир жаноблари. Сивос туркларининг бу ҳаракатини қандай баҳолаш мумкин? Бизга қарши норозилик исёними ёки келган юртларини соғиниб унга қайтмоқ истагимиз? Сиз не дейсиз? – амирдан сўради ҳукмдор.

– Исённинг икки тури бўлади, онҳазрат, – ўйга толганча сўровни жавоблантирмоққа киришди бек. – Бири жабру зулм ҳаддан ошганда кўтариладиган исён. Иккинчиси эса маълум бир кишилар ва элу элатнинг қорни

тўйганда ўзидан кетиб қиладиган ғалаён. Фикри ожимча, қора туркларнинг бу ҳаракати ўз юртларини ўзламоқдан келиб чиққан бўлса керак, давлатпаноҳ. Улар аввалбошдан норози эдилар.

– Фикрингизни биров кенгроқ изоҳ эта билурмисиз? Аввалбошдан деганда нени назарда тутдингиз? Анқара тўқнашувида сиз ҳам қиблагоҳ ҳазратларининг узангиларида эдингиз? – амирни сўроққа тутди Шоҳруҳмирзо.

– Ҳаёт-мамот дақиқасида улар бизнинг тарафимизда турдилар. Султон Йилдирим Боязиднинг қўшинидан ажралиб чиқиб, унинг мусулмон бўлмаган серб ва македон бўлинмаларига ҳужум этдилар. Уларнинг бу ҳаракати саваш майдонидаги вазиятни ўзгартириб юборди. Бу тadbир Султон Соҳибқирон ҳазратларининг рақиб устидан қозонган илк руҳий ва усулий ғалабалари эди, онҳазрат. Қора туркларнинг Турон ўрдуси томонига ўтиши биз учун не қадар манфаатли бўлса, ўзлари учун шу қадар аянчли якун топди. Уларга чексиз имконияту қулайликлар таниган Усмонли давлатига хиёнат этгандан сўнг бу тупроқларда сотқин қавм ўлароқ яшамоқ не қадар оғир бўлса, кўч-кўронини кўтариб Туркистон томонларга кўчиб келмоқ икки мисли азоб бўлди. Йўл-йўлакай қанчалари касалликдан ўлиб, мол-мулкларидан айрилди. Бизнинг Туркистон тоғу адирлари, дара-ю яйловлари олдида улар яшаган Қора денгиз соҳилларию Сивос кенгликлари жаннатнинг бетакфор боғчаси кабидур. Улар ўз қилмишлари ва кўчмоққа рози бўлганларидан афсусда эдилар.

– Демак, уларга жабр қилинган? Шундайми?

– Шундайдир, онҳазрат. Дастлаб усмонлилар олдида хиёнатчи турумига тушган бўлсалар, юртимиздан қочиб кетаётганликлари учун эндиликда бизнинг қаршимизда носодиқ қавмга айланиб турибдилар. Уларнинг аҳволларига ҳавас қилиб бўлмайди.

– Бундай вазиятда уларга қандай муносабатда бўлмоқ керак?

– Қолгани қолсин. Кетадигани кетсин. Модомики, ўзлари истамас экан, уларни мажбурий равишда тутиб қолиб бўлмайди. Кетса-да, от-улови етарли, ёнчиғида беш-ўн ақчаси борлар кетади. Оддий ватандош, бева-бечора қайга ҳам боради.

– Демак, қора туркларнинг ҳам бою боёнлари кетиб, чўпон чўлиғи қолади демоқчисиз-да?

– Шундай, онҳазрат.

– Боринг-да, улар-ла қўнишинг. Мулки давлатимизга зиён етказмаган бўлсалар ҳеч бир кимсани жазоламанг.

– Амри фармон султонимизнингдир! – дея чекинди амир Саййидхожа.

Хоқон Сулаймоншоҳ олдидан эли бўш қайтган Жаҳонмулк Барлос билан суҳбатлашарди.

– Ул қардош амирнинг биз ила дўстлик мақомида турмоқ нияти йўққа ўхшайдур, – деди амир Жаҳонмулк Барлос подшоҳ ишорат этган курсига оғир чўқаркан.

– Биздан не истайди?

– Не истаяжагини ўзи ҳали билмайди чоғи. Сурувнинг исини олган жондор каби кўзи Самарқанд томонда, чамаси. Гап авзойидан, амир Абдусамадга берган сўзининг устидан чиқмаганлигидан шуни пайқадим. Димоғи осмонда. Товадагини эмас, ҳаводагини кўзлаётгандек, – сафар ҳисоботини берарди Жаҳонмулк Барлос.

– Тушунарли, – бош ирғади Шохруҳмирзо. – Яна не ҳаводислар бор?

– Йўл-йўлакай амир Шохмаликнинг чопарини учратдим ва мен ила баробар ҳузурингизга келди. Қора туркларга қарши жўнатганингиз амирлар Самарқанддан Астрободга қочиб кетаётган Пир подшоҳнинг ўғли шаҳзода Султон Алини тутиб, ҳузурингизга юбораётган эмишлар. Ёнида

## Нурали ҚОБУЛ

---

кичик қардоши Султон Ҳусайн ҳам бор экан. Ҳали замон етиб келиб қолсалар керак. Улар хусусида не амри фармон беражаксиз?

– Султон Алини отаси Пир подшоҳ ҳузурига юборамиз. Иниси Султон Ҳусайнни гаров сифатида ушлаб қоламиз. Мамлакат осойишталиги учун бу тадбир лозимдир. Султон Соҳибқирон замонидаги тўра ва тузукка биноан Пир подшоҳнинг вилояти ўз қўлида қолади. Қиблагоҳ берган барча амри фармонлар ва ёрлиқлар ўз кучидадир. Пир подшоҳ ҳузуримизга ташриф буюриб, илгари бўйнига олган масъулиятни мажбуриятларни бажармоқда давом этажани таъкидлаб кетса, биз унга бир неча баробар ортиқ лутфу марҳаматлар кўрсатгаймиз. Ҳар ишнинг аёну баёни, ўртада. Энди эса исён байроғини кўтарган хешимизнинг суробини тўғриламақ учун йўлга чиқамиз, – деди подшоҳ Сулаймоншоҳни назарда тутиб. – Ҳумоюн байроқлар Калот сари юзлансун!

Олий ўрду Калотга боришга улгурмади. Хабарчи қорувлар Сулаймоншоҳнинг Самарқандга, Халил Султонни кўзлаб қочгани муждасини етказдилар.

Султон Абу Саид турбасини зиёрат этган хоқон Қуръон тиловат қилинган, амирларига сўнги амрларни берди.

– Сулаймоншоҳнинг мол-мулки фақир уфқаро ва лашкарга тақсимлансин! Калот атрофи исёнчилардан тамизлансин! Сулаймоншоҳ ҳимоя нуқтасига айланган Калот қалъаси бузиб ташлансин! Бу вазифа амир Сайидхожа зиммасига юклансин! Фароҳ шоҳлари Шоҳ Жалолиддиннинг ўғиллари Шоҳ Али ва Шоҳ Фиёсиддинлар исён тараддудида эканликлари хабарини олдик. Амир Ҳасан Жондор Фароҳ вилоятига йўналиб, алар ишини бартараф этсун! Ака-укалар ясоққа етказилсин! Мирзо Улуғбек ва амир Шоҳмаликбек Андхуд ва Шибирғон томон отлансинлар! Олий ўрду Ҳиротга қайтажак! Барчангизнинг йўлингизу йўлдошингиз, юзингизу сўзингиз оқ бўлсин!

## ЙИГИРМА БИРИНЧИ БОБ

*Сирсиз олам оламмас,  
Пирсиз одам одаммас.*

**Ота сўзи**

Арк зиндонининг қоронғи ҳужрасида уч киши шифтга тикилганча оғир-оғир нафас оларди. Ҳофиз Шерозий чалқанча ётганча хиргойи қилар, Масти Қаландар деворга суюнганча ҳофизнинг айтувини тинглар, Эртўғрул Турон эса икки дўстининг хатти-ҳаракатини кузатганча чордана қуриб ўтирарди.

Зиндоннинг шиббаланиб сувалган девор каби товонига шоли похоли тўшалган, сомон тикилган учта ёстиқ бор эди. Улар шу похол устида сомонли ёстиққа бош қўйиб ухлашарди.

Ўша куни ҳофиз Шерозийнинг бир бадавлатроқ қариндошининг уйида учрашиб, хонадон соҳибасига кулчатоқ қилдирдилар. Шерозий ихлосмандлари ҳадя этган чоғирни ошлоққа қўйди. Икки косадан ички ичиб, энди бир парчадан эт ейишганди. Уйни миршаблар босди. Соҳиб ихтиёр Бобо Тармишнинг амри билан ҳибсга олинганларини айтишди.

Уч машҳур киши ҳам ўзини танитиб, янглишиб қамоққа олаётганларини англамоқчи бўлдилар.

– Учовингни ҳам ою кундай таниймиз! Салтанатнинг амир ул-умароси Шайх Нуриддиндек улуғ амирларгаки шаҳар дарвозалари беркитилиб, Қизилқум йўли кўрсатилганда, сенлар ким бўлибсан! – деди занжисифат миршаббоши. – Биз амри фармон қулимиз! Фармони олийни ерига келтирмоқ амри вожибдур!

Ҳофиз Шерозий тихирлик қилиб қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлган эди, миршаббоши дарраси билан орқасига туширди.

Эртўғрул Турон оғайниларига ҳеч бир гап-сўзсиз амрга

бўйсунити тушунтирди. Миршаоларнинг олдига тушиб арк томон юрдилар.

Кеч кириб, алламаҳал бўлиб қолган, кўчаларда одам сиёвсиб, ой ўроғи ҳорғин шаҳарни зўрға ёритарди.

Уларни кўрган зиндон навбатчиси шошиб қолди.

– Ассалому алайкум! Хуш келдингиз? Э, тавба! Э-э-э, Масти Қаландар оға, сизмисиз? Нечун бу ерга олиб келдилар? Ҳофиз Шерозий, сиз нима қилиб юрибсиз? Чо-пар Эртўғрулбек, қай шамоллар учирди? – маҳбусларни сўроққа тутди назоратчи.

– Маҳбуслар билан мулоқотга кирма! Ишингни қил! – зиндонбонга ўшқирди занжи миршаббоши.

– Саломлашмоқ Оллоҳнинг қарзи-да! Фақат саломлашдим холос, хўжайин!

– Саломлашмоқ ҳам ясоқдур! Хуш келдингиз дейди-я, товуқмия! Вазифангни бажар! Кўп гапирма!

– Хўп хўжайин! Хўп!

– Буларни энг тўрдаги қоронғу ва кичик одага қўй. Учо-ви ҳам давлатпаноҳимизнинг душманлари экан. Хос амри фармон келмагунга қадар емак, ичмак берма! Соҳиб ихтиёрнинг амрлари! Англадингми? Подшоҳимизнинг сиёсатига тил теккизибдилар! Шундай нозик пайтда сиёсатга аралашиб бўладими?

– Англадим, миршаббоши жаноблари!

– Одаларини қулфлаб калитни амири харосга бергин! Биз кетдик!

– Кетинг, миршаббоши жаноблари!

– Не дединг?

– Кетаман дедингиз, кетинг дедим, миршаббоши жаноблари, – тили тутилди зиндонбоннинг.

– Аҳмоқ одам экансан!

– Ақлли бўлсам шу ерда ишлармидим, миршаббоши жаноблари! Бир қошиқ қонимдан кечинг!

– Бор-е, одамга ҳам ўхшамайсан!

– Тўғри! Одам ҳам эмасман! Бироқ мана бу келтирганингиз уч киши одам. Улар билан гаплашса бўлади.

– Ҳе энангни...

– Сенинг энангни, – деди зиндонбон фақат ўзи эшитадиган сасда. – Ҳаётимда бундай инсонларнинг зиндонга ташланганини кўрмаган эдим. Замоннинг тўзганини, отдан эшакнинг ўзганини қара-я! Ё Оллоҳ! Тавбангдан кетай! Ақл бовар қилмайди!

Миршаббоши кетгач, зиндонбон маҳбуслар хонасига келди. Ўзича ҳол-аҳвол сўраган бўлди.

– Ана у жаллодбоши узоқлашсин. Сув билан парварда олиб келаман, – деди шундан бошқа яхшилик қилиш қўлидан келмаганидан афсусланган оҳангда. – Шундай кишиларниям ҳибсга маҳкум этадиларми-я?

– Мен челақлик Шодмон Жўраман, ҳофиз ака! Нега сизни бу ерга олиб келишди? Сиздек машҳур одамларни бу ерда узоқ ушлаб туришмайди. Эрта-индин чиқариб юборишса керак. Келаси ой икки ўғлимни суннат қилмоқчиман. Худо хоҳласа, бир айтув айтиб берасиз-да, – қайтиб келиб маҳбуслар кўнглини олмоқчи бўларди зиндонбон.

– Бугунча зиндон марсиясини айтиб турай! Тўйинггача бир гап бўлар! – деди дўриллаган овозда озгин ва сўррайган Шерозий зиндонбонга ҳайрат-ла боқаркан. – Мен не дейман, кўбизим не дейди.

– Худо бизни сиз каби улуғ ҳофизга дуч этганига қаранг-а?

Кўп ўтмай у бир кўзада сув ва бир сиқим парварда олиб келди.

Уч оғайни тунни зиндоннинг похолли, сомон ёстиқли хонасида ўтказдилар. Эртаси куни кечга яқин ўша занжисифат миршаббоши Ҳофиз Шерозийни олиб кетди.

Айтишларича, малика Шод Мулкнинг рижоси билан подшоҳ уни озод этибди.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Ҳарҳолда сизнинг чиққанингиз хайри аломат. Бизга кўнглингизни алағда этмай бораверинг. Иншооллоҳ, улуғ тангри бизга-да сизнинг йўлингизни беражак. Фақат бизнинг бу ерга тушиб қолганимиз хабарини амир Боботурк билмасликлари керак.

– Амир жаноблари зиёратига бормоқчи эдим, – деди дўстларисиз кетаётганидан иягига пичоқ қайраса бўладиган озғин, кўнгли ярим Шерозий.

– Яҳудийларда, худо дегин, бундан баттар бўлмасин, деган нақл бор. Яратганга шукр этамизки, орамиздан биримиз эркимизга қовушдик. Шунинг ўзи катта гап. Подшоҳимиз ёки маликамизни кўриб қолсангиз ёхуд улар қабул этсалар бизнинг аҳволимизни сўйланг. Ҳеч бир гуноҳимиз йўқлигини, чақув қурбони эканлигимизни англадинг, – Ҳофизга йўл-йўриқ кўрсатди мингбоши Эртўғрул Турон. – Чиқсак Ўснатга бирга борамиз.

Улар зиндонбанд этилганининг учинчи куни эди. Назоратчилар уч кунда бир алмашар, Шодмон Жўранинг гали келганди. У навбатни қабул қилиб олиши билан иккита зоғора ва нимча ўрик туршагини яшириб ташлаб кетди. Қоронғи тушганда эса бир парча яхна эт билан шубат<sup>1</sup> олиб келди.

– Аббосхўжа Модарзот устоз бериб юборди, – деди паст овозда икки маҳбуснинг ёнига ўтирар экан. – Ҳамма кетди. Зиндоннинг катта эшигини ичидан беркитдим. Эрталабгача ҳеч ким кирмайди. Чиқиб даҳлизларда ҳам юришингиз мумкин, – деди у жуда катта яхшилиқ қилгандай севиниб.

– Модарзот ҳалиям зиндондами? – сўради Эртўғрул Такатуркман карвонсаройида ҳибсга олиниб, маҳкама қаршисига чиққан ва Султон Соҳибқироннинг ўзлари сўроқ қилган махфия бошлигини таниб.

– Шу ерда. Сизни танир экан. Салом айтиб мана шу

---

<sup>1</sup>Шубат – туя сутидан ҳозирланадиган ичимлик.

емакларни бериб юбордилар. Жуда инсофли одам ҳаммага яхшилик қилади. Бизгаям қарашиб турадилар.

– Жуда яхши одам денг, – дея Шодмон Жўранинг юзига қараб қолди Эртўғрул Турон.

– Ҳа, дарёдан сув бағишлаган, – Модарзотни астойдил мақтарди зиндонбон. – Ижозат этсангиз сиз билан кўришмоқчилар.

– Маҳкум демак ҳеч қандай ҳақ-ҳуқуқи йўқ, бир-бирлари ила тенг ҳақсизлардир. Мен собиқ мингбошию хос чопар бўлсам. Ким эдимки, ул кишининг ҳузуримга келишига рухсат этсам. Бу ғаройиб масканда юрагим тарс ёрилиб кетмаслиги учун зиндондошимизнинг ёнига боришим мумкин, – деди Эртўғрул ўзига кўрсатилган бу эътибордан ҳайрон бўлиб.

– Ул кишим Бўрон Арслонбўғар билан бир одада ўтиришибди.

– Арслонбўғар ҳам шу ердами? – сўради Эртўғрул ҳайрон бўлиб.

– Бир ойча бўлди. Султонимизнинг арслонларини бўғиб ўлдириб қўйгандан сўнг қаҳрлари келиб зиндонбанд этишни буюрибдилар. Кўп ўтирмаса керак, – зиндон янгиликларини сўйлар эди Шодмон Жўра.

– Қандай қилиб арслонни бўғиб ўлдиради? – ҳайрон бўлиб сўради Масти Қаландар суҳбат қизиганидан бироз жонланиб.

– Бадахшон подшоси султонимизга бўйнига лаъл қадалган занжирли, кичиклигидан қўлга ўргатилган иккита шер ҳадя этган экан. Бизнинг қишлоқлик Эргаш Тожи деган овчи уларга қарарди. Султонимиз сархушликларида шерларимни ким билан кураш туширсам экан дея соҳиби ихтиёрдан сўрабди. Бу иш ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Ҳар ким бунга журъат ҳам этмайди. Юрак ютиб жазм этадиган бир киши бор. Бу ҳам бўлса Бўрон полвон, дебди Бобо Тармиш. Султонимиз амри билан уни олиб кели-

шибди. Кўпкарию курашда Бўрон полвоннинг олдига ҳеч ким туша олмаслиги аниқ. Бироқ у Ойқор тоғида айиқлар билан кураш тушиб юрган, аммо шеру йўлбарсга дуч келмаган экан. Не қиларини билмай, боши қотибди. Ҳозирлик кўриб келишга рухсат сўраб султон ҳузуридан чиқибди. Отининг бошини қўйганча Ўсмаатга, маслаҳат сўраш учун устози Абдумалик полвоннинг олдига борибди.

– Абдумалик Қорахон ҳам қишлоғига қайтиб кетганми?

– сўради Эртўғрул машҳур мингбегининг хабарини туйиб.

– Биз Ўсмаатга борганимизда келмаган эдилар.

– Кўпчилик қатори улуғ хоқон қайтишларидан сўнг салтанат ишидан чекинган дейишади. Қишлоқлари Ўртабаландда эканлар.

– Сўғишу сиёсатга билиб-билмай кириб қолганларнинг эс-ҳуши жойидалари охир-оқибатда хилвату узлат истаб қоладилар. Амирзодаи шаҳид Умаршайх мирзо ҳам полвоннинг қўлларида жон берган эди. Султон Соҳибқироннинг сўнг дамларида ҳам ул кишим бирга эдилар. Сен сўзингда давом эт, зиндонбон. Хуллас, Бўрон полвон устозидан йўл-йўриқ олиб султон ҳузурига қайтибдими?

– Қайтибди, мингбошибек. Йўлбарс билан олишмоқнинг ҳам ўз қонун-қоидаси бор экан. Абдумалик полвон шогирдига от ёли ва думининг қили қўшиб ўрилган арқон берибди. Бўрон полвонга бу арқон билан ўзининг бўйнидан бошлаб бутун танасини ўрашни тайинлабди. Шунда арслон не қадар тишласин баданга ўтмас экан. Полвон устозининг айтганини қилиб, ҳозирлигини кўриб, султон ҳузурига келибди. Йўлбарсни олишувга мажбур этиш учун уни уриб, қаҳрини келтириш керак экан. Полвон жониворни қаттиқроқ азоблаган шекилли, қутурганча унга ташланибди. Қараса полвонни ғажиб ташлайдиган. Вазият чатоқ. Бўрон полвон жониворни бўғиб ҳолдан тойганча кўйиб юбормабди. Шу тариқа султоннинг севимли арслонини жойини солибди. Шеригини ўлигига кўзи тушган иккинчи ҳайвон

полвонга ташланибди. Кўзи қонга тўлган Бўрон полвон уни ҳам бўғиб ўлдирибди. Кўз очиб-юмгунча икки шеридан айрилган султонимизнинг шом туби қоронғу бўлиб, полвонга ёзғирибди. Айтишларича, полвонни подшомиз эмас, Бобо Тармишнинг амри билан зиндонбанд этганлар. Шу воқеадан кейин унинг полвон лақаби қолиб Арслонбўғар деб атамоқдалар. Арк зиндонда Арслонбўғар билан Модарзотнинг айтгани айтган, дегани деган. Амири харосимиз Бешкал Ўрманғит ҳам иккиси билан ҳисоблашади. Улар истаса зиндонда ҳам шоҳ каби яшашингиз мумкин.

– Тавба! – деди зиндонбоннинг оғзига термулиб қолган Масти Қаландар таажжубланганча. – Зиндонда ҳам шоҳона яшаш мумкинми?

– Бу дунёда ўликни тирилтирмоқдан бошқа ҳамма нарсанинг йўли бор, қардошим, – деди сиртига битган катта кўзларини Масти Қаландарга қадаб зиндончи. – Фақат ҳадисини билиб, кадисини ўз вақтида илиш керак.

– Тавба! Тавба, астағфируллоҳ! – деди қаландар ёқасини ушлаб.

– Гурунг берадиган одам экансан, Шодмон Жўра. Шундай қилиб, бизни зериктирмай тур. Яхшилигинг қолиб кетмас. Сўйлаганинг кишилар билан учраштирсанг, ҳангамалашардик, – деди Эртўғрул оёқ-қўли чаққон зиндонбонга миннатдорчилик билдирган бўлиб.

– Устоздан сўрай. У киши не десалар шунга кўра ҳаракат этамиз, – жавоб қилди зиндонбон Модарзотни назарда тутиб.

Кечки емак учун ҳар бир маҳбусга икки бурдадан арпанон ва сув келтиришди. Модарзотнинг яхна этини еб, шубатини ичган мингбеги ва қаландар зоғарани токчага олиб қўйишди.

Хуфтон намозидан кейин келган зиндонбон оҳиста хона қулфини очди.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Хўжайин чақиряпти, – деди паст овозда кўзлари ёниб.  
– Сизларни астойдил ҳурмат қилар эканлар. Ҳатто чоғир ҳам олиб келтирдилар.

– Тавба! – деди яна Масти Қаландар ўрнидан туриб уст-бошини тузатар экан. – Зиндонда чоғир! Ана сизга ҳуррият, мингбоши жаноблари! Юрган эканмиз аҳмоқ бўлиб, ер юзида яшаб. Бутун маишат ер остида экан-ку? Аллақачон келсак бўларкан!

– Оғзингиздан шамол учирсин-е! Қўйсангиз-чи бунақа маишатни! Худо сақласин! – деди Эртўғрул Масти Қаландарнинг бу каби ғайритабиий ҳазил ва гап-сўзларига ўрганиб қолганидан кулимсираб.

– Ризқу насибангиз улуғ бўлса, ердами, осмондами, зиндондами, хумдондами, фарқи йўқ. Эгаси қиймай бераверади, – ўзи ва шеригини чалғитиш учун бошини соллаб гапириб борарди Масти Қаландар.

Модарзот билан Арслонбўғарнинг ҳужраси тоғу тошлардаги қадимий ғорларни эслатарди. Курси тарзидаги ўриндиқларга пўстак ва кўрпа солиниб, болишлар қўйилган эди. Бурчақда шамчиरोқ милтиллар, ўртадаги хонтахта вазифасини ўтайдиган катта кунда устига нон, яхна эт, ўрик ва шафтолиқоқи қўйилганди.

Маҳбуслар тилида бу зиндон қиролининг хос бўлмади эди. Эшик тик этса умид ила кўчага боқадиган хона соҳиблари номдор кўноқларини чин кўнгилдан илиқ қаршилашди.

– Сизни Султон Соҳибқирон ҳазратлари афв этгандай бўлгандилар. Ҳалиям чиқмадингизми? – сўради Эртўғрул бўлма тўрига ўтираркан, Модарзотдан.

– Энг қизиғи, улуғ хоқонимиз мени озод этинглар ҳам, жазоланглар ҳам демаганлар. Шу туфайли зиндоннинг ёғию тупроғини ялаб ётибмиз, мингбошибек, – деди Аббос Хўжа кулимсираб.

– Янги хоқонимизга арз этмадингизми?

– Уч бора арз этдим. Амири харос Бешкал Ўрманғит бугун-эрта, бир сугун хайрли мужда бўлади дейди. Бироқ янгиликдан дарак йўқ. Ишқилиб, ярғусизу сўроқсиз бош кундага етмаса бўлди эди, – юзи ташвишли тус олди Модарзотнинг. – Мана бир йилдирки, дор оғочи таҳдиди остида яшайман, мингбошибек. Инсон бу руҳий сиқинти ва босқи оқибатида ақлдан озиши ҳеч гап эмас экан.

– Тўғри. Киши ғаму ташвишдан йироқ, танаси соғ, руҳи очиғу тетик, ақли равшан бўлгандагина ҳаёт гўзаллигини фарқлаб, юракдан ҳис этиб, ундан завқланиб яшайди, – деди Эртўғрул Турон суҳбатдошининг гапига не даъфи жавоб қайтаришни билмай.

– Бир йилдирки, сабр этсак-да, ғўрадан ҳолва битмаётир, биродар, – мингбошига арзи ҳол этарди маҳбус. – Бизнинг тошу тарозимиз белгили. Ўзлари бу ерларга қандай тушиб қолдилар? Янги подшомизга қаршилиқ кўрсатдингизми? Бунинг устига Шоҳи Қаландарбекнинг шогирди Масти Қаландар? – бир дарвешга, бир мингбошига қаради Аббос Хўжа. – Шерозийни озод этибдилар.

– Бизникини кўяверинг. Айтишга ҳам арзимади. Шеър айтув айтиб бошимизни балога суқиб ўтирибмиз, – деди Арслонбўғар қуйган мусалласдан бир косасини қумраган туядек сипқорган Масти Қаландар.

– Сизларники осон экан. Бизди дардимиз оғир, – деди Аббос Хўжа хонадошининг қўлидан май косасини оларкан. – Менинг оғайним Бобо Тармиш майда-чуйда чақуву хусумат билан анча-бунча одамни зиндонга ташлатди.

– Ўтган куни ҳамкасбингиз Ал Кухулийнинг Дабусияга ҳокимлик қилиб турган ўғли Элхонийни ҳам келтиришди. Катта қизи ришватхўрликда айбланиб маҳкамалик бўлибди. Султонимиз ўғлини қаманглару, қизига тегманглар дебдилар, – гапга қўшилди соқийлик қилиб ўтирган ҳар елкаси замбилдек келадиган Бўрон полвон.

– Сизни тирикчилигингиз ғалати экан-ку, полвон ака?

Одамкушлар очикда юрибди-ю, иккита ҳайвонни бўғиб ўлдирганингиз учун сизни зиндонга олишганини қаранг-а? – Арслонбўғарга қаради Масти Қаландар.

– Шунини айтмайсизми, шоир оға? Бу ҳаммаси эски душманим Бобо Тармишнинг иши. Бу ерда ётганимдан султонимизнинг хабарлари бўлмаса керак. Зоти олийларининг афву марҳаматларига кўз тикиб ўтирибмиз, – жавоб қилди пўстакнинг ярғоғига ёнбошлаганча мусалласни майдалаётган полвон. – Одам боласининг ер юзидаги ҳаётнинг қадрига етиши учун зиндон деганни ҳам кўриб қўйиши керак экан шекилли.

– Мен бир нарсани ўйламоқдаман, бек жаноблари. Амир Соҳибқирон давридаги тўра ва тузук давом этадими ёки турум ўзгарадими? – сўради полвон.

– Устоз Шоҳи Қаландар айтувида айтгандек, Кўктошга кетин қўйган ҳар каски Темур ўлмас. Фикри ожизимча, энди ундай даври давлонлар қайтиб келмайди. Ҳатто рўемизда ҳам кўрмасак керак, – жавоб қилди Эртўғрул тушкун оҳангда. – Бундан буён бизни не қисмату қадар бек-лалаягаги ёлғиз Оллоҳга маълум. Бошимизга тушиб турган мана шу кунларнинг ўзи ҳам юртда ҳали-бери тинчлик, осойишталик бўлиб, улус яқин кечмишдаги каби яшай олмаслигини кўрсатиб турибди. Одил ҳукмдор рақибу ғаним санаган кишиларни қатағон этмай, ўз адлу адолатини тан олдириб, подшолик қилади. Золим эса аксини қилиб, фикрига қўшилмаганлардан душман ясаб, уларни жазолаб яшайди. Гумондорнинг чўпдан ҳадига бор дегандек, мендек бир дарвешу қаландарданки хавфсираб зиндонга отгани ҳам пошшонинг не қадар кучли-ю ақлли эканлигини кўрсатади. Бу аҳволда биз каби бечораларни шу кўйга солганларнинг аҳволини эрта кунда кўрасиз...

– Секин, – деди чўчинқираб Эртўғрул. – Эҳтиёт бўлиб кўнишинг. Қаердалигингизни унутманг, дўстим.

– Биз қаландару дарвеш зотининг фикримиз не бўлса, зикримиз ҳам шудир. Эгаси дилимизу тилимизга солган гапни айтмасак, ёрилиб ўламиз, бегим.

– Шу ердан бурнимиз қонамай, эсон-омон чиқиб олайлик, сўнгра ўзингиз биласиз. Ҳозир биз арбоблар билан ўйнашиб, уларнинг ошига пашша бўлиб турибмиз. Шу боис бир эмас, ўн карра диққатли бўлишимиз керак. Қолаверса, бу ердаги кишилар ҳар тарафга хизмат қиладилар, – шеригига шипшиди мингбоши. – Арбоблар эса ҳар боб билан ураверадилар. Ҳақу ноҳақлигини сўраб-сўриштириб ўтирмайдилар. Ва ул шайтони лаъинлар сени бир ёмон кўрдиларми, тамом. Қайтиб кўнгиллари илимайди.

Масти Қаландар мингбошининг сўзини маъқуллагандек бош соллади.

Ярим намоз ораси вақт ўтди. Зиндонбон Шодмон Жўра яна бир лаган этли емак олиб келди. Товоқда балиқ, товуқ ва калла гўшти бор эди.

– Ошлиғингиз султон суфрасидан кам эмас, – ҳазиллашди Эртўғрул Аббос Хўжага.

– Бунинг барчаси одамларимнинг иши. Керак бўлса, сиз амр этинг, Ҳирот ҳибсхонасидаги яқин маҳкумингизга ҳам шундай шарт-шароит яратиб бераман. Бизнинг махфия дунёмиз бир-бирига садоқатли ва ғамхўр. Сизнинг амиру бекларингиз каби отдан тушган заҳоти сотиб, юз ўгириб кетмайдилар, – гапнинг ростини айтди Аббос Хўжа.

– Ҳақсиз, биродар. Эътироз билдиражак ҳолим йўқ, – тан олди мингбоши.

– Қани этлардан тановул этинг. Балиқ, товуқ, калла, булар ейилар эл-ла, – дейдилар бизнинг Ҳазарбўйи кўйларимизда. – Насиб этса келур Шому Ироқдин, гар этмаса кетур қошу қабокдин дегани шудир, мингбошибек.

Чоғирдан тузуккина ичиб, этдан еган Масти Қаландар билан Бўрон полвон хона бурчагида бироз ҳиринглашиб гаплашиб ўтиришди-да, уйкуга кетишди.

– Шерикларимизнинг пинакка кетгани яхши бўлди, минг-бошибек. Сиз-ла қўнишажак муҳим гаплар бор эди. Менга ишонсангиз ва рухсат этсангиз биров ҳангомалашсак? – деди Аббос Хўжа барчадан кўп ички ичган бўлса-да, қилт этмай ўтирар экан.

– Ким бўлмайлик, қисмату қадар бизни тенг қилди. Зиндон тупроғини ялатиб, маҳбуслик тамғасини қалбимизга босди. Тақдирдош дўст бўлдик. Ва Оллоҳ насиб этса, бундан буён ҳам дўст бўлиб қолажакмиз. Биз сўнгра эшитдик. Сиз жуда кўп бева-бечора, етим-есирларга ҳам кўмак этиб, яхшиликлар қилган экансиз. Узунқулоқлар бу гапларни ҳам Султон Соҳибқирон зоти олийларига етказган бўлсалар керакки, сизни жазоламоққа ҳукм этмадилар.

– Эҳ, хайрият-е, биз қилган яхшиликларни ҳам кўрар кўзлар бор экан-а! – деди Аббос Хўжа дийдасида ёш филтиллаб. – Зиндонга тушганингдан сўнг бутун эл-улуснинг нигоҳида юзи қора бир одамга айланиб қолар экансан киши.

– Зиндон ҳаёти шундай, биродар. Авлиё бўлсангиз ҳам бу ерда бир даму дақиқада сиздан эшак ўғриси ясайдилар. Ва умр бўйи бу тавқи лаънатни кўтариб юрмоқ мажбуриятида қоласиз.

– Биз бугун зиндонга тушган бўлсак, улар эртага тушадилар, биродар. Табиийки, унга қадар кўшқу қасрларга сиғмаган олтин бошлари қабр томон юмалаб кетмаса. Эсимни танигандан бери шуни англаб етдимки, инсон дегани бир-бирига бўри экан. Ёшу бегона, хешу ақрабо, фарқ этмас экан. Ёт жондорлардан ҳам яқин қашқирлар хавфли бўларкан: Қолаверса, тахту сарой, тожу давлат деган жойда ҳамма нарса фақат манфаат устига қуриларди. Боя учини чиқарганимдек менинг ҳам мамлакатнинг тўрт бир томонида одамларим бор. Улар салтанат хабарчиларига керакли хизматни қиладилар ва лозим муждаларни етказиб ҳам турадилар. Олган билгиларимга қараганда

улуғ хоқон ҳазратлари ҳузурларига чорлаб мендан қайси амиру ҳоким, қозию ярғучига не қадар ришвату ҳадя берганимни очиқ-ойдин сўрамоқчи бўлганлар. Бироқ барчамизга маълум бўлган фожиа бу учрашувнинг юз беришига монелик қилиб, мен зиндон аросатида қолиб кетдим.

– Сиз ростдан ҳам давлат ва салтанатнинг энг олий кишиларига ришват берганмисиз? – ишонқирамай сўради мингбоши.

– Амир Боботурк билан Алп Туркашдан бошқа барчасига, биродар. Алп Туркашнинг одамлари ҳам ўтган-қайтганда неки етишмаса сўрайвериб, жонимиздан бездирган. Қай бирини айтасиз, мингбошибек. Ўлигу тирик – ҳаммасига берганман. Мисол учун барчага маълум бир воқеани айтиб берайин. Хотирангизда бўлса, валиаҳди шаҳид Муҳаммад Султон Бағдоднинг иккинчи фатҳидан сўнг улуғ хоқон зоти олийларига юз йигирма мисқоллик Бадахшон лаълини тақдим этдилар. Эслайсизми?

– Ҳа, ҳа, хотирладим.

– Отангизга балли! Бизнинг Сарахс ва Тежен амир Сулаймоншоҳ тасарруфидаги бир ўлкадир. Амир жаноблари оғзиларига сиққанча биздан олиб келганлар. Ора-сира кўришиб ҳам турардик. Бир учрашувда валиаҳд Муҳаммад Султоннинг кўнглини олишимиз керак. Эрта кунда у бобосининг тахтига ўтиради Шунда мулки давлат жилови бизнинг қўлимизда бўлади, деди. Унинг гапига кўниб, ўша лаълни топтирдим. Бироқ сездимки, амирнинг лаълни валиаҳдга берадиган авзойи йўқ. Амирга бу иш яхши эмаслигини, неники ваъдалашсак, сўзимизда туришимиз кераклигини, акс ҳолда эртага орамиздан гап қочиши мумкинлигини тушунтирдим. Шундан сўнг амир лаълни валиаҳдга элтиб берди. Мана шу тарз ишлар, мингбошибек. Мен сизга қайси бирини айтай?

– Тушунарли, – деди бош ирғаб Эртўғрул.

– Шаҳзодаю амирзодалар, бою бадавлатларнинг ав-

подлари қўлларида қолган бу каби қимматбаҳо ашёларни сотмоқ учун бизга мурожаат этадилар. Биз улар ҳақиға хиёнат этмаймиз ва рози қиламиз. Ҳукумат одамлари эса бундай молларни раият элидалигини сезиб қолсалар, тортиб оладилар.

– Сиз зиндонда ўтириб ҳам бу каби иш билан шуғулланаверасизми? – таажжубда эди мингбоши.

– Бизнинг ишимиз шундан иборат, қардошим. Кўзим очиқ экан, бу ўзига хос оламнинг бошлиғиман. Бу каби молларни бозорламоқни давлату ҳукумат одамларининг ўзлари бизга тавсия этадилар. Амалу мансабда омонат эканликларини англаяроқ, кўз очиб-юмгунча бойиб қолмоқ пешига тушиб, бундай ишларга қўл урадилар. Бирда ишлари ғирса, бирда бошлари кетади. Мен сиз биродаримга бугунги аҳволни айтай. Ҳозир салтанат киши-си бўлсин, бизнинг махфиялар бўлсин, барчанинг кўзи улуғ хоқон раҳматлидан қолган бир неча сандиқ ва биз ўтирган арк хазинасида сақланаётган Чингизхоннинг олтин тахтида. Бу ерда бўлмаганимда аллақачон буни ҳал этар эдик. Бир ишни икки иш, этикни кавуш қилмайин дея шошмай турибмиз. Улуғ хоқоннинг машҳур ёқут кўзли узуклари эса Шоҳруҳмирзо ҳазратларининг қўлларида. Амир Соҳибқирон уни Чечакту қалъасида бизни сўроқ қилганларидан сўнг хайрлашар чоғида кенжа ўғилларига топширганлар. Бу деганлари мендан сўнгра давлатни сен бошқарасан деганлари экан.

– Валиаҳд Пирмуҳаммаднинг ворис эълон этилиши-чи?

– Бу асл ворисни сақламоқ, унинг рақибу яғий, нохайрихоҳу душманларини кўпайтирмаслик учун олинган тадбирдир, қардошим. Улуғ хоқондан пичоққа илинар бир ўғил қолган. Уни ўзга усулу услуб билан асраб бўлмайдими шекилли.

– Демак, фикрингизга кўра ҳокимиятнинг эгаси мирзо Шоҳруҳ?

– Бу бир менинг эрмас, кўпчиликнинг тушунчасидир, мингбошибек. Айна дамдаги султонимиз ҳам салтанат тулпорини муносиб равишда миниб, тахту давлат арава-сини тортиб кетишлари мумкин. Бироқ ёнида маликамизу билганингиз каби соҳиби ихтиёрлар бор экан, қоқилмоқ эҳтимоли кучли. Агарким, шаҳзодамиз мулки давлат жиловини ўз қўлларида муқим тутганларида хазинадагилар биз билан юқорида сўйлаганим ашёлар бобида савдолашиб ўтирмас эдилар. Билганингиз каби олтинни илон ва илонсифат одамлар асраб-авайлаб, қўриқлайдилар. Вақти соати етиб, бу ашё бошқа бир илонфеъл кишининг қўлига ўтади. Хуллас, шунақа гап-сўзлар, мингбошибек қардошим, – деди Аббос Хўжа коса тагида қолган шаробни хўплар экан.

Масти Қаландар ғужанак бўлганча ухлар, Бўрон полвон энг юксак пардада хурракни отарди.

– Энди ижозатингиз ила бевосита сиз ҳамда устозингиз амир Боботуркни илгилантирган бир хабарни айтмоқчиман, – деди Аббос Хўжа ухлаётган шерикларига қараб қўяркан. – Амир жанобларининг этагини ўпиб, ташлаган суягини ғажиб юрган Қўрғонтепа даруғаси Дадакул Дўсан билан қутвол Ашурали Товоқчи амирнинг жонига қасд қилишган. Хайриятки, у ердаги бир юзбоши бу икки нокаснинг амрини бажаришдан бош тортиб, бекни огоҳлантирган. Ҳозир шу юзбоши Боғмозорда устозингизни муҳофаза этиб турибди. Акс ҳолда?...

– Йўғ-е! – деди бу кутилмаган нохуш хабардан ҳайратга тушган Эртўғрул беихтиёр тебранар экан.

– Бизнинг ҳар бир ҳудуду ўлкада кўзу қулоғимиз бор, қардошим. Одамларимга айтдим. Амирни ёлғизлатмайдилар. Мени ҳибсга олишни буюрган бўлсаларда, бек жаноблари ёмон одам эмас. У кишимнинг ўрнида бошқа бир салтанат амири бўлганда ҳам ўзгача йўл тута олмас эди. Амир каби соз инсонлар жаҳонда ғоят оздир.

Бундай кишилар эса доимо ҳимоясиз бўладилар ва ўлимдан чўчимайдилар. Ким эканини билмаган нима деганини ҳам билмас деганларидек бир жонзод каби туғилиб, яшаб ва ўлиб кетадиган моддият бандалари ажалу азроилдан кўрқиб яшайдилар.

– Устозда ҳар қандай оғир вазиятда тез ва тўғри қарор қабул қилиб, ундан чиқиб кета билмоқ салоҳияти юксакдир. Ул хоинларга қарши бирор бир чора-тадбир ўйлаб, қўллагандирлар, – кўнглига ғулғула тушганди Эртўғрулнинг.

– Шу ердан эсон-омон қутулганимизда эди. Мен ҳам ўша Ойқор бетларга бориб, бир неча уюр йилқи қилиб, яхши тулпорлар етиштириб яшар эдим, – дамсар урди Аббос Хўжа. – Қаердаги жанжалу тўполонларга араллашиб, қозилик қилавериш жонимга тегиб кетди.

– Шу ерда туриб ҳам сўнг қарорни сиз берасизми?

– Шундай, қардошим. Ҳеч ким мендан ўтиб бу ишга журъат эта олмайди. Бирор-бир юмушнинг бажарилмагани ҳақида турли баҳоналарни қалаштириб, ҳукмдорларни алдаш ва ишонтириш мумкин. Бироқ бизнинг ишда айтилган сўз – отилган ўқ. Сўзимизни икки қилганнинг танаси иккига айрилади. Бизнинг одамлар давлат кишиларидан кўра аниқ, пухта ва тез ишлайдилар. Ҳеч қачон бир-бирларини сотмайдилар. Шунинг учун ҳам барча ҳукмдорлар биз билан ҳисоблашадилар ва биздан чўчийдилар. Қолаверса, мен каби бир махфия бошлиғини йўлдан слиб ташламоқ ҳам осон эмас. Бунинг бирдан-бир йўли энг яқин ёрдамчиларимдан бирини ўрнимга тайёрлаб, унга мени йўлдан олиб ташламоқни топширмақдир. Бунга эса ҳар ким ҳам юрак ютиб, журъат этиб, рози бўлавермайди.

– Сизларнинг ишингиз ҳам осон эмас экан, – боши қотган эди мингбошининг. – Маслаҳат беринг. Бу ердаги турумни сиздан яхши биладиган ва бошқарадиган одам йўққа ўхшайди. Энди нима қиламиз?

– Яратган мушкуллимизни осон этар. Сизнинг ишингиз осон. Эртагаёқ амири харос Бешкал Ўрманғитнинг ёнчиғига соладиганимизни солиб, тузуккина тухфа билан маликамиз ҳузурларига юборсак, чиқиб кетасизлар. Менинг ишим бироз чўзилади. Сиз бу ердан чиқиб, амир Боботурк ёки шайх Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратларининг олдига бориб аҳволни аңлатсангиз, у кишим султонимизга мурожаат этсалар, озодлигим тезлашса ажаб эмас, – астойдил ёрилди Аббос Хўжа. – Халил Султон шоиртабиат, кўнгли тоза, бировга кин сақламайдиган яхши йигит. Ҳукмронлигига бир йилдан ошдики, ҳеч кимни қақшатиб, бурнини қонатмади дейишмоқда. Бизни ҳам афв этар. Ёки Шоҳруҳмирзо каби бир улуғ зот афвимизни сўрасалар-да, йўқ демасалар керак.

– Сизни бирор юзлик ёки мингликка бош қилиб савашга ҳам солишлари мумкин. Шундай таклиф келиб қолса йўқ деманг. Мақсад – зиндондан чиқмоқ. Қолганига эгаси йўл кўрсатар, – фикр билдирди мингбоши.

– Итбоқарлик таклифи келганда ҳам чиқар эдим, – деди ўкинчли оҳангда Аббос Хўжа. – Бу зиндон деган балада киши қалбидаги жавоҳир синиб, одамгарчиликдан чиқа бошлар экансан. Хуллас, бўркни ёнга олиб қўйиб, бамаслаҳат иш юритиб, даставвал бизни топиштирган мана шу жаҳаннамдан қутулишимиз керак. Қолгани Оллоҳнинг изни ила ўз қўлимизда. Истасак, тоғларга бош олиб кетамиз. Хоҳласак, бирор-бир амирзода хизмати-га кирармиз. Бу икки биродаримиз уйқуни ураверишсин. Биз сизнинг хонангизга бориб, икки энлик мактуб битамиз. Биринчи навбатда устозингиз, амир жанобларининг ҳаётларини қутқармоғимиз керак. Сўнг бошқа ишлар режасини қиламиз, – деди хона эшиги томон юрган Аббос Хўжа.

Икки номдор маҳбуснинг ўрнидан қўзғалганини кўрган Шодмон Жўра югуриб келиб эшикни очди.

– Қоғоз ила қалам келтир, Шодмон, – буюрди Аббос Хўжа. – Биз мингбошибекнинг хужраларида бўламиз. Буларнинг устидан қулфлаб қўй.

Зиндонбон бош маҳбуснинг кўрсатмаларини қош қайирмай бажарарди. Зум ўтмай хонага қоғоз-қалам келтирди.

– Ёзинг! – деди бош маҳбус Эртўғрул Туронга хона бўйлаб наридан-бери юрар экан. – Сариқуйғур! Сўзларимни диққат ила тингла! Турдиоҳундан лозим бўлган масрафни ол-да, Ўснат беклиги томон йўлга туш. У ерга бориб Қўрғонтепабеги Дадақул Дўсанни топ. Амир жанобларига нисбатан қилаётган фитна ва суиқасддан воз кеч! Акс ҳолда кавлаган чоҳинг ўз бўйингга ўлчанган бўлиб чиқади! Ўйин бузилиб, ғишт қолипдан кўчса, ҳеч кимдан домангир бўлма! Акс ҳолда ўзингга яхшилик қилган одамга ёмонликни раво кўрган кимса сифатида ҳароми номини олажаксан! Ўзингни тўғри тутсанг, ҳаётинг сақланажак! Янглиш қадам босиб, хоинона ҳаракатларингни давом эттирсанг, хафа бўлма! Зотан, хафа бўлмоқликка-да улгурмайсан! Гап тамом! Вассалом! Сариқуйғур! Яна бир вазифа шундан иборатким, Ўрманғитнинг одами сенга учрашади. Маликаларбон нарсалардан айтганини бер. Соҳиби ихтиёр билан бўлаётган мулоқотларни давом этдир. Ишни натижага боғламоқ жаддида бўл! Кишиларимиз шаҳзодалар орасидаги сўғишу савашларга кирмасунлар! Етказилиши лозим гаплар бўлса айтиб юбор! Оллоҳнинг марҳаматидан умидвормиз!

– Бу мактубни ўзинг билган Сариқуйғурга элтиб берасан, – деди қопу ўнгида кутиб турган зиндонбонга. – Ўзинг ҳам ундан ҳақингни ол. У сени рози қиляптими? – сўради зимдан боқиб.

– Ҳақимни олмоқдаман, хўжайин, – ялтўқланди Шодмон Жўра. – Оллоҳ сиздан рози бўлсин. Ўзларига хизмат қилиб, косамиз оқариб қолди.

– Аъло! Бизга садоқатли хизмат қилмоқда давом этсанг, нафақат косанг оқаради, оёғинг орасидан шамол ўтиб турар экан, пичоғинг ёғ устида бўлади. Англадингми? – ҳукмфармо оҳангда сўради Аббос Хўжа.

– Унда бугун кетаркан, айтганларимни бажар. Зарур гаплар чиқиб қолса келиб кетарсан. Амири харос Ўрманғит эрталаб келиши билан мени кўришмоқчи эканлигимни сўйла. Тушундингми, Шодмон Жўра?

– Тушундим, хўжайин!

– Унда маъқул. Биз дўстимиз билан шу ерда биров гурунглашамиз. Сўнгра ҳар ким ўз ҳужрасига тарқалади. Бориб дўстларимизни уйғот. Бу ер оналарининг уйи эмас, салтанат зиндони эканлигини эслатиб қўй.

Шодмон Жўра бош ирғаганча узоқлашди.

– Амири харос билан неларни гаплашасиз? – сўради Эртўғрул Аббос Хўжанинг зиндон амири каби буйруқ беришини ҳайрат-ла кузатар экан.

– Сиз билан шоир қардошимизни озод этмоқни. Шоир ҳофизини зиндонга отган иқтидорнинг умри узоққа бормайди, биродар. Бироқ буни ҳеч кимга англадиб бўлмайдиган кўринади. Шунга қараб ишимизнинг расамадини олмоғимиз керак, мингбошибек, – дея хона деворига суюнганча чуқур нафас олди Аббос Хўжа. – Абу Анғит Ал Қухулий домланинг ўғли, собиқ ҳоким Элхоний билан ҳам биров гурунглашдик. Султонимиз опа-укани ҳам зиндонга отманглар дебдилар.

– Бироқ бу Ал Қухулий деганимиз ҳар қандай яхшиликни билмайдиган, кишиларнинг ўзига қилган хайри яхшиликларини янглиш англайдиган бир нонкўр дейдилар. Устоз Боботурк доим унинг ҳолидан хабар олиб, кўмак этиб турардилар. Энди эса Соҳибқирону устозни ёмонлаб, акамни Мўлтонга сургун қилди. Ўзимга қарамади кўчада қолиб кетдим деб юрган эмиш.

– Унисиям майли. Ўз қавми Идику Манғит ҳақида қасидалар битиб, уни Чингизхонга тенглаштирибди. Келиб тезроқ бизни ҳам озод этинг, янги соҳибқироним, дебди. Мансур Ҳалложни ўтда ёққан, Абул Машрабнинг терисини шилган бу улусдан ҳеч бир хайр беклаб бўлмас деб юрганмиш.

– Кечмиш замонда Тўхтамишхонга ҳам бағишлаб қасида ёзган эди. Шунда Султон Соҳибқирон ҳазратлари, энг ишончли ёлғонни энг чиройли ёзган шоир энг яхши шоирдир. Зотан, шоир дегани араб тилида ёлғончи маъносини ҳам англатади. Ҳеч қачон шоиру кўшиқчи зоти ила тенг бўлиб, уларни жазоламанг. Бу тепаси ўйиқ бандаларнинг аксари ёмон кишилар эмас, нуқсонларини кечиринглар, деган эканлар.

– Бироқ Юсуф Муҳаммад деган шоир унга ғоят муносиб жавоб берибди. Унутма, устоз шайтон шоир, Мансур Ҳалложни ўтда ёндирган, Абул Машрабнинг терисини шилдирган қоралаганинг бечора қора халқ эмас, сен мадҳия бағишлаган золиму қотил ҳукмдорлар ва уларга фатво бергувчи жоҳил тўрвасоқоллардир.

– Юсуф Муҳаммад тўғри сўйламиш, – деди мингбоши Аббос Хўжанинг бу қадар кенг мушоҳада этишидан ҳайратланиб.

– Мана, устоз Ал Кухулийнинг ҳамкасбларидан бири биз томон келмоқдалар, – деди Аббос Хўжа ўзлари томон келаётган сархуш Масти Қаландарни кўриб.

Масти Қаландар оёғини судраб босиб келиб шерикларининг ёнига чўқди.

– Ҳангомаю май ичишдан ортиб, битикларидан эшитмадик, шоири замон, – деди Аббос Хўжа кўзлари гилдираб турган дарвешга.

– Бир шеър ўқимаганим жой зиндон қолувди. Биз учун бундан осон иш йўқ, биродар. Ўқи десангиз ўқийман, –

жавоб қилди Масти Қаландар тушкун оҳангда. – Ўқисак,  
ўқибмиз-да, биродар, – деди икки тиззасига икки кафти-  
ни қўйган қаландар бошини хиёл эгганча соллаб, айтувни  
бошларкан:

– Абдал қурида қўнишмоқ,  
Доно учун ҳақоратдир.  
Жоҳил тарафини тутмоқ,  
Бориб турган разолатдир.  
Ҳақсизга қарши сўз айтсанг,  
Заҳн этарки, адоватдир.  
Лоқайдликнинг сўнг манзили,  
Муаққаким аросатдир.

Ҳақиқатни ҳайқирмоқлик,  
Асил жиҳод – адолатдир.  
Ўлканг ўнгин кўра билсанг,  
Башорату кароматдир.

Киши кўнглида тахт қурмоқ,  
Мангу шараф, саодатдир.  
Миллат меҳрини қозонмоқ,  
Тек илоҳий шафоатдир.

Кўзинг очиқ, ва лек кўрсан,  
Кечар кунинг асоратдир.  
Орифлик таъриф этилмас,  
Сўнг йўл фаҳми фаросатдир.

Шеър ўқиётган Масти Қаландарнинг кўзидан ёш оқарди.  
– Ташаккур, қардошим! Жуфт бўлсин! – деди битик ва  
дарвешнинг кўз ёшидан таъсирланган Аббос Хўжа.

Масти Қаландар бошини ҳам қилганча иккинчи айтувни  
бошлади:

– Ҳаёт – отлик, пиёда,  
Бир кўпқари чопмоқдир.  
Совурину нишонлар,  
Оғзинг ёпар қопқоқдир.

Орзу этганинг мансаб,  
Бошингдаги тўқмоқдир.  
Нортуянинг иши ҳам,  
Манзил сўнги чўқмоқдир.

Лаганбардор лапар,  
Мудом орқа ўпмоқдир.  
Муттаҳамнинг мақсади,  
Ойга этак ёпмоқдир.

Пасткаш наҳс кашфиёти,  
Қилдан қийиқ топмоқдир.  
Итфеълнинг жасорати,  
Охир бир кун қопмоқдир.

Зиндонда қабристон сукунати ҳукмрон эди.

– Шеър ўқибу эшитиб, зиндонга тушиб ўтирибмиз, дўстим, – деди кулиб Эртўғрун Турон Модарзотга.

– Ҳар ишда бир хайр бордир. Бизнинг ҳузуримизга келганингиздан ҳеч қачон афсус чекмайсиз. Сўзимни унутманг, – жавоб қилди бош махфия.

– Шеър учун бошимизни керак бўлса, кундага етказсинлар! Ҳалложу Машрабийлар мартабасига етишамиз! – деди ҳамон кўзидан ёш қуйилиб Масти Қаландар.

– Сизни Абу Анғит Ал Кухулийга атаб бир шеър ёзган деб ҳам эшитган эдик. Дарвешлар бир неча сатрини айтиб ўтаётганини зиндон панжарасидан эшитиб қолдик. Малол келмаса, шу битигингизни ўқиб берингу, ғурбатхонамизга

борайлик, – деди Аббос Хўжа ҳорғин нигоҳ-ла қаландарга боқаркан.

Бошини кўтариб ҳамхоналарига бир қараб қўйган Мас-ти Қаландар сўнги айтувини айтди:

– Элида ақчаси мўл,  
Саррофга ўхшайдими?  
Тушда китоб кўрмаган,  
Саҳҳофга ўхшайдими?

Насаби ботил амир,  
Арбобга ўхшайдими?  
Ота яғий ғанимлар,  
Аҳбобга ўхшайдими?

Золим даври даврони,  
Азобга ўхшайдими?  
Ўзин фаришта сансин,  
Каззобга ўхшайдими?

Эт деб сунганинг луқма,  
Кабобга ўхшайдими?  
Устоз шайтони лаъин,  
Қассобга ўхшайдими?

Шоирнинг кичиги кичик шайтон ўлур,  
Каттаси қутурган кучук, шайтон ўлур.

– Ал Кухулийни кўпчилик устоз дея тилга олади. Кимлар-дир уни қаҳрамон, ҳақиқий халқ шоири ҳам дейди. Бироқ киши ўлароқ жуда тубан бир шахсият дейдилар. Фақат ухлаган пайтда ички ичмас эрмиш. Шу гаплар тўғрими? – сўради махфиябоши.

– Гапларингиз тўғридир, биродар. У бир пайтлар тузук

шоир бўлган. Боиси, ўша пайтларда пичоққа илинадиган шоир зотининг ўзи кам бўлган. Ёзган шеърларини ҳам Бўлтак Шерозийга ўхшаган ҳофизу бахшилар эл орасида айтиб машҳур қилган. У бу битикларини ҳақиқатан ҳам эл ва юртсевар бўлганлигидан, юракдан ёзмаган. Шеър битмакка уста бўлганлиги учун эшик ясаган дурадгор каби ёзиб ташлайверган. Ҳозир ҳам ёзади. Энди эса ўз-ўзини такрорлаб қолган. Ёзганини ҳеч ким ўқимайди. Унинг ёнига бирор-бир жиддий киши йўламайди. Кимлиги номаълум, майда-чуйдалар атрофида ўралашади. Масалан, Эрка Ваҳобий ҳам ёмон шоир эмас. Бироқ у етим ўсган. Етим улғайган кишида эса ватану миллат туйғуси эксик бўлади. Ал Кухулийда эса уруғ, насл-насаб ноқислиги бор. Аввал уруғига боқ, сўнгра турқига дегандек, унинг шажараси башарасидан белгилидир, – ўз фикрини баён этди Масти Қаландар. – Устоз Шоҳи Қаландар айтганларидек, биз шоир зотидан мукамаллик бекламангиз, биродарлар. Феъли атворимиз Қорабоғнинг об-ҳавосидек ўзгариб туради. Бугун духтарак бўлсак, эртага пистаракмиз. Биз ҳам эрта бир кун Абул Машраб каби бирор султону хоқоннинг тахтига ўтириб қўйиб, қовун туширганимизни эшитиб қолсангиз, ҳайрон бўлманг. Лутфию Атойи, Шероziю Низомийлар эса шоирлик мақомини ортда қолдириб, асл файласуфлик мақомига кўтарилган сиймолардир.

– Бу қадар ажойиб ҳангома беришингизни билганимда эди, аллақачон сизни бу ерга олиб келтирар эдим, – ҳазиллашди Аббос Хўжа.

– Келганимдан афсус чекмайман. Битикчи аҳли учун бундай муҳташам саройларда бўлмоқ етти мадрасанинг сабоғини бергувсидир. Ҳаёту умрнинг, инсонун инсонликнинг қадрига етмоқ учун ҳам бу кошоналарга ташриф буюриб турмоқ фойдадан холи эрмас, – бошини соллаганча ҳангомани оларди Масти Қаландар.

Тун ярмидан оққанди.

Маҳбуслар хоналари томон йўналдилар.

Зим-зиё зиндондасан, гули қаҳ-қаҳ хандондасан, тонг отар, кун ботар, умр сувдек оқар эди...

## **ЙИГИРМА ИККИНЧИ БОБ**

*Аблаҳ улки, бу оламдин бақо қилғай таъма,  
Аҳмоқ улки, олам аҳлидин вафо қилғай таъма.*

**НАВОИЙ**

Султония ва теграси саратон чилласида олов каби ёнарди. Ўрмалаган жон борки, бир парча соя ахтариб ўзини оғочу уйлар кўлкасига урарди. Шаҳар кўчаларида изғиётган мешкобчиларнинг кўли кўлига тегмас, бир коса яхдек сувни бошидан қуйганча динорларини ёнчиғига уриб, бақириб-чақириб, қумраган одамларни чорлашарди.

Мол-мулки тортиб олинган, кўл ва оёқларига кишан урилган Абу Бакр мирзони Султония қалъасининг кенг бир хонасига олиб кирдилар.

– Амирзодамизнинг кўл-оёқларини бўшатиб, мана шу хонада ул кишим учун лозим бўлган шароитни яратинг! Қуш этидан чоғиргача неки истасалар муҳайё этинг! Подшоҳимизнинг амри фармонлари шундай! – деди амирзоданинг қисмати топширилган Одил хазоначи барча эшитсин учун баланд овозда. – Ёнларига кимсани йўлатсангиз, бошингиз кетажак!

– Мени қўйиб юбор, хазоначи! Бир кун келиб, бу қилган ишингга кўпдан-кўп пушаймон ейсан! – деди Мирзо Абу Бакр хона ўртасида оёқ-кўли бўшашганча абгор бир аҳволда тураркан. – Кичик қардошим ҳам эрта бир кун хато иш қилганини англаяжак!

– Қўлимдан келмаган ишни мендан сўрманг, амирзодам! Ўзимга қолса, Мироншоҳ мирзо ҳазратларининг кўзлари очиқ эркан, сизга нисбатан бундай ишларни қилмоққа қандай журъат этаман? Сиз улуғ мирзомга нисбатан амр берган тилим кесилсин! Бироз сабр қилинг! Укангиз инсофга

иниб, шахдларидан тушиб қоларлар. Биз ҳам ётиғи билан тушунтирамиз. Ожиз фикримча, ортиқча гап-сўз ва хатти-ҳаракатлар билан вазиятни чигаллаштирмаганингиз маъқул! – куйиб-пишиб маслаҳат берарди Одил хазоначи.

– Менга қара, хазоначи! – ёши улуғ амирни ҳамон сенсирарди амирзода. – Дангасага иш буюрсанг, отангдан яхши насиҳат қилади деганларидек, қачондан бери сен менга ақл ўргатадиган бўлиб қолдинг?

– Сизга ақл ўргатаётганим йўқ, мирзом! Ҳар иккимиз ҳам амри фармонни бажаришимиз кераклигини айтдим, холос. Йўқса подшоҳ фармонига бўйсунмаган айбдор ўлароқ иккимизнинг ҳам бошимиз кетади, – зор қақшарди амир.

– Мени билмайману, бироқ эртами-кеч сенинг бошинг танангдан жудо бўлиши аниқ! Шунини унутма! Менинг ҳарамим, ўғруқим қаерда? Уларни ҳам ўша қардошқуш зиндонбанд этмоққа буюрдими? – ҳамон қаҳридан тушмай алам-ла ўшқирарди Абу Бакр мирзо. – Уларни ҳам мен каби ғорат қилдиларми?

– Сизнинг ўғруқ, волидангиз маликайи олиялари, хонимларингиз ва мулозимларингиз тақдири амир Ҳусайн Барлосга топширилган. Ул кишим қўшингизни Султониянинг Гўзалдара мавзесида муҳофаза этиб турибдилар, – жавоб қилди амир Одил хазоначи.

– Ул шарафсиз биз билан бир отадан эмасга ўхшайди! Агар ҳақиқий қон-қардош бўлганида эди, бу разил ишга журъат қилмаган бўларди! – хона бўйлаб гапирганча юра бошлади амирзода. – Нега жимсан? Гапир, амир! У аблах сенга мени қатлга етказишни буюрдими?

– Ўзингизни босинг, амирзодам! Бул каби ножўя сўзлар сиз каби тоза насли шахзодага ёқишмагай! Буюк қардошингиз сизга шоҳона шарт-шароит яратиб бермоқни буюрдилар! Барчамиз шунинг хатти-ҳаракатидамиз! Қассоблар қўйларни сўйиб, мулозимлар шаробу чоғирларни келтирмоқдалар!

– Маҳбусликда шоҳона ҳаёт бўлар эканми? Мирзо Умар деган муттаҳам улуғ бобом ҳаётликларида менинг рақибимга айланган эди! Энди эса ўша ниқобини олиб ташлаб, асл қиёфасини, ҳақиқий душманлигини кўрсатди. Мен темурийлар салтанати манфаатларини ўйлаб, отам Мироншоҳ мирзо тахтидан азл этилгач, ҳукмдорликни қабул этдим. У эса буюк бобом ҳазратларининг раъйлари-ни қайтариб, тожу тахтдан воз кечди! Энди эса унга Эро-ну Озарбайжон тахти керак бўлиб қолибди. Бу ваколатни улуғ бобомдан олганман ва ҳеч ким уни мендан ололмай-ди! Бу аҳмоқона қилмишлари учун эртага пушаймон бў-либ, оёғимга бош уриб, ялиниб-ёлвориб келади! Шунда ҳам мен унга ўхшаб қаттоллик қилмайман. Кечираман! – ўз-ўзича гапиринарди амирзода.

Амирзода билан пачакилашиб ўтирмоқ фойдасиз экан-лигини англаган Одил хазоначи хона эшигини ёпиб, қулф солдирди.

Ичкаридан амирзода Абу Бакрнинг бор овозда сўкинган-ни эшитиларди.

Амирзода Абу Бакрни кўриқлашни суворий юзлигига топширган Одил хазоначи Султониянинг кун юриш томо-нидаги кенгиш ўтлоққа саропарда тиктирган Умар мирзо-нинг ёнига етиб келди.

– Сизнинг келмоғингизни беклаётган эдик, – деди саро-парда ўнгида амир Шайх Хожа билан гаплашиб турган Исо қурчи. – Учовимиз тўпланиб амирзодамиз ҳузурларига ки-ришимиз керак экан.

– Тинчликми? Ишқилиб маҳбус мирзони маҳв этмоқни бизга топширмас эканларми? – хаёли қочиб сўради амир Одил хазоначи.

– Билмадик, амир жаноблари. Шундай кунларга кел-дикки, бугундан эртага не бўлишини Мароғадан чиққан кароматчи Бобо беги ҳам айта олмайди, – жавоб қилди Шайх Хожа.

– Ҳозир амирзодамиз ҳузурларида ўша башоратчининг ҳам тақдири ҳал бўлади, назаримда, – гапга қўшилди Исо қурчи.

– Қўйиб берсангиз бундай сохта пайғамбару кароматчилар мамлакатни тутиб кетади. Уларни юртдан бадарға этмоқ керак, – дея шерикларини олдига тушиб саропарда томон юрди амир Шайх Хожа.

– Унда аҳволимиз оғир, оғайнилар. Султонимиз ҳар иккиси ҳақида биздан фикр сўрайдилар. Не деймиз? – бир Шайх Хожа, бир Исо қурчига қаради Одил хазоначи.

– Биз ўз фикримизни айтамыз. Сўнг фармонни ҳукмдоримиз берадилар. Амирзодамизнинг элларида экмак еяр эканмиз, фармонларини бажармоқ мажбуриятидамыз. Бошқа иложимиз йўқ, – деди тушкун овозда Шайх Хожа.

Улар саропардага кирганда мирзо Умар асабий ҳолда хона тўридан пойгакка қараб келарди. Ҳавонинг сижоғиданми, елкадаги юкнинг оғирлигиданми юзи, пешонасидан қуйилиб тер оқарди.

– Ўтирингиз! – деди у бекларига ўзи ўтиражак тахтнинг сўл томонидан жой кўрсатиб.

– Не ҳаводислар, амир Одилбек? Жаҳоншоҳ Барлос учун биздан қасос олмоққа отланган ана у муртаднинг аҳволи нечук? – сўради мирзо иниси Абу Бакрни назарда тутиб.

– Қалъада бақириб-чақириб ётибдилар. Бундан буён қандай ҳаракат этишни сўрмоқ учун ҳузурларига келдим, – жавоб қилди амир Одил.

– Уни нима қилмоқ керак? – амир Шайх Хожага қаради мирзо.

– Билмадим, султоним! Ҳарҳолда иш қон тўкилмоғига қадар бориб етмаса керак деган умиддамыз, – зўрға тили айланиб жавоб қилди амир.

– Мендаги билгилар, хабарчиларимиз етказган маълумотларга қараганда у бизнинг жонимизга қасд этмоққа

астойдил кўз тиккан. Шундай турумда уни қўйиб юбориб бўлмайди, – деди амирзода бежо кўзларини амирларига қадаб.

– Унда ҳибсда сақламоқ керак, – гапга қўшилди Исо қурчи.

– Узоқ муддат ҳибсда сақлаб туриб ҳам бўлмайди. Бу иш ғоят хавфлидир. Униям ўзига яраша одамлари бор. Улар-да давлатпаноҳларининг маҳбусда эканлигига томошабин бўлиб турмасалар керак.

– Унда сўнгги чорани қўлламоққа тўғри келади, амирзодам. Бироқ бу иш ғоят хатарли. Қиблагоҳингизнинг кўзлари тирик, – деди Одил хазоначи.

– Бу чора сўйлаганингиз каби ҳеч кимга обрў келтирмайди. Уни амалга оширсак, теурийзодалар ичида илк қардошқушликни бошлаганлардан бўлиб қоламиз, – боши қотган эди Умар мирзонинг.

– Сўнг қарор ва амри фармон, султонимизнингдир. Биз фикримизни айтдик. Сиз не десангиз шунга уяжакмиз, – деди амир Шайх Хожа салмоқли оҳангда овози титраб амирзода ўзларидан кутаётган гапни айтаркан.

– Унда менинг қарорим шундай...

Амирзода таққа гапдан тўхтаб, ўрнидан туриб кетди. Дастрўмол билан юз ва пешона терини артганча эшиккача бориб қайтди.

– Унда менинг сўнгги амрим шундай! – такрорлади титроқ овозда амирларининг юзига қарамай. – Унинг бир томчи қонини оқизмай жойини солмоқ лозим! Табибимга айтаман, сизга керакли нарсаларни беради, – сўзида давом этди заҳарни назарда тутиб. – Бу ишни учовингизга ишондим. Бир муддат у билан бирга бўлиб, кечаю кундуз маишат қилинг! Менинг ҳеч қандай ёмонлик тиламаслигимга ишонтиринг ва шу жараёнда ишни битиринг!

Аъзойи баданларини совуқ тер босган уч бек мижока

қоқишни ҳам унутгандек бир-бирига қараб қолдилар. Ҳеч бири юрак ютиб бу ишни бажаришга рози бўлиб, бўйнига олмади.

– Унда бу ишни бошқа кишиларга топширайми? – сўради амирзода тахтдан туриб яна пойгак томон юраркан.

– Йўқ, амирзодам. Ўзимиз ҳал этамиз! – деди шоша-пиша Одил хазоначи мирзо Умардан бурун бошлари кетиб қолишидан чўчиган кўйда.

– Ҳал қиламиз! – хириллаб жавоб қилди Исо қурчи.

Амир Шайх Хожа розилик билдиргандек бош ирғади.

– Унда масала равшан. Шу ишни бартараф этинг. Ана шундан сўнг менинг ёнимда ва салтанатимда сўз соҳиблари сизлар бўласиз! Ҳеч қачон ва ҳеч замон хизматларингизни унутмайман! – саси дадиллашганди амирзоданинг.

– Сиз иккинги давомли равишда унинг ёнида бўлинг, – деди Мирзо Одил хазоначи билан Исо қурчига. – Шайх Хожа эса орамиздаги алоқани боғлаб турадилар. Вазифа ва вазиятни англадингизми?

– Англадик, султоним! – деди ўрнидан турганча таъзим этган амир Одил.

– Унда ишга кириша билурсиз. Ҳеч қандай шовури чиқмаслиги керак! Хазинадан неки керак бўлса олингиз! – овози борган сари қатъийлашарди ҳукмдорнинг. → Яна бир масалани ҳал этишимиз керак, – дея сўзида давом этди мирзо Умар ўйга толаркан. – Мароғада пайдо бўлган бир кўзбойлағич дарвеш ҳақида эшитгандирсизлар? – яна бирма-бир бекларига қаради.

– Эшитдик, султоним. Ул тақвошиор дарвеш одамларни жинни қилаётган эмиш, – деди амир Шайх Хожа.

– Бутун раият ишию тирикчилигини ташлаб, ўша билан овора эмиш, – суҳбатга қўшилди Одил хазоначи.

Исо қурчи индамади.

– Унинг қўлида кесак ҳам қанду наботга айланиб, куф-

суф билан наҳрларни тескари оқизармиш деган гапларга ишонасизларми? – сўради ҳукмдор.

– Мен ишонмайман. Бу қип-қизил муттаҳамлик, одамларни чалғитмоқдан бошқа нарса эмас, – яна фикрини билдирди Шайх Хожа. – Жоҳилу жинни тўла юртда бундай сохта авлиёлар пайдо бўлаверади.

– Мен-да шундай фикрдаман. Жоҳил ва илмсиз кишилар унинг ортидан эргашиб, авлиёю пайғамбар дея баҳс этмоқда эмишлар. Бу аҳволда юртда нотинчлик, тўс-тўполон бошланиб кетиши мумкин! – юзида ташвиш аломати зоҳир эди мирзонинг.

– Уни юртдан бадарға этмоқ лозим. Шунда улуснинг қулоғи тинчийди, – гап қўшди Одил хазоначи.

– Сургун этмоқ билан иш битмайдиган кўринадир. У одамларнинг миясини чалғитиб бўлган. Тарафдорлари ўзгаларга тинчлик бермайди. Уни ҳам қатл этмоқ керакка ўхшайдир. Биз тегишли олиму мутахассислар гуруҳини юбориб, унинг фаолиятини ипидан игнасига қадар батафсил ўргандик. Иши кўзбойлағичликдан бошқа нарса эрмас. Ҳайъат ишидан хабарингиз бор, муҳтарам амир. Лутфан бул хусусда билганларингизни сўйласангиз, – дея амир Шайх Хожага қаради шаҳзода.

– Сўйлаганингиз тўғридир, шаҳзодам. Ҳайъат ишидан хабарим бордир. У жуда ақлли, ҳисоб-китобли найрангбоз. Атрофига ўттиз-қирқ чоғли телба-ю ожизларни тўплаб, қулоғига “Мен ҳозир дарёни тескари оқизмоқдаман, кўрдинми?” дея ҳайқиради. Жазавага тушиб қолган одамлар “Кўрдик! Дарё тескари оқмоқда!” дея ҳайқаришар экан. Ўнлаб, юзлаб одамлар шундай деб бақириваверса оми халойиқ ишонар экан. Кафтидаги кесакни наботга айлантиришини ҳам кўришган. Кишининг бир киприк қоқиши муддатда кафтида тутиб турган кесакни енги ичига киришиб, ўрнига ўша катталиқдаги наботни чиқаради. Бошқа хатти-ҳаракатлари ҳам шундай. Кўзбойлоғичлигу най-

рангбозликдан иборатдир. У ўзининг бу қобилиятини авлиёлик, каромату башоратчилик ўлароқ тақдим этмоқда. Масаланинг моҳияти шундан иборат. Сўйлаганингиз каби уни сиёсатнинг қўлига топширмоқ керакка ўхшайдир.

Амирлар яна чуқур нафас олганча ерга боқиб, жимиб қолишди.

– Масаланинг биз билмаган томонлари зоти олий шаҳзодамизга маълум бўлса керак. Пайғамбарлик даъвосининг ўзи ҳам уни дор оғочига етаклайди. Шайхулислому қозиларимиз ҳам шул фикрда бўлсалар керак, – деди амирзода сукутларини янглиш англамаслиги учун яна Шайх Хожа.

– Улар шундай фикрда, – деди мирзо руҳонийларни назарда тутиб.

– Унда муҳокама этиб ўтирмоққа ҳожат йўқ, – қўшилди Одил хазоначи.

– Бу ишни сиз бир ёқлик этасиз, – деди Умар мирзо амир Шайх Хожага қараб.

– Амр султонимизнингдир! – жавоб қилди бек. – Фармонларини ерига келтирмоқ амри вожибдир.

– Унда ҳар икки муаммони чўзмоқ вақтидир. Мамлакатда тартиб-интизомнинг қарор топиши шу икки муҳим масалага боғлиқ бўлиб қолди. Уни ҳал этмай туриб, улуснинг эмну омонлиги кафолатга олинмас, – қарори қатъий эди ҳукмдорнинг. – Давлатни давлат қилган тўра ва тузук асосида ҳаракат этмоғу, адолатга амал қилмоқдир. Кимки меъёридан ошса, мурдорлик сари бораверади.

Абу Бакр мирзо ишини амалга оширишга бевосита иштирок этмаслигидан бироз ўзига келиб кўнгли таскин топган амир Шайх Хожа шерикларини Султония қалъасига кузатиб қўйди. Лозим бўлган гап-сўзни етказиб туриш учун икки суворийни уларга қўшди.

Энди юрагини ҳовучлаганча Султониядан келажак фо-

жиали хабарни кутиш керак ва уни шаҳид амирзоданинг акасига етказиш керак эди.

Ё Оллоҳ, ўзинг шарманда қилма! Ётган жойи нурга тўлгур Султон Соҳибқирон ҳазратлари ўзларидан кейин шундай ҳодисалар юз бериши, ака-ука набиралари бир-бирини ўлимга ҳукм этишини ўйлаганмиди? Амир Умар Тобон бошлиқ беклар Абу Бакр мирзонинг ҳибсга олинишига ҳам қарши турдилар. Умар Мирзо қулоқ солмади. Энг ёмони, уни бу даҳшатли қотилликдан воз кечтириб бўлмайди. Бу хатолиғ эса вақти замони етиб, ўз жонига мол бўлиши мумкин, ўйларди амир Шайх Хожа изтироб ичида. Фалокатни қарангки, бу қонли ишга ўзи ҳам аралашиб қолди. Ўзинг кечиргин эгам! Зотан, бундай қотилликлар ҳеч қачон кечирилмайди.

Икки шеригини Султония сари йўллаган амир Шайх Хожанинг дилидаги хиралик борган сари чуқурлашиб, тушкун руҳда ўз чодирни томон борарди. Мирзо Умар ўзини амирзода қатлига бевосита иштирок этмоқдан озод этди деб турганида дарвешни ясоққа етказишни буюрганини қара. Дарвешу қаландар, тақвошиор бундай кишиларни жазоламоқ ҳеч бир ҳукмдорга обрў келтирмаган. Бироқ авзойига қараганда буни ҳам амирзодага англотмоқ мушкул. Ҳақ гапни айтсангиз ҳам душман деб билади. Бу каби улусда нохуш хотира қолдиргувчи қатлу жазолар билан одамлар кўзини кўрқитиб, давлатни мустаҳкамлаб бўлмайди. Буни меҳнату заҳмат, жангу жадал билан иқтидорга эришмаган бу амирзодаларга англантиб бўлмас.

Амир Шайх Хожа ҳам ҳукмдор фармонини жаллодлар ўнлигининг бошлиғига топширади. Ўзи Мароға даштида туриб, фармоннинг бажарилишини кузатади. Бошқа иложи йўқ. Гуноҳи азим бу ишга амр берганининг бўйнида. Уни юртдан бадарға қилса ҳам бўлар эди. Аммо ғишт қолипдан кўчди. Дарвеш бечоранинг қарғиши кимни қон-қақшатади, бу ёлғиз эгасига аён.

Амирнинг чодирни даранинг сероғоч, сўлим манзилига, сой бўйига тикилган эди. Тоғдан оқиб келадиган бир тегирмон сув ёқимли шарқирар, қалин бутазор орасида булбул сайрарди. Баҳор кечиккани учун ёз ўртаси бўлса-да, булбул сайрамоқда. Унга басма-бас қумри кукулайди. Демак, боласини учирма қилмаган. Палапонлари қанот қоқиб парвоз этиши билан сайрашдан тўхтади.

Ҳаёт шундай қурилган. Одамлар ўлимга ҳукм этилиб, жонларини жабборга топшираверадилар. Борлиқ эса қилт этмай тураверади. Булбуллар сайраб, қумрилар кукулайверади. Бир инсон бу ёруғ оламдан кўз юмдими, иккинчисига бир бурда нон ортиқ қолади.

Амирни чодирни ўнгида жазо ўнлигининг беги Жонпўлат Жондор беклар эди.

– Не гап-сўзлар? – сўради амир суворий либосидаги ўнбошининг қизарган кўзига қараб. – Нега кўзларинг бу қадар қизармиш?

– Сойда юзимни ювганда кўзимга қум кириб кетди, амирим. Шундан, – жавоб қилди ўнбоши оқаятган ёшини артиб.

– Кўз табибга пуфлат! Чиқиб кетади, – маслаҳат берган бўлди амир боши қотганча.

– Пуфлатдим, тилини ҳам солди. Ўтиб кетар, – деди ўнбоши бекдан амр бекларкан.

– Зимманга яна бир оғир вазифа тушади, Жонпўлат. Биласан, бизлар амри фармон қулидирмиз. Доимо қилич тифию, дор арқони устида юрамиз. Мароғида улусни жунбушга келтириб, бошини қотираётган сохта авлиёнинг қатлига фармон бўлди. Ижро этиш керак, – деди амир паст ва тушкун овозда.

– Ие, ғалати-ку, одамлар тўполон кўтаришса-чи? Орқасидан юзлаб муриду ихлосмандлари жазавага тушганча эргашиб юришибди дейдилар. Осон иш эмас бу, амирим! – қизарган кўзларини бекка тикди ўнбоши.

– Ҳукмдоримизнинг хос ўнлигидаги суворийлар билан маслаҳатлаш. Масалани чўзмоқ керак. Уни бирор-бир манзилга даъват этибми ёки тун қоронғусида босибми, барта-раф этмоққа тўғри келади. Ироқу Озарбайжон ҳукмдори бўлиб турган номдор қардошини зиндонбанд этиб турган ҳукмдоримиз амри фармонига қош қайириб бўлмайди. Биламан ва сенга ишонаман. Ҳар неки муаммонинг чорасини топасан. Йўл масрафи ва тегишли маошни хазиначидан олишинг мумкин. Мен сизларни таъқиб этиб бораман ва Мароғадан бир фарсах берида чодир тикаман. Ишни битириб тезлик-ла Султония томон юрмоғимиз керак. У ерда ҳам сенинг иштирокинг лозим ўлажак юмуш бордир.

Амирнинг тушкун ҳолати, гап авзойидан ишлар чалкашлигини англаган ўнбоши елкасини қисиб, бўйнини ичига тортганча савол-сўроқсиз хазиначи чодир томон юрди.

Амирзода Улуғбек таваллуд топган кунларда номи чиққан Султония ва расадхонаси ила машҳур Мароға алғов-далғов кунлар бўсағасида турарди.

Бир ҳафтада Мароғанинг кун юриш томонидаги ўтлоққа етиб борган амир Шайх Хожа ортидан келаётган суворий минглигига қўш ташлашни буюрди.

Жонпўлат Жондор бошлиқ эллик чоғлик суворий Мароғага йўл олди.

Икки кунда ишни битириб қайтган ўнбоши қўмондонига ҳисоб берарди.

– У турган уйда ўн чоғли муридлари бор экан. Ярим кечада босдик. Ўзига подшоҳимизникидан уч-тўрт баробар катта тахт қилиб олган. Одамлар оёқларини уқалаб, сарқитини еб-ичишаркан. Қаршилик кўрсатмади. “Бизнинг пешонамизга шундай битилгани маълум эди. Зотан, сизларни кутаётгандим. Менинг каби эртами-кеч барчангизни қисмату қадар шамшири бекламоқда. Бизни қазойи қадар шаробини сипқоришга ҳукм этганлар ҳам икки йилга етмагайлар. Қатлимиздин сўнг не воқеа ва ҳодисотлар юз

беришини кўражаксиз”, деди ўлими олдидан. Жасадини одамлари бошига кўтариб олиб кетдилар. Биз изимизга қайтдик, – дея ҳисоботини яқунлади ўнбоши Жонпўлат Жондор.

– Ҳамон подшоҳимиз Умар мирзо томон учгин ва бўлган воқеа тафсилотини сўйла. Бундан сўнг не амри фармон беражакларини сўргин. Буйруғу таълимотларни олгач, дарҳол ортга дўн. Биз Султония кўриғига қараб юрамиз. Чопар ва хабарчиларимиз сен ила боғланиб турадилар.

Султония кўриғига етиб борган амир Шайх Хожа Умар мирзонинг янги кўрсатмасини кутарди.

Итдек ҳориб ҳолдан тойган Жонпўлат Жондорнинг кўлида Умар мирзо котибининг муҳри босилган мактуб бор эди.

– Нечун подшоҳимиз эрмас, бахшисининг муҳри ила мактуб бердилар? – ҳайрон бўлиб сўради Шайх Хожа.

– Менга номаълум, амирим. Қулингизни султонимиз ила кўриштирадилар. Хос кўрималари бегининг чодиридан тунаб, амр бекладим. Бу хатни бош муҳофизнинг элидан олдим. Ҳар неки амри фармон ушбу мактубда битилган эрмиш. Шунга кўра ҳаракат этилажак эркан. Менга сўйлаганлари шу бўлди. Оғзаки ҳеч бир гап-сўз тайинламадилар. Зарур амр бўлса, янги чопар келаркан. Бу ердаги вазият хусусида саволу муаммо туғилса ҳамон хабар берар экансиз, – дея мактубни амирга узатди ўнбоши.

Амир Шайх Хожа зарфни очиб, мактубга кўз югуртирди.

*“Амир жаноблари! Пешида бўлганингиз масала хусусида ишлар бироз қоришиқдир. Жиноятчи жонига қасд этишларидан чўчиб берилган ичимликларни ичмаётган эмиш. Муаммони мушкуллаштириб, сичқон-мушук ўйини ўйнаб ўтириб бўлмайди. Ҳар қандай йўл билан бўлмасин, уни йўлдан олиб ташламоқнинг чора-ю тадбири кўрилсин! Фақат қон оқизилмасин! Амир Одил билан кўнишиб, бу ишни Исо қурчи ва Оқил иноқларга топши-*

*рингиз! Ишни чўзмасинлар! Кимки бу ҳадафнинг амалга ошмоғида хатоликқа йўл қўйса ёки сотқинлик сари юз бурса, ўз гуноҳи ўзида, қора илон бўйнидадир! Ҳадеб чопар юборавермай масалани ҳал этсинлар! Муаммони бартараф эта билгач, олий даргоҳга кела билурсиз! Мактубни ўқигач, ёқиб юборинг! Гап тамом, вассалом!"*

Абу Бакр мирзонинг ҳис-туйғуси қардошидан раҳм-шафқат кутмасликни, имконини топиб тезроқ бандиликдан озод бўлмаса, шаҳид кетажигидан башорат этарди.

Амир Одил хазоначи билан Исо қурчи қайтиб келиб, кутилмаганда сермулозамат ва мутавозе бўлиб қолганларидаёқ у сувнинг қай томон оқаётганини пайқади.

Чалажон илон каби кечалари тўлғониб чиқар, кўзи илинса-да, тезда уйғониб, карахт бир аҳволда хона бўйлаб узоқ юрарди. Укасининг ўзини ўлимга ҳукм этишига ўнда тўққиз ишонса-да, юрак-юрагининг тубида бир фоизлик умиду илинж туйғуси яшар, қиблагоҳи бошларида тирик экан, бу разил ишга журъат этмаса керак дея ўз-ўзига таскин берган бўларди.

Бироқ зум ўтмай бу илҳақлигу умидворлик ҳиссини қора тун каби мудҳиш ўй-хаёллар босиб кетар, ўзича маҳбусликдан қутилмоқ чорасини излай бошларди.

Бир амаллаб битта қилични қўлга киритганда эдими? Миясига шу фикр урилганда кўзи ярқ этиб очилгандек бўлди. Ич-ичидан отилиб келаётган бир сас бошқа йўл йўқлигини ишорат этарди. Демак, бошқа чора йўқ, ақлидан кечди собиқ ҳукмдорнинг. Бу хоину олчоқлар, қотилу шарафсизлар қўлида жон бериб бўлмайди. Ўлса ҳам мардларча бирор-бир сўғишу савашда шаҳид кетгани маъқул.

У шу фикрга келганда ортидан қулфланган хона қопусига етганди. Қулфнинг зулфи шиқирлаб очилди. Эшик олдида узун бурунли эронипутуш қоровул турарди.

– Не гап? – сўради мирзо бекчининг кўзига тик боқиб.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Амир Одил ила Исо қурчи сизни ҳовлида ёзилган дастурхонга таклиф этмоқдалар.

– Яхши! Бораман! Сен бу ёққа кир. Бир оғиз сўзим бор, – деди амирзода ҳалим овозда.

Бекчи итоаткорона хонага кирди.

– Мени яхши билиб, танийсанми? – сўради қоровулдан.

– Биладан, подшоҳим, – жавоб қилди бекчи хайрихоҳ оҳангда.

– Ўзинг кимнинг аскарисан?

– Амир Одилнинг!

– Унда сенга бир рижойим бор. Эвазига мана буни ол, – деди амирзода ёнчиғидан зумрад кўзли олтин узукни чиқариб.

– Ҳеч нарсанинг кераги йўқ, подшоҳим. Рижойингизни айтаверинг! Бажараман! – деди овози титраб. – Жонингиз омон бўлсин!

– Унда мен чиқиб кетгач, ана похоллар остига битта қилични яшириб қўй. Ҳеч кимга қарши ишлатмайман. Сен айтганинг каби жонимни сақламоқ учун. Ҳар хил одам бор. Сен ила сўнгра кўришиб, бафуржа гаплашамиз. Мартабанг юксак, иқболинг баланд бўлажак. Исмингни сўйла! – деди паст овозда мирзо.

– Бекниёз бекчи!

– Оллоҳга омонат бўл! Англадингми?

– Англадим, султоним! Тезроқ чиқинг! Шубҳаю гумонга бормасинлар! Биласиз сиз-ла кўнишиб мулоқатда бўлмоқни ясоқ этганлар!

Амирзода бошини қуйи эгганча ҳовли томон йўналди.

Қалъа ўртасидаги айвонли кўшида шоҳона суфра ҳозирланган эди. Бу насл-насабсизлар қатлим шарафига базми жамшидни бошламоқдалар, хаёлидан кечди маҳбуснинг.

Амирлар шаҳзода билан худди илгаригидек, ҳукмдорлик ҳурмат-иззатини жойига қўйиб саломлашдилар. Таъзим

бажо келтиришиб эгилдилар. Фақат пешини ўпишмади. Тўрдан жой кўрсатиб, мулозим каби қўл қовуштириб туришди.

– Ўтирингиз! Нега тик турибсиз? Мен сизларнинг измингиздаги бир маҳбус бўлсам! Бу каби сохта ва ортиқча мулозаматга ўрин йўқ! – деди Абу Бакр мирзо тахтсифат ўриндиққа оғир чўқаркан. – Бундай илтифоту суфралар ҳам кўнгилга сиғмайдир! – дея яктаги этагини йиғиштирганда кўзи унга ёпишиб турган тиканга тушди.

Бир пайтлар бу хоину қотиллар бу пешни кўзларига суртиб, ўпар эдилар. Энди эса бу дағал ва очкўз лаблар ўрнида тиканак турибди. Буям қадарнинг ғалати ўйини. Қисмат қиличи тиғининг кўз олгувчи ялтираши. У кимнинг бўйнига тушиб, шакар томирини узади, буни вақти замон кўрсатади, хаёлидан кечди шаҳзоданинг.

– Буюк қардошингиз Умар Мирзо ҳазратларининг сизга салом ва дуолари бор! Вазиятлар юмшаб, тахти салтанат ишлари юришиб, мамлакат идораси ташвишлари изига тушгач, ўғруқу ҳарамингиз-ла қовушажагингизни орзу этганларини юксак эътиборларига етказишимизни айтдилар, – деди титроқ овозда амир Одил хазоначи.

– Кўрсатган марҳамату истаклари учун миннатдормиз! Бир орзуйимиз озод бўлиб, оила ва авлодимиз бағрига бормоқдир. Бошқа ҳеч бир иддаою даъвойимиз, талабу рижойимиз йўқдир. Инимиз ҳечам шубҳаланмай, элу юрт фароғати йўлида хизмат қилмоқда давом эта билурлар! Биздан кўнгиллари тўқ бўлсин, – деди амирзода уларни ўтирмоққа даъват этаркан.

Амир Одил ўнг, Исо қурчи амирзоданинг чап томонига ўтирди. Одил хазоначининг имоси билан мулозим ички ва шарбат кўзаларини келтирди. Ўзини бепарволикка солган шаҳзоданинг икки кўзи соқийларда эди. Тез-тез кўз уриштираётган бекларнинг нигоҳида ўлим таҳдиди ўрнашиб қолган безовталик ва қўрқув ҳукмрон эди.

Вазият қалтислигини англаган собиқ подшоҳ оз еб, оз ичиб, роҳатсизлигидан, иштаҳасизликдан шикоят қилиб ўтирарди.

Пешин намозидан сўнг беҳолликни баҳона қилиб сомон солиниб, устидан туркман гиламлари ёзилган катта хонаси томон юрди. Икки амир уни хона эшигига қадар кутатиб келди.

Тўшакка узанаркан, қўли қаттиқ бир нарсага тегди. Пайпаслаб кўрди. Бекниёз бекчи қилични қўйиб кетган эди. Кўнгли таскин топгандек бўлди. Шу икки хоин амирни чоғиб ташласа бас, бутун қалъа муҳофизлари билан у томонга ўтади. Зотан, буларнинг барчаси неча йилдирки, уни подшоҳ сифатида таниб, тан олиб, номини хутбаю ибодатларида бот-бот тилга олиб келган одамлар. Кимса унга қарши қилич кўтармаса керак. Кўтарса ҳам ўн-ўн бештасининг жойини солишга қурби етади. Оллоҳга таваккал қилишдан бошқа иложи қолмади! Ўзи шармандаю шаҳид этмасин! Марҳаматидан дариғ тутмасин! Бу кетишда каттаю кичик барча темурийлар бир-биримизнинг гўштимизни еб, салтанатимиз байроғи остида бирлашган элу элатлар кўз ўнгида абгор бўлмасак эди. Ўз жони жигари, қон-қардошига яхшилик тиламаган, тириклик саодатини раво кўрмаган инсоню подшоҳдан улусга не хайр келажак?

Эртаси куни ҳам қалъа ҳовлиси ўртасидаги кўшқда емак-ичмак базми давом этди. Собиқ ҳукмдор бу кўнгилни айнитадиган сохта мусофирпарварликни хушламасида, акаси ҳаёт-мамотини топшириб қўйган икки бекнинг таклифу гап-сўзларини рад эта олмас, уларнинг меъёридан ошиқ маст бўлишларини кутарди. Шаҳзода ва амирлар эртага чошгоҳда яна шу суфрада кўришишга аҳдлашдилар.

Маҳбус шаҳзода қадаҳдошларининг уни заҳарлаб ўлдирмоқ ниятидан қайтганлари ва бошқа даҳшатли суиқасдни ўйлаб пиштаётганларини гумон қилди.

Энг осон йўл – кечаси хонасига кириб бўғиб ўлдирмоқ. Турли-туман емак, шарбату ичкиларни ҳеч бир тараддудсиз еб-ичишларидан шуни сезгандек бўлди.

Эртага сўнги кун, ўйлади Абу Бакр мирзо. Бироқ кўнглини хотиржам этмоқ учун ҳам эртага яна учрашишга ваъдалашган бўлишлари мумкин. Бундан буёнги ҳар дақиқа ва сония хавф-хатарга тўла. Тун бўйи кўз юммасликка тўғри келади. Бироқ уйқу ўлимдан баттар. Кечаси билан ҳақ деб ўтириб чиқа олмаслиги, мудраб, кўзи илиниши мумкин.

Амирзода Абу Бакр шу оғир хаёллар билан ярим зиндон, ярим мусофирхонадан иборат одасига етиб келди. Нигоҳи атрофини ўраган кўрималар орасидан беихтиёр Бекниёз бекчини изларди. У бошқа бир қоровул билан гаплашиб турар, ора-сира амирзодага қараб қўярди. Тунгги қоровулликка у қолса яхши бўларди, ўйлади ўзича.

Хонага кириб, узаниб ётди. Икки намоз ораси вақт ўтди. Бурчақдаги токчада милтираб шамчиноқ ёнарди. Оҳиста юриб бориб, эшикни қоқди.

– Не керак, шаҳзодам? – деди нариги тарафда турган қоровул.

– Сув ичмоқчи эдим, – деди Абу Бакр томоғини қириб.

– Бекниёз! Амирзодамизга сув келтир! – деди эшик олдидаги аскар шеригига.

Хайрият, ўйлади маҳбус. У шу ерда экан. Ортига қайтганча тўрдаги ётоғига бориб ўтирди. Олдимга келса гаплашиб оламан, – фикр қилди қалбида умид нишонаси учқунлаб.

Кўза кўтариб кирган Бекниёзнинг нигоҳида ташвиш аломати зоҳир эди.

– Уларнинг нияти бузуқ. Кечалари эҳтиёт бўлмоғингиз ижоб этади, амирзодам. Бироқ бугун тунда эмас. Оллоҳ сизга сабру мазонат ато этсин!

Бекчи шундай дея кўзани қолдириб, зудлик билан ортига қайтди.

Демак, ишни эртага битирмоқ керак. Йўлнинг сўнги кўринганга ўхшайдир. Йўллар эса икки тарафга қараб кетади. Ё давлат бошга, ёки қузғун лошга...

Тун бўйи режа тузиб чиққан маҳбуснинг кўзи илиниб-илинмади. Кун чошгоҳга етганда бекчилар хона эшигини очишди.

Оҳиста қадам босганча ҳовлига чиққан шаҳзодани икки амир ҳар кунгидек эҳтиром билан кутиб олди. Ҳол-аҳвол сўрашдилар.

– Иншооллоҳ, бугун-эрта янгилик, хушхабар бўлиб қолади, – деди амир Одил тили тутилганча нигоҳини олиб қочиб патир ушатар экан. – Шаҳзодаи олийнажотдан мужда бекламоқдамиз.

– Иншооллоҳ! Иншооллоҳ! – деди сир бой бермай мирзо анчадан бери тикилиб қарамаган осмонга, мағриб томон сузаётган оппоқ булутларга қараб. – Сулҳу омонликдан умидимиз кесилмаган. Эгасининг марҳаматидан умидвормиз.

– Иншооллоҳ! Иншооллоҳ! – деди Исо қурчи лагандан тушиб кетган олмани олиб жойига қўяркан.

Амирзода суҳбатдошларини мақтаб, тузуккина ичиртириб, ўзи майдан ҳўплаб ўтирди.

Кун охир пешин бўлиб қолган, ҳар бир даму дақиқа ғанимат эди. Кун ботгач нард ўйнашга тушдилар. Амирзода бурнини қисганча қонаганини ишорат қилиб, хонаси томон йўналди. У ҳовлида экан, хонани шамоллатмоқ учун очиб қўйишарди.

Бекниёз бекчи берган қилични яктаги ичидан чап қўлтиғига қисиб чиққанида икки амир бошма-бош ўтирганча нард ўйнаб, астойдил ниманидир маслаҳатини қилишарди.

Одил хазоначи унга орқа қилиб ўтирарди. Шамшир унинг яланг бошини иккига бўлди. Сўнгра Исо қурчининг бўйнига тушди.

Кўз очиб-юмгунча икки амирнинг жойи солинганига

кўзи тушган ўн чоғли кўрима не қиларини билмай, тош каби қотиб қолганди. Ҳеч бири юрак ютиб, журъат этиб, шаҳзодага қарши қилич кўтармади.

Амирзодага ҳам шу керак эди.

– Барчангиз бугундан эътиборан менинг аскаримсиз. Маошу улүфани зиёди билан мендан оласиз! – хитоб этди у ҳовли бўйлаб тизилиб турган сипоҳийларга.

Даврага ора-сира қўшилиб бир коса, ярим коса ички ичиб турган амир Оқил ҳам бу ишнинг ичида эди. У икки амирга шаҳзодани яхшилаб ичиришни тайинлаб, қалъа ичида режаланган мудҳиш ишга ҳозирлик кўрарди.

Абу Бакр мирзо қонли қиличи билан хонасига бостириб кирганда ўзини йўқотганидан шамширини қинидан чиқаришга ҳам улғурмади. Амир Шайх Хожа ҳам у билан бирга эди. Иккисини ҳам чопиб ташлаган амирзода бу ишга дахлдор бўлган яна етти кишини қалъа ичидан топиб, қиличдан ўтказди.

Қалъани кўриқлаш учун қўйилган юзликнинг ярми ўзи томон ўтган эди.

Бу даҳшатли воқеани қалъа ташқарисида эшитган ўнбоши Жонпўлат Жондор жиловни Умар мирзо қароргоҳи томон буриб, отига қамчи босди.

Муҳаррам ойининг ўн еттинчиси, саратон чилласининг чиқишига ўн кундан ошиқ вақт қолган, дарвеш Бобо бегининг қатл этилганидан уч кун ўтган эди.

Ўнбоши Жондордан бу хабарни эшитган Умар мирзо ўтирган тахтига михлангандек қотиб қолди.

– Амиру кўмондонлардан ўн кишини ўлдирдими? – сўради ўнбошининг юзига қарамай.

– Шундай, давлатпаноҳ! – жавоб қилди чопар.

– Ўнта амирки бирлашиб унга қарши тура олмаган экан, демак, баттар бўлсинлар! Бирини қиличдан ўтказганда иккинчиси томошабин бўлиб турган бўлса керакда? Ақл бовар қилмайди. Унинг қиличбозликда тенгсизли-

ги маълум эди. Бироқ у ерда турган бутун бошли кўшин қайга қараган? Бу ишдан шундай маъно чиқадики, барча унга сотилган. Сотқинликнинг жазоси эса сўзсиз ўлимдир! – асабийлашганча сакраб тахтидан туриб кетди мирзо Умар. – Оллоҳнинг қаҳрига учраганлар! Қонхўрлигу хунхўрлик энди бошланди ва уни ҳеч ким тўхтата олмайди! Шу ерда бўл ва биздан амр бекла! – дея чопарга ўнг қўли ила кетмоққа ишора қилди ҳукмдор. – Барчангни Оллоҳ жазойингни берсин!

Эртаси куни кечга яқин етиб келган Шайх Хожанинг акаси Ажабшер мирзога фожианинг батафсил ҳикоясини қилди.

– Амирзода Абу Бакр Султония қалъасини тамоман бўйсундирган ва ўғруқу ҳарамини муҳофаза этиб турган Ҳусайн Барлосга киши юборган. Воқеадан хабар топган одамлари атрофига тўпланмоқда. Гўзалдарада турган Ҳусайн Барлос амирзоданинг малика онаси ва ҳарамини олиб Султонияга етиб борган. Шундан сўнг мирзо қалъадаги хазинага оид мол-мулкни мулозим ва навкарларига бўлиб бериб, Рай йўли орқали Хуросон томон юрган, – сўнгги белгиларни Умар мирзога етказди амир Ажабшер. – У қалъани тарк этиб, Султония шахрини ўз тасарруфига киритган.

– Элингиздан келса уни таъқиб этиб, қардошингиз Шайх Хожанинг хунини ола билурсиз, – деди мирзо Умар сўнгги хабардан астойдил таъби тирриқ бўлиб. – Черигингиз билан бизнинг илғор қисмга кўшилинг. Эртагаёқ йўлга чиқамиз.

Умар мирзонинг сараланган илғори икки кунда Султонияга етиб бориб, шаҳарни эгаллади. Қалъа ва шаҳарни кўздан кечирган амирзода амир Абдураззоқ Худойдодни Абу Бакрнинг таъқиби учун жўнатди. Икки кўшин Қазвин яқинида қарама-қарши келди. Кун бўйи жанг давом этди.

Қоронғу тушиши билан ҳар икки қўшин ҳам ўз истехкомларига чекинди. Абу Бакр мирзо мақсадсиз тўқнашувдан ўзини тортиб, Рай томон юрди. Амир Абдураззоқ Султонияга қайтди.

Қардош душманларнинг бир-бирларини очиғу пинҳона таъқиби давом этар, икки тарафга бўлинган вилоятларнинг ҳокимлари кимнинг пешини ўпиб, кимга тобелик изҳор этишини билмай аросатда қолган, юрт нотинч, улус роҳатсиз эди.

## **ЙИГИРМА УЧИНЧИ БОБ**

*Кечмиш аждодларимиз бой ва насл насабларини ихота этиб, фақат фақир уфқарони жазолаганликларини учун ҳалок бўлдилар. Агар менинг қизим Фотима ҳам ўғирлик қилса, унинг қўлини кесишга буюраман.*

**Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)**

Подшоҳ Шоҳруҳ саломлик солинида ўғли амирзода Улуғбек билан салтанат ишларини маслаҳатлашиб ўтирарди.

– Улуғ амирларимиздан бирини бош вазирликка тайин этиб, зиммамиздаги юкни бироз енгиллатсакмикан, – деди ота ўғлига қараб. – Шу хусусда сиз ила фикрлашсак дегандим, ўғлим.

– Сиз не десангиз маъқулдир, қиблагоҳ. Муборак фикру хотирингизда ким бордир? – отасига савол назари билан боқди амирзода.

– Ақлимда икки кишининг номзоди айланмоқда. Бири амир Саййидхожа, иккинчиси отабегингиз амир Шоҳмаликбек.

– Оталиғим энг муносиб номзоддир, қиблагоҳ. Ул устоз каби салтанатимизга сидқу садоқатли кишилар бармоқ ила санарлидир, – фикрини билдирди амирзода.

– Тўғридир, авлодим. Бироқ сиз валиаҳд амирзоданинг оталиғи бўлмоқ, амир ул-умароликдан кам бўлмаган вазифа ва масъулиятдир. Бу лавозимга тайинласак, сиз асл авлодимизга устозликлари ҳам ярим йўлда қолади. Отабегилик қила билажак бошқа бир кишини эса кўрмаёторман.

– Сарой ва салтанатимизда бизга ул устоздин яқин ва ишончли киши йўқдир. Ранжимасмиканлар? – истиҳола этаётганини очиқ айтди мирзо.

– Улуғ амиримизнинг мавқе ва мартабалари обрў-эътиборлари саройу салтанатимизда барчадин юксақдир. Сўйлаганингиз каби ўзимизнинг энг яқин кишимиздир. Менимча, хафа бўлмасалар керак. Энг ишончли киши бўлмоқ, соҳиб ихтиёрликдан кам эмас деган фикрдамен.

– Сиз не қарор берсангиз, бошимиз ва кўзимиз устидадир, қиблагоҳ. Масаланинг бизга қоронғу томонлари зоти олийларига барчадин кўра равшанроқдир.

– Қолаверса, сиз оталиғингиз билан эрта-индин Шибирғон ва Андхуд томон жўнайсизлар. Ул ҳудудларда давлат ва салтанат тўраю тузуклари ижросини йўлга солмоқ керак. Билхосса, амирзода Пирмуҳаммад билан алоқа боғлаб, дарёнинг нариги тарафидан хабардор бўлиб турмоққа тўғри келади. Амир Саййидхожа мамлакат жануби ва ғарбидаги муаммолар билан машғул бўладилар. Бунинг устига оталиғингизнинг Шайх Нуриддин каби бир қатор рақиблари борким, ул кишини амир ул-умаро этиб тайинласак, икки ғаним тўрт бўлади. Устозингизни сақламоғимиз лозим.

– Англадим, қиблагоҳ! Ҳар бир амри фармонларини ҳарфиян ерига келтиражакмиз! – деди таъзим-ла мирзо Улуғбек.

– Эгам сиздан рози бўлсин, авлодим! Менинг ишонган боғиму суянган тоғим, сиз бош фарзандиму вори-симсиз! Оталиғингиз бирлан Андхуду Шибирғон тарафга

кетар экансизлар, сизларга ҳар қандай қўнуда мустақил қарор қабул қилиб, ҳаракат этмоқ ҳақ-ҳуқуқи берилади. Ул ҳудудимизда тартибу интизомни ўрнатмоқ, раиятни идо-ра этмоқ ва фармонраволик борасида ниманики маъқул ва лозим деб топсаларингиз давлатимиз номидан амалга ошира билурсиз. Шунингдек, авлодимиз Пирмуҳаммад мирзо билан англашароқ, ўзаро мувофиқ ҳаракат этароқ қўшиннинг юриши ҳамда жангга кириб-кирмаслиги борасида ҳам қарор бера билурсизлар. Зотан, бу каби давлат ишлари ва юришларнинг бошида бўлиб, кўзингиз пишмоғи керак, – дея ўрнидан туриб ўғлининг олдига келди подшоҳ. – Ҳар бир ишда очиқ кўзли, очиқ юракли, жасоратли бўлмасангиз ҳадафлар биздин узоқ қолажак!

Мирзо Улуғбек ҳам ҳамон ўтирган жойидан қалқиб, эгилганча отасининг ўнг элини тутиб, кафти устидан ўпди.

Ота фарзандини бағрига босди.

Ҳукмдор саломлик солинига амир Шоҳмаликни чорлашни буюрди.

Бундан кейинги суҳбат амирзоданинг оталиғи иштирокида ўтди.

– Омую сувига кўприк боғлаб, ота юрт ила алоқаларини боғламоқ лозим бўлади. Дарёнинг икки тарафидаги элу элатлар мамлакат бошқарувида юзага келган бўлиниш ва муаммолар таъсирида ўз борди-келдиларини уза олмайдилар. Мингларча йиллик тарихий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар Ҳиротда ҳокимият тепасига биз ва Самарқандда иккинчи бир темурий ҳукмдор тургани учун тўхтаб қолмаслиги ёки оқсамаслиги керак. Бу ҳолат раият қалбида давлат ва салтанатга нисбатан ишончсизлигу норозилик кайфиятини туғдиради. Кўпнинг дуоси кўл бўлгани каби қарғиши ҳам тошни тешади. Биз неки азобуқубат, заҳмату машаққат чекмайлик, юрт ва улус, мулку миллат изтироб чекмаслиги керак. Дарёнинг шимол томонидаги қавму қабилаларга мужда берингим, қарши

тарафга ўтиб, эскиси каби муносабатларни давом эттириб, тижоратини қилаверсинлар. Биз ҳамон қиблагоҳ Султон Соҳибқирон тиклаган ягона ва катта мамлакату салтанатмиз. Куни кеча Султон Йилдирим Боязиднинг энг қудратли ўғли Меҳмед Чалабийдан чопар келди. Биз ҳамон Турон салтанатига боғлиқ эканлигимизни қайд этамиз ва лозим бўлган божу хирожни ўтаб турамиз, дея ёзибди амир Чалабий мактубида. Бундай хайрихоҳлик ва дўстона алоқалар ўрнатмоқ ҳақидаги мактубларни Чин императори, Фаранг ва Британия қироли Генрих тўртинчидан ҳам олдики, улар айна замонда салтанат бошкенти дея Ҳиротни тан олмоқдалар. Шундай экан, бу тарихий вазият ва масъулиятнинг оғир юки бизни толиқтириб, янглиш ҳаракат этмоқдан тизгинламоғи керакдир. Улуғ йўл ва ишлар бошида турганда икки нарса, сусткашлик ва хатога йўл қўймаслик шартдир. Акс ҳолда жуда буюк ва хайрли ишлар кичик бир жузъий хато ила чиппака чиқади. Энг муҳими, миллат олдида юзимиз қора бўлмаслиги керак. Бу юзи қораликнинг касри ўз навбатида улусга уради ва миллатнинг юзи қора бўлади. Билхосса, улусни, юртни унинг орасидан чиққан улуғ шахсиятлар тузадилар, – дея ўғли ва унинг оталиғига келгусидаги вазифаларни англатди ҳукмдор. – Бу хусусларда фикрингиз бўлса марҳамат? – дея амир Шоҳмаликка қаради.

– Ғоят муҳим вазифаларни қайд этдингиз, онҳазрат. Бу қимматли фикрларга батамом қатилурмиз. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, шаҳзодаи шаҳид Умаршайх мирзо ҳамда Мироншоҳ мирзо ўғилларининг тахту салтанат бобидаги ғавғоларини эшитиб, туйиб турибмиз. Иш бу тарзда кетар экан, охири бахайр бўлмаслиги мумкин. Энг муҳими, Турон мулкида сўғишу саваш олови чиқмаслигининг чора-тадбири кўрилмоғи керак. Ҳар қандай катта-кичик саваш неки натижа билан тугамасин, савашдир ва қон тўкилиб, жон қурбон этилади. Дарёнинг

нариги тарафидаги қардошлар билан ҳам сулҳу адолат тилида гаплашиб келдик. Бу сиёсат давом этмоғи лозим, – фикрини баён этди амир Шоҳмалик.

– Тўғри сўйладингиз, устоз. Бир исённи бостириб, Анқара ёки Қундузча каби тўқнашувда ғалаба қозонмоқ бошқа, бутун бошли давлату мамлакатни бошқара билмоқ бошқадир. Урушда журъату жасорат талаб этилса, мулку давлат тўқнашувида ақли идрок, тадбиру ҳисобкитоб муҳимдир. Ул тарафларга йўналар экансиз, Халил Султон ёки Пирмуҳаммад мирзолар тарафдан жуда катта тажовузу ҳужум бўлмаса жангга кирманг. Вазиятни ўрганиб, чуқур таҳлил этинг ва раият ҳаётини изга солиш ила машғул бўлинг! – ҳамон таълимот берарди подшоҳ. – Авалоллоҳ, барча ташвишу машаққатларнинг устидан чиқажакмиз.

Подшоҳ ўғли ва оталиғини шаҳарнинг Самарқанд дарвозасидан кузатиб чиқди. Меҳр-муҳаббат-ла хайр-хўшлашдилар.

– Амир Саййидхожадан хабар борми? – сўради Шоҳруҳмирзо ортидан келаётган амир Жаҳонмулк Барлосдан. – Қардошимиз Мироншоҳ мирзо ўғилларидан не мужда бор? Улар ўзаро битимга кела биладиларми ёки қондошлик ғавғоси давом этаверадими?

– Калот қалъаси ишини битирган амир Саййидхожа бугун доруссалтана Ҳиротга етиб келиши керак. Улуғ қардошингиз Мироншоҳ мирзонинг хос элчиси Абдулқодир Даббоб ҳам бугун-эрта етиб келажак, онҳазрат. Барча билгиларни ундан ола билурсиз.

– Даббоб сўзи арабчада айиқ маъносини англатадими?

– Шундай, султоним. Элчининг ота-боболари айиқ ўйнатувчи бўлганлар. Уларнинг ота-бобо исми шундан қолган, – подшоҳ саволини жавоблантирди Жаҳонмулк Барлос.

Шаҳарда қад кўтараётган янги иншоотлар ва таъмирланиши керак бўлган биноларни кўздан кечирган подшоҳ шом намозига яқин саройга қайтди.

Сарой саломхонасининг даҳлизида уни амир Саййидхожа бекларди. Эшик оғаси Мироншоҳ мирзонинг чопари Абдулқодир Даббоб ҳам етиб келганлигини маълум қилди.

Салтанатга кўрсатган алоҳида хизматлари учун подшоҳ иноятига сазовор бўлиб юрган амир Саййидхожани кўрган Шохруҳмирзонинг руҳи кўтарилиб, кайфияти чоғ бўлди.

– Зоти олийлари остонасининг палосини ўпиш шарафига ноил ўлмоқ мен учун ҳар замон энг юксак бурч, шараф ва масъулиятдир! – дея ҳукмдорни қаршилади мамлакатнинг энг машҳур ва баҳодир амири Саййидхожа.

– Сизнинг мулки давлат, тахту салтанатимиз учун қилган бетакрор хизматларингиз тақдирга шоён, ҳар қандай шарҳу мақтовга лойиқдир, – амирга сермулозамат эди Шохруҳмирзо. – Ана шу буюк хизматларингиз ва шижоату диловарликда якто амир Шайх Алининг асл авлоди эканлигингизни ҳисобга олиб, жанобларини мулк ва молга тегишли барча муҳим ишларда мутлақ соҳиб ихтиёрлигу амир ул-умароликка тайин этмоққа қарор бердик!

– Қуллуқ, ҳазрати олийлари! – деди амир Саййидхожа яна тиз чўкиб подшоҳ пешини ўпар экан. – Кўзим очиқ эркан, хизматда, садоқатда толмагайман! Яратган эгам мулки давлатингиз, сулола-ю салтанатингизни бундан-да зиёда этсун!

Саломхонага кирган ҳукмдор тахтига ўтириб, амирга бош вазир курсига ишорат этди.

– Амир ул-умаролик рутбаси муборак бўлсун! Юрт ва улусимиз рафоҳияти йўлидаги ҳар бир ишингизда Оллоҳ ёр, пирлар мададкор бўлсин! Сарҳадларимиздан не ҳаводислар келтирдингиз? Сарбадорлар масаласини қай тарзда ҳал этдингиз? – давлат сиёсати масаласига ўтди подшоҳ.

– Илгари чопар юбориб билдирганимдек, Пирак подшоҳни ҳайдаб, ўғлини қўлга туширдик. Сарбадорларни мурсою мадорага кўнганларини яхши сўз билан ўзимизга

эш қилиб, ўз кўю қасабаларига тарқатиб юбордик. Бўйни йўғонлик қилиб, оёқ тираганларининг танобини тортдик. Берган мужодаламиз оқибатида бутун Хуросон ҳудуди исёнчи ва ғаламислардан тозаланди, – ҳукмдорга ҳисобот берди тандирдан янги узилган бош вазир. – Фақат Ғур ва Гармсер ҳокими Мавдуд Гармсери шу кунгача зоти олийларининг полосларини ўпишга келмади. Онҳазратдан бирор-бир амри фармон ва ишорат бўлмаганлиги учун унга тегмадик.

– Унда фармони олийни ҳозирлангким, амир Жаҳонмулк Жоку Барлос ҳамон Гармсерга юзланиб, у тарафнинг саркаш ва исёнчиларини бартараф этсун!

– Фармони олий ҳоконимизнингдир! Зудлик-ла амрлари ерига келтирилажак!

– Яна бир масала ила илгиланмоқ керак бўлади, амир улумаро жаноблари. Хоразмни амирзода Халил Султон элига кечишини истамаган Идику Манғит у ўлкага кўз тикмиш. Энг буюк амири Идикубек бўлса-да, манғитларга ишониб бўлмас дер эди амир Боботурк. Тўғри экан. Хоразм волийси амир Мусоко ва Хивоқ ҳокими амир Намадаклар юртларини ташлаб, биз томон келаётган эмиш. Диққат-эътиборингизда бўлсинким, отаюртимизда бошбошдоқлик, тўс-тўполон бошланиши мумкин. Тинчликни истасанг савашга ҳозир бўл деганларидек, ўрдуни кучлантирмоғимиз керак. Қурхона ва қурол-яроғ аслаҳахонаси учун тегишли маблағ ажратамиз ҳамда қуролсоз усталар сонини яна шунчага орттирамиз. Йилқи уюрлари ҳам кўпайтирилиши керак. Совутсозликда ҳам эксикликлар борки, фурсатни бой бермасдан тўғриламоқ зарур.

– Вазифаларни англадим, онҳазрат! Бу хусусда алоҳида жидду жаҳд кўрсатажакмиз!

– Эгам ҳар ишингизга қулайлик ва йўл берсин! Бош вазирликнинг ҳаққи ҳуқуқи, шавкату масъулияти ила тамсил этингким, улусда иқтидору салоҳиятингизга шак-шубҳа

туғилмасин. Маълумингизким, давлату салтанатимиз ғоят оғир синов ва имтиҳонлардан кечмоқда. Буюк қардошимиз Мироншоҳ Мирзо ҳузуридан элчи келмиш. Уни баробар қабул этиб, тинглайлик. Лозим бўлган қарор ва тавсияларни берурмиз, – дея эшик оғасига Жаҳонмулк Барлос билан Абдулқодир Даббобни чорлашни буюрди подшоҳ.

Элчи тобуғ расмини бажо келтирди. Мироншоҳ мирзонинг саломларини етказди.

– Мирзоларимиз Умар мирзо ва Абу Бакрлар орасидаги муноқашани эшитиб, кўп афсусландик. Ҳар қандай вазиятда бу нохуш ҳолат юз бермаслиги керак эди. Модомики, орадаги ҳурмат-эътибор, давлатдорлигу сулола анъанасига садоқат девори бузилган экан, энди уни тикламоқ мушкул кечади. Лутфан бизга Абу Бакр мирзо Султония ҳибсидан озод бўлгандан сўнги воқеалар хусусида билги берсангиз, – дея элчига мурожаат этди подшоҳ.

– Мироншоҳ мирзо ҳазратлари ҳам айнан шу муаммо хусусида зоти олийларига билги бериб, икки амирзодани яраштириб, насиҳат этмоғингизни рижо этдилар, – дея сўз бошлади чопар Абдулқодир Даббоб.

– Буюк қардоши Халил Султон улуғ бобоси тожу тахтини эгаллаб турган, ўзаро англаша билмаган амирзодалар бизнинг панду насиҳатимизга қулоқ тутармикан? – дея салтанатнинг тажрибали амири, машҳур тағойи Жоку Барлоснинг ўғли амир Жаҳонмулкка қаради подшоҳ.

– Қулоқ солсалар-да ўзларига, солмасалар-да ўзларига. Сиздан қардош амакилик йўл-йўриғи. Коса лаби каж келиб, эрта бир кунда кўзалари синса, сизу биздан домангир бўлмасинлар. Мироншоҳ мирзо ҳазратлари ҳам ана шу ташвишу таҳликадан чўчиб ҳузурингизга элчи юборган бўлсалар керак, султоним, – отаси Жоку Барлос каби кесиб-кесиб гапирарди амир Жаҳонмулк.

– Маъқул сўзлайдурсиз, амир жаноблари. Абдулқодирбекдан амирзода авлодларимиз ўртасидаги муноса-

батларни эшитайлик-да, сўнгра бамаслаҳат бир қарорга келиб, уларни ақли салимликка даъват этсак! – дея элчи Даббобга қаради.

– Икки амирзодамиз қўл остидаги ўлкалардаги вазият ғоят қоришиқдир, ҳазрати олийлари. Турум шундайки, икки қардош сулҳу амниятга бориб, ярашмайдиган кўринадир. Мироншоҳ мирзо ҳазратлари ҳам шундан ғоят безовтадирлар. Абу Бакр мирзо қиблагоҳлари Мироншоҳ Мирзо учун олтину заррин тахт ясатиб, зоти олийларини подшоҳликка кўтардилар. Бу ишни барча маъқуллади ва шундан сўнг ака-укалар ўзаро ярашиб, юртда тинчлик ўрнатилади дея умид эта бошлади. Бироқ улуснинг умиди қурсоғида қолмоқда. Мирзо Умар бир йўла Султон Соҳибқирон ҳазратлари қардошим деган Озарбайжон ҳукмдори амир Шайх Иброҳим ва амир Бистом Жогирга қарши кураш бошлади. Шайх Иброҳим ва амир Бистомга Қаҳрамон ўғиллари ва Сейди Аҳмад Шакийнинг қўшинлари ҳам қўшилди. Хайриятки, тўқнашув юз бермади. Акс ҳолда бу муҳораба не натижа ила тугаши ёлғиз ўзига аён эди. Икки лашкар яроғу анжомини созлаб, бир ҳафта қарама-қарши турди. Қиблагоҳлари Мироншоҳ Мирзо ва Абу Бакр мирзонинг Хуросон чегарасидан қайтиб, Ироқи ажам ҳудудларига кирганлигини эшитган Умар мирзо тўқнашувдан воз кечиб орқага кетганлар. Умар Мирзонинг ёзнинг иссиғига қарамай Қорабоғ томон, амир Шайх Иброҳимга қарши юрганлигини, Абу Бакр мирзо Бистом ва Симнон шаҳрига кириб, Шаҳриёр қалъасини эгаллагач, эшитдилар.

– Амирзодамизнинг Бистомда тўйлар қилганлиги хабари ҳам қулоғимизга чалинди? – элчини гапдан тўхтатиб сўради подшоҳ.

– Шундай, зоти олийлари. Абу Бакр Мирзо Тукал Урус Буқонинг қизларини тани маҳрамликка сўраб, Бистомда муҳташам тўйлар тартиб этдилар.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Мирзо Умар амир Шайх Иброҳим билан қандай англашганлар?

– Амирзода Умар Шайх Иброҳим билан боғланган ва кўртугунга айланган муносабат ипларини узмай ортга қайтмоқ мажбуриятида қолганлар. Амирзодани йўлдан урган киши Самарқандга бориб, мирзо Халил Султон билан учрашиб ўзича ундан таълимотлар олиб келган Шайх Хисрав Шоҳийдир: Мирзо Умар билиб-билмай шу баднафс кишининг тузоғига тушиб қолган. Улар амирзоданинг Табриз мулкдорларидан мажбурий равишда икки кунда икки юз туман ироқийни нақд ундиришга амр беришга кўндирганлар. Қароқчилик каби бу қилмишларини “Мулкдорлардан бир оз маблағ қарз олиб, келгусида улар тўлаши лозим бўлган мол ва солиқ юзасидан барот (подшоҳ томонидан имтиёз берилганлик ҳақидаги қоғоз) ёзиб бериш лозим, чунки лашкарни ушлаб турмоқ учун харажатга эҳтиёж бор” дея мирзога изоҳ этганлар. Амирзода Шайх Хисрав ва Баён Қавчин бошлиқ золимларнинг иродасига қарши тура олмаган. Шул тариқа Табриз улуғларининг кўпчилиги хонумонларидан айрилганлар. Бу ноқонуний ҳаракатга қарши бўлган бир гуруҳ кишини Султония қалъасига элтиб қамашга амр бўлган. Амир Баён Қавчин бу одамларни ҳайдаб чиқиб, Ужонга олиб кетган.

– Бу пайтда мирзо Умар қайда бўлади? – сўради подшоҳ.

– Мирзо Умар Ардабил йўли билан Гармруднинг Миёнаж манзилига етиб келади ва ўз лашкарининг халқни мол-мулкни талон-тарож этиб, тортиб олганини ва Султония томон кетганини эшитди. Худди шу дамда Абу Бакр мирзонинг яна Султонияни эгаллагани хабари етиб келади. Тушкунликка тушган амирзода муаррих Низомиддин Шоший, Умар Тобон, Султон Санжар амир Ҳожи Сайфиддин ўғли, Абдураззоқ Худойдодлар ва яна бир қатор мавлоно ва акобирларни сулҳ тузмоқ учун қиблагоҳлари Мироншоҳ мирзо ҳузурларига юбордилар. Қолган амиру беклари

эса бошлари оққан томонга қараб тарқалиб кетадилар. Зоти олийларининг ҳузурларига йўл олар эканман, сўнги бор улуғ қардошингиз Мироншоҳ мирзо ҳазратлари қабулларида бўлдим. Ул зоти олий буюк бобонгизнинг муаррихи Низомиддин Шомий ила суҳбатлашиб ўтирган эканлар. Шунда Мироншоҳ мирзо устоз Шомийдан ўғли Умар мирзонинг шундай мустаҳкам давлатининг андак фурсат ичида нураб битиши сабабини сўрдилар. Бевабечораларга нисбатан зулм раво кўрилганлиги – мулк қўлдан кетиши, салтанат устунларининг йиқилиши алома-тидир дея жавоб бердилар Шомий ҳазратлари.

– Ҳақ сўз! – деди подшоҳ бошини маъноли соллаб. – Зулм шами ҳеч қачон тонгга қадар ёнмагай. – Бироқ мирзо Умар ҳамон Табриз ишғоли учун жон-жаҳди билан курашмоқда ва таслим бўлажак нияти йўқ деган гапларни эшитдик.

– Амирлар ва қўшинининг тарқалиб кетиши жуда алам қилган мирзо Говруд орқали Мароғага қараб юради. У ерда амир Холиқ Туркман, Солиҳ Барлос ва Абдуқаҳҳор Сулдусларнинг кўмаги билан Табриз томон борарди. Шаҳар халқи ўзларига икки юз минг туман тўплаш ҳукмини келтирган Хожа Пир Алини тутиб ўлдириб, дарвозаларни беркитадилар. Амирзода уларга насиҳат қилиш учун ўз кишиларини юборади. Бироқ табризликлар мирзонинг ўзларининг шоҳу шаҳзодаси эканликларини таъкидлаб, келсалар бизнинг ҳокимимиз, бироқ туркманларни шаҳарга қўймаймиз дея шарт қўядилар. Амирзода туркман лашкарига шаҳарни забт этишга амр беради. Хожа Абдулхай Қазвиний ва қози Ғиёсиддин бошчилигидаги ҳимоячилар туркманларни шаҳарга киритмайдилар. Худди шу пайт Абу Бакр мирзо Табризга яқинлашади. Буни эшитган Умар мирзо Мароға йўлини тутади.

Айни дамда Умар мирзонинг бир тўп амирлари сулҳ учун Абу Бакр мирзо ҳузурларига келганларини қайд эт-

ган эдим. Амирзода Умар Тобон ва унинг фарзандларига шафқат этдию, бошқа барча бекларни қатлга етказдилар. Барча бузуқликларнинг йўлбошчиси Шайх Хисрав Шоҳий оёқ-қўлидан михланиб ўлдиришга ҳукм этилди.

– Бу қадар салтанат бекларининг хунига зомин бўлмоқ хатолиғдир. Эгилган бош кесилмайдир, – деди Шоҳруҳмирзо надоматли оҳангда.

– Абу Бакр мирзонинг турумларига келсак, энг яқин амиру хос кишилари тавсияси билан отасини тахтдан тушириб, ўзлари ўтирдилар. Подшоҳлик унвони ҳақидаги хабар битилган ҳукмлар чопарлар орқали тўрт тарафга жўнатилди. Шундан сўнг қардошингиз Мироншоҳ мирзо мени сизнинг ҳузурингизга йўллади. Амирзодалардан қай бири енгилиб кучсизланса, зоти олийларининг палосларини ўпиш учун ошиқишларини ва сизни уларга насиҳат қилишингизни рижо этдилар.

– Вазиятни англадим, элчибек. Сиз истироҳат эта билурсиз. Мактуб ҳозир бўлгач, элингизга топширажаклар. Барчангиз ўз ишингиз ила илгиланинг. Ҳузуримизга бахшимиз Абдураззоқни чорланг.

Амирлар ва элчи чиқиб кетгач, саломхонага Абдураззоқ Самарқандий кирди.

– Буюк қардошимиз Мироншоҳ мирзо ҳазратларига бир мактуб битажакмиз. Лутфан ўтириб ёза билурсиз, – дея хат матнини айта бошлади подшоҳ.

*“Улуғ қардошу қондошимиз Мироншоҳ мирзо ҳазратларига! Зоти олийларининг соғу саломат, эсон-омон, бағри бутун эканликларини эшитиб дилимиз таскин топди.*

*Авлод амирзодаларимиз орасида бўлиб ўтган нохуш ҳодисаларни туяроқ афсус чөкдик. Сиз каби қиблагоҳлари бошларида экан, бу каби хатти-ҳаракатга қўл уришлари ғоят янглиш ва хатарлидир. Қардош амирзодалар ҳар*

қандай катта-кичик сабабу баҳоналар билан бир-бирларига хезланмасликлари керак.

Усиз ҳам улуғ қиблагоҳ раҳматли замонида боши бирикиб турган буюк мамлақату салтанатни парчалаб, ўз-ўзимизча хону кўланкамиз майдон бўлиб турибмиз.

Катталар катта, кичиклар кичик. еринда эрмасдир. Бу эса ҳар даму дақиқада амирзодалар ўртасида ўт чиқиб кетиши мумкин деган гапдир.

Бу чексиз мамлақат ва давлат барчимизга етиб ортадир. Гап уни ақли салимлигу инсонпарварлик ила бошқара билмоқдадир.

Авлодларимизга англаймоғимиз керакким, ҳар ким улуғ боболари тайин этган мамлақат тасарруфида давом этсинлар. Улуғ бобо чизган чизиқдан чиқмоқ, унинг руҳига қарши бормоқ, тўра ва тузугига амал қилмаслик, ўзбошимчалик ила иш юритмоқ ва мамлақатда фитна кўзғатмоқ демакдир.

Бу эса ҳеч бир темурийзодага шаъну шараф келтирмагай. Фитна-фасод довулини ким бошласа, ўзи унинг тўфони қурбонига айланади.

Амирзодаларимиз ёшлик ва тажрибасизлик қилиб, Султон Аҳмад Жалойир, Шайх Иброҳим ёки Қора Юсуф туркман каби чексиз савашу сўғиш кўрган қари бўрилар билан тирлашмасинлар. Айниқса, Қора Юсуф каби эски, ота душманлар қачон бўлмасин, охири бир кун биздан ўч олмоқ пайидалар. Уларга бундай имконни бермаслик керак.

Қарши кучлар бирлашиб, саваш бошласалар, Ҳиротдан етиб бориб мен ҳам, Самарқанддан от қўйиб келиб Халил Султон ҳам ёрдам бера олмасмиз. Биз етиб боргунимизга қадар мулку давлат ва унга қўшилиб азиз бошлари-да кетиб қолиши ҳеч гап эмасдир.

Дўсти ёри, ҳешу ақрабоси, ким бўлмасин, кишилар

## Нурали ҚОБУЛ

---

асл қиёфалари, кимликларини давр ва давроннинг ҳаёт-мамот онларида, фавқулодда муҳим ҳолатлару умрнинг бурилиш даму дақиқаларида кўрсатадилар, фош этадилар.

Шундай турумларда ўзини тўғри тутиб, тўғри қарор бера билиб ва тўғри ҳаракат эта олган киши эл-улус ўнгида юрмоқ даъвосига эга шахсият бўла олгувсидир.

Шундай кишиларгина ҳақиқий инсонлик шаънига ноил, асл ҳукмдорлик васфи, шавкату шарафига арзирлик ҳукмдордир.

Қону қондош, яқину бегонанинг оёқ тойиши, бахтсизлигу фожиаси устига ўз салтанатини қурмоқчи бўлган киши икки карра хато қилади ва салафи дуч келган фалокатнинг икки мислига дучор бўлади.

Бахтсизлик, омадсизлик ва шоҳликдан гадоликка тушиб қолмоқ ҳам ўлим кабидир. Кўз очиб-юмгунча муддатда киши қаршисига чиқади. Эртага жони узиладиган одам ҳам ҳеч қачон ҳаётдан эътимодини узмайди. Азройил ўзини четлаб ўтишидан умидвор бўлиб яшайди.

Биз буларни биргаликда азиз авлодларимизга англаймоғимиз керакки, эрта кунда улар бошига тушган дарду мусибатнинг аянчли азобини биз ота-оналар чеккаймиз.

Ётган жойлари нурга тўлғур падари бузруворимиз таълим берганларидек, авлодларимиз саройу саропардаларга тахт ўрнатмоқдин бурун халқу халойиқнинг қалбида тахт қурмоқ жидду жаҳдида бўлмас эканлар, мулку давлат, тожу салтанатлари заволга юз тутгай.

Билхосса, ёш амирзодаларимиз давлат юритуви ва тўраю тузук асосида айбдорларни жазоламоқда ғоят диққат эътибор-ла иш тутмоқлари керакдир. Оғзидан она сути кетиб-кетмаган бир ҳукмдорнинг отасию бобоси тенги, салтанатга хизмати синган, шу давлатни оёққа тургизишда жафо чеккан номдор амиру бекларни қатлга буюрмоғи кимса афв этмаяжак оғир жиноятдир.

Қонун ва қоидаларни, аввало ўзимиз, сўнгра миллат учун қўлламоғимиз керак. Акс ҳолда, унинг ҳеч қандай ясо ва йўсунлик қиймати, куч-қудрати қолмайди. Раият давлат ва ҳукуматга ишонмайди.

Авлодларингиз ҳаракатларидан роҳатсиз эрсангиз, дорулсалтанат Ҳиротга ташриф буюрингиз.

Хўжаси Сулаймоншоҳнинг қилмишларидан ор қилиб, ҳузурингизга паноҳ истаб борган ҳамширамиз Султонбахтбегимни ҳам ола келинг. Қон-қардош жигарлар бир-биримизнинг бағримизни тўлдириб, дийдоримизга тўйиб яшаймиз.

Ҳар иккингизни-да бошимизу кўзимиз устида ерингиз бордир. Шавкатли қиблагоҳнинг азиз хотиралари биз авлодлар бошини қўшиши, янада аҳил бўлиб яшамоғимизни тақозо этади. Сиз азизларимга энг олий даражадаги шоҳона шарт-шароитни муҳайё этгайман! Малика опамизга менинг энг эзгу истак ва саломларимни ет-кургайсиз! Яратган эгам ҳеч қачон ва ҳеч биримизни марҳаматидан дариғ тугиб, маҳжуб этмасун! Дийдор кўришгунга қадар Оллоҳимга омонат бўлингиз!”

Мироншоҳ мирзо ва малика Султонбахтбегимга аталган хос совғалар ҳамда асл отларни олган элчи Абдулқодир Даббоб Тус йўлини тутди.

## **ЙИГИРМА ТҮРТИНЧИ БОБ**

*Тож кийган бош ақлланир.*

**ОТАСҮЗИ**

Подшоҳ фармони билан Омужа бўйига етиб келган амирзода Улуғбек ва амир Шоҳмаликнинг илк иши дарёга кўприк солмоқ бўлди.

Бироқ бу кўприк битар-битмас ундан от қўйиб қарши тарафга ўтган Халил Султоннинг суворийлари дуч келганга ташланиб, ўйинбузуқлик қила бошлади.

– Савашмоқ учун баҳона изламоқдалар, – деди тажрибали амир Шоҳмалик шогирди билан юксакроқ тепага чиқиб қарши тарафдаги суворийларнинг ҳаракатини кузатар экан. – Тил тутиб ниятларини билмоқ керак.

– Тил тутмоқ учун нариги соҳилга ўтмоққа тўғри келадику? Бизни савашни биринчи бўлиб бошлашда айбламайдиларми? – устозидан сўради Улуғбек.

– Савашни аллақачон бошлаб бўлдилар. Биз томонни чангитиб юрган суворийларга керакли таълимот берилган. Шулардан бир нечтасини тутамиз. Булар тутқич бермаса, нариги соҳилга ўтишга тўғри келади. Фақат кечаси. Кундузи эмас, – тил тутмоқ режасини амирзодага англатди отабеги. – Оддий навкар ва суворийни ушламоқдан наф йўқдир. Камида юзбоши ёки мингбошини, ҳеч бўлмаганда, саройга яқин бирор бир мулозиму чопарни қўлга туширмоқ лозим.

Амир Шоҳмаликнинг амри билан тилчилар ўнлиги ишга киришди. Бири балиқчи, иккинчиси солчи, учинчиси юкчи либосу қиёфасида дарё бўйлаб кечаю кундуз пойлоқчилик қила бошладилар. Уларнинг қармоғига соҳил бўйида маишат қилиб ўтирган Исо юзбоши билан Самарқанддан етиб келган Хизрхожа қавчин илинди.

Хизрхожа лашкарнинг жангга ҳозир турмоқ ва қарши тарафдан кичик бир бузғунчилик бўлса, ўша заҳоти жавоб қайтариш амрини олиб келган эди. Уни бир арнада ёзилаётганда қўлга туширдилар. Исо юзбоши эса балиқ овига бўлган хасталигидан ёқани элга берди.

– Биз ҳамон сизлар ила бир давлату мамлакатда яшаймиз деган ўйдамыз. Нечун бизни бу тахлит қўлга туширдингиз? – ҳайрон бўлиб сўради Хизрхожа қавчин бир амир Шоҳмаликка, бир мирзо Улуғбекка боқар экан.

– Биз ҳам шундай фикрдамыз, Хизрхожабек. Шунинг учун ҳам сиз каби муҳтарам кўноғимизни иззат-

ҳурматингизни қилиб, Ҳиротга, подшоҳимиз ҳузурларига юборамиз. Сиз билан ўзлари суҳбатлашадилар. Балки хизмат учун саройда олиб қоларлар. Лутфан бу ҳолатдан ортиқча роҳатсиз бўлманг, – тутсоққа илиқ муносабатда эди амир Шоҳмалик. – Шеригингиз Исо юзбошини эса мадинат ул-рижол Балхда турган Пирмуҳаммад мирзо ҳузурларига йўллаймиз. Бошкент об-ҳавосини ҳикоя қилиб берадилар. Ҳеч кимнинг бурни қонаб, сочидан бир туки тўкилмайди.

– Жоним билан Шоҳруҳмирзо зоти олийлари ҳузурларига бораман. Биз тарафдагиларнинг иши хайриятлиғ билан тугамайдиган кўринади. Ҳамма бир-бирини пойлайди. Барча бирдек айғоқчига айланган. Бугундан эртага не кори ҳол юз беришини ҳеч ким билмайди, – бу хабардан шошиб қолган эди Хизрхожа қавчин. – Эрта-индин амирзода Халил Султоннинг ўзлари ҳам етиб келадилар.

– Тамом. Сиз ила англашдик, Хизрхожа. Ана шу ва яна неки лозим топган гапларингиз бўлса, бориб подшоҳимизга айтасиз. Тақдирингиз кўнусида не қарор берадилар, буни ўзлари ҳал этадилар. Чопарларимиз йўлга чиқмоққа ҳозирлар, – сўнги таълимотни берди амир. – Мен ҳам айни дамда Балхга, Пирмуҳаммад Мирзо ҳузурларига жўнайман. Ул кишим бир неча бор чопар юбортириб, Балхга чорладилар. Бирга кетамиз, – деди амир Шоҳмалик сафар тадоригини кўраркан.

Улуғбек мирзо қўмондон ўлароқ қўшин бошида қолди. Амир Шоҳмалик Балхга кетди.

Ҳамон ўзини валиаҳд санаган Пирмуҳаммад мирзо ёқасига зар қадалган яқтак кийган, бошидаги дуру жавоҳир тақилган тожи раҳматли бобосиникидан катта ва безакли эди.

Амирзода ўзини олий ҳукмдор каби тутар, Балх саройидаги барча ҳашам, Кўксарой тартибу тутумини эслатарди.

Қиблагоҳи Жаҳонгир мирзонинг қардоши Шохруҳмирзо ундан икки ёш катта. Вазиятни кўриб турибди. Султон Соҳибқирон ҳазратлари уни валиаҳд дея эълон этган бўлсалар-да, бугунги қалтис турумда бу хусусда баҳсу мунозара этиб ўтирмай, шу улуғ салтанат, боболар қонию жони эвазига тикланган давлатни сақлаб қолмоқ ҳақида ўйлаш керак. Камтарлигу мутавозелик ҳеч кимга зарар келтирмаган, хаёлидан кечди тажрибали амирнинг.

– Оллоҳ раҳматига олган бўлсин, улуғ бобомиз мана шу, муқаддас мадинат ул-рижол Балхда буюк амир ўлароқ Турон давлати тахтига ўтирганлар. Шундай саодатли онлар бизга ҳам насиб этармикан, устоз? – деди амирни илиқ қаршилаган Пирмуҳаммад мирзо ҳамон ўша юксак руҳ ва аъло кайфиятда.

– Оллоҳдин туя сўрайверинг, валиаҳд ҳазратлари. Иншооллоҳ, дар қўймас. Бия беражақдир, – жавоб қилди амир бундай суҳбатга ҳозир бўлса-да, гапнинг тўғридан-тўғри Турон тахтига бориб тақалганидан биров шошиб.

– Инимиз Халил Султонга мулку давлат ахлоқи, қардошлик эҳтироми юзасидан мактуб битиб эдик. Буюк бобомизнинг васиятларини эслатдик. Тахту мамлакат Халил Султонга қолади деб оғизларига олмаганларини таъкидладик, амир жаноблари. Бироқ натижа бўлмади, – амирга арз қилди валиаҳд. – Мен унга ака бўлсам. Олти ёш катта эрсам.

– Амирзодамиз мактубингизга жавоб бердиларми? – сўради амир Шохмалик.

– Жавоб берди. Биласизми, бурнидан мишиғи оққан бола ўз мактубида не дея ёзибди. Амир Соҳибқирон ҳазратларига тахту мамлакатни берган қодир эгам, менга да иноят қилди, дебди. Тангрини сен қароқчидан бошқа иши йўқдек.

– Шохруҳмирзо ҳазратлари Халил Султон билан анг-

лашароқ муаммони ҳал этмоқ тарафдоридирлар. Бу хусусида сизнинг қарорингиз не бўлғай? – масалага ойдинлик киритмоқ истади амир.

– Биз унга қарши уруш очамиз ва таъзирини берамиз! Тахту салтанат қонуний эгасига ўтиши керак, – дами баланд эди валиаҳднинг. – Уни бир зарба билан инига қараб қувиб борамиз. У бизни ана дордан қочган Султон Ҳусайн заҳн этаётир шекилли!

– Модомики, савашга кирмоққа қарор қилар экансиз, етти ўлчаб, бир кесиб, сўнгига қадар ҳисоб-китоб қилмоғингиз лозим, валиаҳдим! Тўқнашувда, албатта қўлингиз баланд келмоғи шарт! Акс ҳолда валиаҳдлик мақомингиз ҳам баҳсу мунозараларга сабаб бўлиб, бир қатор ҳадафларни кўздан чиқармоққа тўғри келади. Улусу қўшинда турли гап-сўзлар тарқалади.

– Биз унга қарши савашмоққа қарор бердик. Сиз ва амирзода Улуғбек бизга ёрдам берасизми ёки у хоин билан имзолаган шартномага содиқ қоласизми? – кўзига ғалабадан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди валиаҳднинг.

– Биз ҳам сизнинг тарафдорингизмиз, валиаҳдим. Амирлар Сулаймоншоҳ ва Арғуншоҳ ҳамда Аҳмад Чухралар Жайхун сувидан ўтиб, Андхуд ва Шибирғон вилоятлари ҳудудларида харобгарчилик қилганлар. Бу хусусда подшоҳимиздан амр олганмиз. Агар улар бизнинг мамлакат ерларига кириб келсалар, муносиб жавоб берингиз деган фармонлари бор. Бироқ яқинлашишимиз билан отларини қамчилаб қочдилар. Шу туфайли амирзода Улуғбек бирлан сизнинг черигингизда ер оламиз, – розилик билдирди амир Шоҳмалик.

– Улуғ оғамиз Шоҳруҳподшоҳ саройида сиз каби кўпни кўрган тажрибали беклар кўпдир. Сизни саройимизга таклиф этмоқчиман. Буюк бобомнинг сиз каби тажрибали, узанги йўлдошларига эҳтиёжимиз бордир, – дея амирни ўз хизматига даъват этди валиаҳд Пирмуҳаммад.

– Подшоҳимиз юклаган вазифаларни ниҳоясига етказайин. Сўнгра ўз жавобимни айтаман. Сиздек жаҳон валиаҳдига хизмат этмоқ шарафдир, – таклиф ёқиб тушган эди амирга.

Амир Шоҳмаликнинг валиаҳд таклифига йўқ демаслигининг асоси бор эди. Ҳамма Хуросон салтанатининг бош вазири ўлароқ амир Шоҳмаликнинг тайинланишини кутаётганди. Ҳатто бир-икки яқин кишилари уни муборакбод ҳам этган эди. Подшоҳ отаси ва ўзининг кейинги хизматларини ҳисобга олиб, Саййидхожага амир ул-умароликка фармон берди. Унинг отаси ҳам Темур салтанатига менчалик хизмат қилмаган ва Соҳибқирон ҳазратларининг ишончини қозонмаган эди, ўзича ўйлади Шоҳмалик. Самарқандда Кўктошга Халил Султон ўтирган бўлса, бунга мен ёки амир Шайх Нуриддин айбдор эмас-ку? Амир Саййидхожани тўрт маротаба бош вазир этиб тайинласа ҳам одам чиқмайди. Унинг қонида бузуқлик бор. Буни айтсанг, ҳукмдор янглиш англаши, мансаб талашмоқда ва амримга қарши бормоқда дея фикр қилади. Мирзо Улуғбек эса ҳали ёш. Уни бу каби сарой ўйинларига аралаштириб бўлмайди. Сақла сомонни, қилар замонни дегандек, уни келажак учун сақламоқ керак.

Ҳиротдан Андхуд томон келар экан, амир Саййидхожанинг амир ул-умаро этиб тайинланганлиги янглиш бўлганлигини шогирди мирзо Улуғбекка айтди.

– Мен сизни тавсия этдим, устоз. Қиблагоҳ отабегингизни асрашимиз керак. Усиз ҳам рақиблари кўп дедилар, – болаларча соддалик-ла подшоҳ отаси билан бўлиб ўтган гапни айтди амирзода.

– Энди эса бу рақиблар янада хурсанд бўлдилар, амирзодам, – деди мийиғида кулиб амир. – Уларнинг кўнглидаги иш бўлди. Ожизлар доимо кучлилардан чўчийдилар ва бирлашиб қарши курашадилар. Сизга маълумки, амирзо-

дам, мен салтанатда хабарчи ва узунқулоқлар ҳаракатини ҳам назорат этиб, бошқариб келмоқдаман. Амир Саййидхожа Калот ва бошқа зафарларидан мағрурланиб кетиб, ўзини бошқача тутмоқда. Сархуш ҳолатда бир энг яқин кишисига подшоҳимизни подшоҳ қилган менман, дебди. Пойтахтга борганда падари бузрукворингизга айтиб қўйинг. Мен сўнгига қадар ўз вазифамни ҳалол бажаришим керак.

– Нима, сиз Ҳиротга мен ила баробар қайтмайсизми? – хайрон бўлиб сўради амирзода.

– Менинг бу ҳудудларда қолишимга тўғри келади, мирзом. Салтанат амирларидан кимдир бу тарафда бўлиб туриши керак-ку, – гапни айлантирди амир.

Энди эса худди бу гап-сўздан хабари бордек, Пирмуҳаммад Мирзо саройига хизматга чақириб турибди. Киши ким бўлмасин, хизматининг қадрига етганнинг ёнида бўлади. Юксаклар ҳеч қачон Саййидхожага ўхшаган пастларга бўйин эгмайди. Бошни эгажаксан ёки бошни топширажаксан дегандек, одам зоти қорнига эмас, қадрига йиғлайди. Қолаверса, Шоҳруҳмирзо ҳам ҳали ёш. Давлат юритуву салтанат сурмоқнинг кўп нозик қирраларию кўзга кўринмас томонларини билмасликлари мумкин. Шунинг учун ундан ҳам хафа бўлмаслик керак шекилли.

Амир Шоҳмалик шу ўй-хаёллар оғушида валиаҳднинг бекларига кўрсатмалар беришини тинглаб, амр олган мулозимларнинг елиб-югуриб бажаришини кузатиб ўтирарди.

– Биз ғулда турамыз, ўнг қўлни Нуширвон Барлос эгалласинлар. Чап қўл томонга эса сиз ва Ёдгоршоҳ Арлот турингиз! – дея буйруқ оҳангида амир Шоҳмаликка қаради валиаҳд.

– Инимиз улуғ бобом ҳазратлари қирқ йил давомида тўплаган хазинадан ному нанг, дуои хайрдан ўзга ҳеч нима

қолдирмай лашкарга улашган дейдилар. Бу қадар олий даражада рағбатлантирилган қўшин билан савашга кириб хато қилмайми? – сўради амирзода Улуғбек оталиғи амир Шоҳмалик билан ёнма-ён кетаркан.

– Икки оға-ини аллақачон сўзда савашни бошлаб қўйганлар. Майдонда бир-бирини чопмасалар-да, орани очиқ қилиб олмасалар, уйқулари келмайди, чамаси. Айниқса, валиаҳд Пирмуҳаммад мирзо бошини ёстиққа қўйса ҳам укаси билан ёқалашар экан. Биз савашнинг марказига кирмаймиз. Қардош қони тўкилажак жангнинг иштирокчиси бўлмаймиз. Кимнинг кимда ҳисоб-китоби бўлса, ўша урушсин. Менимча, ҳеч бир тарафнинг аскарлари ўламан саттор қон тўкиб савашаман деб тургани йўқ. Бу тўқнашув ҳеч бир тарафга обрў келтирмайди, амирзодам. Бироқ Пирмуҳаммад мирзони ҳам ёлғизлатиб бўлмайди. Шундай қилсак, қардошлар бизга қарши бирлашишлари мумкин. Бу масалани қиблагоҳингиз ила қўнишиб, муҳокама этган эдик. Бу аслида бир синов савашидир.

Қиш охирида қолган бўлса-да, ҳали-ҳануз совуқ ва изғиринли кунлар давом этар, ярим балчиқ йўлларда суворийларнинг юриши қийин эди.

Пирмуҳаммад мирзонинг бирлашган қўшини Насаф атрофига етиб борган, ҳар икки томон ясол тузиб, жанг ҳозирлигини кўрарди.

Юз беришига ишониб-ишонмаган тўқнашув шу тариқа бошланиб кетди.

Самарқанд ўрдусининг маркази тўппа-тўғри валиаҳднинг ўзи бош бўлиб турган ғулга ҳужум қилди. Ўрнидан кўзгалган ғул беихтиёр ортга чекинди.

Бетиним ёққан ёй ўқи ва суворийлар зарбасидан Ёдгоршоҳ Арлотнинг чап қўли, Арлот жамоаси жанг майдонидан чекиниб, қоча бошлади.

Шу тариқа Пирмуҳаммад мирзо черигининг жувонғор ва буронғори парокандаликка юз тутди.

– Оғзингизда тухумингиз бор экан, амирзодам. Сўйлаганингиз бўлди. Валиаҳднинг маркази чекиниб ортга қайтмоқда. Қарши томон лашкари ҳар томонлама устун экан, – деди амир Шоҳмалик от устида жанг боришини кузатар экан.

– Энди нима қиламиз? – беғубор ва хокисор нигоҳини оталиғига тикди амирзода.

– Биз ҳам жиловни тортамыз. Бироқ Балх қўшинининг бутун аслаҳа ва юклари улар қўлига тушадиган бўлдида. Тезда четроққа чиқайлик. Бирорта ўзини билмас гуруҳ ташланиб қолиши мумкин, амирзодам, – шогирдининг оти жиловини тортганча ортга бурди амир. – Хайриятки, жанг узоқ давом этмади. Кўп қон тўкилмади. Шундан хавотирда эдим.

Жанг майдонида қолган жасадлар, алам билан кишнаётган отлар, бақириб-чақираётган қону лойга беланган одамлар урушнинг дунёдаги энг разилу даҳшатли тирикчилик эканлигини исботлагандек изғиринли қиш кунини янада совуқ ҳамда мудҳиш кўрсатарди.

Ярадорларни кўтариб чиқаётган, бор овозда бир-бирларини сўкаётган, балчиққа айланган ердан чориғини аранг тортиб олаётган аскарлар қисмату қадардан нолиганча елиб-югуришарди.

Қўшин қуршовидаги амирзода Улуғбек ва оталиғи Шоҳмалик отларини чоптирганча хавфсиз йўлга тушиб олдилар.

– Энди сиз тўппа-тўғри дорулсалтанат Ҳирот йўлини тутинг, амирзодам. Бўлиб ўтган тўқнашув ва вазият ҳақида падари бузрукворингизга билги беринг. Жанг хабарини туйиб ул зоти олий ҳам сафарга чиққан бўлишлари мумкин. Йўл-йўлакай учрашиб ҳам қоларсизлар балки.

– Фикри ожизимча, қиблагоҳ ҳузурларига баробар борганимиз маъқулдир, устоз. Бу ҳудудларда қолажак бўлсангиз-да, олдиларидан ўтганингиз маъқулдир, – деди норози оҳангда амирзода.

Амир Шоҳмалик шогирдининг мантиқли гапига рози бўлгандек индамади.

Кечаси кичик бир қишлоқда тунадилар. Ортларидан Нуширвон Барлос етиб келди. Кечиккан оқшом емагини бирга еб, жанг тафсилотини муҳокама этдилар.

– Халил Султоннинг ўзи савашда иштирок этибдими? – сўради Шоҳмалик очиққанидан тез-тез емак еяётган чорпахил Нуширвон Барлосдан.

– Амирзода марказда турган. Бир неча мингликка қўмондонлик қилган. Амир Бурундуқ ўнг қўлда, бизга қарши астойдил жанг қилган амир Сулаймоншоҳ чап қўлда экан. Бечора Хоника бегим яна асира тушса бўладими? Амирзода Халил Султон мард экан, барча асирларни озод этибди. Ҳеч кимнинг сочидан бир туки тўкилмабди. Бироқ валиаҳд қўшинининг бор-буди улар қўлида қолди, – емак еганча қўнишарди Нуширвон Барлос.

Шоҳруҳмирзо Ҳиротда экан, чопарлар Сулаймоншоҳ ва Арғуншоҳ бошлиқ чериклар Шибирғон ва Андхуд вилоятларига бостириб кирганлиги ҳақидаги хабарни етказдилар.

Подшоҳ зудлик ила қўшиннинг йўлга чиқиши амрини берди.

Бодғис яйловига етар экан, амир Шоҳмалик билан мирзо Улуғбек Шоҳруҳмирзо мулозаматига етишдилар.

– От-уловларимиз қишдан зўрға чиқди. Насафга ҳам аранг бориб келдик. Ижозат берсангиз бирор ой Бодғис ўтлоғида туриб, йилқиларимизни семиртириб олсак, – деди амир Шоҳмалик подшоҳга.

Изн олган амир ва амирзода Бодғис яйлови томон юрдилар.

Шоҳруҳмирзонинг дарё соҳилига тикилган саропардасида мулоқотлар давом этар, Насаф ёнида рўй берган, кутилмаган жанг тафсилотларини ўрганиб, Халил Султон билан орани очиқ қилиб кетиш керак эди.

Шоҳруҳ Халил Султон ҳузурига юборган амир Қаношириннинг қайтишини кутарди. Бек келганида ёнида амирзоданинг хос навқари Бўзўғлон ҳам бор эди.

– Подшоҳимиз Халил Султон зоти олийларига узрхоҳлик билдириб, илгари келишилган аҳди паймонда турганликларини таъкидладилар. Юз берган тўқнашувда айб Пирмуҳаммад мирзо тарафда эканлигини қайд этдилар. Келишилган шартга кўра амирзода Омую сувидан бу тарафга ўтмасликлари керак экан. Ул кишим эса чериги билан Насафгача бостириб келдилар ва жанг қилмоқ мажбуриятида қолдик. Тангри таоло бизга нусрат ато этди, – дея Халил Султоннинг сўзларини Шоҳруҳмирзога етказди хос навқар Бўзўғлон.

– Масала ойдин. Саваш сабабларию натижасидан хабаримиз бор. Биз мудом сўзимизда турибмиз. Ва келгусида ҳам англашмамизга содиқ қолажакмиз. Биз яна бироз юриб, дарёнинг қулайроқ соҳилига қадар борамиз. Амирзодамизга сўйлангким, ул авлодимиз ҳам келсинлар. Токи бўлиб ўтган можаро юкини ўртадан кўтариб, аҳду паймонни янгилайлик. Модомики, ўзи кела олмаса улуғ амирларини юборсин. Улар бизнинг вакилларимиз билан мунозара юритиб, бир қарорга келсинлар ва ҳар икки томон бу шартлашувдан четга чиқмасин. Сиз билан бизнинг кишимиз Мазид Жоний Қурбоний амирзодамиз ҳузурига боради, – дея Халил Султон элчисини ортга йўллади Шоҳруҳмирзо. – Биз Буроқон ва Ийлар яйловида бўламиз. Амирзоданинг жавобини ўша ерга олиб келасиз, – тайинлади Жоний Қурбонийга.

Бир ҳафта ўтгач, Жоний Қурбоний Халил Султоннинг вакили Давлатхожа Чингизий билан бирга қайтиб келди.

Амирзоданинг элчиси музокаралар учун амирлар Оллоҳдод ва Арғуншоҳлар тайин этилганини маълум қилди.

– Биздан мулоқот учун амир Мизроб билан қози Қутбуддин Абдуллоҳ борадилар, – деди Шоҳруҳмирзо.

Ийлар яйловида салтанатнинг барча катта-кичик муаммолари ҳал этилар эди.

Гармсерда тартиб ўрнатишга кетган амир Жаҳонмулк ҳам етиб келганди.

– Мавдуд Гармсерийга шикаст етказиб, мамлакат ҳудудидан қувиб чиқардик. Вилоят сарҳадларидан ташқарига ҳам юриш қилиб, Дурфишой қалъасин олдик ва у ерга амир Сайфан Гармсерий билан Ҳисомиддин Ғурийларни даруға ва қутвол ўлароқ ўтқазиб, муносиб ўлжалар-ла ҳумоюн ўрдуга етишдик, – ҳисоб берди амир Жаҳонмулк Барлос.

Бодғис яйловидан улус амири Алибек ҳам етиб келиб, амир Шоҳмалик ила боғлиқ сўнгни маълумотни айтди.

– Зоти олийларининг амрларига мувофиқ амир Шоҳмалик Бодғис ўтлоғида бир ой муддатга қолиши керак экан. Бу муддат ўтибди. Амирнинг олий қароргоҳга келмоқ нияти йўқ, – деди Алибек.

– Нечун? Не сабабдан? – сўради Шоҳруҳмирзо.

– Амир Саййидхожанинг подшоҳим наздида улуғлиги сабабли лашкарга бормадим дедилар, – саволни жавоблантирди Алибек.

– Нечук амир бундай деди? Бу сўзларни айтмоққа қандай ҳадди сиғди экан? – ҳайрон бўлди подшоҳ.

– Биз ҳам таажжубландик, султоним, – елкасини қисди Алибек.

– Амир Шоҳмалика бориб шундай денг! – дея қаршисида турган Бойсунғур тавочига қаради ҳукмдор қаҳри қўзиб. – Бодғисда бир ой туришга қарор қилинган эди. Бу муддат ўтиб кетди. Дарҳол йўлга чиқсин ва олий қароргоҳга етиб келсин! Агар лашкарга келиб қўшилмаса, бизнинг вилоятда турмасин ва кўнгли тусаган жойга кетсин! Йўқнинг кўнгли йўрға тилар экан. Мен барчани садри аъзам этиб тайинлай олмайман-ку! Мавқеи бир бош вазирдан кам

бўлмаса!.. Мингани ҳўкиз, тилагани тўққиз-тўққиз деган-дек, ҳамма амал, мулки давлат пешида.

Ийлар яйлоғидан дорусалтана Ҳирот томон йўлга тушган олий ўрду Мурғоб сувидан ўтиб, илғор қилиб, лашкардан бурун бошкентга кириб келди.

Бодғисдан қайтган Бойсунғуртавоchi амир Шоҳмаликнинг яккаўланг йўли билан мирзо Пирмуҳаммад ҳузурига кетганлигини айтиб келди.

Сой ва арналарнинг ёғингарчиликдан лойқаланган бўтана суви қирғоқларни юлиб-юлқаб оқарди.

Жанубнинг илиқ шамоли шаҳарга кўклам ҳавосини олиб келган, тол ва терак оғочлари куртак ёзиб, илк баҳор муждасини берарди.

## **ЙИГИРМА БЕШИНЧИ БОБ**

*Инсон ўзини бойиган ҳолда  
кўргач, исён кўтаради*

**Қуръони карим, етмиш тўртинчи  
сура, эллик биринчи оят**

Отасининг ортидан лашкар билан бирга амирзода Улуғбек ҳам бошкентга етиб келди.

Кўшин шаҳар атрофига тарқалиб ўз қўналғаларига ерлашар, амиру қўмондонлар арк ичидаги манзиллари томон шошишарди.

Аркони давлат баҳорнинг илк ойларида шаҳар қурилиши ва ободончилиги билан машғул бўлди. Неча йиллардан бери вайрона ҳолида ётган иншоотлар тикланиб, таъмирланди.

Шу муддат давомида амирзода Улуғбек отаси ёнида юриб иш ўрганди. Қиблагоҳи бирор ишни назорт этмоқ учун қолдириб кетган жойда одамлар билан суҳбатлашди.

Гоҳида иш бошида кеч тушгунча қолиб кетар, Ражаб

Турдиқора бошчилигидаги мулозиму қўрималари билан саройга кеч қайтар эди.

– Биз шу шаҳар ва ўлкада қолиб кетамизми? Бобом бошкент этган Самарқанд қайтиб салтанат пойтахти бўлмайдими? – сўради амирзода ўзидан сал орқароқда келаётган Ражаб Турдиқорадан.

– Қайтадан бошкент бўлиши мумкин, амирзодам. Бироқ энди у ҳеч қачон Султон Соҳибқирон замоналаридаги каби шону шухрат, мўл-кўлчилик ва дунёвий аҳамиятга эга шаҳар бўла олмаслиги мумкин, – жавоб қилди юзбоши.

– Ростдан ҳамми? Энди мамлакат шу тариқа парчаланиб кетадими?

– Ҳеч бир нарса илгаригидек бўлмайди, мирзом. Амир Соҳибқирондек инсон қайта туғилмаганидек, мағрибдан машриққача, шимол ўрмонларидан жанубдаги буюк денгизгача узанган Улуғ Турон давлати ҳам такрор яралмайди. Не қадар оғир бўлса-да, тан олиб, кўникмоққа тўғри келади. Искандар Мақдунли ва Чингизхонлар тузган салтанатларнинг тақдири қандай бўлган бўлса, бизникиям шундай яқун топиши мумкин. Сулола ва давлатчилик сиёсати юзлаб йиллар мобайнида давом этавериши мумкин. Бироқ бизга кечагига ўхшаб Мағрибу (ҳозирги Марокаш) Масков, Ҳинду Измит тобе бўлмаслиги мумкин.

– Агар Халил Султон ила англашароқ давлатларимиз бирлашса нима бўлади? Шунда яна Самарқандни салтанат пойтахти этса бўладими?

– Менимча, подшоҳимиз, падари бузрукворингиз хоқон Шоҳруҳмирзо қайси шаҳарда яшасалар, бошкент ўша манзил бўлади, амирзодам.

– Қиблагоҳ Ҳиротга ўрганганлар ва шу ерда яшашни истайдилар, – деди ўйга толиб амирзода.

– Демак, унда Ҳирот бош шаҳар саналади. Ва бу шаҳарнинг бошкент бўлишининг қулай тарафи ҳам бордир, амирзодам. Дашти Қипчоқ, Олтин Ўрдадаги тарихий қар-

дош душманларингиздан мудом Самарқанду Бухорога таҳдид бордир. Улуғ хоқон каби буюк кўмондонларгина бу шаҳарларни ушлаб тура олишлари мумкин. Ҳирот улардан анча узоқда. Эшитган бўлсангиз Идику Манғит Хоразмга босиб келибди. Эртага Туркистоннинг ички шаҳару қишлоқларига ҳам ҳужум қилиши мумкин.

– Демак, Самарқандни ҳимоя қилиш керак денг?

– Шундай, амирзодам. Бу буюк ва муқаддас шаҳарда оламни ларзага келтирган фотиҳ ва жаҳонгир бобонгизнинг вужудлари ётибди. Энди у ер юрту улуснинг зиёрат этажак қутлуғ жойи саналади.

– Худо хоҳласа, бобом бошкентларини ўзим ҳимоя этаман ва гуллаб-яшнатаман! Сизлар ёнимда турасизлар! – овози товланиб кетди амирзоданинг. – Ул муқаддас шаҳарга ҳеч қачон ва ҳеч бир яғийнинг қадами тегмагай! Улуғ бобом излари қолган бу муқаддас тупроқни қалбим кўрида, кўзим нурида асрагайман!

– Омин! – деди юзбоши кафтини юзига сийпаб. – Яратган эгам ёру ёрдамчингиз бўлсин, амирзодам! Биз ҳар замону маконда ёнингиздамиз! Сиз учун кўксимизни қалқон қилажакмиз!

– Бу юрт тупроғи улуғ ота-боболаримиз қону жонлари ила шарафланганлиги боис қутсол ва муқаддасдир! Унинг учун жон чекиб, ўзимизни фидо этмоққа барчамиз ҳозир ўлмоғимиз лозимдир! Шундагина юрт юрт, миллат миллат, ватан ватан ўлгусидир! – ҳамон овози титрарди амирзоданинг. – Акс ҳолда буюк бобом руҳлари безовта бўлгай!

Эртаси куни барча вазиру амирлар, кўмондону хос мулозимлар одатдаги саломга кирдилар.

Кечаси келган хабардан барча бирдек ҳайрону лол, айримлар саросимага тушиб, не қиларини билмай қолган эди.

Ҳеч кутилмаганда, ҳе йўқ-бе йўқ салтанат амир ул-ума-

роси амир Саййидхожа исён ва бўйсунмаслик байроғини кўтариб, бир гуруҳ ўзини йўлдан урган амиру қўмондонлар билан Ҳирот яқинидаги Журқоланг манзилида турганлиги, катта черик билан зулҳижжа ойининг биринчи куни бошкент этмоқни мўлжаллаган Жом сари юрганлиги хабари саройни ларзага келтирди.

Журқолангга чериги билан бориб келган амир Нуширвон Барлос машваратда вазият ҳақида билги бериши керак эди.

Амир Саййидхожани бош вазир этиб тайинлаш фикри ўзидан чиққанлиги, салтанат учун қилган бир-икки хизматларини ортиқча баҳолаб, унга керагидан зиёда ваколат бериб юборганлигини англаган Шоҳруҳмирзо ҳам мижжа қоқмай чиққан эди. Қизарган кўзларига кафтини босганча ташвишли қиёфада кириб келаётган мулозимларининг ҳаракатини кузатарди.

Турум оғир эди. Молиядан тортиб аскар қурол-яроғигача, барча ишларда сўзи кечарли бўлган Саййидхожа қисқа фурсатда бойиб кетган, подшоҳу лашкар давлатнинг бирлиги ва барқарорлиги учун жон олиб, жон бераркан, ҳарам бекалари бош вазирга тинимсиз канизағу жория келтиришар, амир ул-умаро кечаю кундузнинг фарқига бормай шаҳват денгизига калла ташлар эди.

Салтанат юмушлари билан банд бўлган подшоҳ дастлаб унинг бу ҳаракатларига эътибор бермади. Қиблагоҳининг аёл пешидан қўшган кишиларда мулку миллат, юрту давлат ҳис-туйғуси суст бўлади. Бундайларнинг ақлида аёллардан бошқа ҳеч нарса бўлмайди. Эҳтиётли ҳаракат этмоқлик керак, деган ўғитини хотирлаб, тараддудланди.

Бироқ Халил Султон билан Пирмуҳаммад мирзолар орасида бошланиб қолган ғавғо билан банд бўлиб, қўли тегмади.

Бу вазиятда амир Шоҳмалик ҳақ бўлиб чиқди. Демак,

кўпни кўрган бек бир нарсани билар экан. Шу туфайли ҳам ундан юз ўгириб, Пирмуҳаммад мирзо саройига кетиб қолган.

Бир мулозиминг бўлади, одамларни сенга яқинлаштиради. Бириси бўлади, узоқлаштиради. Амир Шоҳмаликни бош вазирликка тайинламай хато қилган экан. Бу фитнани ҳам осонликча бостириб бўлмаса керак. У исёнчи қиблагоҳининг бош вазири ва болалик дўсти амир Хожи Сайфиддин Некўзнинг уч ўғлини ҳам йўлдан урибди. Бу инсон деганида қилча садоқат, зиғирча фикру мушоҳада этмоқ закоси йўқ шекилли. Аҳмоқ бир умр одамларга ақл ўргатиб, бошлиқ бўлмоқни орзу этади. Раҳбар бўлиши билан ўзидан кетиб, кимлигини фош этади, дер эди мудариси. Бироқ бу хоинни аҳмоқ деб бўлмайди. Ақлли кишига яхшилик қилмоқ қароқчининг қўлига қилич бермоқ экан чоғи. У қадар яхши бўлиб, яхшилик қилма, тош бошга тусар деганлари шу экан-да!

Наҳотки, оламни титратган Амир Темурдан қолган ўттиз олти нафар амирзода сен нокасларга бу давлату мамлакатни тандирдан узилган иссиқ нон каби дастурхонга ўраб тақдим этса! Тушингда кўрасан бу ҳадяни туз кўр қилгурлар! Насли-насабинг билан уруғингни қуритаман! Сен шарафсизларнинг бу ниятларинг ҳеч бир баҳорда амалга ошмаяжак!

– Журқолангдан келган нохуш хабар барчангизга маълумдир, – деди подшоҳ ҳорғин овозда. – Хоинлар Жом сари юрмишлар. Амир Нуширвон Барлос бу масала бўйича илгиландилар. Ул кишимдан мавжуд турум ҳақида билги олсак, – дея чап ёнида ўтирган амирга қаради подшоҳ.

– Айни дамдаги вазият шундайдир, зоти олийлари, – дея томоғини қирганча асабий оҳангда сўз бошлади Нуширвон Барлос. – Амир Саййидхожанинг иши ит тўйгач, эгасига ташланиши кабидур, биродарлар. Кетига жир

битгач, у ўзини барчадан ақлли санай бошлаганини барчамиз сезгандик. Бироқ энди ярим йил амир ул-умаролик қилди. Бошда бироз шошиб қолгандир дея турли гап-сўзлар чиқишига йўл қўймай, подшоҳимизга ҳам паст-баланд гапларни етказмай келгандик. Энди билсак, хато қилган эканмиз. У ҳаммамизни лақиллатиб, исёну давлатдорлик байроғини кўтаришга ҳозирлик кўрган экан. Қайси ақлидрок ва қай бир фаҳму фаросат билан бундай қарорга келиб, бу ишга қўл урган, ақл бовар қилмайди, онҳазрат. Жониворнинг гўрковчиси, нафснинг терговчиси бўлмас экан-да! Қирққача кўса яхши, қирқдан кейин ўлса яхши дегандай, бу кўсадан хайр келмаслиги маълум эди. Фақат сизга айтолмай юрган эдик, аълоҳазрат!

– Унга кимлар қўшилган? – сўради подшоҳ асабий оҳангда.

– Амир Сайфиддиннинг уч ўғли Абдусамад, Тоҳир ва Фозиллар, амир Учқаронинг олти ўғли Шамсуддин, Шер Али, Абу Муслим, Муҳаммадбек, Темур Малик Дулдой ҳамда Муҳаммад Фазлуллоҳлар, онҳазрат!

– Буларнинг ҳеч бирини мулки давлатда кимсадан, ҳатто мендан кам жойлари йўқ. Шайтон васвасасига учман деса ҳеч гап эмас экан-да, – ўйга толганди подшоҳ. – Ҳеч бирини ранжитмаган эдик.

– Демак, улар ичида шайтон васвасасига мойиллик бўлган, давлатпаноҳ! Куфрони неъматлик ҳам шайтонликдир. Нокас ранжитилганлиги учун эмас, илдизи сувга етиб, ўзини яккаю ягона, тенгсиз, ўзини барчадан устун чоғлай бошлаганидан шайтонлашади. Уларнинг барчасини қиличдан ўтказмоқ керак. Бу масалада энди ялҳақ<sup>1</sup>лик қилиб бўлмайди.

– Ҳай-ҳай, тағойи! Бироз диққат-ла кўнишинг! Дўстдан душман ясамоқ осон! Бироқ бизнинг ҳадафимиз рақибу яғийдан ёру дўст ясамоқдир. Маърифат ҳам шудир, амир

<sup>1</sup>Ялҳақ – соддадиллик.

жаноблари. Бироқ босиқ бўлиб, орқа-олдимизга қараб гапирайлик. Бир ташвишни икки қилмаганимиз маъқул, – амирнинг тезоблигидан норози эди ҳукмдор.

– Арабу тозик топишар, туркка бало ёпишар дегандай бу хоинлардан ҳеч қачон бизга хайр келмас! Бир сотган қайта сотар, сўнгида айта сотар, султоним! Мени айтди дерсиз! Биздан айтмоғи! Сўнг қарору фармон зоти олийларинингдир! – сўзидан қайтмас эди Нуширвон Барлос. – Унинг аҳмоқона ваъдаларига ишониб, сиздан юз ўгирган бу нонкўрларни ҳеч қачон кечирманг, онҳазрат!

Шоҳруҳмирзо амирга тикилиб қараб қолди. Бу унинг нутқ ирод этмоқни тўхтатинг дегани эди.

– Бу ерда баҳслашиб ўтирмоқдан муддао ҳосил бўлмас. Тезроқ йўлга чиқиб, уларни топмоқ ва вазиятни давлат фойдасига ҳал этмоқ керак. Исёнчилар-ла не қадар кеч мулоқотга киришсак, шу қадар атрофига одам кўп тўпланаверади, – фикрини билдирди амир Мизроб. – Амир Шоҳмаликнинг бизни тарк этиши ҳам ул осмондан тушган бош вазирнинг мавқеини кучайтирди. У ҳеч ким билан ҳисоблашмай, ҳеч кимни тан олмай қолган эди.

– Тўғри! Бу ерда муҳокама этиб ўтирмоқдан кўра ҳамон у тарафга отланмоқ маъқулдир. Маслаҳату машваратни чонғи<sup>1</sup> усулида қилиб кетаверамиз, – гапга қўшилди Ҳасан Сўфи Тархон.

– Муросаю мадорага кўниб, сулҳ-ла иш битса яхши. Акс ҳолда уларга қарши савашмоққа тўғри келади, – амир Фармоншайх ҳам қувватлади ҳамкасабларини .

– Қодир кишилар масаласида хатоликларимиз бор. Бундан сабоқ чиқармоғимиз лозим. Намозшомдан сўнг йўлга чиқамиз. Зарур ҳозирликлар кўрилсин! Лашкар савашга тайёр турсин! Вилоятларга тавочилар юборишга эҳтиёж йўқ, назаримда. Бошкентдаги қўшин билан муаммони ҳал

---

<sup>1</sup>Чонғи – от устида кенгаш.

этсак бўлар деган фикрдамен. Не дейсиз? – яна бекларига қаради подшоҳ.

– Лузум йўқдир, султоним! Элимиздаги лашкар билан улар ишини ҳал этамиз! – беклар номидан фикр билдирди амир Мизроб.

Шоҳруҳ подшоҳ шахд билан ўрнидан кўзгалди.

Жўнатилган қоровуллар исёнчиларнинг Навбарг саҳроси томон жўнагани хабарини келтирди. Кечаси билан юрган Ҳирот қўшини эрта тонгда Навбарг саҳросига етиб борди. Дашт ўртасида турган исёнчилар тонг қоронғусида етиб келган катта қўшинни кўриб саросимага тушди.

Шоҳруҳмирзо ўғли Улуғбекнинг ёнида турган Ражаб Турдиқорани ишорат ила ёнига чорлади.

– Қани улар ёнига сиз боринг-чи, юзбоши! Дарди даъволари не экан, бир билинг! Шунга қараб ҳаракатимизни қиламиз! – амр берди подшоҳ.

– Ражаб Турдиқора от чоптирганча саҳро ичкарасига қараб кетди. Отамерос Оқбулут Олтинчининг устида турган Шоҳруҳмирзо кутилмаганда исёнчилар томон от кўйди. Ортидан амирзода Улуғбек бошлиқ беклар ҳам отлари жоловини бўшатди.

– Бу ҳаракатни кутмаган, аросатда қолган Саййидхожа бошлиқ амирлар ўзларини таппа-таппа отдан ташлаб, узр сўраганча пешоналарини ерга тирадилар.

– Бир қошиқ қонимиздан кечинг, султоним! Биз хато қилдик! – дея бошини кўтариб ёлворди амир Саййидхожа.

– Биз ўлиб қолдик, подшоҳим! Бизни шайтон йўлдан урди! Гуноҳимиз устига афв чизифини тортинг! – деди йиғламсираб Абдусамад Сайфиддин.

Бошқа беклар ҳам гуноҳларини бўйниларига олиб, ҳукмдор оёғига йиқилдилар. Зори гиря қилиб узр сўрашди.

– Барчангизнинг гуноҳингиздан ўтдим! Отларингизга минингиз! Мен ҳеч қачон сизлар каби узанги йўлдошларни топа олмасман! Эсимни таниганимдан бери улуғ қиблагоҳ

амрлари ила ёнимдасиз! Сиздек улуғ амирлар, аслзода бекларга ёмонлик тилашим мумкинми? Ҳеч бир киши шоҳу гадо, зангину фақир хато қилмоқдин ихота этилмагандир. Энг муҳими, ундан хулоса чиқара билмоқлик ва такрорламаслик. Мен ҳам сизларга баланд-паст, қаттиқ-қуруқ гапирган бўлишим мумкин. Ишу давлатчилик сиёсатида ҳар хил гап-сўзлар бўлади. Бироқ бу каби фикру мулоҳазалар юз берган жойида қолиши, унутилиши керак. Барчамиз ўтган гапга саловат деб, ўнгимизга боқмоғимиз лозим. Бизнинг йўлимиз шариату тариқат, илму амалимиз маърифату ҳақиқатдир. Киши ҳар замон ва маконда яғий орттира билур. Бироқ мақсади мурод – дўсту хайрихоҳ қозонмоқдир. Биз учун сизлар каби дўсту биродарлардан айрилмоқ кўп оғир. Сиз ҳам бу йўл ва восита ила ҳеч нимага эриша олмассиз. Кўпчилигингизнинг ёшингиз бир жойга бориб қолган. Ушбу ёшда бундай ишга қўл уриб хато этмоқ, қону жон баҳосига тушиши мумкин.

Исёнчи-ю таъқибчилар яраш узангисига оёқ кўйган ҳолда ортга қайтдилар. Сулҳу афв эпкини барчанинг кўнглига тавфиқу таскин, умиду ишонч бағишлаган эди.

Бирлашган қўшин хуш кайфият, сулҳу амният-ла Солор кўпригига етиб келди. Муаммони тинч бартараф этганидан кўнгли тинчиган подшоҳ барча билан хушу хурсанд хайр-хўшлашиб пойтахтга эртароқ қайтишини айтди. Қолганларга эрта шомдан қолмай етиб боришини тайинлади. Нуширвон Барлосга ҳам улар билан бирга қайтишини амр этди.

Эртаси куни хуфтонда Ҳиротга етиб келган амир Нуширвон Барлоснинг авзойи бузуқ эди.

Подшоҳ хуфтон намозини ўқиб бўлиб, масжиддан сарой томон борарди. Амир амакисига кўзи тушиши билан яна бир ишқал чиққанини пайқади.

– Не ҳаводислар, тағойи? Бу қадар тараддудлисиз? – бекка боқди Шохруҳмирзо.

– Айтмабмидим, султоним. Эшак билан бўлса отнинг охури, кулга ағанагай бир кун охири. Улар яна сўзларидан қайтиб, оёқ тираб туриб олдилар. Энди бу гал Саййидхожа эмас, ёнидагилар ўйинни буздилар.

– Недан? Мақсадлари не эмиш? – ҳайрон бўлди подшоҳ.

– Амир Абдусамад Сайфиддин бошчилигидаги барча беклар, Шохруҳмирзо сени кечирганда ҳам бизни афв этмайди. Эрта кунда ҳар биримизни бир уқубатга тортадики, ҳолимизга осмондаги қушлару дарёдаги балиқлар йиғлайди, дея бир фикрга келишиб иттифоқлашган ҳолда Жом ва Тус томон жўнадилар, онҳазрат! Энди улардан инсофу одамгарчилик бекламоқ, марҳумдан садақа сўрамоқ ила баробардир.

Султон Шохруҳ ўйга толганча беихтиёр хона бўйлаб юра бошлади.

Саломхона эшиги очилиб, эшик оғасининг боши кўринди. Подшоҳ ҳам юрганча қопу яқинига етиб қолган эди. Не гап дегандай мулозимга қаради.

– Амир Мизробнинг олдидан Тукал Темур тавочи келибдур. Ҳамон кирмам лозим дейди.

– Чорла! – буюрди подшоҳ.

– Хонага ҳукмдор яхши танийдиган тавочи кирди. Табуғ расмини бажо келтирди.

– Сўйла! Не ҳаводислар?

– Амир Мизроб дарё бўйида ҳануз турибди. Бироқ Халил Султон ваъдага вафо қилмай, кишиларини юбормади. Бек жаноблари не қиларини билмай ҳайрон. Подшоҳимиз амрларига кўра ҳаракат этмоқни сўраб мени зоти олийлари ҳузурларига юбордилар. Арз этамен!

– Сен ҳамон ортга дўну, амир Мизробга етказ. Қўшини билан Тус томон йўлга чиқсин. Биз ҳам ўша тарафда бўламиз.

– Амри фармон султонимизнингдир! – дея чекинди тавочи.

– Амирзода Улуғбекни чорланг! – деди подшоҳ эшикни очаётган мулозимга.

Амирзода Улуғбек етиб келгач, уч темурийзода ўтирганча маслаҳатлашдилар.

– Сўзларимини диққат-ла тингланг, ўғлим! Балхдан олганимиз билгиларга қараганда оталиғингиз амир Шоҳмаликнинг турумлари ҳам кўнгилдагидек эмасга ўхшайди. Амирзода Пирмуҳаммаддан кутганлари муносабат ва эъзозни кўрмаганлар, чамаси. Бунинг устига биз амир улумароликни бир сотқинга бериб қўйганимиздек, авлодимиз Пирмуҳаммад мирзо ҳам айш-ишрат, кайфи-сафога берилиб, бутун мулку давлат, тахту салтанат ишини насл-насабинини тайинини йўқ Пир Али Тоз деган бир қулваччага топшириб қўйган эмиш. Бу аҳволда у тарафларда ҳам ишлар яхши кетмайдиганга ўхшайди. Шул боис ҳурматли оталиғингизга орамизда бўлиб ўтган гапни қоғозга туриб, бир мактуб ёзсангиз. Ул зоти олий учун бизнинг саройимизда, қалбимиз-да, суфрамиз-да очикдир. Биз ким бўлмайлик, кимсага гина-кудурат сақлаяжак қадар такаббур кишилар эмасмиз. Бу дунёда ўлимдан бошқа ҳар неки ишнинг чора-тадбири бордир. Ҳамон ҳузуримизга етиб келсинлар ва бошимизу кўзимиз устида ерлари бор. Менинг ушбу фикримга қандай қарайсиз? – амакиси Нуширвон Барлосга қаради подшоҳ.

– Кўп маъқулдир, онҳазрат! Ўша пайтдаёқ ана ўша хоннинг ўрнига амир Шоҳмаликни тайинламоқ лозим эрди. Эзгу ишнинг кечи йўқдир, – қувватлади амир.

– Вазифани англадим, қиблагоҳ! – деди икки қўлини кўксига қўйиб мирзо Улуғбек.

– Унда ҳозирлик кўринг. Йўлга чиқамиз. Сайидхожа ташвишини бир ёқлик қилмасак, бўлмайди. Иш интиқом ила оёқланади, чамамда.

– Уларни ҳеч аямай бир чеккадан қиличдан ўтказиш керак, – ҳамон подшоҳ сўзини маъқуллади амир Барлос.

– Воқеалар оқими бу каби жазолаш усулига бориб етса, албатта хизматингизга мурожаат этилади, амаки! – деди подшоҳ нонкўрлар қилмишига чидай олмаётган амирга маъноли боқаркан.

– Ҳеч тап тортмай буюринг, султоним! Эсимизни таниб-мизки, ботир қони юракка, хоин қони челақка томган! Уларнинг уруғи урчимасдан жойини солмоқ керак! – қаҳрини яширмасди бек.

Шоҳона саропарда Туснинг кун ботиш томонидаги ўтлоққа ўрнатилган, туман, минглик ва ўнликлар жангга ҳозирлик кўрганча елиб-югуришар, истехком қазиб, қурол-яроғларини кўздан кечиришарди.

Подшоҳ дара этагидан ўтадиган сой бўйига келиб салтанат отларини якка чирги қилиб совутаётган ахтачи<sup>1</sup> ва отбоқарлар ишини кузатарди.

– Мукулмон мукулмоннинг, қардош қардошнинг қонини тўкмасин! Саййидхожага сўнги бор элчи юборайлик! Сўзимизга кириб, яхши гап билан бизга эл бўлса бўлди. Йўқса гуноҳи ўз бўйнидадир! – дея энг яқин амирларига мурожаат этди Шоҳруҳ подшоҳ. – Биламанки, бу фикримга фақат Нуширвон Барлос қарши чиқадилар. Шундай бўлса-да, инсоф диёнатли бир мўмин-мукулмон сифатида сўнги бор сулҳ эшигини очайлик! Бу билан эрта кунда ичимиз фараҳлаяжак! Ўзимизни ўзгага ноҳақ жабр этган ҳис этмаяжакмиз! Ният хайр, оқибат хайрдир!

– Маъқул!

– Амри фармон султонимизнингдир!

– Сўнгра кўнгли ўзидан қолсин! – ҳукмдор фикрига қўшилди улуғ беклар.

– Унда амир Ҳасан Сўфи тархон ила Фармоншайхларни бу ишга масъул этсак. Бориб ул ношукур кимсалар ила иртиботга кечсунлар. Ундан сўринг ва сўйланг! Ул ўзи киму яна ким бўлгиси келмоқда? Ақли калталиқ қилиб

<sup>1</sup>Ахтачи – подшоҳ отларига қараб турувчи хизматкор.

денгизу дарё, кўлу уммоннинг остидан қудуқ қазимасин!  
Бизнинг ҳузуримиздагидан яхшироқ мавқени қайдан то-  
пар экан? Биз унинг гуноҳидан кечиб, мансабу мартаба-  
сида қолдирдик! Яна не истар экан?

Фармоншайх билан Ҳасан Сўфи тархон Саййидхожа қароргоҳи томон жўнашди.

Подшоҳ асабий ҳолда кетган элчилардан жавоб кутар-  
кан, Ғурдан чопар келиб, Мавдуд Гармсери чегарага ке-  
либ, салтанат кўй ва қасабаларига ҳужумлар уюштираёт-  
ганини айтди.

– Амирлар Оқбуқо ва Тоғай Мерганларни Гармсери балосини даъф этмоққа вакил қиламизким, бу тинчимас бузуқининг кулини кўкка совургайлар! – ўша заҳотиёқ қарор берди подшоҳ.

Тусга яқинлашмоқни мўлжаллаган олий ўрду Шиборту кўкаламзорига етиб борган эди.

Халил Султон беклари билан мулоқотга юборилган амир Мизроб ҳам лашкаргоҳга етиб келди.

Султон саропардаси томон ўқдек учиб келаётган бир тўп суворий барчанинг диққатини тортди. Қоровул ва ясовуллар Табас даруғаси амир Юсуфни таниб, йўлини тўсмадилар.

Ташқаридаги шовурни туйган Шоҳруҳмирзо саропардадан чиқди.

Мулозимлар қароргоҳ ўнгидаги саҳнга палосларини тўшаб, тахт ва курсиларни олиб чиқдилар.

Юкуниб тобуғ расмини бажо келтирган амир Юсуф Жалил гап-сўзсиз кўлидаги мактубни подшоҳга узатди. Мактубни амир Саййидхожанинг буюк қардошининг навқари Юсуфхожа амирзода Искандар Умаршайх мирзо ўғлига ёзган эди.

Шоҳруҳмирзо мактуб сўнгидаги бир неча қаторни уч мартаба қайта ўқиди.

“Менким, амир ал-муслимин Саййидхожа, вужудимда

сижоқ қоним оқар, юрагим тепар экан, Хуросон ўлкасини сиз олийзот амирзодамиз учун халос қилиб бергумдир!”

Мактубни қўйнига солган подшоҳ у ҳақда ҳеч кимга оғиз очмади. Мусофир учун сув ва шарбат келтиришни буюрди.

– Мактуб ҳақида кимсага оғиз очманг! Иккимизнинг орамизда қолсин, – деди подшоҳ амирга маъноли оҳангда. – Бузоқнинг югургани сомонхонагачадир. Бироқ булар сомонхонагача ҳам етиб бора олмасдилар.

Шу пайт Ҳасан Сўфи тархон ила амир Фармоншайх ҳам қуруқ қўл билан қайтиб келишди.

Бу гап рост бўлса, авлодларимиздан чиққан биринчи хоинликдир, фикр қилди Шохруҳмирзо. Унинг сотқинлиги олдида Саййидхожаники ҳолва бўлиб қолди-ку! Шамол бўлмаса, оғочнинг учи тебранмайди. Демак, уларнинг орасида бир гап-сўз бўлиб ўтганки, ёт сотқин ўз сотқинимизга мурожаат этмоқда. Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога! Ўғри ўртоқ, ғар ғалтак қилади дегани шу бўлса керак-да!

Лашкарга юришга ҳозирлик кўришни амр этган подшоҳ саропарда саҳнидаги кечаги ерида ўтирар, сафга тизилган суворий ва сипоҳийлар ҳаракатини кузатарди.

Эллик қадамлар нарида отдан тушиб ўзи томон келаётган навкарни таниди. У илгари ўз ёнида бўлган, Саййидхожа бош вазир этиб тайинлангач, сўраб олган Ёдгор юзбоши эди.

У кўзда ёш билан подшоҳ тахти поясига келиб, тиз чўкиб, палос ўпди.

– Сўйла, Ёдгор! Не ҳаводислар? Бирор муҳим гап билан келганга ўхшайсан? – эски навкарини хуш қаршилади ҳукмдор.

– Амир Саййидхожа ва гумашталари урушга астойдил ҳозирлик кўрмоқдалар, аълоҳазрат! Уларнинг инсофга

энишини кутиб, элчи-ю чопар юбориб, овора бўлманг! Ул сотқинларнинг нафас олмоғига ҳам имкон бермай, устларига от қўйсинлар! Зоти олийлари ила савашажак ҳоллари йўқ! Бир зарбада жондор оралаган сурувдек пароканда бўлиб кетадилар! Бошлари бирикиб, сизга қарши тура олмайдилар! – яғий тарафдаги вазиятни изоҳ этди юзбоши. – Қум йиғилиб тош бўлмас, бу қулсифат беклар ҳам йиғилишиб бош бўлолмас, ҳазрати олийлари!

Подшоҳ бош соллаганча собиқ навкарига тикилиб қолди. Амир ул-умаро ўлароқ аталган бу боши юмалоқ бути айрида шу бир юзбоши қадар фаҳму фаросат йўқ. Айб менда, ўйлади ўзича ҳамон қўшин ҳаракатини кузатар экан. Ниҳоят сиёсатдаги энг сўнг чора – савашга кирмоққа тўғри келар экан-да. Ундан не қадар қочмоққа уринмасин, бўлмади.

Саратон киришига тўрт кун қолган, кунлар исиши билан ёзги кийим-кечакка ўтган лашкар жуббаларини оту хачир, эшагу туяларга ортиб, Жом шаҳри томон одимларди. Бир ҳафта йўл юргач, жума куни шаҳарга кириб бордилар.

– Жума ибодатига қадар улуғ ислом шайхи Аҳмади Жом ҳазратларининг турбаларига етиб бориб, ибодатимизни қилайлик. Зиёрат шартларини бажо келтириб, валийлик қутбидаги ул раҳбарлик офтобининг муқаддас руҳидан мадад тилаб, бузругвор шайх авлодларига марҳаматлар кўрсатиб, муҳтожларга хайри садақалар улашайлик! Юртчилар эса Харжирд қишлоғига саропарда тиклашга киришсинлар!

Амир ва қўмондонлар йўлдошлигидаги подшоҳ зиёрат-гоҳ томон борарди. Ҳукмдорнинг жомега ташриф буюришини билган дарвешу қаландарлар маъноли бир айтувни такрорлардилар:

**Ё раб, хайри аломатдир,  
Сабр сўнги саломатдир.**

Қилсалар ҳам хиёнатлар,  
Минг таъна-ю маломатлар.  
Барҳам топар хилофатлар,  
Барқарордир диёнатлар.  
Ё раб, хайри аломатдир,  
Сабр сўнги саломатдир.  
Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!  
Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!  
Садақа радди бало!

– Қиблагоҳ ҳазратлар қаерда дарвешу қаландарларни кўрсалар тўхтар, айтувларини диққат ила тинглар, уларнинг ҳол-аҳволини сўраб, хайри садақа этардилар. Қани биз ҳам бироз уларни тинглайлик-чи, – деди подшоҳ ёнма-ён бораётган амир Нуширвон Барлосга.

– Султон Соҳибқирон ҳазратлари дарвешу қаландарларни тинглаб, ҳофизу санъаткорларни рағбатлантириб, ҳар неки кўмакни берардилар. Кўктошга кетини ишқаган амирзодамиз эса ҳофиз Шерозий, шоир Масти Қаландар ва уларнинг шеър уйтувларини эшитган Турон баҳодирнинг ўғли Эртўғрул Туронларни арк зиндонида ташлатибди. Гуноҳлари тепадагиларга ёқмайдиган айтув айтиб, куйлаганлари ва тинглаганлари эмиш, – жавоб қилди амир.

– Ҳукмдорнинг қилажак иши қолмаса, шу каби шоиру санъатчилар шуҳратини ҳазм қила олмай, улардан ўзига рақиб ясаб, танобини тортишдек паст иш билан шуғуллана бошлайди, – амирнинг гапидан ҳайрон бўлди ҳукмдор оти жilовини тортаркан.

Подшоҳни тўхтаб ўзларини тинглашини англаган қаландарлар гуруҳидан ёши улўғроғи бир неча қадам илгари чиқди.

Қўлини қовуштирганча таъзим қилиб, сидқидилдан юксак сасда айтув бошлади:

Хаёт – илоҳий неъмат,  
Сенга имкон фаслидир.  
Севги – садоқат нақши,  
Дўсти ёрон васлидир.

Феъли атворни кенг қил,  
Ноқис виждон суслидир.  
Марднинг моли майдонда,  
Бутун иймон саслидир.

Кин, кудурат – тубанлик,  
Шубҳа, гумон касридир.  
Гиёҳ эдик, тупроқмиз,  
Ҳар неки бор, яслидир.

Қаландар шеърини тугатиб, подшоҳга қаради. Шоҳ-  
руҳмирзо бошини ирғаб давом этмоқ ишорасини қилди.  
Қаландар яна айтувини бошлади:

Гўё шафқат этарлар,  
Оч-яланғоч, юпунсан.  
Гохда суяк отарлар,  
Пешин ўпиб юкунсанг.

Хўл-қуруқни ёқарлар,  
Сен бурқиган тутунсан.  
Пастлар пастдан боқарлар,  
Мудом юксак, устунсан.

Минг бир гўрга ғишт қала,  
Фойдаси йўқ, сўкинсанг.  
Тўймоқ – тоймоқдир азал,  
Ачинмаслар тўкилсанг.

Қуш уйқуси умрга,  
Арзимаски, ўкинсанг.  
Ҳаёт отлиғ ўчоқда,  
Бир кун ёнар ўтинсан.

Дарвешларга хайри садақа улашишни буюрган подшоҳ  
йўлида давом этди.

### ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ БОБ

*Инсонлар маҳв ўлдилар илм  
олмасдан. Илм олганлар маҳв  
ўлдилар амал қилмасдан. Амал  
қилганлар маҳв ўлдилар ихлос  
қилмасдан.*

#### Машойихлар ҳикмати

Жомнинг соя-салқин боғида бироз истироҳат этган подшоҳ кун оғиб салқин тушиши билан Харжирд томон юрди.

Таҳорату ибодатларни қилиб бўлиб, емакка ўтирмақчи бўлиб турганларида ясовул амирзода Умар мирзо Мироншоҳ ўғлининг навқари келганлигини билдирди.

– Мирзо Умар баҳодир подшоҳ ҳазратларига сидқидил хизмат эҳромини кийиб, интиқлик ила ҳузурларига ошиқмоқдалар. Бироқ от-улов ва сафар асбобларидаги эксикликлар ва ҳар турли заруриятлар туфайли хоқони саид зоти олийларининг қўлларини ўпиш саодатидан йироқда, ҳайронлик манзилида қолдим дея қайд этиб ёввош-ёввош йўл босмоқдалар, – дея амирзода Умарнинг ташриф хабарини етказди навқар.

– Амирзодамиз менга фарзанду биродардир. Неки моли мулкимиз бўлса, қиблагоҳлари ва ул авлодимиздан аямаймиз! Шу ондаёқ хос кийим-кечак, зотдор отлар, тож ва камарлар юборамиз. Сен навқарбек, тегишли от

улов, чодиру хайма, қурол-яроғларни олиб, ортга дўна билурсан! Амирзодамиз йўли кечадиган Сабзавор волийсига ҳам амр берамиз. Керакли барча ашёларни муҳайё этиб, эҳтиром шартларини бажо келтиради! – амр берди подшоҳ.

– Унга эътимод қўймоқ янглиш бўлур, онҳазрат! – деди амир Нуширвон Барлос навкар тислангач, подшоҳга шипшиб. – Отаси ила ўз қардошига хоинлик қилган кишидан не хайр беклаш мумкин? – ҳар галгидек гапнинг пўсткалласини айтди бек. – Уларнинг ҳеч бирини саройга яқинлаштириб бўлмайди!

– Қандай қилиб остонамизга бош уриб келган қардошимизнинг раъйини қайтарамиз? Тангри бизга берган мулки давлатни ўз авлодимиз ила бўлишмасак, ким-ла пойлашамиз? Бу мулклар биздан илгари ўтганларники бўлмагандек, бизники ҳам эмасдур. Уни қизғаниб қайга борар эдик, амаки? – мулоҳазакор оҳангда жавоб қилди Шохруҳмирзо.

– Унга истаганча яхшилик қилиб, совға-салом беришингиз мумкин, султоним. Бироқ ишониб, бирор-бир ҳудудни тақдим этиш ёки қўшин бериб бўлмайди деган фикрдаман. Уларнинг оталари аҳволи руҳиясида бўлган беқарорлик ўғилларида ҳам бор, дейдилар. Эрта кунда қаршимизда турган мана бу Саййидхожа каби бошимизга бало бўлмаса деган андишадаман. Саййидхожа бир бало бўлса, бу авлодимиз Сулаймоншоҳу Султон Ҳусайнга ўхшаб ўн бало бўлиши мумкин, – чекинмас эди амир.

– Ҳақсиз. Фикрингизни инобатга олмоқ мажбуриятиданман. Қани етиб келсин-чи. Эти-ю бутини кўрайлик. Шунга кўра қарор берармиз, – ўйланиб қолди подшоҳ. – Буларнинг барчаси шундай. Томирлари сувга етиши билан ўзларидан кетадилар ва бошларига етадилар. Кимсага ишониб бўлмай қолди. Савобнинг таги мудом тешик экан, – ўй босган эди подшоҳни. – Сабоҳ қуёш кўтарилиши билан

қўшинни кўриқдан ўтказамиз. Барча тумоноту қўшинот, юзлигу мингликларга хабар етсунким, тафтишу намойишга тахт турсинлар.

Сўнгра Шоҳруҳмирзо амир Саййидхожанинг Искандар мирзога мактуби ҳақида Нуширвон Барлосга гап очди.

– Сиз доимо ҳақни сўйлайсиз, амаки, – деди хафа ҳолда. – Ўз-ўзлик топишар, ётга бало ёпишар дегандек, на ўзингникиларга, на бегонага эътимод қилиб бўлмай қолди. Падари бузруквор ҳазратларининг гоҳида қаттиққўллик қилганларини энди англамоқдаман. Бу инсон аталмиш яратик на яхшилиқни билар, на ёмонликдан хулоса чиқарар экан.

– Ётдан бир ҳазар, ўздан минг ҳазар, султоним. Бегона, қиличингиз тиғидан ҳайиқибми, еб турган элмагидан айрилиб қолишидан чўчибми, йўлингизга юриб, айтганингизни қош қайирмай қилади. Ҳай-ҳай бу ўз бағрингиздан чиққан балолара! Ўлдирсангиз қардош қотилига айланасиз, чорасига боқмасангиз жойингизни соладилар. Ёв ёқадан олганда ит этақдан олибди дегандек, Султон Соҳибқирон қайтишларини баҳона қилиб, ўз жигаримиз бошкентни эгаллаб ўтиргандан сўнг ўзгалардан не қаромату шафоат кутиш мумкин? Замон шунақа, султоним. Кўру жоҳиллар, тўқу ғофиллар қиличу қалқондан бошқа нарсани тан олмайдилар. Шу туфайли ҳам таржиҳ этган воситалари ила улар билан гаплашмоқ керақдир, – ҳар доимгидек гаплари тош босарди амирнинг. – Ҳеч қачон қаршимиздаги Саййидхожа бошлиқ оломонга кунингиз қолмасин. Жаҳонда яккаю ягона одилу инсонпарвар султон бўлсангиз ҳам ҳокимият илгингиздан кетиши билан сизни эшак ўғрисига айлантириб, маймун каби ўйнатадилар. Куч-қудрат, қатъий тўраю тузуксиз бу қазмни йўлга солиб бўлмайди. Аҳмоқ аҳмоқлигидан мулки давлатталаб бўлиб чиқса, ўзини оқилу доно, куч соҳиби санаган тахтталаб кетига жир

битганлигидан ўйин кўрсатади. Булар бир бора сотқинлик кўчасига кирдиларми, тамом. Ўша хоинлигим учун барибир жазолайди дея яна сотади ва ҳеч қачон астойдил, сидқи садоқат ила сизга хизмат қилмайди.

– Тўғридир, муҳтарам амаки. Биздан бир қанча кўйлақни кўп йиртгансиз ва бу ҳудудларда биздан кўп яшагансиз. Ҳеч қачон ўлмас ва ўлмаяжак гап ва ишни сўзламаслигингизга яна бир бор имон келтирдим, – деди подшоҳ амакисининг елкасига кафтини кўйиб миннатдорчилигини изҳор этаркан. – Черигимизда Саййидхожанинг сўзга ет-кили навкарларидан ким бор?

– Азамат Боғор Қорёғди бор, онҳазрат. Не эди? Яна унинг олдига элчи юбормоқчимисиз? – таажжублангандек сўради бек.

– Келинг, яна бир бора киши жўнатайлик. Қиблагоҳ раҳматли ҳам гуноҳкорларни уч бора кечирардилар. Не талабу истаклари бўлса, сўнги бор сўйласин. Қабул этамиз. Ҳар қандай ёмон яраш энг яхши савашдан афзал дейдилар-ку. Бу омонат тирикчиликни, қарз каби берилмиш мулки давлат, кимлардан қолмаган мавқею мартабани қизғаниб не қилдик. Маълум бир муддат вақт ўтди. Балки фикрлари ўзгариб қолгандир. Яна ўжарлик қилиб, оёқ тирасалар, унда ўзларидан кўрсинлар. Оллоҳнинг амр этгани бўлажак.

– Зоти олийлари амрларига бўйсунамиз. Ишқилиб, бу тулкилар қўруқларини гувоҳликка тортмасалар бўлди эди, – хоқон қароридан норози эди амир.

Азамат Боғор Қорёғди ҳам исёнчи амирлар ҳузуридан икки кўли бўш, хўшшайиб қайтди.

Бу ҳолат подшоҳ ҳамиятига тегди. Денгиз каби тўлқинланиб турган лашкарга ёв устига ташланмоқ амри етиб борди.

Шитоб билан йўл танобини тортаётган қўшин саратон-

нинг қоқ ўртаси бўлишига қарамай Работи Сангбастга келиб тушди. Шу манзилда туриб, қарши тараф ҳаракатини кузатмоқ учун қоровул жўнатилди.

Салтанат байроғи Ёқутўланг манзилига етганда қоровуллар Саййидхожанинг қочиш тараддудига тушгани хабарини етказдилар.

– Қай томонга қочиши мумкин? – сўради подшоҳ ёнида турган Нуширвон Барлосдан.

– Қаршисида Калот қалъаси бор. Ҳойнаҳой, шу кўрғонга қочиб борса керак, – жавоб қилди амир.

– Демак, бу қалъани бизнинг масрафу маблағ билан ўзи учун истеҳкомга мўлжаллаб таъмирлаган экан-да, – ҳайрон эди ҳукмдор.

– Шундай бўлиб чиқади, султоним. Аёл киши қурилаётган иншоотга битта тош қўйса, бинони мен қурганман дер экан. Бу нарса хом сут эмган одам боласининг феъл-атворида бор одатдир, онҳазрат. Сал паст келиб, йўл қўйиб берсангиз, бу салтанатни ҳам мен оёққа турғазганман, дейдилар.

– Ўзни билмаганлардан ҳар неки қабоҳатни кутмоқ мумкин дир. Эгасига садоқат кўрсатмаган ит ўзганинг ови-га ҳам ярамайди. Бу кўппакмижозлардан кимсага хайр келмас.

– Унга пишанг бериб, қўйинини пуч ёнғоққа тўлдирган кишилар бир гуруҳ исфаҳонликлардир. Искандар мирзо билан киришган мулоқотига ҳам шулар орачилик қилган бўлсалар керак, аълоҳазрат. Бу фитнанинг бошида ўз-ўзимиздан чиққан сотқин турибди.

Подшоҳ ва бекнинг суҳбати тугамай қоровуллар Саййидхожа тўдасидан қочган бир гуруҳнинг подшоҳдан нажоту паноҳ тилаб келаётганини етказди.

– Булар ўша, зоти олийларига баҳс этганим исфаҳонликлар, – деди ўзлари томон келаётган эллик чоғли кишига қараб амир Барлос. – Жуда духтарағу пистарак

одамлар. Коса лаби каж келса, думларини буриб кетадилар. Ўзи қавми пирсиён шундай келади.

– Биз мусулмонларимиз орасида мазҳабу машраб, мансабу матлаб ажратмаслигимиз керақдир. Буларнинг биз томонга ўтмоқликлари хайр аломати бўлиб, хоинларга кичик бўлса-да бир зарбадир. Демак, ораларида иттифоқлик йўқ ва ҳадемай арслон қувган қулон тўдаси каби дуч келган томонга шаталоқ отиб қочадилар. Саратоннинг бу жон олгувчи жазирамасида бизни анча сарсон қиладиган кўринади бу нобакорлар.

Олий фармонга биноан кўшин Машҳади муқаддас томон йўлга чиқди.

Шаҳар саййидлари ва акобирлари темурий подшоҳни Али Ризо мақбараси ҳовлисида беклардилар.

Тавоф маросими ва иззат шартлари бажо келтирилгач, буюк саййидларга инъому икромлар кўрсатилди.

Машҳади муқаддас зиёратини тамомлаган ҳукмдор саропарда тикилган Родгон томон юрди.

Мамлакатнинг тўрт тарафидан олий арзга ҳаводису хабарлар келиб турар, бир мужда мамнун этса, бошқа бири ранжитарди.

Олий қароргоҳ бир ҳолдан безовта эди. Барчани бирдек эски ва янги рақибларнинг амир Саййидхожа тарафини тутишлари роҳатсиз этарди.

Ниҳоят, шундай нохуш хабарлардан бири етиб келди. Туршиз ҳукмдори Хожа Али Насруллоҳ Пажворуд қалъасини таъмирлаб, ўзига қароргоҳ этган ҳолда исёнчилар сардорига тарафдор эканлигини эълон этиб, қиличини қинидан чиқарган эди.

– Модомики, қилич қиндан чиқдимми, у сермалмай қолмас. Қурол ақл-идрок, тадбиру зако ила қўлланилмаса, ушлаганнинг бошига тушажак, – деди подшоҳ кичик доирада машварат ўтказар экан. – Али Насруллоҳ ишини

## Нурали ҚОБУЛ

---

бартараф этмоқни амир Мизроб жанобларига топширсак!  
Сотқин Саййидхожани эса амир Бўта таъқиб этажак!

– Амри фармон султонимизнингдир! – икки кўлини кўк-сига кўйиб таъзим этди бек.

Сел келмасидан бурун дамба солган Али Насруллоҳ ҳам ўз вақтида қочиш; беркиниш мусиқасини чалди. Мол-мулки амир Мизробнинг кўлига тушди. Олий фармонга биноан Али Насруллоҳнинг неки мулки бўлса, амир Мизробга суюрғол қилиб берилди.

Подшоҳ амри билан Саййидхожанинг изига тушган амир Бўта хос чопар орқали султонга мактуб йўллаб, сўнгги вазиятни аңлатди.

*“Қоровулу тилчиларимиз ҳар тарафни текшириб, тафтиш этиб, турумни ўргандилар. Амир Саййидхожа Калот қалъаси томон юраркан, кўкалдошингиз амир Алика бошлиқ бир гуруҳ бекларнинг Марв ва Сарахс лашкарини тўплаган ҳолда Ҳумоюн ўрду томон келаётганлигини туйиб кўрқуву саросимага тушган. Ўзича “вақтида қочиб қолиш – зафардир” деган нақлга амал қилиб, шундай қовургувчи жазирамада Мозандарон сари йўл олган. Ўзига иттифоқчилар ахтариб, бурунроқ амир Абдусамд Сайфиддин ва амир Шамсуддин Учқароларни Пирак подшоҳ олдига, Мозандаронга жўнатган. Улар Мозандаронни ўзларига марказий ўлка қилмоқ ниятидалар ва бу ҳудудлардаги бир неча гуруҳ ва жамоа бебошларнинг қутқусига учмоқда. Бу ажириқларни кўкламасдан бурун тоза ердан халос қилмоқ керак. Зотан, фойдали биткилар ўсолмаган майдонларда шул каби зарарли ўтлар ўсажак. Янги амрларингизни беклагаймиз”.*

– Амир Алика кўкалдош (Шоҳруҳмирзо билан бир кўкрақдан сут эмган) Сарахс ва Марв чериги билан етиб келишлари ҳамоно юришга кечамиз! Тавочилар лашкарларни тартибга солиб, улар арзи ҳолларини олий

арзга етказсинлар! Самалқон яйловига етишимиз билан элчилик қонун-қоидаларининг пирин Мингли Темур Найман мактубимизни олиб, Пир подшоҳ ҳузурига отлансин! – дея амри фармон берган Шоҳруҳмирзо саропарда бўйлаб юрганча муншийга матнни сўйлай бошлади:

*“Биродарим Пир подшоҳ! Сизга яратган эгамиздан эмуомонликтилаб, баъзи воқеотларни билдирмоқчиманки, бу нарсалар давлату мамлакатингиз, сулола-ю шахсиятингиз учун муҳимдир! Билганингиз киши Саййидхожани куллик мартабаси пастлигидан сарварлик ва амирлик осмони чўққисига етказган эрдик. Мулки давлат ишларида эркинлик бериб, ҳокимият бошқарувини ўзимизга ишонган каби инониб унга топширгандик. Салтанатни мустақил идора қилишнинг бузуқ ҳавоси ва савдоси унинг кўтарилган димоғини истило қилди. Кўзини ёғ босди. Қис-қа муддатда улус хазинаси ҳисобига зангинлашиб, ўзини тенгсиз кўра бошлади.*

*Мол топмоқни ақл топмоқ дея хаёл қилди. Охир-оқибатда ақли салимликдан узоқлашиб, унинг мулки давлат васвасаси дарди шу даражага етдики, дори-дармон қабул қилмоғу муолажа этмоқ мутлақо бефойда бўлиб қолди. Ўжарлик ва такаббурликнинг эътирозчилик моддалари унинг нобоп миждози билан қўшилиб, насиҳату маслаҳат, ваъда ва тавсияларнинг мувофиқ шарбатлари қор қилмай қўйди.*

*У шаҳару қишлоқларни талаб вайрон қилиш, фақирну фуқарога азоб бермоқ ишига қўл югуртирди. Унга қарши йўл олганимиздан хабар топгач, шамширимиз чақмоғини кўрмай туриб, шердан қочган тулкидек пусиб қочди.*

*Бизга маълум бўлдики, сотқин ва исёнчи зот эндиликда сизнинг ҳузурингизда эмиш. Сиздан умид шулким иттифоқчилигимиз гулшанини ихлос суви билан яшнатинг ва итоат ҳалқасидан бош тортиб, хизмату*

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

*муваффақият доирасидан ташқарига оёқ қўйган бу сотқину бузуқи тўдани мамлакатингиз сарҳадидан кечирманг!*

*Сиз, мухтарам Пир подшоҳ, биз каби бир дўсту хайрихоҳни хизматкоримиз бўлиб, болоқдан бошга чиққан бир нобакорга алишмагайсиз.*

*Яна шуни аниқ-тиниқ билишингизда фойда борким, аввало Оллоҳнинг инояти ва самовий кўмак туфайли биз дўстлар бошини силаб, кўмагу эътибор бериш куч-қудратию душманларни жазолай билмоқ қувватига соҳибмиз.*

*Оллоҳ барчамизни тўғри йўлга бошлагувчидир. Агар бу сўзимизу ундаги маъниларни ақл қулоғингиз ила эшитмасангиз, биз ила мувофақатчилик қилмаган тақдирингизда ўзингизга қандай хавф-хатар етишини теран нигоҳ ила мушоҳада этиб кўрмасангиз, рағбату хайрихоҳлигимиз бало тўфони билан алмашгайдир.*

*Яратганнинг иродаси тақозо қилган нарса шундай сиру синоатли бир тарзда амалга ошадики, тадбир қўли унинг этагига етолмай қолади ва зулм ўтказганлар қандай бурилиш билан орқага ўгирилишларини билиб оладилар.*

*Шу билан сўзимизни мухтасар этдик. Гап тамом. Вассалом”.*

*Пир подшоҳдан жавоб беклаган Шоҳруҳмирзо куннинг иссиқлиги боис лашкар ов қилиб, истироҳат этишини амр этди.*

*Амирзода Умарни ҳам Самалқон яйлоғида кутиб олмоқ мўлжалланган эди.*

*Шикор давом этаркан, элчи Умар баҳодирнинг олий қароргоҳга яқинлашгани хабарини етказди.*

*Амирзода Умар Шоҳруҳ подшоҳ қўлини ўпиб, кўмак истаб келган илк темурийзода эди.*

Шоҳруҳмирзо амир Нуширвон Барлос билан юксак тепалиқда ўрнатилган султоний чодирда черикни ов овлашини томоша қилиб ўтирарди.

– Дину диёнат, тариқату шариат қонун-қоидалари бобида барчамизга сабоқ бера билар даражадасиз, султоним. Айтинг-чи, бу қадар кўп ҳайвонни овлаб ўлдирмоқ гуноҳ эмасму? – сўради амир Барлос муздек қимиздан хўплар экан.

– Кўп ўринли савол бердингиз, амаки. Динимизда ов қилмоқ гуноҳ ҳам эмас, савоб ҳам эмас, маҳоб дейилади. Бироқ ҳайвонларни қийнаб, азоб бериб ўлдирмоқ гуноҳдир, – жавоб қилди подшоҳ.

– Англадим, султоним. Энди ижозатингиз ила остонангизга бош уриб келаётган амирзодамиз хусусида сўрсам. Бу ҳурматли ақрабомизни қай мақомда тутасиз ва унга бирор бир мамлакатни берасизми? – сўради амирзодаларнинг отини эшитса орқаси тутадиган амир Нуширвон Барлос.

– Зоти олийлари ернинг тагида илон қимирласа билгувчи салоҳияту қобилиятга эгадир. Айтинг-чи, у не мақсадда бизнинг ҳузуримизга келмоқда? – амирнинг саволига савол билан жавоб берди подшоҳ.

– Амирзодамизнинг қиблагоҳлари Мироншоҳ мирзо ҳазратлари ва улуғ қардоши Абу Бакр билан муносабати эндиликда мирзомиз тупроғини ялаб келган Султония зиндонидаги сичқону каламушларга ҳам маълумдир, давлатпаноҳ. Айна дамдаги мавқею эътиборлари шундай бўлса керакки, Форс ўлкасида турмоқликнинг иложи бўлмай қолган. Акс ҳолда зоти олийларига мурожаат этмаган бўлурдилар. Шу туфайли ҳам умид юзи, илинж кўзини султонлар паноҳининг даргоҳига ўгирган. Ака-ука Абу Бакр мирзо ва Умар орасидаги вазият шундай таранглашганки, бошларида оталари турганлигидан қатъи назар, ким кимни қўлга туширса, сўзсиз маҳв этади. Хотирингизда бўлса мактубида “Ҳазрат хоқони саиддан бўлак илтижо

қиладиган ва эътимод қўядиган кимсам йўқ” деган жумла-лар бор эди. Ишончим комилки, хоқоним, бул амирзода-миздан бизга ҳеч бир хайр келмагай. Мусофирлигу қон-қардошлик расм-русумини ўрнига келтириб қаршилайлигу жавобини берайлик, – фикрини очик айтди амир Нушир-вон Барлос. – Одам боласи экмагини топажак ерда яшай-ди. Бу ишдан шундай маъно чиқадики, ул амирзодамиз-нинг кун кечириви ҳам мушкуллашган.

– Акаси Абу Бакр мирзо буюк қардошимиз Мироншоҳ мирзонинг тахтларини қабул этмаганда қиблагоҳ Султон Соҳибқирон ҳазратлари бу тожу тахтни Умар мирзога берган эдилар. Бугун у шундай давлату салтанат, мулки мамлакатни хароб этиб, шоҳликдан ярим гадойликка ту-шиб ўтирибди. Бундай давлат закоси ва ахлоқи ила иш тутмаган ҳукмдор узоққа бора олмас, амаки. Давлатни обод, миллатни асос олмасанг, иқтидоринг илгариламай-ди. Билмадим, унга Мозандарон каби бир ўлкамизни бер-сакмикан ёки сўйлаганингиз каби ҳурматини жойига қўйиб йўлчи этсакмикан? Бошим қотиб қолди. Ким учундир тав-фиқ, ким учундир муттафиқ бу қондошларимиз.

– Мен фикримни сўйладим, султоним. Сўнг амри фар-монни бермоққа ҳар замон ҳақи олийингиз бордир. Қадди бошимиз тик, кўзу онгимиз очик эркан, шарафингиз ша-рафимиз, сўзингиз дастуримиздир. Хоҳишу иродангиз-га қарши турган хоину сотқинлар ким бўлмасин тангри-нинг иродаси билан жазосини бергаймиз! – садоқатини такрорлади амир. – Сиз ғоят ишонувчан, кўнгил одамисиз, аълоҳазрат. Одатда бирда буюк кишилар, бирда содда инсонлар ишонувчан бўладилар. Оллоҳ ҳар замон сизни бошимиздан эксик этмасун! Мудом, адолат, марҳамат ва виждоннинг саси бўлинг, султоним!

– Тавба! Ё Раббим! Астағфируллоҳ! – деди подшоҳ бу кутилмаган мулозаматдан ҳижолат чекиб.

Қоровуллар Умар мирзо етиб келганлиги хабарини ет-каздилар.

Қирчиллаган йигирма беш ёшдаги амирзода ҳорғин ва тушкун бир аҳволу қиёфатда эди.

Юкуниб келиб Шоҳруҳ подшоҳнинг кўлини ўпди. Хоқон уни бағрига босди. Амаки ва жиян бир муддат кучоқлашиб турдилар. Мирзо Умарнинг кўзи ғилқ ёшга тўлди. Ўнг кафтининг орти билан ёш ўрмалаган ёноқларини артди. Илгари ҳала-ҳулага дийдаси намланмас эди. Тожу тахт, улкан мамлакат илгидан кетгандан бери сал ҳаяжонланса, кўзи ёшовлайдиган бўлиб қолди.

Тахтга ўтирибдики, отаси билан акаси унга қарши. Бу пинҳона рақобат қачонгача давом этади, ёлғиз яратганга маълум. Султония зиндони воқеасидан кейин бу рақобат очиқ ғанимлигу душманликка айланди.

– Хуш келдингиз, сафо келдиниз! Ҳоли хотиримизни сўраб келганингиздан бошимиз кўкка етди. Йўлчилик қийин кечгандир? – кўнгил сўради Шоҳруҳмирзо жиянига ўнг томонидан жой кўрсатар экан.

– Зоти олийларининг оталарча меҳрибонликлари туфайли зотдор отларда йўл танобини тортдик. Шероздан чиқиб, Чаҳордеҳ ва Тун йўли орқали Сабзаворга келдик. У ерда бизга алоҳида эътибору хизматда бўлдилар. Сафар анжомларини олиб, қўлларини ўпишга шошилдик, – хуш ва шоҳона қаршиловдан хушнуд эди мирзо Умар.

– Бу мавзени Хожа Қанбар дейдилар. Самалқон яйловининг энг хушманзара ва баҳаво жойидир. Шоҳона чодирларимизда истироҳат этиб, чарчоқни ёзинг. Амирзода Умар баҳодир ўзининг подшоҳона шон-шавкатига муносиб совға-саломлар ила тақдирлансинлар! Мулозим ва хизматкорларига ҳам ҳашаматли либослару зотдор отлар тақдим этилсин! – амр этди подшоҳ.

Амаки жиян ҳукмдорлар бир неча кеча-кундуз тонготар суҳбатлар қуриб, отамлашдилар. Суҳбат давом этар экан, Пир подшоҳнинг ҳузурига кетган элчи Менгли Темур Найман унинг одами Хожа Маккий билан бирга қайтиб келди.

Узун бўйли асли маккалик бадавий Хожа Маккий Пир подшоҳнинг жавобини олий арзга етказди.

– Пир подшоҳ ҳазратлари ушбу сўзларини зоти олийларига етказмоқни таъкидладилар. Шоҳруҳ Султон ҳазрати олийлари вилоятни менга топшириб қўйган эканлар, бу юртга паноҳ тортиб келган жамоатни ҳам менга бағишласинлар ва доруссалтанат Ҳиротга қайтсинлар. Бу банда эса итоаткорликда бўлиб, сўраган кишиларини ўз фарзандим ила онҳазрат хизматларига юборурман.

Шоҳруҳмирзо элчи Хожа Маккийга тикилганча қараб қолди. Мен Ҳиротга Пир подшоҳнинг тавсияси ила қайтар эканманми? Ул биродаримиз бироз ҳаддидан ошганроқ кўринадилар, ўйлади ўзича ва элчиларга қараб сўз қотди:

– Демак, ўқ ёйдан чиққан кўринадир. Мусофиримизни муносиб қўноқ этинг ва бирга бўлингиз. Не хабар-ла келмасин, элчига завол йўқдир. Маккий жаноблари Астрободга биз ила баробар кетадилар, – деди Менгли Буғо Найманга қараб. – Куннинг иссиқлиги боис тонгги ва кечки салқинда юриб, кундузи дам олмоқ амрини еткуринг! Авлодимиз миrзо Умар баҳодир ўз чериги билан кўшиннинг жувонғоридан жой олиб, шаъни шавкатли теурийлар салтанатига хизмат этадилар. Амирзодамизнинг лашкарига қўшимча суворий ва сипоҳий берилиб, неки етишмаса таъмин этилсин!

Жаҳон мулкининг якка-ю ягона султони улуғ тангри нажотбахш соясини мезон буржига ташлаган. Мағрибнинг зари зебари ила жилоланган қуёш жой алмашиб, кеча ва кундуз тарозусининг икки палласи тенглашган, эпкинлар фарроши замин юзига заррин гиламу палос, шолчаю олачуқларини тўшаган қовургувчи сижоқликлар жаҳон айланаси чизиғига чекиниб, Мозандаронда кузнинг сарину мўътадил кунлари бошланган эди.

Саратон жазирамасида черигу ўғруқни қийнамаслик

учун аскарни ўз ҳолича юришига амр берган Шохрух подшоҳ салобат ила Мозандоран ўлкасига кириб, Шамо-сон қалъаси атрофига етиб келганди.

Султон энг яқин сирдоши ва маслаҳатчиси амир Нуширвон Барлос билан суҳбатлашиб борар, не қадар ҳаракат этмасин, юз беражак жангнинг оғир юки елкасидан босиб турарди.

Суҳбат асносида суворий ва сипоҳийнинг тез ва чаққон ҳаракат этишини кузатар, отини ниқтаганча бўлинмаларни айланиб, яроғ-аслаҳасини кўздан кечирарди.

– Амрингизга кўра шу бир неча кун ичида амирзодамиз ва атрофларидаги кишиларни бироз ўрганган бўлдим, онҳазрат, – деди Нуширвон Барлос оти жиловини сил-китганча подшоҳга яқинлашар экан.

– Не янги билгилар бор? – сўради подшоҳ ҳамон кў-шинни кузатмоқда давом этаркан.

– Амирзодамиз Султония қалъасида ўн кишини чо-пиб ташлаганларидан кейин барча, ёшу ақрабо ул ки-шимдан азроилдек қўрққандек чўчиб қолибди. Ҳар бир мулозимни ҳузурига юрагини ҳовучлаб кириб чиқади. Па-на-панада қандай қилиб бўлса-да, амирзода хизматидан қочиб, бирор-бир бош суқажак жой ахтаришаётганларини пайқадим, султоним. Амиру мулозимлари худди қилич тиғи устида юргандек ҳаракат этадилар.

– Бу кўп хатарли ва омонат тирикчиликдур. Рақибу ғани-мингизни қаттиқ, раҳмсизларча жазолай бошладингизми, бу биринчи галда ўз кишиларингизни чўчитиб, юрагини ёради. Аждаҳо оғзида маош олганлар, дейди бундайлар-ни. Мулозимларининг юриш-туришидан мен ҳам сездим, – амир фикрига қўшилди подшоҳ.

– Хунига зомин бўлган ўша ўн кишига амирзодани қатл этиш буюрилган. Улар бу амрни ҳукм берган қардошининг оғзидан чиқиши билан ижро этишлари мумкин эдилар. Бироқ бу, қардош қотиллигининг буюк жиноят эканлиги-

ни англаб етиб, фармонни бажаришга шошилмаганлар. Оқибатида тўғрилиқ ва самимий жазосиз қолмас деганларидек, маҳбус ўрнига ўз бошларини топширганлар. Яна бир нарса диққатимни тортдики, муҳтарам амирзодамизнинг аҳволи руҳияси, ақли хаёли паришонроқ кўринадир.

– Султония қалъасида бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисаларнинг туб моҳияти бизга юзда-юз маълум эмасдир. Бошқа бир амирзода бўлганда ҳам у қилган ишга қўл уриши мумкин эди. Амир Жаҳоншоҳ Жоку Барлос баҳонаси билан ҳам Умар мирзо атрофида ўн чоғли салтанатнинг номдор бекларининг боши қатлга етди. Амирзоларимиз бу қадар ёш эканлар, кишиларни жазолашга ошиқмасликлари керак деган ўйдаман. Бундай чораю тадбир билан иқтидорини мустаҳкамламоқчи бўлган ҳукмдорлар аслида билиб-билмай ҳокимият қалъасини ичдан забт этилишига йўл қўйиб берган бўладилар. Қазойи қадарни ёту яғий эмас, яқинлари қўлидан топади, – мулоҳазакор оҳангда сўзлаб борарди Шоҳруҳмирзо. – Ҳозирда энг муҳим вазифамиз бирлашган душманни бартарф этмоқдир. Саваш замонида амирзода черигининг қандай жанг қилишини ва ўзларини тутишларини кузатинг. Яғий қўшинимиз ёмғир томчилари каби кўп дея шовқин кўтариб, гап тарқатмоқдалар. Аслида ҳам шундай. Буни бизнинг лашкар билмаслиги, эшитса-да, ишонмаслиги керак. Амиру кўмондонларга сўзимни еткуринг! Душмандан бир, дўстдан минг ҳазар дегандек, амирзодамизни кузатмоқда давом этинг.

Кўшин оёғи остидан Пир подшоҳнинг илғор қисми кўмондони Боязид Чўпон чиқиб қолди. Беклар Боязиднинг қайсарлик билан ҳеч бир мақсадига эриша олмаслигини англадиб, ўзимизга эш қилинг, қош қайирса жазосини беринг, деган йўриқни олдилар.

Ҳар икки лашкарнинг қоровул қисмлари Харосхона мав-

зеида юзма-юз келдилар. Пир подшоҳ баҳодирларидан бир нечаси асир тушди ва ясоққа етказилди.

Турон ўрдусининг зафарпайкар байроғи Астробод даштида тулуъ қилар, кўз илғаяжак майдонни қоплаган қўшин еру кўкни ларзага солиб, Сиёхбулов мавзеси томон илгариларди.

– Бундай катта черик билан заиф яғийга қарши савашмоқ хайфдир, – деди подшоҳ ёнида бораётган бекларига.

– Тўғри сўзлайдурсиз, олампаноҳ. Шерлар шақол овлаган кун улар учун ору номус қиладиган, лочинлар чумчуқ пойлаган дам улар учун ҳам уятли кундир. Модомики, бун қаршимиздаги чумчуқмияю шақолфеъл Пирподшоҳ тушунмаса, айб бизда ва унинг черигида эмас, – одатдагидек гапнинг каштасини келтириб оларди амир Нуширвон Барлос.

– Бироқ душманингким хас, хас ҳам бўлса бас деганларидек, ҳеч бир рақибни кучсизу паст санаб ҳаракат этиб бўлмас, – суҳбатга қўшилди амир Саййид Али тархон. – Пирподшоҳнинг қўшини оз сонли эмас. Фақат ичида навқари (навқар деб ўша пайтида уруш олдидан хизматга чақириладиган, доимий машқ қилмаган аскар айтилган) кўпроқ бўлиши мумкин. Улар бу жангда ўзларини биздан да ҳақ санаб, ўлар-тириларига қарамай савашадилар. Шул туфайли фаромушхотирлигу бепарволикка йўл қўйиб бўлмайди.

– Ҳақсиз, амир жаноблари. Кочган ҳам, қувган ҳам худо дейди. Улар раҳматли қиблагоҳ замонларида неки ҳақ-ҳуқуққа соҳиб бўлган бўлсалар, айнан шу мавқе ва мақомда турибдилар. Ҳеч қандай ортиқча талабу шарт қўймадик. Ўз эрку ихтиёрига эга бир миллат ва давлат ўлароқ сиёсат юргизмоқдалар. Билмадим, яна не керак? Бу хатти-ҳаракатлар, ортиқча чирпинишу исёнкорликлар бирор нарсанинг етишмаслигидан эрмас, ошиқлигидан бўлса керак. Тўйган – тўлади. Тўлган – тошади. Тошган

эса тўкилади. Муҳтарам қулмижоз собиқ бош вазири-миз бир амирзода авлодимизга ваъда берганларидек, Пирподшоҳга ҳам бизнинг тожу тахтимизни ҳадя этмоқчи бўлгандирлар, – оти жilовини силкитганча оҳиста гапириб борарди подшоҳ.

– Хом сут эмган одам боласи шундайдир, давлатпаноҳ. Мош сиғмаган жойга ловияни итараман дейди-ю, абгор бўлади, – ҳангома берарди амир Нуширвон Барлос.

– Сиёҳбулов кенглигига жойлашган лашкар эҳтиёт шарт хандақ ва истехкомлар қазисин. Улар ўз ҳудудларидалар. Бу ернинг ҳар бир сойу дараси, ўру қири, кўча-ю сўқоғи аларга маълумдир. Шул боис орқа-олдиларига қарамай бизга ташлансалар керак. Бундай турумда истехкомлар қўл келади, – бекларига жанг таълимотини бера бошлади бош қўмондон. – Ҳужумга ўтсак-да, яғийни қарши олсак-да, лашкар тартиби шундай тузилади. Жувонғорни амирзода Умар, амир Юсуф Жалил ҳамда амир Жаҳонмулклар эгаллайдилар. Ғулни амир Саййид Али тархон қўмондонлигидаги шарафли тархон улусига топширажамиз. Амирзода Улуғбек ва амир Шоҳмалик ва амир Мусоколар буронғордан ҳужумга ўтадилар!

Бош қўмондоннинг тахмини тўғри чиқди. Лашкар хандақларни қазиб тугатмаган эди. Пир подшоҳнинг ферузаранг совут ва лаълранг чакмон кийган, бошларига наргиснуса зар қалпоқ қўндирган сон-саноксиз чериги бутазор ўрмондан чиқиб, Ҳирот қўшини устига ташланди.

Саваш пайтида минадиган Қорабулут жilовини маҳкам тутган Шоҳруҳмирзо амирлари йўлдошлигида жангнинг бориши кўриниб турадиган тепалик томон от қўйди.

Куни кеча ўзидан унвону мартаба, суюрғолу совурин, маошу улуфа олиб юрган амирлар қиличларини яланғочлаганча пушти паноҳимиз дея оёғу полосини ўпиб юрган кишига қарши саф тортиб келардилар.

– Шогирдингиздан кўз қулоқ бўлинг! Қизишиб жангнинг ўртасига кириб кетмасин! Ҳали ёш! – деди подшоҳ ўз чериги томон кетаётган амир Шоҳмаликка. – Пир подшоҳнинг ўзи ғулда шекилли?

– Шундай, султоним. У ғулни эгаллаб, астойдил байталини қамчиламоқда. Англаб етмайдики, не қадар қамчиласин, байтал бечора байталдир. Тулпорлик даъво қила олмас, – отини йўрттирганча подшо ортидан тепаликка етиб келди Нуширвон Барлос. – Шарафсиз сотқин Саййидхожа, Абдусамад билан Саййид Шамсуддин буронғорда экан. Шамсиддин Учқаро, Жаъфар Соҳиб ва Шер Алилар жувонғордан ҳужумга ўтишибди.

Лашкар денгизининг қиличли ва найзали тўлқини бири-бирига урилиб, самога оташ чақмоғини пуркар, ярадор отлар кишнаши ва одамларнинг дод-фарёди саҳрони тўлдирган эди.

Кун чошгоҳдан оғмай ҳар икки томоннинг суворий ва пиёдалари жанг майдонини тўлдирган ўлик ва ярадорлардан ҳаракат эта олмас ҳолга келган, Пир подшоҳ черигининг олд тарафида саросима бошланган орқасида эса чангалзорга қараб қочаётган отлиқлар кўзга ташланарди.

– Амир Али тархонга хабар етказинг! Мирзо Улуғбек ва амир Шоҳмалик ҳам лашкарини ғул томон бурсин! Пир подшоҳга зиён-заҳмат етказмай қочириш керак! Шунда жанг тугайди. Саййидхожани эса қўлга олсинлар! Ўлдирмасинлар! – Устма-уст амр берарди Шоҳруҳмирзо.

Ҳирот чериги яғийни кун ботишдаги ўрмон сари суриб борарди.

Талвасага тушган душман амиру кўмондонлари бор овозда бақриб-чақриб юзлик ва ўнликларни рақибга қарши от қўйишга ундарди. Суворию сипоҳийлар эса улар сўзини тингламас, бошларини қутқармоқ ташвишига тушгандилар.

– Пирподшоҳ ўрмонга кириб кетди! – деди тепаликка от кўйиб келган амир Али тархоннинг башарасига қон сачраган суворийси. – Мени амиримиз юбордилар! Ўзлари унинг изидан тушдилар.

– Жанг тугабди. Уни таъқиб этсинлар! Таслим бўлган черикларга омонлик берилсин! Яғийдан қолган ўлжа, мол-мулк ҳисоб-китоб қилиниб, лашкарга тақсимлансин! – сўнги амри янгради султоннинг. – Улус бизга қарши турмаганлиги ҳамда исёнчи ҳукмдорини қўллаб-қувватламагани учун моли омон ҳамда жарималардан озод этилсин! Яғийларимиздан кимки бош этиб ҳузуримизга келса, афв этилажак! Ҳатто Пирподшоҳнинг ўзи ҳам!

Амир Учқаро билан Саййидхожанинг жияни Саййид Ҳисом Шоҳруҳмирзо даргоҳига илтижо ила бош урдилар. Ҳукмдор улар гуноҳи устига афв чизиғини тортиб, июят этди.

– Бахшимиз ёзсун! Бугундан эътиборан Астрободнинг барча ноҳиялари, Журжон мамлакати, яъни тамоми Мозандарон ўлкаси давлатимиз ҳукми фармони ихтиёрига кирганлиги ҳақида фатҳномалар битиб, рубъи маскуннинг барча ўлкаларига етказсунлар!

Хумоюн фатҳ овозаси шамолдан-да учқур чопарлар во-ситасида Турон салтанати тасарруфидаги барча ўлкалару тўрт бир тарафга ёйилди.

Исёнчилар устидан қозонилган ғалаба Султон Соҳибқирон вориси Шоҳруҳ хоқонни тан олмоқда иккиланиб турган вилоят ва ўлкалар ҳукмдорларининг ҳам ҳушини бошига келтирди.

Ҳазора мамлакатининг (Ҳазоралар деб ўша пайтда ҳам, ҳозир ҳам форсийлашган мўғул минглари айтилади) давлатдори Саййид Изуиддин Ҳазора Жарибий биринчи бўлиб ўз қардошини юз нафар киши ила арзигулик пешкашлар билан мулозимлик учун юбориб, ҳазораларга

тегишли барча вилоятларда хутба ва пул зарби ҳумоюн лақаб ва номлар билан шарафланажagini билдирди. Зотан, бу улуғ саййидлар хонадони узоқ йиллардан бери вилоят раияти устидан ҳукумат юргизишу эгалик қилмоққа тайинланарди.

Сорий вилоят ҳокими муртазойи аъзам Разйуддин Саййид ҳузурига ташриф буюрган Шоҳруҳмирзо элчиси Жалолуддин Лутфуллоҳга умр бўйи фармон чизиғидан чиқмаслигини қайд этиб, аҳди паймонни янгилади. Султоннинг қиблагоҳлари каби ҳар ишнинг ўнда тўққизини машварту маслаҳат, сулҳу адолат воситаси ила битирмак йўлидаги саъйи ҳаракатларини қўллаб-қувватлаяжagini билдирди.

Салтанат элчиси Садруддин Иброҳим садр Ҳазора Жариб юртига, Саййид Изуиддин ҳузурига йўл олиб, ишни сулҳу адолат ила битириб қайтди.

Шоҳруҳмирзонинг Астробод даштига тикилган. кунгура-сида Турон байроғи ҳилпираб турган султоний саропардасида сўнги кенгаш кетарди.

– Тушган чексиз миқдордаги ўлжа ва ашёлар зоти олийлари амр этганлари каби сипоҳийу суворийга бўлиб берилди. Барча аскарларимиз бир жанг сабаби баҳонаси билан бой-бадавлат бўлдилар. Ғазаб оловини лутф суви билан ўчириб, асирларни афв этганлигиниз барчани бирдек шод этди! – дея ҳисобот берди амир Шоҳмалик. – Бош исёнчи Пирподшоҳ қочоқлик чолғусини чалиб, Идику Манғитдан нажот истаяроқ, Хоразм йўлини тутган, Саййидхожа ва Абдусамадлар Шероз томон қочганлар. Худо бераман деса қирқ тошнинг орасида ҳам бераверади, онҳазрат!

– Демак, ўтники ўтга, сувники сувга, қолди қатикнинг пули деганларидек, ҳар ким толеи қисматиға муносиб равишда тақдиру жазосини олмиш. Эндиги ишимиз исёнчи-

лардан холос бўлган Мозандарон мамлакатларига подшоҳ тайинламоқдир. Бу юртда ҳукм юргизиб, идора этмоқ ишини асл авлодимиз мирзо Умар Баҳодир Мироншоҳ мирзо ўғлининг юксак ҳамиятига топширишга қарор қилдик. Гургон, Деҳистон, Астробод ва Домғон вилоятлари ва теграсининг барча ҳал қилиш, ман этиш, йиғиб олиш ва тарқатиш изни ноибимиз ўлароқ амирзодамизга топширилажақдир! Авлодимизнинг султонлик асбоблари бекаму кўст муҳайё этилсун ва оқилу шижоатли беклар хизмату мулозиматида ҳозир бўлсинлар!

Хоқон сўзини муҳтасар этиб "не дейсиз" дегандек амир Шоҳмаликка қаради.

Бу қарорга хайрихоҳ бўлмаган амир Нуширвон Барлос терлаганча бошини қўйи эгиб, чуқур-чуқур нафас оларди.

– Амирзодамиз зиммаларига улкан ва шарафли масъулият юкланди. Ул кишим бу бобомерос мамлакат райятининг кўнглига қараб, ободу фаровонлиги йўлида заҳмат чекмоқлари лозим бўлади. Сизнинг подшоҳона насиҳатларингиз ва хусравона назокат ила хуш қулоғига дўстона инжулар илганлигингизни буюк неъмат билиб, ҳаракат этмоқлари жоиздир, – ўз фикрини билдирди амир Шоҳмалик.

Мирзо Умар амакиси кўлини ўпиб, юкунганча билдирилган юксак ишончу эътиборни оқламоққа сўз берди.

Мозандарон муаммосидан хотири фароғат топган Шоҳруҳмирзо кўшин жilовини Хуросон мулки томон ўнглади.

Мозандароннинг тандирдан янги узилган подшоҳи нажоткорини икки фарсах масофагача кузатиб келди.

Музаффар Турон байроғини ҳилпиратган ўрду Абивард шаҳрига етиб келган эди. Султон Хуросон мамлакатини фарзанди аржуманди мирзо Улуғбекка топширмақчи эди.

Йўл-йўлакай бу хусусда амирлар Нуширвон Барлос ва Шоҳмалик билан маслаҳатлашди. Улар ота фикрини маъқул топдилар.

– Амирзодамизни ҳали ёш дея фикр этсаларингиз бу масъулиятли вазифани иккингиздан бирингиз зиммангизга олишингизга тўғри келади, – деди хоқон Абивард саройи нақшларини кузатар экан.

– Мен отабеги ўлароқ ҳар замон амирзодамизнинг ёнларида бўлурмен. Бироқ ҳукмдорлик ва давлатдорлик санъатини ўрганмоқлари, тажриба орттиришлари учун бу масъулиятни елкаларига олмоқлари жоиздур, – фикрини баён этди амир Шоҳмалик.

– Унда фармони олийни ёздириб, ўзингиз ўқинг, – деди Шоҳруҳмирзо.

Амиру хос мулозимлар саройга тўпландилар. Муншийнинг қўлидан фармонни олган амир Шоҳмалик қироат билан уни ўқимоққа киришди.

– Болаларингни ҳурматланглар ва яхши тарбияланглар деган ҳадиси шарифга амал қилиб, Тус, Хабушон, Калот, Абивард, Нисо, Ёзир, Сабзавор ва Нишопур мамлакатининг подшоҳлиги темурийлар сулоласи ва салтанати осмонининг юлдузи, Оллоҳ лутфининг сояси, давлат ва дини ислом кўмакчиси мирзо Улуғбек Кўрагонга топширилади! – олий ҳукмдорнинг фармонини ўқиди амир Шоҳмалик.

Мирзо Улуғбек ва амир Шоҳмаликни Хуросонда қолдирган султон Шоҳруҳ бошкент Ҳиротга етиб келганида қиш бошланган, ёзги қурғоқчилик оқибатида шаҳарда қаҳатчилик ҳукм сурарди.

Подшоҳ эртаю кеч шу муаммо билан машғул бўлди.

– Шаҳар тарихида бундай қаҳатчилик бўлганлигини ҳеч ким эслаёлмаётир, – деди шаҳар бозорларини кезиб келган амир Нуширвон Барлос подшоҳ қаршисига оғир чўкаркан. – Бирор чора-тадбир кўрилмаса халқ қирилиб кетади.

– Экин-тикин кўнгилдагидек бўлган эди, чамамда. Султонлик омборларига ҳам қирқ минг харвор ғалла тўпланди дея ҳисобот берганиди вазиримиз? – ҳайрон бўлиб бека боқди подшоҳ.

– Яғийларимизга яқин катта ғалла тужжорлари жуда кўп миқдордаги донни арзон пайтида олиб, ғалла яхши бўлмаган кўшни ўлкаларга сотганлар. Бир қисмини қишда пулламоқ учун ғамлаганлар. Оқибат натижада қиш бўйи шаҳарни дон-дун билан таъминловчи ўрта ҳол деҳқон синган. Қўлида уруғлик ғалласи ҳам қолмаганга ўхшайди, – вазиятни англатарди амир.

– Айни кундаги нарх-наво қандай экан?

– Шаръий ўлчовимизда икки юз эллик мисқол (бир мисқол 4,25 гр) бўлган бир ман (250 мисқол) буғдойнинг баҳоси икки мисқол зарб қилинган аъло сифат кумушга тўғри келадиган уч кабакий динорга етган, онҳазрат.

– Мендаги билгиларга кўра салтанатимиз омборларида қирқ минг харвор ғалла бордир. Бунинг ўн минг харворини уруғлик учун олиб қўйсинлар. Ўттиз минг харвордан ҳар бир ман буғдойни бир кабакий динордан сотсинлар. Шу тадбир-ла шаҳримиз халқини қишдан талофатсиз олиб чиқа биламизми?

– Иншооллоҳ, султоним! Улус учун қайғуриб унга хайр тилаб, яхшилик қилмоқ, сўзсиз, буни қилган кишининг ўзига қайтгусидир. Халқ бу саховатни унутмагай ва оёғи қолиб оғзи билан юрганларнинг ҳам уни ўчажақдир, – бу хайри саховатни ўзи қилгандек хурсанд эди амир Нуширвон Барлос.

Ҳерируд қояларини қоплаган қалин қор қиш ҳали-бери баҳорга таслим бўлмаёяганини иддао этгандай кўкламнинг қирмизи қуёшида оловранг товланар, ҳар куни ёғаётган кавуш ботар қор эриб, йўл бўйидаги ариқларни тўлдириб оқарди.

Султонлик омборлари эшиги очилиб, шаҳарликларга арзон ғалла сотилаётганидан енгил нафас олган халқ подшоҳни дуо қилганча хачиру эшак, оту араваларда, фақир фуқаро елкасида арпа ва буғдой таширди.

Очу тўқдир, бору йўқдир, тонг отар, кун ботар умр сур-  
дек оқар эди...

## **ЙИГИРМА ЕТТИНЧИ БОБ**

*Худо – олий ҳақиқатдир.*

**Ибн СИНО**

Подшоҳ Халил Султон одатдагидек тушдан сўнг Кўк-саройга етиб келди. Уни сарой ҳовлисида Бобо Тармиш бошлиқ амирлар кўл қовуштирганча беклашарди.

Ҳукмдор бош ирғаб қаршиловчилар билан саломлаш-ди-да, амир ул-умарога ўнг кўлининг кўрсаткич бармоғини кўтарди. Бу салом учун бир ўзинг кир дегани эди.

Бобо Тармиш елкасини қисиб, гавдасига номутаносиб катта бошини эганча бўйнини ичига тортиб, султоннинг ортидан эргашди.

– Бобом ҳазратларининг ўзлари сўроқ қилган Модар-зот деган махфия ҳалиям зиндондами? – сўради Халил Султон Кўктош устидаги юмшоқ кўрпачага чордона қуриб ўтираркан.

– Шундай, султоним. Ҳамон зиндондадир, – жавоб қилди Бобо Тармиш.

– Султон Аҳмад Жалойирнинг ўғли Алоўддавла Жа-лойир-чи?

– У ҳам Кўксарой ертўласида. Зиндонда эмас, под-шоҳим.

– Унга емак-ичмақдан тузук қарашмоқдами?

– Яхши боқмоқдалар, султоним.

– Бироз вазиятни ўрганайлик-да, сўнгра уни ҳам озод этармиз балки. Амири харос Бешкал Манғитга айтинг, унинг аҳволидан хабар олиб турсин. Келажакда у Ироқи ажамда бизнинг иттифоқчимизга айланиши мумкин. Ота-си Султон Аҳмад Жалойирнинг ҳузуридан ўғлини сўраб

келган элчиларни ҳам муносиб меҳмон этиб, ҳар куни зиё-фат тартиб этинг! Не замон кетажакларини ўзим айтаман! – қовоғини уйганча амр берарди Халил Султон. – Модарзотга бирор- бир жазо тайинланганми?

– Йўқ, султоним. Амири хароснинг айтишича, улуғ хоқон ҳазратлари уни Чин савашига олиб кетмоқни мўлжаллаган эмишлар. Ундан фойдаланиш керак. Бундайлар яхши қўмондонлик қиладилар ва савашадилар деган эканлар.

– Уни зиндондан чиқариб бирор рутба бериб, жанга солсак, қочиб-нетиб кетмасмикан?

– Кетмаса керак, султоним. У бир сўзли, айтганини қиладиган, қатъиятли киши. Қўлидан ҳар иш келади. Ундан фойдаланмоқ мақсадга мувофиқдир, – ҳамон ҳукмдорни қувватларди садри аъзам.

– Уни ҳузуримга чорланг. Ана у қаландар шоир билан мингбоши ҳам ўша ердами?

– Шундай, султоним. Масти Қаландар билан мингбоши Эртўғрул Турон ҳам ҳибсда.

– Ҳар иккисига яхшилаб дашном бериб, тавбасига таянтириб, чиқариб юборишсин! Дуч келган жойда, оғзига келган битигу айтувни айтавермасин! Тилини суғуриб оламан! Мингбоши истаса қўшинда хизмат қилсин! У буюк бобом ҳазратларининг дўсти Турон баҳодирнинг ўғли экан. Билмабмиз. Сен ҳам менга дуч келган одамни ёмонлаб келаверма. Акс ҳолда эрта кунда улар ўрнига ўзинг зиндонда чирийсан!

– Англадим, султоним! Бир қошиқ қонимдан кечинг! Модарзотни ҳузурингга занжирбанд ҳолда келтирайликми ёки?..

– Занжирга лузум йўқ! Сўйланг, ҳамон келтиришсин! Бобо Тармиш икки букилганча тисланиб, саломликни тарк этди.

Қардоши Пирмуҳаммад мирзо билан тўқнашиб қон тў-

килганидан сўнг беихтиёр тез-тез асабийлашадиган бўлиб қолган Халил Султон қўлини орқага қилганча саломхонанинг у бошидан бу бошига бориб келарди.

Амир ул-умаронинг Модарзодни занжирбанд ҳолда келтирайликми деган саволи отабеги амир Худойдод Хусайний айтиб берган бир воқеани эсига солди:

“Биз ҳинду Қандаҳор орасидаги кичик бир бекликни фатҳ этгандик, – дея ҳикоя қилганди оталиғи. – Ассосиз қаршилик кўрсатиб, ҳар икки тарафдан ўнлаб одамнинг хунига зомин бўлган олти киши олий қозининг ҳукми билан осишга ҳукм этилди.

Уларга сўнгги ибодат оила-аъзолари билан кўришиб видолашмоқ учун фурсат ва имкон берилди.

Бола-чақаси томон кетаркан, улардан бири: дорга осмоқ учун арқонни жаллодлар беришадими ёки ўзимиз олиб келайликми, дея сўраган экан...”

Икки коса қимиз ичгулик муддат ўтди. Арк зиндонидан Аббос Хўжа Модарзотни тўрт сипоҳий қуршовида олиб чиқдилар.

– Яккама-якка гаплашамиз! – деди подшоҳ оғзига қараб турган амир ул-умарога.

– Сизни озод этмоқликка қарор қилдик, ҳурматли маҳбус! – деди Халил Султон эшиқдан кирган жойида тиз чўкиб палос ўпган Модарзотнинг қаршисига келиб. – Эркинликка чиққач, не юмуш ила машғул бўлмоқчисиз?

– Аввало Оллоҳ сиздан рози бўлсин, давлатпаноҳим! Қалбу иймонингизга яратган эгам солган бу раҳми-шафқат, муруввату марҳамат мисли ила ўзингизга қайтсин! Зоти олийлари неки амри фармон берсалар чин кўнгилдан бажармоқ масъулиятини зиммамга олажагимни таъкидлаган ҳолда хизматларига ҳозирмен. Султонимизнинг раъйи рағбатлари олдида бўйним қилдан инжадир, – бе-корга подшоҳ ҳузурига чорламаганини англаган эди кўпни кўрган Аббос Хўжа.

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Сизни ҳар қандай ишни эплай олади деган гапни туйганман. Шу тўғрими? – суҳбатдошига бошдан оёқ тикилди подшоҳ.

– Тангрининг хоҳиш иродасидан ўзгаси бўлмагай, султоним. Ҳар қандай амрларини ерига келтирмоққа ҳозирмен! – Икки қўлини кўксига қўйганча кўзи ёшовлаб жавоб қилди маҳбус.

– Ҳар қандайми?

– Ўз хешу ақраболарингизни маҳв этмоқдан бошқа ҳар неки иш буюринг! Бажараман!

– Салтанат душмани бўлган ақраболаримиз чиқиб қолса-чи? Амакимиз Шоҳруҳмирзо ўлимга ҳукм этган Султон Ҳусайн каби?

– Бир қошиқ қонимдан кечинг, султоним! Амирзода Султон Ҳусайн ўз ажали билан ўлмайдиганлар хилидан эди. У амакингиз бўлмаса, бошқа бир темурийзода ёки бегона қўлидан завол топар эди. Султон Соҳибқирон ҳазратлари мени Чечактуда ўлимга ҳукм эта билурдилар. Бироқ шафқат қилдилар. Ул улуғ зот тиклаган шафқат оғочининг сояси асл авлодлари саналмиш, сиз улуғ хоқоним тимсолида бошимга тушиб турган экан, каллам кетса-да, бирорта темурийзодага қилич кўтара олмайман. Бузғунчи ва исёнчиларни жазолашни буюринг. Амри фармонлари бошиму кўзим устига. Мен ишни бошқаларга ўхшаб қон тўкиб, бир юртдан иккинчи юртга қўшин тортиб ҳал этмайман. Сизнинг содиқ бир қулингиз ўлароқ, ёнингизда туриб бажараман.

– Қандай қилиб? – сўради подшоҳ суҳбатдошига жиддий тикилиб.

– Одамларимни юбораман. Улар бориб ўша, исёну ғалаён бошида турган бир-икки кишининг жойини соладилар. Лашкару улусга ҳам аслида шу керак. Ҳеч ким қон кечиб, жон олиб жон бермоқни истамайди. Биз керакли

қалъаларни кимса билмас ҳолда ичдан забт этамиз. Бизнинг ишда усулу услуб шундай. Фақат бу ишни бажарган кишиларнинг қорнини тўйдириб, рози қилмоқ керак бўлади, султоним.

– Тушунмадим. Қандай қилиб? – маҳбусга ўнг қўли ила ўрнидан турмоқ ишоратини қилди подшоҳ.

– Бу ишни амалга оширганлар оғзига сиққанларини оладилар, султоним. Юмушнинг таомили шундай.

– Нарх-навони ким белгилайди? Сизми, уларми?

– Ўзаро англашароқ ҳал этамиз.

– Мисол айта билурмисиз?

– Мисол айтсам... Сизнинг раъйингизни қайтариб, ўзича Фарғона ҳокимлигини даъво қилаётган амир Худойдоднинг боши учун беш юз отнинг нархини сўрашлари мумкин.

– Амир Сайфиддинники учун қанча?

– Минг от нархи, султоним.

– Нега буники икки баробар?

– Собиқ амир ул-умаронинг орқасида кичик қардоши амир Бердибек ҳам бор. У бу ишни қилганларнинг изига тушади. Вазиятга қараб туриб уни ҳам тинчитишга тўғри келиши мумкин, султоним. Шу туфайли нархи баландроқ. Акабек Қирқўғиз ёки Туркман Қипчоқ каби бекларни бедаво, ҳеч бир тўловсиз йўлдан олиб ташлаш мумкин.

– Нега? Қандай қилиб?

– Улар қўримасининг тайини йўқ. Атрофидагиларининг барчаси хоин ва каззоб. Арзимаган ақчага ўз беклари бошини келтириб беради.

– Тавба! Ишларинг ғалати-ку? – деди ҳукмдор беихтиёр хона бўйлаб юраркан. – Бебош исёнчиларни жазолашнинг энг яхши йўли бўлиб, ҳеч бир жангу жадалга лузум қолмас экан-ку.

– Фақат бу ишларни имкон қадар оз киши билмоғи керак, султоним. Зоти олийларига маълум. Икки киши билган

гапдан албатта учинчи киши хабар топади. Бундай амрларни билхосса ўзимга айтсангиз. Орамизга одам тушса гап-сўз қочади. Ҳатто амир ул-умаронгиз ҳам билмаслиги керак.

– Бир-биримиздан узоқда бўлсак-чи?

– Унда маъно англагувчи сирли бир ишорат билан мактуб-ла чопар йўллайсиз, султоним. Ёки хабар йўлласангиз одамларим яшин тезлигида ёнингизга етиб борадилар.

– Англашилди, – деди подшоҳ яна хона бўйлаб оҳиста юраркан. – Унда муҳим амрларга ҳозир бўлинг. Бу каби вазифаларни яқин кунларда бажаришга тўғри келиши мумкин.

– Амри фармон шаъни-шавкатли хоқонимизнингдир!  
– жавоб қилди маҳбус ўнг қўлини гурсиллатиб кўкрагига ураркан.

Маҳбуснинг гапидан ўйга толган Халил Султон қўлини орқасига қилганча Кўктош турган тўрга бориб қайтди.

– Бугундан эътиборан сизни амири харос ёрдамчиси этиб тайинлаймиз ва зиндонда ётган, савашга яроқли кишиларни тўплаб, машқ қилдилинг. Бирга сафарга чиқишимиз ҳам мумкин. Ҳозироқ фармонни қўлга олурсиз.

– Фармон олийнажот султонимизнингдир! – яна палос ўпди Аббос Хўжа.

Йиғламаса-да, кўзидан оқаётган ёш ёқасини ҳўл қилган маҳбус подшоҳ ҳузуридан зиндон амири ўлароқ чиқаётган эди.

– Чекина билурсиз! Ҳузуримга амир ул-умаро кирсин! – буюрди подшоҳ ҳамон собиқ маҳбусни диққат ва қизиқиш билан кузатар экан. – Менга сўйлаяжак сўзингиз борми?

– Бир рижойим бор, зоти олийлари? – ҳамон тиз чўкиб турарди Аббос Хўжа.

– Сўйланг!

– Ишимиз тақозосига кўра мен ўғрию ғар, ўтарчию қароқчи, шоҳу гадой, девонаю дарвешлар ила гаплашиб, мулоқотга киришиб кетавераман. Булар орасида сизнинг

душману нохайрихоҳларингиз, сиз хуш кўрмаган, кўнглингизга маъқул келмаган кимсалар бўлиши мумкин. Бундай мулоқотлар шавкатли қулоқларига етганда ўзгача фикру хулосага бормасинлар. Биз ўз ишимизни ҳамирдан қил суғургандек сас-садосиз бажаришимиз учун душманнинг сиртида эмас, ичида бўлишимиз керак. Ишимизнинг хусусияти шуни тақозо этади, султоним!

Подшоҳ суҳбатдошининг сўзини маъқуллагандек маъноли бош ирғади.

Бобо Тармишга ичкарига кирмоқни ишорат этганча даҳлизга чиққан Аббос Хўжа маржон-маржон терини артиб, туш каби содир бўлаётган қисмат ўйинидан ҳайратда эди. Хона бурчагидаги курсига оғир чўкиб, чуқур сўлиш олди.

Ўй-хаёли тўзғиган, қисмати қадар унга яна ғарибона жилва қилиб турар, боши ёнга қолган эди. Бироқ не баюю қазоларни кўрган тошдан-да қаттиқ бу бош энди очиғу пинҳона қонли савашга кириш олдида эди.

Илгари, кечмиш замонда кимни жазолаб, кимни йўлдан олиб ташламоққа ўзи қарор берган, адолат ипининг учи ўз элида турган бўлса, энди унинг омон қолган бошига боғланган чилвир йигирма икки ёшли, нонни нанна деб юрган бир шаҳзоданинг кўлида.

Бироқ гап йўқ. Шаҳзода мард экан. Ҳеч бир талабу шарт қўймасдан очиқ савдога ўтди. Демак, махфияларнинг ишидан хабари бор. Маликаниям ажалнинг ўқи дейдилар. Эрини ўнг кўлида ўйнатиб, сўл кўлида сайратади.

Маликалар сўзи кечарли бўлган салтанатларда кўш-ҳокимиятчилик ҳукм суриб, парокандалик бошланади. Ҳукмдор одатда буни кеч, боши тошга бориб текканда англайди. Аммо унга қадар ҳеч ким юрак ютиб, журъат этиб, унга буни айта олмайди. Ҳайит ўтгандан сўнг эса хинони кўярга жой ҳам қолмайди, ўзича фикр қиларди собиқ маҳбус.

Боши айланиб ўйга толганча курсига михлангандек ўти-  
раверди. .

Бобо Тармиш ҳовлиқиб, қора терга тушганча султон хо-  
насидан чиққанда ўзига келди. Эшик оғаси подшоҳ қопуси  
ёнида қоққан қозикдек қаққайиб турар, ҳамма дорга оси-  
лишини кутаётган, бирок амири харос ноиби этиб тайин-  
ланган довруқли кишига кўзи йиртилгудек бўлиб боқарди.

Салласи қийшайиб яктаги ҳалвираганча саломхонадан  
чиққан Бобо Тармиш Аббос Хўжага орқамдан юр деган  
ишорани қилганча пилдираб даҳлиздан чиқиб, мулозим  
эшигини очиб турган хонасига кирди.

– Сени амири харос ноиби этиб тайинламоқни Зубай-  
даи соний маликайи олияларимиз айтдилар. Акс ҳолда,  
кетардинг савашнинг қоқ ўртасига, – деди гўё барча са-  
ховатни ўзи қилгандек ўсиқ, бароқ қошларини уйиб Бобо  
Тармиш. – Онангдан кўйлак билан туғилган экансан, Аб-  
бос Хўжа! Шоҳимизу маликамизни дуо эт!

– Дуо этаман, амир ул-умаро жаноблари! Кўзим тирик  
экан, бул малигимизу маликамиз ҳамда сизнинг мар-  
ҳаматларингизни унутмай, ит каби садоқат-ла хизмат  
қиламан! – ҳамон ўзига келмаган эди Модарзот.

– Маликайи олиямизнинг кўнгилларини олишимиз ке-  
рак. Ул муҳтарама зот бошимизда соғу саломат, мулки  
давлатлари боқий турар эканлар, сўзимиз сўз, биримиз  
мингдир, оғайни! – нурсизу маъносиз илонкўзини амир  
ноибга қадади соҳиб ихтиёр.

– Бир оғиз сўзлари, бош вазир жаноблари. Сарикуйғурга  
айтаман. Элимизда неки бор энг ноёб ва қимматли ашёлар-  
ни келтиради. Ўзларини ҳам қуруқ қўймаймиз. Кўнгиллари  
тўқ бўлсин, – суҳбатдошининг ниятини фаҳмлаганди Аб-  
бос Хўжа Модарзот.

– Улуғ подшоҳимизга сен каби азми қарорли, сўзида ту-  
радигану ҳар қандай ишни битирадиган бир одам керак

эди, Модарзот. Кўп яхши иш бўлди-да, – юзи ёришиб, тили сайрай бошлаганди Бобо Тармишнинг. – Сен ҳар қандай мансабу лавозимга муносиб кишисан. Мендан неки кўмак лозим бўлса тортинмай айтавер. Кўксаройданми, Бўстонсаройданми, истаган жойингдан хос хона ажраттириб бераман. Аслида ишдан ҳайдаганимиз Муҳаммад Қушчининг ўрнига иш бошқарувчи ўлароқ сени қўйсак ҳам бўларкан.

– Менга Кўксаройнинг ертўласидан бир иш хонаси ҳозирлаб берсангиз етади. Саройларда яшамоққа лужум йўқдир. Биз ишимизни кимсага шоён этмай, исини чиқармай бажарамиз.

– Биладан. Биладан. Ишингга пухтасан. Менга ҳам сендек ҳар нарсага ақли етадиган, ўзидан кетиб, султонимизга яқинлашмоқ учун от қўядиганларнинг танобини тортиб турадиган бир киши керак эди. Кўп яхши бўлди, – мамнун эди Бобо Тармиш. – Юр, кетдик. Мен бориб фармони олийни ўқиб, сени жамоага танитмоғим керак! – дея ўрнидан турди амир ул-умаро.

– Мен султонлардан узоқроқ юрар эдим, соҳиб ихтиёр жаноблари. Қисмат экан, дастлаб раҳматли улуғ ҳокон ҳазратларига ва менга ҳаёт бахшида этган олийнажот султонимизга юзма-юз келмоқни Оллоҳ насиб этди. Қисматдан қочиб қутулиб бўлмас экан. Биласиз, султонлар узоқдан меҳри билан илитади, яқин турсангиз тафти сижоғидан ёниб кетасиз. Ҳар ким ҳам подшоҳлар назарига тушавермайди. Сен билан мени знамиз кўйлақда туққан эканки, шу мавқею матлабларга етиб юрибмиз. Подшоҳ таниган ит ҳам суяксиз қолмайди.

– Қўйсангиз-чи бунақа гапларни. Султонимиз ҳазрати хизр, маликамиз малак каби инсонлар. Буларга яқинлашганлар бахт-саодатга эришиб, иқбол шоҳсупасига кўтариладилар.

– Омин! Айтганингиз келсин! – деди бу кутилмаган тайинловдан шошиб қолган ва ҳаяжонини босолмаётган суҳбатдошига қараб Аббос Хўжа.

– Шоҳруҳмирзо жанобларининг элчилари бошкентга, султонимиз ҳузурларига келмоқдалар. Махфийлар хизматини йўналтириб, назорат этиб тургувчи амир Исо Қавчин билан учрашиб, тегишли таълимотларни олар экансан, Модарзот. Султонимиз ҳазрати олийлари шундай амр бердилар, – подшоҳнинг илк амрини Аббос Хўжага етказди соҳиб ихтиёр.

– Маъқул. Ул кишимни қайдан топаман? – ёй ўқи каби етиб келган буйруқдан шошиб сўради Модарзот.

– Ўзи сени топади. Индамай ишингни қилавер.

– Амр этадилар!

– Юр, кетдик, – дея ўрнидан кўзғалди бош вазир.

Амир ул-умаро ва амири харос ноиби Кўксаройдан чиқаркан, амир Исо Қавчинга дуч келдилар. Сарой ўйин ва фитналарининг устаси фаранги саналмиш бек тунгни маишатдан кўзи қизарганча ҳансираб султон ҳузурига ошиқарди.

– Подшоҳимиз сизни бекламоқдалар, – деди Бобо Тармиш ўзи билан ҳисоблашиб-ҳисоблашмайдиган қавчинлар бегининг юзига қарамай. – Амир ул-умаро этиб тайинландиму бозордаги ҳаммолдан тортиб энг, улуғ беккача рақибу ғанимимга айланди, – гапириниб кетарди бош вазир. – Мен подшоҳимизу маликамизнинг бир садоқатли ити бўлсам. Не десалар шуни қиламан.

Исо Қавчин кирганида Халил Султон Кўктошда чордона қуриб ўтирганча шарбат хўпларди. Эшик олдида турган мулозимга амирга ҳам шарбат келтиришни буюрди.

– Дарё ортида не гаплар? – сўради ўтган куни Ҳиротдан, Шоҳруҳмирзо ҳузуридан қайтиб келган амирдан. – Ҳорғинлигингиз туфайли батафсил суҳбатни бугунга қолдирган эдим.

– Наҳр ортининг энг муҳим ва диққатталаб хабари шулки, султоним, улар бизга қарши урушга астойдил ҳозирлик кўрмоқдалар. Шу мақсадда амакинғиз ўғли, амирзода Улуғбек ва оталиғи, амир Шоҳмаликни Андхуд ҳамда Шибирғон кўрғонларининг буржу бораларини таъмирлаб, мустақкамламоқ учун юборган. Улар ғайрат билан бу ишга киришганлар. Ул томондан келаётган сулҳу тинчлик, сизнинг Туркистону Мовароуннаҳр ўлкаси устидан ҳукмронлигингизни тан олиш ҳақидаги баланд-парвозу насиҳатомуз гаплар вақтдан ютмоқ учун қилинаётган бир ўйиндир. У тарафнинг таклифу тавсияларини диққат билан эшитингу ҳеч бирига ишонманг, подшоҳим. Тожу тахт, давлату салтанат кўпкарисида дўсту шерик, қон-қардош бўлмайди. Марра тез ва ўз вақтида етиб борганникидир. Биз ҳар қандай шароитда катта кўшинни Термиз атрофида сақлаб турмоғимиз керакки, бу куч сарҳадимизни ҳимоя этмоқ баробарида рақибни дарёнинг шимолий соҳилига ўйлаб оёқ босмоғининг кафолатидир.

– Асосий кўшин Термизда турса, бизга бошқа томондан хавф-хатар йўқми? Амир Бердибек билан Худойдод ҳам биз билан маълум масофада туриб гаплашмоқдалар?

– Улар икки дунёда сиз каби, ўз ҳолларига қўйиб беражак подшоҳни топа олмайдилар. Самарқандда ким турмасин уларга Фарғона ва Туркистоннинг ҳокимлиги керак. Улуғ бобонғиз каби сиз уларга худди шу, истаганларини бериб қўйдингиз. Вазият ўзгаргани замон уларнинг турмуши ҳам тегишади. Амир Бердибекнинг буюк қардоши амир Шайх Нуриддин ҳам Шоҳруҳмирзодан узоқлашиб, ўзича мустақил ҳокимият дардида от чоптириб юрган эмиш. Амир Бердибек Самарқандга тобе экан, у ҳам бизга қарши қилич кўтармайди. Шоҳруҳмирзою амирзода Пирмуҳаммад орасида кимга хизмат қилишни билмай боши қотган Шоҳмалик ҳам кечаги куч-қувват ва мавқега эга эмас, султоним.

– Сизлар билан бирга Ҳиротдан кимлар келди ва мақсадлари недур?

– Мен билан бирга амир Абдусамад, Пакана Бахши ва амакингизнинг муҳрдори Фосих Аҳмад Ҳавофийлар келдилар.

– Муҳрдорнинг Самарқандда не иши бор экан?

– Амакингиз мендан шу уч киши шоҳидлигида бир нарсани рижа этдилар. Улуғ бобонгиз Султон Соҳибқирон ҳаётликларида Шоҳруҳмирзо учун ажратган ва Кўксаройда Шайх Умар хазиначи қўлида сақланаётган мол-мулкни муҳрдор Ҳавофий орқали бериб юборишингизни сўрадилар.

– Биз бу хазинани зоти олийларига юборайлигу ул кишим буни лашкарга тарқатиб, бизни маҳв этсинларми? – димоғ учида гапирди подшоҳ. – Худо билади бу хазина қолганми, йўқми? Мен не дейман, қўбузим не дейди?

Шаҳзода Кўктошдан туриб, муҳим бир гапни айтадигандек ҳаяжонланиб, хона бўйлаб юра бошлади.

– Уларни иззат-ҳурмат-ла қаршилаб, уч кун мусофир этамиз, – деди Халил Султон қўл қовуштирганча бош эгиб тик турган амирнинг қаршисида тўхтаб. – Учинчи куни кеча масалаларини ҳал қиласиз.

– Қандай бўлар экан, султоним? Элчига ўлим йўқ дегандай? – каловланди амир Исо Қавчин кутилмаган амрдан ўзини йўқотгудай бўлиб.

– Ўйлаб кўринг. Унда бу ишни қойилмақом қилиб удалайдиган одам бор. Сизсиз ҳам ўринлатиши мумкин. Бироқ мен сизга барчадан кўпроқ ишонаман. Модарзот деганини эшитгандирсиз. Уни зиндондан озод этиб, амири харос ноиби этиб тайинладик. Бу каби ишларда пихини ёрган уста ва сизга кўмак этади, – амирнинг эътирозига эътибор бермагандай сўзида давом этди подшоҳ.

– Амри фармон султонимизнингдир! Сўйлаганингиз

каби у инсоннинг қўлидан ҳар иш келади. Вазифани англадим. Ҳарфиян ерига келтиражакмиз! – қизарганча масъулиятни бўйнига олди амир.

Халил Султон ҳузуридан чиққан Исо Қавчин қиличи сопини силаганча ўзича хиргойи қилиб, арк зиндонига тушди. Модарзотни суриштирди. Топгач, эргаштириб сарой ҳовлисига чиқди. Вазият ва вазифани англади. Кечқурун Боғи чинор базмига етиб келишини тайинлади.

Амир Исо Қавчин билан муаммони муҳокама этиб англашган ва хайрлашган Аббос Хўжа тўппа-тўғри Масти Қаландарнинг такяси томон йўналди. Салом-аликни ҳам унутиб мингбоши Эртўғрул Туронни сўради.

Масти Қаландар мингбошининг амир Боботуркнинг фарзандлари Бобоҳасан ва Бобоҳусайнни кўрмоқ учун мадрасага кетганини айтди.

Собиқ маҳбуслар мадраса томон юрдилар.

– Кўзингиз ойдин! Ёруғликка чиққанингиз муборак бўлсин! – ҳамхонасини қутлади Эртўғрул мингбоши. – Нечун бу қадар ташвишли кўринасиз? – ҳайрон бўлиб сўради.

– Чиқмай кетайин! Қайтамга тинчгина ўша ерда ўтирганим маъқул экан. Оғир вазифаларни юкладилар, – дея Исо Қавчин айтган гапни шипшиди Аббос Хўжа. – Шу хусусда сиз ила маслаҳатлашмоққа келдим.

– Ҳар қандай вазиятда бу каби ишлардан четда турмоқ лозим. Улар бу кетишда узоққа бормайдилар. Одамлар орасида ҳам шу гап. Эрта кунда барчамиз мулки давлатнинг асл соҳиблари кўзига тик ва тўғри қарамоғимиз учун не қадар қийин ва оғир кечмасин, чидамоғимиз, сўйлаганингиз каби ноҳақ жабр ва қон тўкишлардан узоқ турмоғимиз керак. Бугун оёғи ерга тегмай моли мулк, давлату салтанатни абадий дея ўйлаётган нодон ва шарафсизларнинг боши кундага етганда шу гапларимни эслайсиз. Ўснатга юборган одамингиз ҳам сўзига тутун қайтаргани учун даруға Дадақул Дўсанни чопиб ташлаб-

ди. Жангу жадал замонида бўлса буни англаш мумкин. Хуллас, ишларимиз қоришиқ, биродар, – фикрини сўйлади Эртўғрул Турон. – Хом сут эмган одам боласи шундай. Аҳмоқона қилмишларининг оқибату меваси ўлароқ балою қазо, офату фалокат қопусига таяниб келгунга қадар нодонларча, лоқайд ва бефарқ сукут сақлайди. Бахтсизлик етиб келгач, айюҳаннос солиб, ўзини тўрт тарафга уриб, оҳу фиғон этади. Бироқ карвон ўтиб кетган бўлади.

– Даруғанинг даъф бўлишидан хабарим бор. Бу таълимотни ўзим берганман. У ўз кўлидаги Тоштемир дуғлат ўнбошининг Зулфон ўтарчи исмли амакисини ўлдиртирган. Бизнинг одам эса ундан ўша ўтарчининг қасосини олган. Маҳкама-ю қозига борса ҳам хун даъвоси дея арзларига қулоқ солмайди. Биз барча ишимизни қонун-қоидаси билан қиламиз, мингбоши жаноблари. Ташвиш чекманг. Шу билан амир жанобларининг хавфсизлиги таъминланган. Бу одам деган икки оёқли махлуқни кўрқитиб, ўтакасини ёриб йўлга солмасангиз, айтганингизни қилмайди. Яхши гапни онангизу хонимингизга айтинг. Бошқаси бунга муносиб эмас.

– Волидам Оллоҳ раҳматига қовушганлар. Хоним эса йўқ, – деди мингбоши суҳбатдошининг ҳаёт фалсафасидан таажоубланган оҳангда.

– Унда Исо Қавчинга шундай дейман. Мени диққат илатингланг. Сўзимда нуқсон бўлса тўғрилайсиз. Мен энди зиндондан чиқдим. Бу ерда ишончли кишиларим йўқ. Улар Тежен ва Сарахсдалар. Етиб келмоқлари учун камида ҳафта-ўн кун вақт кетади. Сизнинг кишиларингиздан фойдаланиб турайлик десам. Қандай бўлади?

– Маъқул. Қошиқни ўзига ташланг. Сизнинг турумингиз белгили. Оғиз очиб бир нима дея олмайди. Подшоҳнинг амрини бажармаса боши кетади. Бундан бошқа чораси йўқ, – Аббос Хўжанинг фикрига қўшилди Эртўғрул Турон.

– Мен Бобоҳасан ила Бобоҳусайн таълим олгувчи мад-

раса қоровулининг ҳужрасида қолганман. Мусоид замонингизга қараб келарсиз, – дея Аббос Хўжа билан хайрлашди мингбоши.

– Яна бир гап. Йўлини қилиб, келган мусофирларни огоҳлантириш керак. Бир амаллаб эртароқ қочиб қолсалар яхши бўларди.

Мингбоши маъқул ишорасини қилди.

Подшоҳ аллақачон Боғи чинорга етиб келиб, маишатни бошлаган, сарой киришининг ўнг тарафига тизилган чолғувчилар ҳазин куйлардан чалишарди.

Пешин намозига таъқибан Ҳирот элчилари ҳам етиб келдилар. Уларни боғ дарвозасида Бобо Тармиш, амир Исо Қавчин ва Аббос Хўжа ҳамда бошқа хос мулозимлар қаршиладилар.

Халил Султон подшоҳ амакисининг элчиларини сарой саҳнида иззат-ҳурмат-ла кутиб олиб, улардан кейин солинга кирди.

Шоҳона емак-ичмак бошланиб, давра узра май ва аррақ косалари айлана бошлади. Қовурилган қуш ва ширвоз этларининг ҳиди хонани тўлдирди.

Исо Қавчин билан Модарзот этакроқда ёнма-ён ўтиришарди.

– Ўша, султонимиздан сўлда ўтирган уч киши, – деди амир Қавчин бошини қуйи эгганча Аббос Хўжага қўноқларни кўрсатар экан. – Масала эртадан кейин, улар шу боғдан чиқиб, шаҳарда қолган манзилларига бораётганда, йўлда ҳал этилиши лозим. Иш шундай уюштирилиши керакки, гўёки уларни қароқчилар отлари ва мол-мулклари учун ўлдириб, талаб кетгандек из қолмоғи лозим. Воқеа юз бериши билан шундай гап тарқатамиз...

– Бу муддатга менинг одамларим етиб кела олмайди-ку, амир жаноблари? Бир-икки кун нарига сурсак бўлмай-дими? – ноилож оҳангда амир сўзини бўлди Аббос Хўжа.

– Вақт белгиланган. Орқага суриб бўлмайди. Султони-

## Нурали ҚОБУЛ

---

мизнинг ўзларини мастликка солиб, асабий ўтирганларини қара. Амр – амирдан устундир. Уни ўз замонида бажармасак биласан, не кори ҳол юз беришини.

– Сизнинг кишиларингиз йўқми? Меникилар етиб келгунча улардан фойдаланиб турайлик?

– Уларни кўриқлаб юрган тўрт суворий меники. Унда вазифани улардан иккисига топширишга тўғри келади. Қолган иккитасига ишончим йўқ, – деди чоғир ичаётган косани суфрага кўяркан амир Исо боши қотиб.

– Яхши. Керак бўлса, мен йўл-йўриқ кўрсатаман.

– Лузум йўқ. Ўзим айтаман. Одамларинг етиб келсин. Сен қиладиган иш бор, – сўнг қарорга келди бек.

Очилиб-сочилиб давра қаршисига келган Биби Чаманно завқ-шавқ билан кўшиқ айтар, меҳмону мезбонлар сел бўлиб тинглашарди.

Сизингтек ҳурваш одам топилмас,  
Пари юзлук Масиҳо дам топилмас.  
Яноғингда ароқтек қатра-қатра,  
Гули насрин уза шабнам топилмас.  
Муҳиб бисёрдир сизга ва лекин  
Бизингтек аҳди мустаҳкам топилмас.  
Ғанимат тут жамоли ҳусн даврин,  
Масалдурким: “Яна бу дам топилмас”.  
Вафо қилким, йигитлик бўстони,  
Ҳамиша тозаю хуррам топилмас.  
Фироқингда кўнгилга неча боқсам,  
Даройи ранжу дарду ғам топилмас.  
Атойи худ қилур васлинг таманно,  
Вале мискинга мулки жам топилмас.

\*\*\*

Ул санамки, сув яқосинда паритек ўлтурур,  
Ғояти нозуклигини сув била ютса бўлур.

То магарким, солсабил ойина жавлон қила,  
Келди жаннат равзасидин оби кавсар сари хур.  
Ул иликким, сувдин ориқтур, ювмас они суда,  
Балки сувни пок бўлсин деб илики бирла юр.  
Энди билдим рост эрмиш, балки кўрдим кўз  
била,  
Улки дерлар сув қизи, ки гоҳ кўзга кўринур.  
Қошларинг ёсин, Атойи, кўргали ҳусн ичра тоқ,  
Субҳидам меҳробларда сураи ёсин ўқур.

Амири харос ноиби Аббос Хўжа Модарзот Кўксарой ҳовлисига етиб келганида дарвоза олдида амир Исо Қавчин навкарларидан иккитасининг ранги қути ўчиб турарди.

Ноиб турумни тушунди.

– Не хабарлар? – сўради у отлари жиповини тутганча бир-бирига қараб турган суворийлардан.

– Нохуш хабар, ноиб жаноблари. Кимдир қўноқларни кўриқлаб юрган икки шеригимизни кечаси ўлдириб кетибди. Не қиларимизни билмай, бошимиз қотиб турибмиз, – жавоб қилди ўнбоши либосидаги қисиккўз, бўркини бостириб кийган заҳил юзли суворий.

– Ёмон бўлибди-ку? Ким журъат этиши мумкин бундай қотилликка? – ҳайрон бўлиб сўради ноиб.

– Ўйлаб ўйимизга етолмаётимиз. Ҳеч бир гумондор ақлимизга келмаётир.

– Амир жаноблари қайдалар?

– Билмаймиз. Султонимиз яшаётган боққа кетган бўлсалар керак. Биз не қилайлик, ноиб жаноблари? Меҳмонлар кўримасига боришимиз керак эди. Қолган манзилларига борсак, кечаси қайтмабдилар. Юклари ҳам шундай турибди.

– Унда сизлар ўша ерга бориб қўноқларнинг ашёларига қараб турунгиз. Мен амир жанобларини топиб, сизга ха-

бар бераман, – дея суворийларни ҳиротлик элчилар турган манзилга жўнатди Аббос Хўжа.

Кўп ўтмай подшоҳ итдан беҳурмат қилиб ҳузуридан ҳайдаган Исо Қавчин саройга етиб келди.

– Иш расво, – деди у ҳорғин ва тушкун оҳангда. – Ифлос ҳиротликлар икки навкаримизни ўлдириб, қочиб кетишибди. Тўхтамай от сурадилар. Уларга етиб бўлмайди. Подшоҳимиз олдида уятга қолдик-да.

– Ростини айтганда ақлга сиғадиган иш эмас эди бу, амир жаноблари. Не қадар ашаддий душман бўлмасин, ҳеч бир мамлакатда элчи қатл этилмайди. Бу нарса икки мамлакат ўртасида уруш бошланишига сабаб бўлиши мумкин эди, – фикрини очиқ сўйлади Аббос Хўжа. – Аслида катта бир қирғинбаротнинг олди олинибди.

– Мен ҳам шундай фикрда эдим. Султонимизга бу ҳақда оғиз ҳам очган эдим. Бажармасанг, бошқасига топшираман дегандилар. Энди билсам, сени назарда тутган экан. У йўқ, бу йўқ, емаган сомсага мен ақча ўтадим. Сен ҳақда сўрмадилар ҳам. Не ҳам қилар эдик. Бошга тушгани кўз тортар. Юр, бирор жойга бориб бироз ички ичайлик. Бошим тарс ёрулгидек. Бир ҳисобда уларнинг қочиб кетгани ҳам хўп бўлди. Айтганинг каби эрта кунда бунинг ҳам ҳисобини беришга тўғри келармиди? Хуллас, икки ўт орасида қолдик-да, биродар. Ҳеч бир тараф паст кетиб, чекинадиган кўринмайди, назаримда. Бу салтанат ғавғоси охири бир кун сулола вакилларида бирининг синиши билан тугайди.

– Икки ярим йил арк зиндонининг тупроғини ялаб ётдим, амир жаноблари. Сўйлаганингиз каби сарою салтанат кўпкариларида хабарим йўқ. Бу ҳақда ҳикоя қилиб, бизни бироз билгилантиринг. Султонимиз шафқату марҳаматлари билан Кўксаройда ўралашиб қолдик. Бизга вазияту шароитни англаиб, йўл-йўриқ кўрсатинг. Кечаси

содир бўлган тирикчилик каби қовун тушириб ўтирмайлик,  
– амирни гапга солмоқчи бўлди ноиб.

– Қиш чиқиши билан саваш бошланиб кетадиганга ўхшайди, қардошим. Ҳиротда бўлиб, Хуросон мулкани кезарканман, бир нарсага имоним комил бўлдики, Шоҳруҳмирзо бизнинг подшоҳга қарши астойдил тиш қайраган. У ёқда валиаҳд Пирмуҳаммад мирзо тулпорини гижинглатиб турибди. Бир сўз билан айтганда сўғишу саваш, урушу жанжалнинг қоқ ўртасида қоладиганга ўхшаймиз. Ишқилиб охири бахайр бўлсин! – бозор биқинидаги тақя томон ҳангама бериб борарди амир.

Уруш хабари шаҳар аҳлини узоқ беклатмади.

Мирзо Улуғбек ва амир Шоҳмалик қўллаб-қувватловидаги валиаҳд Пирмуҳаммад Жаҳонгир қўмондонлигидаги бирлашган қўшин Жайхун устига беш юз кемани тўплаб қурилган кўприқдан ўтиб, Термизни забт этди.

Ҳеч бир катта қўшини черикка дуч келмай Ғузор ва Кешни ҳам эгалладилар. Ҳаво совуқ бўлишига қарамай амиру қўмондонлар, мингбошию юзбошилар Оқсарой ўртасидаги ҳовузда чўмилдилар.

Валиаҳд Пирмуҳаммад бобоси биринчи ва сўнгги бор тунаган хоқон хонасида ётди. Валиаҳд билан амир Шоҳмаликнинг ички суфрасига ҳали тузук-қуруқ ички ичиб ўрганмаган амирзода Улуғбек ҳам қўшилди.

Балх ва Хуросоннинг бирлашган ўрдуси Қарши томон юрганда ҳам Самарқанд чериги, Халил Султондан дарак йўқ эди.

– Бу сукутда бирор-бир ғайри аломат бўлмасин, – деди шикор қилиб, ғалаба завқини сураётган оталиғи ва валиаҳднинг ҳаракатларидан таажубланган амирзода Улуғбек. – Тузоққа тушиб ўтирмайлик тағин.

– Мен сизга айтган эдим-ку, унинг биз билан юзма-юз бўлмоқликка бети йўқ. Ҳойнаҳой, қиблагоҳлари ва биродарларидан паноҳ истаб, Эрону Озарбайжон сари қочган

бўлса керак. Эртага бир от қўйсақ, Тахти Қорачордан ошиб, улуғ бобомиз пойтахтини фатҳ этамиз! – дами баланд эди ширакайф валиаҳднинг.

– Амирзода тўғри сўйлайдилар. Уларнинг бу қадар жимиб кетишида бир сиру синоат борга ўхшайди, валиаҳдим. Ақлни бошга йиғиб, диққат-ла ҳаракат этмасак, доғда қолишимиз мумкин, – шогирдининг огоҳлантиришидан ўзига келгандек бўлганди амир Шоҳмалик. – Унинг Термиз атрофи ва Жайхун соҳилида пистирмага қўйган кучлари бўлиши эҳтимолдан холи эрмас. Бундай ҳолатда қуршовга тушиб қолишимиз турган гап.

Амирнинг сўзи тугар-тугамас қоровул юзбошиси от чоптириб келди.

– Халил Султон бор кучини Қарши атрофига йиғиб бўлибди. Бизнинг ҳаракатимизни кузатиб, жанг ҳозирлигини тугатибди.

Мирзо Улуғбек хавотир олган воқеа содир бўлди. Самарқанд қўшини Хуросон ўрдусини Қаршидан бир йағоч масофадаги Маймурғ қўриғида қарши олди. Халил Султон бирлашган қўшиннинг ғулини синдирди. Арлотларнинг шу пайтгача енгилмай келган чериги сиқувга дош беролмай саваш майдонини тарк эта бошлади.

Ғулнинг пароканда бўлиши жувонғор ва баронғорнинг ҳам бузилишига олиб келди.

Бу Халил Султоннинг иккинчи ғалабаси эди. Валиаҳд Пирмуҳаммад Жаҳонгир ўрда ва ўғруқни ташлаб, Балх томон қочди.

Амир Шоҳмалик билан амирзода Улуғбек ҳам валиаҳддан ўртак олмоқ мажбуриятида қолдилар.

Мовароуннаҳр ҳукмдори мағлубларни қочган жойига қадар қувмоқ, бироқ тиғ теккизмаслик амрини берди.

Халил Султоннинг ғалабадан сармаст беклари уларни Шоҳруҳмирзо қурдирган кўприкнинг қоқ ўртасигача қувиб бордилар.

Қарши тарафдаги кўп сонли кўшинга кўзлари тушгач, отлари жilовини тортишди.

Подшоҳ Шоҳруҳ Сарахсда, ўрдунинг катта қисми эса шимолий соҳилдаги вазиятни кузатиб, кўприк бошида турарди.

– Кўлга туширса бизни соғ қўймас эди, – деди ҳолдан тойганча аранг кўприкдан ўтган мирзо Улуғбек оталиғига.

– Йўқ! У бунга журъат эта олмайди. Бундай ишга қўл урса, авлоди билан қирилиб кетажагини билади! Ташвиш чекманг, амирзодам! – шогирдини тинчлантирган бўлди амир. – Биз амирзода Пирмуҳаммаднинг қутқусига учиб, хато қилдик. Ўрдуга қўмондонлик қилмоқ маҳорати ҳам, сафарда ўзларини тутишлари ҳам менга маъқул келмади. Буни қиблагоҳингизга айтмоғимиз жоиз ва бундан сўнг иттифоқчиликда ҳаракат этмоқда эҳтиёт бўлмоғимиз керак экан. Кўза кунига эмас, кунда синади, амирзодам. Бу тўқнашув ва мағлубиятдан сабоқ олиб, хулоса чиқармоғимиз керак. Амирзода билан тинчлик шартларида муносабатда бўлиб турмоққа тўғри келади.

Рухлари тушган устоз ва шогирд Андхуднинг мустаҳкам қалъасининг шамчироқ хира милтираётган хонасида кечки тамадди қилардилар.

Подшоҳ отасидан не танбеҳу дашном эшитажагини ўйлаб юраги сиқилган амирзода Улуғбекнинг ичига чироқ ёқса ёришмасди.

Бурчакда, хона девори ва шифтини қорайтирган ўчоқдаги ўтин тутаб ёнарди. Тол оғочидан отилган бир чўғулар дастурхонининг ўртасига келиб тушиб, куйдирди.

– Ўчоқ ҳам бизга ўқ отмоқда, – деди амирзода тутаётган чўғунинг устига сув қуяркан.

– Мевали оғочларнинг ўтини тутмайди. Манзарали дарахтларники тутаб ёнади, – деди чарчоқни босиш учун бир коса май ичиб олган амир Шоҳмалик. – Одамлар ҳам шундай, амирзодам. Жоҳил ва қуруқ одамлар, оламни

бошларига кўтариб, шовқин солиб яшайдилар. Оқилу донолар бу дунёнинг аҳмоқона ташвишларидан безиб, ҳеч қачон ўзига келмас одамзоднинг қилмишларидан қочиб, узлатга чекинадилар.

Суви қочган қотирмани чайнаётганча шубат ҳўплаётган амирзода Улуғбек самимий нигоҳини устозига тикканча уни тингларди.

Аср намозига яқин Сайхун соҳилига етиб келган Халил Султон дарёнинг буралиб, тўлғониб оқаётган лойқа суви-га бир боқди-да, нигоҳини қарши қирғоққа қадади.

Беш юз кемани арқонлар билан боғлаб қилинган кўприкнинг нари учида Хуросон аскарлари кўринар, бери тарафида эса Мовароуннаҳр суворийлари от ўйнатарди.

– Қарши тарафда черик кўп эканми? – сўради амирзода ёнида турган амир Арғуншоҳдан.

– Қўмондони Сарахсда бўлса-да, биздан хавфсираб, асосий қўшинни дарё соҳилига ташлаб кетган, – жавоб қилди амир.

– Ҳеч бўлмаганда амир Шоҳмалик ёки Ёдгоршоҳ Барлос каби бир-иккита бузғунчиларни қўлга тушириб жазолашимиз керак эди-да. Амакимизни ҳам, ўғлини ҳам бошини қотириб, биз томон гиж-гижлаётган мана шу Шоҳмалиқдир. Уни жангда тинчитиш ёки асир тушириб, терисини шилмоқ керак эди.

– Бугун бўлмаса эртага қўлга туширамиз, султоним. Бу мағлубиятдан сўнг энди улар яқин орада ўзларига келолмайдилар.

– Йўқ, амир жаноблари. Куйган ерга яхши ўт битганидек, аламу изтироб ичида тезда қайта бошдан тўпланиб, яна биз томон от қўйишлари мумкин! Унутмангким, улар бизни ҳеч қачон ўз ҳолимизга қўймайдилар. Қардош душманлигидан истифода этган ичимиздаги дўст қиёфасидаги рақибларимиз ҳам бу вазиятдан фойдаланадилар. Бу хавфи хатарнинг йўлини тўсиш ва бартараф этмоқнинг тек

йўли қудратли ўрдуни сақлай билмоқдир! – оти жilовини ўйнаганча қўнишарди амирзода.

– Тўғри сўйлайсиз, султоним. Кучли қўшинсиз ҳеч бир ерга бориб бўлмайди. Қайд этганингиз каби ичимизда тиш қайраб юрганлардан ғоят эҳтиёт бўлишимиз керак, – подшоҳнинг сўзини қувватлади амир Арғуншоҳ, маймунники каби иягини чўзиб бошини соллаганча.

– Буларнинг бошида ким келади, амир? Сўйлай булурмисиз? – кўкиш кўзларини дордан қочган бекка тикди шаҳзода.

– Айтаверайми, султоним? – дами ичига тушиб кетганди амирнинг.

– Айтаверинг!

– Бироқ бунини билмаслиги керак, султоним. Унинг қўлидан ҳар иш келади ва ўзини Султон Соҳибқирондан кам чоғламайди.

– Ким экан бу янги Соҳибқиронини аъзам? – энсаси қотиб сўради Халил Султон.

– Отабегингиз амир Худойдод, султоним. У кишиларга тилида заҳар узатган пайтда қўлида қилич тутиб туради. Муддаосига етмоқ учун ҳар қандай қотиллигу қирғиндан тап тортмайди.

Тилига калима келмай ўйга толган амирзода пастки лабини тишлаганча бош ирғади.

Подшоҳ ва амир суҳбатини ҳаллослаганча от чоптириб келган Исо Қавчин бўлди.

– Амирзода Пирмуҳаммаднинг ўғруқидаги малика ва канизаклар уввос солиб йиғлашиб, тўполон кўтаришмоқда, султоним. Аскарлар мол-мулкларини таламоқдалар. Асирлар муҳофазага олиб, ҳузурингизга югурдим. Не амри фармон берасиз? – отдан тушиб, подшоҳнинг узангисига пешонасини теккизди амир Қавчин.

– Маликаларнинг мол-мулкига қўл теккизишмасин. Уларни ҳимоя этганча, дарёдан ўтказиб юборингиз!

– Қўлга тушган бошқа ўлжаларни-чи?

## Нурали ҚОБУЛ

---

– Суворий ва сипоҳий ўртасида адолатли тақсимлансин!

– Амри фармон султонимизнингдир!

– Термиз ва наҳр бўйини муҳофаза этиб турган қўшинлар қишлоқ жойларига қайтсинлар! Самарқанд чериги йўл тадоригини кўрсин! – сўнгги амрни берди подшоҳ.

– Сиз Термизда қоласиз, бек жаноблари, – деди амир Арғуншоҳга бир қараб қўйиб шаҳзода. – Улар бетларини қалин қилиб, яна сулҳу музокара таклиф этишлари мумкин. Вакилимиз ўлароқ қўнишинг. Таклифу талабларини чопар орқали билдирарсиз. Бирортасининг хоин башарасига қарашга тоби тоқатим йўқ. Кечаси Термизда тунаб, субҳи сабоқ йўлга чиқамиз.

– Йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин! – дуо қилди амир Арғуншоҳ.

Ғолибдурсан, мағлубдурсан, толибдурсан, матлубдурсан, тонг отар, кун ботар, умр сувдек оқар эди.

## ЙИГИРМА САККИЗИНЧИ БОБ

*Бир-икки кундин сўнг Асфидак (Исфара) кўрғонидин Васманд кўрғонига келишди. Бовужудким, бир қатла Самарқанд навоҳисига бориб, туйдуриб келиб эдик. Яна тенгрига таваккул қилиб, ўшул хаёл била Васмандтин (Ҳозирги Ўсман) намози пешиндин сўнг Самарқанд устига илғадук. Хожа Абдулмакорим ҳам ҳамроҳ эди.*

### **Заҳириддин Муҳаммад БОБУР**

Эсиргап Найман Дизакда экан, устоз Шарофиддин Дизакийнинг уйига тез гапирганидан сўзларини англаб бўлмайдиган, боши танасига нисбатан номутаносиб катта кўринадиган, қўйиб берсангиз устозига ҳам ақл ўргата-

диган гапчиноз шогирди, товоқдай юзи шудгор қилинган ерга ўхшайдиган Хуррам Пашоғарий қора терга тушганча ҳовлиқиб Самарқанддан келиб қолди.

Сарой хизматига киргани боис оёғи ердан узилиб, ҳаволарда юрган шогирднинг тили бироз чучукроқ бўлиб, “р” товушини “л”га яқинроқ сасда талаффуз этарди.

– Амир ул-умаро Бобо Тармиш жанобларидан амр бўлди. Улуғ подшоҳимиз Халил Султон ҳузурига Чиндан катта совға-саломлар билан у ўлканинг янги хони Дой Мингдан элчилар келди. Чин тужжорлари карвони шаҳарни турлитуман моллар билан тўлдирдилар. Султонимиз улар шарафига ҳар куни зиёфат бермоқдалар. Маликамиз Зубайдаий соний Шод Мулк оғо ҳам мусофирлар дўконларини кезиб, эртаю кеч мол харид қиладилар...

– Муддаога ўт, Хуррам, – шогирди сўзини кесди камгап ва вазмин Дизакий. – Малигу маликамиз не юмуш ила машғулликларини жумлаи жаҳон билади. Ташрифингдан мақсад недур? Шунга қараб иш кўрайлик, – деди устоз бошини маъноли соллаб.

– Мақсад шундан иборатким, устоз, ўша элчилар ўз подшоҳларининг султонимизга ёзган мактубларини келтиришган. Таржимонлари воситасида мактубни ўқиб бердилар. Қабул маросимида мен ҳам қатнашдим. Чин подшоси султонимизга ғоят хайрихоҳ бўлиб, ҳар замон сени қўллаб-қувватлашга ҳозирман. Сенинг душманинг менинг душманимдир. Сен менинг ўғлимсан дея ёзибди...

– Менинг ўғлимсан дегани улуслараро муносабат тилида сен менга тобесан деганидир, Хуррамбек. Буни унутманг, – шогирдини гапини тўғрилади Дизакий.

– Билмас эканман, устоз. Яхши айтдингиз. Мана энди билдим. Сиз ҳурматли устоздан айри тушиб қолиб, сабоғим ҳам ярим қолди-да...

– Сен мен-ла икки маротаба Чинга бориб келдинг. Мам-

лакатнинг Бежинми, Шанхайми, қай бир шахрига бормайлик улар тили ва имлосини астойдил ўрганиш ўрнига ўзингни дуч келган дўконга урасан. Тўғри, тирикчилиги кечмоғи учун киши бозор-ўчарга боришга, тижорат қилишга мажбур. Бироқ, модомики, тил ўрганиб, таржимонлик ва чин тили бўйича ҳаттотликка киришган экансан, муштни бир ерга уришинг керак. Тижорат оғир босиб кетса, бу касбни тузук-қуруқ эгаллай олмайсан. Икки кемани тутаман деган одам чўкиб кетади, – ҳамон бошини ирғаб гапирарди Ди-закий.

– Тўғри, устоз. Хатоларимнинг фарқидаман. Йўл-йўриқ ва дастагингиз билан нуқсонларимни тўғрилайман, – тили бурро эди шогирднинг.

– Гапчининг гапи битгунча, ишчининг иши битади. Ёшинг қирққа яқинлашиб қолди. Билмадим, нуқсонларингни не замон тўғрилаяжаксан.

– Улуғ султонимиз бошимизда соғ-омон, давлатлари боқий турса, иншооллоҳ, ҳар ишга жидду жаҳд-ла киришиб, уддасидан чиқажакмиз...

– Сен таржимону ҳаттот эмас, аслида сарой нотиғи бўлишинг керак. Ғарб мамлакатларида, билхосса Рум ва Ифранж каби давлатларнинг саройларида шундай, сарой нутқ ирод этувчилари лавозими бўлади. Подшоҳдан тортиб, барча сарой аъёнларига вақти-вақти билан дунё янгиликлари, тарих, фалсафа ва кундалик ҳаёт масалаларидан ҳикоя қилиб турадилар. Бир инсонда фикрламоқ қобилияти ривожланган бўлади. Бошқа бирида эса тил, сўзламоқ истеъдоди юксак бўлади. Бироқ не қадар чиройли ва оҳангдор сўйламанг, унда маъно, мантиғу фалсафа бўлмаса, бўш тоғорани чалгандек гапдир, – шогирдига танбеҳу сабоқ берарди устоз.

– Ҳар бир сўзингизни хотирам саҳифасига муҳрлайман, устоз. Бенуқсон парвардигор. Янглиш ишу амаллар шоҳу гадо, зангину фуқаро, ҳар касда бўлади. Устоз ўлароқ

яхшимизни ошириб, ёмонимизни яширасиз-да! Алалхусус, гапнинг қисқасини айтсам, султонимиз Чин хоқони билан кенг алоқаларни йўлга қўйиб, чинлик ипак савдогарлари карвонлари хавфсизлигини таъминлашни зиммаларига олиб, мактуб йўллар эканлар. Амир ул-умаро ҳазратларига бу муҳим мактубни Шарофиддин Дизакийдан ўзга киши ёза олмайди деб айтибдилар. Шунинг учун ҳам мени ёв қувгандек апил-тапил отлантириб, Дизакка йўлладилар.

– Улар худди шундай, ёв қувгандек жўнатмаганларида олдимга келмаслигини ҳам билар эдим, Хуррам. Сен пашоғарликларни яхши биламан. Ишларинг тушса остонада ётиб оласизлар. Юмушларинг ғириб кетса қораларингни кўрсатмай, анқонинг уруғига айланасизлар.

– Бу хом сут эмган одам боласига йўрғада теккан касалликдир, устоз, – тиржайганча бўш келмасди шогирд.

– Подшоҳимиз Халил Султон Султон Соҳибқирон замоналаридаги Турон давлатининг биргина Мовароуннаҳр вилоятини бошқариб турган бўлсалар. Қандай қилиб Чин ҳукмдорига буюк ипак йўлининг хавфсизлигига кафолат берадилар? – суҳбатга қўшилди Эсиргап Найман тилини ямлаб гапирадиган одам кўп кўнишса кишининг энсасини қотирар экан деган ўйда Пашоғарийга боқаркан.

– Бу ёқда Хоразм ҳам элдан кетди, – деди надоматли оҳангда Дизакий. – Улуғ хоқонимиз бу ўлкани салтанат таркибига қўшиб бирлаштиргунча она сути оғзига келганди.

– Ие, Хоразм қўлдан кетдими? Қачон? – ҳайрон бўлиб сўради Пашоғарий.

– Аллақачон, авлодим. Сизлар Чин каби дунё давлатлари билан гаплашмоқчи бўласизлару, бурнингиз тагида не ҳодисалар юз бераётганини билмайсиз, англамайсиз, – деди Дизакий маънодор оҳангда.

– Кўксаройда қулоғимга бир чалингандай бўлувди, устоз.

Бу ҳақда ҳеч ким, ҳеч нима демайди. Саройда қўнишмоқ мумкин бўлган ва рухсат этилмаган мавзулар бор-да, биродар, – сугир кўзларини Эсиргапга тикди Пашоғарий.

– Саройларда неки қўнишилмаса, демак, шу қўнуда бир муаммо ва нуқсон бор. Ҳукмдор ҳамма нарсани, ҳаммадан кўра яхши биламан дея мулозиму тобеларинг бу ҳақда оғиз очмоғига изн бермайди. Ёпиғли қозонлар ёпиғлигича тураверади ва охир-оқибатда пиширилаётган емак куйиб кетади ёхуд айнийди. Айни кундаги бошкент иқтидори Туркистонуну Мовароуннаҳр ҳудудини чексиз масрафу сон-саноксиз қўшин билан аранг элида тутиб турибди. Елларнинг эсишию об-ҳавонинг ўзгаришига қараб тирикчилик қиладиган Хоразмдек ўлкани ушлаб қолмоққа йўл бўлсин? Давлату мамлакатимиз оғир ва оғриқли дамларни бошдан кечирмоқда, – мулоҳазакор оҳангда сўзларди Дизакий. – Мавзудан бироз чалғиб кетдик, биродарлар. Сен кириш сўзини узатиб, ташрифинг мақсадини сўйламадинг. Хўш, нима қилишимиз керак? Амир ул-умаро ҳазратлари мендан не истайдилар?

– Биргалиқда ўша, Чин хонига ёзилажак мактубни ҳозирлашимиз керак экан, – муддаога ўтди шогирд.

– Бир мактуб битмакни ўзинг эплай олмадингми? Мени ҳам оворайи сарсон қилмасдан?

– Ёзишим мумкин, устоз. Бироқматним ёки ҳуснихатимда хатою қусур бўлса, султонимизга ёқмаса, уйим куйиб, хонам тутайди. Еб турган бир парча эмагимдан мосуво бўлиб, саройдан қувиламан. Подшоҳнинг қаҳрига учраган одамнинг аҳволи эса ўзингизга маълум, – терлаб-пишиб вазиятни англатди шогирд.

– Ҳа, хон ургандан худо ургани маъқул, – деди Дизакий шогирдининг юзига қарамай. – Унда эртага йўлга чиқайлик. Тўшлоқ дарёси кечадиган, ҳозирда улус Султон Соҳибқирон номлари билан Амир Темур дарвозаси дея атаётган манзилда сен Самарқанд йўлида давом эта-

сан. Биз Боғмозорга бориб, шайх Мир Саид Халилуллоҳ ҳазратларини зиёрат этиб, амир Боботурк ила учрашиб, эртаси куни бошкентга етиб борамиз, – сафар режасини қилди Дизакий. – Таклифимга розимисизлар? – дея суҳбатдошларига қаради.

– Шайх ҳазратлари зиёратларига мен ҳам борсам-чи, устоз? Машхур амир Боботурк ҳақида ҳам кўп эшитганман? – устозига рижода бўлди шогирд.

– Сен ўз ишингдан чалғима. Бошкентга бориб бизни бекла, – рўйхушлик бермади Дизакий. – Энди Хоразм ҳақидами, биз Идику Манғит, ўз қавми Эдигей Ботир дейдиган Дашти Қипчоқнинг афсонавий бош вазири ҳақидами, не ҳақда сўрасанг, сўра. Билганим қадар жавоблантирайин. Қўноғимиз нигоҳида ҳам бу мавзуга қизиқиш кўрмоқдаман. Улуғ хоқоннинг абадиятга интиқол этишлари билан ўлкамизда сиёсату саваш майдони қизиб кетди. Ул бетакрор зот ана шу жангу жадаллар, талашиб-тортишишларнинг олдини оламан дея бу чексиз ҳудудларни бирлаштирган, элу элатлар бошини қўшган эдилар. Бу кетишда у фараҳли кунлар рўё ва армонга айланиб қолади чоғи.

– Баҳс этганингиз Эдигей Ботир Амир Соҳибқирон ҳазратлари меҳрини қозонган, зоти олийлари Тўхтамишхонни ўрда тахтидан улоқтириб, унга берган эдилар. Қандай қилиб ул киши Турон мулкани босиб олади? – ҳайрон бўлиб сўради Эсиргап Найман.

– Сиёсат – сиёсат, тижорат – тижоратдир, авлодим. Тарих ғилдирагини улуслар эмас, шу халқлар ичидан етишиб чиққан улуғ, даҳо шахсиятлар айлантирадилар. Мулки давлат шундай инсону ҳукмдордан айрилди. Бу дегани вазият энди батамом ўзгаради. Юксаклар ер бўлиб, ер-ла баробар бўлиб юрганлар юксаладилар деганидир. Бундан сўнгра сиёсату тирикчилик тўнини шунга қараб бичмоққа тўғри келади. Замонага қарши борган киши-

ни унинг шафқатсиз шамоллари чирпирак қилиб учириб кетади. Даври даврон тулки бўлса, този бўлиб қувламоқ мажбуриятдасиз, жигарларим, – дея хизматкор келтирган айрон косасини олиб ҳўплади Дизакий.

– Идику Манғитни қавмдошлари Султон Соҳибқиронга қиёс этар эканлар. Улуғ хоқон ҳазратлари Турон мулкида чиғатойиларнинг зулму ҳокимиятига чек қўйган бўлса, Дашти Қипчоқда бу журъату жасорат, қатъияту баҳодирликни Едигей Ботир намоён этган дейдилар, – устозининг оғзига қараб турарди Пашоғарий.

– Бу ҳақ гап, авлодим. Дашти Қипчоқ амир ул-умаросининг отаси амир Балтичоқ ҳам бир сўзли, айтганидан қайтмайдиган ғоят жасуру кўрқмас шахсият бўлган. Ўрусхоннинг сўнгги бош вазири амир Балтичоқ Тўхтамишхоннинг амир ул-умаролиж таклифини ҳам рад этади ва сенга бош вазир бўлмоқдан кўра подшоҳимнинг устига кўяроқ лаҳадга кирганим афзал дейди. Шундан сўнг Тўхтамишхон уни қатл этади. Ҳозирги кунда барчанинг диққатини тортиб турган бир муаммо Тўхтамишхону Едигей Ботир тирлашувидир. Едигей отасининг хунини олиш учун хоннинг пешига тушган. Буни билган собиқ хоннинг ўн тўрт ўғли Едигейни йўлини пойлайди. Бироқ шу нарса аниққи, бу рақобату душманлик яхшилик билан тугамайди.

Айрон ичиб бироз тин олган мезбон фикрини жамлаб сўзида давом этди.

– Ҳайратланарли томони шундаки, Едигей Ботирнинг ўғли Ғозон Тўхтамишхоннинг қизи, Жалолиддин Султоннинг синглисига уйлангандир. Қуда онти ичиб, қонлар қўшилишига қарамай орадаги хуну қон қасоси оташи ҳамон алангаланиб тургани кишини ҳайратга солади. Бироқ уларнинг саҳройи қалблари тош каби, меҳрлари метиндир. Ҳаёт-мамот дақиқаларида бола отанинг, ука аканинг бошига киприги қилт этмай қилич солади.

– Мен барибир Едигейбекнинг Хоразмни босиб олганлигига ҳайрон қолдим. Кимсан ким, Едигейбек биринчи бўлиб ўз давлатпаноҳи тупроғига кўз олайтирмаслиги керак эди, – деди Эсиргап Найман дунё кезган, чин-мочин хонлари билан суҳбатда бўлган Шарофиддин Дизакийнинг ҳикоясини мароқ билан тинглар экан.

Салтанатда илгари барча бирдек сўзига қулоқ солиб, маслаҳатига амал қиладиган шундай киши Атабек Барлостурк эди.

Самарқанднинг янги ҳукмдори улуғ бобоси атрофидаги барча кишилардан хавфсираб, ўзига яқинлаштирмайди. Ҳатто йўлини қилиб думларини тугаётир, хаёлидан кечди Эсиргапнинг.

– Амир Мусоко Султон Соҳибқирон ҳазратларининг ҳукм ва фармониغا кўра Хоразмни идора этарди. Самарқанд тахтига шаҳзода Халил Султон ўтиргач, Рум, билхосса Сивосдан Туркистонга кўчириб келтирилган қаро турклар Мовароуннаҳрни тарк этиб, Хоразм томон юрдилар. Бир қисми Усмонли тупроқлари томон йўналдилар. Хоразм томон борганлар билан амир Мусоко ўртасида тўқнашув юз беради. Қаро туркларнинг бир қисми Кермон томон юзланади ва йўлбошчилари тутилиб, Шоҳруҳмирзо қошига олиб борилган дейдилар. Бу воқеадан хабар топган Едигей Ботир ўз подшоҳи Шодибекхон билан маслаҳатлашиб, Хоразмни қаро турклар эгаллашини баҳона қилиб, юриш бошлайди. Амир Мусоко кучсиз қўшин билан Едигей Ботирга қарши тура олмаслигини англаб, ўлкани тарк этади ва Ҳирот йўлини тутди. Саккиз юз саккизинчи йил ражаб ойида (23. XII. 1405 ва 21. I. 1406) Хоразмни эгаллаган Дашти Қипчоқ амир ул-умароси амир Анкони ҳоким этиб тайинлайди, Дашти Қипчоққа қайтади. Шу тариқа Хоразм ўттиз йиллик темурийлар салтанатидан сўнг яна қайтиб Жўчи улуси элига кечади.

– Айни кунда Мозандарондан қочиб келган бир шахзода Хоразмда ҳукмрон эмиш дейдилар? – сўради Эсиргап Найман.

– Шу йилнинг баҳорида Халил Султон билан ихтилофга борган ва Самарқандда яшаётган ироқликлар под-шоҳимиздан юз ўгириб, Хоразмга қараб юрганлар. Урганжга етиб боришгач, Шоҳруҳ султон ҳазрагларида қочиб келган Пир-подшоҳ ибн Луқмон ибн Тағой Темурхонни подшоҳ этиб кўтарганлар. Улар мирзо Халил Султон улуғ бобосининг хазинасидан берган ҳисобсиз олтинларни нисор расми билан элга тарқатиб, Мозандарон томон жўнайдилар. Хоразмдаги бугунги вазият шундайдир, иниларим, – дея ҳикоясини мухтасар этди Шарофиддин Дизакий

– Жаҳон пойтахти Самарқанди азимда яшаб туриб, Хоразмда шунча гап-сўз, тўс-тўполон бўлиб ўтганлигини эшитмабмиз-а? – деди устозининг ҳикоясидан таъсирланган Пашоғарий.

– Самарқанди фирдавсмонанд улуғ хоқон Амир Темур Кўрагон даври давронида олам бошкенти эди, авлодим. Биз ҳали ҳануз ўша саодатли кечмиш хотироти билан яшамокдамиз. Аслида ҳар бир инсон ва ҳар бир халқнинг кечмиши унинг эрта кунини барпо этади. Ўтмишидан сабоқ олиб, бугуни ва келажагига тўғри боқа билмаган элу элатлар ўзга халқларнинг ови ва емишига айланади, – сўз оҳангида афсусу надомат бор эди хонадон соҳибининг.

Улар эртаси куни эрталаб йўлга чиқдилар Шотути дара-си орқали Соҳибқирон дарвозасидан ўтдилар.

Қорақишлоқ манзилига борадиган муюлишга етганда айрилдилар. Хуррам Пашоғарий не қадар Боғмозорга бо-ришни истамасин, устози рағбат кўрсатмагач, қайтиб оғиз очмади.

– Ул йўлдошимизни ҳам бирга олиб кетсак бўларди, устоз, – деди Эсиргап Найман улар дарё соҳили бўйлаб юраркан.

– Биз амир Боботурк жаноблари билан турли мавзуларда суҳбатлашамиз. Орамизда бугунги сиёсату диёнат хусусида паст-баланд гаплар бўлиши мумкин. Буларни бизнинг чумчуқмия шогирдимиз туймагани маъқул. Подшоликнинг нонини еб юрган ўзини билмас, итга соя бермас кишилар дуч келган гапни олий қулоқларга етказишни ҳукмдорга кўрсатилган садоқату хизмат, муҳим давлат иши деб биладилар. Энг ёмони, аксар ҳукмдорлар кўчакўйдаги шундай майда-чуйда гапларга ишониб давлатни бошқарадилар. Гап ташувчи пасткашларни эса энг садоқатли кишилар деб биладилар. Бир амаллаб Ҳирот саройига етиб олгунимизга қадар қулоғимиз тинч бўлиши керак, авлодим.

Жадал юрган отлиқлар Тошлоқ дарёси соҳили бўйлаб юриб Сарой, Ўдамали, Нўшкент ва Новқа орқали аср намозига яқин Боғмозорга етиб келдилар.

Уларни сой этагида қуролланган тўрт сипоҳий қарши олди.

Йўловчилар ўзларини танитдилар. Навкарлардан бири тепалиқдаги мачит томон ўрлади. Етиб боргач, ғалати овозда шерикларига қарата ҳайқирди.

Аскарлардан иккитаси сой бўйида қолди. Биттаси кўноқларни эргаштириб, тепаликка ўрлади.

Амир Боботурк уларни қирқ қадамча пастга эниб қарши олди. Дизакийга кўзи тушганда кўзи жиққа ёшга тўлди. Меҳмоннинг ҳам кўнгли бўшаб кетди.

– Эски ёр-дўст, узанги йўлдошлардан илк бор сўраб келган сиз бўлдингиз, азиз дўстим! – деди йиғига ўхшаш овозда бек. – Шайх ҳазратларига кўз-қулоқ бўлиб мен ҳам зиёратингизга бора олмадим. Дизаклар тинчми? Эл-улус омонми?

– Яратганга шукурлар бўлсин, амирим. Замонлар тўзиб, эшаклар отлардан ўзиб кетди. Ҳамма ўзи билан ўзи бўлиб қолган. Биров билан бировнинг иши йўқ. Бунинг

барчаси одамларнинг эрта кунга бўлган ишончларини йўқотганликларидан, – ҳол-аҳвол сўрашиб, гурунглашган-ча ўрлаб боришарди. – Охири орзуйингиз амалга ошиб, ота Ойқор бағрига етишибсиз-да.

– Етишдигу, муҳтарам дўстим, бироқ шу замин қаърига шаҳид ўлароқ сингиб кетмоғимизга бир бахия қолди.

– Англамадим. Нима, шаҳзодамиз сизга ҳам кўз тикдиларми? – кутилмаган гапдан шошиб қолди меҳмон.

– Шаҳзодамиздан Оллоҳ рози бўлсин. Ул кишимнинг биз ила не ишлари борки, узлату хилватга чекинган бир одам бўлсак. Ит қутурса эгасига, қул қутурса хўжасига дегандек, жойимизни солмоқни истаганлар шу ердан, ўзимиздан чиқиб қолди. Даруғаю қутволимиз бизни нариги дунёга жўнатиб, янги ҳокимиятга садоқатини кўрсатмоқчи бўлганлар. Хайриятки, черик орасида имонини еб битирмаган инсонлар бор экан. Шуларнинг огоҳлантириши ва ҳимояси, шайх ҳазратларининг дуолари билан яшаб турибман!

– Ё Оллоҳ! Ё инсоф! Адаб ё ҳу! Аҳмоқ ё ҳу! – аминнинг сўзларидан қалби ларзага келганди Дизакийнинг. – Инсонлар бу қадар ботиллашиб, қотиллашмасалар-а?! Киши ақли бовар қилмайди!

Мачитнинг шайх яшайдиган ҳужрасига етиб келган эдилар.

– Ҳазратнинг кўзлари илинди. Уйғонишлари билан хабар бераман, – деди кечаю кундуз бошида ўтирадиган, табиблиқдан хабари бор шогирди Мурод Али.

– Мусофирлар менинг ўтовимда бўладилар, – деди амир Боботурк қўноқларни каттакон арчага тақаб тикланган қора уй томон бошларкан.

– Хуллас, амир жанобларига қарши уюштирилган фитна қай тарзда ўз ниҳоясини топди? – сўроқда давом этди Дизакий.

– Ғоят ғалати ва ҳайрон қоларлик бир тарзда сўнучланди, дўстим. Ўзингиз билган раҳматли Турон Баҳодирнинг ўғли, шогирдимиз Эртўғрул Туронбек Самарқандга борганда бир даврага тушиб қолади. Ҳофиз Шерозий Шоҳи Қаландарнинг битикларини айтади. Масти Қаландар унга жўр бўлади. Айғоқлар бу давра тафсилоти ва қўшиқ матнини ҳаммолдан чиққан ҳурматли амир ул-умарога етказди. У эса ўз навбатида ҳукмдорга. Шу тариқа учовини ҳам зиндонга ташлайдилар. Зиндонда улар устози аъзам ҳазратлари дастлаб Чечакту қалъасида, сўнгра бошкентда сўроқ қилган Аббос Хўжа Модарзот ҳам бор экан. Шу Аббос Хўжа менинг ҳимоям учун бир одамини Ўсмагга юборади. У келиб даруға Дадақул Дўсанга менга бирор кори ҳол бўлса боши билан жавоб беражагини айтади. Даруға унга тутун қайтариб, ҳибсга олмоқчи бўлади. Келган одам қўйнидан ханжарини чиқариб, бутун бошли черик олдида даруғани чавақлаб ташлайди. Даруғани барча бирдек ёмон кўрганлиги учун бу жазога қарши ҳеч ким сас чиқармайди. “Мен хоин Дадақул Дўсаннинг амри билан қатл этилган Зулфон ўтарчининг хунини олдим!” – дея ҳайқирган киши отига миниб Самарқандга қайтади. Ҳукмдор сиёсатини қама-қамаю зиндонга отмоқ, жазолаб ёсога етказмоқ билан бошлаб давом эттирса охиروқибатида бу фалокат оиласи, сўнгида ўз бошига тушади.

– Ё тавба! Алҳазар! – деди Дизакий дўстини тинглар экан.

– Бошимизга тушган бу фалокатнинг ғалати томони шундаки, мен қаршимдан чиққанларидан бери даруға Дадақул Дўсан ва Ашурали товоқчига яхшилик қилиб келганман. Аравасини торта олмаса-да, шу лавозимларга тавсия этиб, ҳимоя қилганман. Мени ўлимдан қутқарган Аббос Хўжани эса ҳибсга олишга буюрганман. Яхшилик қилганларимдан ёмонлик, ёмонликни раво кўрган

одамимдан яхшилик кўрдим, дўстим! Ана сизга қисмату қадарнинг ғаройиб ўйини! Инсон зотининг энг тубан ва паст даражадаги шарафсизлиги! Киши ўйлаб ўйига етолмайди! – дардини ёрди амир Боботурк.

– Юксак ҳокимият кучсиз ва қўли калта бўлганда жойлардаги мансабдорлар ўзидан кетиб, махфияю парда орқасидаги кучлар ўннга чиқа бошлайдилар, дўстим. Барчаси олий салтанат жиловининг ўз эгаси қўлида эмаслигидадир. Кечмиш бўлсин! Фалокатдан қутулганингиз рост бўлсин! – тилак билдирди Дизакий. – Сиз амир дўстимни Ҳиротдан олийнажот подшоҳимиз Шоҳруҳмирзо ҳузурларидан келган авлодимиз Эсиргап Найманбек ила таништирайин. Сербаракот ўлкамиз Дизакка ташриф буюрганларига бир ҳафтача бўлди. Ўзингизга қадрдон меҳмонхонада астойдил отамлашдик.

– Танишмоқдин мамнун бўлдим, авлодим! Шоҳруҳмирзо ҳазратларининг сиҳат-саломатликлари жойдадир, иншооллоҳ. Бизнинг тоғларга хуш келибсиз, – деди самимият-ла амир.

– Оллоҳ рози бўлсин сиздан, амирим. Сиз каби олий шараф соҳиби саналмиш салтанат беги ила танишмоқдин ифтихор туйдим, – ўрнидан туриб амирга таъзим этди чопар.

– Ўтиринг. Бул каби таъзиму тавозеларга лузум йўқдир. Собиқ салтанатнинг собиқ амири десангиз янада тўғрироқ бўлади, иним, – ним табассумда жавоб қилди амир. – Яхшиси, ул тарафдаги янгиликлардан сўйланг. Шайх ҳазратлари ҳузурларига бу ёғи Макка-ю Мадина, Боғдоду Дамашқ, Мағрибу Қоҳира, бу томони Деҳлию Қашғар, Қандаҳору Ҳиротдан шогирду муридлари келиб туришадди. Самарқандда туймаган янгиликни бизнинг Ўсмату Новқада эшитишингиз мумкин.

– Амир Сулаймоншоҳу Султон Ҳусайнларнинг подшоҳимизга қилган хоинлиги, иккинчисининг-да қатлга

етганини эшитгандирсиз. Қарши яқинида валиаҳд Пирмуҳаммад Жаҳонгирнинг Халил Султондан мағлуб бўлиши ҳам дарёнинг ҳар икки тарафидаги халқларни роҳатсиз этди. Улус эрта кунда ҳаётининг не кечажагини билмай аросатда. Хуросон ўлкаси Туркистон ўлкасидан кўра нотинчроқдир. Исёнлар олови сўнмаётир. Мирзо Мироншоҳ ва Умаршайх мирзо ўғиллари орасидаги рақобату душманлик оқибатда давлату салтанат илдизига болта уради демокдалар, – ўз билганича фикрини сўйлади чопар.

Шу пайтда ўтов қопусидан боши кўринган Мурод Али шайх ҳазратлари уйғониб, мусофирларни сўраганлигини айтди.

– Ҳожи Шарофиддин Дизакий ҳазратларига эҳтиромим чексизлигини ҳузурингизда яна бир бор изҳор этаманким, бул улуғ зот диний ва дунёвий илмларда анча етукдирлар. Биз Мадинадан бу жаннатий ўлкаларга мусофир ўлароқ келиб мусулмон бўлган бўлсак, азиз биродаримиз учун Ҳинду Чин, Мағрибу Машриқ икки қадамдир, – қўноғига лутф этди шайх.

– Астағфируллоҳ! Астағфируллоҳ! Шайх ҳазратларидан бул каби илиқ ва меҳр-муҳаббатли сўзларни эшитмоқ буюк шараф ва масъулиятдир. Таърифингизга муносиб ўлмоқ жидду жаҳдида бўлурман, устоз! – хижолатли оҳангда жавоб қилди Дизакий.

– Оқил ва доно киши не қадар кўп ўқигани сайин шу қадар кам ўқиганини, не қадар кўп ўргангани сайин шунчалик кам ўрганганини, не чоғлик билгани ҳолда ҳали жуда кўп нарсани билмаганини ҳис этаверар экан, қардошларим. Қирқ-қирқ беш ёшларда одам боласи керакли бўлган барча илмларни ўрганиб бўлдим дея хаёл қилар экан. Элликдан ошгандан сўнг илму билимидаги нуқсонларни пайқаб кам ўрганганини, олтмишдан сўнг эса жуда кўп нарсани билмаслигини ҳис этар экан. Етмиш эса кетмиш, саксон

– яксон, тўқсон йўқсан дегани экан, – елкасидан нафас олиб кўнишарди Шайх. – Мажол етмаса-да, бу ёшда киши кўпроқ ҳам гапириб кўяди. Мен ҳам бу хасталиқдан холос эмасман. Хуш келдингиз, сафо келдингиз Шарофиддинбек! Ташрифингиз-ла бизга – шарафлар бердингиз! Мусофиримиз анча узоқдан келганларга ўхшайдилар, – деди шайх чопар Найманга қараб. – Сиз-да хуш келдингиз, ўғлим! Мени сийлаб, кўрмоққа келган экансизлар, сиз покиза қалб инсонларни Оллоҳ сийласин!

– Биродаримиз Эсиргап Найманбек сиз шайх ҳазратларига олийнажот подшоҳимиз Шоҳруҳмирзо зоти олийларининг дуо-ю саломлари ҳамда ҳадяларини олиб келганлар, – чопарни таништирди Дизакий.

– Мошоллоҳ! Мошоллоҳ! Ул улуғзот мирзомиздан Оллоҳ рози бўлсин! Зотан, ул хоқони саидни рўёларимда кўп кўраман. Тушимда доимо учиб юрадилар. Бу шон-шавкат, мулки давлат, тахти салтанатларининг узоқ ва пойдор ўлмоғидан далолатдир! – беғубор ва хаста кўзларини чопарга тикиб турарди шайх.

– Подшоҳ ҳазратлари сиз улуғ пири комилемизга ўзларининг чексиз ҳурмату эҳтиромларини, меҳри муҳаббатунинг чексиз эътиқодларини етказишни сўрадидилар. Зоти олийингиз кўним топган Боғмозор масжид ва манзили ҳамда Макка ва Мадинадаги муқаддас даргоҳлар учун бир миқдор маблағ бердиларким, уни сиз улуғ устозимизга топширмоқдин чексиз мамнуният туядурман! – ўрнидан туриб таъзим бажо этганча зиммасига юкланган вазифани адо этди чопар.

– Дуо этамизки, Оллоҳнинг раҳмату марҳамати ҳар замон подшоҳ Шоҳруҳмирзо Амир Темур Кўрагон ўғли каби дину диёнат, эл-улус ва мулку мамлакат паноҳининг узаринда бўлсин. Марҳаматли султонимиз улусга бир берсалар, эгамиз ул кишимга мингини берсин! – дуо қилди шайх. – Келмиш-кетмиш султонлари орасида ул подшоҳимиз

каби дину диёнатда муқим, муқаддас эътиқодимиз аҳкомларини маҳкам тутган ва ҳимоя қилган ҳукмдорлар кам ўтган. Ул олийнажот шоҳимизнинг қиблагоҳлари, ётган жойлари нурга тўлгур Султон Соҳибқирон кечмиш юз йилликда дини исломнинг янгиловчиси ўлароқ шарафли тарихимизнинг шонли саҳифаларига муҳрланиб қолдилар. Қалбимга яратган бир сўзни солдики, айтмасам бўлмас. Буни бориб ул шавкатли султонимизга етказинг! Султон Соҳибқирон ҳазратларини улуғ хоқон деган унвонла атаб, шарафлар эдик. Шоҳруҳмирзо ақли салимликда якто олим, илму урфонда беназир саиддир! Бугундан эътиборан биз ул олийнажот шоҳимизни хоқони саид дея атаймиз! (Саид сўзи арабчада илмли олим, ойдин, зиёли маъносини англатади).

– Мошоллоҳ! Нақадар гўзал ва муносиб унвон! – деди Шарофиддин Дизакий шайхнинг сўзларидан таъсирланиб.

– Муносибдур! Ярашадур! – деди амир Боботурк.

– Ва сўйлангим, подшоҳимиз узоғи ила бир ярим йилда падари бузрукворларининг сўнг макони зиёратига келадилар. Ул том мўмин-мусулмон подшоҳимиз биз яшаган мана шу манзилга ҳам ташриф сояларини соладилар. Бироқ у пайтда мен сизлардан дуо истаб, яратганнинг ҳузурида бўлишим мумкин. Бу нарса ҳақдир ва уни эгасининг неъматини ўлароқ қабул этмоққа ҳар замон ҳозир ўлмоғимиз лозим. Хум синарми, хумча синар, яратганнинг ўзи билар, – ўз ўлими ҳақида шу қадар сокин ва совуққонлик билан гапирарди шайх. – Менинг дуо ва саломларимни ул нажотбахш инсон, хоқони саидимизга еткуринг! Ҳар кори ҳолда дийдор қиёматга қолажак каби кўринадир!..

Сўзини мухтасар қилган шайх яна беҳол чўзилди. Табиб шогирди унга бир неча қултум сув ичирди. Толиққан бемор беихтиёр кўзини юмди.

Вазиятни англаган мусофирлар ҳужрадан чиқиб, сасиз-садосиз амир Боботуркнинг ўтови томон юрдилар.

– Биз-ла баробар Ҳиротга кетсангиз бўлмасми, амирим! – деди Дизакий ўтов ўнгидаги сахнга қўйилган курсига ўтирар экан. – Подшоҳимизнинг сиз каби тажрибали бекларга эҳтиёжлари бор экан.

– Ёшим бир жойга бориб қолганига қарамай борар эдим, дўстим. Бироқ шайх ҳазратларининг аҳволларини кўриб турибсиз. Ташлаб кетолмайман. Сўнг кунларини менга васият этганлар. Фарзандлик бурчини адо этишим керак. Бу масаланинг биринчи томонидир. Иккинчи истиҳолам шундан иборатки, устози аъзам билан фарзандлари Шоҳруҳмирзо ораларида шахс ва хоқон ўлароқ тафовут бор. Подшоҳ Шоҳруҳ ҳазратларининг дину диёнатда олиму уламоликлари посангига қўйилса ҳукмдорликларини босиб кетади. Амир Соҳибқирон ҳазратлари дину диёнатнинг не қадар буюк ҳимоячиси бўлсалар-да, ўзга дину эътиқодларга муносабат, дунёвий илмлар ривожига рағбатда беназир эдилар. Эсингизда бўлса улуғ устоз маҳди ул-ё Сароймулкхоним мадрасаларида беш-олти нафар айбдорни сўроқ қилдilar. Ўз эркин фикрини сўйлагани учун диндорлар ўлим жазоси талаб қилган Ваҳобий ва Такатуркман каби кишиларни устоз озод этдилар. Агар қиблагоҳларининг ўрнида мирзомиз бўлганларида сўзсиз диний уламолар сўзини тинглаб, ясога тортардилар. Шу каби андишалар туфайли бу таклифингизни рад этмоққа мажбурман, дўстим. Зиндондан омон-эсон чиққан бўлса хоқонимиз хизматларига шогирдим Эртўғрул Туронни юбориш ниятидаман. Мен эса кўзим очиқ эркан, шу она тупроқда яшайман ва вақти-соати етгач, табиийки, унинг бир парчасига айланажакмиз! Даму дақиқаси етгач, биз ватанга айланажакмиз, дўстим! Ва танимизда ватан яша-яжакдир!

Икки дўст бир-бирларини кучоқлаганча бир муддат гап-сўзсиз турдилар.

Иккисининг ҳам кўзи ғилқ ёшга тўлди.

Амир билан бир кеча-кундуз гурунглашган Дизакий ва Эсиргап Найман кўзда ёш ила хайрлашиб, Самарқанд йўлини тутдилар.

Самарқандга устоз Дизакийсиз кириб бормоққа Бобо Тармишдан чўчиган Хуррам Пашоғарий уларни Мулунғур (Мўғул тилида лойқа сой демак) йўлидаги такада кутар эди.

Такаяда бир косадан қатикдай қуюқ қайнатма шўрва ичиб, истироҳат этган йўлчилар хуфтон намозига таъқибан шаҳарга кириб келдилар.

Эсиргап Найман Қулман Қиётни қидириб кетди.

Пашоғарийнинг Бўстонсаройдаги хужрасида тунаган устоз-шогирд нонушта қилишгач, Кўксарой ҳовлисига етиб бордилар.

Кўп ўтмай дарвозадан бир пайтлар бош вазир Шайх Нуриддин минадиган, Амир Соҳибқирон совға қилган Олайўрғада салласини чувалатиб, яктаги этагини осилтириб дағдаға билан Бобо Тармиш кириб келди. Қовоғини уйганча дизаклик мусофирлар билан кўришди.

– Бироздан сўнг давлатпаноҳимиз ҳам келиб қоладилар. Орқамдан юринглар! – деди амир ул-умаро дунёнинг бутун ташвишини бир ўзи ҳал қилаётгандек сохта қиёфа ва овозда. – Кечаси ҳам тиним йўқ. Югур-югур, – ўзича гапириниб борарди.

– Масалани шогирдингиз айтгандир, Дизакий домла. Султонимизнинг амрлари билан Чин подшосига мактуб ёзишимиз керак. Шунга сизни кўмакка чақирдик, – деди Бобо Тармиш ранги ўнгиб кетган дастрўмоли билан пешона ва бўйин терини артаркан. – Ўтиринглар.

– Матнни подшоҳимиз ҳузурларига биз ёзиб кирамиз

ми ёки ўзлари айтиб турадиларми? – сўради Дизакий хона соҳиби имо қилган курсига ўтирар экан.

– Аълоҳазрат зоти олийлари нени лозим кўрсалар сўйлайдилар. Сўнгра менинг хонамга келиб, қоғозга туширасизлар. Чин карвони шу мактубни кутиб турибди, – вазифани англатди соҳиб ихтиёр.

Бош вазир кўнишса-да, икки кўзи ҳовлида эди. Унинг хонасидан сарой ҳовлисига кириш дарвозасидан тортиб, қоровулхоналаргача кафтдагидек кўзга ташланиб турарди.

Саройдан бир неча мулозимнинг югуриб чиқишидан подшоҳ етиб келган эди.

Бобо Тармиш ҳам гапдан таққа тўхтаб, ташқарига отилди.

Ҳовлининг ўртасида ер ўлиб ҳукмдорни қарши олди. Сўнгра пешини юзига босди.

Халил Султон Кўктош турган саломхона томон келарди. Султон билан кириб кетган соҳиб ихтиёр хонасига қайтиб келиб, Дизакий ва Пашоғарийни саломхона томон бошлади.

Устоз ва шогирд подшоҳ қаршисида тобуғ расмини бажо келтирдилар.

– Раҳматли улуғ хоқон ҳазратларининг Чин буюк элчиси Шарофиддин ибн Фахриддин ад-Дизаки ал-Бухорий жаноблари хизматингизга ҳозирлар! – дея меҳмонни таништирди бош вазир.

– Хуш келдингиз, устоз Дизакий жаноблари. Соҳиб ихтиёримиз сизларга вазифа ва мақсадни англатгандирлар? – деди Халил Султон Кўктошга қулайроқ ўтираркан.

– Англатдилар, султоним! Амри фармонларига мунтазирмиз! – жавоб қилди сарой тартибу низомларини яхши биладиган Дизакий яна бош эгиб таъзим қиларкан.

– Чин подшоси Дой Минг бизнинг давлатимизга дўст ва хайрихоҳ бир ҳукмдордир. Сизнинг бевосита хабарин-

гиз бор. Улуғ бобом ҳазратлари замоналарида орадаги муносабат бироз кескинлашган, бунинг оқибатида ул тарафга юриш эълон қилиниб, оқибати хайрли тугамаган эди. Биз кечмишдаги ҳар бир фатҳу зафар, нуқсону қусурдан сабоқ олишимиз лозимдир. Маълумингизким, тарих – сабоқ олинмаса, хулоса чиқарилмаса такрорланажакдир. Чинми ҳиндми, гуржию яҳудийми ким бўлмасин, ўзга, билхосса қўшни давлатлар билан яхши муносабатда бўлишимиз керак. Айна кунда биз ана шу, тинчлик ва осойишталик сиёсатини сақлаб, Чин подшосига ҳам ўзимизнинг дўстлик қўлимизни узатамиз. Мактубда мана шу сўзлар ўз аксини топиши лозим. Шуни алоҳида қайд этмоқ керакки, салтанатимизнинг ташқи душманлари йўқдир. Яғийларимиз ўз ичимиздадир. Уларнинг энг биринчилари Ҳиротдаги амакимиз ва Балхда тахт даъвосини қилаётган буюк қардошимиздир. Улуғ Чин ҳукмдори буларни билиб қўймоғи керақдир. У куч-қудратли подшоҳ рақибларимизни эмас, бизни тан олмоқда. Бу ҳам улуғ бобомизнинг асл вориси ким эканлигини билдиргувчи муҳим ишоратдир. Асл дўстлар эса ҳар доиму ҳар замон бир-бирларига кўмак этмоққа ҳозир ўлмоқлари жоиздур. Биз Чин подшоҳини ана шундай дўст деб биламиз ва ҳар икки томоннинг тужжорлари бундан кейинда бемалол бордикелдини давом эттиришлари даркор. Улуғ бобомиз ҳам ҳозирги подшоҳнинг отаси Той Зуй билан яхши алоқада бўлганлар ва элчилар ўз вақтида бориб-келиб, совғалар жўнатилиб турилган.

Халил Султон бир муддат тин олди-да, ўрнидан туриб ойна олдига борди. Саломхона деразасидан ҳам ҳовли кўриниб турарди.

Ҳовли ўртасига тахтиравон етиб келган, ундан кўйлаги этагини ўн чоғли канизак кўтарган Зубайдаи соний, бош малика Шод Мулк тушиб, Кўксаройнинг ҳукмдор киргувчи қопуси томон келарди.

– Маликамиз келдилар. Қаршиланг, – буюрди султон Бобо Тармишга.

Соҳиб ихтиёр пилдираганча ташқарига отилди.

Бир коса қимиз ичгулик муддат ўтди.

Саломхонага ойдаи тўлиб, кундай кулиб, атрофга муш-ку анбар атрини таратиб, отлиқлар отиб, пиёдалар ётиб қарагувчи соҳибжамол малика Шод Мулк кириб келди.

– Сизни чошгоҳда кузатдим, тушгача соғиниб қолдим, шаҳаншоҳим! – деди у эшиқдан кириб келиб Халил Султон қаршисида тиз чўкар экан.

– Мен ҳам, – деди подшоҳ уни билагидан тутиб турғазаркан. – Келинг, ёнимга ўтиринг. Чин подшоҳига мактуб битаётган эдик. Бул устоз улуғ бобом ҳазратларининг Чин мамлакати бўйича хос элчи ва маслаҳатчилари ўлароқ салтанатга хизмат этган Шарофиддин Дизакий ҳазратлари бўладилар. Бошкентимизда чин тили ва имлосини устоз каби биладиган киши йўқ экан. Шул боис саройга таклиф этдик. Мен устозга мактуб маъносини сўйламоқда эдим. Сиз ҳам тингланг ва фикрингиз бўлса айтинг, – дея хонимини Кўктошга ўтқазди Халил Султон.

– Менга жуда қимматбаҳо ва ноёб чин адрасу шойилари, бахмалу кимхоблар юборибдилар улуғ хон ҳазратлари. Менинг номимдан ҳам дуо ва саломлар сўйланг. Мен ҳам подшоҳ ҳамда маликалари шаъни шавкатига мос ҳадялар ҳозирламоқдаман, – Дизакийга қараб гапира кетди малика.

Дизакий таъзим бажо этгунча бош эгиб, маликани тингларди.

Қўлини орқасига қилган Халил Султон малика сўзини тугатгунга қадар саломхона эшигига бориб қайтди.

Маликага қолса яна бироз нутқ отарди. Бироқ эрининг жиддий қиёфасига назар солганча гапни узатмади.

– Мана шу, мен айтган фикрлар асосида ва ул мамла-

катни яхши билган киши сифатида хонга маъқул келадиган бир мактуб матнини ҳозирланг. Сўнгра менга ўқиб берасизу, муҳримизни босамиз. Унгача ҳадялар ҳам ҳозир бўлади, – ҳамон юрганча гапирарди подшоҳ.

– Мавжуд улуслараро муносабатлар тартиби бўйича уч дона мактуб битмоғимиз жоиз бўлади, султоним. Биринчи мактуб сиз қайд этганингиз дўстона муносабатлар ва тилаклар акс этган расмий хатдир. Иккинчиси эса ҳадялар рўйхати битилган мактубдир. Учинчиси йўл мактуби деб аталади ва сафар давомида элчи бораётган қарвон қаршисидан чиққан муҳофизларга кўрсатилади. Ҳар уч мактуб ҳам чин тилида, форс ва мўғул имлосида турк тилида ёзилмоғи керак. Уларнинг Султон Соҳибқирон ҳазратларига йўллаган хатлари шундай тартибда эди ва биз ҳам шу тахлит жавоб қайтарар эдик.

– Ёзишма тартиб-қоидаларини яхши билганингиз учун ҳам сизни саройга даъват этдик-да, устоз. Бу хусусда неки лозим бўлса, ерига келтиринг, – буюрди подшоҳ суҳбатга яқун ясаркан.

– Амри фармон султонимизнингдир! – дея чекинди Дизакий.

– Ҳар замон бандфармонликда муқиммиз! – деди амир ул-умаро бош эгиб.

Хонада малик ила малика қолди.

– Дизакий деганингиз ҳам улуғ бобонгиз душман қардошингизни валиаҳд эълон этиб, амиру вазирларини қасамга таяганларида ўша ерда бўлиб, ҳамма гап-сўзни эшитган. Уни саройда қол деманг. Дизакликлар ҳам хоразмликларга ўхшаб сувнинг оқишига қараб иш кўрадилар. Отингиз тойган куни сотадилар.

Халил Султон хонимига тикилиб қараб турди-ю, бошини соллаганча индамай бориб Кўктошга ўтирди.

– Бугун Қорадарёда қураётган кўпригингиз қурилишини

кўрмоққа бормоқчи эдингиз, маликам? – деди севгилисининг киши ақлини-шоширадиган қадди қомати, юракни ҳаприқтирадиган гўзал чеҳрасига боққан шаҳзода.

– Бормоқчи эдим, жоним жаҳоним шаҳзодам. Сиз олийнажот шаҳаншоҳимни бир зум кўрмасам, соғинчдан юрагим ўртаниб кетади. Шул боис яна бир бор муборак палосларини ўпмоққа қарор қилдим. Бир қошиқ қонимдан кечинг, султоним! – сўзга чечан эди малика.

– Не демак, маликам! Сизни ҳар даму дақиқада кўрмакдин буюк неъмат йўқдур менга! – маликани ёнига ўтиришга даъват этди подшоҳ.

– Сиз улуғни, жони жаҳоним-ла мана шу, мушк-анбар кўкиган ҳаволардан бироз нафас олмоқ бахтига мушарраф бўлиб, яна соғинганимча йўлда давом этаман! Оллоҳ насиб этса эртага, узоғи билан индин кўпригим битади! Ҳали битмасидан халойиқ уни Шод Мулк кўприги деб атамоқда! Эшитиб, кўзларим жиққа ёшга тўлди! Одамларга яхшилик қилмоқ не қадар буюк саодат эканлигини юрак-юракдан ҳис этдим, – яна кўзи ёшовлади маликанинг. – Худо хоҳласа, мен ҳам буюк бибимиз каби улкан бир масжиду мадраса қурдираман!

– Мени бандию асир этган нарса сиз – жаҳон маликасининг ана шу тоза ва беғубор юрагингиз, маъсум болаларники каби беғубор кўнглингиздир! – ўнг қўлини маликанинг елкасига қўйди подшоҳ.

– Худо хоҳласа, кўпригим битса, зоти олийлари султонимнинг ўзлари бориб, очиб берадилар, – ҳаяжондан овози тўлқинланарди маликанинг.

– Жоним билан, маликам. Истасангиз кўприқдан қўл ушлашароқ илк бор иккимиз ўтамиз. Ўнгимизда дуоғўй оқсоқолу момоларимиз юрадилар. Не дейсиз? Маъкулми?

– Сиз азиз шаҳаншоҳимнинг ҳар бир сўзлари, имою ишоратлари мен учун тўраю тузук ўрнидадир. Не қадар

гўзал иш бўлғай, жоним! Унда мен сиз улуғ султонимнинг вақти замонларини ҳам олмай, йўлимда давом этайин. Ишларимни битириб, ҳамон боққа дўнажакман. Султонимни тўрт кўз-ла беклаяжакман.

Малика шундай дея тиз чўкиб, шаҳзоданинг ўнг қўлини ўпди. Халил Султон уни ўрнидан турғазиб, елкасидан тутганча қопу томон юрдилар. Бирга сарой саҳнига чиқишди.

– Келаётсам димоғимга бир ажиб ҳид урилди. Сездимки, жийда гулламиш. Негадир бу йил жийда одатдагидан кечроқ гуллади. Пайғамбаримиз ҳазратлари сўйлайдиларки, жийдадан жаннатнинг кўқиси келади дея. Назаримда, ўзимни жаннатда юргандек ҳис этдим ва сизни соғиниб кетдим. Беихтиёр дафтаримни олиб, қуйилиб келаётган сатрларни қоғозга тушира бошладим. Сизга бераман. Йўлда ўқиб кетасиз ва кечқурун фикрингизни айтасиз, – деди подшоҳ маликани тахтиравонгача кузатиб келаркан.

– Жоним билан, шаҳаншоҳим. Битикларингизни кўзларимга суртиб ўқиғайман, – жавоб қилди Шод Мулк ҳаяжонла энтикиб. – Ҳузурингизга келаркан, жийда ҳидини мен ҳам тўйдим.

– Бу кўқида армону ҳасрат ҳиди бордек туюлади менга. Ҳа, айтгидек, боя тилга олганингиз буюк бибимиз ҳолидан хабардор бўлиб турибсизми?

– Қизлар бориб кам-кўстларидан хабар олмоқдалар. Айтишларича, ҳеч кимни қабул этмай, кимса ила қўнишмоқни истамай қўйибдилар. Борсам-да таъбимни тирриқ қилдиларми деган андишадаман, султоним.

– У кишимга нисбатан муносиб давронмадик, чамамда. Менга волидамдан-да фозила хизматлари синган эди. Билиб-билмай орадаги деворларни бузиб қўйдик. Энди уни тикламоқ мушкул кўринадир. Бибимиз бизни ҳеч қачон кечирмасалар керак, – деди шаҳзода чуқур, хўрсиникли нафас оларкан. – Инсон бугундан эртага қисмати қадари не кечишини билмас экан.

Уйга толган шаҳзода қўйнидан чиқарган қоғозни маликага узатди. Битикни кўксига босган Шод Мулк таъзим-ла хайрлашиб тахтиравонга ўтирди.

Тахтиравон жилиши билан сабрсизлик-ла битикни ўқий бошлади:

Қачон гуллар жийдалар,  
Зор-интизор дийдалар.  
Ёдинг қалбим қиймалар,  
Ҳажрингда жон қийналар.  
Нечун баҳор кечикди,  
Сенга жоним ичикди.

Қишлар бунча узундир,  
Қаҳрига не тўзимдир.  
Мен-чун баҳор ўзингдир,  
Сиз бу менинг ўзимдир.  
Нечун баҳор кечикди,  
Сизга жоним ичикди.

Ўтган карвон қайтадир.  
Бизга нажот қайдадир.  
Сиз деб жонин тикканлар.  
Бугун дардин айтадир.  
Нечун баҳор кечикди  
Сизга жоним ичикди.

Қош эмас, бу камонлар.  
Ҳолим қилди ёмонлар.  
Сизга маҳтал омонлар,  
Ортиқ бўлмас замонлар.  
Нечун баҳор кечикди  
Сизга жоним ичикди

## ЙИГИРМА ТҶҶҚИЗИНЧИ БОБ

*Эй Улуғ Турон! Арслонлар ўлкаси!  
Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир?  
Нечук кунларга қолдинг? Эй Чингизларнинг,  
Темурларнинг, Ўғузхон оилаларининг болалари!  
Қани учиклигинг, юксак ўринларинг?  
Қуллик чуқурларига недан тушдинг?*

### ФИТРАТ

Милодий минг тўрт юз олтинчи йил бошида Халил Султон билан бўлиб ўтган тўқнашувдан сўнг жангда талофат кўрган Хуросон лашкари ўзига келмоқ учун тарқатилган, доимий чериклар эса машқ майдонларига чекинган эдилар.

Ўтган йили юз берган қурғоқчилик ва қаҳатчиликдан ҳамон ўзига келмаган Ҳирот халқи арку шаҳар атрофидаги уруғ ташлаш мумкин бўлган майдонларда экин-тикин қилар, куйиб-пишиб қиш ғамини ер эди.

Подшоҳ салтанат хазинасига ўтган йилдагидан икки баробар кўп миқдорда ғалла тўплаш амрини берди. Турли маросимлар муносабати билан кичик бош ва буюк бош ҳайвонларни кўп сўймаслик тавсия этилди.

Саломлик даҳлизида хос элчи Шарофуддин Дизакий ва юзбоши Эсиргап Найман подшоҳ қабулини кутарди.

Ёз бўйи йўлга чиқишга имкон бўлмади. Самарқанд салтанатининг қоровул ва ясовул суворийлари, белида қилич қўлида найза тутган аскар борки, Маймурғ жангидан сўнг жанубга, Сайхуну Ҳирот томон йўлга чиққанларни тафтиш этароқ талар, равоту ёмларда тутиб қолиб, азоблашарди.

Жануб сари ўрмалаган жонзод борки, салтанат сиёсати-га қарши киши саналиб тафтиш этилар, хешу ақраболари ҳам таъқибга учраб, руҳий босқи ўтказиларди.

Ҳиротдан Дизакка етиб келган Эсиргап Найман устози ва кўмондони Қулман Қиётнинг Халил Султоннинг яқин кишиларидан бирига айланганини эшитиб, кўнгли таскин топди.

Бирор ҳафта шаҳарнинг Қассоблик маҳалласида яшовчи элчи Дизакийнинг вассажуфтли, пишиқ тупроқли, лойсувоқли кўноқхонасида яшади.

Элчига мавжуд вазиятни аңлатиб, маслаҳат сўради. Дизакий унга дастлаб бошкентга бориб Қулман Қиётга учрашиши, унинг йўл-йўриғига кўра ҳаракат этиб, сўнгра амир Боботуркнинг ёнига боришни тавсия этди.

Қулман Қиётнинг ўнбошиси эканлигини эшитган қоровулу ём хизматчилари унинг отини алмаштириб, туймочла мусофир этишар, ҳурматли меҳмон каби кутиб олиб, кузатишарди.

Қулман Қиётнинг номини эшитишлари билан қайдану кимнинг ҳузуридан келаётганини ҳам сўраб-суриштиришмас, елпатак бўлиб хизмат қилишарди.

Ясовулбоши Қулман Қиёт Бўстонсаройнинг биринчи қаватидаги бўйдоқ мулозимлар хонасида яшар, подшоҳ Халил Султон уйқуга кетгандагина саройга қайтар эди.

Ярим кечада хонасига кириб келган Қулман Қиёт ётоғида ухлаб ётган Эсиргап Найманга кўзи тушиб, ҳайратдан қотиб қолди.

– Ердан чиқдингми, осмондан тушдингми, ўнбоши? – деди қувончини яшира олмай. – Жанозангни ўқитиб, худойи мазорингни қилсакмикан деб ўтиргандик. Сувга тушган тошдек ғойиб бўлиб кетдинг-а? – дея уни бағрига босди.

– Икки саваш орасида қолиб, бошим қотди, хўжайин. Хайриятки, сиз подшоҳимизнинг ишончларини қозониб, мартабангиз юксалибди. Бўлмаса, бошкентга етиб келишнинг ҳам ўзи бўлмас экан. Тўрт тараф қоровулу тилчиларга тўла. Қимирлаган одам борки, ушлаб бошини қотириб

текширадилар. Тергайдилар, – жавоб қилди Эсиргап Найман дўстнинг қаршисига чўкарган.

– Ҳа, орзулайдиган замонлар бўлмай қолди, Эсиргап. Бизда ҳам на кеча, на кундуз ҳаловат бор. Малигимиз бир амр берсалар, маликамиз унга қўшимча қиладилар. Эртаси куни ҳар икки амрни ҳам бекор этиб, янги буйруқ берадилар. Хуллас, бошимиз айланган. Бугундан эртага не кори ҳол юз беришини кимса билмайди. Бунинг устига маликамизнинг йўриғидан чиқмайдиган ҳаммолдан чиққан аждарнафс амир ул-умаро Бобо Тармиш ўзига ёқмаган дўкончию ер эгаларининг мулкани Зубайдаи сонийимизнинг қариндош-уруғларига қонунсиз равишда тортиб олиб бермоқда. Рози бўлмаганларни калтаклатиб, зиндонга оттирмоқда. Бу нарса ҳам охири бир кун катта жанжалга сабаб бўлади. Бу ҳақда кимса оғиз очиб, султонимизга айта олмайди. Айтса халқ душмани-ю, салтанатни ағдармоқчи бўлган исёнчига айлантиради.

– Барча подшоҳлар ўз яқинларидан кўрқиб, қулу хизматкорларини юқори мартабаларга кўтариб, амир ул-умаро ва вазир этар эканлар-да, хўжайин. Форс ҳукмдори Пирмуҳаммад мирзо Умаршайх ўғли ўз табиби, вужуд уқаловчисини соҳиб ихтиёр этиб тайинлабди. Пирмуҳаммад мирзо Жаҳонгир ўғли эса бир қулвачча хизматкорига мулки давлат жilовини бериб қўйибди. Ҳиротда узоқ қолиб кетдим. Амирзода Улуғбек хизматида ҳамда кўп доно ва оқил амир Шоҳмалик билан суҳбатлашмоқ бахтига муяссар бўлдим. Ул кишим бироз сақлаб тилини ҳам билар эканлар. Ризону Новгород деган тарафларда яшагувчи халқларда “из грязи в князи” деган ота сўзи бор экан. Бул амирзодаларимиз тожу тахт, мулки давлат кўрган беку бекзодалар, саййиду амирзодалардан чўчиб, қулваччалардан вазиру аслзодалар ясамоқдалар. Қум йиғилиб тош, қул йиғилиб бош бўлмаганидек, бун-

дай насл-насабсиз кишиларнинг ҳокимият тепасига келиб қолиши салтанат ва сулоланинг заволига олиб келади. Очу иштонсиз юрган киши тахту давлат тепасига келдими, тамом. Дастлаб теварак-атрофидагиларни, сўнгра улусни ўзининг кечмишдаги аҳволига туширмай қўймайди. Ҳар бири ўзини улуғ боболаридан кам чоғламай ҳаракат этаётган ва хатолиғларини англаб етмаётган амирзодаларимиз эса ўйламай-нетмай қўяётган қадамлари билан дастлаб ўзларини хароб, сўнгра салтанатни барбод этадилар, дедилар афсусу алам билан.

– Тўғри. Йўқсил бой бўлса-да, қирқ йилгача унинг устидан қашшоқнинг иси келиб тураркан. Амир Шоҳмалик тўғри сўйлабдилар. Парчаланган Турон салтанатида Султон Соҳибқирон ҳазратларининг ҳурматиға сазовор бўлган икки киши бор эди. Булар амир Шайх Нуриддин билан амир Шоҳмалиқдир. Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамас дегандек, ўзларини тенгсиз санаган бу улуғ беклар ҳам ўзаро ғаниму рақиб. Бир-бирларини отарга ўқлари, чопарга қиличлари йўқ дейдилар. Амир Шоҳмалик Шоҳруҳмирзо ёнида туриб, бизнинг подшоҳни кўтариб ташлаб, Туркистонун икки дарё оралиғини шогирди амирзода Улуғбекка олиб бериб, оталиқ сифатида ўзи бошқармоқчи эмиш. Шайх Нуриддин эса иниси амир Бердибек орқали Халил Султонни қўлга олиб, Шоҳруҳмирзога қарши қилич қайрамоқчи экан. Энг ёмони, бу ўлка ва мамлакатда этагига намоз ўқиш мумкин бўлган, ҳақсизлигу адолатсизликка дучор бўлган одам сўнги, ҳаёт-мамот дақиқасида додини айтиб борадиган ва унга қулоқ соладиган одам қолмади, Эсиргап. Биз ҳам аждаҳо оғзидан лўқма олиб еб, қил устида юрамиз. Султонимиз олижаноб, бағрикенг ва мард бир кишидир. Бироқ муттасил масту мустағриқлик билан салтанат иши юрмайди. Бунинг устиға маликамизнинг ақл бовар қилмас талабу

инжиқликлари. Ҳамма саройга яқин бўлмоққа интилади-ю, бироқ ҳавас қиладиган жой эмас экан бу ерлар, биродар. Қандай тасодиф билан бу тепаликка чиқиб қолган бўлсак, бир куни худди шундай тезликда улоқтирилсак керак. Ожиз фикримча, яна бир нарсани англадимки, ҳар қандай ҳукмдор ўзидан кўра ақлли ва машҳур одамларни хуш кўрмас экан. Бунинг учун ҳаммадан устун, ақлли ва мард Амир Темур Кўрагон бўлиш керак шекилли. Улус кўнгли ва хотирасида мустасно ери бўлган Султон Соҳибқирон замонаси авлодлар учун энди рўё каби бўлиб қолади чоғи. Айни дамда сену мен кўриб, шоҳиди бўлиб турган воқеалар улкан муз тоғининг кўриниб турган томонидир. Юрту мамлакатни жангу жадаллар, сўғишу савашлар сил-силасининг шиддатли гирдоби тортиб кетадигандек. Киши ким бўлмасин, дарвеш девонами, шоҳу султонми разил иши билан дастлаб ўзининг, сўнгра миллатнинг юзини қора қилар экан.

Эски дўст ва қадрдонлар тун ярмигача суҳбатлашиб ўтирдилар.

– Сизни кутиб, кундузи мизғиб олганман. Чарчаб келдингиз. Энди истироҳат этинг, устоз, – деди Эсиргап Найман хонтахта устидаги ошлоқни йиғиштириб токчага олиб қўяркан.

– Буни қара-я, Эсиргап. Ўзимиз бир кишининг амри фармонидаги аскар киши бўлсак. Ишқиримиз тошни ёриб, салтанат ташвишини чекканимизни қара. Кошки биров биздан буни сўраб, қулоқ тутса, – деди ечиниб ётмоққа ҳозирлик кўраркан Қулман Қиёт.

– Ҳа-я, шуни айтинг, устоз. Ҳиротда эканман, амирзода Улуғбекнинг суҳбатларида бўлиб, сўзларини тингладим. Ҳаракатларини кузатдим. Бошқача инсон ва шаҳзода эканлар. Одам айирмай, шоҳу гадога тенг, барчага бирдек муносабату марҳаматда бўлар эканлар, – амирзода таърифини қилди Эсиргап Найман.

– Амирзодамиз каби кўнгил кишиларининг ҳокимиятга келиши қийиндир. Қаттиққўл кучлар бунга йўл қўймадилар. Давлат бошига келсалар-да, ишлари қийин кечади ва фитнаю исёнларга дуч келаверадилар. Бизгачаям шундай бўлган. Бундан сўнг ҳам шундай бўлади, Эсиргап. Шогирд уйқуга кетган эди...

...Эшик оғаси хос элчи Шарофиддин Дизакий билан чопар Эсиргап Найманни подшоҳ ҳузурига даъват этди.

Тобуғ расмини бажо келтирган Дизакий кўзига ёш олди. Шохруҳмирзо тахтдан туриб келиб қиблагоҳининг сўнги дамларида ёнида бўлган ва суҳбатини олган ҳурматли инсон билан кучоқлашиб кўришди.

– Салтанатимиз равнақи йўлида қилган улуғ хизматларингиз ҳар қандай тақдирнинг узариндадир, – деди подшоҳ қайтиб бориб тахтга ўтиргач. – Сизни узоқ кутдик. Ҳарҳолда юртдаги нотинчликлар туфайли йўлга чиқа олмаган бўлсангиз керак?

– Олий даргоҳларига даъватингиздан бошу кўксимиз кўкларга юксалди, султоним! Зоти олийларига хизмат этмоқ, Турон давлату салтанатига хизмат этмоқ, барчамизнинг қиблагоҳимиз Султон Соҳибқирон ҳазратлари руҳларига содиқ қолмоқ демақдир. – Юртдаги вазиятни сўрсангиз шундайдир, улуғ подшоҳим. Оллоҳдан раҳмату ниёз тилаганимиз улуғ хоқон даврларидаги омон-омон замонлар тушга айланиб қолди. Кўксаройда хизмат қилгувчи, чопаримизнинг устози, ясовулбоши Қулман Қиёт қардошимизнинг кўмаклари туфайли бир амаллаб дарёдан ўтиб олдик. Юрт нотинч. Салтанат кишиларининг асосий иши тавочилик бўлиб қолди. Бошкенту улус амирларининг вазифаси бир ишдан иборат бўлиб қолган. Черик учун одам тўплашу лашкар харжи учун солиқ йиғмоқ. Олиму уламолар пана-панада, ўзаро суҳбатларда зоти олийларининг юрт сари қадам босишларини сўраб, дуо-

лар қилмоқдалар, – юрту улус аҳволини англатган бўлди Шарофиддин Дизакий.

– Кимга ният, кимга қисмат. Ҳар неки иш яратган ёлғиз эгасининг қўлидадир. Унинг хоҳиш-иродасисиз бир тош иккинчи бир жойга қўзғалмагай, – масалани чуқурлаштирмоқ истамади Шоҳруҳмирзо. – Биз саройда таржимонлар гуруҳини тўплаб, сабоқ бермоққа бошладикки, унга сиз каби тажрибали, дунё кўрган бир киши етакчилик қилмоғи жоиздир. Сиз Чин мамлакатада кўп бора бўлгансиз ва ул юрт давлати ҳамда халқининг урф-одатларини яхши биласиз. Шу ёки келаси йил ичида улар хони Дой Мингдан элчилар келади. Шаҳарга, бозорларга зийнат бериб, ҳар бир санъат эгаси ўз ҳунарини тўла кўрсатмоғи, дўконларини безаб, саришта тутмоғи керак. Бу ишларни бевосита ўзингиз ташкил этсангиз ва таржимону котибларни етиштирсангиз. Неки кўмак лозим бўлса ҳар он ҳузуримга кела билурсиз.

– Амри фармон султонимизнингдир! – дея таъзим бажо этди Дизакий. – Сиз не ҳаводислар келтирдингиз? – чопар Эсиргап Найманга қаради подшоҳ.

– Зоти олийларига Мир Халилуллоҳ Барака ва амир Боботуркнинг дуойи саломларини етказмоқдин шараф туймоқдамен. Шайх ҳазратлари учун берган маблағ ва ҳадяларни ўз қўлларига топширдим. Кўзларида ёш ила дуо этдилар. Бир ярим йилга қолмай Султон Шоҳруҳга ота бошкентларига келмоқ насиб этгусидир дея башорат қилдилар. Ва сўйлангим, қиблагоҳлари кечмиш юз йилликда шарафли динимиз янгиловчиси эдилар. Подшоҳимиз дину диёнатлари, илму амаллари ила хоқони саид унвонига муносибдир дедилар...

– Шайх ҳазратлари шундай дедиларми? – дея қалқиб ўрнидан туриб кетди подшоҳ.

– Шундай дедилар, зоти олийлари, – ҳаяжон тўла овозда жавоб қилди чопар.

– Ё Оллоҳ! Қиблагоҳнинг пиру дуогўйлари Мир Саид Барака ҳазратлари неники башорату каромат этсалар, амалга ошар эди. Зотан, уч йил бўлди падари бузрукворимиз тупроқларини тавоф қилмоқ насиб этмаётир. Иншооллоҳ, яратган йўл бериб, юртга йўл очилса, ота-бо-бо тупроқларни кўзга суртмоқ насиб этса! – овози титраб кетди султоннинг.

– Дуо қиламиз, давлатпаноҳ! Дуо қилинглар, ўша заҳотиёқ ижобат бўлади. Ёки кечикиб бўлса-да, ижобат бўлади ва албатта ижобат бўлади, дейдилар ҳазрати пайғамбаримиз. Оллоҳ ватан сари юрган йўлингизни очик этсун! Юзингизу йўлингиз оқ бўлсин! – дуо этди Шарофуддин Дизакий. – Эгам сизни мудом азизу муътабар айласин!

– Омин! – деди подшоҳ ҳам юзига фотиҳа тортиб ихлос билан.

Подшоҳ сўзингизда давом этинг дегандек чопарга қаради.

– Амир Боботурк жаноблари бутун авлодлари билан зоти олийлари ҳамда амирзода Улуғбекка сидқи садоқатла хизмат этмоқ орзусида эканликларини арз этдилар. Айни дамда бу шарафга ноил бўлмоқликларининг кечикаётгани, шайх ҳазратлари саломатлигининг кўнгилдагидек эмаслиги эканлигини олий диққатларига етказишимизни-да рижо этдилар. Ва бутун эл-улус сиз султон ҳазратларининг ота мерос бошкентга шаъну шавкат-ла келажагингизни, улус ота тахти вориси ўлароқ фақат сизни тан олажагини етказишимни ҳам сўрадилар.

– Қиблагоҳ салтанатининг мустаҳкамлиги ҳам саройда амир Боботурк ва соҳибхабар Алп Туркаш каби шарафли шахсиятларнинг борлигида эди. Айни кунда биздаги эксиклик ҳам шудир. У ёки бу лавозимга муносиб қодир кишини топмоқ не қадар мушкул бўлса, топиб тайинлаганин-

гиз муттасил қовун туширади ёки хоинлик йўлига киради, – дея тахтдан туриб қўл қовуштириб турган элчи ва чопарнинг қаршисига келди Шоҳруҳмирзо. – Сиз, муҳтарам иним чопарбек. Бугун-эрта Ҳиротда бўлиб, истироҳат этинг-да, от-улов ҳамда йўл масрафларини олиб, ҳамон мадинат ул-рижол Балхга жўнанг. Сиз кетгунга қадар амирзода Пирмуҳаммад номига битилган мактуб ҳам ҳозир бўлади. Авлодимизнинг шахсан ўз қўлларига топширасиз ва жавоб хатини олиб Ҳиротга қайтасиз.

– Амри-фармон султонимизнингдир! – деди чопар таъзим бажо этиб.

– Оллоҳ ҳар иккингиизнинг-да ёру ёрдамчингиз бўлсин! – дея элчи ва чопарга чекилмоққа изн берди подшоҳ.

Қози ва имом Жалолиддин Исҳоқ ва бош муншийни ҳузурига чорлаган султон хона узра қўлини орқасига қилиб юрганча амирзода Пирмуҳаммадга ёзилажак мактуб матнини айта бошлади:

*“Азиз авлодимиз! Муҳтарам жигарим Пирмуҳаммадбек! Оллоҳнинг бир қул бандаси, мен амакингиизнинг сиз қадрли амирзодамизга бўлган чексиз меҳри садоқати, ҳурмату эътиборини барчадин яхши билурсиз деган умиддамен! Қулоғимизга етиб келган хабарлар шуни кўрсатмоқдаки, тасарруфингиздаги мамлакату салтанатда ишлар улуғ бобонгиз, қиблагоҳимиз соҳибқирони аъзам ҳазратлари белгилаб берган ва амал қилган тўра ва тузук асосида кетмаётир экан.*

*Наҳотки қадрли амирзодам, сиз шундай улкан давлат ва мамлакатни қулликдан сардорликка кўтарганингиз, насл-насаби номаълум бир кимсага топшириб, кеча-ю кундуз айш-ишрат-ла машғул бўлсангиз?*

*Бу энг аввало, сизни валиаҳдликка раво кўрган, амирзодалар орасида энг етқилиси деб билган улуғ бобонгиз васияту хотирасига нисбатан ҳурматсизлик эмасми?*

## **Нурали ҚОБУЛ**

---

Тож-тахт, мулки давлат ишлари бу тариқа бошқарилмайди, азиз қардошим! Номини тилга олишни ҳам истамаганим тубан ва паст кишини мамлакату раият ишларида мутлақ соҳиб ихтиёр қилиб қўйишингиз, ғоят буюк хатодир ва бунинг бадали оғир бўлғусидир.

Қай бир ҳукмдор мутлақо бегона, тасодифий бир кимсанинг эркинлик жоловини ўзига ташлаб қўяр экан, сўнгра бу жоловини қайта қўлга ола билмайди. Ҳатто уни тергаб, койишга ҳам ҳоли қудрати етмай қолади.

Бу эса номига ҳукмдор бўлиб қолган подшоҳнинг ожизлиги, заифлиги ва сўзи ўтмаслигининг далилидир. Амиру қўмондонлар, мулки давлатда подшоҳларнинг устунлари, суянган тоғларию ишонган боғларидир.

Бироқ ҳеч қачон давлат ва мамлакатни идора этмоқда шерикликка йўл қўйиб бўлмайди. Мулки давлат ўртоғи бўлган киши сизнинг бу ҳиммату саховатингизни янглиш англайди. Ҳокимиятни бошқармоқ қўлидан келмаганлиги учун менга кун қолди дея тушунади ва ўзгача хаёллар билан ҳаракат эта бошлайди.

Бу ғайримиллий, ғайриватаний ва ғайриахлоқий иттифоқдан, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, шундай катта балою офатлар келиб чиқадики, тадбиру тақдир қўли, қисмату қадар қиличи бу фожиаларнинг этагига етмай қолишини кўрдик. Шундай фисқу фасод, фитнаю фужурлар бўй кўрсатадики, уларни даъф этмоқ сурати хаёл ойнасида ўз жамолини кўрсатмайди.

Мирзомизнинг жанг майдони, салтанат кошонасини базм айвонига алмаштириб, айш-ишрат хилватгоҳига қадам қўйишлари мулки давлат тамалига қўйилган нафтандоздир.

Азиз амирзодам! Муттасил шодмонлик асбобларини муҳайё қилиб, хушвақтлик ниҳолини хуррамлик бўстонидида оловранг оби ҳаёт ила парваришлаб, хушдил-

**лик ғунчасини айшу тараб шабадаси билан очилтириб  
яшамоқ асло мумкин эрмасдур!**

**Кечаю кундуз хусравона куйлар тинглаш билан машғул  
бўлган подшоҳ хусравлик қасосидан ғофил қолади.**

**Чолғуларнинг чалғитувчи оҳангига маҳлиё бўлиб,  
чек-чегарасиз подшолик вилоятларни дуч келган ўғрию  
қароқчига ташлаб қўйманг!**

**Руд куйлари салтанатларингиз ҳол-аҳволини, фарёду  
нидоларини етказган пайтда ғафлат уйқусида қолманг!  
Чанг оҳанги мусибат марсиясини чалиб огоҳ этганда  
ички ичмоқ ила машғул бўлманг!**

**Меъёрдан ошиқ ҳар неки бор мурдорликдир. Давлату  
мамлакат юритувида бир тартибсизлик зоҳир бўлдими,  
уни қайта ўнглаб бўлмас!**

**Кўзингизни очинг ва ўзингизга келинг! Биз сиз амирзо-  
дамиздан узоқдамиз ва кўмакка етиб бормоққа улгур-  
масмиз!**

**Вақти замонида этаклар ёпилиб, яралар даволанма-  
са, у газак олиб, ҳалокат сари элтажакдир!**

**Мен сизга ота юртимизда бўлиб ўтган тўқнашув ва  
унинг шармандали натижаси ҳақида оғиз очиб, ҳеч бир  
иддаода бўлмайман!**

**Бу алоҳида мавзу бўлиб, Оллоҳ насиб этганда кўриш-  
ганимиз замон бафуржа мунозара ва таҳлил этажакмиз!  
Оллоҳга омонат бўлинг!”**

**Йилнинг иккинчи ойининг тўққизинчисида рамазон кир-  
ди. Каттаю кичик ойлар султонининг тартиб-қоидаларига  
бўйсуниб, таровеҳ ибодатини қилиб, рўза тутмоққа ки-  
ришди.**

**Чопар Эсиргап Найман султон мактубини олиб Балх  
томон учиб борарди.**

**Шибирғонга етмасдан унинг йўлини қоровул чериги тўс-  
ди. Қаерга ва кимнинг ҳузурига бораётганини сўрашди.**

– Мактуб билан Пируҳаммад мирзо ҳузурларига! – дея жавоб қилди чопар.

– Хат кимдан? – сўради қоровулбеги.

– Давлатпаноҳ подшоҳимиздан.

– Унда биз билан бирга юр. Айна дамда Балхга бориб бўлмайди, – деди ҳушёр тортиб қоровулбеги. – Сени амирзодамиз ҳузурларига элтамиз. Ўзлари сен ила қўнишадилар, – дея ортдан келаётган отлиқлар тўдаси томон бошлади.

– Қайси амирзодамиз? – ҳайрон бўлиб сўради чопар.

– Амирзода Сайди Аҳмад мирзо Умаршайх ўғиллари. Ул амирзодамиз Балхдан чиқиб, Ҳиротга, подшоҳимиз ҳузурларига бормоқдалар. Не воқеа юз берганлигини ўзлари сўйлайдилар.

Ўн саккиз ёшлардаги амирзода ташвишли қиёфада, ёқалари очиқ кўйлаги устидан чакмонини елвагай ташлаган кўйи отини йўрттириб келарди.

Қоровул унинг олдига бориб, Ҳиротдан келаётган чопар ҳақида билги берди.

Амирзода қўл ишорати билан Эсиргап Найманни ёнига чақирди.

– Ваалайкум ассалом! Мактубни беринг-чи! – деди ташвишли нигоҳда чопарга боқаркан. – Ё Оллоҳ! Амирзодаи шаҳид Пирмуҳаммад энди ҳеч қачон бу мактубни ўқий олмайдилар! Мен ҳам ўқимайман! Қайтариб бориб подшоҳ амакимга беринг! Биз ҳам Ҳиротга кетмоқдамиз! Биз-ла баробар қайта билурсиз! Қоровулбеги! Биродаримизни ёнингизга олинг! Ҳеч ким черикни четламай, барча бирдек тўп бўлиб юрсин! Орқадан эҳтиёт бўлинг! Таъқиб этишлари мумкин! – суворийларига таълимот берарди амирзода хаёли паришон ҳолда.

Эсиргап йўл-йўлакай қоровулбеги Тожиддин Тожик билан танишди. Кешга Соҳибқирон замонасида Эроннинг

Ғилон вилоятидан кўчирилган ипакчилар сулоласидан бўлиб, Шибирғонга тижорат билан келиб, уйланиб қолиб кетган экан.

– Не гап-сўзлар? Тинчликми, биродари азиз? – сўради Эсиргап улар яна йўлга тушгач.

– Сиз сўраманг, ман айтмай, ако чопар. Ишлар чатоқ. Сакни баласи Пир Али Тоз валиаҳди замон Пирмуҳаммадни шаҳид қилди. Ҳараму хизматкорлариниям чошиб ташлашган қотиллар. Балх саройи шаҳидлар қонига тўлди. Мирзо Сайди Аҳмад ҳам бу фожиадан ваҳимага тушиб, Шибирғонни тарк этдилар. Бу исёну қотиллик қай тарзда барҳам топади, билмаймиз. Бутун нажот улуғ подшоҳимиздан. Барчамиз шу умидда давлатпаноҳнинг остоналарига бош урмоқ учун бормоқдамиз! – нафаси бўғзига тиқилиб гапирарди Тожиддин Тожик.

– Ё тавбангдан кетай парвардигор! Бу не қотиллигу қабоҳат! – от устида қотиб қолган эди Эсиргап. – Наҳотки амирзода шу қадар ҳимоясиз бўлсалар? Қоровулу ясовуллар, кўрима-ю мулозимлар қайда бўлганлар?

– Давлат амирзодамизнинг дастидан кетиб қолган эди, биродар. У шарафсиз Пир Али Тоз ҳукмронлик жиловини қўлга олганига анча бўлганди. Маймурғ мағлубиятидан сўнг амирзодамиз тушкунликка тушиб, кўп ичадиган бўлиб, салтанат ташвишларидан қўл тортган эдилар. Мана оқибати. Йигитга ўлим йўқ, ўзини ўзи ўтга урмаса дегандек, ўзлари пиширгандилар бул заҳар-заққум ошни!

– Шундай улуғ, рўзайи рамазон кунларида бу каби разил ишга қўл урмоқ! Даҳшат! Ал қасос-ул мин ал-ҳақ! Бунинг ажри, ҳисоб-китоби мутлақо бўлажак ва узоқ эмасдир! – қотилликдан қалби ларзага келган эди Эсиргапнинг.

– Ухлаб ётганларида, саропардаларига кириб шаҳид этишган қотиллар! Ақл бовар қилмайди! Оллоҳ уларнинг ҳам жазосини беражак, – куйиб-пишарди қоровулбеги.

Балх фожиасидан хабар топган Шохруҳмирзо ўтирган жойида тахтага айланиб, сўзи тугилди. Беихтиёр ёсин сурасини ўқий бошлади. Эшик оғаси валиаҳдга битилган мактубни ҳам олиб кирди.

– Не қилмоқ керак, амирзодам? – деди анча муддат ўтгач, нажоткор нигоҳини ўзига тикиб ўтирган Сайди Аҳмадга қараб.

– У муртаднинг жазосини бериб, кучаймасдан мамлакатни қўлидан қайтариб олмоқ керак, – жавоб қилди амирзода Сайди Аҳмад.

– Мирзомиз йўрға миниб йўлдошидан адашди. Оқибатда отниям, юртниям, бошу лошниям топширдилар. Давлат ахлоқи ва салтанат сурмоқ салоҳиятига эга бўлмасликнинг оқибати мана шудир. Бу даҳшатли фожиани муҳокама этмоққа тиллар айланмас, амирзодам. Кўнгил душман деганлари тўғри экан. Салтанатга берилган бу зарбанинг жароҳати ҳам оғир бўлади. Бекларимиз бу ҳақда огоҳлантириб, ҳокимиятни валиаҳд қўлидан олмоқ лозимлигини айтганларида ишонмаган эдим. Афсуски, яна ноҳақ бўлиб чиқдим. Тахтга ўтқазиб қўйган амирзодаларимиз бизга қарши тутун қайтармоқдаларки, тахтдан узоқлаштирилиши сўз кўнуси бўлган мирзонинг қай тарзда бизга қарши қилич кўтариб ташланишини тасаввур этмоқ қийини эмас. Тожу тахт, мулки давлатдан маст, тўлиб-тошган бунча амирзодани тўйдириш мушкул экан. Бу фожиа барчамизга сабоқ бўлмоғи керак. Шу феъли-атвор, шу туриш-турмушда давом этсак, валиаҳд бошига тушган мусибат ҳеч биримизни четлаб ўтмайди, – дея алам билан тахтидан туриб кетди подшоҳ.

Ўрнидан турган амирзода Сайди Аҳмад ҳам гуноҳкор боладек қўл қовуштириб турарди.

– Киши танимас, дўсту душманни ажрата билмас одамнинг боши маломатдан, умри адоватдан чиқмайди. Кек

ва хусумат эса қонли душманликнинг пойдеворидир. Ўз куч-қудратига ортиқча баҳо бериш, ўзини ёруғ очунда як-каю ягона санаш – ҳалокату фалокатнинг қайноғидир. Не қарор бермоққа-да бошим қотди. Узолмаган отга узанги баҳона дея Маймурғ енилгисидан сўнг май косасию хоним авротидан таскин излаган мирзомиз бизни шарманда қилди. Ул мамлакатни ушбу турумда қолдириб бўлмас. Бу жинойту қотиллик барчамизга нисбатан қилинган суиқасд, тангрининг сўнгги сабоғидир. Бундан хулоса чиқариб, ақл-идрок ва тезлик-ла ҳаракат этмасак, ул хоин каби ўю фикрда юрган шарафсизларнинг шамига ёғ қуйган бўламиз. Эртагаёқ амирларимиз Нуширвон Барлос, Ҳасан сўфи ҳамда Мизроблар Балх сари отлансинлар! Мен ҳам вазиятга қараб ортингиздан юраман. Уни насли насаби билан йўқ қилмоқ керак! – қаҳри кўзиган эди подшоҳнинг.

Эртаси куни амирлар черигини кўздан кечириб, йўлга солган Шохруҳмирзо асосий кўшинга сафар ҳозирлигини кўриш амрини берди.

Шу пайтда Ғурдан чопар етиб келганлигини маълум қилдилар. Отаси каби воқеа ва ҳодисаларни олдиндан сезиш қобилияти бўлган султон ўзини яна бир нохуш даракни эшитмоққа ҳозирлаши керак эди.

– Балх воқеасидан эткиланган Испаҳбади Ғурий бир тўда ғурлик ва сеистонлик исёнчиларни йиғиб, иқтидору бўйсунмаслик бобида дам уриб, улусни оёққа турғизмоқ ҳаракатида! – деди тобуғ расмини бажо келтирган чопар.

– Ари чақса ҳам жуфт чақсин деганларидек, фалокат ҳам қўша-қўша, хоинлар ҳам ўша-ўша! – деди Шохруҳмирзо ёнида турган амир Ҳасан Жондор билан амир Жаҳонмулк Барлосга бир-бир қараб. – Ғурийлардан тўрт нафар маликани келинликка олиб, қон-қардош бўлган бўлсак, улар на қон-қардошни, на яқину бегонани биладилар? Йўлга чиқамиз, мухтарам амирлар! Ҳозирлик кўринг! – амр этди қатъий оҳангда.

Кенг яйлов ва водийлар кўм-кўк рангга беланиб баҳор келган, Ҳирот атрофи сайри-саёҳат, улоғу кўпқари майдонига айланган, қиш ташвишларини елкадан улоқтирган одамлар енгил нафас олгандилар.

Ўй сурганча отини жадал йўрттириб бораётган султоннинг фикри хаёли кўклам тароватидан анча узоқ, Балх ва Ғурда эди.

Ҳиротдан чиқаркан, Шоҳруҳмирзо чопар Эсиргап Найманни ҳузурига чорлади.

Подшоҳнинг сўл тарафидаги курсида зар ёқали камзул кийиб, бошига тиллақош таққан, гўзал ва малоҳатли бош малика Гавҳаршодбегим Ғиёсиддин Найман Тархон қизи ўтирар эди.

Чопар дастлаб маликга, сўнгра маликага айри-айри таъзим этди.

– Бул қавмдошингиз кўп фидокор ва меҳнатсевар чопару суворий эканлар. Шарофиддин Дизакий жанобларини ҳам ота юртдан шул навқаримиз олиб келдилар. Мактубимиз амирзодайи шаҳидга етмасдан қайтиб келганлиги ҳақида сизга сўзлаб бердим, – деди подшоҳ қамондек қошларини чимирганча сўзига қулоқ солаётган маликага.

– Ҳа-а, навқаримиз найман уруғиданми? Хуш келдингиз шаҳримизга! – деди малика назокатли ва аллаловчи оҳангда. – Бизнинг аймақ эрқаклари ўжар ва тиришқоқ, хонимлари ҳам хўжалари каби журъату жасоратли бўладилар, – деди малика чопарга қизиқсиниб боқаркан.

– Сиз авлодимизга ғоят масъул топшириқларимиз бўладиким, бу ишларнинг ижро ва натижаси ҳақида фақат менга, менга улашмоқнинг имкони бўлмаса, муҳтарама маликамизга хабар етказасиз. Ҳозир эса зудлик билан Балх томон юрган қўшин ортидан йўлга чиқинг. Қўшин ҳаракати ҳақида бизга билги жўнатиб, Балх томон ўтишга уриниб кўринг. Ул ҳудуддаги воқеа ва ҳодисалар тафси-

лотини билдириб турасиз! Шу иш кўлингиздан келадими?  
– сўзларига урғу бериб сўради подшоҳ.

– Юклаган вазифаларингиз масъулиятини ҳис этган ҳолда шараф-ла бажармоқ жаддида бўлурман, султоним!  
– жавоб қилди чопар.

– Масала моҳиятини англадингиз-а? – қайта суради ҳукмдор.

– Англадим, султоним.

– Унда амир Нуширвон Барлосга учрашиб, тегишли маош ва масрафу харжларни олинг. Сафар давомида неки кўмакка эҳтиёж сезсангиз тилга олганим амирга мурожаат эта билурсиз. Сизнинг ихтиёрингизга бир найман ўнлиги берилади. Имкон қадар савашга кирмангиз. Фақат билги тўплаб, бизга етказмоқ ила машғул бўлинг!

– Амри фармон султонимизнингдир! – дея чекинди чопар.

Ҳиротдан йўлга чиққан Хуросон қўшин учинчи ойнанинг биринчи куни Исфизорга етиб келди.

*“Исёнчи Ғурий ва унинг гумашталарини бартараф этмоққа олий ўрдунинг дастагини олган амир Ҳасан Жондор ва амир Жаҳонмулқлар тайин этиладилар! Қўшиннинг қолган қисми жангга шай ҳолда Исфизорда беклайди. Амирларга исёнчиларни тўра ва тузук бўйича ясога етказмоқ ҳуқуқи берилади”.*

Подшоҳ фармонини қўлга олган икки амир Ғур томон йўналдилар.

Хуросон черигига дош беролмаслигини англаган Ғурий бор-будини ташлаб қочди. Бош ғалаёнчининг мол-мулки талон-тарож этилди. Ғурийни дастаклаган гуруҳлар бошлиқлари олий жазога тортилди.

Ғур вилоятидаги вазият мўътадиллашганидан кўнгли жойига тушган Шохруҳмирзо Ҳиротга қайтди.

Кунлар илиб, ҳаволар юришиб кетган, бироқ бурноғи

йил каби қаҳратондан қақшаб чиққан далаларга бир томчи ёмғир тушмас эди.

– Баҳорнинг авзойи чатоқ. Бу йил ҳам қурғоқчилик бўлади-ёв, – деди шаҳарнинг Ироқ дарвозасига яқинлашган Шохруҳмирзо ўзидан бироз орқароқда келаётган мингбоши Кебек Манғитга.

– Шундайга ўхшайди, султоним. Наврўз кирмасидан ерлар қақраб ётибди. Ўтган йили ҳам шундай бўлган эди, – отини қамчилаб етиб келди мингбоши.

– Қаранг, Балх томондан от кўйиб бир суворий келмоқда. Хойнаҳой, амирларимиздан бўлса керак, – деди оти жоловини тортиб тўхтаркан подшоҳ. – Шу ерда бироз истироҳат этайлик. Негадир қорним очиб, бошим айланмоқда. Бир парча нон келтирсинлар, сув ҳам. Бўлса сузма.

Олий ўрду шаҳар ташқарисидаги кичикроқ бир қасабага тўхтаган эди. Қишлоқ кун юришидаги улкан тепалик этагига йиғилган кўйлилар каттакон қозон атрофида ўралашиб, сумалак пиширишарди.

Халойиқ билан саломлашган султон ўчоқ томон юрди. Икки эркак узун кафтгирларда сумалак кавлашар, ўчоқда гуриллаб ўт ёнарди.

Мулозим келтирган курсига ўтирган султон яқинлашиб келаётган отликни кузатарди. Буни кўрган қоровуллар чопарнинг йўлини тўсмадилар.

– Чопар Ярлақаб Наймандирман, улуғ султоним! Хос чопарингиз Эсиргап Наймандан мактуб келтирдим! – деди тобуғ келтириб суворий.

Ясовулбошидан мактубни олган подшоҳ зарфни очиб, кўз югуртирди.

*“Шарафли султонимизга маълум бўлсинким, садоқатли қулингиз зиммасига юкланган вазифани адо этмоқда. Ҳиротдан чиққан уч амир қўмондонлигидаги черик Қизил Работдан ўтолмай, ер тепиниб турибди.*

Масаланинг узил-кесил ҳал этилмоғи зоти олийларининг ташрифлари ила ҳал бўлажак дея мунозара этмоқдалар. Амирлар орасидан гап қочиб, тутун қайтаргувчилар чиқиб қолиши эҳтимолидан холи эрмас. Вазият асосий қўшиннинг бу ҳудудлар томон юришини тақозо этади.

Кишиларимиз ғанимлар уясида ҳам иш кўрмоқдалар. Бош исёнчи амирзодани орадан кўтариб, мамлакатни қўлига киритгач, димоғида сарварлик даражасини юксалтириш савдоси ғалаба қилган кўринади. Калла қовоғи ғурур шароби билан тўлиб, бешармлик бошидан ор-номус бўркини олиб ташлагандек. Ақл-идрокдан биронта ҳам баҳра тукига эга бўлмаган шарафсизнинг мағзсиз калласи ҳукмдорлик тожи билан безалиб турибди. Фаҳм-фаросат нуридан бенасиб, беғуноҳ бандаларнинг ноҳақ тўкилган қонидан кўр бўлиб қолган қалб ва иймон кўзи ор-сизлигу сотқинлик сурмаси билан жилваланмоқда. Бироқ болоқдан чиққан бу бит хиёнат ва зolimликнинг шами тонгга қадар ёнмаслигини, айёрлик ва сохтакорлик билан тикланган иқтидорда тартибу интизом, адли адолат бўлмаслигини англаб етмаётир. Қаллоблик ва такаббурлик юзига қўйилган қалбаки зулф фаҳм-фаросат дунёси зийраклари бармоқ ила кўрсатажак бир нарса эканлигини англамаётир”.

Мактубни ўқиб бўлган подшоҳ ҳорғин ва абгор қиёфали чопарга қаради.

– Қани, чопар қардошим Ярлақаб Найманбек! Келиб менинг ёнимга ўтир-чи!

Чопар дадил юриб келди-да, подшоҳ қаршисига тиз чўқди.

– Менинг қорним очикди. Сен ҳам очикқанга ўхшайсан. Нон еб, сув ичмоқдаман. Дунёнинг энг тотли емаги ва ичмаги ана шу иккисидир. Не дейсан? – кутилмаган муносабатдан ҳайратга тушган чопарга қараб турарди султон.

– Тўғри сўйладингиз, подшоҳим. Мен ҳам очдирман. Кеча кечасидан бери туз тотганим йўқ, – жавоб қилди чопар.

– Ма, ярмини сен ол, – кўлидаги нонни синдириб узатди.  
– Биродаримизга ҳам сув келтиринг.

– Шоҳлар ҳам оддий фуқаро каби нон еб сув ичадими, султоним? – сўради бу илиқ муносабатдан ўзини йўқотиб қўйган чопар.

– Подшоҳлар не емакларни ейдилар дея эшитгандинг?

– Омилар емайдиган тансиқ таомларни есалар керак дея ўйлагандим.

– Нон емакларнинг шоҳидир, қардошим. Ота-боболаримиз нимани еб келган бўлсалар, биз ҳам шуни еймиз. Шоҳ ҳам, гадо ҳам оддий деҳқон элидан экмак ейди. Сен тортинмай нон еб, сув ич. Ундан сўнг ана, кўряпсанми, бир тўп кишилар сумалак пиширмоқдалар. Бориб улар билан ҳам суҳбатлашамиз. Дардларини тинглаймиз. Унгача мен сенга бир ибратли ва ҳикматли насиҳатни айтиб бераман. Бошқа биродарларимиз ҳам тинглайдилар. Агар кимки энг олий шарафга эришмоқчи бўлса, етти нарсадан етти нарсани ихтиёр қилиш керак экан. Булар эса шулардан иборатдир: ғанийликда фақирликни, тўқликда очликни, баланд даражада синиқликни, улуғликда хорликни, ман-манликда тавозуъни, шодликда ғурбатни, ҳаётда ўлимни. Англадингми, чопарбек қардошим? Бу ибратли фикрда бирорта жумла ва маънони англамаган бўлсанг сўра!

– Тушундим, подшоҳим! – деди ҳаяжонини зўрға босиб сув ҳўплар экан чопар.

– Унда кўп яхши. Суворию сипоҳий, элчию чопар, мулозим муҳандис ўз ишини теран ақл идрок, ўткир фаҳм-фаросат билан бажара олмас экан, у ҳеч қачон ўз ишининг устасига айланиб илму амалда юксак поғонага кўтарила олмайди. Қилич чопмоғу найза санчмоқнинг ҳам ақли зако ила ҳисоб-китобини қилиб, ҳадисини олиб амалга

оширмасангиз, бу ишни сиздан устароқ тарзда бажарган рақибнинг овига айланасиз. Энди турдик. Сумалакчиларнинг олдига борамиз, – дея ўрнидан кўзғалди подшоҳ.

Кичикроқ ёналиқдан ўчоқ кавлаб, қозон ўрнатиб, сумалак пишираётган қирқ чоғли эркагу аёл дастлаб подшоҳни танимадилар.

Четроқда бир табиб уч-тўрт кишининг чаккасига зулук солиб, ҳаром қонини оларди.

Ораларидан ёши улуғроқ бир киши подшоҳни таниб қолди-да, югуриб келиб тобуғ расмини бажо этди.

– Бир қошиқ қонимиздан кечинг, подшоҳим! Биз гумроҳлар сиз зоти олийларини танимабмиз! – деди султоннинг оёғига бош уриб.

Ҳузурларига подшоҳ келиб қолганлигини англаган кишилар тиз чўкканча ерни ўпа бошладилар.

– Барчангиз учун ёшулли тобуғ келтирдилар! Барчамиз тангрининг қулимиз. Қул қулга қуллуқ этмас! Ўрнингиздан туриб, ишингизда давом этинг! – буюрди подшоҳ. – Бош сумалакчи ким орангизда?

– Шаҳзода момо Жумабек қизи. Ўзлариям юз ёшни қоралаганлар. Бош ошчимиз шу энамиз, – жавоб қилди ўша оқсоқол қозонга яқин турган кампирни кўрсатиб.

– Нечага кирганларини ўзлариям билмайдилар, – бир овоз келди ўртадан.

– Момо тайёрлаган сумалакни Амир Темур бободан Жоку Барлосу Амир Ҳусайнғача емаган пошшою бек қолмаган, – деди яна бир киши.

– Емоқ навбати бизга келибди-да, – деди кулиб Шоҳруҳмирзо. – Қачон тайёр бўлади?

– Ҳозир бошладик. Сабоҳ бомдод намозидан кейин очамиз? – деди оғзида бир дона ҳам тиши йўқ сумалакчи момо ҳавони пуфлаб. – Хуш келдингиз, пошшо ўғлим!

– Яхши. Қани менинг қаршимга келиб ўтиринг-чи? Шоғирдларингиз ўчоққа ўт қалаб, қозонни кавлайверадилар.

Сиз эса менга сумалак тайёрлашни буғдой ўстиришдан бошлаб сузгунга қадар бўлган жараённи сўзлаб беринг? Маъкулми? – дея қаршисидаги курсига таклиф этди султон.

Кулранг бўз якак кийиб, бошига дастор ўраган озғин момо қимтинибгина подшоҳ қаршисига келиб ўтирди.

Унинг юзи шу қадар қорайиб ажин босган эдики, бошига ўраган қора рўмолидан ажратиб бўлмасди. Оёғидаги теридан тикилган кавуши йиртилиб, ранги ўнгиб кетганди.

Шошиб қолган кампирнинг ҳаяжонланганидан ҳадеганда тили калимага келмади.

– Момо билан менга сувми, айронми, бирор нима берингиз? – мулозимларга қаради Шоҳруҳмирзо уни ўзига келтириш учун самимий оҳангда.

Сув ичган момо ҳамон қаршисида ўша, ҳамма гапирадиган Амир Темурнинг пошшо ўғли Шоҳруҳ турганлигига ишонқирамагандай ҳайрату ҳадик-ла боқарди.

– Қани, момо, аввало менга, сиз улуғ энамизга Шаҳзода деган бу шарафли номни ким қўйганлиги ва сабабини айтиб беринг, – кампирни гапга солмоқчи бўларди подшоҳ. – Кейин ёшингиз нечадалигини аниқлаймиз.

– Э-э, пошшо балам, мани нимамни сўрайсиз. Атам замондан қолган бир одамман. Эскига ямоқ, қаррига тамоқ дегандай сумалак пишириб ўтирибмиз-да, ўғлим. Одам олтмишдан кейин йилда, етмишдан кейин кунда, саксондан сўнг соатда ўзгарар экан. Хаёлим ҳам кирди-чиқди бўлиб қолгандай, назаримда, пошшо балам. Гапимди тузи камроқ бўса қусурга боқманг. Отимни эса катта энам қўйган эканлар. Ата боволаримиз бундан кўп йиллар бурун Хоразмдан бу ерларга қочиб келган дейишади. Маҳмуд Ғазнавий Хоразмни босиб оганда шоҳ бобомиз Маъмунни ўлдирган экан. Шундан кейин унинг авлодлари дунёнинг тўрт бир тарафига тарқалиб кетибди. Шу қоча-қочда биз-

ди аждодлар Ҳиротга келишган, султон балам. Катта энам ўша аждодларини қумсаб, соғиниб мани отимди Шаҳзода қўйган эканла. Ўзим эса Чигатой улусини ислом давлатига айлантирган саодатманд пошшо Тармаширинхон тахтга ўтиргандан ўн йил кейин, қовун пишиғида туғилган эканман. Шу ўн ёшимда мени эрга беришган. Энам раҳматли ўша хонни кўп илиқ сўзлар билан дуо этардилар. Унгача чигатойларнинг ҳеч бир пошшоси мусулмон бўмаган экан, пошшо балам, – кўп гапириб юбормадимми дегандек бир Шохруҳмирзога ва бир қишлоқ ўтоғоси, ёшуллига қаради момо.

– Улуғ кечмишу тарихнинг жонли гувоҳи экансиз, момо. Сиз билгану ва сўйлаган нарсаларни ҳеч ким билмайди, энангиз Тармаширхон ҳақида нелар дердилар? – кампирни яна гапга солди Шохруҳмирзо.

– У пошшо кўп адолат шиор, виқорли эдилар. Одилликда комил, жаҳондорлигу саодатмандлик хислати хонлик давлати чехрасини дини Муҳаммадиянинг шариати тариқати томон бурди. Ширку қабоҳат пайини иймоннинг маърифат нурларида куйдирди. Унинг бахтли давлати айёмида Чигатой улуси яна қайтиб ислом давлатига айланиш шарафига эришди. Дунёвий лаззатларининг сароблиги, охират орзулари жойиз бўлди. Дини Муҳаммадий қоидаларининг ҳозирланиши, Аҳмадий қавмининг уюшувига саъйи ғайрат кўрсатди. Тангри таоло бандалари унинг давлати замонида фаровонликда умргузаронлик қилдилар, дея хотирларди худо раҳматли энам.

– Ана энди ёшингиз маълум бўлди, Шаҳзода момо, – деди мирзо гап-сўзию хотираси жойида энанинг болаларники каби беғубор кўзига, йиллар чизган озгин ва ажин босган юзига қараб. – Демак, Чигатой хони Дува Темур Бароқхон ўғли милодий минг уч юз йигирма олтинчи йил қазо шаробини ичади. Шундан сўнг улус тахти Тармашир-

хон елига кечади. Ҳозир эса милодий минг тўрт юзу еттинчи йилнинг учинчи ойи. Агар ҳисоб-китобимиз тўғри чиқса, тангри сизга тўқсон бир йил умр берибди, эна.

– Ҳа-а, ёш эканман-ку, пошшо ўғлим. Була мани юздан ошгансан деб бошимни қотиришади, – тишсиз оғзини очиб кулди момо.

– Албатта ёшсиз, эна. Бор-йўғи тўққизи кам юзга кирибсиз, холос, – кулди подшоҳ ҳам.

– Эгаси омонатини омас, оёғи чалкашиб юраверар экан одам баласи, ўғлим, – подшоҳнинг ҳисоблаб ёшини чиқарганидан таажжубланганди кампир.

– Энди учинчи масалага ўтамиз, – деди мирзо ўрнидан туриб қозон бошига бораркан, – Биз ҳам сумалак кавлаб меҳнат қилайлик. Зора энам бизга кўпроқ сумалак берарлар, – дея узун дастали капгирни қўлига олди. – Биз ҳам сумалакка ун қўшайлик, – текин томоқ танни тозалайди бўлиб қолмасин ишимиз.

– Сумалак сиздан айлансин, жоним балам, – деди бир зумда бош қаҳрамонга айланган момо.

– Сиз бизга сумалак тайёрлашни кўкат ўстиришдан бошлаб, пишгангача бўлган жараёнини бир ҳикоя қилиб берсангиз. Барчамиз суфрамизга қўйилган, машаққатли меҳнат ила ҳозирланмиш бу тансиқ таомни балиқ сув ютгани каби роҳат-ла тановул қиламиз. Бироқ уни қандай ҳозирланиши, тайёрланганда ҳам қонун-қоидаси билан, рисоладагидек пиширилиб, суфрамизга келишини билмаймиз. Сумалак пиширмақ санъатини бизга сўзлаб берсангиз, – дея момога мурожаат қилди султон.

– Ҳа, айтсам айтайин, пошшо ўғлим. Эсимни таниганимдан бери раҳматли энамди ёнларида сумалак пишираман. Тангри жойини жаннатдан қилсин. Жоку Барлос Ҳиротга пошшо бўганида, наврўз пайтида саройга чақиртириб сумалак пиширтирарди. Сумалагимни атангиз Амир Те-

мур Кўрагон ҳам еганла, ўғлим. Билган одамга уни қилиш қийин эмас. Бунинг учун аввало, одамнинг қўли ширин бўлиши керак. Ели тотли бўлмаган одамга ширвоз этини берсангиз ҳам ошлиғингизга шўрваю қовурдоқ ўрнига аталаю буломиқни кўяди, – ҳикоясини бошлади Шаҳзода момо. – Ундирилган буғдой майсаси келида (сўқи ҳам дейилган) туюлиб, ширасини сиқиб оламиз, ўғлим. Шу майса тўппаси яна олти марта сувда ювилиб шираси алоҳида-алоҳида идишларга сиқиб олинади. Жами етти марта ширасини сиқиб оламиз. Уч ботмон (тахминан 10 кг) майса ширасига чорак ботмондан кўпроқ (тахминан 1 кг) махсар, ойчечак ёки пахта ёғини доғлаб соламиз. Доғланган ёққа дастлаб биринчи сиқиб олинган шира солиниб, ота-бобаларимиздан қолган урфи одатга кўра уч-тўртта қуймоқ (қуймон ҳам дейилган, юпқа қатлама) пишириб олинади. Бу қатламалар қутли саналиб, омонлик-сомонлик ҳеч кўрмайлик ёмонлик дея ейилади. Шундан кейин биринчи ёғли ширани идишга солиб, олиб кўямиз. Қозонга энг сўнгда ювиб олинган суюқ шира солинади. Шундай қилиб, еттинчидан бошлаб олиб кўйганимиз биринчисигача бўлган ширалар навбати билан ҳар қайнаб доғ ташлаганида (камайганида) солинади. Ун ҳам солиниб (ҳар 1 кг буғдойга 2-3 кг ун), давомли кавлаб турилади. Еттита ёки ўн иккита (омадли сон саналган) тош ва шунча ёнғоқ соламиз. Тун ярмидан оққанда ўчоқ чўғи тортилиб, сумалак бостирилади. Тонгда эса очилиб, элга тарқатилади. Кимнинг косасига тош ёки ёнғоқ тушса, ўша йил шу оила учун қутли келади. Бу иш жуда басит, пошшо ўғлим.

– Ташаккур, моможон! Мана, атрофингизни ўраган биз барча сумалакўрлар билмаганларимизни билиб олдик. Энди, энг сўнгги масала қолди. Шунини ҳал этмоғимиз керак? – энанинг самимий юзига тикилди подшоҳ.

– Нимани, ўғлим? – ҳайрон бўлди момо.

– Сумалакни адолат билан тарқатишни. Кўриб туриб-

сиз, менинг орқамдан бутун бошли кўшин эргашиб юрибди. Бу сумалагингиз менинг аскарлариму сизнинг аймақ аҳлингизга етармикан?

– Етади, ўғлим. Оз-оздан еб турамиз-да, яна пиширамиз. Бизга очарчилик замонларида чиришнинг томирини қайнатиб, шуни пойлашиб еб омон қолганмиз. Аммо кўплар буни егач, шишиб ўлган. Бир кишилик емак икки одамга, икки кишилиги тўрттагача етади, пошшо балам, – жавоб қилди момо.

– Қани энди ҳамманинг қалби, феъли ва кўнгли сиздек кенг бўлганда эди. Маъқул кўрсангиз, унда шундай англашсак. Эртага эрталаб ҳурматли кўй ўтоғоси билан ўзингиз, ёнингизга беш-ўн кишини олиб, сумалакнинг учдан бирини, биз қолдириб кетган идишга солиб, саройимизга элтсангиз. Нима дейсиз? Шунда тақсимот адолатли бўладими?

– Бўлади, ўғлим. Сизга тенг ярмини берайлик. Қолгани ҳам бизга етади, пошшо балам.

– Ҳозирча шундай англашайлик. Бизнинг баковул ва бош ошчимиз сизга икки қозон сумалак учун буғдой майсаси ҳамда бошқа ашёларни келтириб беради. Бир қозони қишлоқ аҳлига, бир қозонини аскарларимизга берасиз. Англашдикми? – момонинг гурунгидан мамнун эди подшоҳ.

– Бир оғиз сўзингиз, пошшо ўғлим. Сиз ва аскарларингиз учун икки тандир нон ҳам ёпамиз. Энди кўклаган беда билан ҳулводан кўксомса ҳам қиламиз, – султон ташрифи ва эътиборидан мамнун эди момо. – Бизди қасабада аёллар хамирга, эркаклар темирга жон киргизади.

– Келишдик. Унда эрта эрталаб сизни саройимизда беклайман. Қолган гапларни ўша ерда кўнишамиз, – дея момо ва кўй сокинлари билан хайрлашди мирзо.

Подшоҳ шаҳарнинг Ироқ дарвозаси томон юрар экан, бош хазиначисига эрталаб келажак момо ва ҳамроҳлари учун саруполар ҳозирлашни буюрди.

– Сўнгра момони Милкат оғо ҳузурига олиб борингиз.  
Мусофир этиб, ғамхўрлик қиладилар. Мен айтиб қўяман,  
– амр берди подшоҳ.

Султонни дарвоза ташқарисида кутиб олган дарвешу  
қаландар зикр тушганча айтув айтардилар:

Қалбинг бутун бўлсин, эгнинг юпундир,  
Адл турмоқ минг унвондан устундир.  
Зако ўнгида бош эгмоқ юкундир,  
Дононинг силоҳи сабру сукундир.

Сохтакор авлиёдек зоҳир бўлдинг,  
Ҳаж қилсанг-да, бетакрор кофир бўлдинг.  
Сурадаги шайтоний шоир бўлдинг,  
Сабоқ учун замони охир бўлдинг.

Улус йўқсул, томоғидан нон кечмас,  
Хоқон золим, юртидан юмрон кечмас.  
Тоғ кўрмаган чўққи-ла довон кечмас,  
Ғофил элдан шараф ила шон кечмас.

Шоҳ эмассан, кўнгилни кенг тутмасанг,  
Адолатда посангинг тенг тутмасанг.  
Бирни ёқа, бирниким енг тутмасанг,  
Тўғри йўлдан оғмаган онг тутмасанг.

Эшикдагин довласанг, жазоингни кут,  
Тешикдагин овласанг, сазоингни кут.  
Қўшиқдагин қувласанг, ясоингни кут,  
Бешикдагин ёвласанг, Мусоингни кут.

## ЎТТИЗИНЧИ БОБ

*Ит қутурса эгасига, қул  
қутурса хўжасига чопади.*

### ОТАСЎЗИ

Подшоҳ Шоҳруҳ Шаҳзода момо бошлаб келган Бейдилли қасабаси сокинларини саройида қаршилади.

Султоннинг иккинчи мавқедаги маликаси Милкат оғо энага бошдан-оёқ сарупо кийгизди. Бугун бошляжаклар сумалакка бошқа маликалар ва канизаклар билан боражагини айтди.

– Биздан қасаба аҳлига не кўмак лозим, момо? Тортинмай айтаверинг, эна? – сўради подшоҳ момонинг ёнига келиб.

– Қуллуқ, пошшо ўғлим. Бек берганда бетларига қарамай дардимни айтаверамиз-да энди. Гапимизди нуқсонни бўса қусурга боқмайсиз-да. Мана, кеча ўзингиз кўрдингиз. Бутун бошли қасабамизда одамлар тўпланиб сумалак ва дарвешона қилганларида ёғин-сочинда бошларини суқажак, жазирамада сояляжак бир бошпана йўқ. Ўша сумалак пиширган жойимизга битта равоتمي, такями қурдириб берсангиз савобга қолардингиз-да, болам. Халқ дуо қиларди. Мачитимиз ҳам таъмирталаб, отам замонида қурилган. Паҳлавонроқ бир киши туртиб юборса қулаб тушади. Икки дунёнинг савобу саодатига қолар эдингиз-да, пошшо балам. Қолаверса, кўйимиз шаҳарнинг биқинида. Ўтган-қайтган элчию чопар, мусофиру мискинлар ҳам истифода этардилар. Барчаси сизни дуо қилади, пошшо балам.

Шоҳруҳмирзо беихтиёр момонинг ёнида турган малика Милкат оғога қаради.

– Буюринг, подшоҳим! Амри-фармонлари бош устига!

– деди малика хўжасининг ўзига нимадир демокчилигини фаҳмлаб.

– Бейдилли қасабасидаги масжидни таъмирлашни зиммангизга оласизми ёки така қурилишини? – сўради султон аллаловчи оҳангда хонимидан.

– Олийнажот султонимиз нени амр этсалар, жону дилимиз ила адо этажакмиз, – жавоб қилди малика икки кўлини кўксига қўйиб таъзим қиларкан.

– Ул масжидда икки маротаба намоз ўқиган эдим. Бироз масрафталаб. Таъмирини мен устланайин. Сиз эса така иншоотини зиммангизга олинг. Биз ҳам қараб турмаймиз. Элимиздан келгунча кўмак этамиз, – маликага вазифа юклади ҳукмдор.

– Тангри рози бўлсин сиздан, пошшо ўғлим. Мулки давлат, тахти салтанатингиз дунё тургунча турсин! – дуо қилди Шаҳзода момо.

– Сиз муҳтарама волидамизга яна бир савол ила мурожаат этсам, – деди султон энанинг мамнун бўлганлигидан роҳатланиб. – Кеча ҳисоб-китоб қилиб аниқладикки, энамиз тўққизи кам юз ёшга кирибдилар. Бироқ кўрган киши эллик-олтмиш ёшда дея захн этади. Ҳозир ҳам сумалак кавлаб, меҳнат қилишларини кўрсангиз ҳайратга тушасиз, – маликага қараб сўзларди султон. – Хўш, бундай ёшу ғайратли қолмоқнинг сири нимада? Бизга шуни айтиб берсангиз?

– Нимасини айтай, пошшо балам. Меҳнат, ҳаракат. Нафсни тийиш. Ҳар нарсага қизишиб, ўзни ўту чўққа уравермаслик. Худо раҳмати энам шундай дердилар. Ўша катта энамга ўхшаб, чошгоҳда бироз мизғийман. Чошгоҳи уйқу, пошшойи уйқу дейдилар, пошша балам. Шомдан кейин емак емайман. Ётар чоғи, ёрти қорин. Билганим шу, пошшо ўғлим, – самимий сўзларди момо. – Ўзини уч нафсдан тийган одам авлиё.

– Ана сизга улуғ момомизнинг сирлари. Хоқон ўғлию

подшоҳ бўла туриб, чошгоҳи уйқу пошшойи уйқу эканлигини билмас эканмиз. Буни ҳам ўргандик, – деди султон жавобдан қониқиш туйиб. – Хўш, одам зоти ўзини тийиши лозим бўлган уч нафсни ҳам кўзини ёғ босган биз гумроҳларга эслатиб қўйинг, занглаган заколаримиз тамизланиб, ёғ босган кўзларимиз очилсин, – сўзида давом этди подшоҳ.

– Эли, тилию белига ҳоким бўла билган киши одам зотининг созидир, пошшо ўғлим. Айниқса, тилига ҳоким бўла олмаган инсон ҳеч бир ерига эгалик қилолмайди.

– Ана бизга авлиё энамизнинг насиҳатлари, маликам, – дея Милкат оғога қаради султон. – Оламдаги энг оғир яра тил жароҳатидир. Яроғ жароҳати битиб кетади. Бироқ қалбу имонга етказилган яранинг изи битмайди. Айниқса, жон-жигарим, хешу ақрабом дея билган энг яқин кишиларинг юрагингга шундай шикаст, кўнглингга қотилу ботилларча озор берсалар. Буни ҳар ким ҳам кўтара олмайди. Кўтарса-да, кўнгли оғриб, дили сўкик, қалби тўкик бир аҳволи алфозда юради.

Шоҳруҳмирзо валиаҳд Пирмуҳаммаднинг фожиали равишда шаҳидлик шаробини сипқорганлигидан ҳануз ўзига келмаган, ким билан не қўнуда қўнишмасин, фикри зикрини шу қотиллик ва қотил Пир Али Тозни жазолаш хаёли банд этган, уйқусидан ҳаловат қочган эди.

– Тангрига бир ишингиз маъқул келибдики, сизга шунча узун умр ва ризқ ато этибди, эна. Дуода бўлинг. Бизнинг Балх томонга бир сафаримиз бор. Қайтиб келишим билан яна ўша сумалак қилган тепалик ёнида кўришамиз. Бориб масжид биносини кўздан кечирамиз. Гурунгимизни давом эттирамиз, – дея момо бошлиқ сарой мусофирларига кетмоққа ижозат берди подшоҳ.

– Йўлингиз оқ, йўлдошингиз ҳақ бўлсин, пошшо балам! Ҳар замону ҳар маконда юзингиз йўлингиз каби оқ бўл-

син! Дўстларингиз зиёда, яғийларингиз пиёда бўлсин! – дуо қилди момо. – Биз дуогўйларингизни унутмасангиз сизни тангри унутмаяжак, пошшо ўғлим. Ҳар замон тўрт кўз ила йўлингизга қараймиз! Бу дунёда бир онанг дўст, бир тананг дўст! Ота-онанинг кўзидан оққан ёш авлодларини кўр қилади...

Момонинг сўнги сўзи мирзонинг диққатини тортди. Биз дуогўйларингизни унутмасангиз, сизни тангри унутмаяжак! Не қадар ҳақ, адолатли ва тўғри сўз! Киши ким бўлмасин ўзини ўз этган, меҳнату дуолари, билиму сабоқлари билан маълум бир даражага етказган инсонларни, ота-она, буюк қардош, устозу мударрисларини унутиб, ўзини осмондан тушиб қолган авлиё каби ҳис эта бошлайди. Унинг фожиаси ҳам ана шу дақиқадан бошланади, фикридан кечди мирзонинг. Авлоднинг ўзини ақлли санаб, кўрсатган йўлингдан юрмоқни истамаслигиёқ исённинг бошланиши демақдир. Ўз зақоси билан ҳақ йўлни топмоқ эса ҳар кимга ҳам насиб этмас илоҳий эътиқоддир.

– Энамизни муносиб равишда кузатиб қўйинг. Киши юбориб, сўнгра ўзингиз бориб яшаш шароитларини кўздан кечиринг. Кўй аҳлига неки ёрдам керак бўлса, ўрганг. Келиб менга сўйлайсиз, – маликага тавсия этди сўзи сўнгида.

Эгилиб пешини ўпмоқчи бўлган эди, мирзо момонинг икки кафтини элида тутганча ўпди.

– Биз сизнинг қўлингизни ўпиб, кўзимизга суртишимиз керак. Жаннат оналар оёғи остида бўлгандан сўнг, жаннат каби бу ёруғ олам сизнинг мўъжиза яратувчи кафтингиздадир. Нафақат сизнинг қўлингизни, оёғингизни-да тавоф этмоғимиз керак. Анқара савашидан сўнг Турон салтанати тасарруфига кирган Усмонли давлатида энг катта маош-ни султоннинг онаси, волидаи султон олар экан. Ана олий адолат! Қиблагоҳ ҳазратлари доимо кўришиб хайрлаш-

ганда волидамнинг оёқ-қўлларидан ўпардим дердилар,  
– овози титраб кетди мирзонинг. – Кўришгунча тангрига  
омонат бўлинг!

Малика Милкат оғо мусофирларни шаҳарнинг Ироқ  
дарвозасига томон етаклади.

Саломхона киришида амиру вазирлар ташвишли қиё-  
фада пичирлашиб Балх фожиаси режасини муҳокама эти-  
шар, подшоҳ беражак сўнг амри-фармонни беклашарди.

– Машваратимизга шайхулислом ва олий қози ҳаз-  
ратлари ҳам етиб келдиларми? – сўради ўй босган  
Шоҳруҳмирзо тахтига оғир чўкаркан.

– Етиб келдилар! Ҳозирлар! – жавоб қилди мулозим.

– Даъват этинг!

– Балхдаги турум барчангизга маълумдир, – дея кенгаш  
иштирокчиларига мурожаат этди подшоҳ. – Вазият шуни  
тақозо этмоқдаки, зудлик-ла ул тарафга юрмоғимиз керак.

– Балх томон юборилган мирзо Саййид Аҳмад Мирак  
ва уч энг еткили амиримиз шу пайтгача етиб бормадилар-  
ми? Ёки етиб борган бўлсалар-да, ёвга қарши ҳеч бир  
чора-тадбир кўрмадиларми, онҳазрат? – сўради у томон  
кетган қўшин ҳаракатидан норози оҳангда шайхулислом  
Тоифий.

– Улар нечундир Қизил Работда туриб қолибдилар. Би-  
рор тараддуд ёки фикрлари бордирки, шу қарорга келган-  
лар. Зотан, биз ортингиздан етиб борамиз деган эдик. Шу-  
нинг учун ҳам ҳужумга ўтмай, асосий қўшинни беклаётган  
бўлишлари мумкин, – гап лашкар орасида тарқалиб кет-  
маслиги учун яғий қўшини сони кўплигини айтмади олий  
бош қўмондон.

– Унда ҳамон отланмоқ керак. Ул лаънати қотилнинг би-  
рон дақиқа эркин нафас олишига йўл қўймасдан суробини  
тўғриламоқ керак, – деди Тоифий ўтирганларга қараб.

– Маъкул!

– Бу хоин қайсарнинг ишини битирмоқ лозим!

– Йўлга чиқиш керак!

– Вақт ўтаверса, гап-сўз ҳам кўпаяверади! – фикр билдирди амирлар.

Олий ўрду доруссалтана Ҳиротдан чиқиб, бир манзил юрган эди.

Қўшин олдидаги қоровулбеги ўқдек учганча Тусдан, амир Шоҳмалик ҳузуридан келган чопарни қўшга олиб келди.

– Жаҳон аҳли амирзодаси Улуғбек Муҳаммад Тарағайнинг амир лашкари Шоҳмаликбек зудлик ила ушбу мактубни зоти олийларига етказишга амр бердилар, – дея тиз чўкканча мактубни подшоҳга узутди чопар.

Нуширвон Барлос куйиб-пишиб такрорлаган ва султонни иқно этмоққа уринган нохуш воқеа содир бўлган, мирзо Умар ибн Мироншоҳ хоинлигу мухолифат йўлига кирган, куни кеча нону туз еб кетган ошлиқу тузликқа туфурган, Шоҳруҳмирзо минг бир умид билан берган тулпорларга миниб, давлатпаноҳига қарши от қўйган, у берган қиличу камонларни ўзига қаратган эди.

Шом туби қоронғу бўлган подшоҳ ҳайрат бармоғини тишлаганча хатни иккинчи бор ўқиди:

*“Исёнчи амирзодамиз Мозандарон ҳокимиятини қўлга олганидан бошлаб, олий девонга маълум қилмай барча лавозимдаги амиру ҳарбийларга истаганлари қадар ер улашган. Яъни иқто берган. Қисқа фурсатда навкарликдан ер-мулк соҳибига айланган бу сипоҳийу суворийлар, қўшин бошлиқлари амирзода атрофига кўп одам йиғишга эришганлар. Умар мирзо Рай мамлакати томон черик юборган ва иниси Абу Бакр мирзонинг ҳараму ўғруқини ҳимоя этиб турган икки минг мўғул оиласини Мозандаронга кўчиртириб келтирган. Бу мўғулларнинг бир пайтлар Хуросонда яшаганлиги ва ўша тарафлар-*

дан келганлигини баҳона қилиб, эндиликда бу ҳудудлар ўзига тегишли эканлигини айтиб, дам урмоқда экан.

Айниқса, менинг мулозимим Шайх Ҳасан миҳаффачи сотқинлик йўлига кириб унинг олдига қочиб боргандан сўнгра даъвоси кучайган. Хоин миҳаффачи унга “Хуросон лашкари амир Шоҳмаликдан норози. Агар сиз муборак соянғизни ул тупроқларга солсанғиз, бутун черик зоти олийларининг ҳумоюн байроғи остида тўпланиб, амирзода Улуғбеғу унинг амир лашкари Шоҳмаликни куллуқлаб элинғизга топширадилар” деган аҳмоқона гапларни қилган. Шарафсиз ва бедавлатлар, насли насабсиз бу муртадларга қарши бир томчи қонимиз қолгунча курашамиз!

Қурбонликка ярамас нокаслар беҳуда ҳаракат белни букишини англамай бу разил йўлга кирдилар! Тақдири илоҳий бу муртадлар бошига бутун оламни йиқажакдир! Биз шаъну шараф-ла уларга қарши жангга ҳозирмиз ва зоти олийларининг таълимоту амри фармонларини тўрт кўз-ла беклаймиз”.

Қари билганни пари билмас дегани тўғри экан. Яна Нуширвон амакимиз ҳақ бўлиб чиқдилар. Демак, онасидан осмон каби даъво хасталиги билан туғилган бу баччаларнинг ҳеч бирига ишониб бўлмайди. Қиблагоҳ ҳазратлари васият-ла валиаҳд эълон этган бири мулку давлат ҳимояси йўлида жангу жадалда эмас, сархуш ҳолда канизаги қўйнида қўйдек бўғизланиб ўтирибди. Қотиллар унинг ҳарамини ҳам чопиб ташлаганлар. Ҳолва деган билан оғиз чучимади. Мулки давлат учун кечаю кундуз, урушу тинчлик замонида бирдек бедор бўлиб мужодала этмас экансан, тожу тахтниям, унга қўшиб барчадан ақлли санаган бошу лошниям топширасан, дер эдилар раҳматли падари бузруквори. Киши, айниқса, ҳукмдор бундай уқубатли кунлар бошига тушмагунча уни англаб етмас экан. Кўзим очиқ деб, кўзига боқмаган – кўзасини йўқотади. Бундайлар

мутлоқ жувонмарг кетажаклар! Бу хоинликдан сўнг ипнинг учи қочди. Ўқ ёйдан чиқди...

Шоҳруҳ подшоҳ от устида мактубни ўқиганча ҳайкал каби қотиб қолган, барча унга “Бу шарафсиз хоинга Мозандарондек катта мамлакатни сиз ҳадя этдингиз! Ана энди униб чиқан мевани енг” деяётгандек эди.

– Чонғи ўтказамиз, барча амиру қўмондонлар етиб келсинлар! – аранг саси чиқди унинг.

Қаршисида валиаҳд Пирмуҳаммаднинг қотили, насл-насабсиз Пир Али Тоз. Балхдан сўнг Ҳиротни кўзлаб, атрофига эскию янги отадушманларни тўпламоқда. Орқасида эса ўзидан чиққан бало Умар мирзо. Ана сенга қисмату қадарнинг етти ухлаб тушинга-да кирмаган даҳшатли ўйини. Ётники ёндан, ўзники жондан дегани шу.

Шилар бизга очик-ойдин душманимиз бўлган бани исроилдан-да хавфлидир, деган эди шайхулислом ўтган куни бўлиб ўтган суҳбатда. Шунга ўхшаб мирзо Умар айни вазиятда Пир Али Тоздан-да хатарлидир.

Дастлаб ўздан чиққан хоинни бартараф этмоқ керак. Сўнгра отадушман яғийни. Ёғ еганда ёт яхши, қон ичганда қариндош. Обрў ошдан, ғавғо қариндошдан деган ота сўзларини бежизга кўп такрорламас экан раҳматли қиблагоҳи. Дўсти нодондан душмани доно афзал кўриниб қолди. Бу кетишда салтанатни бегоналар эмас, ҳар бири ўзини Амир Соҳибқирон санаган мирзо Умар каби шарафсизлар барбод этадилар изтироб-ла ўз-ўзича мушоҳада этарди султон.

Бу пайтда амиру қўшин бошлиқлари тўпланиб бўлган, қўш нохуш хабардан ҳайратга тушганча масалани ўзаро муҳокама этаётган кишилар бошлари қотганча бош қўмондоннинг оғзига қараб турарди. Бири дастлаб Пир Али Тознинг жойини солиш керак деса, бошқа бири Пир Али ҳаромининг қочар жойи маълум. У бизга қарши юрак ютиб майдонга тушолмайди. Пирмуҳаммад мирзо билан савашганда ҳам катта энасини Шибирғондан кўрар эди.

Мирзо Умар нонкўрнинг ишини биринчи битириш керак. Биз Балх томон юрсак, у Хуросону Ҳиротга қараб от кўяди, дер эди.

Шоҳруҳмирзонинг амирзода Умарга Мозандарон мамлакатини беришига амир Нуширвон Барлос бошлиқ барча бек ва кўмондонлар қарши эди. Бироқ айна ўша дамда, ҳатто ҳозир ҳам у ҳудудга тайинланажак, ёшию оши пишган ўғилларидан бири ҳозир эмас. Жиянининг бундай сотқинлик қилиши кўнглининг бир учида турган бўлса-да, Нуширвон Барлоснинг ҳақлигини сезиб турган эса-да, дўсту ақрабодан душман ясамайин, бир ғанимни икки қилмайин, дея унга Мозандарон ўлкасини тақдим этганди. Энди эса бу нокас сарой аъёнлари олдида уни ноқулай, мулзам турумга туширди. Подшоҳ шу фикрда йиғилишиб турган эллик чоғли одамга нигоҳ ташлади. Ҳали булар орасидан ҳам мирзо Умару Пир Али Тозга ўхшаган туз еб тузликқа туфурадиган, еб турган нонига куфрони неъмат қиладиган номдор сотқинлар чиқиб қолиши ҳеч гап бўлмай қолди. Итбалиқдан тарқаган қурбақа улғайганда ўзини унутар экан. Ўқ отганга гул тутилмайди. Ё Оллоҳ! Бизнинг на дўстимиз мард, на душманимиз!

Сайхуннинг ул тарафида эса ота тахтини эгаллаб олган яна бир даъвоси дунё қадар амирзода Сарипул ва Ёрйлоқ кенглиklarини тўздирибу тўлдириб от чоптириб, қилич ўйнатмоқда.

Падари бузруквори ҳам Турон тахтига ўтирган дастлабки ўн йилда худди шундай, Кайкубоду Ясовурий, Оқкўюнлилару Қорақўюнлилар, Одилшоҳу Боязид Жалойир каби даъво орқадошлари қўзғаган фитна ва суиқасдларга маъруз қолган ва куни шу исёнларни бостириш билан кечган. Шу туфайли бу улуслар хон фармонию улуғ хоқон амри билан оқ уйлик этилиб, мамлакат бўйлаб тарқатилдилар.

Қиблагоҳининг иқтидор мужодаласи тарихи ва тажрибасини ҳисобга олиб ҳаракат этадиган бўлса, мулку миллат, тахту салтанат мавқеини эскиси каби қайта тикламоқ учун ўн йил кетар экан. Демак, энг қийин ва ҳаёт-мамот тўқнашувлари олдинда. Тангри ҳар замон ҳақу ҳалол, инсофу диёнатлининг ёнидадир. Кимки, неки қилса, ўзига қилгусидир. Ёқма, пишарсан, қазма, тушарсан...

– Ҳар кимга мулкни яратган тангримиз бергувсидир. Бизга қарши қилич кўтарган инимиз мирзо Умарга ҳам мулки давлатни ўшал эгаси бизнинг воситачилигимизда бергандир. Унга Мозандарон мулкни биз бердик дея иддао этишимиз хатолиғдир. Боқийликни тангрининг боқийлиги деб билиб, мулкни ҳам тангриники деб билурмиз. Тангри таоло уни кимга хоҳласа, беради. Кимдан истаса, қайтариб олади. Ана шу ақида ва хайрли ният кўмагу илинжида барча малигу султонлар унинг олдида қулу қўли калта бир бандда ўлароқ мутедирлар. Биз ҳам шу мақомдамиз ва буни унутганимиз он унинг қаҳри ғазабига дучор бўлажакмиз! – ўнг қўлини кўтариб мулозимларига мурожаат этди султон. – Қўмондонингиз ўлароқ Балх юришини тўхтатиб, Мозандарон томон юз бурсак деган қарорга келдим! Сиз не дейсиз? – яқинроқ турган амирлари кўзига бир-бир боқди.

Бир муддат кимсадан садо чиқмади. Ҳамма руҳан Пир Али Тозга қарши курашга ҳозирланаётган, Тусдан томдан тушган тарашадек етиб келган бу нохуш хабар барчани бирдек паришон ва ҳайрон этганди.

– Амри фармон, султонимизнингдир!

– Зоти олийлари негаки қарор берсалар уяжакмиз!

– Тўғри, аввал Мозандарон ишини битирмоқ керак! – саслар юксалди.

– Ўзимиздан чиққан ғалаён хавфлидир. Нобакор Пир Али Тоз эру эркак каби бизнинг қаршимизга қилич кўтариб чиқа олмайди. Чиққан жойи Бадахшон чангалзорларига ўзини уради!

Бир кунда одатдагидек бир эмас, бир ярим манзил ма-софани босиб жадал юрган Ҳирот қўшини Бодғис кенг-ликларига етган эди.

Қизилрабоддан, амир Мизроб ҳузуридан етиб келган суворий бекнинг арзини олий даргоҳга етказди.

– Амир Мизроб жанобларининг хос навқари Шод-монқул Саройдирман. Амиримиз зоти олийларига ушбу-ларни мамнуният-ла етказмоқ вазифасини тайинлади-лар. Қуму тупроқдан қилинган беномуслар қалъаси ичдан дарз кетди. Бир пайт валиаҳд Пирмуҳаммад ғулида па-рокандаликни юзага келтириб, Балх қўшини мағлубиятига сабаб бўлган амир Ёдгоршоҳнинг арлот қўшини Пир Али Тоз ўрдусини тарк этиб, амир Мизроб черигига ке-либ қўшилдилар. Яғий лашкарида саросима ҳукмрон. Онҳазратнинг зафарнишон бир фармони олийлари билан асосий қўшин дастагида ёв устига юрмоқнинг том фурсату замонидир. Сўнг қарор олийнажот султонимизнингдир ва улуғ даргоҳдан мужда беклагаймиз!

Бу подшоҳ фикр ва тахмин этгани каби умидбахш ха-бар эди. Оний ва ҳиссий нодонлик-ла элию иймонини те-мурий валиаҳднинг қони ила бўяган Пир Али Тоз ҳазора йўл қўйган қонхўрлигининг не қадар фарқида бўлса, унга дастак берган бемиллат ва беватанлар ҳам худди унинг каби жон талвасасида бўлсалар керак, ақлидан кечди подшоҳнинг. Заҳн этгани каби мирзо Умар муаммоси сўғишу савашсиз ҳал бўлмайдиганга ўхшайди. Амирзода-нинг бу хоинлиги Шоҳруҳсултонни элу юрт, лашкару амир-лари олдида маҳжуб этди. Тангри маҳжуб этмасун! Раҳми шафқатдан дариф тутмасин, – лаблари пичирлади.

– Амир Мизроб қардошимизга сўзимизни еткуринг!  
– деди бу ҳаводисдан кўнгли бироз таскин топган Шоҳ-руҳмирзо. – Амир Мизроб лашкари машқини такомилга етказиб, Мурғоб суви яқосида турсинлар! Мирзо Сай-йид Аҳмад Мирак ва Ҳасан Сўфи Тархоннинг чериги

Қизилравотни тарк этмай, яғий ҳаракатига кўз-қулоқ бўлсин! Муҳтарам амакимиз амир Нуширвон Барлос черигининг учдан иккисини мирзо Миракка қолдириб, қолган қисми ила ҳузуримизга келсинлар! Бошқа ҳар қандай черикка ҳожат йўқдир! Тажрибали ва тадбирли амиримизнинг маслаҳату тавсияларига эҳтиёжимиз бордир! Сўзимизни Сайид Аҳмад мирзо ва ҳар уч муҳтарам бегимизга айнан етказинг! – навкарга таълимот берди ҳукмдор. – Биз Мозандарон муаммосини ҳал этиб, шамол каби Балх томон етиб боражакмиз!

Ҳаяжон ила сўзлаган подшоҳнинг назари амирлар орасида елкасини қисганча мутавозе бир ҳолатда турган Шарофиддин Дизакийга тушди.

Бек ва кўмондонларга изн берганда унинг саропардада қолишини сўради. Тажрибали олим ва тарихчи Дизакий беихтиёр султоннинг маслаҳатчисига айланиб қолган, катта-кичик масалаларда фикрининг ҳақлиги ва салмоғи жиҳатидан барчаникени босиб кетарди.

Камсуқум Дизакий подшоҳ ишорат этган курсига ўтирди.

– Шу пайтгача сиз муҳтарам устоз билан бафуржа суҳбатлашмоқнинг имкони бўлмади. Сўрмоқ истаган бир қанча мавзулар бор, – деди Шоҳруҳмирзо тахтидан туриб суҳбатдоши қаршисига ўтирар экан. – Эътибор берган бўлсангиз амир Мизроб ҳузуридан келган навкар ит эмган, итдан бўлган қурбонликка ярамас, деган ибораларни ишлатди. Эл орасида шундай гап бор. Ана шу ота сўзини билганингиз қадар шарҳ этармисиз?

– Бир оғиз сўзлари, султоним. Бу мақол улус орасида кенг тарқалган бўлиб, тез-тез қулоққа чалинади. Атаманинг итдан туққан қурбонликка ярамас, эшакдан туққан инсонликка деган шакли ҳам бордир. Маълумингизким, муқаддас қурбон ҳайитимизда қўй, эчки, қорамол ва туя

каби жонлиқлар сўйилиб, хомлигича тарқатилади ёки пиширилиб халойиққа улашилади. Мисол учун, қўй, эчки ёки бошқа ҳайвоннинг қулоғи чиноқ бўлмасин, оёғи оқсоқ ва касал бўлмасин, салимул аъзо бенуқсон бўлсин деган шартлари бор. Баъзида совлиқ қўй туғиб, ўлиб қолади. Қўзиси эса етим бўлади. Қўзилаган аксар совлиқлар бундай бегона, етим қўзиларни ётсираб эмизмайди. Шунда уни янги туққан итга эмизикдош қилиб қўядилар. Ит эса қўзини эмизаверади. Мана шундай ит эмган қўзи каттариб қўй бўлгач, қурбонликка ярамас экан. Агар шу ит эмган қўй туғса, унинг қўзисини ҳам итдан тарқаган деб атайдилар ва қурбонлик учун сўймайдилар. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, баъзи қўй ва эчкилар ҳаддан ташқари куйикканда итдан ҳам қочиб қолармиш. Бундай қўй-эчкининг боласини ҳам итдан тарқаган деб атайдилар ва қурбонликка ярамайди, дейдилар. У сўзнинг яна бир муқобили отдан от, эшакдан эшакдир. Яъни ёмон ота-онанинг боласи ҳам ёмон бўлади. Ёмонлик шундай бир бало ва хасталикки, у наслдан наслга, аждоддан авлодга ўтади. Мақолнинг туб моҳияти ёмон одамнинг боласи эл оғаси бўлишликка ярамайди деган мажозий маънога эгадир, султоним, – суҳбатдошининг саволини жавоблантирди Дизакий.

– Ташаккур, устод. Жавобингиз ғоят мукамал. Лutfан яна бир нарса ҳақида фикрингизни олмоқчи эдим. Падари бузруквор раҳматли мудом олиму тарихчилар, амиру қўмондонлар билан Чингизхону Хоразмшоҳ муносабати, уларнинг саваш, жанг усулу услублари ҳақида узоқ баҳслашиб, муҳокама этишарди. Бу суҳбатлар менинг ҳам қулоғимга чалинар ва ўша кечмиш замон тарихига қизиқиш уйғотарди. Тарих сабоқ олиниб, тўғри хулоса чиқарилмаса такрорланаверади деганларидек, биз ҳам тахту салтанат вориси сифатида шундай муаммою ғалваларнинг ўртасида қолдик. Ҳаракат ва жангларимизда улар тажрибасини ўрганмоқ ҳар замон асқотади. Менга дастлаб улуғ бобон-

гиз Фахриддин Дизакий шоҳид ва шаҳид бўлган Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ ва Чингизхон ўртасида воситачилик қилган савдогарлар тарихини сўзлаб берсангиз? – бир зум бўлса-да, қаршисидаги жангу жадал муаммоларини унутгандек эди подшоҳ.

– Тарихчи олимларимиз турли манбаларга асосланиб, дунёнинг тақдирини буриб юборган бу икки шахс фаолияти ва муносабати ҳақида ҳар хил фикрларни айтадилар. Билганингиз ўша Фахриддин бобомиз қисмати орқали бизга етиб келган хотиралар тарихчиларимиз баён этганларидан бироз ўзгачароқдир. Аҳмад Хўжандий етакчилигидаги тужорларнинг Чингизхон ҳузурига Алоуддин Хоразмшоҳ юбормаган. Савдогарлар Туркистон молларининг мўғул ўлкаларида қиммат баҳоларда сотилишини режалаб борганлар. Туркистон карвони ташрифидан хабар топган Чингизхон Аҳмад Хўжандийни ўтовига чорлайди ва олиб борган Самарқанд шойиси, адрас ҳамда бошқа матолар баҳосини сўрайди. Бобомиз Фахриддин Дизакий мўғул ва чин тилларини билганлари учун доимо Аҳмад Хўжандийнинг ёнида юрадилар. Бобом Дизакка қайтгач, бу учрашувни шундай ҳикоя қилган эканлар...

– Ўлкангизни жаннат каби гўзал бир диёр деб эшитганман. У ерда инсон жонидан бошқа ҳар нарса бор дейдилар. Шу тўғрими? – сўради қийиқ кўзларини янада қисиб қоон.

– Шундай, олампаноҳ. Бизнинг тупроқ шундай унумли ва баракалики, чўпоннинг таёғини суқиб қўйсангиз ҳам ўсиб мева бераверади. Далаларимиздан бир мавсумда икки-уч бор ҳосил олса бўлади, – жавоб қилди Аҳмад Хўжандий тиз чўкканча.

– Бироқ чинлар каби пишиқ, ақлли ва меҳнаткаш эмаслар. Бошлари ҳам бирикмайди дейишади. Бу гап ҳам ҳақми? – яна сўради қоон.

– Бундай нуқсон ҳар бир халқда бор. Бирида кўпроқ, ик-

кинчисида озроқ, – жаҳонгирнинг ҳар бир саволига ўйлаб, диққат-ла жавоб берарди Хўжандий.

– Шундай дегин. Хў-ўш, мана бу келтирган гумашларингнинг баҳоси қанчадан? Уни бизнинг бозорларда сотмоқ учун олиб келдингми?

– Ипакли гумашларнинг бир кийимлиги йигирма динордан. Пахтали матолар эса ўн динордан, – қоон қаршисидаги хонтахта устига ёйилган молларни кўрсатиб нархини айтди Хўжандий.

– Эс-ҳуши жойидами бу арабнинг! – ғазаби келганча қаршисида турган ясовулбошига қаради қоон. – Араб деганида инсоф йўқ деб эшитар эдим. Тўғрига ўхшайди. Сен бизни умрида ҳеч қачон кийим киймаган ва бундан сўнг ҳам киймайди деб ўйлайсан чоғи! Бу нафси ҳакалак отган савдогарга хазинамиздаги Чину Ироқ, Мисру Шом матоларини кўрсат! – ўшқирди Чингизхон.

Ясовулбоши тез ҳаракат билан юриб келиб Хўжандийнинг чап билагидан тутиб, ўтовдан олиб чиқди.

– Унинг шериклари борми? – сўради хон бу нохуш воқеадан хижолат чекиб, жонини ҳовучлаб турган Дизакийга.

– Бордир, улуғ қоон зоти олийлари! Улар ташқаридалар, – жавоб қилди Дизакий.

– Чорла кирсунлар!

Дизакий ўтовдан чиқиб, ўн чоғли туркистонлик тужжорларни бошлаб кирди.

– Бу матоларни қай баҳода сотмоқчисизлар? – сўради Чингизхон овозини пастлатиб.

Орада нохуш воқеа юз берганини, ясовулбошини Аҳмад Хўжандийни қўлидан тутганча асир каби бошқа бир ўтов томон олиб кетганини кўрган ҳамроҳлари не деярларини билмай, лол эдилар.

– Бу матолар баҳосиз. Буларни биз зоти олийлари учун ҳадя сифатида келтирганмиз! – деди тили зўрға айланиб Дизакий ноқулай вазиятдан чиқмоқ учун.

– Шундай дегин! – қаҳридан тушгандай эди ҳукмдор. – Унда мен ўз одамларимни қўшиб, сиз билан юртингизга юбораман.

Чину мўғул тарафдан Хуросону Турон диёрига кўп карвонлар келарди. Булар орасида улуғ қоон ва ўғилларининг айғоқу узунқулоқлари бўлар, бироқ Аҳмад Хўжандий билан келаётган элчилар қўлларида мўғул давлати кишиларига бериладиган кафт катталигидаги олтин парчаси бўлиб, унда шундай ёзув бор эди. “Қўрқ ва ҳурматда бўл! Сабаби бу одам буюк қооннинг кишиси ва вакилидир”.

Чинни тасарруфига киритган Чингизхон учун Хоразмшоҳ давлатини босиб олмоққа эҳтиёжи йўқ эди. Усиз ҳам бу чек-чегарасиз ҳудудларни бошқармоқ ва қайсар элу элатларни йўлга солмоқ осон эмас эди.

У буюк ипак йўлининг асосий йўлларини назорат этиб турган Хоразмшоҳ салтанати билан дўстона муносабатлар ўрнатиб, борди-келди қилмоқ ниятида эди. Унинг тўрт юз минг кишилиқ қўшини борлигиниям, шоҳ билан онаси Туркон хотун ва ўғли Жалолиддин Менкбурни орасидаги зиддиятларни ҳам билар эди.

Ниҳоят, у Алоуддин Муҳаммад бошкентига Маҳмуд Яловоч Хоразмий, Али Хожа Бухорий ва Юсуф Ўтрорийлар бошлиқ элчиларни юборди.

Тужжор ва таржимон Фахриддин Дизакий ҳам елмоя (тезюар) туясининг нўхтасини ўйнаганча элчилар билан Гурганж томон келарди.

Нор ва арвона (она туя) туяларга буюк қооннинг хазиначиси саралаб бўғчалатган катта ҳадялар, татар мушкю яшма тоши, зарбоф кийим-кечаклару Чин ва Хўтаннинг тансиқ моллари ортилган бўлиб, бу билан Чингизхон Хоразмшоҳга ўзининг чин ҳурматини билдирган эди.

Элчилар Хоразмшоҳга буюк қооннинг сўзларини айнан етказдилар.

## ЎТТИЗ БИРИНЧИ БОБ

*Исо ҳам ўз йўлига,  
Мусо ҳам ўз йўлига.*

**Халқ ҳикмати**

“...Сўзу васиятимнинг сабаби шулдир. Сенинг яқинлик ва қўшничилик, подшоҳликдаги шериклик ва дўстлигинг, садоқатлигинг ҳамда бир-биримизга муҳаббатимиз борлигини биламан. Менинг сендан азиз фарзандим йўқ. Қулоғингга етган бўлса керакки, энди мен Чиннинг энг шарқий нуқтасидан бошлаб, Хўтан, Хитой, Мўғулистон, Туркистон диёрлари ва то сенинг вилоятинг сарҳадларигача бўлган ерларнинг ҳукмдориман. Борки қабилалару ҳокимлар менинг амримга муте ва фармонбардор бўлиб турибдилар. Итоат ва инқиёд тариқидан оғанларнинг барчасини инсоний ҳаёт шуъласини тиғи обдорим билан нишонга олдим. Шуларни сенга айтиб қўймоқдаман...”

Элчиларга ҳадик, ишончсизлик ва ғараз аралаш қарангача сўзларини тинглаган Хоразмшоҳ улар шарафига шоҳона зиёфат тартиб этмоқни буюрди. Ҳурмату эътиборларини жойига қўйиб қўноқ этди.

Элчилар билан майу чоғир ичиб ўтирган шоҳ ўзаро суҳбатлашган бўлиб, Маҳмуд Ялавоч Хоразмийни эргаштирганча четроққа чиқди.

– Сен хоразмликсан, миллатдошимсан. Менга ҳеч бир қўрқуву тараддудсиз тўғри сўзни сўйла. Хонларинг ростдан ҳам Чин мамлакатини забт этганми? – овозини пастлатиб сўради Хоразмшоҳ ишонқирамаган оҳангда.

– Шоҳларга, айниқса, сиз каби улуғ султонга ўтрик сўйлаб бўлмайди, онҳазрат! Зотан, сизнинг кимнинг ёлғон сўйлаб-сўйламаслигини билажак ақл-идрокинғиз, куч-қуд-

ратингиз бор. Буни буюк қоон зоти олийлари ҳам билдилар ва шунинг учун ҳам бу ёруғ очунда ҳурмат қилиб ҳисоблашадиган киши сизсиз, – жавоб қилди Маҳмуд Ялавоч.

– Галинг ростлигига қасам ичасанми?

– Қуръони карим урсин ёлғон бўлса, давлатпаноҳ!

Яловочнинг камтарин ва тўғрисўзлигидан мутаасир бўлган шоҳ бир зум ҳам ўйламай-нетмай бармоғидаги бир вилоятнинг бир йиллик божу хирожига тенг лаъл кўзлик узугини чиқариб суҳбатдошига узатди.

Маҳмуд Яловоч бу қадар қимматбаҳо узукни олишга тортиниб, рад этди. Қўрқиб кетган эди. Бундан буюк қоон хабар топса, турли хаёлга бориши мумкин, фикр қилди Хоразмий.

Мўғулларнинг ёмон бир одатлари бор. Бировдан бир шубҳаландиларми, тамом. Гуноҳинг бўлмаса-да, кечирмайдилар. Эртами-кеч жойингни соладилар.

– Ол! Ҳеч ким кўргани йўқ. Улар ўзлари билан ўзлари овора бўлиб қолдилар. Подшоҳларнинг ҳадясини олмаслик, улар тавсия этган амалу мансабни рад этиш мумкин эмас. Оқибати яхши бўлмайди, – деди шоҳ ҳамон ўша сирли оҳангда.

Икки ўт орасида қолган элчи йўлдошларига орқа ўгирганча узукни ёнчиғига солди. Қўрқуву хижолатдан қўли, аъзойи бадани титрарди.

– Менга қара, Маҳмуд! Сен менинг шон-шуҳратим, шавкату қудратим ҳақида эшитганмисан? Менинг ҳашаматим қаршисида Бағдод халифаларию Миср султонлари, Дашти Қипчоқ бекларию Эрон шоҳлари, Ғур подшоҳлорию Султон Санжар авлодларининг қўл-оёқлари титрашини биласанми? У хонми, қоонми деганинг ким бўлибдики, менга фарзандим дея насиҳатомуз хитоб қилади? Инсон зотининг оёғи етган ҳудудларда менга тенг келадиган кучу ҳукмдор

йўқлигини биласанми? Кун битган кучук мачитнинг деворига пешоб қилганидек, у саҳройи гапираётган гапининг фарқига борадими? Сен ҳеч қачон, у дунёи бу дунё биз туркларга мўғул қавмидан хайр келмаслигини биласанми? Сен фақат ўша хоқоннинг ва тўрт ўғли ўқийдиган, ўзларидан бошқа кимсага кўрсатмайдиган “Мўғулнинг муқаддас китоби” деган тўра, тузук, йўл-йўриқлардан иборат битигини биласанми? Унда ўша қоннинг турклар бизнинг энг хавфли душманимиз. Уларга шафқат қилманг деган амри борлигини эшитганмисан? – Энди овозини баландлата бошлаган эди Алоуддин Муҳаммад. – У биз томон кўзини тикса, бошига не балолар ёғилишини биладими?

Шоҳ билан суҳбат бошидаги каби тўғри ва самимий гаплашиб бўлмаслигини англаган Маҳмуд Яловоч уни тинчитмоқ, кўнглини хотиржам этиб, тезроқ бу ўлкани тарк этиш кераклигини англади.

Ҳақиқатни англашни истамаган, адолатнинг юзига тик боқа билмаган шоҳу гадойга неники уқтирмоққа интилма, фойдасиздир.

У ҳеч қачон ўзи тўғри деб билган янглиш йўлдан қайтмайди. Қулоғига у истаган ёқимли ёлғонни гапириб, кўзига хоҳлаган сунъий манзарани кўрсатишинг керак.

Шу сохта билгилар, кўзни қамаштирувчи ялтироқликларни кўриб, эл-юрт менинг сояи давлатимда ана шундай роҳат-фароғатда, шоду фаровонликда яшамоқда деб ўйлаб, ўзини овутиб, қўлтиғини совутиб яшайверади.

Унинг кўзидан панада эса одатдаги жоҳилона ҳаёт, золимнинг фуқарога зулми, дасти узуннинг қўли калта ҳақини еб, ўзини шоҳга қўй оғзидан чўп олмаган қилиб кўрсатиши давом этаверади.

Бойлар бойга боқаверади, мошовага эса жаз ҳам йўқ!  
Бойлар кўзи хонда, ғариб кўзи нонда.

– У Чин ўлкасини олгани билан сиз зоти олийлари

қадар куч-қудрат соҳиби эмас. Чинлар ичидан сотқинлар чиқиб, парокандаликка юз тутиб енгилдилар-да. Билъакс, сон-саноксиз яъжужу маъжужларни енгиб бўладими? Чин деган уммон олдида мўғул деган ирмоқ не деган гап, шаҳаншоҳим! Эрта кунда бугун ишқириғи тошни ёраётган мўғул деган саҳройи бир кун келиб, дину миллатни қайб этиб, чинлашиб кетади. Ҳеч қачон оз сонли миллат кўпчилик улусга бас келолмайди. Сиздек рубъи маскун подшоҳи, амри фармониға ҳукмдор зоти борки, қулоқ соладиган шарафли султонга тенг келадиган куч йўқ бу ёруғ очунда. Унинг телбаларча айтган бу гапларига эътибор берманг ва ташвиш чекманг! Ҳукмдорлар ошиғи олчи тушиб, иши ғириб турганда нималар демайдилар! Сув ичиб кекириб, сиёсат қилаверадилар-да! – ҳукмдорни тасалли этмоқ учун оғзига келган илиқ ва унга хуш ёқадиган жумлаларни тизиб ташлади қоон элчиси. – Билингким, мен сизнинг содиқ қулингизман ва ўла-ўлгунча хизматингизда муқимман. Сизга келган хавф-хатар менинг бошимга келажак балодур. Бундан буён сизнинг одамингиз, ҳар ерда кўзу қулоғингиз бўлмоққа сўз бераман ва тангрини ўртага қўйиб онт ичаман! Сўзу қароримдан қайтсам кўзим кўр бўлиб, Оллоҳ жазойимни берсин! – дея шоҳнинг ўнг тиззасига пешонасига теккизди Маҳмуд Ялавоч Хоразмий.

– Сенга ишондим, Маҳмуд! – деди шоҳ шаштидан тушиб, сокин, бироқ тушкун оҳангда. – Инсон не қадар юксалгани сари шу қадар ёлғизлашиб, кимсасизлашиб борар экан. Одамлар наздида инсону ҳукмдорликдан чиқиб, бир қоя ёки ҳайкалга айланиб қолар экансан. Сен-ла ҳайратланиб оғзингга қараб турган, сенинг авлодинг бўлгани учун шаҳзода бўлиб туғилганидан ҳаволарда учиб юрган болаларинг ҳам эсини таниши билан рақибинг, тожтахтинг даъвогарига айланар экан. Гўёки сен уни ҳукмдор қилмоқ учун воситачи сифатида дунёга келгандексан.

Фикри ёди тахти салтанат, мулки давлат бўлган одам ота-онаси, ўзининг бу мавқега қандай етиб келганлиги ҳақида бош қотириб ўтирмас экан. Оламини титратиб турган шоҳ бўлсанг-да, боланг сенинг кимлигингни англаб етмас экан. Ҳатто елкасидаги ортиқча юк ҳам деб биларкан, Маҳмуд...

Зиёфат солини бурчагига қўйилган курсига оғир чўкканча дардини меҳмонга айтаётган султон қолган мўғул элчилари ўзларига яқинлашганда гапдан тўхтаб, кичик хонтахта устида турган май косасини қўлига олди.

– Қани, ҳурматли мусофирлар! Қаршимга ўтирингларчи! Қўноқларимизга курсилар келтиринг! – сертакаллуф эди султон. – Қани Маҳмуд Яловоч! Сен бориб ошлоқни янгилатиб, ошчиларимизга мусофирларга хуш келадиган емак-ичмаклардан буюр, – ҳамюртини баковулу ошпазлар томон йўллади.

Ялавоч бу оғир ва энсани қотириб, кўнгилни айнитадиган суҳбатдан қутулганига қуллуқ қилиб, суфра томон йўналди.

Юсуф Ўтрорий билан Али Хожа Бухорий сархуш султоннинг қаршисига ўтирдилар.

– Буюк қооннинг ҳақиқатан улуғ ҳукмдор эканликларига иймон келтирдим. Чин мамлакатини Ўғузхондан сўнг кимса забт эта олмаган. Бу жаҳонгирлик қисмати буюк қоонга насиб этибди! Табрик ва қутловларимни зоти олийларига етказинг! Қасам ичиб айтаманки, мен унинг дўст ва ҳамжиҳатлари қаторидаман! Улуғ қоонга мулозимликдан ҳеч бир замон андиша қилмасман! – кўзи ярим юмуқ ҳолда ўзининг хайрихоҳ ва содиқлигини исботламоқчи бўларди султон. – Ҳақиқатан ҳам биз бир-биримизга энг яқин дўст ва қардош халқмиз! Мана, сиз мусулмон элчию тужжорлар! Буюк қоон мамлакатида роҳат-фароғат-ла яшаб, умргузаронлик қилмоқдасиз! Буни қадрламоғимиз ва тақдир этмоғимиз керақдир! Сизлар каби мўғуллар ҳам бизнинг

юртга келиб савдо-сотик қилсинлар! Сизларнинг ҳар замон суфрамиз тўрида ерингиз бордир! Бу ҳам буюк қоонга бўлган меҳр-муҳаббатимиз, сидқи садоқатимиздандир! – суҳбатдошларининг кўзига боқмай, ерга қараганча бошини эгиб гапирарди султон.

Икки элчи ҳам Хоразмшоҳдек ҳукмдорнинг кутилмаганда бу қадар довдираб қолиб, паст кетишини кутмаган эди.

Чингизхон зиммаларига юкланган вазифани ўлганнинг кунидан адо этаётган бўлсалар-да, бир мўмин-мусулмон сифатида кўнгиллари Бағдоду Гурганжда эди.

Демак, Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ улар тасаввур этганлари қадар теран фикрловчи, дўсту душманнинг фарқига борадиган, вазият тақозосига кўра қўл остида тўпланиб қолган куч-қудратни ҳисоб-китобу тадбир ила йўнатадиган ҳукмдор кўринмайди, фикр қилди икки элчи бир-бирларига маъноли боқаркан.

Чингизхон унинг руҳи аҳволини, иш тутумини билиб қолса борми. Бир ҳамлада қурбақани ютган илондек ишини битиради.

Бу кайфияту феъл-атвор билан шундай буюк мамлакатни қандай бошқармоқда экан? Ёки ҳақиқатан ҳам давлат ипининг учи одамлар айтгандек онаси Туркон хотундамикан?

Давлату мамлакат жилови аёл зотининг элига кечди-ми, тамом. Эчкини икки қирқаман дея улуснинг бошини қотиради. Юрт парокандаликка юз тутуди.

...– Англашилди, – деди Шоҳруҳмирзо Дизакийнинг қимматли маълумотларини мушоҳада этар экан. – Қиблагоҳ раҳматлининг тарихчилари устоз Тоҳир тарихчи қайд этганларидек, буюк қоон Хоразмшоҳнинг бутун дабдабаю асъасаси, ўзларини қудратли давлат сифатида тақдим этишлари ичи бўш қоп каби тирикчилик эканлигини англаб етгандан сўнг юришга қарор қилган. Акс

ҳолда у бунга журъат этмас эди, дердилар. Демак, бу гап тўғри экан-да?

– Шундайдир, султоним, етти иқлимни эгаллаш, билхосса ғарбга юриш ақлининг бир четида турган бўлса-да, хоразмшоҳлар ҳокимиятнинг ижобий ва салбий тарафларини диққат билан кузатиб борган. Ҳатто унинг кучсиз ва ожиз томонларини яхши билгандан сўнг ҳам бу хатарли юришга ҳадеганда амр бериб, журъат этмаган. Илоннинг ёғини ялаган қоон Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ салтанатининг куч-қудрати ҳақидаги шиширилган, оғиздан-оғизга ўтиб, афсонага айланган гап-сўзларнинг рўёвийу хаёлий бир нарса эканлигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг бу ишга киришган. Хоразмшоҳнинг энг катта хато-си шундан иборат эдики, у забт этган чекка ўлкалардаги маҳаллий ҳокимият бошлиқлари ва ҳокимларни йўқ қилиб, ўз одамларини қўйиб чиқди. Ерли халқлар эса бу кишиларни қўллаб-қувватламади. Оқибат натижада ҳокимият халқдан узилиб қолди. Тепадан қўйилган амалдорлар эса улус ила тил топиша олмади.

– Қўшини не қадар кўп сонли бўлмасин, уюшмаган, ясол тузмоқ ва ҳаракат этмоқда қусурли эдилар ҳам дейдилар.

– Хоразмшоҳ лашкари ташқаридан қараганда кўп ва енгилмас бўлиб кўрингани билан қайд этганимиз каби унинг тузилиши ва таркибида нуқсонлар мавжуд бўлган, султоним. Бу қўшин билхосса кўчманчи турк уюшма ва бирлашмаларидан таркиб топган бўлиб, очиқ майдонда жанг қилмоқ усул ва услублари, тажриба ва маҳоратини унутиб қўйгандилар. Қўшин таркибида камончи қисмлар йўқ эди. Жанг пайтида вазиятга қараб қўлланмоқ учун эҳтиёт бўлинманинг мавжуд эмаслиги, ўз-ўзидан катта тўқнашувлардаги энг муҳим омил – пистирмага қўйиш бўлмаганлигини кўрсатади. Очиқ ва кенг майдондаги жангда эса бундай қисмлар ғоят муҳим ва ҳал қилувчидир.

Хоразмшоҳ Ғур форс ва икки дарё оралиғида олиб борган ҳамда зафарга эришган майдон жанглирида душманга кўп сонли қўшин билан тўсатдан ҳужум қилиш услубини қўллаб мақсадга эришган бўлса, мўғуллар билан киришган жангларда бу усул яроқсиз бўлиб, ўзини оқламади. Йигирма йилдан бери қон кечиб найману меркит, уйғуру кераит каби ҳар жиҳатдан ўзларидан устун қўшинларни тору мор этган шафқатсиз ва тажрибали қўшин устига оний фармон билан тўпланган навкар (халқдан тўпланган аскар демак) билан бостириб бориб бўлмас эди. Айнан шуни, кутиб ўтирган ўнлаб, юзлаб жангу жадалларни кўрган мўғул че-риги бу навкар бўлинмаларини тўрғаб ташлайдилар.

– Хоразмдилар мўғулларга қарши курашга ҳозирлик кўрар эканлар, уларнинг жанг усул ва услубларини умуман ўрганмаган дейдилар? Рақибни билмай, уни озми-кўпми тадқиқ этмай савашга кирмоқ мумкинми?

– Бу ғоят катта хатодир, султоним. Яғийни ўрганмай туриб унинг қаршисига чиқмоқ мағлубиятнинг юзда эллигидир. Илк тўқнашувлароқ мўғулларни маълум режа ва усул асосида ҳаракат этиб, пистирмага қўйилган қўшимча кучлардан унумли фойдалана олишини кўрсатади. Бу усулни Хоразмшоҳнинг ўзи, амиру қўмондонлари ҳам билмасдилар. Буни икки тарафда сезиб англаганида қорли тоғлар эриб битган, боғу роғлар беклаётган оби ҳаётнинг қайноғи қуриган эди. Вос-восга дучор бўлган Хоразмшоҳ ўз қўшини яғийникидан уч-тўрт баробар кўп бўлса-да, уларнинг енгилмаслигига ишониб қолади.

– Бироқ Алоуддин Муҳаммад ҳатто ўз лашкарини мўғулларникидан кўплигини ҳам билмаган, шу даражада эсанкираб, ўзини йўқотиб қўйган дейдилар?

– Бу фикр тўғридир, султоним. У шу даражада эсанкирайдики, Самарқандга келганда, “Назаримда яғий сипоҳийларнинг сони шу қадар кўпки, агар улар ўз қам-

чиларини шаҳарни ўраган хандаққа ташласалар тўлиб қолади”, дейди арк хандақини кўздан кечирар экан. Бу сўзлар шаҳар ҳимоячилари ва лашкарнинг руҳу кайфиятига салбий таъсир кўрсатади. Ваҳимага тушиб йўлда давом этар экан, дуч келган одамдан “Сиз не дейсиз? Не маслаҳат берасиз?” дея сўрайверади.

– Хоразмшоҳ руҳан ва маънан мағлуб бўлгандан сўнг сулҳ йўлини танлаган дейдилар?

– Тўғри, жон ва шон талвасасида бунга ҳаракат этган. Шоҳ руҳидаги душман билан курашмоқ бефойда деган кайфият лашкару оммага ўтади. Қиличлар қинларига солиниб, найзалар занглайди. Бироқ султон умид қилган сулҳу ярашдан дарак бўлмайди. Мўғуллар оғизларида турган лаққани кўйиб юборадиган даражада содда эмас эдилар. Сулҳу битим, мунозараю мулоқот билан бир юртни эгаллаш, ҳокимиятни қўлга олиш ва бошқариш усули уларга ёт эди. Улар давлатининг ясо ва йўсуни шундай эди. Босиб олинган ер халқини талаб ўлжа олиш, аҳолининг иш бермайдиган кераксиз қисмини қириб ташлаш. Аёлларни аскарларига хотинликка бериш. Болалардан қуллар тайёрлаш. Энг даҳшатли томони шундаки, султоним, ўн минглаб мўғул аскарига олиб берилган бу аёллардан туғилган болалар ҳам оталари каби бўлиб етишдилар ҳамда кечмиш аждодлари ҳақиқа хиёнат қилиб, ўз юрти ва элига қарши курашдилар. Бу ғайрихлоқий ҳолат ҳануз давом этмоқда. Балки келажакда ҳам, юзлаб йиллар мобайнида ўз мевасини бераверади.

– Бир авлодни тугатиб, ўз халқига яғий бўлган янги бир сотқин қавм яратганлар.

– Қаршимизда турган ўзаги ўзимиздан чиққан кўп ҳурматли хоин қўл остида ҳам шундайлардан икки мингтасининг оиласи бор экан. Демак, бу камида бир туман (туман – мўғул тилида ўн минг демақдир) қўшин дегани. Улар икки

дунёда ҳам бизга дўстлик қилмайди, дер эдилар раҳматли падари бузруквор. Қаранг, замонлар ўзгарар экану, инсон деган яратиқ яратилганича қолаверар экан, – дея ўрнидан туриб юра бошлади подшоҳ.

– Ёмондан яхши бўлди деб суюнма, яхшидан ёмон бўлди деб куюнма деганлари тўғридир, султоним, – дея Дизакий ҳам ўрнидан турди.

Сухбат охирлаб қолганини фаҳмлаган хос мулозим саропарда қопусини очди. Подшоҳ унга не ҳаводислар дегандек қаради.

– Пешин намози яқинлашди, султоним. Малика Хонзодабегим ҳам амирзода Муҳаммад Жўгийни олиб етиб келибдилар. Қизилработдан Нуширвон Барлос келганлар, – сўнгги янгиликларни билдирди мулозим.

– Шайхулислом ҳазратлари ва олий қозини саропарда масжидига таклиф этинг. Амир Нуширвон Барлосни ҳам. Бирга пешин ибодатини қилурмиз. Биз ҳам устоз Дизакий ила таҳорат олиб келурмиз. Малика Хонзодабегимни бош маликамиз Гавҳаршодбегим қаршилаб, мусофир этиб турсинлар. Намоздан кейин кичик бир машваратимиз бор. Шундан сўнг малика ила кўришурмиз, – таълимот берди султон.

Мулозим таъзим-ла тисланди. Дизакийни олдинда юришга даъват этган подшоҳ саропарданинг масжидга чиқиш эшиги томон юрди.

– Ибодатдан сўнг амир Нуширвон Барлос учовимиз бир масалани муҳокама этмоғимиз керак, – деди Шохруҳмирзо таҳоратхонадан чиқиб масжидга кираркан.

Дизакий таъзим-ла бош эгди.

Масжиддан саропарда саҳнига чиққан султон шайхулислом ва олий қозини кузатиб қўйди. Мулозимга курсиларни ҳовлига олиб чиқишни буюрди.

– Балхдан не муждалар? – сўради султон курсига ўтирган ҳорғин Нуширвон Барлосдан.

– Мактубда битганим гап-сўзлар, подшоҳим. Ул қотилнинг иши узоққа бормайди. Бироқ сиз-ла муҳокама этиб хавфсираган ҳолатимиз, Умар мирзо исёни юз берганидан барчамиз бирдек ҳайрат бармоғини тишладик. Эшак эгасини, пишак бекасини танимас замонларга қолдик-да, устоз Дизакий.

– Дўстингни ўзингдан узоқлатма, душманингни ундан-да яқин тут деганларидек, мушт узоқдан келмайди, амир жаноблари. Шунга қараб сиёсатнинг тарозисига тош қўймоққа тўғри келади, – сўзлари маъноли эди Дизакийнинг.

Амир ва Дизакийнинг сўзларини тинглаган Шохруҳмирзо ўйга толганча Дизакийга тикилиб қолди.

– Қаранг-а, бу ибратли ота сўзини. Мушт узоқдан келмайди.

– Хешу ақрабонгни ошга чақиру чошга чақирма ҳам дейдилар, – қўшимча қилди амир Барлос.

– Чош деганида хирмонни чошламоқ назарда тутилганда?

– Шундай, султоним. Биз сўқоқда қолиб кетган қондошимизни ўйламай-нетмай хирмоннинг каттасига даъват этиб қўйдик. Бу хешу табор, ақрабою авлиёлар билан тўйи маърака, жанозаю худойида кўришиш керак. Улар билан ўзга оҳангда кўнишиб бўлмайди.

– Ундай десак, Балх фожиасининг бош қотили етти ёт бегона эди, амаки. Аблаху хоиннинг, разилу қаттолнинг ақрабою ўзгаси бўлмас экан.

– Тўғри, султоним. Эшак – эшаклигини қиладур бешак.

– Бу машваратимизда мен бошқа бир масалани сиз азизлар ила муҳокама этмоқчи эрдим, – суҳбат мавзусини ўзгартирди подшоҳ. – Амирзода Муҳаммад Жўгийни олиб Самарқанддан малика Хонзодабегим етиб келибдилар. Қизимиз Бегико ҳали-ҳануз Самарқандда. Улар икки

йилдан бери бизнинг қатъий бир ҳаракатга қўл урмаслигимиз учун бошкентда кафолат сифатида сақландилар. Бир неча бор одам юбориб сўраттирдим. Кишиларимизга суиқасд уюштиришгача бориб етдилар. Менинг ҳар икки фарзандим падари бузруквор рағбату марҳаматлари билан тарбияланмоқ учун Хонзодабегимга топширилган эди. Бугунги вазияту жиян амирзодамизнинг ҳамиятлари ўзингизга маълум. Амирзоданинг буюк бобо тахтини эгаллаш ҳаракати ва бу йўлда давом эттираётган мужодаласида малика волидаларининг не қадар ҳисса ва таъсирлари бор? Мен шулар ҳақида сизларнинг фикрларингизни билмоқчи эрдим? – дея суҳбатдошларига боқди подшоҳ.

Амир Барлос ва Дизакий бир-бирларига қараб қолдилар. Дизакий сиз бошланг дегандек амирга боқди.

– Бу ғоят нозик, билиб-билмай туриб оғиз очмоқ мушкул бир масаладир, – дея бошини соллаб гап бошлади бек. – Сиз жаҳонгир бобосининг тахтига ўтирган амирзодани айтасиз, кетига жир битиб, илдизи сувга яқинлашган фарзанд борки, ўзини ота-онасидан ақлли санаб, уларга ақл бўлмоқликка интилади. Табиийки, ҳар бир она каби маликамиз ҳам ўғлининг бу олий мартабаю мавқега етганидан суюнади, фахрланади. Бироқ муҳтарама хонзодамиз ўзлари бевосита иштирокчи бўлган ва Мироншоҳ мирзодек подшоҳ ҳам бир кунда хонабанд, собиқ ҳукмдорга айланган кунларини унутмаган бўлсалар керак. Хўжасининг бошига тушган кун, ҳатто бундан-да баттари ўғлининг бошига ҳам тушажагини тасаввур этса керак деган фикру қаноатдаман, султоним, – дея ўнг томонида ўтирган Дизакийга ўгирилди.

– Менимча, маликанинг бошкент тахти ғавғосида фаоллиги у қадар эмасдир. Бўлса-да, жуда оз миқдорда дейиш мумкин. Халил Султон ётган жойлари нурга тўлгур Султон Соҳибқирон қайтишларидан сўнг бир ойдан кейин

Самарқандга етиб келди. Бу пайтгача у амирлар Худойдод ва Бурундуқлар етакчилигида ўзини ҳукмдор эълон этган эди. Унинг ёнида фақат ҳозирги бош малика Шод Мулк бўлган. Сиз зоти олийлари каби Халил Султонни ҳам ўн йил тарбиялаган Сароймулкхонимдек буюк бибини Кўксаройга йўлатмаган Шод Мулк амирзоданинг онасини ҳам бошига чиқариб қўймаса керак. Фикри ожизимча, малика Хонзодани бу ишларда айбламоқ инсофдан эмас. Мободо айби гуноҳи бўлганда у фарзанду аржумандингиз амирзода Муҳаммад Жўгийни олиб ҳузурингизга келмаган бўлур эди, – фикрини баён этди Дизакий.

– Хў-ўп, ўғли бошлаган ғавғода йўқ экан, нега шу пайтгача амирзодамиз ва маликамизни олиб келмай, биз билан сичқон-мушук ўйнадилар? Шу ишни олдинроқ амалга оширсалар бўлар эди-ку? Менимча, маликанинг ўғли билан тили бир, – иддаоли эди амир Барлос.

– Ҳар қандай онаизор не қадар ноҳақ бўлса-да, фарзандини ҳақ деб ўйлайди ва унинг тарафини олади, муҳтарам амирим. Буни тушунмоқ ва бу ҳолат учун маликани айбламаслик керак, назаримда. У ҳеч қачон ўғлига қилаётган ишинг хато дея айтмайди, айтолмайди. Маликамизнинг ўрниларида бошқа бир она бўлганда ҳам шундай қилиши мумкин.

– Мироншоҳ мирзони ҳам учоворадан чиқарган шу аёлдир, Шарофиддинбек биродарим. Мен бу қавми қўнғироту жўчига ишонмайман.

– Шунинг учун улар ҳам бизга ишонмайдилар. Бу ерда қабоҳат мирзо Мироншоҳ ҳазратларининг ўзларида. Агар ул кишим бу каби хатти-ҳаракат, гап-сўзларга имкон яратмаганларида эди, табиийки, сиз айтгандек учоворадан чиқарилмас эдилар. Амир Соҳибқирон ҳазратларининг ўз авлодлари ҳақидаги қарорларини муҳокама этмоққа ҳеч биримизнинг ҳаққи ҳуқуқимиз йўқдир. Бундан буёнги муаммо ва масала шундан иборатким, амирзода Халил Сул-

тон қиблагоҳлари каби хатоликларга йўл қўйиб, абгор бўлмасинлар. Усиз ҳам валиаҳд Пирмуҳаммаднинг қатли ва мирзо Умар бугун бошлаб турган исён хайрли келажақдан башорат этмаётир. Шундай қалтис бир вазиятда маликанинг Ҳирот саройига ташрифи ҳамда амирзодамизнинг келтиришларини хайрларга васила ўлсин дея қарашимиз керак. Зотан, ҳар ишда бир хайр бордир. Фақат уни тўғри илғаб, тўғри йўналтириб, тўғри истеъфода этмоқ керак. Сулҳу омонлик истаганлардан яғий ясашга уринмаслигимиз лозимдир. Халил Султон ҳам подшоҳ амакиси ҳузурига ўз волидасини бежизга юбормаган бўлса керак. Ҳар қандай ҳолатда маликанинг остонангизга бош уриб келишини хайри аломатдан дарак ўлароқ қабулламоқ лозим.

– Амирзодамизнинг оёқлари борган сари бир этикка тиқилмоқда. Устоз сотқинлар Шайх Нуриддину Худойдодлар иқтидор, мулки давлат соҳиблигидан дам уриб, аллақачон амирзодамиз билан ҳисоблашмай қўйганлар. Балки шулардан чўчиб, Ҳирот саройининг об-ҳавосини билиб келмоқ учун оналарини юборгандир? – ҳамон фикрида қатъий эди темурий амир. – Амирзодамиз лашкарига бобо хазинасини тарқатиб бўлган куни салтанатининг шоми келадиганга ўхшайди. Қора турклар ҳадя, улуфаю маошларни олиб, Хоразму Кермон томон қуён бўлганидек, қолган навкарларининг аҳволини ҳам кўрасиз. Оқибатда бошкент Шайх Нуриддиннингми ёки амир Худойдоднингми ҳукмига киради, – гаплари дадил эди амирнинг.

– Кўчада ётган ҳокимиятга сўқоқдагилар эга чиқадилар, – деди Дизакий ва амир суҳбатини тинглаш давомида юз ифодаси ўзгарар экан. – Биздаги билгиларга қараганда, мусофир маликаамизнинг бошкентдаги сиёсий ўйинларда жиддий иштироки кўринмайдир. Бу фаолият айни замонда бош малика саналмиш аёлга тегишлидир. Мен ҳам, Халил Султон ҳам ўн ёшлигимизга қадар буюк биби-

миз тарбияларида вояга етганмиз. Онаси қила олмаган, қилмаган ғамхўрлигу хизматларни кўрсатган кишини саройнинг ертўласифат бир хонасига элтиб қўйиш... Билмадим, бу ҳаракатни қандай баҳоламоқ керак? – асабийлашди Шохруҳмирзо. – Майли. Сизларга ижозат. Мен малика ва амирзода ила кўришиб, Самарқанддаги сўнгги янгиликларни эшитиб ўрганай. Оқшом усти учрашиб, эртанги юриш режасини муҳокама этамиз, – дея олим ва амирга кетмоққа рухсат-этди подшоҳ. – Сиз исёнчи амирзода ҳақидаги сўнгги билги ва хабарларни ўрганинг, амаки, – амир Нуширвон Барлосга таълимот берди султон.

Тахтга оғир чўкканча ўйга толган Шохруҳсултон саропардага она малика Хонзодабегимни даъват этишни буюрди.

Макон, замон чексизлиги давом этар, ғариб ва бенаво дунё тенгсизлиги давом этар, тонг отар, кун ботар умр елдек ўтар эди...

## МУҶДАРИҶА

Биринчи боб .....	3
Иккинчи боб .....	17
Учинчи боб.....	25
Тўртинчи боб .....	35
Бешинчи боб .....	46
Олтинчи боб .....	55
Еттинчи боб .....	63
Саккизинчи боб .....	73
Тўққизинчи боб .....	85
Ўнинчи боб .....	102
Ўн биринчи боб .....	115
Ўн иккинчи боб .....	134
Ўн учинчи боб .....	143
Ўн тўртинчи боб .....	155
Ўн бешинчи боб .....	168
Ўн олтинчи боб .....	178
Ўн еттинчи боб .....	190
Ўн саккизинчи боб .....	201
Ўн тўққизинчи боб .....	221
Йигирманчи боб .....	223
Йигирма биринчи боб .....	247
Йигирма иккинчи боб .....	271
Йигирма учинчи боб .....	291
Йигирма тўртинчи боб .....	305
Йигирма бешинчи боб .....	317
Йигирма олтинчи боб .....	334
Йигирма еттинчи боб .....	357
Йигирма саккизинчи боб .....	380
Йигирма тўққизинчи боб .....	405
Ўттизинчи боб .....	432
Ўттиз биринчи боб.....	448

**Адабий-бадий нашр**

**Нурали ҚОБУЛ**

# **ҚИСМАТ ҚИЛИЧИ**

*Тарихий роман*

Масъул муҳаррир: А.Қоржовов  
Муҳаррир: О.Қанаев  
Тех.муҳаррир: Г.Курбанбаева  
Бад. муҳаррир: Р.Ташматов  
Саҳифаловчи: Н.Мирзаматова



Босишга берилди 12.06.2017. Қоғоз бичими 60x84 1/16  
“Arial” гарнитураси. Нашр босма табоғи 29,0  
Адади 3000 Буюртма №34

«IJOD-PRESS» нашриётида нашрга тайёрланди.  
Нашриёт лицензияси: АИ №270

«Dizayn-Print» МЧЖ ЎИЧК босмахонасида чоп этилди.  
100054. Тошкент шаҳри, Чўпон ота кўчаси, 28-а уй.  
Email: dizayn-print@mail.ru

23,200 c/s.

Турон ўлкаси, турк эллари кечмиш тарихининг бир ярим асрлик олтин даври ёрқин бадий бўёқларда акс этган “Темурийлар” эпопеяси мутолаасида давом этинг!



“Темурийлар” эпопеясининг навбатдаги жилдлари:

“Салтанат тулпори” - X

“Султон қаршисидаги шайтон” - XI

“Аросат ва фаросат” - XII

“Қалб қасрининг султони” - XIII

ISBN 978-9943-994-49-2



9 78 9943 9944 92